


*Тоҳир Малик*

# ШАЙТАНАТ



Central Library (UWED)



00035764




*Тоҳир Малик*

# ШАЙТАНАТ

Қ ис с а

*Биринчи китоб*



ОПИСАНИЕ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 1998

253 4

Мусаввир ХУРШИД ЗИЕХОНОВ

Мұхаррір ЗЕБИНИСО АҲМАДАЛИ ҚИЗИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَقَالَ الشَّيْطَنُ لَمَا قُضِيَ الْأَمْرُ إِنَّ اللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعْدَ  
الْحَقِّ وَوَعَدْتُكُمْ فَأَخْلَقْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِنْ  
سُلْطَانٍ إِلَّا أَنْ دَعَوْتُكُمْ فَاسْتَجَبْتُمْ لِي فَلَا تَلُومُونِي  
وَلَوْمُوا أَنفُسَكُمْ مَا أَنَا بِمُصْرِخٍ حُكْمٍ وَمَا أَنْتُمْ بِمُصْرِخٍ  
إِنِّي كَفَرْتُ بِمَا أَشْرَكْتُمُونِي مِنْ قَبْلِ إِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ

أَلِيمٌ (سورة الإبراهيم ٢٢ - آيت)

”شيطان غالب ، جان بিраде شاشديим منا“

احمد يسوي

Бисмиллохир Роҳманир Роҳийм.

Яратганга минг-минг шукрлар бўлсинким, Сиз — азизларга айтмоқ учун дилимга яна бир гап солди. Оллоҳнинг узидан мадад сўраб, қулимга қалам олдим. Умид шулки, айтар сўзларим сизларни бсфарқ қолдирмас...

Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандаларига «шайтон йўлидан юрманглар», деган. Надоматким, ҳақ йўл

<sup>1</sup> Маъмуи будир: «Қачонки (бу) иш тугагач (яни жашнат аҳли жанинатга саюнор бўлиб, дузахийлар дузахга ҳукм қилингач), шайтон леди: «Албатта Оллоҳ сизларга ҳақ наъда килган эди. Мен эса (слгои) наъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингизуда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илlo мен сизларни (куфра) йўлига чақиришим билан (ок) ўзингиз менга итоат этдингиз. Энди менни эмас, узларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга срдам бера олмайман, сизлар ҳам менни срдам бергурини эмассиз. Албатта, мен сизлар илгари (Оллоҳга) менни шерик қилингизиз инкор қилурман. Албатта, золимлар (яни коғирлар) учун аламли азоб бордир...» («Иброҳим» сурасининг 22-ояти.) (Алоуддин Мансур таржимаси)

«Шайтон голиб, жон бсрарда шошдим мано».

Аҳмад Яссавий

турганида шайтон йули бизга дурустроқ күриниб, шу томон оғамиз. Оқыларимиз яхшилик эмас, зулм сары юришни маъқул куради. Пешонамиз деворга ўрилганда эса, «шайтон йўлдан оздириди», деб кўксимишни доғлаймиз.

Шайтон ҳам киши билмас улуг қудрат эгаси. У ҳасад, риҷ, жаҳолат, разолат, хиёнат, газаб, шаҳват, сафоҳат, хасосат, анонийят, намимат, кизб, зулм, тама салтанатларининг сultonи. Унинг салтанати қургоқчиликни билмайди — у эккан уруғларга Сиз билан биз сув бериб, ўзимиз англамаган ҳолда холис хизмат қилиб ётамиш. Шу боис унинг салтанатида қадалгаҳ ҳар бир уруг ниш бериб, униб чиқади, усиб, мева тугади...

Ён-агрофимизда шайтон салтанатининг фуқароси кўпми, ё иймон ва виждон сўзига итоат қилгучи тобунларми? Албатта, шайтонни снга олганлар қўп. Аммо шайтон йулидагилар кўзимизга кўпдай кўринаверади. Чунки улар эккан ёмонлик дарахти тез шохлади, мул мева беради. Мен шу ёмонлик дарахтининг илдизини излаб топарман, деб яна сизларга мурожаат этяпман, вақтингизни оляпман. Уни топмоқча бир одамнинг акли қосирлик қилмоги аниқ. Кўплашиб фикрлашайликчи, иншооллоҳ, тўғри хулоса чиқариб олсак.

Ҳаёт турфа ранг. Кузни яшнатиб, дилга қувват бергучи чиройли ранглар ҳам, қўнгилни вайрон қилгучи қора ранг ҳам бор. Авваллари қора рангни ишлатишга оир томондан ижозат, иккинчи томондан журъат йўқ эди. Қоранинг снода албатта оқ, пушти, зангори... ранглар булиши шарт эди. Замон берган эркинликдан фойдаланиб, турмушимизнинг қора кўчаларига киришга жазм этдим. Ёзганларимни ўқиб, чор-атроф зимиштон-ку, деб ваҳимага берилманг. Ёргунда барча яхши нарсаларни куриб турамиз. Қоронгида эса курмаймиз. Uriлиб, сурилиб, қоқилиб юрамиз. Алқисса, ёргун куннинг қадрига стмоқ учун қоронгуликни ҳам куриш лозим эмасми?

Асарни охиригача ўқий олсангиз, бунга сабрингиз ва вақтингиз етса, бир қанча одамлар билан танишасиз. Улар балки қўшнингизга, балки дўстингизга, балки қариндошингизга ухшаб кетар. Шу ҳол юз берса, «Фалончини ёзибдилар» деб юрманг. Бу шунчаки тасодифий ухашликдан бошқа нарса эмас.

Ҳеч бир инсон ёмонлик учун яратилмайди. Инсон дунёдан лаззатланиш, бу дунё синовларидан утиш

учун келади. Одам срда юради. Шоир Асқар Қосим айтмоқчи:

*Самодаги тузоқ нима билмагай,  
У ҳеч кимга итоат ҳам қилмагай.*

Афсус, оёклар остида тузоклар күн. Бу тузоқ одам боласининг ҳаёт йўлида ҳал қилувчи восита ҳам булиши мумкин. Мен асарда сизга ҳамроҳ бўлгучи фуқароларнинг айримларини аввалдан таништирай. Шу мақсадда бироз ортга қайтишимизга тўғри келади.

### ЭЛЧИН

*1978 йил, 8 сентябрь.*

У момик булутлар устида сархуш сузарди. Бирдан булут чоки сўклини, пастга қараб шўнгиди. Юраги шув этдию кўзини очди. Чиндан ҳам булут устида сайд қилардими, чиндан ҳам пастга шўнгидими — дафъатан идрок этолмади. Ҳаёлини жамлашга уринди. Куриб тургани — нақш билан бозатилган шифт — демак, уз уйида. Ажаб, уйга қачон, ким билан қайтди экан?

«— Мен ҳазил уйин деб уйлабман...  
— Қиморда ҳазил бўлмайди, эркак.  
— ...Тулайман... фақат бугун эмас. Бир-икки йил ичида.

— Пулни-ку, тўларсан-а, хотининг-чи? Хотинингни ҳам тикворгансан-ку».

Бу хирилдоқ овоз бошига гурзи булиб урилиб, сапчуб тушди. Бесихтиёр:

— Ноила! — деб бақирди.

Жавоб бўлмади. «Олиб кетишдими?!» деган фикр вужудини парчалаб ташлади. Бу сафар жонҳолатда бақирди: «Ноила!!!» Айвондаги қафасда мудрасттан тутикуш патирлаб, бир чуғурлаб қўйди-ю, тинчили. Ташқарида ит улиди.

У сесканиб, атрофга олазарак бўқди: унг томондаги етот әшиги қия очиқ. Ичкарида чироқ сник. Ноила ёлғиз қолган тунлари чироқни ёқиб ётарди. «Уйда экан...» — шу фикр унинг парчаланганди вужудига жон қайтарди. Эшик томон юрди. Остона ҳатлади-ю, тошдай қотди: икки кишилик каравотда, умрининг энг ширин дамлари ўтган уринда Ноила сочлари паришон ҳолда ётарди. Агар чойшаб қонга беланмаган, чап кўк-

рагига пичоқ қадалмаган бүлганида уни ширин уйқуда деб уйлаш мумкин эди. Ачомлашган узун киприклар пастки қовогига соя ташлаган, бсжирим лаблари қимтилган, қалдирғоч қанотидан нусха олган қошлари эса таранглашган. У ҳозир хотинининг на кипригига, на қошига қарайди. У ҳозир Ноиланинг буйни, бақбақлари тишланганини ҳам күрмайди. Унинг кўзи ҳозир кукракка қадалган пичоқда. Дастаси кийик шохидан ишланган пичоқ жаёндан сақланар эди. Уни ким олди? Ким Ноиланинг кўкрагига санчди?

У бир исча дақиқа телбаларча турди. Сунг, эси узи га келгач, шошилиб бориб кўкракдаги пичоқни сугуриб олди...

АСАДБЕК

1949 йил, 31 дескабр

Тонгга яқин онасининг инграётганини эшилди. Кейин отаси нимадир деди. Танча совуб қолган, бадани совуқдан жунжика бошлаган эди. Оташкуракни олиб кулни титиб қўйса-ку, олам гулистон, аммо эрин чоқлик совуқдан устунлик қилди. Бу юмушни эрталар онаси бажарар эди. Учовлон танчанинг уч томониди ётишарди. Ҳозир онаси нариги уйда инграяпти, отаси нимадир десити. Совуқ уида нима қилишяпти экан?

— Уйгондингми, тойчоқ? — деди дадаси остоңада туриб. — Турақол, аянгни касалхонага ташлаб келаман. Бугун қорбобо сенга ҳам чана, ҳам ука олиб келадиганга ухшайди. Сен яхши бола булиб утириб тур.

Аяси дадасининг қалин ёқали катта оғир пальтосини кийиб олибди. Унинг назаридаги аяси пальтонинг оғирлигидан қийналиб инқиллаётганга ухшарди. Аяси танча олдида тұхтади. У турди. Аяси уни упиб, йиглади.

— Дадаси, танчанинг чүғини очиб қўйинг. Тойчоғингиз совқотибди, — деди. Дадаси энгашиб, кўрпа-нинг бир томонини кутарди-да, кулини титиб, чўғни очди.

Кейин чиқиб кстишди.

У жойига ётди. Аввалига ёлғизликдан бироз қўрқди. Сунг ухлаб қолди. Бу сафар ошқозони таталаб уйғонди. Сандал устини қоплаб турган турт бурчакли катта патнисда бир бурда нон, бир сиқим туршак бор

эди. Туриб, ювинишга эринди. Қулини чүзіб нонни олди.

Кұча томондан болаларнинг құвноқ қиійқириқлары келди. Нон билан туршакни сб булғунча «күчага чиқсам дадам уришадилар», деб үзиге узи суз бериб үтириди. Қорин ғами бироз аригач, дик этиб үрнидан турдю аяси тикиб берган пахталикни әгнига илди.

Ана шу пайтда күча әшиги очилиці, иккі киши кириб келди. Айвонға чиқиб оසқларини тан-тан уриб, қорни қоқишиди. Сұнг әшикини очиб таңчали уйға киришди.

— Уйда ким бор? — деб сұради паст бүйли киши.

— Отанғ қасерда? — деб сұради новчароги.

— Дадам аям билан кетдилар.

— Қаңқа?

— Ука олиб келгани.

Улар бир-бирларига ғалати қараб олдилар.

— Жойингда қимиrlамай үтири, — деб буюрди паст бүйли киши.

Құрқиб кетганидан қимиrlашға ҳам ҳоли қолмади. «Булар үгри, яхши ҳам нонни сб қўйганим», деб үйлади.

Улар этикларини счмай, эски кигиз устида из қолдириб, токта томонға үтишли. Китобларни титкилашибди. Кейин сандиқни очишибди.

У титрай бошлади.

— Танчага үтири, — деб буюрди паст бүйли киши.

У совуқдан эмас, құрқұдан титраётган эди. Танчага үтирганда ҳам қалтироғи босилмади. «Ҳеч нарса тошишомаса, мени үлдиришади», дсан хәслга келиб, йиғлаб юборди.

— Нимага йиғлаяпсан, құрқаяпсанми? — дсди новча одам.

Тили гапга келмай, бошини ирғади.

— Қурқма, биз үгри эмасмиз. Биз халқни үгри, муттаҳам, душманлардан ҳимоя қиласынан одамлармиз. Сенинг отанғ ҳам душман. Оддий эмас, халқ душмани!

— Болага бу гапларни гапирманг, фойдаси йүк.

— Фойдаси бор. Билиб қуйса чакки бұлмайди.

Тинтүв тугагач, биттаси патнисни суриб қўйиб, курси устига, иккинчиси дәраза токчасига үтириб, папирорс тутатди.

Улар узоқ кутишибди. Ниҳоят, күча әшиги оғзида дадаси куринди. Қулида чана! У суюнганидан иргиб ту-

риб, ташқарига югуриб чиқиши ксрак эди. Аммо үрнидан жилолмади. Ўғлининг пешвоз чиқмаганидан дадаси ҳам ажабланиб, «Тойчоқ, уйдамисан?» деб қўйди. Эшикни очиб, танчали уй ичкарисига бир одим ташлади-ю, ҳайратланиб тухтади.

— Сиз қамоққа олиндингиз, — деди паст бўйли одам, унинг орқасига утиб.

— Халқ душмани сифатида, — деди новча одам, унинг рўпарасига турғиб олиб.

Дадаси индамади. У: «Дадам иккаласини уриб-уриб кучага отворсалар эди», деб жуда-жуда истаган эди. «Нимага урмаяптилар, кучлари стмайдими? Мен борман-ку!»

— Дадамга тегманг! Тегманг дадамга! — дафъатан келган ҳайқириқни тухтата олмади. Ирғиб туриб узун бўйлининг слкасига тирмашди.

— Жим бўл, илонвачча! — у шундай деб итариб юборди.

— Болага тегманг! — деб бақирди дадаси.

— Булди, томоша тамом, юр, — деди паст бўйли одам.

— Биродарлар, — бу сафар дадасининг овози титраб чиқди, — ахир бугун янги йил, ўғлим Ըғлиз. Эртага тонг саҳар айтган срингизга үзим стиб бораман.

— Мумкин эмас, юр.

Дадаси уларга бошқа ялинмади. Фақат: «Ўғлим билан хайрлашиб олаи», деб изн суради. Рухсат теккач, уни бағрига олиб, юзини юзига босди. Шунда юзига дадасининг куз ёши тегиб, у ҳам йиғлаб юборди.

— Йиғлама, ўғлим, Жалил ўртогингниги чиқиб утир. Мен эрталаб қайтаман. Аянг сенга ука олиб келади. Отини Самандар деб қуямиз. Эсингдан чиқмасин — Самандар!

Дадаси шу кстганича қайтмади.

### ЗОҲИД

1980 йил, 10 июн.

Улар тўрт киши эдилар. Ака-ука уларга бас ксломасди. Қочдилар. Куча узун, гўё адоксиз эди. Ҳаммаси худди тушдагидай кечди жонҳолатда тез югурмиз дейдилару югуролмайдилар — қочоқлар билан қувлоқлар орасидаги масофа тобора қисқаради. Ана, уч қадам қолди... икки қадам... Орқадагиларнинг

хансирашлари яққол эшигтилади. Сүнг унг чаккасига орқа томондан мушт тушди. Оෂқлари чалишиб, мувозанатни ушлолмай қолди — мункиб бориб дераза токчасининг қиррасига калласи билан урилди. Кузлари тиниб, аъзойи бадани бушашди. Шу аҳволда эканида акасининг иҳраганини эшигти. Кейин акаси жони борича бақирди:

— Зоҳид, қоч!!!

У ҳам «ака, қочинг!» деб бақирмоқчи эди, овози чиқмади. Фақат лабларини аранг қимирлата олди.

Касалхонада узига келиб, булган воқсаларни эслади: шанба оқшомида ака-ука дарсдан чиқиб, қишлоққа қайтдилар. Онаси тандирга гўзапоя қалаб, нон ёпишга ҳозирланарди. Совчилар ишни пиширишган, эртага қизнинг уйида нон синдирилади. Қарабсизки, ёзги имтиҳонлар оғлаши билан туй бошланиб турибди-да. Ака-ука эртага буладиган шодликни билишса ҳам билмаганга олишади. Фақат ука айёрглик билан кўз қисиб, акасига қараб қўяди.

— Ўртоқларинг келиб кетишди. Афзалинг ҳарбийдан қайтибди. Ўша срда утиришаркан, — деди она булажак күсвга меҳр билан боқиб.

Ака уша ёққа отланди.

— Ҳай, ўртоқларингга қушилиб иҷмагин-а! — онаси шундай деб уни ҳам акасига қушиб месҳмондорчиликка юборди.

[Журалар қучоқлашиб куришдилар.] Бир қучани чангитиб улғайган йигитлар фотиҳа тўйидан дарак топишган, улар учун Афзалинг ҳарбийдан қайтгани бир шодлик бўлса, улфатларидан бирининг бўйдоқлик қурғонини бузиб уйланаётгани ун шодлик эди. Чин шодлик шишалар бушатилгунча экан. Бир-бировларига битта гап кам, иккитаси ортиқча даражага стишгач, барчаси унутилди. Акасининг қайси гапи журабошига ёқмади — у эслолмади. Зиёфат тугаб, кучага чиқишиди. Ана шунда журабоши:

— Ҳали нима девдинг, қуруқ! — деб ёқасига ёпишди.

Акаси ҳам ҳайрон. Нима дегани эсида йўқ. Уларни ажратиб қўйишиди. Ака-ука тинчгина қетишаётган эди. Йўл яримлаганда орқадан тўртталаси қувиб келди...

...Фотиҳа тўйига атаб ёпилган нон жанозага келгандар учун ёзилган дастурхонга қўйилди. Мурда ювиладиган уйга гуллар сочилди. Чимилдиқ тутилди...

Бу пайтда у касалхонада хушсиз ётарди.

Түртта эди улар. Қора курсида эса ёлғиз журабоши утирибди. У ақа-ука билан муштлашиб, «бсхос уриб үлдириб қўйибди». Жиноят қасддан қилинмаган. Давлат қораловчиси ҳам, оқловчиси ҳам шу фикрда.

Судхонага акасининг суратини олиб киришди. Журабоши йиглаб туриб, суратни олиб қўйишни илтимос қилди. Гувоҳлар ҳам утиниб сурашди. «Ҳа, буларда иисоф бор экан-ку», деб уйлади. Лескин жураларниң барчаси ёлғон гапиришди. Марҳум хотираси ҳам булғаниб ташланди. Тўртовлон акасини урастганда мард эди. Энди, жавоб бсришга кслганда номард кимсага айланишди. Жон ширин экан. Шу ширин жон учун хоинлик қилиш осон экан, жуда осон экан.

\* \* \*

Баён қилганим — уч воқса уларниң ҳаётидаги алғов-далғовнинг бошланиши холос. Шу воқсалардан сўнг уларниң аҳволлари нс кечди, бошларига яна нс савдолар тушди?.. Ана энди муқаддимани яқунлаб, асосий муддаога ўтсак бўлар.

Асарни сўнгги нуқтасигача ўқиб чиқишингизда Яратгандан Сизга сабр тилайман.

Ассалому алайкум ва раҳматулилоҳу ва баракотуҳ.

І Б О Ъ

1

Кишлоқда тоңгни хўроzlарниң қичқириғи, қушларниң чугури, ниҳоят, эшакнинг ҳанграши уйготади. Руҳий хасталар шифохонасида эса деразаларига темир панжаралар маҳкамланган хоналардаги жинниларниң ҳайқирган овозлари тоңгни бир титратиб сўнг уйготади. Янада аниқроқ айтсак, бу овозлар шомдан тоңгга қадар тинмайди. Бу бақириқлардан бузор бўлган тун бу срлардан тезроқ қочмоқ истайди. Учинчи қаватдагилар туннинг ожизлигию ўзларининг қудратларидан масрур — гўё улар тоңгни уйготиш учун бетиним хизмат қилиб чиқадигандай. Анвар буни биринчи келган куни ёқ фаҳмлаган. Гаплари алмойи-алжойи одамлар билан ҳамхона бўлгач, «чиндан ҳам менинг эсим оғганми?» деб уйлади. Унга меҳрибонлик кўрсатгандарниң чин мақсадини англамоқ ниятида хаёл-

нинг турли кучаларига кириб чиқди. «Мехрибон»лар сафининг бошида «халқ отаси» тургани аниқ. Умрини мақтov эшитишу чиройли қиз-жувонлар билан айш қилишга тиккан идора бошлигиниң Холидий эмас, балки киноя билан «халқ отаси» деб аташ расм бўлган эди. Холидий «халқ отаси» деган сўзни эшитганида заррача ранжимасди, Балки унвон сифатида қабул қилишга кунканди. Аниқроги, бу «унвон» унга жуда хуш ёқар, вақт утган сайин чиңдан ҳам халқ отаси эканига ишониб борарди. Холидий хорижта кўп сафар қилгучи эди. Агар тугмас хотинлар делегацияси чет элга борадиган бўлса ҳам бу одам рўйхатнинг бошида турарди. Мабодо рўйхатга кирмай қолса, «ахир мен ҳам тумаганманку», деб даъво қилишдан тоймас эди. Сафардан қайтгач эса; албатта идора ходимларини тўплаб, бир неча соат давомида хотираларини сўзлаб берарди. Халқ тарихини ўрганиши лозим бўлган илмгоҳ асосан Холидийнинг хизматини уташ билан машғул эди. Навбатдаги сафардан қайтган Холидий хотирагўйликларнинг бирида «мажлисдаги ажнабийлар нутқимни эшитиб, «сиз оддий олим эмас, халқнинг отаси экансиз!» деб олқишлиашди» деб бир яйради. Бу гапни эшитиб Анвар «шу одам ота бўлган халқнинг падарига лаънат!» деди. Ёнидаги ҳамкаслар аввалига бу бурама гапнинг магзини чақишимади. Кейин тушуниб қолиб, кулиб юборишиди. Шубҳа йўқки, Анварнинг гапи Холидийга стиб борган. Бироқ, уни жиннихонага юбориш учун бу гап кифоя эмас. Холидийнинг шогирди диссертация ёқлаётганида Анвар бу илмий иш эмас, луттивозлик деб фикрини исбот қилишта уринган эди. Унинг гапларини барча маъқуллаган, лекин уни ҳимоя қилмаган эди. Диссертация яхши баҳо олди. Холидий истаса Анварни уша куниёқ ишдан бушштар эди. Бунақа идораларда «штат қисқариши» деган гаплар булиб туради. Анвардай чўрткесар олимнинг баҳридан утиш Холидийга чут эканми? Лекин у Анварни ишдан ҳайдамади. Яхши муомалада булиб юраверди. Яхши муомаласини дариг тутмаган ҳолда жиннихонага жунатди. Аммо нима учун бундай қилди — Анвар учун ҳам, унинг атрофида гилар учун ҳам сир эди. Анвар биринчи кечада шу жумбоқча жавоб топишга ҳаракат қилди. Уша кеча учинчи қаватдан тараляётган овозларни эшитиб, юраги сиқилди. «Мени бу ҳаваскор жиннилар хонасига келтиришга куч топган одамлар учинчи қаватга ҳам кутаришга қудрат топарлар?» Анвар тунлари ижод қилиб

ухламас эди. Бу срда эса дам ваҳимаји, дам аянчли овозлардан ухлай олмади. Аввалига даҳлизда юриб чиқди. Ҳамширалар норози булавергач, каравотида шифтга тикилиб ётишни одат қилди.

Бу тун ҳам шу зайлда кесди. Тонгга яқин ўрнидан турди. Даҳлизга чиқди. Ҳамшира стол устига қўлларини қовуштириб, билагини болиш қилиб уйқуга кетибди. У беморларнинг телба-тескари гапларига, учинчи қаватдан келаётган бақириқларга кўнишиб қолган. Эшикнинг ташқари ойнаванд табақасини маҳкам спган, ичкариги табақа — темир панжарага қулғурган — бу ёғи хотиржамлик.

Анвар темир панжарага яқинлашиб, ташқарига тикилди. Учинчи қават ҳам жимиб қолиб, ҳаммаёқни ўлик сукунат қопласа, бу ср янада қахимали бўлса кесрак. Ҳар ҳолда «жиннихона» дсан номи бор. Ҳар ким ҳам юрак бестлаб яқинлаша олмайди. «Мен эсам улар билан бирга яшайман. Биз уларни «жинни» деймиз. Улар-чи? Улар бизни нима дейишар экан?.. Уларнинг кузига биз жинни бўлиб қуринсак кесрак. Бу дунёга қип-яланғоч ҳолда келамиз. У дунёга кетишимизда ҳам ҳеч нарса олмаймиз. Бир одамга икки қулоч сурп кифоя. Ана шу кслиш-кетиш орасидаги бир чимдим умримизда нималарни талашамиз? Бир-биримизга хоинлик қиламиз, ҳасаддан куйиб-енамиз. Ҳатто... улдираимиз! Обру топмоқчи, пул йигмоқчи, шуҳрат орттирмоқчи. Бўламни. Ёлғирошни. Узун чора ниқсанни. Шудауда талтайиб утирганимизда ҳазрат Азроил келадио паттамизни қулимизга тутқазади. Биз — эси соғ одамлар буни тушуниб стмаймиз. Улар — Жиннилар балки шу ҳақиқатга стиб борганлари учун бизнинг кўзимизга руҳий хаста бўлиб қуринишар?» Ахир улар орасида мансаб талашишлар, майшат, ҳасад, хоинлик... йўқ-ку?...»

Анвар шуларни хаёлидан кечириб, юраги тошиб кетди. Темир панжарани бузиб учинчи қаватга чиққиси келди. Панжарани силтаб тортди. Темир шарақлаб кетиб, ҳамширани чўчитиб юборди. У уйқусираган ҳолда шошиб бошини кўтарди-да, атрофга аланглади. Анварни куриб, ўрнидан турди.

— Сизмидингиз? Қурқиб кетибман, — деди.

«Демак, мендан қўрқмайди. Демак, менинг эсим соғ. Бу яхши», деб уйлади Анвар.

— Хавотир олманг. Кслажаги порлоқ ҳаваскор ёш жинниларингиз ором қўйнида жавлон урмоқдалар, — деди у ҳамширага, ҳазил оҳантида.

— Нимага унақа дейсиз! Қүйинг, ҳамма тузалиб кетади, — деди ҳамшира, соддадиллик билан.

— Ҳамма тузалиб кесте сиз ишсиз қоласи<sup>з</sup> Одамларга ҳам қиійин булади. Ким сог, ким жинни — ажратолмай эзилиб кетади.

— Гапларингиз қызық.

— Жинничами?

— Йұ-үқ. Ҳечам унақамас. Сизни нимага чиқариб юборишмаяпты, ҳайронман. Сизга яна янги дорилар буюришибди.

— Күчлироқми? Яширмай айтаверинг. Күчлироқдори буюрган. Кесе бошлиғингизга қараб туриб: «Сизни сүйса етмиш кило гүшт чиқса керак», дөвдим. Қурқанидан күзи олайиб кетди.

— Нимага шу гапларни айтасиз-а?

— Кимгадир қитмирлик қилишим керак-ку? Келлинг, қүйинг, бу гапларни. Дафтарингизга «шу күчлидори билан әмлаб қүйдим» деб белгилайверинг. Буннинг эвазига битта латифа айтиб бераман.

— Яна жиннилар ҳақидами, керакмас.

— Сиз эшитинг, бу янгиси. Хуллас, бир жиннихонада жиннилар тузаладими е йүқми, билмоқчи булишибди. Жинниларни самолётта жойлаб осмонға учиришибди-да, құлларига бүш шишелар тутқазишибди. Бир маҳал қараңса, салонда бир киши үтирганимиш. Бошқалар қани, деб сұраңса, шиша топширгани костишди, дебди. Сен-чи, деб сұраңса: «Нима, мен жинниманми, бугун душанба, магазин ишламайди», дермиш.

Ҳамшира кулиб, юзини честга бурди.

— Агар мени олиб чиқиңса, шартта ташлаб юборар әдим, — деди Анвар.

— Қүйинг-с, — деди ҳамшира. Назарида Анвар чиндан ҳам осмондан үзини ташлаб юборадигандай туюлиб үчиб тушди. — Кириб бироз дамингизни олинг.

Анвар унга маъюс тикилди. У белгиланган дориларни ичмаслик, әмлатмаслик учун ҳамшираларнинг құнглини күтаришга, кулдиришга ҳаракат қиласар әди. Кейин эса үзининг масхарабозлигидан гижиниб, ранжирди. Ҳозир ҳам шундай бүлди. Ҳамширани кулдирди-ю, үзи эзилди. Энди ортиқча гапга ҳожат йүқлигини англаң, хасталар ётогига қараб юрди. «Агар осмонға олиб чиқиңса, үзимни ташлардим, худо ҳаққи, ташлардим. Бу ердан қутулишнинг бошқа чораси йүқ», деб үйлади.

«Сизни йўқлашяпти» деган гапни эшитиб ажабланди. «Ким йўқлаши мумкин? Якшанбадан бошқа кунларда бу срга ҳатто Азроил ҳам киритилмасди-ку?» Табиббошининг хонаси томон юришгач, Анварнинг хаёлига «халқ отасими?» деган фикр урилиб, тұхтади. «Нима ҳунар курсатаркин? Менни бу срдан бүшатадими өчүннің қаватга йўллайдими?»

— Юраверинг, — деди ҳамшира, унинг тұхтаб қолғанидан ажабланиб.

Остона хатлаб ичкари кирди-ю, күзларига ишонмади. Элчин!

Үн йиллик айрилиқ жиннихонада барҳам топар, соғинган күнгиллар шундай жойда қонықар, деб ким үйлабди?!

Анварнинг Элчининга өзгап хатлари жавобсиз қола-верди. У дүстини куриш илинжида ҳатто Учқудукқа ҳам борди. Бироқ, Элчин у билан учрашишни хоҳламади. Кейин уни Сибир томонларга жүннатиши. Анвар: ~~Ошнам мендан қаттиқ хафа экан-да~~, деган хулосага кеслишдан үзга чора топмади. Ана шу дүсти, хатларига жавоб қайтармаган, куришишни истамаган қадрдони жиннихона табиббошисининг хонасида унга жилмайиб қараб турса!

Ҳар ҳолда узок айрилувдан кейинги бу дийдор күришүүт айтарлы ширине көнмади. Элчиннан үтига соғинчи тұла күзи билан тикилар, Анвар эса бу қарашга үзгача маъно бериб, «соғманми өч ростдан жинниманми, шуни аниқламоқчими?» деб үйлар әди. Шу хәсли үзи учун ҳақиқат туюлиб, узини жинниликтек болды:

— Мана, ошна, — деди у кулиб, — шу оромгоҳда давлатнинг текин овқатини сб ётибман. Беш кун ишламаймиз, икки кун дам оламиз. Кслажаги порлоқ ҳаваскор жиннилар юксак онглилик намуналарини курсатмоқдалар. Ҳалигача бирорта дүхтириң сб қўйишгани йўқ, — у шундай деб табиббошига қараб қўйди. — Мен бу срда дунёнинг тузилиш формуласини ишлаб чиқдим. Биргина масала қолди: шу опамни сўйсам, исча кило ғүшт бераркин? Чамамда стмиш кило. Нима дейсан? Калла-почалари бунга кирмайди.

У шундоқ деб дүмбоққина, оппоққина табиббошига күзларини лўқ қылтиб олди.

Элчин унинг бу аҳволига ишониб-ишонмай бироз узини йўқотди. Сунг табиббошига қараб, илтимос қилди:

— Мен ошнам билан гаплашиб олай, малол келмаса сиз чиқиб туринг.

Табиббоши малол келганини яширмай чимирилиб қўйди. Элчин буни сезиб энди қатъи йроқ, буйруқ оҳангиде деди:

— Сиз ҳужжатларни туғриланг, ҳозир кетамиз.

— Мен дарров чиқара олмайман, яхши йигит. Маслаҳатлашиб олишим керак.

— Маслаҳат пишган! — деди Элчин овозини бир парда кутариб. — Асадбек иккита ганини ёқтиирмайди.

Табиббошининг ранги бўзарди. Лаблари титради. Бинойи кийинган, хушсурат бу йигит кириб келганида табиббошининг тош юраги юмшаган эди. Бу қорақош йигит кўзларини сал сузиб қараса, унча-мунча асл зоти дош беролмай қоларди. Олти йилдан бери бевалик нинг тахир ошидан беズган табиббоши учун биргина шундай қараш старли эди. Аммо «Асадбекнинг истаги билан келдим», деган гапдан баданига муз югурди. Асадбекнинг кимлигини, қулидан нималар келишини ҳеч ким билмаса ҳам шу асл билади. Бевалик унвони ҳам унга шу Асадбек истаги билан берилган. Асадбек турган жойда «халқ отаси»нинг сариқ чақачалик қадри йўқлиги ҳам табиббошига маълум. Бу хушсурат йигит, хотинини ўлдириб қамалиб кетганидан кейин ҳам шухрати сўнмаган бу машҳур қўшиқчики Асадбек билан боғлиқ экан, кичкина жиннихонанинг бошлигига тайсаллашни ким қўйибди?! Табиббоши ношул, бефаҳм асллардан эмас эди. Буни дарҳол тушуниб етди. Рангининг бўзаргани, лабларининг титраши газабдан эмас, қўрқувдан эди. У ортиқча гап айтиб юборганини сезди. Ўзини оқлаш, Асадбек истагига зид иш кўриш нияти йўқ эканини маълум қилиш учун гапни бошқа томонга бурди:

— Уртоғингизни билмаган одам ҳозирги ҳазилларини эшитса, ростданам... — «жинни» дэйишга унинг тили айланмади, — ҳалидақа деб ўйлади.

Элчин аслнинг мақсадини англади. «Бу бечора бир ижрочи, дилини вайрон қилиб кетмай», деган фикрда жилмайди, орадан совуқ гап утмагандай ҳазил оҳангиде деди:

— Бу ошнам шунаقا ҳазилкаш. Асли артист булиши керак эди-ку, Худо уриб олим бўлиб қолган. Яна шоирлиги ҳам бор. Эсингдами, Анвар, мактабда «Тумов бўлган ошиқ» деган-шеъринг бор эди. Үқиганда кулавериб ичаклар узиларди.

— Сен ҳам яхши бола эдинг, Худо уриб ашулачи булиб қолғансан.

Анвар бу гапни жуда совуқ оҳангда айтди. Элчин унинг кўзидағи совуқ нурни кўриб, нафаси қайтди. Узини мажбурлаб кулиб, табиббошига тушунтирган булди:

— Бунга гапиринг-у, қочинг. Гапи шунаقا, жонни сугуриб олади. Зур-ді, зўр. Ҳа, сиз ҳужжатларини тўғри-лайверинг.

Табиббоши ҳам зўраки жилмайиб, чиқиб кетди. Ҳоли қолишгач, Элчин гапни нимадан бошлашни билмади. Орадаги сукутни Анвар бузди.

— Мени Худо ургани рост. Лескин сен айтганчал эмас. Олим, балки бироз шоир бўлганим учун урган. Мен бу дунёдан ҳақиқат топарман деб ёрган эдим.

*Шоир булиб түғилмасайдим,  
Кўрмас эдим бунчалар хўрлик...*

— Анвар, қўйсанг-чи, ҳазиллашдим-ку? Шунча йиллик айрилиқдан кейин бир ҳазиллашсам...

— Мен сени соғиндим..~~Х~~атларимга нима учун жавоб бермадинг? Мени кўришни ҳам истамаган эдингми?.. Энди нимага келдинг? Мен сени қутқаришга ожиз эдим. Энди сен мени озод этмоқчимисан? Уна-масам-чи?

— Анвар, ҳатларингга жавоъ бермаи, Учқудуқда куришишга чиқмаганимнинг сабабини бошқа сафар айтиб берай. Мана бу сримда, — Элчин кўкрагини муштлади, — жон қолмаган, зардобга тула. Дардим тўлибтошган, сенга айтмасам кимга айтаман?

— Ноилани сен улдирмаган эдинг. Бунга ~~хамманинг~~ ақли стиб турувди. Сен унинг руҳига хоинлик қилдинг.

— Мен қамоқ муддатини утаб қайтдим. Ўзим чиқарган ҳукм эса ҳали ижро этилгани йўқ. Жазоимни тортиб юрибман. Агар ушанда отишга ҳукм қилишганида биратула қутулар эдим... — Элчин шундай деб хўрсинди.

Анвар унга тикилди: сочларига оқ тушган, мисжлари атрофини ажин босган. Руҳини тетик кўрсатишга интилаётган бўлса ҳам, кўзларидан нур қочган. Қарашларида илгариги жон йўқ...

— Отишганида хоин сифатида улиб кетардинг.

— Жон ошнам, мени қийнама. Ҳозир менга ёрдаминг ксрак.

— Үз күчинг билан мени бу сөрдөн чиқарып кестганингда раҳмат айтадим. Сен бир боши бузукниң марҳамати билан менга озодлик бермоқчи булибсан. Миянг айниб қолибди. Мен ҳали сенге дүнәннинг формуласини топдим, дедим. Бу сен үйлагандек жиннича ҳазил эмас. Чиндан ҳам топғанман. Эшит: ҳақиқат десган нарса бу нүл! Дүнәни күзга чиройли күрсатиб берувчи ниқоб, чойшаб. Үлкенинг устига гулти чойшаб өспиб қўйганинг билан мурда чиройли булиб қолмайди-ку, тўгрими? Ҳаётда ҳеч қандай узгариш йўқ. Фақат чойшабнинг номи узгариб туради. Чойшабнинг ҳозирги номи нима, биласанми? Қайта қуриш!

— Анвар, қўй, бу гапни кейин гаплашамиз.

— Йўқ, эшит, менинг нимадан жинни бўлганимни билишинг керак. Демак, дүнәннинг формуласи: ҳақиқатни икс деб турайлик, — Анвар стол устидаги қоғозни, чиройли қаламни олиб тез-тез ёзди-да, Элчинига узатди. — Мана, қара:

X(ҳақиқат)=хиснат+риє+(ҳасад+очкӯзлик)+адоват+гийбат+нифоқ+шуҳратпарастлик+мансабпарастлик—виждон+иймон+ҳає=0

Элчин қоғоздаги сатрларга узоқ тикилиб қолди. Сунг уни икки буқлаб стол устига ташлади.

— Урисларда бир мақол бор: Американи иккинчи марта кашф этмайдилар. Оддий ҳақиқатни кимга исбот этмоқчисан? Дунёда ҳамма нарса нисбий. Мен фалончига нисбатан инсофлиман, сен эса менга нисбатан, яна бир одам сенга нисбатан инсофлироқ. Ҳар биримиз ҳақиқатни ўзимизча тушунамиз.

— Бизнинг нодонлигимиз ҳам шу тушунчалардан сув ичиб кўкаради.

— Бўпти, сен ҳақсан. Баҳслашган билан қорин тўймайди. Нарсаларингни ўигиштир.

— Мен... кетмайман. Менга шу ср ёқиб қолди.

— Жиннилик қилма.

— Йўқ, шу имкониятдан фойдаланмасам, чиндан ҳам жинни бўламан.

— Бу ишга Асадбек аралашганини билмасанг индамай чиқардинг. Мен атай айтдим. Билиб қўйишинг керак буни... Сени бу ерга жунатган одамга фақат Асадбек бас кела олади, — Элчин шундай деб бошини эгди. Худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек давом этди: — Қайтган кунимоқ сеникига бордим. Үлардай соғинувдим. Сунг... айтадиган гапларим кўп эди сенга.

Мен энди пулга муҳтож бўлмайман. Болалигимизда сен кучли эдинг. Мени ҳимоя қилардинг. Ҳозир бу ҳимояга муҳтож эмасман! У томонда ортирган ошналарим бор. Сен снимда бўлсанг бас. Нафасингни ҳис қилиб турсам бўлгани. Менadolатга сифинай дссам, қайга бораман, ҳақиқатга сифинай дссам, қайга бораман? Эзгуликка-чи? Билиб қўй, мен учун ҳаммаси — сенсан! Ксийн, мен сени бу ҳолда ташлаб қўймайман. Мен хунхўр одамма! Ҳа, Ноилани мен улдирмаганман. Лекин у менинг абллаҳлигим туфайли ҳалок булди. Шунинг учун жазо олишим керак эди. Бу — бир. Иккинчидан, бсгуноҳлигимни исбот қила олмас эдим. Улар бунга йўл қўймас эдилар. Биламан, улим жазосини ушалар бскор қилишган. Менга яхши бир сабоқ беришмоқчи эди. Сабоқ олдим. Лекин улар мўлжаллаган хulosага кслмадим. Энди менинг суратим одам. Аслида эса, мен илонман! Уларни бўғиб қийнайман, сунг қонини сўраман. Мен уларнинг кўзларини ўяман, тилларини сугураман, қулларини синдираман, қулокларига қургошин қуяман. Умримнинг мазмуни ҳам, тотадиган лаззатим ҳам шу! — Элчин хўрсиниб, Анварга қаради. Унинг кўзида өвузлик ўти чақнади. Энди у ёш дилларни вайрон қилувчи «лирик хонанда»га сирасира ўхшамас эди. Анвар унинг сўзларини эшитиб, кўзларига тикилди-ю, бир сўз айтмади. Элчин ундан жавоб кутмай гапини давом эттириди:

— Сен менга ксраксан. Рад этишга ҳаққинг йўқ. Бу дунёдаги умрим ўлчовли, мени ранжитсанг гуноҳга ботасан, билиб қўй.

Анвар жавоб қайтармади. Оғир кулфат тоши елкасидан босиб тургандай буқчайганича утираверди. У дустининг мақсадини тушунди. Асадбек ҳузурига бош эгиб боришининг маъносини ҳам англади. Элчин жонини тикиб, хавфли ўйинга кирган эди. У уч бошли аждаҳони енгиш қасдида чиққан уловсиз, яроғсиз паҳлавон ҳолида эди. Бир пайтлар бу аждаҳо кузига фаришта булиб куринган эди. Анвар «Адашяпсан!» деб уни йўлдан қайтаришга кўп уринди. Аммо ҳаракати зос кетди. Энди-чи? Энди нима қилсин? Яна йўлдан қайтаришга уринсинми? Илгари Элчиннинг кўзлари ожиз эди. Энди кўра-била туриб, улимга рози булиб кетяпти.

Анвар бир қарорга кела олмай доғда эди. Шу боис бошини кутариб ўйчан кўзларини дўстига қадади.

— Сенинг орқангда тог булиши ксрак. Мен... афсус, тог эмасман. Бир тошчаман. Ҳаёт мени эрмак

қилиб уйнаб, истаган пайтда улоқтириб ташлаши мумкин. Менга ишонма.

— Яхши, буни кейин гаплашамиз. Бу ер масала сүқишидиган жой эмас. Тур, лаш-лушларингни йигиштир.

Анвар ҳазин жилмайди.

— Мен кетмайман.

— Истасанг, сени бу срга жунаттирган ит эмгаңларнинг ҳаммасини ҳайдаб келиб, қаршингда тиз чўктираман.

— Бундан нима фойда? Шу билан инсофга келишади, деб уйлайсанми? Ўзингни ҳам, менни ҳам қийнама, огайни.

Элчин тиззасига уриб, ўрнидан туриб кетди.

— Қайсаrlик ҳам эви билан-да... — у бироз жим қолди. Сунг Анварга яқинлашиб, уни слкасидан тутди. -- Ҳеч булмаса бир кунга чиқарсан. Тўйимга борарсан, куєвжура буларсан?

Бу гапдан кейин Анварнинг кузларига инсоф нури қайтиб, юзига қизиллик югорди.

— Уйланяпсанми? Қутлуг булсин. Шуни олдинроқ айтмайсанми? Хуп, бир кунга чиқаман. Кимга уйланяпсан, сир эмасми?

Элчин янгиликни эшитиб қочиб кетмасин, дсан-дек Анварнинг слкасини янада маҳкамроқ ушлади:

— Асадбекнинг қизини оляпман, — деди дўстига тикилиб.

Элчин «жодугар кампирга уйланяпман» дсаннида Анвар бунчалик ҳайратланмас эди. Лескин Асадбекнинг қизига уйланиш!!! Тұғри, Элчин хушсурат йигит, аввалги шуҳрати ҳам унчалик сұнмаган. Энг лобар қиз ҳам унга жон-жон деб тегиши мумкин. Лескин Асадбекнинг қизи?.. Қиз хоҳлаган тақдирда ҳам, Асадбекнинг рози булиши?.. Анвар учун бу ечими оғир жумбоқ эди.

3

Аслида эса бу жумбоқнинг счими унчалик оғир эмас. Ечимга Ноила үлдирилган тунда киришилган булса-да, ҳал қилувчи палла деб 1988 йил 31 дескабрни белгилаш мумкин.

Отасини олиб кетишганидан бери, уттиз биринчи дескабр, насарий ҳисобидаги янги йил кечаси Асадбек учун мотам тусини олган эди. Улғайиб, уйланиб, болачақали булганидан кейин ҳам, атрофида одамлар туп-

ланиб, құдратли күнгө айланғанидан кейин ҳам йилнинг сұнгги кунида әлғиз қолар эди. Бу куни уни үчек ким безовта құлмасди. Аниқроқ айтсақ, бу куни унга бирор юрак ютиб бетлай олмасди. Бу куни у эңг мұхим ишларини ҳам честга йигиштиради.

Олди пешайвон, икки хонали үша эски уйига бориб, чироқларни еқмайды, танчага чұғ ташламай тонг оттиради. Янги йил кечаси унинг эңг сара, эңг содиқ түрт йигити учун ҳам ҳаром эди. Уларнинг иккиси күчанинг у бошида, иккиси бу бошида сергак турарди. Шу тун қор тутул тош өғса ҳам, совуқ минг даражага чиқиб кесте ҳам бу ҳол узгармас эди.

...Асад үша кеч отасининг айтганини бажармади — құшниси Жалилларникига чиқмади. Назарида ҳалиги одамлар ҳазиллашғандай, дам үтмай отаси қайтиб келдигандай туулди... Ана, күча эшик «гийт» этиб очилди. Ана, дадаси ҳалиги икки киши билан бирга қулиб кириб келди. «Қалайсан, тойчоқ! Менинг үглем азамат, ҳеч нарсадан құрқмайды, десам, булар ишонишмай, мен билан гаров үйнашган эди. Синааб куриб ютқизишиганини тан олишди. Қойилман сенга, уларни болладинг!» Шундай деб дадаси уни үпди... Күча эшигига илхақ тикилиб утирганида күзига күриндими е бир зумгина мудроқ снгган чогида шириң түш құрдими — фарқлай олмади. Ҳар ҳолда дадасининг қайтишига қаттық ишонди. Танча совуди. Чироқни еқмади. Құрқмади. Ишонғы құрқуудаң устуң келди. Пигоҳи қоронишик багрини титиб, тимирскиланиб кезді. Ой күтарилғач, ҳовлини қоплаган қор оппоқ оқарыб атрофни сритди. Ой нури синган күзи үрнига қоғоз қолланған дераза орқали уйга ҳам кирди.

Күча эшик эрталабгача қилт этмади. Дадасининг кетиши ҳазил әмас, чинга айланастыган дамда күча эшик очилди. «Дадам!» У иргиб үрнидан турди-ю, эшик оғзида ошнаси Жалилни куриб, үша захоти жойида қотди. Жалил ҳовлига кириб, бир-икки қадам босгач, тұхтаб атрофға аланглади. Унинг бунақа одати йүқ эди. Тұгри уйга кириб келаверади. Ҳозир эса бир нарсадан құрқиб тұхтади.

— Асад!

Жалил ҳовлига кириши билан шундай деб бақириб қүйиб, уйга қараб юради. Бу сафар паст овозда, бирорни чүчитиб юборищдан құрқандай аста чақирди. Жавобни күтди. Сұнг яна үша овозда «Асад», деб қүйди.

Асадбек уртогини куриб йиглаб юборай деди. Баданидан ўтган совуқни ҳам әнди сезди. Құрқұв ҳам әнди искаңжага олди.

Жалил яна чақирди. Жавоб бұлмагач, изига қайтмоқ учун үгирилди. Шунда Асадбек жонқолатда «Жалил!» деб бақирди-да, ҳовлига отылди. Жалил ранглари оқарған, күзлари киртайған, құкарған лаблари титраст-ған уртогини куриб бақрайиб қолди. Кейин югуриб келди-да, құлларини ушлади.

— Совқотдингми? — деди соддалик билан.

Асадбекнинг күзларидан тирқираб өш чиқди. Ҳүнгрраб юбормаслик учун пастки лабини қаттиқ тишилади. Үзидан каттароқ әки зурроқ боладан калтак еса өхуд уйин өғи йиқилиб у ср-бу сри оғриса йиглаб юборарди. Кузда бирданига үн сттита өнгоқни ютқизганида ҳам аламидан йиглаб юборувди. Ҳозир үзини йигидан тутди. Вужудида үзи ҳам англамаган күч уйғониб ундағы йигини бұғди. Ҳозир дадасини олиб кетганиларини, янги йил кесаси қоронги, совуқ уйда бир үзи утирганини айтиб йигласа ҳам уртоги айбламасди, қалака ҳам қилмасди. Бу ҳолатни у кейин, улғайған өғларида күп эслади. Йигини бұға олған қандай күч экан, деб уйлади. Аммо уйлаб үйига ста олмади. Бу гойиб кучи уни фақат йигидан тұхтатмай, ожизлигини ҳам снгган, сирли қудрат ҳам берган эди. Ұша онда у мутелик кишанини үзи билмаган ҳолда парчалаган эди. Шу билан бирга инсон боласига хос әнг покиза түйгуларни қувган ҳам эди. Қоронги кечада унга құрқұв яқынлашмади, лекин митти юрагига әвузлик тухум қўйди. Евзликнинг биринчи овозини уртоги Жалил эшилди:

— Уларни үлдираман!..

Титроқ, йиги аралаш овозда айтилған бу сүзни эшитиб, Жалил құрқиб кетди. Күчада жанжаллашиб қолишиганида «қараб тур, үлдираман сени» деб күп марта айтишған. Үлдириш қанақа булишини билишмас, шу боис ҳам бу пүписадан чүчишмас эди. Аммо Асадбекнинг лабидан учған ҳозирги сұзлар... Булар пүписа эмас, амалга ошиши ҳақ бұлған ҳукм эди...

Ушандан бери янги йилнинг биринчи куни Жалил бу хонадонга киради. Асадбекнинг онаси вафот этган йили уттиз биринчи декабр оқшомида чиққан эди, «мени холи қўй», деб изига қайтарди.

1949 йилнинг 31 декабри Асадбекка «ҳаёт бешафқат, ҳаёт нақ урушнинг үзи, оғзингни очиб лалайғанинг — үлганинг», деган ҳақиқатни ойдин қилиб бер-

ган эди. Ўша куни у урушга кирган эди. Орадан йиллар үтиб, урушда мутлақ голиб булдим, дсган тұхтамга келиб эди. Галабасига ишонган эди. Күтилмаганда мутлақ голиб әмаслиги маълум бўлиб қолди.

Икки кун бурун қизи үқишига кетди-ю, қайтмади.

Йигитлари шаҳарнинг тити-питини чиқариб ҳам топишолмади. Қиз үқишида бўлган, танаффусдан сунг эса дарсга қайтмаган. Стажонадан хафа бўлиб ёки бирон күнгил қўйган йигити билан қочди, деган фараз Асадбек учун беҳуда эди. Асадбек ғанимлари учун тошбагир, фарзандлари учун гоят месхрибон эди. Аммо месхренинг чесгарасини билар, болаларини эркалатмасди. Шу боис қизнинг сингилтаклик билан қадам босишига ишонмасди.

«Ғанимлари билан ҳар күн, ҳар соат олишувчи, ҳар дақиқа бирор фалокат рўй бериши мумкинлигини ҳисобда тутиб яшовчи одам нохуш дамларда тез фикрлаш, тcz хулоса чиқаришга одатланади.» Асадбек ҳам тезда бир тұхтамга келди: унинг ҳокимлиги туздан ясалган қаср экан. Ёмғир ёққан маҳали қасрнинг эриб битишини ҳисобда тутмаган экан. Қизининг үгирланиши (айнан үгирланганига Асадбек шубҳа қильмайди) ана шу ёмғирдан нишон эди. Қизининг үгирланиши яна бир нарсадан — шаҳарда янги тұда пайдо булганидан ҳам дарак эди. Асадбек фақат шаҳардаги эмас, бутун үлкадаги йирик тұдаларни билади. Барча тұдабошилар «Асадбек!» дсганда унинг ҳурматини жойига қўйишиади. «Айримлар эса күрқұдан зир титрашади» ҳам. Асадбекка қарши бирор иш қилиш у ёқда турсин, шаънига мос келмайдиган хунукроқ сўз айтишдан ҳам чўчишиади. Уларга «худо бор», дессангиз, ишонишмас, лекин «деворнинг қулоги бор», дессангиз, ишонишади. Уларнинг назарида дараҳтларнинг, ҳатто үт-уланларнинг ҳам қулоги бор. Тилдан учған ҳар бир ножуя сўз Асадбекка стиб боришини билишиади. Улар Садирқиморбозга ухшаб үлим топишдан кўрқишиади...

...Садирқиморбоз водийда бсли бақувват йигитлардан эди. Бир кечада бир ярим миллион ютиб олиб, катта зисфат берди. Шунда манманлиги тутдими сажал тилини қичитдими: «Асадбекларинг менга қуллук қилиб келсин. Истасам, олдига бир бурда нон қўяман, истасам, суяқ ташлайман», деб юборди. Садирқиморбоз бу сўзларни кайфнинг кучи билан айтди-ю, унугди. Икки кундан кейин кўчаларида асфальт босадиган машиналар, эгнига пушти камзул кийған ишчилар пайдо

булишди. Утган ҳафта у ижроқум раҳбаридан бирига «бизнинг кучага ҳам сон битадими е йўқми», деган эди. Кўчадаги ҳаракатни қуриб, «бизнинг гапимиз ҳам с尔да қолмайдиган булибди», деб ғуурланиб қўйди. Қўни-қўшнилар «пулнинг кучи шу-да, қиморбоз булмаганида кўчамизга ит ҳам, бит ҳам қарамас эди», дейишиди. Узун кўча икки кундан асфальтланди. Уша кундан эътиборан қиморбоз ҳам кўринмай қолди. Қиморбоз «сафар»га кетса, бир-икки ойсиз қайтмас ёди. Буни қўни-қўшнилар ҳам билишарди. Лескин бу гал бенг-олти кундан кейинроқ «қиморбоз ҳеч срда йўқмини», деган мишишлар тарқаб қолди. Ун кундан кейин эса Садирқиморбознинг уйи сотиладиган булди. Унинг хотини уйга харидор чиқишини ҳам кутмай: «Садир акамлар катта шаҳардан жой олибдилар», деб кўч-куронини юклаб жўнаб кетди. Ҳамшираликка уқиб, гурмушига чиққунича бир йилгина ишлаган аслининг катта шаҳардаги жиннихонага бошлиқ булиб қолганини эшитган қўни-қўшнилар ҳайратдан ёқа ушлашиди. Айримлар Й «пулнинг кучи шу-да», деб қўйишди. Шу кўчадан кўп қатнайдиган аравакашлар қиморбознинг уйига яқинлашганда отларининг ҳуркишидан бир нимани сезишиди-ю, аммо «астағфируллоҳ!» деб қўйишдан нарига утишмади. **Ҳаммага ҳам жон ширин-да!** ▲

Асадбскни билганларга шу воқсанинг үзиқ кифоя эди. Унинг қудратига ишонқирамай турғанлар ҳам таъзим қиласидиган булишди. Чунки Асадбек манмансираган ганимдан бу атрофлар учун бутунлай янгича бўлган, фоятда ваҳший тарзда уч олган эди.

Шундай экан, Асадбскка ким қўл кутара олиши мумкин? Қўл кутарганда ҳам пичоқни дуч келган жойга эмас, юракни мўлжаллаб урибди. Асадбек ҳар бир тўданинг имконияти, иш усулини фикр ойнасидан утказиб, «йўқ, улар журъат этишолмайди», деган қарорга келди.

Бу иш тасодифан рўй берган эмас. Пухта ўйланган. Узоқ вақт пайт пойланган. Балки ганимга Асадбскнинг яқинларидан бири срдам бергандир? Қиз куппа-кундуз куни, купчилик орасидан угиранган. Демак, қизи кучага чиқиб, машинага қадар ҳам үзи юриб борган. Қизи танимаган одамнинг орқасидан юриб бормайди. Қизининг дугонаси ҳам ном-нишонсиз йўқолгани маълум бўлгач, Асадбскка калаванинг бир уни кўрингандай эди. Ана шунда Асадбек кейинги бир йил ичида қамоқдан қайтганлар билан қизиқди. Элчиннинг

ҳам қайтганини билиб уйланиб қолди: «Орадан ун йил утибдими? Икки ойдан бери нима қилиб юрибди экан, нима учун мснга рупара келмади? Отувдан олиб қолганимни аниқ билади. Била туриб келмагани қизиқ...» Асадбек йигитларига Элчинни, қамоқдан қайтган яна бен одамни қаттиқ назорат остига олишни тайинлади.

Күнгли нотинч булганига қарамай, уттиз биринчи декабр куни эски уйига қараб кетди.

Асрдан утиб, шомга яқинлашган пайтда куча эшиги очилиб, хотини куринди.

Дадаси ҳам худди шу пайтда кириб келган эди. У эшикни шарт очиб, ичкари кириб, «тойчоқ!» деб суюнчилаган эди... Хотини эса эшикни охиста, худди синдириб қўйишдан авайлагандай очди. Ҳовлига ҳоргин-ҳоргин қадам ташлаб кириб келди.

Дадаси куринганида болалигига бориб, ёт кишиларни бир нафасгина унутиб, иргиб ўрнидан турган эди.

Хотини куринганда эса... тош қотди. Йиссиқ жон осқ-қўлларини тарк этиб, баданига совуқлик югурди. Дастреб ҳағлига «қизим топилибди!» деган хушхабар келди. Аммо бу фикр умри яшин умридан ҳам қисқа бўлди. «Шум хабар келтирган!» — шу фикр унинг таасидан жонни қувиб чиқара бошлади.

Манзура — эрининг кўзига бирон марта бўлсин тик қарамаган, бирон марта бўлсин ишига аралашмаган, «нима қиляпсиз, пулни қаердан топяпсиз» демаган, «вазифам эримни сўйиб-эркалаш, бола туғиб бериш, уйни саришта тутишдангина иборат» деб билган аёл ёстиқдоши учун муқаддас бўлган бу кунда уни бежиз бозовта қилмас эди.

Куча эшикдан айвонгача ун беш қадам, айвон икки қадам. Асадбекнинг назарида Манзура бу йўлни бир неча соатда босиб утгандай бўлди. Аввалига «тезроқ юр!» деб бақириб бермоқчи эди. Аммо совуқ хабарни бир сония бўлса-да, кечроқ эшитганим маъқул, деган яширин уй бунга йўл қўймади.

Манзура остона хатлаб қадам қўйишга журъат этмай, эрига бақрайиб қараб қолди. Унинг қарашида изтиробдан кура қўрқув зоҳир эди. Асадбек у билан салкам уттиз йил бирга умр куриб, бирон марта урмаган, сўкмаган эди. Шунга қарамай хотини ундан қурқарди. Одамлардан Асадбекнинг ёзулиги ҳақидаги гапларни эшитиб юрак олдирган десак, бу овозалар кейинроқ чиқди. Асадбек чимилдиқча кириб келганида унинг кўзидағи утни кургану юраги шув этиб кет-

ганди. Ҳолбуки, у дамда Асадбек кўзида ёвузлик эмас, куёвлардагина буладиган ҳирс ўти мавжуд эди.

Манзурунинг отаси баджаҳпроқ эди. Онаси эса худа-бсхудага қалтак тушиб қолишига қуниги кетганди. Эр зоти хотинини мана шундай ураверади, деган тушунча Манзура онгига сингиб кетган, шу боис эрининг бир кунмас-бир кун қаттиқ дўппослаб қолишидан қўрқиб яшарди. У баъзида узича: «Бунақа қўрқиб кутгандан уриб юборганлари минг марта яхши эди. Қалтак сб уладиган бўлса, онам аллақачон улиб кетардилар», деб қўярди.

Асадбек хотинини бсҳад ҳурмат қиласи, бошига кутариб юради, десам, сизни алдаган бўламан. Асадбекка муҳаббат бегона, десам, сиз ишонинг. Ҳаётдан аламзада юрак кўзлари ёвузлик пардасида тўсилган, муҳаббат отлиг покиза фазилат бундай биқиқ ва қоронги бўшлиқда яшай олмас эди. Лекин шунга қарамай, хотинига бир буюм ёки ўйинчоқ сифатида ҳам қарамас, Манзурунинг ғайрим қиликлари, ишлари ёки маганда ҳам қаттиқ гапирмас эди. Манзурунинг ҳатто «овқат тайёр» дейишга қўрқиб туришидан аччиқланиб, «болаларни ўзингга үхшатиб муте қилиб қўйма» дерди.

Сезиб турибман. Сиз бу гапларимга унчалик ишонмадингиз. Одамни ўлимга ҳукм этганида юраги жиз этиб қўймайдиган Асадбекнинг ўйда мусулмониша булиши сиз учун ғалати туюлиши мумкин. Лекин мен сизга Асадбекнинг онаси ҳақида ҳали сўзлаганим йўқ. Тунгич фарзанди эмаклай бошлаганида эрини урушга кузатган, икки ойдан сунг қора хат олганига қарамай, беш йил йўлга кўз тиккан, оғзим ошга стди деганда эса боши тошга теккан, иккинчи уғлини туғиб чиққанида эрининг қамалганини эшитган, сунг «дада» деб тили чиққан Самандарнинг упкасини совуққа олдириб, Эгамга топширган, ҳар саҳар туриб, самовар қўйиб эрини кутган мушфиқ асл ҳақида кейинроқ сўз очаман. Қани, айтинг-чи, онасининг дардли ҳаётини куриб улгайган одам аёлга қўл кутариши ёки ҳақорат қилиши мумкинми? Шунинг учун ҳам Садирқиморбознинг хотинини слғиз ташлаб қўймади, шунинг учун ҳам Ноилага пичоқ санчган йигитни сургун қилиб юборди, десам ишонарсиз? Ҳозир бу гапларнинг ўрни эмас. Ҳозир Асадбекнинг эски ҳовлиси дамиз. Асадбекнинг ўзи нимкоронги ўйда, хотини эса остоңда турибди.

Асадбек останада туриб қолган хотинига «ишқилиб хүшхабар айтсін» деган илинжда тиқиілди. «Тезроқ гапир!»— деди ички бир ҳайқириқ, «Йұқ, индамай турсын!»— деди бошқа бир овоз.

Эр-хотиннинг бир-бирига унисиз тикилиб туриши учтүрг нафас давом этди. Аммо Асадбекнинг назарида сониялар соатлар каби кесіди. Бсихтиң: «Гапир!»— деди. Бироқ, овозини үзи ҳам эшитмади. Ҳатто тили ҳам музлаб қолғандай ғудиранди. Манзурага бу овоз гойибдан эшитилғандай бұлди. Гапиришта мадор тополмай ютиңди.

Асадбек үзини құлға олишга ҳаракат қылди:

— Топилдими?

Манзура «ха» дегандай баш ирғаб, йиглаб юборди.

— Тирикми?

Асадбек нима учун бундай деб сұраганини үзи ҳам билмади.

— Худога шукр, тирик...— Манзура шундай деб лабини тишилади.

Шу сүз Асадбекка жонини қайтариб берди. Шарт үрнидан туриб хотинига яқынлашды да, уни икки слка-сидан тутиб, силкиди:

— Унда нимага йиглайсан, нимага ваҳима қиласан?

Манзура бошини әгіб, йиглаб юборди. Асадбек, шу пайтгача хотинини чұртмаган одам, тарсаки қүйганини үзи ҳам ссзмай қолди.

— Гапир, десяпман!

Үзини құлға олиш учун Манзурага шу тарсаки ки-фоя эди.

— Менгина үлай... қизингиз... айттолмайман, дадаси...

— Гапир, худди бұғиб ташлайман, — Асадбекнинг овози таҳдидли, бу шунчаки бир пұписага үшшамас эди.

— Қизингизни бир ақвозда ташлаб кетиши...

Асадбек нима гаплигига тушунди. «Бундан кура үлдиришгани яхши эди,— деди үзига үзи, — бу шунчаки тасодиғ әмас. Ким бұлса ҳам мени үтмас пичоқ билан сүйди. Үла-үлгунимча ит азобини тотишимни истаган одам қылған бу ишни. Үч олишни биларкан. Мени үлдириб кета қолғанда лаззат ололмасди. Энди азобда тұлғонишимни күриб, лаззатланмоқчи... Йұ-үқ... چучварани хом санабди. Лаззатлана олмайди. Мен үзим юрагимни сугуриб олиб чайнаб ташлашим мүмкін, лекин у күзларимда азоб учқунини құрмайди. Бу мени жангта чақирдими, демак, курашаман!!»

— Унингни учир! — деди Асадбек дағал овозда. — Уйга бор, овозингни чиқарма. Битта-яримта сұраса... аммасиникида эди, дс.

— Вой... — Манзура эрига ажабланиб қаради. — Аммаси йүқ-ку?

— Ҳе ношуд, — Асадбек шундай деб гижиңди. «Бу лалайған хотин эплаб бир баҳона тополмаса...» — Аммаси бұлмаса... күчада машина сал туртиб кетибди, де, касалхонада экан, де.. Бор... Тухта, ким билан келдинг?

— Жамшид билан.

— Сени ташлаб, Жалилни олиб келсин.

Жалил ҳозир шаҳарнинг кунчиқар томонидаги күп-қават уйда туради. Укалари улғайыб, сиқилиб қолиншығач, Асадбек шаҳар ижроқумига биргина имо билан тұгрилаб берганини узи билмайды. Ишхонадагиларим лутф курсатищди деб қувониб юрибди. Асадбек шаҳар марказидан, гиштли уйлардан олиб бериши мүмкін эди. Бу ҳолда Жалил дарров ссрәкланиб, ҳомийси ким эканлигини англағанда қолар ва бу марҳаматдан, шубҳасиз, воз кечарди. Қайси бир узбек ишчисига шаҳар марказидаги гиштли уйдан насиб этибди — Жалилнинг бунақа икир-чикирларга фаҳми стади.

Жалил шом чоги кириб келди. Асадбек қоронги уйда, писиллаган танчада қунишиб утиради. Дүстининг саломига жавобан бир қараб қўйиб, лом-мим десмай утирган ерида қўл узатди. Жалил Асадбек йўқластеганини эшлитибоқ нохуш воқса юз берганини сезган, «Нимага? Нима булди?» деб утирмай, норин тұграшни ҳам йигишириб, чаққон отланган эди. Ошнасининг қунишиб утирганини куриб, хунук воқеа юз берганига ишонч ҳосил қилди. Шу сабабли ҳам Асадбекдан ранжимади. Бошқа пайт булганида «Азроилнинг қавмидан бұлсанг үзингта, мен билан одамга үхшаб сураш!» деб бобиллаб берарди. Асадбекка бу ёрг оламда шу Жалил бас келиб тик гапира олади. Жалил кези келса отасини ҳам аямайдиган, гапирганда ҳам ҳамиша баланд парда да оладиган тоифадан. Бурни бироз пучук, юзи дума-лоқдан келган, қалин қора қошли бу одам хунук күринса-да, бежирим бурун, бежирим лаб, бежирим юзли одамларга нисбатан истаралироқ эди. Лекин у Асадбекка яқин булгани учун аъёнлар ҳам астойдил уни ҳурмат қилишади, десак адашамиз. Ҳурматнинг сабаби

бошқа: ҳаётнинг қалтис уйинларида иштирок этаётган, ҳамиша тиг устида юриб, эртага кимнинг қаҳрига учрашию кимнинг фатвоси, кимнинг қули билан умрлари га нуқта қўйилишини билмай ҳамиша хатарда яшайдиган аъёнлар бу бсгубор одамнинг рост гапларини эшитганларида узларини дунё ташвишларидан бироз фориг бўлгандай ҳис этардилар. Аммо Худонинг бу адашган бандалари инсан умри фақат яхши гаплар учун, яхши ишлар учун бсринганини англаб стмас эдилар. Асадбекнинг юрак кузини алам, қасос ути кур қилган, уларнинг аксари эса мол-дунё, шухрат, майшат илинжида ожиз эдилар. Жалил буни билгани учун ҳам уларни аяmas эди. Тўғри, баъзан у қулошқондан чиқади. Уларнинг, ҳатто Асадбекнинг ҳам ҳамиятига тегади. Шундай бўлса-да, уни кечиришади. Бошқа одам Жалилнинг тилидан учған гапларни айтиб юборсами — ҳукм тайин. Аммо Жалил бу даврада, уз ибораси билан айтганда «шайтоисарой»да, мозий ёдгорхонасининг қирилиб кстаётган покизалик рамзи сифатида сақланувчи анжоми каби асралади.

Асадбек кўпинчча, дам хурсандчилигида, дам кўнглига қил сигмай қолганида Жалилни йўқлатарди. Йўқлов борганда у «хўжайнинингнинг кайфияти қандоқ?» деб сурайди. «Аъло» десган жавобни эшитса, «мсни кўрмоқчи бўлса, узи келсин» дейди. «Чатоқ» дейилса, «Сен кетавер, мсни онам машинада туғмаган, автобусда бораман», деб йўлга отпянали Асадбекнинг бугун — 31 лекаబла чақиртиргани уни ҳам ажаблантирди, ҳам бироз ташвишга солди. Шу сабабли юборилган машинага утириб кславерди.

— Ҳа, укам, тинчликми? — деди Жалил, фотиҳа уқилгач.

Асадбек аста «ҳа» деб бош иргаб қўйди. У Жалилни чақиртиришга чақиртириб, гапни нимадан бошлишни билмай гаранг утиради. У дардини фақат шу ошнасига айта оларди. Уни шунинг учун ҳам чақиртирган эди. Ганимлар қизининг эмас, узининг номусини булғаганини англагани учун ҳам дардини айтиш оғир эди.

Ташқарида қор бўлмагани, ой кутарилмагани учун атроф тезда зими斯顿га айланди.

— Самандар үлмаганида қирқقا қадам қўярди, — деди Асадбек, ҳоргин овозда. Жалил бу ҳоргинлик замерида титроқ ҳам сезди. Жуда кўп йиллардан бсри ошнасини бу ҳолда кўрмаган эди. Шу сабабли дарров жавоб қайтаришга сўз тополмади.

— Ҳа, энди... умри калта экан... Ҳур кетди, — деди.  
— Бу оламда на акам бор, на укам... Ըлғизман...  
— Гапинг уйингдан ҳам совуқ, а? Одам ҳам Ըлғиз  
буларканми? Фақат худо якка! Сенинг бола-чақанг  
бор, акам йўқ дейсан, мен кимман, катта холангнинг  
эриманми?

Ярим пўписа, ярим ҳазил оҳангидаги бу гап орада-  
ги совуқликни пича қутаргандай булди.

— Акамсан, сен акамсан...— деди Асадбек ўзини  
жилмайишга мажбур қилиб. Лекин бу ҳазин жилмайи-  
шини қоронгилик ютиб юборди — Жалил ҳам курма-  
ди. — Самандар тирик бўлганида...

— Тухта! Гапни чайнама. — Жалил унинг тиззасига  
шап этиб урди. — Дипломим бўлмаса ҳам миям ишилаб  
турди. Ўзингни қийнама, буладиган гапдан гапир. Са-  
мандарни Худо раҳмат қиласин. Сен билан мен бир  
қоп-бири қоп гуноҳни орқалаб борамиз у ёққа. Саман-  
дар эса бегуноҳ кетди. Бу дунёнинг галваларини кур-  
май кетди. Худонинг суйган бандаси экан. Энди у ду-  
нёда ҳуру филмонлар билан айшини суреб юргандир.

Жалилнинг баланд овозда айтган бу гаплари Асад-  
бекка қувват бергандай ссрғаклантириди. Ўзидан узи  
нафратланди. «Бу қанақаси, мишиқи боладай пингил-  
лаб қолдимми? Энди унга кўз ёши қилайми? У менни  
юпатсинми? «Қуявер, бунақалар кўп ҳозир» дейдими ё  
«Сен бирга бўлган қизларниң ҳам ота-онаси шундай  
куйгандир» дейдими? Мен... чарчабман... кучдан қо-  
либман... Бу яхшиликка олиб бормайди. Менга қарши  
уруш очдилар... Мен эса пингиллаб утирибман...»

— Жалил, — бу сафар Асадбекнинг овози дадилроқ  
янгради, — сен кставер.

Жалил «нимага чақирдингу нимага ҳайдаяпсан?»  
демади. Тушунди шекилли. Индамай урнидан турди.

— Машина кутиб турибди, — деди Асадбек.  
— Ойим менни машинада тумаганлар. Беш тийин  
тulasam, гирр этиб олиб бориб қуяди.

— Эрталаб кслиб, овора булиб утирма.  
— Ўзинг биласан.

Асадбек урнидан туриб, уни кузатиб чиқди. Мую-  
лишга қадар бирга борди. Жалил хайрлашиб, қуналга  
томон юргач, Асадбек олча дарахти панасида тўхтаб  
турган кўк «Жигули»га яқинлашди. Эшик очилиб,  
жингалак сочли йигит тушди.

— Элчин деган отарчини срнинг тагидан бўлса ҳам  
топиб келларинг.

Асадбек шундай дбс йүлида кетаверди. Бу ҳолат ташқаридан кузаттан кишига гүс жингалак сочли салом бергану у алик олиб ўтгандай туюлиши мумкин. Асадбек уч қадам қўймай кўк «Жигули»нинг мотори ут олиб, жойидан худди пойгачи машинадай учиб қўзголди.

5

Элчин ёнбошлаган ҳолда телевизор томоша қиларди. Кўзи телевизорда, хаёли эса ўзга томонда эди. Қамоқдан қайтганига икки ой бўляпти. Қамоқнинг дастлабки кунлари, ойлари зах ҳужраларга, сассиқ баракларга кўничиши қанчалик оғир кессан бўлса, уйга қайтгач, шинам хоналарга, юмшоқ ўриндиқларга ўрганиш шунчалик оғир бўлди. Тўгри, юмшоқ ўриндиқда тан роҳатланади, аммо руҳи тиканаклар узра ётгандай азобда.

Бу уйда ун йил бўлмади. Ноиласи ун йилдан бери бу уйда нафас олмайди, юрмайди, ширин кулгиси, пи-чирлаб айтувчи эҳтиросли сўзлари эшитилмайди. Қамоқнинг биринчи йиллари у Ноиласи билан бирга эди. «Марҳумни сўнгги марта қай ҳолда кўрсанг, уни шу ҳолда хаёлингга муҳрлайсан. Марҳум сенга кулиб қараган бўлса, умринг бўйи уни шу ҳолда тасаввур эта-сан...» дейдилар. Чиндан ҳам аввалига кўзлари юмук Ноила билан суҳбатлашарди. Кейинроқقا бориб хаёлидаги Ноиласи кўзларини очди. Лскин бу Элчин сўйган кулиб турувчи кўзлар эмасди. Бу нигоҳда «Гуноҳим нима эди?» деган ажабланиш зоҳир эди. Элчин бу савол назарига жавоб беришга мажбур эди. Ўзини, фақат ўзини айблаб жавоблар қайтарар, бироқ, Ноиланинг ажабланган нигоҳи бундан таскин топмасди. Мана шу ҳолат, шу нигоҳ таъқиби Элчин учун олий жазодан баттар эди.

Учқудук қусшида жизғанаги чиқиб кетай деганда ҳам, Сибир ўрмонларидағи қаҳратон қишининг совуқ нафасларида музлаб қолай деганида ҳам бунчалар азобланмас эди. Руҳ азобини душманингга ҳам раво кўрмасин экан.

Оқловчи сунгги суҳбатда «яхши одамлар орага тушиб сизни отувдан олиб қолишиди. Гиёҳвандлик, қотилик олий жазога лойиқ эди. Сиз менга эмас, уша одамларга қуллук қилинг», деганди. Элчин, руҳи қиймаланган кеслари, «яхши одамлар»нинг «марҳама-

ти»ни эслади. Бу «марҳамат» уни азоблардан ҳалоғ қылмай, балки бир умрлик жабру жафоларга ҳукм қилганини англаб етди. Шунда «Пичоқни сугуриб үз юрагимга санчмайманми!» деган уйда афсусе чекди.

Қамоқ муддати яримлаганды Ноиланинг нигоҳидағы «Гуноҳим нима эди?» деган савол «Уч олиниг!» деган ундов билан алмашди. Уч олиш фикри унда уша мудхиш қуннинг эртасигаæk туғилган булса-да, «мен бир кучсиз ашулачи булсам, улар бақувват бир туда, құлымдан нима қсларди?» деб бечоралығидан күярди. Қамоқда турли тақдирли, турли феъл-атворлы одамларни курғач, «Мен ҳам әркакман. Уларга бас кела оламан!» деган ишонч туғила борди.

Элчин қамоқдан шу ишонч билан қайтди.

Қамоқ азоби тугаб, руҳий азоб хуруж қилганини уйга келибок ҳис қилди. Озодликнинг бунчалик беаев кесчишини у тасаввур этмаган эди. Биринчи тунни худди жиннидай алаҳсираб утқазди. Кейинги тун яримла-май, күчага чиқиб кетди. Күчаларда тентиради. Эрталаб уйига қайтиб, үзини лаънатлади: «Ноиланинг руҳи мсни бу уйда үн йил кутган эди. Мен уни өлгиз ташлаб, күчага қочдим. Ноиламнинг руҳидан құрқиб қочдим-а?! Үзимни әркак деб юрибманми, ҳали?!»

Агар құкрагида қасос ути булмаганида бу руҳий азоблар уни эзиб ташларди. Вужуди уч-турт күн мобайнида жанготқа айланди. Бир томондан хотира изидан эргашувчи руҳий кесчинмалар уни эзишга чөглана-ди, иккинчи томондан эса қасос ути аланга олиб бу кесчинмаларни қувишга ҳаракат қилади. Алқисса, қа-сос ути ғолиб чиқиб, у қаддини ростлашга мұваффак бўлди.

Қасос олишнинг турлари қўп. Қамоқдан чиққан куниæk «яхши одам»ларнинг бирини ёки бир қанчаси-ни сўйиб ташлаши ёки уйларига ут қўйинши мумкин эди. Лескин бу осон йўл Элчинга маъқул тушмади. У ниҳоятда узун, ниҳоятда хатарли йўлни танлади. Элчин «яхши одамлар» тудасига кириши шарт эди. Шу ниятда қамоқдан чиққан куниæk уларнинг оёқларига бош урса олам гулистон бўларди. Лескин у бундай ҳам қилмади. Янада бошқа йўл тутди. Хатар күчасининг эшигини очиб биринчи қадамини қўйди. Энди «яхши одамлар»нинг ўзи чорлайди. Элчин бу чорлов икки-уч күн орасида бўлар деб уйлаган эди. Бироқ, янги йил киришига ярим соат қолганида Асадбекдан элчи келиши унинг учун кутилмаган ҳол бўлди.

Жингалак сочли йигит — Жамшид гапдан кура ишни маъқул курадиган йигит эди. У билан ун кун туриб, бирга юриб тұртtagина гап сұрасанғиз, ҳушига келса иккитасига жавоб қайтарар, хоҳламаса шу иккита гап ҳам йүқ әди. Индамас бу йигитни кузата туриб, өрилиб кетмастганига ажабланасиз. Бунинг өшидаги йигитлар үйнаб-куладилар, асқия қиладилар. Жамшиднинг кулганини күрганман деган одам дунәда йүқдир-ов. Лескин унинг жилмайганини куриш шарафыға мұяссар бұлған баҳтиерлар бөр. Бунта ишонинг. Камгаплик ҳсч замонда, ҳсч срда фожиа саналмаган, балки фазилат ҳисобланған. Шундай экан, сиз ҳам асардаги янги танишиңгиз Жамшиднинг камгаплигини асосий фазилат дсб билавсинг. Бир воқса сабаб булып мсҳр, лутф, ҳас каби тушунчаларнинг яқинига ҳам йұламай қўйган бу йигитдан узға фазилат қидириб овора булмайлик. Ҳа, дарвоқс, садоқатни унугибиз. У Асадбекка садоқатли эди. У уша воқсадан кейин күчли, шафқатсиз одамларни яхши куриб қолған. Асадбек унинг назарида энг күчли одам. Гарчи ундаги садоқат бизнинг назаримизда яхшиликка эмас, зулмга хизмат қилса-да, үзига хос фазилат дсб қабул қилишимиз мумкин.

Элчин бу йигитни зимдан биларди. Қамалмасидан илгари Асадбек хонадонида бұлганида уни бир неча бор курган. Шу сабабли Жамшидни дарров таниди. Жамшид үзбекларга хос лутф билан салом беріб, «Сиз фалончи акамисиз?» «Сизни фалончи акам йүқлаяптилар» дсб латта чайнашни өқтирмас эди. Эшик қия очи-либ, Элчин куриниши билан «Сизни Бек акам чақи-ряптилар» дедио машинаси томон юрди. Элчин унинг фсыл-атворини билмагани сабабли тұнг муомаласидан таажжубланди. Күнгли өмөнлик юз берганини сезди. «Асадбекка маълум бұлдими? Ким сотиши мумкин?» Кийинастганида ҳам, машинаға чиқиб үтирганида ҳам хағли шу савол билан банд эди.

Жингалак сочли йигит гапиравермагач, Элчиннинг юраги тошди. Уни гапга солиш учун:

— Чаксам майлими? — дсб сүради.

Жамшид йўлдан куз узмаган ҳолда, «ҳа», дсб қўйди.

— Бек акангиз саломатмилар, кўрмаганимга ҳам ун йил бўлди, — деди Элчин. Жамшид унга бир қараб олди-ю, индамади. «Демак, аҳвол чатоқ, — дсб уйлади Элчин. — Агар Асадбекка маълум бўлса... Нимага ҳузурига чақиртирди? Бу йигитга «олиб ксл», дсмай, «улдириб кел» десса иш осонроқ пишарди-ку?

Үн йил аввал үлимдан олиб қолган эди. Энди нима қылмоқчи?»

Элчин Асадбек салтанатига қарши уруш очганида дадил эди. Ҳозир нима учундир чүчияпти. Учқудукда эканида қамоқ ахлини ётқизиб-турғизадиган маҳбуслар унга озор беришмасди. Кейинроқ узига маълум булишича, у «Асадбекнинг одами экан». Бу таъриф Сибирда ҳам уни қийноқлардан ҳалтоғ этган эди. Түрки, у сөкларда Асадбек, десанткүн бирор билмас эди. Лекин «Үқилон» күпчиликка таниқли эди. Элчин умрида үқилонни күрмаган, бироқ, узи кичкина булған бу илон уқдай учиб юради, одамга дуч келса товоиндан тениш, миясидан чиқади, деб эшитганди. Асадбекка «Үқилон» деб лақаб қўйган одам шуни назарда тутганими?

Элчин овозаси узоқларга кетган ана шу даҳнатли Үқилонга қарши чиқди. Биринчи қадамини қўйди. Бу ҳам биринчи, айни чоқда сўнгги қадам булиб қолмасмикин?

— Огайни, танишиб олайлик, исмингиз нима эди? — Элчин бу йигитни аввал яхши танигану шу дамда исмини унутиб қўйгандай сўради.

Жамшид жавоб бермади. Қараб ҳам қўймади. Элчин: «Тирик бўлсанг билиб оларсан, деганими бу?» деб ўйлади.

Машина эски шаҳар томон бурилганида Элчиннинг ташвиши ортди. У Асадбекнинг болалиги утган ҳовлини, унинг одатини билар эди. Қоронги ҳовлига, сўнг қоронги хонага кирганида «курагим остига ҳозир пичоқ санчилади» деб кутди. Йўқ, у үлимдан қўрқмади. Элчин үлимни бўйнига олиб, шу йўлга кирган эди. У йўл бошида ёқ панд станицадан, муддаосига ста олмаганидан аламда. У неча йил қасос ёғида қоврилди. Энди эса... У узини қафасга тушиб қолган қўёндек ҳис этди. Лекин бир неча дақиқадан сўнг эса бу ожизлиги учун узини узи лаънатлади.

Элчин кураги остига пичоқ санчилишини кутди. Бунинг ўрнига қоронғиликдан Асадбекнинг овози кслди.

— Ҳа, ҳофиз, эсон-омон чиқиб кслдингизми?

Асадбекнинг овозида пичинг ёки таҳдид оҳанги йўқ эди. Элчин бундан сиғил тортди. Ҳавотири бекор эканини англаб, овоз келган томонга қараб салом берди.

— «Кслдим» деб ҳам қўймайсиз-а, ҳофиз, — деди Асадбек саломга алик олиб. — Ҳар ҳолда мен сизга бегона эмас эдим. Ака-укалигимиз бор эди, а?

Асадбекнинг «сизни отувдан олиб қолган мен буламан» демоқчи эканини Элчин фаҳмлади. Кузи қоронғиликка үрганиб, уйнинг чап томонида дүппайиб турған танчани, дсворга суюниб үтирган одам қорасини илғади. Учрашув нима учун қоронғида булаётганига тушунимади.

— Қамоқдан қайтган уқадан хабар олиш акадан лозим, деб уйлабман, — деди Элчин гина оҳангиди.

— Келганингизни билганимда учиб борар эдим, — гап оҳангиди энди киноя сеziлди. Сунг оҳанг кескин узгарди: — Ҳофиз, чайналмасдан эркакча гаплашайлик. Хотинингизнинг ўлимида менинг заррача айбим йўқ. Сиз менинг зисфатларимни гуллатар эдингиз. Сизни йўқотишдан мен нима наф кўрарканман? Аксинча, зарап кўрдим. Сиз кимгадир ёқмай қолгансиз. Жаллодни бизнинг ичимииздан эмас, ўзингизга ухшаган отарчилар орасидан қидиринг. Бир-бирига сурма ичириб овозларини бугадиган отарчиларнинг қулидан бундан баттар ишлар ҳам келади. Айбни бўйнингизга олиб, аҳмоқлик қилдингиз.

Чиндан ҳам қотиллик Асадбекнинг ихтиёрисиз содир бўлган ва у айбдорни беасв жазога тортган эди. Ҳозир буни айтмай, гуноҳкорни отарчилар ичидан қидириш керак, деб қўя қолди.

Элчин учун Асадбекнинг гаплари янгилик эмас эди. Қамоқда үтирганида гумонлар кўчаси уни ҳам-каслари томон ҳам бошлаганди. Тўғри, «фалончи ҳофиз фалончи ашулачининг чойига сурма қушиб ичирибди», деган гапларни кўп эшиштан. Бироқ, ўз кузи билан кўрмаган, бундай воқсага шоҳид бўлмаган. Мана-ман деган ашулачи иккита-учта бўлса шундай қилиши мумкиндир. Ҳозир кунда бир арава қўшиқчи ёгилаяпти. Микрофонни тумшугига тираб кучанади. Овози бор-йўқлигини ҳам билиб бўлмайди. Аммо ҳар бири узини зур ҳофиз деб фаҳмлайди. Латифа қилишларича, бир тасодиф билан юзта ҳофиз ҳарбийга чақирилибди. Зобит уларни сағга тизиб «бир чеккадан сананглар» деб буюрибди. Сағ бошида тургани «бир» дебди, иккинчиси «икки» дейиш ўрнига у ҳам «бир» дермиш. Учинчи... қирқинчиси ҳам «бир» дермиш. Зобит аччиқланиб турганда сағ бошидаги унга аста тушунтирибди: «Ўртоқ бошлиқ, биз ашулачилармиз. Бизда иккинчи деган гап йўқ, ҳаммамиз биринчимиз». Ҳофизлар майда қабиҳликларни қилар-у, лекин бегуноҳ аслни зурлаб, сунг юрагига пичоқ санчишга журъат этишолмас.

Элчин бунга қатиқ ишонади. Шу сабабли ҳам Асадбекнинг гапларини беътибор эшилди. «Уша воқеалан олдин одамларингиз мендан бож таълаб қилиши. Ҳар ойда фалон минг сўмдан тулаб туришим лозим эди. Рад этдим. Шунда ҳазиллашлик, деб мени зиёфатига олиб бориши. У сенда ҳазиллашиб қимор ўйнадик...» демоқчи ҳам эди, лекин «Туғри, улар ҳазиллашишганли» десган жавобини эшитишини билиб, индамади.

— Мендан бир хатолик ўтган: ҳасадгуйларингиз куплигини ҳисобга олмаганимай. Сизни димоя қилиш им керак эди. Бир ашулаңгиз бор эди:

«Ўйнамаса ким узганинг пайига,  
Шум ният-ла тушадашлар пайига!»

Сиз энди уша найчини қидиряпсиз, биламан. Қидирмаганингизда сизни ўғил бола десмас эдим. Найчи билан... аллақачон ҳисоб-китоб туғри бўлган. Сиз уни ўйламанг. Сиз... уйландингизми?

— Йўқ.  
— Тирикчилик нима бўляпти?  
— Ўзбекнинг тўйи бор экан, хор булмаймиз.  
— Тўйнинг ҳам тўйи бор. Ким айтса бораверсангиз обрўйингиз қолмайди. Сиз энг зўр ашулачи булишингиз керак. Одамлар «хўн» дейишингизга маҳтал булиб ҳафтаалаб останангизда ётади. Бу ётини менинга қўйиб бсринг. Телевизор, радио фақат сизнинг ашулашларингизни беради. Шералию Гуломларингиз сариқ чақа бўлиб қолади. Сиз ашула айтганингизда Ортиқлар «амма-ҳоласи ҳаводор» деб этак очиб утиради.

— Раҳмат, Бек ака, буларнинг эвазига мени нима қилишим керак? Ҳар ҳолда «ҳисобли дуст айрилмас», деганлар. Сиз куп сурмайсиз, биламан. Нари борса, сизга қул бўлишим керак-да, а?

Асадбек Элчиндан бунаقا игнали гапни эмас, балки самимий миннатдорчилик кутган эди. Асадбек лофт урмаётган эди, айтганларини албатта рус қиласади. «Бу отарчи нимасига ишониб катта кетяпти?» Асадбек бир гижиниб олди. Кимда-ким зид суз айтса, у гапини калта қиласади. Унинг нима ҳукм чиқаргани бир қарашидасек аъёнларига маълум бўларди. Асадбекка ботиниб гап қайтарган одамнинг шурига шўрва тўкилиши аниқ эди. Элчин буни биларди. Била туриб беихтиёр ножуя гап айтди, деган гапимга ишониб чалгиманг. Элчин била туриб айтди, бу гапни. Унинг мақсади Асадбек-

нин қанотига кириш эди. Лескин мутс булиб эмас, қалдини гоз тутиб кирмоқчи эди. Ҳозирги марҳаматга жавобан миннатдорчилик билдириш яна мутслик жандасини кийиш билан баробар бўларди. У ҳолда Асадбекнинг атрофидаги парвона фоҳишалардан фарқи қолмас эди. Элчин шу учун азоб чекибдими, шу учун пойлабдими, режа тузибдими?!

Асадбек Элчинни аввал ҳам дурустроқ билмас эди. Элчин Асадбек учун бир қўшиқчи, пул қистирганда иршайиб қуллуқ қилувчи отарчи эди. Асадбек манман деган ашулачини ҳам одам қаторига қўшмас эди. Унвони, шуҳрати улуғ ашулачиларни эса қўпчилик олдида мазах қилишини, камситишни сқтиради. Тўйда викор билан юриб уртага чиқарди, ашулачига яқинлашиб чўнтағига қўл соларди. Агар марҳамат қилса иккита юзталикни чиқариб ашулачининг икки слкасига «погои» қилиб қўярди. Кайфияти чатоқроқ бўлса — сқасига қистирарди. Асадбекнинг изидан чиқсан бошқалар ҳам фақат юзталик қистирарди. Шунинг учун ҳам сқасига пул қистирилган ашулачи ўзини камситилган деб ҳисобламас, балки «акахон»нинг ҳазиллари деб билиб, иршайган ҳолда таъзим қиласарди. Элчин биринчи марта Асадбекнинг қаҳрига ўшандай ҳолатда дучкелган. Асадбек сқасига пул қистирмоқчи бўлганида бўй бермаган эди. Ўша қуни снгил жазо олди — икки йигит яхшигини дўппослаб, торини мажақлаб ташлади.

Асадбек ҳозир ўша воқсанни эслади. Эслаб туриб «қамоқда ҳам ақли кирмабди бу баччагарнинг», деб қўйди.

Қоронгиликни титратиб чиқсан Асадбекнинг қаҳрли овози орага тушган бир дамлик сукунти бузди.

— Менинг қулларим ажиб-бижиб ётибди. Сендан дурустроқ қул ҳам чиқмайди. Сен... ашулангни билсанг бас. Бошқа ишларга тумшуғингни сукма.

Элчин Асадбекнинг сенсирашига ўтганидан билдики, у газаб отига минди.

— Сен мол эмассан. У сқдан бурнингни оқизиб келмагансан. Тишингни қайраб юрибсан.

— Бек ака... — Элчин «менинг ҳеч қандай смониятим йўқ», деб гапни чалғитмоқчи эди, Асадбек йул бермади.

— Овозингни учир! Мен гапирипман, ҳаддингдан ошма, бола! Сен хотининг улдирилганини, у сқларда юриб келганингни унут. Аммо Асадбек акангни унугтма! Асадбек аканг, Ҳудога шукр, тирик. Мабодо у улиб

қолса, улигидан ҳам құрқ. Мен гүримда ҳам тиңи өтмайман. Атрофингда кимлар бор?

Бундай очиқ савдони Элчин күтмаган эди. «Би либ туриб сүраяптыми ө тахминан мүлжаңға оляптыми? Қи-зи йүқолганидаи кейин йигитлари изгиб ҳид олишган булса-чи? Унда нима учун қизидан ғап очмаянти?» Элчин арқонни узунроқ ташлаш мақсадида үзини ғулилік-ка солди:

— Ота-онам утиб кетишибди, Худо раҳмат қылсиин ularни...

— Чайналма! Кимларни сурасстанымни билib турибсан. Сен мен билан мушук-сичқон үйнама. Майды балиқлар ҳаммавақт катталарига см булади. Сенлар чивинсанлар, мен — бургутман. Фарқи борми?

«Фарқи бор, — деб үйлади Элчин.— Афсуски, бургут чивинни сөлмайди-да».

— Атрофингдагилар узбекларми ө уша ёқдан топған қаланғи-қасангиларингми? Узбек бұлмаса йүқот уларни. Үзимизниkilар ҳам стиб ортади. Зерикмаслигинг учун беш-үнта болани сенга топшираман.

«Демак, ёнимдагиларни билмайди. Қизини ким зүрлаганини ҳам билмайди. Тахмин қиляпти. Ишончи комил бұлғанда мен билан пачакилашиб утирmas эди. Бир отарчи номусини булгайди-ю, у сағсата сотиб утирадими?»

— Бек ака, мен ёлгизман. Қасос олиш ниятим борлиги рост. Аммо бирорнинг ёрдами билан олинадиган қасос менга татимайди. Енимга одам түпламаганман.

— Қасам ич!

— Худо урсин!

Элчин тақво дсан нарсани, қасамнинг қадри деган нарсани билмас эди. Болалар бир-бирларини ишонтириш мақсадида кунда юз марта «худо урсин» дейиша-ди. Элчин ҳозир худди бола каби үйламай-нестмай «худо урсин» деб юборди. Асадбек осонлик билан ичил-ған бу қасамга ишонмаса-да, бироз таскин топғандай булди.

— Сен тезроқ үйлан. Түйингга үзим бош бұламан.

Асадбек шундай деб жим булди. Элчин ғап тугаганини англаған булса-да, бироз турди. Сунг «кставерайми?» деб суради. Асадбек совуққина қилиб «ха», деб қыйди. Элчин унинг ғазабга тұлған нигоҳини қоронгыда күрмади.

Элчин Асадбек «үйлан» деганида, «қизини менга беради энди» деб үйлаганди. Элчиннинг назаридан

Асадбек учун энг түгри йўл шу эди. Бу йўл Элчинни мақсад сари тезроқ олиб борарди. Аммо у янгишиди. Қушиқчи эплаб рақсга тушолмагани, раққоса эса эплаб ашула айтмолмагани каби у жиноятнинг ҳадисини олмаган эди. У хаёлан иш пишишишга уста эди. Асадбеклар хаёлда эмас, амалда бажаардилар. Асадбек қизини қамоқдан чиқсан отарчига берганидан кура ўлдириб юбориши мумкинилигиниң Элчин ҳисобга олмаган эди.

Элчин Анварга «Асадбекнинг қизини оляпман» деб янглиши гап айтди. Хаёлидаги ишини ҳақиқатга айлантириб юборди.

## II БОБ

### 1

Қайта қуриш шарофати билан дспара қидирав бўлимининг инспектори, лейтенант Зоҳид Шариповнинг слкасига офтоб тсгди. «Ҳалоллиги, ўз ишига вижданан муносабатда бўлганлиги» туфайли уни шаҳар прокуратурасига ишига олиши. Жумлабошини қўштириноқ орасига олганимга, киноя қиляпти, деманг. Бу жумла дспара ички ишлар бўлими бошлигининг тавсияномасидан кўчирмадир. Зоҳид чиндан ҳам ҳалол, вижданли йигит. Унинг айнан шу фазилати бошлиқقا ёқмас эди. Бонилиқ «қайта қуриш, ошкоралик деган бало қаёқдан чиқли!» деб норози булиб юрганида, айнан шу қайта қуриш жонига ора кирди: ёшларни кутариш масаласи кун тартибига қўйилганда шартта Зоҳиднинг номзодини кўрсатди.

Маҳмадона лайтсантнинг ҳар мажлисда бир игна санчиб олиши, ҳақиқат талаб этиши бошлиқнинг эси ни тескари қилиб юборган, мажлис десса кўнгли ағдариладиган, кўз олдига Зоҳид ксладиган булиб қолган эди. Зоҳид кетгач, атрофидаги икки-уч ҳақиқатпарварларнинг ўз-ўзидан тинчишига ишонарди. Бошлиқ Зоҳидни «менинг кўричагим», деб пичинг қиласди. Осонгина ташриҳ туфайли бу озорли дардан қутулганига шукр қилди. Лекин Зоҳид куричак эмас, буйракдаги тош экан. Ўқтин-ўқтин қўзғаб, бузовта қилиб туриши мумкин экан.

Зоҳид прокуратурада вазифасини уташга киришган куни ёки унинг қўлига шу дспарага оид иш берилди. Кечак тантана билан кузатилган лейтенант бугун яна

бошлиқ ҳузурила пайдо булди. Илгари бошлиқ унга бақириб, ҳатто чиқарып юбориши мүмкін эди. Энди эса жилмайиб куришишга мажбур. Боншық Зохидни бутунлай йүк булып кетади, деб ҳисобламаган. Бирок бүтіншалар тез келар, деб үйламовди.

Усти чойнан изларидан дөг булып кетған битта стол, ошиқ-маңышуғи аранғ иленинб турған кигіз жағоны турған тор хона Зохидга месөс булып қолди. Стол тортмасидан «ВТ» сигаретасининг бүш қутиси, бензин олиб симтурхалтага ташлади-да, стол устини чанғдан тозалаш учун уч-түрт бора қаттық пұфлали. Шу пұфлаш оқибатида құққис уйғониб кетгандек телефон жириңглади.

— Шарипов, — деди у, телефон гүшагини құлогига тутиб.

— Лола күчасидаги үн сттинчи уйдан қоралори тоғылған. Қидируд ғурухи жұнади. Бу иш сезге тоширилади.

Бүйрүқ қисқа ва қатый әди. Зохид шошилмай үрніндан турди-да, гүшакни жойига қойиб, ташқарыға йул олди. У Лола күчасини биларди. Ұзи хизмат қылған милиция булимига яқын, маҳалла гузаридан чанға бурилишдан шу күча бошланарды. Бу маҳалла тинч, йилда бир-икки муштлашын булып туриши ҳисобға олинмаса жиноятдан анча йирок әди. Маҳалланинг осойишталығы милиция булими яқын жойлашыған учун эмас. Милисахона күчиң келмасидан олдин ҳам маҳалла тинч әди. Бу ердагиларнинг айтишича, биз тилга олган «бир-икки муштлашув» ҳам милисахона күчиң келганидан сұнг бошланған. Бу қанчалик түгри енотұғри — Яратғанга маълум. Маҳалланинг осойишталығига сабаб, бу ердаги одаттарға на «турғунлик» деб ном олған йиллар таъсир үтказа олған, на қайта қуриш деган гаплар. Маҳалла азалдан қариялар хукмігін бүйсуның келганды. Умри адосига стган қариялар энг яхши одаттарни үzlари билан олиб кетмай, ортларидан қолаёттанларға месөс қолдиришган. Кимга Әлғон, ким-ға чин, шаҳарда букиб ичиб, оекда туролмайдыған даражага стган одам ҳам маҳалла ҳудудига қадам босиши билан ссрғак тортиб қоларкан. Саломни канда қымай гузардан үтиб, уйига етиб оларкан.

Зохид маҳалланинг одамларини яхши билғани учун ҳам боши қотди: қорадори билан ким шуғулланиши мүмкін?

Бирон жойда жиноят содир булса қидиувчилар нинг кўз олдига дастлаб яқин орада қамоқдан қайтганлар келади. Бир уйни ўғри уриб кетган булса, аввал ўғирлик усули билан қизиқишиди. Ёзувчининг ўзига хос услуби бўлганидек, жиноятчиларнинг ҳам уз услублари мавжуд. Али ўгрининг иши ҳеч маҳал Вали ўгрининг ишига ухшамайди. Баъзан жиноятчиларнинг ўзлари милицияга ёрдам беришади; услуг кимники эканини айтишади. Қора дорининг топилиши ҳам шундай «холис хизмат» оқибағи булиши мумкин.

Лола кўчасидаги ун сттинчи уй олдида иккита сингил ва бир тез ёрдам машинаси турарди. Ҳангоматалаблар ҳам тупланишиб қолишган эди. Уй ташқи томондан қараганда харобгина кўринади. Ёндаги иморатлар кўкрак кериб тургани учунми, чиройли пештоқсиз бу уй оддий бостирмаға ухшарди.

Зоҳид ичкари кирди. Узунасига эллик қадамча келадиган ҳовли ишкомдан иборат эди. Ташқарисидан гаригина кўринган уй ичкариси ҳам шу аҳволда экан. Ўртада даҳлиз, даҳлиз тўрида обрез. Чап томонда кичикроқ уй кимёгарликка оид турли-туман идишларга тула. Ўнг томонда каттароқ хона — ётоқ ҳам, смакхона ҳам шунда мужассам.

Жиноят қидиув бўлимининг ходимлари — Зоҳиднинг кечаги ҳамкаслари шу срда. Ўртада думалоқ стол. Стол устида оқ кукунли шаффоф халтачалар — таниш манзара. Дераза снидаги курсида ёш жувон бошини ушлаб ўтирибди. Йиглавериб шишиб кетган. Хона тўрида — диван. Диванда бир йигит бсхуш ётиби. Қидиувчилар бошлиғи — Ҳамдам Толипов ахборот берди.

— Уй эгаси Шариф Намозов — анави ётган йигит, вино заводида бош муҳандис экан. Бир халта портфолидан чиқди. Қолганлари нариги хонада. Тажрибахонаси эмиш.

— Ўзи мастми?

— Фирт маст. Билагида игна изи бор. Ҳозир қон олишди, натижасини айтиб қолишади. Анави асл хотини экан. Ҳеч нимани билмайман, дейди.

— Изига қандай тушдинглар?

— Иккита гиёхванд йигитни тутувдик. Қасрдан олдиларинг, десак, шу срни айтишди.

— Осонгина айтишдими с қийнадингларми?

Ҳамдам «мени биласан-ку», дегандай кулимсираб қўйди. Зоҳид буш стулни олиб, аслнинг рўпарасига ўтириди-да, узини таништириди.

- Исимнгиз нима?
  - Насиба, — жувон шундай деб унга најот кузи билди тикилди.
  - Эрингиз нима иш қыладылар?
  - Вино заводида ишлайдылар. Икки ойгина бууди, кутаришувди. Португалиялар бу кишининг ишларини сотиб олишигаңдан кейин одамларниң узлари сайлаб қўйишиди. Кўнмасалар ҳам зурлашиди. Бонлик булишта сираям тоғатлари йўқ эди.
  - Португалиялар қанақа ишни сотиб олишиди?
  - Мусаллас қилишининг янги усулини тошандар. Беш йилдан бери сарсон эдилар. Ўзимизникилар ҳеч ўтказишмади. Улар қаёқдандир эшитиб қолишиб, атай келиб текшириб куришиди.
  - Эрингиз кўп ичармидилар?
  - Йў-үқ, бунақа ичмасдилар. Синап учун бир ҳулам-бир ҳулам ичардилар, холос. Бунақа аҳволда ҳеч курмаганиман. Ўзим ҳам қўрқиб кетдим.
  - Соат нечада келган эдилар?
  - Ун иккителарда. Бунақа кеч юрмасдилар. Туйга борсалар ҳам вақтли қайтардилар.
  - Ўзлари юриб келдиларми?
  - Билмадим, — Насиба ўйланди. — Манинада келдилар шекишли. Ҳа, аввал машина тухтади. Кейин қунгироқ чалинди. Чиқсам, деворга суюниб утирибдилар. Ўйга зўрга олиб кирдим.
  - Булар қасердан келди? — деди Зоҳид стол устида-ги халтачаларни курсатиб.
  - Билмадим... Булар келишди. Ўйни тинтишди. Мен анқайиб туравердим.
- Зоҳид ўрнидан туриб, даҳлизда ческаётган Ҳамдамга яқинлашди.
- Тинтувга рухсатномангиз бор эдими? — деди.
  - Ҳамдам кулиб қўйди.
  - Рухсатнома олгунча булар кугиб утиришмайди. Тинтиб, топиб қўйибмиз-ку?
- Зоҳид унинг иш услубини биларди: Ҳамдам ҳамиша шошилиб ишларди. Баъзан қонун-қоидаларга риоя ҳам қилмас эди. Жавобдан бўйин товлаётган жиноятчи-ning қорнига бсхос мушт тушириб қолишини яхши курарди. Мушт еган одам букчайиб, ихранаётганида у хотиржам сигарет тутатарди. Зоҳидга унинг буидай усууллари ёқмас эди. Лескин ҳалоллиги, жиноятчига бешафқат бўлгани учун уни ҳурмат қиласарди.

— Гиշвандтарнинг сурати борми?

Ҳамдам кўкрак чўнтағидан бешта сурат чиқариб, иккитасини ажратди:

- Мана булар. Кўрсатдим, танимади.
- Бу срга қачон келишган экан?
- Уч кун олдин.

Зоҳид суратни олиб, изига қайтди.

— Мана буларга диққат билан қараш Шошилманг.

Биронтаси уйингизга келганми?

Асл синчиклаб қараб, бош чайқади.

— Яхшилаб эсланг. Балки биронтаси уч кун олдин келиб эрингизга учрашигандир?

— Келса билардим. Адасига учрашишлари мумкин эмас. Уч кун олдин у киши Ереванда эдилар.

— Қачон келдилар?

— Кечча эрталаб келиб, чой-пой ичиб кейин ишга кетдилар.

— Бу срга нотаниш одамлар келиб туришармиди, масалаң, бир нарса сурабми?

— Йўқ, одам кам бўлади уйимизда. У киши доим иш билан бандлар. Бекордан-бекорга гаплашиб утиришни ёқтирумайдилар.

— Мусаллас сураб келишмайдими?

— Қуни-қушнилар чиқиб туришиади.

Даҳлизга оқ халатли асл кириб, Ҳамдамга нимадир деди. Ҳамдам ичкари кириб Зоҳиднинг қулогига шивирлади:

— Қонидан қорадори топилган.

Зоҳид ўрнидан туриб даҳлиз томон бошлади.

— Гиёхванд йигитларингиз қасрда?

— Ўзимизда.

— Юриинг, улар билан гаплашишим керак.— Зоҳид шундай деб ташқарига йўналди.

Гиёхванд йигитлардан бирининг пастки лаби осилган, кўзлари чақчайган, иккинчисининг қарашлари соvuқ, унг юзида узун тиртиқ бор эди.

— Билагингни курсат, — деди Зоҳид тиртиқка.

У «шу ҳам ишми?» дегандай эринибгина курткасини счиб, кўйлагининг снгини шимарди. Лаби осилган йигитнинг билагида ҳам игна излари бор эди. Уларнинг гиёхвандлигига Зоҳидда шубҳа қолмади.

— Кукунни қасрдан олардиларинг? — деб суради Зоҳид.

— Братанга этганмиза, қақдан оғанувзани,— деди лаби осилган йигит.

- Менга ҳам айт.  
— Лола күчасида... ун... еттинчи уйда туралыган Шариф ака деган киши.  
— Икковинг бирга борганмисан?  
— Бир хил пайтда ман борардим, бир хил пайтда у борарди, бир хил пайтда иккалавуза борардик.  
Зоҳид ҳали Ҳамдамдан олган суратларни чўнгагидан чиқариб, учтасини ажратиб олди-да, стол устига сийиб, лаби осилганини чақирди.  
— Қара, Шариф аканг қайси бири?  
Йигит урдакка ухшаб лапанглаб келиб суратларга узоқ тикилди-да, биттасини кўрсатди.  
— Жойингга утири, — Зоҳид шундай деб суратларнинг жойини алмаштириди-да, тиртиқни чақирди. У бошқа суратни кўрсатди.  
— Охирги марта қачон борувдилариниг? — деб сўради Зоҳид  
— Уч кун бўлди.  
— Балки тўрт кундир?  
— Всёй братан, ман ўзим борганман. Соққа йўғиди, қарзга берган. Ништак одам у. Ўзини лабораторияси бор. Айн момент тайёрлаб беради.  
— Лабораториясига кирганимисан?  
— Кирганиман-дес. Шундоқ чап томонда.  
— Айвондан утгандами?  
— Ҳа-дес, билиб туриб сўруврасизми?  
Зоҳид «бу ётига нима дейсиз?» деб Ҳамдамга қаради.  
— Айвоннинг олди ромми?  
Лаби осилган йигит ўйланиб қолди.  
— Ром бўлса керак, — деди иккиланган ҳолда.  
— Ёлғон гапирма! — деди Ҳамдам бақириб.  
— Братан, алдавотганим йўқ.  
Ҳамдам унга яқинлашиб, ёқасини чанглаб урнидан турғизди.  
— Ёлғон гапирма, хунаса, уйида бўлмагансан. Айвони йўқ унинг.  
Лаби тиртиқ бирдан тутқаноги тутган одамдек бақириб юборди:  
— Қўйворинг! Мен кечаси борганман. Айвонига қарбманми, ўзи зўрга турувдим.  
— Борганмисан?!  
— Ҳа, борганман!  
— Уч кун олдинми?  
— Ҳа, уч кун олдин.

— Жуда яхши! — Ҳамдам уни қўйиб юборди. — Менга шу керак эди. Ёзиг қўйинг, уртоқ прокурор. Борганини тан олди. Энди билиб қўйларинг: уч кун олдин уйида ўлдирилган!

Иккала йигит аввалига «хато эшитмадикми?» дегандек қараб олди. Сунг худди келишиб олишгандаи Ҳамдамга бараварига даҳшат билан боқишиди.

— Йўқ! — деди тиртиқ жон ҳолатда.

— Нима йўқ? — дели Ҳамдам голиб қишининг мулојим овозида.

— Бормаганмиз.

— Уртоқ прокурор, бунисиға нима дейсиз?

— Соқчини чақиринг, олиб кетсин.

Гиёҳвандлар чиқиб кетишгач, Ҳамдам диванга утириб, оёқларини стол устига чалишириб қўйиб олди.

— Ҳамдам ака, дарров топганингиздан ажабланмадингизми? — деди Зоҳид унинг ғнига утириб.

— Ажабланишга вақт бўлмади. Ана энди үзинг, мазза қилиб ажабланаврасан. Мен топдим. Сен тергайвер. Оператив ишлаганим учун оқаҳонинг раҳматнома эълон қилади менга.

— Юварканмиз-да, — Зоҳид шундай деб слкасиға аста уриб қўйди. Кейин жиддий оҳангга кўчи: — Буларни ким ишга солган бўлиши мумкин?

Ҳамдам дарров жавоб бермади.

— Вино заводида нима гап экан? — деди у маънодор қилиб.

— Мен ҳам шуни ўйлаб туриман.

— Ўйласанг ўйлагин-у, аммо винзаводга осила кўрма.

— Нимага?

— Кимга қарайди завод, биласанми?

— Озиқ-овқат вазирлигигами?

Ҳамдам кулиб, тиззасига шапати урди.

— Эй, прокурор, кузингни оч! Шунча йил угро<sup>1</sup>да сақиҷ чайнаб юрган экансан-да, а? Винзавод Асадбекнинг тасарруфида-ку?! Буни кўчадаги мишиқи бола ҳам билади, сен билмайсанми, қишлоқи?

Зоҳид ҳам эшитган бу гапларни. Завод директори Асадбекнинг тавсияси билан қўйилади, ҳатто қоровул ҳам унинг рухсатисиз ишдан бўшолмайди, деган гаплар юради. Ҳалқ оғзидағи миш-мишнинг қандайдир асослари мавжуд. Бироқ, Асадбек ҳақидағи гаплар ку-

<sup>1</sup>Жинойт қизириув.

пинча гирт өлғон булиб чиқади. Зоҳид утган йили бунга ишонди: күтилмаганда бир гап тарқалиб одамлар бсұхаловат булиб қолиши. Эмишки, бир одамни қүшниси машинасида қасргадир олиб бориб қўйиши лозим экан. Машина айтилган томонга эмас, булак ёққа бурилибди. «Нимага бу томонга бурилдинг?» деб сураса, машина эгаси «жим утираверинг, курасиз» дебди. Хуллас, машина гадой топмас кучалтардан юриб, шаҳар ташқарисига чиқибди. Бориб-бориб йўл Қамишзорга тақалибди. Машина эгаси утириб туринг, деб ғойиб булибди. Ҳалиги одам қўрқиб, машинадан тушибди. Қамишзор оралаб қараса, бир чуқурда аллақаңча мурдалар ётганмиш. У «менни ҳам улдириб ташлашар эканда» деб уйлаб, уликларни сурин, тагига тушиб ётавсрибди. Бироз вақт утгач, беш-унта одам пайдо булиб, уни қидиришибди. Кейин «бизни алдадингми, ҳали» деб машина эгасини дўппослашибди. Тонгга яқин ҳалиги одам уликлар орасидан чиқиб қараса, узокда бир чироқ милтиллаб турганмиш. Бориб қараса, бир қозок чупоннинг уйи экан. Қозоқ уни уйига олиб кириб, ювинтириб, узининг тоза кийимларини берибди. Гапнинг қисқаси, уша одамлар Асадбекка тесниши экан. Шу ваҳима гаплар кучая боргач, тескириб куриш Зоҳидга топширилди. У бир ҳафта уриниб,чуваланган ипнинг учини, уша одамни топди. У одам уни стти йилдан бери руҳий хасталиклар шифохонасида рўйхатда тураркан. Зоҳид бир қараса, унинг гапи бамаъни, бир қараса, галати эди. У қүшнисини кўрсатди. Қүшни ажабланди. Устига-устак унинг машинаси йўқ. Ҳалиги одам қамишзорни кўрсатаман, дсди. Зоҳид кўнди. Қадимда «Хотинкўприк» деб аталган жойга бошлаб борди. Қамишзор йўқ. Ҳаммаёқ кўпқаватли иморат эди. Ҳалиги одам мўлтиллаб туриб, сунг йиглаб юборди. Зоҳид уни уйига эмас, шифохонага элтиб қўйди.

Бу воқсага бир йилдан ошибди. Зоҳид уша одамнинг мўлтиллаб туриши, йиглаб юборишини ўқтин-ўқтин эсларди. Ҳозир винзавод ҳақида гап чиққанида яна ёдига тушди. Ен дафтарига «жинни одам, Хотинкўприк» деб ёзиб қўйди.

— Дсмак, бу иш Асадбекка бориб тақаладими? — деди у дафтарчасини чўнтағига солиб.

— Булиши мумкин, — деди Ҳамдам. — Лескин бу икки галварсдан гап оламан, деб овора бўлма. Улар Асадбекни билишмайди. Шариф Намозов билан сух-

батлашсанг күп нарса ойдин булади. Олимлиги бор экан. Бунақа одамлар ҳақиқатпараст булишади. Адолат қиласман, деган бўлса, қопқонга туширишган. Энди истасанг-истамасанг, қамоққа оласан. Қони текширилиб гиёхванд деб турилибди. Уйидан кукунлар чиқди. Юз минг сўмнинг нари-бсрисидаги мол-а! Юз мингдан кечишибдими, дсмак, иш катта.

— Агар сиз айтгандай Асадбекнинг йўлиға тұғанок бўлса, осонгина йўқ килишмасми?

— Майдароқ одам бўлганида балки сен айтган йўлни тутишарди. Намозов бирон-бир масалада очиқчасига қарши чиққандир. Умуман... Юз минг сўм уларга трамвай паттасидай гап. Агар Намозовни қамоққа олишга рухсат бермасанг, эртага уйингга беш юз минг ташлаб костишлари мумкин. Унда ҳам кўнмасанг...

— Ўлдирадими?

— Йўқ, улдирмаса керак. Лекин йўлини топади. Ҳар ҳолда иш Асадбекка бориб тақалса, у билан учакишима. Сендан зурлар ҳам эплаша олмаган уни. Биз сен билан комиссар Катани бўлолмаймиз. Лекин Асадбек адвокат Теразинига дарс бериши мумкин. Сенга маслаҳатим: Намозовни қамаш керак. Қамасанг, унинг жонини сақлаб қоласан. Уйлаб кўр.

## 2

Ҳамдамнинг таклифиини ўйлаб куришга улгурмай дспара ички ишлар бўлими бошлиғи капитан Мирсултонов кириб келди:

— От айланиб қозигини топаркан. Биздан қутулиб бўпсиз! — у шундай деб Зоҳид билан қушқуллаб куришиди. — Яхши, яхши. Ишни үзимиздан бошлаганингиз, яхши булибди. Қийналмайсиз. Мана, бу ёқда биз бор. Бориб кўргандирсиз? Нима қилмоқчисиз?

— Ҳали тайин бир хulosага кслганим йўқ.

— Бу кўп ўйлайдиган иш эмас. Қамоққа олиш ҳақида санкция бераверинг.

Зоҳид үзини қувноқ тутишга уринастган капитанга қараб ажабланди. «Намозовни қамоққа олишимга бунча қизиқиб қолди? Яна эски ҳаммом, эски тос дессангчи? Ашёвий далил бор, сохта гувоҳлар бор. Мен қамоққа оламан, у ёқда ҳакамлар снг шимариб шай туришибди. Неча йилга ҳукм қилишни яхши билишади. Ресто-

ранда машшоқларга уч сүм бериб истаган қүйни чат-диргани каби пул ташлааб истаган одамни истаган муддатта қаматиш чүт бўлмай қолди. Мен адолат қиласман, дессан, булар «овора бўлма, қулингдан келмайди. Сен уч сўмлик ресторон машшоқисан», дейишмоқчими?» Зоҳид хаёлидан шуларни утказиб, асабийланди. Ҳамдамдан сигарст сураб олиб тутатди. Бошлиқ столни ногорадай чёртиб, жавоб кутарди.

— Тўғри айтасиз, — деди Зоҳид, унга синовчан тикилиб, — қамоққа олиш керак. Аммо бу ерда эмас, шаҳар турмасида ўтира туради. Ҳалиги иккита гувоҳ ҳам уч-тўрт кун қамоқда ўтиrsa, анча ўзига келиб қолади.

«Ҳалиги иккита гувоҳ» деган гапни ёшишиб, Мирсултонов ссрекланди:

— Гувоҳларни... мажбурий даволанинга юборини керак, — деди у Зоҳидга.

— У ёққа юбориш вақти ҳам келади. Аввал терговни тутатиб олайлик.

Бошлиқ Зоҳиддан тайинли гап ололмаслигини билib, Ҳамдамга савол назари билан қаради.

— Гувоҳлар соҳтага ўхшайди, — деди Ҳамдам бошлиғига. Кейин Зоҳидга юзланди. — Менга қара, прокурор, мижғовлик қилмай турғисини айтиб қўя қолмайсанми, — у яна бошлиғига қаради. — Бу бола винзаводни ҳам кавлаштиromoқчиғига ўхшайди. Феълини биласиз-ку?

Мирсултонов яна столни чёртди.

— Яхши, яхши, — деди у Зоҳидга қарамай. — Феълини биламан, бу ужарнинг. Аввал гапирсам, инсофга чақирсам амалидан ажрашдан қўрқади, дерди. Энди амалидан қўрқадиган бошлиғи бошқа, — у бошини кутариб Зоҳидга қаради. — Букирни гур тўғирларкан. Сен кўзингни очиб юр. Букир бўлсанг ҳам шу сргу дунёда юравср. У ёққа шошилма. Сенга «Чоқсунла»ни айтиб беримидим? — бошлиқ кулимсираган бўлди. — Бир тажанг уйгур йигит сочини устарада қирдириб яйраб келаётган экан, қаёқданам ари учиб келибдию нақ бошини чақибди. Йигит арининг изидан югурибди. Етиб, қараса, эски пахса девор сригида отнинг калласидай келадиган ин бормиш. У шартта чўп олиб арининг инини обдан кавлабди, ари роса тузигандан кейин сриққа бошини тутиб, «Чоқсунла эмди, одаш!» деган экан.

Одатда бошлиқ буни латиға оқанғида айтиб, мириқиб куларди. Бу сафар хазил аралаштирмай, жиіддий туриб айтди.

— Сен үша «Чоқсұнла»га ухшайсан. Лекин сен арининг әмас, нақ үлімнінг уясини кавлашни ният қилибсан. Жонинг тескінга келген бұлса ҳам қадамнінг үйлаб бос. Бола-чақанғ борлигини эсдан чиқарма. Менни қандай тушунсанғ тушунавер. Құрқоқ дейсанми, олчоқ дейсанми — нима дессанғ деявер. Мен осмондаги ҳақиқатдан срдаги жонимни азизроқ биламан. Ҳар куни ҳақиқат,adolat деб жақтастырыларға ҳам жон ширип. Сен уларнінг гапларига учмай. У ҳақиқат деб бөшимиzinи айлантириб, бизни күшхонага бошлайди. Үзи құнғироқли ссрка сингари үтиб кстади. Пичокқа ссига үхшаган лақмалар дүчі кслади.

Зоҳид собиқ бошлигининг гапларини тоқат билан әшитди. Авваллари бирон масала хусусида гап талашгудай бұлса, бошлиқ құрс мұомала қылар, силтаб-силтаб ташларди. Ҳозирги мұомаласи, синиқроқ оқангда, насиҳат тарзіда гапириши Зоҳид учун янгилик әди. Бошлиқнінг асл қиёғаси қайси — ҳозир жонли одамдай күйіб гапиришими ө аввалғи тесмир одамдай терслигими — Зоҳид фарқламай қолди. У собиқ бошлиғига «ҳа» ҳам, «йүқ» ҳам десмади. Қишлоққа ҳар борганида онаси ҳам шундай гапларни күп айттарди. Үзингни үқ-қа-чүққа уравсрма, деб илтижо қиларди. Онаси-ку унга күйганидан айттарди. Бошлиқ-чи? Наҳот, Зоҳиднінг тақдиріга у ҳам күйинса?

Зоҳид сиз билан биз каби дунғдан адолат изларди, ҳақиқат топмоқ истарди. Унинг назаріда ҳақиқат қасрдадир күл остида әки бир уюм ахлат остида өтгап ҳайқалу уни топиб, тозалаб, тиклаб қыйса олам гулистан бұлади. Мана шу күчли истак уни ән атрофидаги одамлардан рұхан узоклаштиради. «Излаб овора бұлма», деснлар у учун ожиз маҳлуққа айланарди. Бу одамлардан фазилат излашга ҳаракат қылмаек қүйган. Собиқ бошлиқни ҳам шулар қаторига құшган әди. Бошлиқнінг ҳам одам эканини, озгина бұлса-да, инсоний фазилатлардан баҳраманд эканини үйламасди. Собиқ бошлиқ уни әмона күргани билан тақдиріга беғарқ қарағымас әди. Мана, үзингиз тасаввур қилиб күринг: сиз ҳам кимнидир әмона күрасиз. Ҳа, ҳа, яширмай буйнингизга олавсинг. Барчани бирдей яхши күриш мүмкін әмас. Хуллас, сиз ҳам кимнидир әмона күрасиз. Лекин үша одамни үлдириб кетишса ачин-

майсизми? Ачинасиз. Ҳатто уни ёмон куриб юрганингиз учун, саломига алик олмай қўйганингиз учун узингизни лаънатлайсиз. Агарчи бу фожиадан қувоисангиз, «ўлдириб кетишгани яхши булибди», десангиз, у ҳолда сиз одам эмассиз. Шу ўринда «одам эмассиз, ҳайвонсиз», десам қунолилигим учун раижийсиз. Аммо бошқа бир сабаб билан «ҳайвон» деса олмайман. Буни айтсан, уша бегуноҳ жониворларни ҳақоратлаган, балчиққа булғаган буламан.

Чекининин бас қилиб, яна дспара ички шилар булимига қайтайдик. Энди сизга Зоҳиднинг туйгуси қисман маълум. Собиқ бошлигининг гаплари у қулогидан кириб, бу қулогидан чиқмайди. Бу гапларни сунгги нафасда, жон таслим қилаётганида ҳали эслайди...

### 3

Зоҳид эрталаб идорасига кирмай Шариф Намозов билан гаплашиш учун шаҳар турмасига келди. Темир тусиқлардан утиб, тергов хонасига кирди. Беш-ун дақиқадан сунг эшик очилиб, соқчи куринди-да, маҳбус олиб келинганини маълум қилди. Сунг қулларини орқасига қилиб олган Намозов кирди. Унинг оёқларига кишин урилмаган, лескин қадам босиши занжирбанд маҳбусларникидай оғир эди. Озгин, сийрак сочлари тузғиган бу одамнинг думалоқ кўзлари ич-ичига ботган, қарашларинда эса кишининг раҳмини уйғотувчи илтижо зоҳир эди. Елкасидаги дунё юки оғирлик қилаётгандай бироз буқчайган. У срга маҳкамланган қаттиқ курсига утириб, бошини ҳам қилди.

Зоҳид чекмаса ҳам ёнида сигарст олиб юради. Маҳбусга бир неча нафас тикилиб тургач, чўнтағидан сигарст чиқариб, унга узатди.

— Чекинг.

Шариф индамай қўл узатиб, титроқ бармоқлари билан қутидан битта сигарстни ажратиб олди. Зоҳид унга гугурт узатди. Шариф аввал гугуртга, кейин Зоҳидга қаради. Сунг сигарстни стол устига қўйди.

— Узр, чекмайман.

Чиндан ҳам Шариф чекмас эди. Ҳозир нима учун сигарстни олганини ўзи ҳам билмади. Кайфи тарқаган бўлса ҳам у ҳануз қарахт эди. Турмага қандай қилиб тушиб қолганига хайрон, хаёл уни турли кўчаларга ҳайдарди. Берк кўчаларнинг бирига кириб, тентираб,

ундан чиқарди-да, сүнг яна бошқа берк күчага рұпара буларди. Унинг эсида қолгани — бошқонға<sup>1</sup> шартта шартта гапиргани, «фош қилиш қулимдан келади!» дәб катта кетгани. Бошқон «осмон қулингда бұлса ташлаб юборавсөр», деди. Шариф «энди бошқон билан іоз курмас булдим», дәб угирганида, исшинга яқын хонасига кириб келди. Бошқон иши бұлса уни хонасига чақыртиради. Шариф унинг кириб келганини күриб «гапим жонидан утибди-да», дәб уйлади. Лескин бошқон, уни ҳайрон қолдириб, соат илгари булиб үтган нохуш суҳбатни эсламади. Е «сиздан үтганини мен кецирдим, мендан үтганини сиз кециринг» демәди. Кирдию:

- Юринг, кетдик, — деди.
- Қаєққа? — дәб ажабланди Шариф.
- Сатторникига, бугун отасининг йигирмаси.

Шариф бир баҳона топиб, түйга бормаса бормасди, аммо маъракалардан қолиб бұладими? Шу боис индамай туриб, бошқонга эргашди. Бошқоннинг машинасига яна идоранинг икки ходими утириб, тұртоғлон йүлга чиқиши. Маърака бұласттан күчани тұпланиб турған бсәхисоб машиналардан ҳам билса буларди. Одамлар ҳам қатор тизилишиб, ичкари кириб ош сб чиқиши учун навбатда туришарди. Тұғри, уларнинг мақсади қоринни түқлаб кестиш эмас. Ният — мархұм рұхини эслаш, хонадон әгаларига ҳамдардлик билдириш. Шундай бұлса-да, Шарифға навбатда туриш малол келарди. У үзіча «оббо», ярим соат турарканмизда», дәб қүйіб машинадан түшди-да, одамлар қаторида туриб честга чиқмоқчи эди, бошқон «бу ԇққа юравсинг», дәб ҳеч қаєққа қарамай тұғрига йүл олди. Саттор уларни курибоқ пешвоз чиқиб, қүшқұллаб сұрашди-да, уйға бошлади. Катта ҳовлидаги барча үринлар банд. Хизматдагиларнинг қули қулиға тегмайди. Бошқон билан келгандарни алоҳида иззат билан ичкарига, уйға бошлашди. Қенг, нақшинкор уйға зиңғатлардагидай дастурхон ясатиғлиқ, ташқаридан эшитилиб турған тиловат овозлари демаса, зиңғаттаға келдик, дәб уйлаш ҳам мүмкін эди. Бошқоннинг үзи, Шарифни ҳайрон қолдириб, қироат билан қуръон тиловат қилди. Чой кирди, нон синдирилди. Шариф «энди ош киар», дәб уйлади. Аммо яна чой кирди. Иккала чойнакни олган идора ходими бошқонға қаради:

- Оқиданми ө қизилиданми, хұжайин?

<sup>1</sup>Директор

— Улдирса ҳам қизили үлдирсин.

Шариф «маъракаларда ичиляпти», деган гапни эшитган, аммо узи бунга ҳали гувоҳ булмаганди. Унга ҳам қўниб узатишгач, бир ижирғанди-ю, олмади. У художуй эмасди. Бошқон қаби тиловат қилини ҳам қулидан келмас эди. Аммо бундай маросимда ичинидан ҳазар қиласарди. Кукрагида уйғонган бир ҳис нафрат уйғотар эди. Ҳозир шу нафрат билан бошқонга қаради:

— Бу сги урисча буп кетди-ку? — деди.

— Олаверинг, гуноҳи менинг бўйнимга, — деди бошқон. Кейин қушиб қўйди: — Ният билан олса гуноҳи йўқ. Бунинг кайфи ҳаром, узи ҳалол. Узумнинг сувини шу пайтгача бирор ҳаром демаган. Саттор «отамнинг жойи жаннатда бўлсин», деб ният қишиб дастурхон сўзган. Кимда ким шу ниятига стмасин деса, майли, олмасин.

Шариф шу гапдан кейин ҳам ичмади. Кейин шунга ухшаган гап яна қайтарилгач, уни ҳам шайтон йўлдан урди. Гус унинг айби билан марҳум дўзах оловида қошурилаётгандек туюлиб, бир-икки хўплам ичди. Кейин эъса... Сунг бу «маърака»дан чиқиб, кимникигadir зиёфатга киришди. Гапдан гап чиқди. Бошқонга нимадир отгани эсида. Кейин... узини қамоқда кўриб «битта-яримтани үлдириб қўймадимми», деб ҳам уйлади.

Ҳозир терговчи узатган сигаретни олганида шу даҳшат исканжасида утирган эди. Шу таъвасага банди булиб, сигаретга қўл узатганини узи ҳам сесмади.

— Мен Зоҳид Шариповман. Шаҳар прокуратурасининг терговчисиман. Айбингизни биласизми? — деди Зоҳид унга тикилиб.

— Йу-ўқ... — Шариф Намозов ўзининг овозини узи базур эшитди.

— Сиз қорадори фурушликда айбланяпсиз. Ўйингиздан катта миқдорда қорадори кукуни топилган. Портфелингиздан ҳам. Халтачаларда бармоқ изларингиз бор.

— Нима дедингиз? Қорадори... фурушлик? Менинг уйимдан... Портфелимдан... — Намозов Зоҳиддан «адашибман, гуноҳингиз бошқа» деган гапни кутиб, илинж билан тикилди. — Сиз... адашмаяпсизми? Гуноҳим бошқадир?

— Яна қандай гуноҳингиз бўлиши мумкин?

— Гуноҳимми? — Намозов дафъатан жавоб беролмай чайналди. — Масалан... бирорни ургандирман... Кайфда булади-ку?

— Бирорни урган бұлсанғиз, бу иш билан шаҳар прокуратураси шугулланымақ эди. Адашганимиз йүк.

Намозов снгил тин олди. Елкасидан төг ағдарылғандай бұлди. Зохил ундаги үзгаришни сезди. У Намозов айбономани дарров рад этади, исбот талаб қиласы, десб үйлаган эди. Индамай утиришига қараб, «бүйнің олдимі», десб таажжубланди.

— Нимага индамаяпсиз?

— Мен... очигини зійтсам, одам үлдириб қүйибманым, десб құрқувдим.

— Қорадориғурушликни снгилроқ жиноят десб үйляяпсизми?

— Сизнің тилингизда снгилми ө оғирми, билмайман. Балки униси үчүн ҳам, буниси үчүн ҳам отарсизлар. Лекин мен үчүн одам үлдириб отилди, деган номус әмоян.

— Қорадори үнлаб үш жоғларни ҳалок қиласы. Бунисига нима дейсиз?

— Нима дердім, бунга қорадори сотадиганлар жағынан бераверсии.

— Сиз-чи?

— Умримда құлмаганман бунақа ишни.

— Үзинің ҳам истемол құлмаганмисиз?

— Нимани? Қорадориними? — Намозов бош чайқады.

— Қонингиз текширилғанда таркибіда қорадори топилған. Сиз фақат ароқдан әмас, қорадоридан ҳам маңыз әзинніз.

— Елғон.

— Сизге судмедэкспертиза хulosасини күрсатамыз. Ҳозир еса... билагингизга қаранг.

Намозов шошилиб пиджагини счди-да, снгини шимарыб билагига қаради. Йүгон томир устида билинар-билинімас игна изини күриб, Зохидга даңшат назары билан қаради. Унинг юмалоқ күзлари янада катталаш-ғандай бұлди.

— Тамом! — десди у титроқ овозда.

— Нима тамом! — десди Зохид тушунмаган одамдай.

Намозов бошини әгіб, худди үзи билан үзи гаплашағандай десди:

— Мен ажал билан үйнешкан эканман... — у бошини күтариб Зохидга қаради. — Менниң буларым бүпти. Бола-чақам омонми, фақат түгрисини айтинг.

— Хотинингизни күрдим. Болаларингизни...

- Болаларим ойимницида эди.
- Сиз кимдан құрқяпсиз?
- Кимдан құрқяпсиз? Мен құрқмайман. Құрққа нимда бу срда утирмас эдим...

Зоҳид қалин дафттар очиб, таомылға күра Намозовни суроқ қила бошлади. Исл-шариғини, туғилған йили, куни...ни сұради. Намозов саволларға қисқа, со-вуқ оханды жавоб берар эди.

— Қорадорини сизга ким стказиб берар эди? — деб сұради Зоҳид асосий мақсадға күчиб.

— Танимайман, — деди Намозов гап охандынның үзгартырмай. У қамоққа кимниң истаги билан кеслиб қолғанини англаған, пухта үйланған тузоққа тушганини фақмлаған эди. Тузоқдан қаңдай қутулишини билмас эди. Терговчи ҳам балки уларниң одамидир, десең үй уни почор ақволға солиб қўйган, на очиқ гаплашишини, на үзини гўлликка солишини биларди. Қисқа мулдат ичида танланиши мумкин бўлган ягона йўл — «биймайман» деб туриш. Зоҳид унинг туттаган йўлини күра билди. Шунинг учун арқонни узун ташлаб, суроқни давом эттириди:

- Мижозларингизни айтинг?
  - Танимайман.
  - Қанчадан олиб, қанчадан пуллардингиз?
  - Килосиними?
  - Айтайлик, килосини?
- Намозов үйланди. Ўзича чамалади.
- Минг сўмдан олиб, бир ярим мингдан сотардим.
  - Демак, килосидан беш юздан қоларкан-да?
  - Ҳа, шунақа.
  - Купдан бери сотармидингиз?
  - Купдан... уч-түрт йил бўлди.
  - Пулни нима қилардингиз?
  - Пулними? Еб-ишиб...
  - Мени лақиллатмоқчимисиз?
  - Саволларингизга тўғри жавоб беряпман-ку?

— Қорадорининг килоси минг сўм эканми? Қайси аҳмоқ ишонади бу гапга? Сиз илмдан бошқа нарсаларга ҳам ҳеч аралашгандыкимисиз?

Намозов «илм» деган сўзни эшитиб, худди «дафтарим уйда қолибди», деб ёлғон гапириб қўйиб уялган боладек бошини эгди.

— Ёлғонни эплаган одам гапириши ксрак, — деди Зоҳид аччиқланиб.

«Тұғри, — деб үйлади Намозов, — бунга ҳам истеъдод лозим. Мен ҳатто оддий әлғонни ҳам әплай олмайман. Елғондан қуллуқ қылсам, әлғондан жилмайиб қүйсам... аллақачон академик булиб кстармидим... Насиба «бунчаям ношудсиз-а», деб тұғри айтади...»

— Менга тұғри гапни айтинг. Мен қорадориғурууш лигингизга ишонмайман. Агар «йүқ, чиндан ҳам қорадори сотардим», дессаныз, қани, мени ишонтириңг-чи?

Шариф қотмадан көлгап, қорача бу йигитта ажабланып қараб, базур кулимсиради.

— Ишонтириңг, дейсизми? Мен жиноятчи эканимга сизни ишонтишим керакми? Қизиқ-ку?

— Ҳа, қизиқ. Аслида мен сизни ишонтириб, айбингизни бүйнингизга қойиб, қаматишим керак.

— Айблайверинг. Мен тонмайман. Бошга тушганни күз күрар экан. Бир-икки йил үтади-кетади. У дундан ҳали ҳеч ким қайтмаган. Қамоқдан эса эсон-омон қутулыб чиқиши мүмкін.

— Бир-икки йил деңг?.. — Зоҳид үрнидан турди-да, столни айланип утиб, маҳбуснинг қаршисида тұхтади. Намозов «урмоқчими?» десан хавотир билан қараб, турмоқчи бүлди. Зоҳид уни слкасига қулинни қойиб, «жилманг» десан ишора қылды. — Бир-икки йил эмас, сайру саңат узоқроқ давом этса керак.

— Үн йил бұлмайдими, менга деса.

Зоҳид, шичиқланып, маҳбусни икки әлғасыдан мақкам ушлаб бир-икки силтади.

— Сиз мен билан олди-сотти қилманг. Бұладиган гапни айтинг: кимдан қурқяпсиз?

Шариф унинг күзига қараб олди. Яқиндагина мулојим боқиб турған, ишонч үйғотиши мүмкін булған нигоҳда жаҳл учқунларини күриб «Энди дүппослайди», деб үйлади. Бошини эгиб, гарданига мушт тушишини күтди. Ҳатто гардани тошдай қотиб, зириллай бошлади. Мушт тушса, оғриқ тарқаб, снгил тортадигандай туюлиб, «урса урақолмайдими» деб үйлади. «Кейин калтакдан одам үлмайди. Одам қаторига кириб калтак есам сбман-да. Бола булиб биров билан муштлашмабман, биروفдан тузукроқ калтак смабман. Ана энди, донғым чест әлға чиқиб турганида бир бесфаросат савалласа. Лиссабонда ҳозир менинг таъриғимни келтириб мақташаётгандир. Бу ерда калтак сяётганимни тасаввур ҳам қилишмаса керак...»

Шариф кутгандаи мушт тушмади. Зоҳид уни қўйиб юбориб, жойига қайтди.

— Сиз олим одам экансиз. Агар заводда оддий хизматчи ёки оддий ишчи бўлсангиз, нимадан қўрқаётганнингизга тушуниб стардим. Бирга ўғирлик қилған шерикларидан чўчияпти, дердим. Ҳозир жойингизга қайтиб, ўйланг.

Эшик очилиб, соқчи кирди. Маҳбус томон икки қадам қўйди.

— Тур, — деди совуқ оҳангда. Шариф турди. — Қулингни орқага қил.

Шариф итоат этиб, буйруқни бажарди.

«Жойингизга бориб, ўйланг» эмиш, — деб фикр қилди у, қамоқхонанинг узун даҳлизидан борар экан. — Энди бу ср менинг жойим бўлиб қолдими? Менинг жойим... Ёмон эмас. Лаҳадга нисбатан шу ср тузук. Болаларим омон бўлса бас. «Катта миқдорда қорадори топилди», дейди. Катта миқдори қанча? Ун минг сўмликми? Ё кўпроқми? Шунча қорадорини уйимга ташлаб қўйган бўлса, бу терговчиларига ҳам сарф-харажат қилишгандир? Агар бу болага ҳам беш-ун минг сўм бсрилган бўлса, умумий ҳисобда... нархим чакки эмас экан-да? Ўн беш, йигирма минг сўмлик одам эканман-да? <sup>Баъзи бироқларни сариқ чақага ҳам олишмайди.</sup> Менга шунча пул сарфлашибди. Бойваччалар бирорни қамоқдан чиқариш учун пул сочишарди. Менга келганда қамоққа тиқиш учун сарфлашибди. Ўн беш, йигирма минг уларга пулми? Бир кунда чиқариб олишади. Мен уларга ёқмай қолган эканман, шунча овора бўлиб, найранг ишлатиб, пул кетказиб юрмай, шартта ўлдириб юбора қолишса яхии эмасмиди?

Ё ўлдириш қимматроқ тушармиди? Бе, уч-тўрт юз сўм билан тинчтишарди. Битта алкашни ёки гиёхвандни ишга солишса тамом-да. Лескин қон тўккилари кслмабди. Нимага? Инсоф қилишдими? Инсофни қаёқдан олишди? Ё қурқишидими? Кслиб-кслиб мендан қурқишидими? Ё менинг бурнимни срга ишқаб, мулла қилишмоқчи бўлишдими? «Мулла» бўлган тақдиримда улар нима наф қуришади? Барibir энди уша заводга қайтиб бормайман-ку?»

— Тухта, деворга юzlаниб тур.

То шу буйруқ янграгунча, камсра эшиги тарақлаб очилгунча мана шу хаёллар Шарифга ҳамроҳ бўлди.

Зоҳид маҳбус чиқиб кетганидан кейин ҳам бир несча фурсат урнидан қўзғалмади. Прокуратура тсрғовчиси билан жиноят қидирув инспекторининг ишида катта фарқ борлигини мана шу биринчи қадамидашқ аник ҳис қилди. Унинг назарида прокуратурадаги иш осонроқ туюларди. Прокуратура ходимлари унинг қўзига лоқайд тўралар сифатида кўринарди. Унинг аввалги иили жиноят изига туштиш, жиноятчини ушлашдан иборат эди. Қолганини жиноятнинг катта-кичигига қараб ё шаҳар, ё деспара прокуратурасига утказиларди. Тсрғовчилар савол-жавоб қилиб ишни судга оширишарди. Энди эса собиқ ҳамкасби — жиноят қидирув инспектори ушлаб бсрған жиноятчининг тақдири унинг қулида. Биринчи жиноятчи — олим. Яқиндагина олимлик шоҳсупаси томон дадил бораётган, акаси улимидан сунг шартта бурилиб, бошқа йўлга утган, дам-бадам олимлик кўчаларида хаёлан сарсари ксувучи йигит янги ишда илм одамига йулиқиб турса! Такдир уни синамоқчими?

Зоҳид юраги сиқилиб, дафтарга формулаларни бсихтиёр ёза бошлади. Унинг одати шу — юраги сиқилса, калаванинг учини йўқотиб, гаранг бўлса, беихтиёр равишда формулалар ёзиб, счиб чиқара бошларди. Ед бўлиб кетган Эйнштейн назариялари ёки ҳисоб оламининг счими мушкул рақамлари дафтар саҳифаларини тўлдиради.

У ҳуқуқ соҳасига булоқ умид билан утган эди. Адолат тикламоқни истаб эди. Бир дсҳқоннинг боласига ҳаётда нима ксрак? Кунда бир коса овқатга қорни тўйғац, овқат бўлмаган тақдирда нон-чойга қаноат қилган, эгнидаги кийимининг снги то тирсагига келиб, калта бўлиб қолгунича янгисини қурмай ўсган бола подшолик тахтини талаб қиласиди? Отасининг ёнида кстмонига сифиниб яшаган, раис бува марҳамат этган дамда мактабда ўқиб, бошқа пайт далада кесак ялаган бола дунёга танилувчи олим бўлиш орзусида юармиди? Қарангки, шундай булиши мумкин экан. Акаси шаҳардаги олий ўқишига кирганида Зоҳид тўкқизинчи синфда эди. |Бир томондан акасига ҳавас қилиб, яна бир томондан риёзиёт муаллими қизиқтириб ўқишлиари бир мунҷа яхшиланиб, оқибатда олтин нишонга даъвогар бўлиб қолди. Дунёнинг ажабтоворлигини қаранг-ки, сувчининг ўғли шундай эътиборга, яъни,

даъвогарликка лойиқ экан. Аммо нағовнинг масаллани билан шавла пишириш мумкин булганидек, аълочи бола олтии нишон олавермайди. Пағовни дамлаётганда бир пиёла сувни меъеридан күпроқ қўйиб юборсангиз, қулбола шавла ейсиз, уқув давомида минга «бени» олиб, биттагина «турт»га илансангиз, олтии нишонин тушингизда куриб, аълочи бола сифатида мактабдан учирма буласиз. Албатта, билим берган муаллимларингизга мингдан-минг раҳматлар айтишини унутмайсиз.

Сизни билмайман-у, аммо Зоҳиднинг бошига шундай савдо тушган. Пенсионасига «жамиятшунослик» деган фандан битта «турт» олиш ёзилган экан, нима қилисин бечора. Риэзиёт муалими бир ёндан, акаси бир ёндан тарғиб қилиб, уни Масковдаги олий үқишга боришига кундиришиди. Шу муносабат билан отаси битта сигирни сотадиган бўлди. «Иккита сигирни боқиши азобидан қутуламан. Бир онлана битта сигир стади-да, кузга бориб туғиб берса, яна иккита-да...» деди отаси. Отаси кўп аломат одам-да. Худо уни яратишга яратиб, сўнг унутиб қўйганими, ҳар ҳолда шундайгина яралганича қолаверган — устомонлик, ҳийла, макр, ёлон деган неъматлардан бебаҳра юраверган. Йўқса, битта сигирининг пули билан ўғлим катта үқишга кириб, катта одам булиб кетади, деб ўйлармиди. Телевизорни дастлаб кўрган маҳалда гунча лабли қизга куз қисиб, имлаб қўйиб бир ҳафта ўзича хурсанд булиб юрган одамнинг ўғли вояга стиб Масковдай жойда уқир экану сигирдан воз кечиши нима экан?..

Ҳам тижорат, ҳам саёҳат деганларидаӣ, риэзиёт муалими ҳам борган эди Масковга. Ёзма имтиҳондан «уч» олгач, тарвузлари қўлтиқларидан тушди. Зоҳид масалани ёд қилиб олган эди, муаллимига ёзиг курсатди — тўғри чиқди. Муаллим имтиҳон олувчилар билан баҳслашди. Фойда бермади. Оғзаки имтиҳонни «турт» баҳога топшириб, рус тилидан «икки» олдию «сигирнинг жони шуларга худойи бўлди-да», деб қайтишди. Улар «Тошкент үқишихоналарида порахўрлик кучли, Масковда инсоф бор», деган умидни, ўйни ўша ёқининг ўзига кўмиб келаверишди. Зоҳид кетмонни слкасига ташлаб, отаси билан далага чиқди.

Колхозда ун беш кун озодлик ёлон қилиниб, кунига турт-бештадан туй ўтаётган кунларда қишлоққа тепакал бир ўрис жингалак сочлари оқариб кетган бир ўзбек билан бирга келиб, Зоҳидни суриштирди. Зоҳид уни таниди: Масковда оғзаки имтиҳонни шу одамга

топшириган эди. Унинг муаллим эканини биларди, бироқ, риёзиёт буйича стук мугахассис эканидан беҳабар эди. Жингалак соchlари оқарган үзбекни эса Зоҳид танимади.

— Ёзма имтиҳондаги масалани мен тузган эдим. Унинг иккита счими бор эди. Сен счимнинг учинчи йулини топган экансан. Кейин фикрласам, сен топган йўл маъқулроқ экан. Сен келгуси йили Москвага албатта боришинг керак. Мана, Ҳабиб Сатторович сендан хабар олиб турадилар. Бу киши менинг шогирдим. Сен менга кенжашоғирд бўласан.

Зоҳид бундан беҳад хурсанд эди. Гус олий билимгоҳни битириб келгандай қувонганди. Бироқ, муалими тушмагур ишни бузди.

— Зоҳид энди Московга бормайди, ўртоқ профессор. Билимгоҳингизда Ўзбекистон учун нечта ўрин ажратилган? — деб сўради. — Биттами? Бу йил ким кирди? Сизга ёлғон, менга чин — министрнинг ўғли кирди. Карра жадвални биладими ё йўқми, менга қоронғи. Лескин у имтиҳонларни «бсш»га топшириди. Сиз тузган масалани ҳам зўр қилиб счиб бергандир. Ўзбекистонда министр деганлари куп, уларнинг болалари куп. Ҳар йили биттадан сигир сотишга бизнинг қурбимиз етмайди. Камбағалнинг боласи қадимда ҳам ўқислмаган, ҳозир ҳам ўқислмайди. Катта олимлар, катта одамлар таржимаи ҳолида камбағалдан чиққанман, стимхонада ўсганиман, деб сўзишади. Бари ёлғон! Ҳаммаси бойнинг болалари. Ҳаммаси отасининг олтинлари туфайли ўқиб одам бўлган!

Муаллимнинг бу гаплари Зоҳиднинг отасига маъқул келиб, «ўғлим Московда ўқисин» деган умидидан воз кечди.

Кетмонини тиинчгина чопиб юрганида, келгуси ёз бошларида Ҳабиб Сатторович деган одам яна келиб, эски гапни қўзғади. Узоқ давом этган музокаралардан сунг томонлар сулҳга келишдилар — Зоҳид Московда эмас, Тошкентда ўқишга рози бўлди. «Майли, олий маълумотни Тошкентда олсин, бироқ, аспирантурани албатта Москвада ўқийди», деди Ҳабиб Сатторович. Ўқишининг иккинчи йили ёк, Зоҳид олимлар назарига тушибди. Унинг имкониятлари, келажаги ҳақида умидли гаплар бошланганди. Бироқ, акасининг улеми, терговчилар, ҳакамларнинг номардлиги барча имконияту умидни парчалаб ташлади. Зоҳиднинг ёлкасига бир шайтон миниб олиб «бу ўқиши ташлайсан, ҳуқуқ ил-

мини оласан, бу аблаҳларга қарши курашасан, адолатни тиклайсан, бечораларга суюнчиқ буласан», деб мин-ғирлайверди. Зоҳид бу гапларга қўиди. Тунгич ўғли дардида қадди букилган отага ҳам шу фикр маъқул келди.

Мана, орадан йиллар утиб, риёзинётчилар умид билан қараган йигит шаҳар турмасининг сўроқхонасида ёлғиз утириб, рақамларга рақамлар улайити: қушув, булув, олув, сўнг илдиз остидаги рақамлар... Буларни счиш унга чут эмас. Аммо адолат формуласига тиши утмаяпти. Не-не алломаю донишманлар еча олмаган масалага унинг қурби стармикин?

### III БОБ

#### 1

Шаҳар марказидаги эътиборли идоранинг сртуласида видсобар очишиди. Ертулага иморатнинг биқинидан тушилади. У очилмасидан илгари сртулада идоранинг эски-тускилари сақланарди. Икки йил муқаддам идора сртулани таъмирлаш учун катта микдорда маблаг ажратди.<sup>Айрим маҳкамалар эшикларини бўятиш учун пул тополмай сарсон юрганида бу идорага икки юз минг сўм ажратилиши ҳукуматнинг хотамтойлигими синки идоранинг эркалигими, билиб бўлмади.</sup> Қайта қуриш деган нарса билан боғлиқ воқсалар шунчалар шиддатли эди-ки, «халқ аранг тирикчилик қилаётганида сртулани таъмирлашга бало борми» дейдиган одам топилмади. Зимдан қараганда халқ ғамини чскиб юрувчи бу идора ходимлари ҳам гус оёқлари остида нималар содир булаётганидан бехабар эдилар. Ертула таъмир этилиб, Асадбек ихтиёрига утгач ҳам «халқ фидойилари»да ажабланиш уйғотмади. Улар оламшумул ишлар билан — халққа озодлик бериш уйи билан банд эдилар. Оёқлари остида нималар булаётгани эса уларни қизиқтирмасди.

Асадбекнинг қароргоҳи учун жой лозим экан, тузукроқ иморатга қаҳат кслибдими? Айниқса идоралар сони қисқараётган дамда бирон иморатни ижарага олишдан осонроқ иш йўқ. Шаҳар ижроқумининг раҳбарларидан бири бу юмуш билан шахсан шуғулланиб, Асадбекнинг янги идораси учун кўп жойларни тавсия этди. Асадбек барча қуайликларга эга иморатлардан

воз кечиб, шу сртүлани танлади. Ертүлага иморат ичидан йўл бор эди. Асадбек ихтиёри билан иморат биқини кавланиб, зинапоя қилинди, қалин пойдсвор тесилиб, эшик очилди. Ертүлага икки томондан кириб-чиқиш имкони туғилди — шуниси бехавотирроқда. Давлат ажратган икки юз минг сўм билан бир ишнинг улдасидан чиқиши мушкул. Асадбекнинг беш юз минг сўми хароб сртүлани ўн икки хоналик шинам саройчага айлантириди. Унинг бир хонаси видсобар, қолганлари иш юритишига, ҳордик чиқаришига мўлжалланган эди. Машнатхона, ҳатто ҳаммом ҳам назардан четда қолмади.

Юқорида халқпарварлар мажлисдан бўшамай томоқ йиришилади. Пастда эса Асадбек ўз ишини юритади. Ҳамманинг назари юқорида. Паст билан бирорвонинг иши йўқ. Видсобарда чой, қаҳва, шарбатдан булак ичимлик йўқ. Очилганидан бери бирон марта ҳам хориж фильмини кўрсатмади. Бисотида уч-тўрт мультфильм, эски ҳинд фильмлари, Шералининг, Гуломнинг концертлари... Бу срга кунда бешта одам кирса киради, бўлмаса йўқ. Булар — кундузнинг манзараси.

Тунда видсобар ўзгача манзара касб этади. Соат ўн бирларга яқин иморат олдида иккита милиционер пайдо булади. Сунг оппоқ «Волга»лар бир дақиқага тўхтаб ўтишиади. Ундан тушган сипо одамлар атрофга аланглаб олиб, сртүлага шўнгишади. Мажлислардан хориган халқпарварларининг стакчилари куча томондан эмас, ичкаридаги зинадаи тушиб борадилар. Тун ҳукми заптига олганида оқ «Волга»лар яна бирин-сирин пайдо буладио эгаларини олиб жўнайди. Шундан кейин милиционерлар ҳам гойиб булишади. Тонгга яқин усти берк юк машинаси идора орқасидаги дарвозадан ҳовлига киради. Буш шишаларни ортиб жўнайди. Унинг изидан «РАФ» кслиб тухтайди. Бири биридан ширин қизлар машинага илдам чиқиб ўтиришади. Соатга қараган киши юк машинасининг уч, «РАФ»нинг бир дақиқада иш битириб жўнаганига гувоҳ булади.

Идорада қоровуллик қилувчи ёш, чапдаст йигитлар барча ишни вақтида, аниқ бажарилишини таъминлайдилар. Қайта қуриш шарофати билан барча идоралардаги кекса ходимлар ўрнини иқтидорли ёшлар эгаллаганидек, пенсия пули тирикчилигига стмай, шу қоровуллик маошига кўз тикувчи қариялар тантана би-

лан кузатилиб, улар урнига тогни бехосдан уриб талқон қилиб юбормасликлари учун камтаринироқ ишні истаган йигитларни олишди. Бу йигитлар идорага ки-рувчи ҳар бир кимсага салом бергучи, бағоят одобли ҳам эдилар.

Асадбек ҳар уч йиљда қароргохини узгаргиради. Дастьлаб гурухбоши булиб иш бошлаганица Эски Жұвадаги пастқам уйни ижарага олган эди. Вассажуфт, қорасувоқ уйда туни билан ароқ ичиб, ческиб чиқиларди. Лскийн эртасига бу уйга кирган одамнинг димогига қуланса ҳид урилмасди. Шунинг учун ҳам Асадбек үша дастьлабки қароргохини күпроқ өктиради. Орадан йиллар үтиб, қароргохларини күп узгартырди. Мана бу янгиси хон саройидек беzaлди. Лскийн күнгил қурғур ба-рибир үша қорасувоқ уйни құмсаб қолади.

## 2

Янги йил кутиш баҳонасида тунни бедор утказған шаҳар тонгни күзда уйқу билан кутиб олди. Кимдир туни билан телевизор күриб, кимдир улфатлари билан түйиб ичиб, кимдир жононлар билан түйиб майшат қилиб, энди ҳордик чиқарар эди. Бундай байрамлар Асадбекнинг одамлари учун ҳаром, у байрам күнлари яйрашни, майшат қилишни қатъиян таъқиқлайди. Унинг назарида айнан шундай кунда қопқонга тушиб қолиш мүмкін. Одамлари бунга күникиб кетган. Асадбек вазият ва имкониятта қараб эылон қылған байрам күнлари яйраб олишади.

Янги йилнинг биринчи куни шаҳар уйқудан турмай, видеобар эшикларини очди. Бошқа күнлардан фарқли үлароқ, бу тун видсобар ишламади. Оқ «Волга»лар ҳам тұхтаб үтмади.

Видеобар оғаси, чақчайған күзларидан бирон-бир маъно уқиши мушкул булған, қалин мүйлови туртиб чиққан түмшүгига ҳусн бериш урнига баттар хунуклаштирган барзанги йигит хорижнинг қизил духоба қопланған юмшоқ курсисига ястаниб олган эди. У гүс телезернеги мультфильмни томоша қила, ха隻и эса ён курсида үтирган, башанғ кийинган, күзларida саросима сузаётганды одалда — вино заводи бошқони Қилиті Сулаймоновда эди.

Бошқон саҳар чоги видеобар эшиги очилиши билан пайдо бүлди. Videobar оғаси ҳам, пештахтани артаётганды хүшбичим қиз ҳам унга «нима учун келдін-

гиз?» десмали. Ўн саккизни қоралаган хушбичим қиз вазифасини аниқ билади: чой, қаҳва қайнатиш, кслган-кстганларга эътибор бермаслик, видеобар эгаси имо қилған одамга қараб ширин жилмайиб қўйиш. Видсобар огаси ҳам вазифасини аниқ билади: саломаликни жойига қўйиш, кслган одамларнинг, танишми ё нотанишими барибир, ҳаракатини синчиклаб кузатиш, ортиқча гаплашмаслик, савол бермаслик. Ана шу вазифасига амал қилғани учун ҳам, Қилични яхши таниса-да, салом-аликдан нарига утмади. Суфи таҳорат қилишга улгурмай бу одам стиб келибдими, десмак, сабаби бор. Десмак, аъёнлар, сунг хўжайин ҳам келадилар. У ичкарини тайёрлаб қўйган. Бундан кунгли тўқ. Видсобар янги йил кечасида ташқаридан зулғинлангандай кўринса-да, ичкарида ҳаракат тұхтамаган эди. Тұртта телефон қўйилган хонадаги икки қиз, пештахта ортидаги хушбичим қиз гүс хуру гилмон сингари видсобар эгасига бир кечалик жаннатни беришган, базм қуришган эди. Тонгга яқин базм энг ширин срида барҳам топган, хоналар саришта қилиб қўйилган эди. Базм иси хўжайин димогига стиб борса, қай кунларга тушишларини билишса-да, бу тун шайтон йўриғидан чиқишиболмаганди. Уларга бирор кслиб «бу гуноҳингиз яратганга маъқулмас, энди жазолайди», десса «тавба қиласиз, худо кечиради», дейишлари мумкин. Аммо «Асадбек бу ишингиздан хабар топди» десса, юраклари ёрилиб улишлари ҳеч гап эмас. Чунки Асадбекнинг кечирмаслигини барчалари билишади. Била туриб ўзларини тийишолмади. Нима қилишсин, тирик жон...

Қилич иккинчи писладаги чойни ичиб улгурмай эшик очилиб, жуссаси кичик, эти устихонига ёпишган, қалдирғоч мўйлаби узига ярашган одам куринди. Бу одамини яхшилаб таниб олинг: Ҳайдар Асроров, лақаби Кесак полвон. Асадбекнинг ўнг қўл аъёни. Озғин, чайир бўлгани учун Кесак полвон, деб аташгандир, дессангиз янглишасиз. Ҳар бир жамоанинг ички тартиби, расм-русуми бўлганидек, бу оламнинг ҳам узига яраша қонун-қоидаси бор. Шулардан бири — бу оламга қадам қўйган ҳар бир тирик жонга лақаб берилади. Лақаб осмондан олинмайди, балки хатти-ҳаракати, фсылига қараб топилади. Жуссасига қараб танланганида Ҳайдар Кесак эмас, Тошполвон ёки Тесмир полвон булиши керак. Унинг панжаларини Худо суюқдан эмас, тесмирдан яратган. Гарчи сигир йилида туғилган

булса-да, Асадбек ҳазиrlашиб бунинг мұчалы мүшук, дейди. Бунга сабаб, әшилк чөгларида, ҳағы «қарат», «ушу» деган гаштар йүқ пайтида Кесак полвои мүштлашыудай булса мүшукдай сапчиб, уч-турт давангирига бас кела оларди. Кесак полвои аңчадан бері узи мүштлашмайды. Еніда бирғина имосига маҳтабы булиб турған узи сингари чайир йигитлари бор.

Кесакполвои хонага кириб, Қазір ғана суралып олғанича бир-икки дақиқа вақт үтады. Салом-атық чоғида эътиборга молик гаш-сұз булмагани учун, вақтдан фойдаланып Ҳайдарға Кесак полвои лақаби бериленинг тарихини бағындырып:

Бу воқеа әлдік саккизинчи йилда булиб үтганды. Ҳайдар Асадбек билан янги танишган күнлар. Эрталаб күнроқ темир йүл бескеті атрофика «ов» қылар әди. Поездда келган одамларни зимдан кузатыб, пүли бор, деб гумон қилингандарининг изидан тушарди. Бир күнни Ҳайдар Наманғандан келған икки одамни мүлжалға олды. Яктаги устидан қүшбелбог боғлаган урта яшар киши унинг эътиборини тортды. Иккапа одамнинг қулида арзирли юк йүқ, белбог эса дүмпайыб турибди. Демек, булар бозорға мева-чесва олиб келувчи деңқонлардан әмас. Пулни белбоққа болғраб түй-пүй ташвиши билан шаҳарға тушишган. Ҳайдар бунақа одамларининг феълини билади. Пулни ә маҳси құнжига ә белбоққа яширишади. Күпчилик белбоғни маңқул күрады: пул белгә дармон, дейишиша керак-да. Ҳайдарнинг «мижоз»лари, аксиға олғандай, трамвайға чиқиши мади. У әкқа тентираб, бу әкқа галдираб, уч вагонли трамвайлар бемалол булиб қолди. Энди ишни трамвайды әплаштиришнинг ҳеч иложи йүқ әди. Ҳайдар уларнинг изига тушиб, Олой бозорига қадар борди. Лозим бұлғанида ҳимоя қилиш мақсадыда Асадбек унга соядек әрғашди. Чүнтак, белбоғ кесиші Ҳайдардан үтадигани йүқ әди. Хуллас, белбоғ кесилди. Кесиші кесседи оғирилигидан ҳайрон булди. Панароққа үтиб қарасаки, белбогда сариқ чақа ҳам йүқ — беш-олтита кесак ҳафсаала билан териб қўйилган. Ҳайдар «бу қишлоқи күзни шамғалат қилмоқчи экан», деб үйлади. Аслида шаҳарни бир томоша қилиб келай, деб йўлга отланған бу деңқон «таҳоратга кесак топиладими йўқми» деб ҳар эҳтимолга қарши белбоғига тугиб олған әди. Үшандан аламдан бўзарив турған Ҳайдарға қараб туриб Асадбек роса кулди. Лақаб ҳам ушандада тугилди. Икки ошна бу воқсанни тез-тез эслаб, мириқиб қулишади.

Кесакполвон Қилич билан омонлаша туриб, пештахта ортидаги хушбичим қизга қараб олди. Қиз унга ширии жилмайди. Видсобар эгаси бу қарашнинг маъносини дарров илғади.

— Оқаҳон, гап йўқ, шкалад егандай бұласиз, — деди қулинни кўксига қўйиб.

Ҳайдар ичкари кириб кетгач, худди келишиб олингандай Эҳсонов пайдо булди. «Чувринди» деган лақаб барваста, юзлари ҳамиша қип-қизил, овози тсмир жарангидай бу одамга унча мос келмайди. Ёшлигиде олган бу лақабига куникиб кетган. Асадбек билан Ҳайдар Андижондан келган ўн уч շшличувринди бу болани олтмишинчи йилда қанотларига олиб янгишмаган әдилар. Камгап, ссрмулоҳаза, уришганда эса отасини ҳам танимайдиган бсаёв эди бу Чувринди.

Ҳайдар бирон-бир масала хусусида фикр юритилганда тез, аммо саёзроқ хulosи чиқаарди. Маҳмуд эса аксинча эди. Асадбек шунинг учун ҳам кўпроқ Маҳмудга суюнарди.

Аъсилар ичкарига кириб костишгач, орадан ярим соат утиб, телсфон жиринглади. Қиз гўшакни қулогига тутиб, видсобар оғасига кўз тикиди.

— Хужайин келмас эканлар. Бегавотга кетибдилар, — деди айбдор одамнинг овози билан.

Бу гапни эшитган Қилич «кетаверсаммикин?» дегандай видеобар оғасига қаради. Йигит қизнинг хабарига ҳам, Қиличнинг савол-назарига ҳам эътибор бермади. Чунки бу хабарнинг сири хушбичим қизга ва Қиличга номаълум, видеобар оғасига эса ойдай равшан эди. «Хужайин келолмайдилар» деб қунғироқ қилиндими, демак, Асадбек ярим соатлардан кейин пайдо булади. Ҳозир ичкари хонага урнатилган турттала телсфон ҳам жиринглаб шундай хабар эшитилган. Асадбек, кўнгли нотинч маҳалларда ана шундай найранг ишлатиб турарди. Биронтаси изимга тушса, пойлаб турган бўлса чалгийди, деб шу усулни қуллайди. Бу найранг фақат энг ишончли одамларгагина маълум. Асадбекнинг белгиланган жойга, белгиланган соатда келмаслиги, ё ярим соат аввал, ё кейин пайдо булиши ҳам унга аён.

Видсобар оғаси бепарво бўлгани учун Қилич ҳам ноилож мультфильмга тикилиб утираверди. Ярим соатда юраги сиқилиб, жони ҳалқумига келди. Охири чидай олмади:

— Мен кетавсрайми? — деб суради.

— Окахон, утирибмиза-де чақчақлани-иб... Чойдан олинг. Бутун оддих<sup>1</sup> булса, шошиб қаєкқаям борасыз. Ҳозир Шерни қүйиб бераман. Бир мазза қилинг, — у шундай деб хушбичим қызга қаради. Телескран ширнираб учди. Дам үтмай пирираб өришиб, торини құлтиқлаб олиб қушиқ айтастган Шерали куринди. Шерали учинчи ашулани айтастғанды Асадбек келди. Саломга азик олдию ҳол-аҳвол сурашмасдан, индамай утиб кетди. Видсобар эгаси Қиличига «Окахон, аҳволингиз чатоқ, хұжайиннинг феъли айнитган», дегандай қараб қүйди. Қилич бефаҳм одамлардан әмас, Асадбек-нинг ранги-рўйига қараб, аҳволи өмөнлигини үзи ҳам билди.

Асадбек кенг хонага кириб аյснлари билан саломлашгач, уртада туриб атрофга синциккаб қаради. У ичмас ҳам, чекмас ҳам эди. Шунланми, лимоги ҳар қандай исни илғаб, ажрата оларди. Ҳайдар ҳам, Маҳмуд ҳам ярим соатдан мулроқ вақт шу хонада утириб ҳеч нимани сезишмаган эди. Асадбек хонани күздан кесиригач:

— Бұтқа! — деб бақириди.

Бұтқа — видсобар эгаси Кенжанинг лақаби. У Асадбек кириб кетгач, жойига бориб утирмай, әшик оғзіда турған эди. Хұжайиннинг қаҳрли овозини әннитетгач, шошилиб кирди.

— Лаббай, окахон, — деди құл қовуштириб.

Асадбек ҳеч нарса дәмай тесскари шапалоқ тортиб юборди. Оғиз-бурни аралаш тушган күгілмаган зарбдан Бұтқа мувозанатини йүқотиб йиқилай деди. Бир уришда одамнинг жонини суғуриб оладиган бу йигит гавдасини ростлаб, «хұжайин, яна уринг, мазза қилдим» дегандай құл қовуштириб, бошини әгdi.

— Шу ерни ҳам ҳаром қилдингми, ҳайвон! — деди Асадбек унга қарамай. Бұтқа хұжайин тикилиб турған нұқтага қараб, жони чиқиб кетгудай булди. Кесаси маишат қилиб, хонама-хона изғишганда гангиб бу хонага ҳам кирған, чордона қуриб утириб, яланғоч қизларни үйнатған эди. Хонага кирганида құлида писла бор эди. Конъякни ичиб бушаган писланы стол тағига қүйганича унутған экан. Хұжайин кира солиб, шуни ҳам қурибди. Бұтқа шошилиб писланы олди-да, чиқиб кетди.

Асадбек үз үрнига үтмай диванга, Чувриндиннинг снига утирди.

<sup>1</sup>Дам олиш күни дегани.

— Буларни бичиб қўйишим қолди, — деди узиға узи ганиргандай.

Ҳайдар ҳам, Маҳмуд ҳам Асадбекнинг қизи топилтганини, уйга қай ҳолда кириб келганини биларди. Лескин «қизингиз топилибди, энди нима қиласиз», деб сўраинмади. Узоқ йиллар бирга булиб, Асадбекнинг кузита қарабоқ ниятини фахмлаб оловчи бу аъёнлар шувакт мобайнода сабрга ҳам урганган эдилар. Улар Асадбекдан олдин гап бошламасдилар.

— Анави тункани нима қиласиз? — деди Асадбек, жаҳлдан тушиб.

Гап вино заводи бошқони Қилич Сулаймонов хусусида эди.

— Утган куни Хосилбойвачча билан учрашган, — деди Кесакполвон.

— Беш кун аввал ҳам учрашган эди, — деб эслатди Чувринди.

— Тонгани одамини қара, — деди Асадбек...

— Тинчитиб қўя қолиш керак, — деди Кесакполвон.

Асадбек Чувринидига қаради. Агар у «ҳа» деб қўйса, масала анча ойдинлашарди. Асадбек бошқа фикрда эди, Чувринидилан шу фикрини қўлловчи, ҳеч бўлмаса яқин келувчи гап кутди.

— Узи пиширган шўрвани узи ичсин, — деди Чувринди. Бу гапдан Асадбек кўнглига равшанлик кирди.

— Тўгри, чақир уни, — деди.

Чиоянин ўигитиб ғиларила бошқа олам бўлмаса, дастёрик вазифаси Чувринидига юкланар эди. Ҳозир ҳам бу буйруқни малол олмай ўрнидан турди. Унинг эшикни очиб куриниш бериши ёқ Қиличга ваҳм сочди. «Тақдиримни бирпасда ҳал қилишдими?» деган хавотир билан катта хонага кирди. Ҳозир у завод бошқони, шаҳарнинг манаман деган бойига ухшамас, балки бир тўп оч мушукларга рўпара булган бечора сичқон аҳволида эди. «Пулинг бўлса, чангальда шўрва» дейишади. Пули куп одам балки шўрвани чиндан ҳам чангалида ушлаб туриши мумкиндир. Аммо ўз жонини ушлаб қола олармикин? Ҳар куни ўнлаб одамларнинг таъзимига беписаид қаровчи Қилич, «сенга раҳбарман» деб пўписа қилувчиларнинг овозини беш-үн сўм пул билан учириб қўя оловчи бошқон иштонини бехос хўл қилиб қўйган боладек шалвираб қолди.

Асадбек хонага икки қадам қўйиб, тўхтаб қолган бошқонга тикилди. Четдан қараган кишига Қилич ҳам, Асадбек ҳам қотиб қолган ҳайкалдай туюлиши

мумкин эди. Фақат Қиличбек күзларини пириратиб ҳайкағ әмас, тирик жон эканидан дағылат бериб турар эди. Асадбекнинг нигоҳи илон авровчисиники сингари утқир эди. Шундай тикилғаңда ҳатто Ҳайдар билан Маҳмуд ҳам баъзан қаловланиб қолишарди. Мана шу нигоҳнинг ўзи юз дарра туширишдан афзағроқ эди. Чунки бундай қараашнинг оқибати даҳшатлироқ ҳукм билан якунланиши Асадбекнинг феълини билғанлар учун сир әмасди.

— Бу өққа утириңг, үғил бола.

Асадбек киноя билан шундай дегандай кейин ҳам, то Қиличбек рұпарадаги юмшоқ курсига утиргуңча ҳам нигоҳини узмади.

— Эшитдингларми, бу акамиз шаҳарга ҳоким булибдиңдер? — деди Асадбек. Гарчи унинг саволи ағынлағыраға қаратилған бұлса-да, күзи ҳануз Қиличда эди. — Е мен хато эшитдимми? Балки дүнғта ҳокимдирсиз, а?

Қилич Асадбекка тик қарағлай, мадад истаб ағынларға боқди.

Шу пайтгача улар орасыда бундай оҳангда гап-суз булмаган эди. Асадбек бирон нарсадан ранжиса одамлари орқали маълум қиласарди. Ўзи майды-чүйда гапларга аралашмасди. Қилич заводдаги ишни юритишила, ишга одам олиш ски бүшатишида Асадбек чизған чизикдан честга чиқмас эди. Бош муҳандис қамалған куни чопар кеслиб «хўжайнин хафалар» десди-ю, унинг оромини олди. У Шарифнинг юқори лавозимга нолойик экани, ишни бузастганини айтиб огоҳлантирган эди. Сунгги сұхбатда Асадбекнинг ўзи «йўлини қилинг» деб эди. У йўлини топди. Энди хўжайнин нима сабабдан ранжийди?

— Асадбек ака, гуноҳим нима, айтинг? — деди Қилич.

— Гапини қара-я! Гуноҳини билмасмиш, — деди Асадбек тиззасига шап этиб уриб. — Шарифни нима қилдинг?

— Ўзингиз айтдингиз... йўлини топ, дедингиз. Ишларимиздан ҳид олиб, очаман, девди.

— Очса нима?! Кимга очади? Ким кеслиб сенни кишинга солади? Пул топишни билган, ақл топишни ҳам билиш керак! Қаматишга сарфлаганингнинг ярмисини ўзига бермайсанми.

— Пул олмайдиган қайсар эшшак-ку, у?

— У олмайдиган эшшак бұлса, сен пул беришни эплолмайдиган молсан! Пул олмайдиган одам йўқ бу

лунёда, пул беролмайдиган лавашанлар бор. Билиб қүй, уч кунга қолмай Шариф уйда булиши керак.

Қилич Шарифнинг иши ёш бир йигит қулида әканини биларди. Шаҳар прокуратурасида сўзини икки қилмайдиганлар ҳам бор. Шу сабабли Асадбекнинг буйргуидан чўчимади. «Шу ҳам ишми!» деб сингил тортиди.

— Ўзинг ўринига бориб утирсанг ҳам чиқарасан, — деди Асадбек янада қатъийроқ оҳангда.

«Бунча ваҳима қиласди бу», деб ўйлади Қилич. Лескин бу гапни тилига чиқармай «Хуп» деб қўя қолди. У осонгина қутулдим, деб ўриндан турмоқчи эди, Асадбекнинг гапи жойига қайта михлади-қўйди:

— Ҳосилбойваччага салом айтиб қўй.

«Билибдими?!» Осонгина қутулдим деб ўйлаган Қиличнинг юзига энди қизиллик югура бошлаган эди. Бу гапдан кейин ранги қув учиб, мурдадан фарқи қолмади.

— Ҳосилбойваччага айтиб қўй: сенникини артгунча, узинникини эпласин. Келиб-келиб ушандан паноҳ излайдингми, э, сұтак!

— Мен... паноҳ изламадим... бошқа иш билан борган эдим.

— Қанақа иш? — Асадбек шундай деб ўриндан турди. Савол беришга бериб қўйиб, жавоб кутмади. Стол томонга үтиб, галадондан катталиги сигарест қутисидай келадиган магнитофон олиб жажжи тугмасини босди.

«Илтимосингизни бажардим, ора очиқ энди» — бу Ҳосилбойваччанинг овози эди.

«Унинг қамалганини билиб Асадбек қутурибди». Қилич уз овозини эшишиб ўриндан туриб кетди. Асадбек ҳам, аъснлар ҳам унинг ҳаракатига парво қилишмади.

«Биз фақат олимваччани йўқотишга келишган эдик. Бу сингига ўзингиз балогардонсиз».

«Шу иш баҳона бўлиб Асадбекни йўқотиш керак! Бу шаҳарга хўжайинлик қилиш фақат сизга ярашади...»

Бу гапдан кейин орага сукут чўкди. Қиличнинг куз олдига мийигида кулимсираб турган Ҳосилбойвачча келди. Асадбекнинг қанотида юрган одамдан бундай гапни эшитиш Ҳосилбойвачча учун тушунарсиз, завод бошқони чин дилдан айтяптими ё ифво бошляяптими —

унга қоронғи эди. Шаҳардаги икки құчқорнинг бири Ҳосилбойвачча саналса-да, күч Асадбек томонда экани барчага маълум эди. Икки құчқор күпприк устиңда учрашса, бирининг қулаши тайин. Бу ҳақиқат ҳар иккисига ойдин булгани учун калла қўйишга шошилишмайди. Икки құчқор орасида кеслишув борлиги жуда оз одамга мақтум. Қилич нодонлик қилганини, буларнинг тили бир эканини англаб стди. Энди магнитофондан чиқаётган овозлар унинг қулогига кирмади. Ҳаёлига аста-секин ўрмалаб кириб портлаган, «Улириад!» деган ваҳимали фикр танасидаги жонни қувиб чиқаргандай эди. Кесакполвон ғазабдан жўшиб, сапчиб туриб тумшугига мушт тушириди-ю, унинг танасига жон қайтди. Йиқишиб ётган срида аввал думбасидан сунг белидан бир-икки тепки сгач, ҳаёли янада равшанлашди.

Чувринди Кесакполвонни қулидан ушлаб ажратиб қўйгач, Қилич урнидан турди. Чунтагидан рўмолчаси ни чиқариб, бурнидан оқаётган қонни артди. «Энди ўлдиришади. Мени бу срга ажал ҳайдаб келган экан, — деб уйлади у. — Битта бошга битта улим. Узим ахмокман. Буларнинг бари бир гур эканига ақлим етмабди. Узимни ўлдиришса майли, болаларимга тегишимаса бўлгани...» У улим олдида сунгги гапимни айтиб олай, деган мақсадда «Болаларим...» деб суз бошламоқчи эди, ғўдиранишдан нарига утмади. Кесакполвоннинг бир зарбидан синган тилла тишлари гапиртирамади.

— Сенга ижозат, — деди Асадбек, юмшоқ оҳангга утиб. — Айтилган ишни қил. Шарифнинг урнини совутма.

Қилич «хато эшитмадимми?» деган ажабланиш билан Асадбекка бокди. Асадбек юмшоқроқ оҳангда гапирган бўлса-да, қараши уша-уша уткир, совуқ эди. «Шарифнинг урнини совутма, деб нимани назарда тутди? Вазифасига тиклаб қўй, дедими с қамоқдаги урнини совутма, демоқчими?» Қилич синган тишларини рўмолчасиға тупуриб, шу муаммони ойдинлаштириш мақсадида сўради:

— Жойида ишлайверсинми?  
— Қасрда ишлашини бизга қўйиб бср. Сен унинг урнини совутма.

«Дсмак, қамоқдаги урнини... Бир жиҳатдан шу дуруст. Булардан бир-икки йил нари яшайсан...» Қилич жонини қайтариб берган хотамтой акаларига таъзим қилди. Таъзимга жавоб бўлмагач, чиқиб кетиши лозимлигини уқди. Тисланиб юриб эшикка яқинлашди.

— Бир умр қулингиз бұлмасам, каломулло урсин, күзим очилди, ака!

Бу гапдан улар қувониб ҳам кетишмади, ажабла-нишмади ҳам.

Қилич қувониб кетганидан әки мәхри товлангани-дан ичмади бу қасамни. Унинг назарида қирққа жи-риб, лаҳадға тушиб чириб ётгандан кура қолган йигир-ма йилми, үтіз үйлми. умрини ёруғ оламда, қулликда үтказгани маңқул эди. Ер юзидағи одамлар турфа хил умид билан умр үтказадилар. Бирорлар Ватан учун жонни тикадилар, баъзилар дин поклиги, яна айрим-лар фан ривожи учун... Қиличлар алоҳида тоифага мансуб — улар ширин жонлари учун Ватанни ҳам, динни ҳам... тикиб юборадилар. Шундай экан, жони фойдага қолган дамда битта қасам ишиб юборса, осмон узилиб срга тушибдими?

### 3

— Бекорга қүйиб юборлинг. Тинчиши керак эди, — деди Ҳайдар, бармоқларини қисирлатиб. Унинг одатини билмаган киши ҳозир мушт урганда панжалари чиқиб кетган экан, энди жойига соляпти, деб үйлаши мумкин. Бармоқларини қисирлатиш — асабийлашаётганидан дарак. Асадбек уч нарсага тоқат қилолмайды: лаганга қошиқ әки санчқи тегиб тарақласа, әнидаги одам овқатни чапиллатио сса, оармоқлар қисирласа ғаши келио миясига игна санчилгандай булади. Тақдирнинг гирром үйини бу «фазилат»ларининг барчасини Ҳайдарга насиб этган. Йиллар мобайнида Асадбек унга танбесө беравериб چарчади. Агар бу танбесөлар молга айтиса, у туппа-тузук одамга айланиб қолиши мумкин эди. Лескин Кесакполвон яратған әгам ато этган бу «фазилат»ларига заррача хиенат қилмай яшаяпты.

Асаб торлари таранг тортилған Асадбек унга үк-райиб қараб туриб, охири портлади:

— Жим утиранг-чи, бирпас!

Дунёнинг оромини шу бармоқлар қисирлаши бузиб турғандай, хонани бирданига сукунат босди. Иккала айсан Асадбеккә тикилиб утираверишди. Бир неча на-фаслик сукуғ Асадбекнинг ҳам жонига тегиб, охиста гап бошлади:

— Уни тинчиши осон... Үша сқда тинчийди. Мен хоинларни ҳеч қачон кецирган эмасман. Ёзувларни

менга Ҳосилбойвачча берди. Нима учун берди, уйлаб кур-чи? Мени яхши кургани учунми? У «Асадбек Кесакполвон деган аҳмоқ ошинасининг маслаҳатига юради», деб уйлаган. У пайт пойтаяпти. Унинг пули кун, аммо ақли калта.

— Ақли калталардан күпроқ қўрқиши керак, — деди Чувринди.

Асадбек унга ялт әтиб қаради. «Қўрқиши керак» деган ибора унга ёқмади. Чувринди бу қарашининг маъносини тушуниб, гапига тузатини киритди:

— Эҳтиёт булиш керак, демоқчиман. Ақли калталар уйлаб, ишни пишишиб сўнг жангга кирмайди, кутилмаганда чанг солиб, узини ҳам, бошқани ҳам вайрон қиласди.

— Ҳосилбойвачча ҳали-бери менга уруш очмайди. Янги пайдо булаётган майдада тудалардан эҳтиёт булиш керак.

— Гапингиз тўгри, — деди Чувринди, — бир ҳикмат бор: тариқдай мамлакатнинг раҳбарлари камбагаликдан чиқиш йўлларини излаб, охири Америкага уруши очмоқчи булишибди. Уруш очсак, улар бизнинг юртимизни босиб олишади, сўнг халқимизни боқишга мажбур булишади, дейишибди. Шу қарорга келишғандан улардан бири: «агар биз уларни сингсак-чи, халқини қандай боқамиз?» деб ташвишланган экан.

— Агар катта мамлакат лаллайса ҳар бало булиши мумкин, — деди Асадбек. Сунг Кесакполвонга юзланди: — Отарчининг қайтганини эшитганмидинг?

— Қайси отарчи?

— Элчин. Эсингдан чиқдими?

— Ҳа, уми? Эшитувдим.

— Нега менга айтмадинг?

— Чакки қадам босгани йўқ. Тинчгина юрибди.

— Тинчгина юрибдими? Сен унинг ўрнида булганингда тинчгина юрармидинг?!

— Мени ўша сұтакка тенглаштирасанми?

— Бупти, гапни чайнама. Энди қарзимизни узишимиз ксрак. У сен уйлаган сұтакларданмас. Эркак у, билиб қўй! Депутатнинг қизи буйига стиб қолганми?

Чувринди Асадбекнинг мақсадини англаб, бош иргади.

— Ҳайдар, Шилимшиқдан хабар борми?

— Юрибди, Челябинскда.

— Уни қайтариш ксрак. Отарчига рұпара қиласыз. Үчини биздан эмас, үшандан олаверсин. Маҳмуд, Шарифнинг иши ёш боланинг қулида экан. Винзаводга қизиқастган эмиш. Кимлигини билиб қүй.

— Билиб қүйғанман. Түйтепалик бола. Ота-онаси кетмоғчи. Үзига илмдан Худо берган экан. Лескин илмени ташлаб бу өкөн үтибди.

— Нсга?

— Акасини үлдириб кестишган экан. Шунга алам қилғандир.

— Ким үлдирған экан, аниқлаб қүй.

Бу буйруқ Кесакиолвонга қаратса айттылған зди. У нима қилиш лозимлигини тушунди. Маҳмуд Ҳайдарга нисбатан зийрак, мулоҳазали зди. Асадбек атрофидагилар уларни бир одам танаши аъзолари, яъни Ҳайдар — қул-осқ, Маҳмуд — бош, Асадбекни эса юракка қисс қилар здилар. Асадбекдан марҳамат истаганлар аввал Маҳмудга учрашишни маъқул курадилар. Унинг лақаби «Чувринди» булгани билан ақлан бой зди. Куп йиллар муқалдам бекшатда хароб ҳолда тендириб юрганида Асадбекка эмас, бирон илм эгасининг назарига тушганида катта олим бўлиб кестиши шубҳасиз зди. Банданинг эмас, Яратганинг амри вожиб булади, деганларидек, мана ҳозир Маҳмуд Фанлар академиясида эмас, қасрга айлантирилган сртүлада Асадбек билан юзма-юз утирибди. Олимлар тунги зиёфатдан ҳали ўзларига ксламиларига йўқ, у эса тиник ақлни билан ёстик утирибди. Асадбек юрагидаги зардобни яширишга қанчалик уринмасин, Маҳмуд унинг вужудида уйғонган галаен утини амлақачон сизган. Бу зардоб, бу галаен фақатгина қизининг тақдирига боялиқ эмаслигини ҳам фаҳмлади. У Асадбекнинг бироз жим қолганидан фойдаланиб, урнидан турди-да, эшикни очиб қараб қўйди. Бутқага шу қарашнинг узи кифоя қилди. Зум утмай патнис кутариб кириб, пислалардаги қаҳваларни таъзим билан бир-бир узатди.

Асадбек пислани олди-ю, қаҳвани ичмади. Бутқа чиқиб кетгач, Маҳмудга юзланди:

— Ўғлинг неччига кирди?

— Йигирма иккига.

— Кичик ўғлим йигирма олтига қараб кетяпти, — Асадбек шундай деб маъюс тортди. — Топган-тутганларимиз нсвара-чсвараларимизга ҳам етиб ортади. Бизга яна нима ксрак?

Маҳмуд жавоб бермади. Ҳайдар эса ажабланиб, қулидаги пиштани юмшоқ курсининг ғисуячигига қўйди.

— Бек, тинчликми узи, сенга нима булди?

— Менгами? — Асадбек маъюс жилмайди. — Менга ҳеч нима булмади. Лекин... осойишта ҳаётимиз тугаганга ўхшайди.

Асадбек салкам қирқ йиллик бозовталикини, курашини, таҳликали йилларни, жон талвасасида юришиларни осойишта ҳаёт, деган экан, бу осойишталик тугаган бўлса нималар юз бериши мумкинлигини тасаввур этиб кўринг.

— Биз урушга кираётганга ўхшаймиз, — деди Асадбек уша синиқ оҳангда. — Бизга уруш очганлар — майда туда. Майда туда уюшганроқ булади. Улар бизга уруш очганларини маълум қилдилар. — Асадбек қизи воқесасини назарда тутган эди, аъёнлар буни тушундилар. — Лекин мен урушни истамайман. Мен уларниң мақсадини билишим керак. Дарди бойлик булса, бераман. Шаҳарга ҳокимликни истаса — олсин. Агар мақсади ёлғиз уч олиш булса, ноиложмиз, урушамиз. Аммо бу сўнгги уруш булади. Энди мен винзаводдаги тентак олим болага жон куйдираётганимининг сабабини сенларга айтиб қўяй. Биз бу заводни давлатдан сотиб олишимиз керак. Бу олим бола бизга шунда асқотади. Чет элнинг назарига тушган олимни қўлдан чиқарсан, утакстган аҳмоқ бўламиз. Шу бола орқали Португалия билан алоқа боғлаймиз. Заводдан олаётган сариқ чақаларимиз олтинга айланиши керак.

Бу гап Маҳмуд учун янгилик эмас эди. Корхоналар ижарага берила бошлаганида Асадбек бир исча йигитларига такси машиналар олиб берди, аммо каттароқ ишга қўл урмади. У кутган пайт энди келди: корхоналарни сотиб олиш фурсати стди. Бунинг учун завод хароб ҳолга келиши, сўнг сотиб олиниши зарур. Корхонани хароб ҳолга олиб келиш қийин иш эмас. Бироқ уни дунё билан тиллаша оладиган даражага стказиш қийин. Бунинг учун ақл керак. Ақлни Асадбек Шарифда кўрган, уни бош муҳандисликка тайин этишда ана шу мақсадни кўзлаган эди.

Асосан ижрочиликка кўникиб қолган Кесакполвон Асадбекнинг шу ишларига кўпам тушунмас, шу ишдан бир гап чиқар, деб, унча аралашмас ҳам эди. Мана ҳозир «бир иш чиқаётганига» ишониб, ҳайратга тушди.

— Сизни чиқариб юборишмоқчи булишган экан, үзингиз күнмаганимисиз? — деди ҳамшира.

— Сизни ташлаб көтгим келмади, — деди Анвар, жилмайиб.

— Э, қўйинг-с...

— ...*Мен сизни ўйласам  
Чароғон булади оламим.  
Мен сизни ўйласам  
Қора қон булади оламим...*

— Анвар ака, қўйинг, бунақа гапларни... Шунаقا дессангиз... гаплашмай қўяман...

Ҳамшира шундай деб кафтларини юзларига босди. Анварнинг ширин сўзлари унга ёққан, бу сўзлар вужудидаги шайтонни ўйғотган, шайтон эса фурсатни қўлдан бермай, аслнинг нозик ҳисларини қўзғата бошлаган эди. Айни чоқда, ссрек фаришталар аслнинг уят, номус, ҳаёт томирларини ўйғотмоққа киришган эдилар. Осмондаги булат тудалари тўқнашиб яшин чаққани каби бу вужудда икки куч аёл юрагини ёндириб, ларзага солди. Бу кучдан жувоннинг юзларигача қизариб кетди. Чироқнинг хира нурида ҳамширадаги бу ўзгариш сeszilmasa-да, у ўнғайсизланиб, юзларини кафтлари билан тўсган эди.

Анвар жувондаги бу ўзгаришни сезди. Кундузи бир шифохонада ҳамширалик қилиб, бу срда ҳафтанинг икки тунида навбатда турувчи, устига-устак қушни идорада фаррошликини ҳам бўйнига олган бу асл ҳар қандай эркакнинг хаслини ўғирлаши тайин эди. Бу хушрой аслнинг эри мажруҳ экани, тушақдан туролмаслигини билган эркак эса унга бир қармоқ ташлаб кўрмаса кўнгли тинчимас. Ҳамшира бунга кўнишиб қолган. Кузларини чақчайтириб туриб кўнгил изҳор қылган, айниқса билагига қул юборганиларида у эркак зотидан, ҳатто баъзан ўз эридан ҳам нафратланиб кетади. «Эрим сог булганида шуларга ухшар эдими», деб ўзига ўзи савол беради. Болалигида хасталаниб, сунг тушакка бир умр михланган бу йигитни яхши кўриб тескан. Кунглида уйғонган ҳис нима эди — муҳаббат-

ми ё раҳм-шафқатми аниқ билмайди. Йигитни хастаходнада илк күрганида юраги ғашлати бўлди. Юзида кулги чи бор, кўзлари қисиқроқ, қонилари қалин бу йигит истарали, сўзлари эса ширин эди. У худди хиргойи қилаётгандек ширин ганиради... Бошқа ҳамиширалар муолажа қилишса, ганига солиниса унинг ғани келадиган бўлди... Отаси кунглида норизо бўлса-да, сиргига чиқармади. «Шу ғарибга баҳт берса, савоб», деди. Дунёдаги энг хушиурат йигитни куёв қиласман, деган умидда юрган онаси куз ёши тукдию, барибир куниди. Баъзилар турт мучаси соғ гузаларга стишунча дард чекишади. Ҳозир юзларига кафтларини босиб турган жувон эса хаста йигитга стгунча кўп қийналди. У кечирган тўлғоқли тунлар тасвири алоҳида достон бўлар. Кунглини муҳаббат чақмоғи озгина бўлса ҳам өритган инсонга бу кечмишлар бегона эмас.

Ҳамишира кўнглида шилқимлик уйғонгани эркакларга дуч келганида тушакда ётган эри кўз оллига келарди. Шунда унга хиёнат қилгандай, узини узи лаънатлар эди. Билагига бегона эркакнинг қули теккудай бўлса вужуди кирлангандай, ёмон бир касал илашиб қолгандай туюлар, уйига қайтгач, эрининг кўзига боқишига қурби етмас, болаларини упишга ҳам юраги бестламас эди. Уйига гуё ҳаромни бошлаб келгандай узидан узи нафратланар, дунёни бунчалар яралганидан хафа бўлиб кетарди. Баъзи ҳолларда «эрим соғ булганида шу йўлда юарми эди» деб савол ташлаб, юраги багтар эзилиб кетарди. Номусни жондан азиз билган аёл хиёнатга дуч келса нима бўларкин? Минг йиллар муқаддам утган Еврипид деган шоир:

*Номуссизлик гар илашса никоҳ илига  
Аёл қалби шу қадарли қонсирагайки,  
Тополмайсиз ср юзида бунақасини,*

деганида балки бизнинг ҳамиширани назарда тутгандир.

Хуллас, раشك мавжуд, аммо хиёнатга бегона оила соҳибаси гарчи Анварга меҳри бўлса-да, чегарадан чиқа олмас эди. Чегарада номус, иффат, ҳас деган қуриқчилар борки, улар иблиснинг зарбаларига йўл бермайдилар. Ҳамишира «шунақа дессангиз... гаплашмай қўяман» деганида шунчаки пўписа қилмади. Ҳозир Анвар гапни шу оҳангда давом эттираса, чиндан ҳам сухбатга чек қўяр эди.

Анвар ҳамширанинг гапини үлғон пўниса деб англамади. Балки гаплари нотуғри талқин этилганидан афсусланди:

— Дилобар, — деди у, — сиз мени тушунмадингиз. Эркак билан асл бир-бирини яхши кўрса мақсад фақат тўшак бўлмайди-ку? Ака-сингилдай яхши кўриш мумкини? Мен сизнинг қошу кўзингизни эмас, фақат инсон боласига хос одатларингизни яхши кўришга ҳаққим йўқми? Еруг оламда беш миллиардга яқин одам яшаркан. Лекин кўнгил баъзан бешта яхши одамга муҳтож бўлади-ку? Шу беш одамнинг бири асл булиши мумкин эмасми?

Дилобар «Ганингиз ростми?» дегандай унга бир қараб олди. Анвар бошини эгиб, кўзларини бир нуқтага қадаб ўтиради. Ҳамширанинг қараб қўйганини сезмади.

— Сиз мендан нафратланманг. Агар сиз мендан раңжисангиз... мен дунёдан нафратланаман.

*Олисларни кўриш учун умр карвони,  
Сабоқ экан, кипрингимни ёши қилиб қўйди.  
Ксийнчалик ҳар бир кузнинг барғи ҳазони  
Юмшоққина юрагимни тош қилиб қўйди.*

Дилобар орадаги синиқликни кўтариш учун гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди:

— Янги шеърингизми?

— Йўқ, — Анвар бошини кўтармай жавоб берди, — Асқар Қосим деган шоирники. Тақдирим ухшайди, аммо шеъриятига етишим мушкул. Балки умрим ҳам ухшар.

— Умрим?.. У одам тирикми?

— Йўқ... узини осган.

Дилобар титраб кетди.

— Осан?

— Ҳа.

— Нимага?

— Буни тушунишингиз қийин. Охирги шеърини айтами?

— Айтинг.

*«Бошгинамга аганаган, катта тоғлар, алвидо!*

*Мен кетарман ҳасратланиб, руҳи соғлар, алвидо!*

*Бу дунёнинг шўришига назвиҳоллар тсбранинг,*

*Эслироқ боғбони йўқ, қолди боғлар, алвидо!»*

- Вой, бечора...
- Бечора эмас. Чорасини топди, мард экан.
- Қүйинг, бунақа гапларни. Узини үлдириш... мардлик эмас.

Анвар үрнидан турди. У аёл билан баҳслашишни истамади.

— Эрталаб яна ишга борасиз. Дамингизни олинг, — деди у.

Анвар хуррак овози эшитилаётган хонасига кириб кетди.

Ҳазил оҳангида бошланган сұхбатнинг эзгин рухда тұсатдан узилиши Дилюбарни қийнаб қўйди. Устига чойшаб солинган тахта каравотда уч-тўрт соат булса ҳам ухлаб оларди. Анварнинг гапларидан кейин кўзларидан уйқу қочди. Хунук хасллар тинчлик бермай хонага бир-икки ўгринча қараб олди.

Анвар каравотида утиради. У тонг отгунча ҳам ётмади.

## 2

Навбатдаги тун бедор эди. Умрнинг яна бир қоронгу кечаси тұлғоқлар билан утаётганди. Рұхлари хасталанган беморлар орасида соглом бир ўнгит дунёнинг кирлигига имон келтириб утиради.

Ҳамшира билан бұлған сұхбатдан әзилди, шоир эсига тушиб ўртанди, деб, сиз азизларни чалгитмай. Нафси ламрини айтганда, сұхбатни кескин узишига нима сабаб бұлганини Анварнинг узи ҳам аник билмайди. Юраги сиқилади тоғынғига бир нима тиқилиб гапиролмай қолади. Қулоғи шангилайди. Хотини күргани келганида ҳам туппа-тузук гаплашиб утириб, бирдан шу ахволга тушади. Хотини «касаллари тутди шекилли», деб уйлайди. Узи ҳам баъзан шу фикрга келади. «Чинданам жинни бұляпманми», деб хаёл қиласи. Бу фикрга банди булмаслик учун «Дорилар таъсир қиляпти», деб узини узи ишонтирмокчи бұлади. Рұхни созловчи, тинчитувчи кучли дорилар соглом одамни гангитиши турған гап.

Хозир ҳам шундай бұлди. Хонага кириб утириб ютінди. Ұша «бир нима» томогига қадалиб тураверди. «Жоним ҳалқумимга келиб қолдими? Қадалиб нима қиласи, чиқиб кета қолмайдими? Жон чиқиши шунчалик қийинми? Уни қувиб чиқариш учун бўйинга сиртмоқ солиш шартми? Асқар ака ҳам шундай қийналған-

ми? Қандай умидлар билан тонг оттирганлар? «Бандасини яратган Худо инсофни ҳам берар», дебми? Шоҳ Машрабдай одамии осган бандага инсоф берилшини умид қилиш мумкинми?»

Юраги сиқилиб, ҳаво стишмаётгандай бўлди. У чукур-чукур нағас олди. Томогидаги «бир нима» йўқолди. «Жон анойи эмас. Мендай муминни ташлаб қасққа кетсии? Лекин юрак бозовта. Нимага потирлади. Озодликни қўмсаётими? Қасрда бор озодлик? Мана шу дэворлар ортидами? Ё учинчи қаватдами? Озодлик дэвор ортида эмас, шу срда-ку? Озодликни асраш учун дэвор билан ураганилар. Энг улуғ озодлик эса учинчи қаватда. Шунинг учун ҳам дэразаларга тэмир панжара туслилган. Дэвор орти — жиннихона. Амал талашадилар, обру, шон-шухрат илинжида Худодан қўшимча бармоқлар тилаб олиб ишга киришадилар... Бу срда эса ундай жиннилик йўқ. Ҳамма тсппа-тснг...»

Анвар шу хаёлларга банди булиб утирганида дераза орти ёришди. У аввалига кўча чироги сиди, деб уйлади. Лекин сруг оқим фақат рўпарадаги деразадан оқиб кираётганини англашиб ссрнакланди. Оппоқ нур худди пояндоз синигари юқоридан тушиб оёқлари остида тұхтаган эди. Анвар ажабланди. Дам утмай бу ажабланиш қўрқувга айланди. Ҳозиргина жони чиқиб кестишига рози булиб утирган йигит қўрқди — ҳар ҳолда жон ширин-да! Қўрқув оёқ-қулига муз югуртириди.

«Қўрқма, биз сенга фақат яхшилик истаймиз».

Анвар бу мулойим овоз қасрдан келганини билмади.

Дилобарнинг овозига үхшатиб, аланглади. Эшик қия очиқ — ҳамшира кўринмайди.

Овоз яна такрорланди.

«Қўрқма, биз сенга фақат яхшилик истаймиз. Деразага қара».

Анвар дераза ортида гўзал бир қизниңг юзини кўрди.

— Кимсиз?

— Биз бошқа сайёрладанмиз.

— Қайси сайёрдан?

— Сизлар Часн юлдузлар туркуми деб атайсизлар.

Биз эса Зурру деймиз. Зурру — нур улкаси дегани.

— Учар ликопчаларда юрган сизлармидингиз?

— Йўқ. Улар сизларнинг яқин қўшнингиз. Қуёш мажмуасига энг яқин жойлашган Заура юлдузидан. Заура — тараққиёт дегани. Улар тараққиёт учун ҳамма

нарсадан кечиганлар. Сайёрлари ҳалокат ёқасига келиб қолган. Улардан қурқишиңг керак. Сен биз билан бирга буласан. Заураликларнинг тараққиёти бизницидан минг карра паст. Шунинг учун ликончага үхшаган жисемда учиб юришиади. Уларниң вакиллари орангизга тушиған, сизлар билан бирга яшаиди, сизлар оса буни билмайсизлар. Ҳалқ отасиман, деб юрган, сенга кун бермаётган одам асли зауралик. У — одам боласи — онасидан ҷала туғилған, үлимга маҳкум әли. Уша онда зауралик унинг танасига жон булиб кирған. Шунинг учун унга ҳеч нима кор қилмайди. Очарчилик йиллари тенгдошлари үлганда ҳам бу тирик қолган. Очарчилик да омои қолган тенгдошлари урушга кетиб қирилди. Бунинг ҳам эркак экани, урушга бориши лозимлиги бирорвнинг хаёлига келмади. Урушдан тирик қайтган тенгдошлари қамоққа ташланди. Сен билмайсан, лустлари унинг фатвоси билан қамоқда чириғанлар. Сен унинг келажакни кура билиш хусусияти борлигинин ҳам билмайсан. Унга әртага нима булиши маълум. Шунинг учун узи ҳам бир ярим йил қамоқда үтириб келған. Қамоқдан чиққан дўстлари сил булиб, пеc булиб улиб кетдилар. У стмиш ёшида ўн етти ёшли йигитдан ҳам бақувватроқ.

— Унинг маҳсади нима?

— У Ерни Заура фуқароси учун тайёрлани керак.

— Қандай?

— Рұхан тайёрлайди. Заурада тарихдан куз юмғанлар. Тарихдан сўз очган зауралик ўша заҳоти қатл этилади. Уларниң юраги тош каби қаттиқ. Кимдаки ҳистайғу үйғонса — үлимга маҳкум. Ҳалқ отасининг вазифаси ерликлар қалбидан мсҳр-оқибат деган туйғуни ҳайдаб чиқариш, тарихни унтишга эришиши. Ҳуда-бесхудага бармоқлари билан соч тарани, «с»ни айттолмаслиги, лабларини тили билан ялаб қўйиши, кўзини лўқ қилиб әлғон гапириши — зауралик эканига исбот. У биттагина эмас, ёнида шериклари кўп. Ҳаммалари одам либосида. Билиб қўй: улар одамларни қириб ташлаб, сунг Ер сайёррасини эгаллайдилар. Билки улар жон булиб одам танасига кирадилар. Ҳозир Ер одамларининг жуда кўпи зауралиқдан иборат. Ер ҳалокат сарি боряпти. Биз энг покиза ерликларни қутқариб қоламиз. Сени ҳам олиб кетамиз. Сен менинг гапларимга ишонмайсан. Сенга яна озгина фурсат берамиз. Ерда юрган икки оёқли маҳлуқлар аслида ер одами эмас, зауралик эканига ишонч ҳосил қилганингдан сунг биз

билан кетишга узинг рози бұласан. Ҳозир үрнингдан тур. Нур устига қадам қүй.

Анвар нур пояндоз устига қадам қүйиши билан үзини снгил ҳис этди. Құzlари нурдан қамашди. Қанча вақт үтганини билмайди. Бир вақт нур күчдан қолиб, күз олди равшанлашды.

— Гаплашиш мумкин эмас, фақат күришинг мумкин.

Шаршара әнидаги мажнунтол соясида утирган одамни таниди: Асқар Қосим. Ўй суриб үтирибди. Ерда ҳам шундай әди — күп үй сурар әди. Атрофдаги одамлар ҳам таниш. Шийпондагилар... Наҳот? Қодирй, Чулион... «Тушимми, ўнгимми?»

— Ўнгингда куряпсан.

— Уларни ҳам сизлар...

— Ҳа, биз олиб кетганимиз. Ердаги заураликлар зулмидан халос этганимиз. Покиза одамларнинг барчаси шу жойда ором топади — билиб қүй! Энди изингга қайт. Вақт етди. Мен сен билан яна учрашаман...

Куз олдидаги нур яна кучайди. Ўзини яна снгил ҳис қилди. Сунг... нур йүқолди. Фира-шира хона... Хуррак овози...

### 3

— Ўйқунгиз келмаяптыми?

‘Құрганлари тушми ё рүс эканини билолмай гаранг утирган Анварга эшик томондан келган овоз худди ер қаъридан чиққандай түюлди. Шу сабабли саволга жавоб қайтармади. Овоз келган томонға қарамади ҳам.

— Бу ерда менам ухлолмайман.

Анвар овоз ер қаъридан эмас, эшик томондан келганини фахмлаб, бошини кутариб қаради. Янги йилдан уч күн олдин келган урта ёш киши тирсагига тиравиб унга қараб гапирап әди.

— Гапларингизни эшитиб өтүвдим. Асқар деган болани эсладингиз. Мен ҳам танирдим у болани. Темир йўлнинг нарғидаги жиннихонада бирга өтганимиз. Юраги тоза бола әди. Аммо соғлом әди. Бекор увол кетибди. Эшиитмаган эканман. Ҳудо раҳмат қилсин.

Анвар гап пойлаб өтган бу кишига нима деб жавоб беришни билмади. Овқат устида бир-икки оғиз сұхбатлашгани ҳисобға олинмаса бу одамни билмайди. Ким у, дарди нима — хабарсиз.

Анвардан садо чиқавермагач, гап ташлаган одам урнидан туриб келиб ёнига ўтириди. Каравот симлари унинг оғирлигига дош беролмай зорланиб, тижирлаб қуёди.

— Мен бу ерларда ётавериб кўзиб пишиб қолган. Ким соғ, ким носог — дарров ажратаман. Керак булса духтирларинингизни ўқитиб қўяман. Сиз соглом йигигиз. Бу срга тушиб қолганингиздан эзиляпсан. Эзилманг, ука. Бу срининг иоми хунук. Узи яхши жой. Мен шу ерда жон сақлайман. Агар жинниҳона булмаганида аллақачон... асфаласофилинга жўнатвориншарди. Бир куни, дснг, оқшом кўчага чиқсан, қўшиним туриди. Яп-янги «Газ-21» олган эди. «Юринг, қўшни, хизматингизда булаій», деди. Узи муттаҳамроқ бола эди. Мен унинг устидан урганга ёзиб юборган эдим. Ҳай, Худо инсоф берибди, дедим. Ўтиридим. У қизигар мониниасини Қорақамишга қараб учирди. Гадой топмас ерга етганда «қимиirlамай ўтир!» деб дўк урди. «Вой, қизигар, улдиради, шекилли», деб мошинадан тушдим. Қочай, деб узимни қамишзорга урдим. Бундай қарасам, чуқурда одам ўликлари ётиби...

Анвар бу ҳикояни кечки овқатдан кейин эшитган эди. Шу сабабли эшик ёнидаги каравотда ётувчи бу одамнинг гаплари қулогига кирмади. Бошқа пайт бўлганида балки зерикмай тингларди. Аммо ҳозир, кўзига куринган нур, дераза ортидаги гузал узор, шаршара, мажнунтол, хаслга чўмиб ўтирган шоир... уни ёлғизликка ундарди. Аммо бу ёруғ олам аро ҳеч булмагандан бир неча дақиқа якка қолишни истарди. Банданинг қўнгли нималарга суст кстмайди. Воҳидлик фақат яратган парвардигорга ярашади.. Фақир булиб яралганингдан кейин ёнингда ит ўтиrsa ҳам, бит ўтиrsa ҳам чидайсан.

Анвар бу одамни эси оғиб қолганлардан деб билгани учун ёнидан ҳайдамади. Гапини қандай булиб, жойига қандай жўнатиш йўлини излади. Ножуя сўз айтиб юборса бу тоифа одам айюҳаннос солиб жиннихонани бошига кутариши ҳеч гап эмас.

— Мен боятдан бери сизга қараб ётибман. Ҳайкалга ухшаб қотиб ўтирибсиз. Мен сизга айтсан, — у Анварнинг қулогига шивирлади, — мен ҳам сопна-соғман. Лескин ҳамма мени жиннига чиқаргани учун баъзан узим ҳам ишониб кстаман. Давлат ҳам ишонади. Ишонади. Ишонмаса йигирма уч сўм пенса берармиди. Энди ука, менинг отим Шоқаюм, туз-насиб экан,

шу срда жон сақтаймиз. Мен ҳангоматалаб одамман. Күп гапириб бөздирворсам, шартта уришиб ташлайверинг, хафа бүлган — номард. Лекин ҳадеб бунақанги сиқилиб утираверманг. Узингизни сб құясиз. Мен ҳам олдинига шунақа бүлганиман. Кейин билсам, қайтага шу яхни әкан. Одамтар менин жиннига чиқарғандан бері мазза қилиб яшайдиган булдим. Олдин туғри гапни айтолмай әзилиб кетардим. Энди шартта-шартта айтаман. Бирорнинг қулоғига кирадими, йүқми, айта-вераман. Шунақа қилиб юрагимни бушатиб оламан. Сиз ҳам шартта-шартта гапириб юбораверинг. Бунақа үтираман.

«Бунақа үтираман... Ростдан ҳам қимирламай утиредимми? Нур-чи? Шаршара-чи?»

— Шоқаюм ака, кирганимдан бері ҳайкалдай қотиб утиредимми?

— Ҳа, дс! Асқар раҳматли ҳам шунақа эди. Деразага тикилиб утираверарди. Қоронгыда нимани күрятти, дсб ҳайрон бүлардим. Аммо уни гапга солиш қийин эди. Бир куни «німа қилиб утирибсиз, ука?» дессан, «қудук қидиряпман», дейди. «Хазиллашыпсизми, қанақа қудук?» дсб сұрасам, «Искандарнинг шохи бор», дегани бир қудук керак манга» дейди. Шунақа ғалати гаплари бор эди. Күп гапларига тушунмасдим.

Анвар «бу оддий гап, ҳар бир шоир ҳақиқатни айтишини истайди. Ривоятдаги сартарош каби айтолмай қийналади. Бир қудук топсаю айтса, юрагини бушатиб олса...» демекчи бүлди-ю, Шоқаюмнинг гап халтасини баттар кавламай, дсб индамай құя қолди. Шоқаюмнинг гап халтаси бирор тегмаса ҳам қайнаверар эди. Анвар индамагани билан гапи тошиб чиқаверар эди. Анвар унинг сұзларини узуқ-юлуқ әшитарди. «Демак, күзимга күринган. Үтирган еримда ухламай туриб, туш күрганман. «Учар ликопчани күрдим», деганлар ҳам менга ухшаб хаєлан учрашғанлар. Бу — жинниликтиннинг бошланиши эмасмикин?»

— Бу срдан чиқиб кстмай, яхши қилибсиз. Шу срда қишлиб, баҳорнинг ўрталарыда чиқыш керак. Баҳорда қулинг ўргилсін одамлар келишади, зерикмайсиз.

«Қанақа одам бу үзи! Жинниларни масхара қиляптыми? Тавба! Иштони йүқнинг иштони йиртиққа кулғани шуми? Чиқиб кстмасам бүлмайди бу срдан».

Анвар Элчин кстганидан бері қайта-қайта «қолиб туғри қилдимми?» деган саволни үзига-үзи беріб «Түг-

ри қилдим!» деган қайсар жавобдан нарига ҳатламас эди. Шоқаюмнинг эзмалиги бу қайсалик түғонини бузиб, «чиқиб кестишим керак!» деган тушунча дарвозаларини очиб юборди.

## V Б О Б

### I

Элчин Янги йил кечаси Асадбекнинг қоронги, соувқ уйида булиб утган сұхбатни Сибирда ортирган ошнаси Зелихонга айтиб берди. Қиррабурун, күzlари бургутницидек уткир Зелихон уй сурганида ҳам нигоҳини бир нұқтада тұхтатмас эди.

— Асадбек молодец! Висший класс! — деди у. — Аниқ топибди. Энди у билан ҳазиллашиб бұлмайды.

— Шошилма, — деди Элчин. — Бошқалар билан ҳам худди шундай гаплашган бұлса-чи. Шаҳарда нима күп, тұда күп. Аввал уларга құл солған. Кейин ҳар әхтимолға қарши мендан ҳам хавотири борлигини билдириб қўйган бұлса-чи?

— Барибир. Энг муҳими — сені назаридан честда қолдирмаган. Фақат узи билған тұдаларни кавлаштирганида аҳмоқ бұларди.

— Биз мұлжални аниқ олдик, муҳими — шу!

— Аниқликка аниқ, лескин сен йўлбарснинг пешонасини мұлжалга олмадинг-да. Ўқинг қовурғасини ялаб утди. Энди ярадор йўлбарсдан қўрқишинг ксрак.

— Менга унинг үлими эмас, яраланиб, азобланиб үкириши ксрак. Бир уқ билан үлишининг ксраги йўқ.

Зелихон Элчиннинг слкасига құл ташлади. Унинг одати шу — мсхри төвланиб кетса, шундай қиласади.

Элчин Сибирдаги лагерга күчирилганды, ҳали «ўқилон»нинг овозаси етиб келмай туриб, шу Зелихоннинг паноҳида жон сақлаган эди. Ўзбекистондан келган, бүш-баёв куринган бу йигитни дастёрға, аниқроги, қулға айлантиrmоқчи бўлган зўравон маҳбуслар Зелихоннинг «бу менинг землягим» деган гапидан кейин тинчишиди. «Сенам мусулмонсан, мен ҳам мусулмонман. Ёнимда юр», деган гапи Элчинга «Мен акангман» дегандай туолди. Чунтаккесарликдан иш бошлаб, катта хазинаға ҳужум қилишгача бориб етган Зелихон турмаларнинг ҳам, маҳбусларнинг ҳам турли тоифасини кўриб кузи пишган эди. У Элчиннинг биринчи марта

қамалганини юриши-туришиданоқ билган эди. То Элчиннинг узи айтиб бермагунича қамалиши сабабини сурмади. Элчин Сибирда юргаңларида туғри гапни яширди. Ҳақиқатни кейинроқ, қамоқдан чиққач айтди. Режасини амалга ошириш учун ишончли, мард одамлар керак өди. Энг ишонгани Зелихон бұлғақ, ундан ҳақиқатни яширолмағы.

— Сенің бир қараңдағы юрагингда үч борлигини сезганиман. Эркакнинг үң олиши яхши. Чечеңлар өмөтликни ҳеч қаңырау кесира өлмайды. Биз майды-чуйда гапларга үралашмаймиз. Қасос яхши нараса. Дунәннинг лаззати шу қасосда. Сен қасос олиб маңза қылсанг, мен ҳам мазза қиласаман. Аммо менсиз бир қадам ҳам босмайсан. Сен атак-чечак қиластгап боласан. Мен бу оламда югурғылған күнде бұлдым. Қайси тешикда илон, қайси тешикда чувалчанғ өтиши менга аниқ.

Чиндан ҳам Зелихон биз жиноятгы деб атайдиган одамлар оламининг пасту баландини яхши биларди. Бириңчи марта чүнтак кесганидан то сунгги хазинани урганинга қадар ягона ақидага амал қиласы — у фақат үзигагина ишонади. Шерикларига «Мен ҳатто үзимга ҳам ишонмайман!» деди. Бу гапида ҳам жон бор эди. Зелихон өлгиз ишлашни сұқтиарди. Лозим бұлғанда бир-икки шерикка сұянарди. Унинг қоидасига күра, шериклар күпайғаны сайин ишнинг муваффақиятли якуплапишиға ишонч камайиб, аксийча, хоиыллық учун шароит ортиб боради. «Иш тақдирини күч әмас, ақл дағы этади». Зелихон ғақағ шу қоиданы тан оларди. Элчин қасос ҳақида сүз очиб, одам тұплашни таклиф этганида Зелихон «үң киши старли» деди. Жиноятчилар оламининг тұс-тұполонини чиқармоқчи бұлған Элчин бу гапдан ҳайратлағыди. У атроғына камида юз кишиликтің лашқар түнделімінде әді. «Юз киши» деган гапни әшитиб, Зелихон қулиб қўйди. Кейин шу боланынг сазаси үлмасын, деб беш кишига рози бұлди. «Қанча одам керак бўлса, кейин сотиб олаверамиз», деб кўнглини тинчтитди.

Зелихон уттиз йилдан ортиқ от суриб юрган бўлса, үң марта қулга тушган. Ўёмирлигига бир ярим йил, сўнг үң йил, охирги марта беш йилга кесилган эди. Бириңисида айб узида, тан олади. Қолган иккитаси шерикларининг ланлавурлиги туғайли бўлди. Барча қилған жиноятларини қамоқдаги куыларига тақсимлаб чиқилса ҳар бир иши учун беш-үн дақиқа утирган хи-собланарди.

Зелихоннинг лақаби «академик» эди. Бунга сабаб — у пухта уйлаб олиб, сунг ишга киришарди. Унинг бошқалардан фарқи — одамлар руҳиятини албатта ҳисобга оларди. Лозим бўлганда кагта идораларга бошқа бир идора бошлиғидай бенмалол кириб чиқаверарди. Эшик оғзидағи соқчига киборлик билан сўз ташлаб, «ҳа, утирибсанми» деб кириб кетаверарди. Элчин унинг бу «фазилати»ни шаҳарда учрашганда билди. Бир куни Зелихон машинасини кириш мумкин бўлмаган кучага бурди. Милиса таёгини кутаргач, тұхтади-ю, тушмади. Милиса лапанглаб келиб, энгашини билан ойнани тушириб:

- Ҳа, турибсанми, — деди. Милиса жавоб қайта-ришга улгурмай яна савол берди: — Лейтенант қани?
- Собировми? — деди милиса йигит талмовсираб.
- Ҳа, уша, нимага лаллаясан, қаєққа кетди?
- Ҳозир келади.
- Менга учрашсин.

Зелихон шундай деб машинани юргизди. Милиса эса гарданини қашиб қолаверди.

- Собиров деганингиз ким? — деди Элчин.
- Қаєқдан биламан, — деди Зелихон кулиб. — Сенам милисага ухшаган лақма экансан-ку.

— Лейтенантлигини билдингиз-ку?

Зелихон қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Буларда нима кўп, лейтенант кўп...

Зелихон шундай одам эди. Элчин Асадбскнинг қизи ҳақида гапирганида Зелихон кўп ҳам бош қотирмади. Атрофида юрган қизлардан бирини ишга солди. Қиз сиртқидан кундузги ўқишга утаётган толиба қиёфасида Асадбскнинг қизи билан дарсларга кириб юраверди. Асадбскнинг қизини танаффус пайтида машинагача олиб боргач, уша куниң Қавказ томонга учеб кетди. Зелихон «қанча одам керак бўлса, сотиб олавермиз», деганида шу қиз кабиларни назарда туттгаи, ҳар бир иш учун алоҳида одам ёллаш унинг назарида бсхавотирроқ эди.

2

— У сени үзига яқин одамнинг қизига уйлантиради. Шу билан ҳар бир қадамингни эмас, ҳар бир нафас олишингни ҳам кузатишади.

— Бу жуда яхши! — деди Элчин, — улар менни кузатишади, сиз эса ошни пиширасиз.

— Мен ишираман, сен сузасанми?

— Ҳа.

— Бўлмайди, земляк. Энди ош сузишинг қийин. Бир марта, бор, ана, икки марта сузарсан. Учинчисида ўзингни сузиб қўйишади. Бошқа йул топиш ксрак. Сен... мен билан энди яширии учрашма. Ака-уқадай келиб-кетиб юравер. Аммо йигитларимиз билан куришмайсан. Сен уларни танимайсан, улар сени танишмайди билдингми? Сен ашуулангни айтиб юравер. Асадбек ростданам ақлли бўлса, бизга ўзи ёрдам беради.

— Қандай қилиб?

— Қотиллар кимлигини ўзи сенга айтади. Сен уларни үлдирасан. Шу билан орани очиқ қиласди.

— Лақиллатиб, бошқа одамни кўрсатса-чи?

— Йў-үқ. Үқилон гирромлик қўлмайди. Гирромга сунянган одам бу оламда узоқ яшай олмайди. Үқилон.— фигура! — Зелихон шундай деб кўрсаткич бармоги билан ҳавода ундов белгисини ясади. — Сен мени гурга тиқасан, земляк. Минг марта айтдим сенга: уч олиш фикри ақлингни ўтмаслаштириб ташляяпти. Чуқур ўйламаяпсан. Ҳар бир ишга алоҳида режа тузиш ксрак. Бир иш иккинчисига сира ухшамасин. Биз уларни чалгитиб ташламасак, дарров думимизни босишади.

Зелихон хонтахта устидаги шишадан пиёлага мусаллас қўйиб сипқорди, сунг сигарет тутатди. Чордана қуриб ўтирган Элчин худди тасбесҳ угираётган мулладек нигоҳини бир шуктага қадади. У Зелихоннинг зеҳнига, садоқатига ишонар эди. Қамоқда юрган кесларида, вужуди қасос алгангасида қовжираётган дамларда Элчин йўл-йўриқ изларди. У аввалига бир ўзи жангта кирмоқ-қа қасд қилди. Ўша машъум кечада ҳовлисига қадам қўйган ҳар бир одамнинг калласини сапчадек узишни истади. «Каллани сапчадек узиш» — айтмоққа осон. Умрида чумчуқ сўймаган йигит одам боласига пичоқ ура олармикин? Элчин душмани билан юзма-юз келганида қуллари қалтирашини билиб, узини бу ишга руҳан тайёрлади. Ҳаёлан юзлаб одамларнинг юрагига пичоқ қадади, калласини узди. Зелихон қамоқдалигида кўзлари чақчайган бир йигитни кўрсатиб «отасининг калласини арралаб ташлабди, ҳайвон» деганида Элчин бир неча кун давомида душманларига шу жазони раво курди. Ҳаёлан арралаганда уларнинг дод-фарёдлари орасида арра тишларига дош беролмаган суюкларнинг қиртиллаганини эшишиб ўзи ҳам сесканиб кетди. Кейин «ўйимга кирганларнинг турқи балки шу йигитга

үхшагандир», деб уйлаб душманларини шу кузлари чақчайган тимсолида кура бошлади. Ана шунда күкракка пичоқ қадаш қулидан келмаслигига фаҳми стиб. Зелихонга суюнишни уйтади. Зелихон одам үлдириши, деган тушунчадан йироқ эди. Иложи бўлса бирорнинг бурнини қонатмасам, дерди. У «ақл иш бермаган ерда қон тўкилади», деб ҳисобларди. Зелихон фақат уз ақлига ишонади. Қамоқдан кейин учрашишиб қасос ҳақида сўз очилганида у «йулбарсии бир уқ билан үлдиришнинг қизизи йўқ, уни яратаб, укиртириб лаззат олиш керак», деди. Бу гап Элчинга мойлек ёқсан, ҳозир шуни уз тили билан Зелихонга қайтармоқда эди.

Зелихон рўпарасида уйга чумиб қолган бу йигитни нима учун ёқтириб қолганини узи ҳам билмайди. Элчин истарали йигит, десак, Зелихон бунақаларни кўп кўрган, мусофириликда икки мусулмон фарзанди бирбирига суюнди, десак, қамоқда бошқа мусулмонлар ҳам бор эди. Зелихон бегуноҳларга хайриҳоҳ эли, десак, қамоқ фақат гуноҳкорларнинггина бошпанаси эмас, кўзларига «мени нима учун бу азобларни торгянман?» деган савол муҳрланиб қолган маҳбуслар кўп учаради. Зелихон қамоқ, айрилиқ азобларига чидай олмасдан ҳўнг-ҳўнг йиғловчи эркаклардан нафратланарди. Тўғри, йиғи эркакка хос ҳусн эмас. Аммо, Зелихон уларнинг дардини ҳис қила олмас эди. На фарзанди, на тайинли хотини, на тайинли қариндош-уруги бўлган одам соғинч ҳиссии туйиши мумкиними? Элчинда Зелихонни нафратлантирадиган нарса йўқ эди — Элчин узининг бегуноҳлигини курсатишга ҳаракат қилас, нолимас эди. Бу йигитнинг муштдск юрагини қоядск дард босиб турганини Зелихоннинг синчков нигоҳи илғади. Зелихон дардини яшира оладиган одамини яхши кўрарди. Ҳасратини ҳар кимга тукиб солувчи эркакдан дўст чиқмайди, деб ишонарди.

Зелихон Элчиндан қасос ҳақидаги гапларни биринчи марта эшитганда ссрнакланди. У муштдск юракни қоядск дард босиб турибди, деб юрса, бу вужудда вулқон куч туплаётган экан. Вулқон отилса ҳамма ёқни барбод қилади. Бироқ отилган чоқда баҳайбат тогларни поралаб ташлагани каби кўкракни ҳам, алами юракни ҳам тилка-тилка қилиб юборади. Зелихон айнан шундан хавотирга тушди. Қамоқда юриб ҳамма нарсани ўргандим, деган бу гудак (Зелихоннинг олдида Элчин бир гудак эди) биринчи тўқнашувдаёқ нобуд бўлиши аниқ эди. Зелихон бу катта шаҳарга бегона, бу

томонларда ризқ териб сийиш унга насиб булмаган, қамоқда. Элчиннинг тарғиботидан кейин шу ерларда юрган эди. Қиморбозликдан иш бошлаб жуда катта тудага бош бўлған, энг муҳими, бирон марта бўлсин қўлга тушмаган Асадбекнинг кимлигини у яхши билмас эди. Асадбек тугрисида юрган гапларга ишонмаган тақдирда ҳам, шаҳар ҳокимига нисбатан кўпроқ мавқега эга бўлған бу одам аҳмоқмасдир, деб қўйган эди. Зелихон аввалига Элчинни бу йўлдан қайтармоқчи ҳам бўлди. У дунёда уч нарса очиқ қузни курмайдиган қилиб қуяди, деб ҳисобларди. Бу — муҳаббат ути, қасос ути ва бойлик ути. Зелихон муҳаббат утида ёнмаган. Бирон-бир қиз ишқида ўртамаган. Муҳаббат муаммоси түшакда бир исча дақиқада ҳал этилади, деган ақидага амал қилиб яшаган.

У бойлик утидан ҳам қўрқмайди. Чунки у ўгри бўлгани билан, ҳеч маҳал бойлик тўплашга уринмаган. Яшаши учун ақчаси бўлса бас, бошқалардай дангилла-ма иморату орзу-ҳавасларга берилмаган. Шу ёшга кириб ҳали ўз уйи бўлмаган. Чунтак бўшаб қолган тақдирдагина «ов»га чиқкан. Ҳатто қўлга тушиб қамалиб кетсам, чиққанимда асқотади, деб жамғармаган ҳам.

Қасос ути болалигида бир ёнгану бобосининг саъй-ҳаракати билан учирилган эди.

### 3

Уруш чесенлар яшайдиган қишлоқлардан узоқроқда бўлса ҳам унинг совуқ нафаси уфуриб турарди. Қишлоққа қорахатлар билан бирга нохуш мишишлар ҳам стиб ксларди. Мишишлар оқибатда ҳақиқатга айланиб бутун қишлоқ бир кечада иссиқ уйлардан ҳайдаб чиқилди. Бир ҳафта бурун Зелихонларникуга қорахат кслиб аза очилган эди. Олти ёшга тўлган бола дам онасига қушилиб йигларди, дам бобосига қушилиб қулини фотиҳага очарди. У нима учун аза очилганини тушунди — отасини фашистлар улдирган. Энди қотилларни кечириш мутлақо мумкин эмас! Зелихон — энди хуњхур! Томирларида чечен қони оқаётган олти ёшли бола аждодлар қонунини биларди. Унга на онаси, на бобоси «уч ол!» деди. Бу гапни унинг юраги айтарди. Шунга ақли етган бола нима учун уйқудан уйғонишганини, иккита тугунни орқалаб тун бўйи йўл юришганини, сунг поездга чиқишганини билмади. Бирор «фашистлар яқин кслиб қолишибди, бизни асрашяпти»,

деди. Бундан Зелихон ажабланди: фашистлар яқин келса яхши-ку! Уч олини имкони түгилған әкан-ку?! Яна бирор: «Ичимиздан сөткөн чиқибди, ҳаммамиз шуниңг касофатига қолибмиз», деди. Зелихон бунта ҳам ажабланди: қанақа сөткөн, нимани сөтади, қишлоқда сөтадиган нима бор?..

Узун кечалар йўл юриб, ниҳоят бир қишлоқдан на-ноҳ топишши. Унинг күнгли, кузлари төғларга, чўқчи-ларга урганган эди. Бу қишлоқ тогдан анча узоқ әкан. Аммо бобоси ҳам, онаси ҳам шукр қилдилар. Бир деҳ-қон уйининг ярмини бушатиб берди. Девор уринига эс-ки шолча тортиб яшайвериши. Етти ёт бегонага ҳам мурувват курсатувчи имонли одамларга учратгани учун бобоси Оллоҳга шукрлар қилди. Яхшиям, бобоси туркчани биларди, булмаса кунлари имо-ишора билан гаплашишга қолармиди...

Зелихоннинг онаси бетобланиб, икки кунгина ётди. Учинчи куни узилди. Бобоси доно эди. Ортиқча кийим-бошни қўйиб, улимлигини олволган әкан, узи-га эмас, келинига насиб этди. Уч йил оралатиб ўзи қайтиш қилганида кафандикни шу уй эгаси топиб берди.

Бобоси бир ойдан зиёдроқ ётди. Унинг умри туга-ган, бу ҳаётдан насибаси қирқилган эди. Бироқ, Худога слбориб яна бир-икки ой умр сўрарди. Бегона юргда фирт стим булиб қолаётган набирасини озгини булса-да, оёқка қўйиб омонатини топширса, кўзи очиқ кетмас эди. Насиба қирқилса, банда чорасиз әкан. Бобоси то сўнгги нафаси чиққунча Зелихонга насиҳат қилди. Сўнгги кечада, сўнгги кучини жамлаб бир гап айтди:

— Болам, биз чеченилармиз! Унутма! Чеченилар ҳеч қачон ўзларини хор қилиб қўймаганлар. Сен ҳеч қа-чон номардларга бўйин эгма! Аммо яхшилик қилган-ларни умринг адо бўлгунча бошингда кутариб юр. Сен ўз номусинг учун жанг қилмасанг, кечираман. Лекин сенга яхшилик қилган ўзбекларнинг номуси учун жон бермасанг, рози бўлмайман. Оллоҳ ҳам сени кечи-райди, билиб қуй! Ўзбеклар ҳам биз каби хорланган әкан, вақти келса жонингни аяма...

— Бизни хўрлаганлардан қасос оламан! — деди Зелихон. Тўққиз ёшли чечен боласининг томирида қасос қони купириши учун старли асос бор эди. Бобо буни биларди ва шундан қўрқарди. Қасос ўти боланинг ку-зини кўр қилиб ҳалокат жари томон стаклаши муқар-рарлигини билгани учун ҳам кўрқарди.

— Зинҳор! — деди бобо, кейин кузларини юмиб тин олди. У хўрликни кесира олмайдиган чечен эди. Айни чоқда, мусулмон ҳам эди. Чолнинг уришдан тұхтай деб турган юрагида армон билан биргаликда қасос ҳам бор өди. Қасос — хўрликдан, армон эса қасоснинг қиёматга қоластганидан. Чечен учун хўрликдан ҳам чорасизлик ёмон. Улар чорасиз эдилар. Түққиз сшли бола қасос оламан, деб қасам ичяпти. Аммо кимдан қасос олади? Биргина шулағнинг узини ҳайдаб чиқарғанларида эди, сұраб-суриштириб, айборни топарди. Агар бу мўйловнинг (бобоси Сталинни «мўйлов» деб атарди) истаги билан амалга оширилган бўлса бошини қайси тошга уриши керак?! Бобоси кўзларини юмиб шуларни ўйлади. Унинг бу ўйлари Зелихон учун сир булиб қолаверди.

— Зинҳор, — деди бобоси кузини очиб. — Бундай қасам ичма! Ота-онам гурида бозовта бўлмасин, дессанг, тинч юр!

Үй эгаси, эски дўппининг устидан қийиқча боғлаб олган мўйсафид ярим писла сутга турт тўғрам нон ташлаб, бир тишламини хастанинг оғзига тутди. Зелихоннинг бобоси лабини қимтиб бош чайқади.

— Э, биродар, жонга дармон керак. Нима деяётганингизни англамадим-у, аммо болани қўрқитиш ярамайди. У ҳали ҳеч нимани тушунмайди.

Бобоси үй эгасининг мақсадини англаб, оғзини ба зўр очди. Анчагача тамшанли. Аммо нонни юта олмай аста чиқарди. Кузлари бежо бўлди.

— Болам, сен бир айланиб кел, — деди үй эгаси Зелихонга.

Зелихон чиқиб кетди. Үй эгасининг нима учун чиқариб юборганини улғайганидан сўнг фаҳмлади. Бобосининг тамшаниши то ҳанузга қадар кўз олдидан кетмайди. Бобосининг ризқи тугаганмиди ё үлим олдидан бирорнинг луқмасини ютишни истамадими — бу Зелихон учун муаммолигича қолди.

Зелихон Элчин билан шаҳарда учрашганидан бери бобосининг сунгги гапларини кўп эслайди. Бир томондан бобоси қасосга йул бермай кетди. Бир томондан Элчин — узбек, уларга ҳам бошпана, ҳам насибасидан бир улушини, ҳатто кафандигини баҳам кўрган халқ фарзанди. Яна бир томондан эса, Элчин қасос олмоқчи бўлган одамлар ҳам шу халқ фарзандлари.

Аланга Зелихонни уч томондан ўраб келарди. Бир томон очиқ — қочоқлик, қўрқоқлик йули. Чеченнинг

энг номарди ҳам бу йулдан юрмайди. Зелихон Элчинни қасос ўулидан қайтара олмаслигини биларди. Зелихон қасосга шерик бўлиш учун эмас, балки Элчиннин аждаҳо комидан асраб қолиш учун ҳам унинг сенга кирди.

Уч-турт киши булиб хазинани уриш ёки бирон боїни қақшатиши Зелихонга чут эмасди. Аммо Элчиннинг бошлиғтган иши уни анча гангитиб, ташвишига солди. У Асадбеклан чўчиди, дейини бўхтон. Асадбеклан жони узига ширин одамлар қурқишиди. Шу пайтгача Зелихон жонини сира аямаган. Унинг ташвиши — мақсад сари бир-икки қадам қўйганида бевақт йиқилиб қолиш. Эркак одам бир ишга қўл урдими, улса ҳам охирига стказиб улиши керак — шу ақида асосида улгайган Зелихон бошқача йўл туғолмас эди.

Зелихон писладаги мусалласни сипқориб, нигоҳини бир нуқтага қадаб ўтирган Элчинни слкасига аста туртиб қўйди.

— Зелихон ярим йўлда ташлаб қочмайди. Мен — чечснман! Унутма! Асадбек сенга ўйлан дебдими, ўйлан. Тўйга тайёргарлик кўравсөр.

Бу гапдан кейин Элчин бошини кутарди.

— Ўзига қуев қилса-чи?

Зелихоннинг ресасида ишнинг бу томонга оғиши назарда тутилмаган эди. Асадбекнинг қизини ўтиглаш, унинг номусига тегиши гояси Зелихондан чиққанди. Ишни бошидан охиригача узи пишишиб берган эди. Элчиннинг вазифаси қоронги уйда кўркувдан титраб ўтирган қизнинг қўйнига кириш эди. Элчин биринчи кирганида «Ойижон!» деб узини ҳимоя қилган, жонҳолатда типирчилаган қизни енга олмади. Унга раҳми келди. Агар қиз «отажон!» деб бақирганида кўз олдига Асадбекнинг қаҳрли нигоҳи кслиб, балки күнглидаги раҳмини парчалаб ташлармиди... Кейинги сафар қиз «Ойижон!» деб бақирганда Ноиланинг ноласини эшитгандай бўлди. Қиз унинг багрида типирчилаганда кўкрагига пичоқ қадалиб жон талвасасида ётган хотини қўзига кўринди.

Ўша тун Элчин учун синов кечаси эди. У уч олишнинг азобини ҳам, лаззатини ҳам татиб кўрди. Лаззат шаҳватини қондиришдан эмас, балки дастлабки қасоснинг ширин сувидан эди. Азоби — ноҳақ жабр тортиш нима эканини тотиб кўрган йигит беғуноҳ бир покиза вужудни булғади.

Зелихон бу режани тузасында Элчининг икки ут орасида қовурилишини ҳисобга олган эди. Чунки у биринчи марта бегона одамнинг чүнгагига қўл согланини, пулини олгандан сунг уятдан ёниб кстай деганини ҳали-ҳали унугмайди.

У Асадбекнинг феълини билмас эди. Бундай воқса-га қўл силтаб қуядими с куйиб-уртанадими — бу Ярат-ганига аён бўлмаса, Зелихон учун қоронги эди. Унинг назарида Асадбек — ота. Қизининг номусига бефарқ қарайдиган ота бу юртда йўқдир. Айниқса, кўпнинг назарида турган одам номусига бефарқ қарамас. Тўғри, унинг олдида шўрлик қизи ҳақида оғиз очишга журъат этмайдилар. Лескин пана-панада висир-висир бўлишини Асадбек сезмасмикин? Гап-сўзларга барҳам беришининг энг тўғри ўюли — уни турмушга узатиш. Куев ким — Элчинми?

Зелихон Элчиннинг сўзларидан кейин ўзини Асадбекнинг ўрнига қўйиб курди. Ўзини марҳаматли, одампарвар кўрсатаман, деса «қамалиб чиқсан отарчи»дан ҳазар қилмай, слкасига куввлик сарпосини спади. Мисқоллаб тўплаган обру-эътиборини ўйласа — бу ишга қўл урмайди. Хуш, Асадбек учун қай бири қадрли? Зелихон бу муаммога жавоб топа олмади. Бу саволга жавобини орадан кунлар ўтиб Асадбекнинг ўзи айтди.

## V I Б О Б

### 1

Шариф гаранг энг. Кўргани, эшигтгани тушми с ўнг эканини фарқлай олмас эди. Дам баданига ҳаловатли, ҳузурли куч хукм утказади. Бундай пайтда у булатларга ёнбошлиб олиб осмонда сузади. Баъзан эса қандайдир кўринимас бир куч темирчининг омбури билан юрагини сиқа бошлайди. Ана шунида дунё кузига тор бўлиб кстади. Эсини таниганидан бери курган хўрликларини, аламларини, ташвишларини эслайди. Эслаб туриб «омбурингни қаттиқроқ сиқсанг-си, бу юракни биратула вайрон қилиб юбора қолсанг-чи», деб нола қилганини узи ҳам билмайди.

Шариф ҳозир ҳам шу аҳволда эди. Икки қаватли каравотнинг юкорисида юзтубан ётиб, дардли бир тулгоқни бошидан кечирар эди. Бирорларни оналари дуру

гавҳар устида туғиб, зарҳал чойшабларга йўргактайди. Шариф эса, узининг назарида, аламлар тиконзори устида туғилиб, ташвиш чойшабига йўргакланган. Бирошлар бу дунё нсъматларидан тўйиб баҳраманд булиш учун туғилган бўлса, Шариф, узининг назарида, бу дунёдан нафратланиш учунгина туғилган. Гус поки Парвардигор уни яратиб «мана, қараб қуй», бу дунёда ҳавас қиласидан ҳеч нима йўқ», дегану Шариф туғилганидан бери мана шу ҳақиқатни қадам-бақадам англаб бораётгандай. Бу дунёда ҳамма нарса үлчовли, ҳамма нарсанинг чеки-чсгараси мавжуд. Алқисса, Шарифнинг бошига ёғилаётган абри бало ҳам угай деб қолдими? Бу булут унинг бошига ҳам турли аламларни, гуссаларни ёғдириди. Энг сўнгти бало — улим уругими, қамоқда чириш қисматими?

Шарифнинг баданига титроқ югуриб, тан азоби рух азобини қувиб чиқара бошлади. Энг ческадаги каравотда қарта уйнаб утирган давранинг дам жимиб қолиши, дам асабга тегувчи гўнгиллаши, дам баланд овозда гап талашишлари ҳам туманли уфқ бағрига сингиб кетди. Кунгли айниб, аъзойи бадани қақшади. Гус ичига катта илон кириб олиб, буралиб, тулгона кетди. Шариф шу ёшга кириб сира бу ҳолга тушмаган эди. Тумов каби нсъматлардан эл қатори баҳраманд булиб юради. Аммо бунақа азобли дардни сира тортмаган эди. «Уладиганга ухшайман, — деб уйлади у. — Ичимда бураётган жон бўлса ксрак. Жон чиқиши шунақа оғирми?» азоблар мавжи бироз пасайган дамда отасини эслади. Отаси мулојим гапира туриб жон таслим қилган эди. Гус гапдан ҳориб пича тин олиш учун куз юмгаңдай эди. Ушанда «улиш ҳам осон эканда», деб қўйганди. Ҳозир бу дунёни ташлаб кетиш осон эмаслигини англади.

Шариф ҳаётдан тўйган банда эмасди. Тўгри, у тўйиб еб-ичмади, тараллабедодлар унга насиб этмади. Агар шуларга интилса, балки эришарди. Нолимай яшади, уз ишини билди. Шу аҳволда бўлса ҳам яна узок йил умр куришни истарди. Аммо начора... куни битганга ухшайди.

«Куним битганга ухшайди...» Шарифнинг хаёлига бу фикр қаттиқ үрнашиб олган эди. Соқчи орқали дўхтир чақиришни уйламасди. Бу дард улим даракчиси эмас, балки мастилигида томирига юборилган қорадорининг хумори экани хаёлига ҳам келмас эди. Терговчининг гаплари, билагидаги игна изи оқибатда бунчалар

азобларга қүйишини уйлаб курмаган эди. У гиёхванд-ларнинг телба кўзларини, қийноқдан тўлғонишларини телевизорда кўрган, аммо бу аҳволга тушиб қолиш мумкинилигини билмас эди.

Унинг буқчайиб титраши, уқчиши хона бурчагида қимор уйнаб ўтирган йигитлар диққатини торти. Улардан бири Шарифга яқинлашиб ислонасида тўзиб ётган сочини сиқимлаб, бошини кўтарди-да, ярим очик кўзларига қаради.

— Пахан үзимиздан экан-ку, — деди у шерикларига қараб. — Нима қиласиз?

— Ишинг бўлмасин, — деди тўрда ўтирган киши.

— Одам қилиб қоя қолай, ҳаққини тулар? — деди йигит.

Турда ўгирган кишидан садо чиқмади. Йигит узи ётадиган каравот томон юрди. Естигини кутариб, туғунча олди. Туғунчада эм игнаси, икки қарич ингичка резина ичак бор эди. У Шарифга яқин келиб уста ҳамширалардай резина ичакни Шарифнинг билагига ўради. Сунг бўртиб чиққан томирга игна санчди.

Шарифни азоблар тарк этди. Ичидаги илон ҳам тинчили. «Жоним чиқиб кетдими?» деб уйлади. У роҳат қучоғида суза бошлади.

Ширин тушилар адогига стиб маст уйқудан уйғониш вақти ётди. У кузини очиб пича караҳт ётди. Қамоқда экани, азоб билан тўлғонгани туш эмас, ҳақиқат экани аси булгач, ёстиқдан бош кўтарди. Темир панжарали дераза ортида туннинг қора башараси кўринди. Икки қаватли темир каравотларда маҳбуслар ухлаб ётишибди. Хона бурчаги одатдагидай бедор. Улар Шарифнинг уйғонганини ларров сезишимади. Шариф қаддини кутариб оскларини пастга осилтириб ўгирганидан ксийин даврадаги бир йигит урнидан турди.

— Ҳа, пахан, аҳвол қандоқ, зўрми? — деди у Шарифга яқинлашиб.

Шарифга унинг юзи таниш кўринди. «Қаерда учраттани эканман?» деб уйлади.

— Пастга тушинг мундоқ, ҳисоб-китоб қилиб қуяйлик.

«Нимани ҳисоб-китоб қиларкан», деб уйлади Шариф.

Йигит Шарифни эшик томон бошлади. Ювиигич ёнидаги қўпол қутини имлаб деди:

— Утириб ёзинг, пахан. Кентайимга бизадан салом этинг. Эртага бештагина кусок тайёрлаб қўйсинла.

— Тушунмадим, — деди Шариф, — кусогингиз нима?

Йигит ростдан тушумдадими ё лақишлиятитими, деб уйланиб, унга қаттиқ тикилди. Кейин қупол оҳангда:

— Беш минг, — деди. — Эртага беш минг сўм стказиб бермаса тилла тишларингни сугуриб оламан.

— Менда... тилла тиш йўқ, — деди Шариф соддалик қилиб.

— Қани, оғзингни оч-чи?

Шариф йигитнинг амрига бўйсинди.

— И-с, — йигит ажабланди, лекин буш келмади, унда қаллангни сугуриб оламан. Беш мингга арзийдими узи бу калла?

— Оғайни, уйда беш мингим йўқ менинг. Мен...

— Гапни чўзма. Ёз хатингни. «Беш минг топиб бермасанг, мени ўлдиришаркан», деб сўз. Агар бу ҳам сенга стмаса, бола-чақанг билан қириб юборамиз. Беш минг топилади, бола-чақа топилмайди!

Шариф чинакамига қўрқиб кетди. Бу йигит ҳазиллашаётганга үхшамайди. Шариф бундай қаҳри қаттиқ одамларнинг қилмишларини кўп эшишган. Одамнинг калласини олиб ҳузур топадиган бу бандалар шунчаки пўписа қилишмайди. Шариф йигит узатган қаламни олиб иккитагина жумла сўзи: «Онаси, менга беш минг жуда зарур. Хатни олиб борган одамга топиб бер». Йигит хатни ўқиб жилмайди.

— Всёй, пахан, одам экансан-ку, а? — деб елкасига уриб қўйди-да, эшикни тақиллатди. Дарча очилиб соқчининг юзи кўрингач, хатни узатди.

— Шу акахонимизнинг хатлари бор экан, бериб кўйинг, дуо қиламиз.

Шариф бу ҳолатни қуриб лол қолди. Бу йигит ким узи — маҳбусми ё турманинг эгасими? «Ҳар ҳолда пачакилашмаганим дуруст бўлди», деб үзига таскин бсрди. Йигит уни даврага бошлади. Шарифга ҳам қарта узатдилар.

— Мен... уйнамайман... билмайман, — деди Шариф қартани нари суриб.

— Билмасанг, урганасан, бундан осон иш йўқ. Эркакмисан узинг? — деди йигит қатъий оҳангда. Сунг Шарифнинг олдига бир сиқим пул қўйди. — Бу қарз. Ҳалигидан ташқари.

Шариф аввалига бироз ютди. Йигит унга маслаҳатчи бўлди. Сунг ютқизиқ бошланди. Қарзга берилган

бир сиқим гижим пул учдию кетди. Даврадагилар хотамтой эдилар, бу бечорага раҳм қилиб қарзга ўйнашга рози бўлдилар. Тонгга қадар «Шариф бойвачча» уттиз минг сўмлик қарзга ботиб, ўрнидан турди.

— Кенинайимга яна бир хат չзасан. Пул уч кунда шу срда бўлиши ксрак, — деди йигит. — Бўлмаса...

— Биламан, — деди Шариф, — молим ҳам, жоним ҳам талонда.

— Ҳа, баракалла, бор, չза қол.

Соқчига яна битта ҳат берилди. Шариф ўринига чиқиб ётиб ўйга толди. Боши бсрк кучага кириб қолди десек, унча түгри бўлмас. Боши бсрк кучага кириб қолган одам орқасига қайрилиб қайтиб чиқиб кестиши мумкин. Шариф назарида боши бсрк кучага кириб қолмади, балки нақ жаҳаннамнинг үзига қулади, энди ортга йўл йўқ. Шу срда куйиб кул бўлиши ксрак. Үзику куйиб кул бўлишга маҳкум этилган экан, оиласини нима сабабдан жаҳаннам оловига рўпара қилди? Шариф мана шундан додга эди. Энди нима қилсан? Терговчига айтсинми? У ҳам буларнинг одами бўлса-чи? Терговчининг кўриниши бинойи, узини раҳмдил, ҳақиқатпарвар қилиб кўрсатяпти. Бироқ... ҳамма балони шулар бошлайди — Шарифнинг биринчи учрашувдан чиқарган холосаси шу.

Янги йилнинг биринчи куни Шарифни уттиз минглик қарз ботқогига ботирди. Хотини бу пулни қаердан топади, кимларнинг остонасига бош уради — ўйлаб ўйига столмади. Пулдор қариндош-уруги, ошна-оғайниси ҳам йўқ. Синфдошлари орасида бойваччалар бор, лекин уларни ҳаромхўр деб билиб, ҳатто ҳазар қилиб борди-келдини йигиштириб қўйган эди. Энди улар ёрдам беришармикин?

Нонуштадан ксийин Шарифнинг тунги «улфатлари» дам олиш учун каравотларига чўзилишди. Уларга халақит беришнинг қандай оқибатга олиб келишини барча билармиди, ҳар холда айтадиган гапларини пицирлаб айтишди, юрсалар осқ учиди, товуш чиқармай юришли. Тунда ҳориган маҳбуслар пешингача ухлаб, худди келишиб олгандай бир вақтда ўйғонишли. Бир-иккита-си юз-қулини ювган бўлди. Қолгани турибоқ, бир эснаб, бир керишиб тунда эгаллаб ўтирган жойига борди. Тартибли идора ходимларидай, хизматни бир дақиқа кеч бошласа қисмат юз бсрдигандай жам булиб олишли. Лекин ўйинни — хизматни бошлашмади. Идоралардаги «беш дақиқалик мажлис» каби булар-

нинг ҳам издиҳоми мавжуд эди. Идоралардан фарқи — бу срда мажлис бир-икки соат эмас, бир-икки дақиқа давом этарди. Түргасининг гани қисқа эди:

— Олиб келишмабдими?

Жавоб ундан ҳам қисқа:

— Вақт ўтди.

Ҳукм ундан-да қисқа:

— Бошла.

Шариф талвасада ётганида унга жон ато эттан йигит урнидан туриб эшик яқинидаги каравотта яқинлашди. Каравотда узала тушиб ётган гүштдор одамни туртди:

— Тур урнингдан, тұнка! — дес бақирди. Хонадагилар ҳозир дағшатли воқса юз бсражагини фаҳмлаб, нафас ютдилар. Каравотдаги одам — уттис беш ёшлардаги бақалоқ йигит — пинакка кеттган эканми, қалдиди кутарди-ю, аммо нима гап эканини аңгламай, жавдирағ қаради.

— Соатингга қара, бир бұлдими? Үн иккига сткази-шинг көрекмиди?

— Олиб келишади, гап йўқ, оқаҳон.

— Қани, оғзингни оч.

— Жон оқаҳон, Худо урсин, олиб келишади.

— Оч дсяпман!

Йигит эланавсрғач, даврадан бир одам турди-да, унга яқинлашиб бошини чангаллади. Ҳудди тарвуз танлаётгандай қаттиқ сиқди. Йигит оғриққа чидаёлмай додлади. Шунда у одам иккита бармоғини йигитнинг бурнига тиқиб, бир қули билан пастки жағини пастга тортди. Япалоқ омбир билан йигитнинг тилла тишлирини бир-бир сугуриб олдилар. Маҳбуслар, жумладан Шариф ҳам орага тушишга қўрқиб, ҳеч нарсани эшитмагандай, сезмагандай жим ёставердилар. Ташқаридаги соқчилар эса, дод-фарёдга аҳамият ҳам бсрмадилар. Шариф бу манзарани куриб титраб кетди. «Бунинг-ку, тилла тишлирини сугуриб олдилар. Менни нима қилишар экан?» десан үй уни «ўзимни үлдирсам қутуламаними шу азблардан», деган тұхтам сари бошлади.

Зоҳид Шарипов прокуратура жойлашган иморатнинг рўпарасидаги катта чинор ёнида турган аслни дарров таниди. Унинг шундай фазилати бор — бир

курган одамини анча вақтдан кейин ҳам дарров та-  
нииди. Эгнига одми, бироз уринган пальто кийиб, жун  
румол үраб олган бу асл — Шариф Намозовнинг хоти-  
ни — Насиба эди. Бу ҳол Зоҳидни ажаблантирумади.  
Хибсига олинганинг яқинлари милисаҳонага, про-  
куратураларга қатнайвериб тинкалари қурийди. Асл-  
лар йўл пойлаб, куз ёш түкиб чарчашмайди. Эрларин-  
нинг ёки оталарининг, ака-укаларининг бегуноҳ экани-  
ни исботлашга уринишади. Бу фарёдларга қараб туриб,  
«фақат бегуноҳлар қамалар экан-да», деб фикрлаш  
мумкин. Зоҳид ҳозир ҳам шу ҳол такрорланади, деб  
уйлади. Хотинни кўрмаганига олиб утиб кетмоқчи ҳам  
булди. Лескин узи сизмаган қандайдир куч уни бир на-  
фас тұхтатди. Аслнинг ҳаракатга келиши учун шу бир  
нағаслик тұхташ киғоя эди.

— Сизда гапим бор, — деди асл синиқ овозда.  
— Юринг, — деди Зоҳид.

Аслга совуқроқ муомала қилгани узининг ҳам га-  
шини келтирди. «Бу хотин неча соатдан бери совуқда  
турган экан, гапи бордирки кутган... Эрининг айби  
йўқлигини үзим ҳам сизиб турибман. Бу бечорага нима  
үчун хўмрайдим?» Зоҳид иморатга ярашмай турган  
кичкина пешайвонга чиқиб ортига ўтирилди. Насиба  
«кслиб тўғри қилдимми ё адашдим-ми?» дегандай бит-  
та-битта босиб чиқарди.

— Кеннойи, юраверинг, — деди Зоҳид.

Бу гапдан кейин асл сал дадилланди. Машойихлар  
«сўз ҳанжар бўлиб жонни олиши ҳам, тириклиқ суви  
булиб үлиқка жон бериши ҳам мумкин», деганларидай,  
Зоҳиднинг «кеннойи» дэйиши аслдаги хавотир булути-  
ни бироз тарқатди.

Ўтган куни пешинда бир йигит келиб: «Шариф  
акамгила хат бериб юбордила», деганида хуфтон дили  
бирдан ёришиб кетди. Аммо «Беш минг бериб юбор»,  
деган гапни ўқиб ажабланди. Ҳаслига урилган нарса —  
пулни милисадагилар сурашган, деган фикр булди. Йи-  
гит яна кслажагини билдириб, тезда изига қайтди.  
Кече эса ўттиз минг суралган мактубни ўқиб, эти уви-  
шиб кетди. «Агар шу пул эвазига чиқариб юборишса,  
уїни сотиб бўлса ҳам топиб бсраман», деган қарорга  
келди. Кейин фикри бироз тиниқлашгач, «пулни ким  
сураган булиши мумкин?» деб уйлай бошлади. Уша  
куни уни икки йигит суроқ қилди. Бири шарттакироқ  
эди. Уша сўрадими? Кейингиси прокуратураданман, дес-  
ган эди, ё ушанисига ксракми бу пул?

Насиба, гарчи маълумотли аёл булса-да, ҳуқук илмидан буткул бсона эди. Милисанинг вазифаси — ушлашу қамаш, прокуратуранинг вазифаси — қоралаш, суднинг иши — ҳукм чиқариш, деган юзаки тушунча барча узбеклар сингари унга ҳам йўлдош эди. Ўйлаган уйлари ҳам шу тушунчалар атрофидан нари силжимас эди. Прокуратура фақат қоралаш эмас, ҳақиқатни ойдинлаштириш иши билан ҳам шугулланиши лозимлигини билмаса-да, пул сўраса шулар сурайди, деган фикр уни Зоҳид билан учрашишга даъват этди. «Сурайдиган булса узимга айтсин, нимага одам қўяди», деб тонготарда йўлга чиқди. То Зоҳид кўрингунча минг хаёлга борди. «Ўзимни қамаб қўйса-я», деб қўрқди ҳам. Зоҳид совуққина қилиб «юринг», десга, «ҳа, шу сўраган, кслганим ёқмади», деб, кутганиларига пушаймон сди. Аммо «кенойи» деган сўз умид ҳам берди. «Бу эмасдир», деган илинж билан қадамини теззлатди.

Зоҳид Насибага жой курсатиб, ўзи ҳам утирди. У аёлнинг эримда айб йўқ, деб гап бошлишини кутиб, «қулогим сизда», десандай қаради. Аёл дафъатан тилга кирмади. Унинг нимадандир унгайсизланаётганини Зоҳид сизди.

— Кенойи, бир гап бўлдими, эрта саҳардан келиб турибсиз?

— Йу-үқ, — Насиба шундай деб Зоҳиднинг кўзига бир қараб олди. Дилядагини айтиш ёки айтмаслигии билмай яна иккиланди. — Билай деб кслувдим.

— Тергов энди бошланди. Сизга бир нима дейишм қийин.

— Ростдан ишоняпсизми шунга?

— Биз далилларга ишонамиз. Ўйингиздан қорадори чиқкан. Бу эрингизга қарши бир далил. Агар уни бирор одам қасдан ташлаб қўйган, десак, бунга ҳам далил ксрак, гувоҳ ксрак. Агар шу ишга оид бирон гапингиз бўлса, айтинг.

— Гапим йў-үқ... — Насиба айтмаса, ҳозир чиқиб кетиши лозимлигини билиб, сўзида тутила-тутила мақсадга кучди. — Ўзимда йўқ, лескин қариндош-уруг қараб турмас. Бир ҳафтада олиб келсан... далил топиладими?

Зоҳид аввалига тушунмади. Кейин аёлнинг мақсадини фаҳмлаб жони чиқиб кетай деди. Одамларнинг пора таклиф этиши унинг учун янгилик эмас. Акасиинг улими ва суд жараёнлари даврида ишга пул ара-

лашганини сесиб қанчалар изтиробга тушган булса, ксайироқ бу хизматга утиб пора билан юзма-юз келгач, ундан бешбаттар қийноқларга учради. Пора деган нарса бир қараганда куриниши сқимтой, тили ширин, онаси упмаган қизга ухшайди. Бу қиз ишвали жилмайиб, күз қисиб, нүқул түшакка имлади. Ҳатто чол одамни ҳам бүйдоқ йигит ҳолига солиб құяди. Елкадаги шайтон тинмай шивирлаб, «унинг қучоғига отил», дейди. Аммо бу ишвалар, бу шивирлар Зоҳидга ҳукм утказа олмайди. Чунки үша ишва билан унинг орасида акасининг руҳи бор. Ишвага үйса — акасининг мурдасини босиб үтган булади. Зоҳиднинг ссрғак онги бунга йул қўймайди.

Ҳозир пора таклиф этаётган бу жувонга қараб, газабини ичига ютди. «Бу асл чайналиб гапирялти. Умрида бирордан үзи уғун бир нарса сўрамаган, таъма қилмаган одам шунаقا булади. «Мен сизга шунча берай, эримни қўйиб юборинг», дейишга андишаси йўл бермаяптими?»

— Сизга бу гапларни бирор ургатдими ё үзингиз уйлаб топдингизми?

Зоҳиднинг овозида қаҳр, газаб зоҳир эди. Насиба бу йигитнинг тез узгаришини кутмагани уғун бир сесканиб тушди, тамом үзини йўқотди.

— Бунақа гаплар учун...

Насиба йиғлаб юбормай, деб пастки лабини тишлиди. «Майли, мен ҳам қамай қолинг. Сизлар бегуноҳ одамларни қамаш, майиб қилиш, хўрлаш учун дунёга келгансизлар. Сизлар биз бечораларнинг куз ёшларини, жигар қонларини тилла тоғларга айлантирасизлар. Ҳаром нон сб қоринни қаппайтирасизлару яна бизларга дўқ урасизлар?!» деган ҳайқириқ кўкрагини эзди, аммо бўғзидан нарига кутарилмади. Дарди ичида қолаверди. Ҳақиқатни айтиш шунаقا қийин. Айниқса нопок одамларга (Насибанинг назарида Зоҳид ҳам нопоклардан эди) бас кслиш мушкул. Ундан кура уттиз беш минг сўмни топиб бериш осонроқ. Насиба «бу йигитга б скор учрабман. Энди ўртага қўйган одами билан гаплашавсраман», деган фикрга келиб жойидан қўзғолди.

— Кеннойи, ким нима деса сўзига учавсрманг. Беш кул баробар эмас. Уйлаб иш қилинг.

Зоҳиднинг мулойимлашгани жувонни яна ўрнига қайтарди.

— Ахир хат олиб келишди-ку? — деди ажабланиб.

— Қанақа хат?

Насиба чұнтағыдағы жүрімлаб турған хатни чиқарып узатди. Зоҳид шошиб олиб үқиди.

— Дастанттар эрингизникими, аниқми?

— Ўзлариники, хатларини танимайманми?

Зоҳидга воқса равшанлашды. У турмалардаги ахволни биларди. Лекин жувонга хатнинг өзилиши тарихини айттолмасди. Айтса, бу хотинининг эси оғиб қолиши ҳеч гапмас.

— Сиз... уйингизга боринг. Бу ишни бизга қўйиб беринг. Агар пулни сўраб келишса, икки соатдан кейин кслинг, денгу менга хабар беринг.

Зоҳид гапини тутатиши билан эшик очилиб, башанг кийинган йигит кириб келди. Зоҳид прокурорнинг ёрдамчиси билан яқин алоқада бўлган бу терговчини танирди, аммо ҳамсуҳбат бўлмаган эди. Унинг хонага берруҳсат кириб келиб, яна үтириб олиши гашини кслтирди. Насибага «бораверинг» дегандай қараб қўйди. Жувон урнидан турганида йигит уни тўхтатди.

— Кечирасиз, опа, сиз ким бўласиз?

— Бу киши Намозова, сұхбатга чақирган эдим, — деди Зоҳид совуқ оҳангда.

— Э, анави бечоранинг хотинимисиз? — деди йигит ачинган одамдай. — Эрингизни тушунмовчилик билан қамашибди. Бугун қўйиб юборамиз.

Асл тушими ёнги эканини билмай тамом ганиди.

— Сиз кетаверинг. Ош-пош пишгунча эрингиз уйингизга кириб боради.

— Ростми...вой...

— Э, одамларга яхши гап айтсанг ҳам ишонишмайди-я! Прокурор ёрдамчиси ҳозир буйруқ берди. Эрингиз озод. Тезроқ боринг уйингизга.

Асл ажабланиб, Зоҳидга бир қараб олдию хонадан шошилиб чиқди.

Зоҳид жувоннинг савол назарига жавоб беришга ожиз, чунки унинг ҳайронлиги ҳам аслникидан кам эмасди.

— Гапингизга тушунмадим? — деди Зоҳид, асл чиқиб кетиши билан.

— Винзавод директори прокурор ёрдамчисига келиб ҳаммасини узи ташкил қилганини бўйнига олди. Намозов бегуноҳ. Сизга шуни айтгани киравдим. Овона булиб қофоз титиб юрманг. Омон бўлинг, ошна.

— Директор туҳмат қилган бўлса...

— Бу ёги билан ишингиз бўлмасин, — йигит шундай лсб, чиқиб кетди.

Зоҳид қандай уйин булаётганини билолмай ҳайрон қолди.

### 3

— Намозов!

Дилгир ўтирган Шариф соқчининг амрли овозини эшитиб ўрнидан қузголди. Қамоқхонада эзилиб ўтириш дурустми с терговчи билан узундан-узун сұхбат қуриши — билмасди. Тилла тишлари суғурғиб олинган одам иҳрашларини бас қилган, аммо унинг зорли овози Шарифнинг қулоқларига муҳрланиб қолган эди. Кап-кatta эркак одамнинг сўйишга маҳкум этилган буқадай укириши, сўнг тул хотиндай пиқиллаб йиглаши, кейин омонатини топширишга қасд қилган, сўнгги нафаслари билан иҳранаётган бемор каби овоз чиқариши фақат Шарифга аталгандай эди. У букирганда ҳам, йиглаганда, иҳранганида ҳам Шарифга «Куриб қўй, сенинг бoshингга ҳам шу тушади. Сени азоблашдан аввал менда тажриба ўтказишияпти. Сенинг тилла тишларинг йўқ, итдан баттар хор бўласан», дегандай булар эди. Шариф учун бир нарса қоронги — бу одам жон азобида ингрояштими с мол аччиғидами? Ҳар ҳолда тилланинг нарҳи ҳозир фалон пул...

«Иш куни» қарта уйнидан иборат бўлган одамлар эса уз юмушлари билан банд. Ўртадаги бир тутам пул гус шу қамоқхонадагилар тақдири ёзилган ҳукм қофози. Ўй суриб ётган, бир-бири билан паст овозда гаплашиб қуяётган, қаттиқ ёстиққа юзини босиб пинҳона йиглаётган катта-кичик эркакларнинг ҳар бири исталган пайтда пул ўрнига тикилиши мумкин. Бу срдаги маҳбусларнинг ишлари ҳам терговда. Судгача ҳали фурсат бор. Қимор уйновчилар терговчи ва ҳакамларга нисбатан тез ишлайдилар.

Шариф узига аталган ҳукм ва ижронинг қандай булишини ўйлаб, эзилиб ўтирганиди, соқчи уни чақириди. Шариф ярим очиқ эшикка яқинлашиб орқасига ўгирилиб қаради: бурчакдагиларнинг у билан ишлари йўқ, муҳим муаммони ҳал этолмай гаранг булаётган олимлар каби жим ўтиришибди. Гус соқчининг овозини эшитишмаган, гус Шарифни қулоғигача қарзга ботиришмаган. Ҳатто кунгил учун ҳам бир қайрилиб қараб қўйишмади-я!

Соқчи даҳлиздаги шеригига Шарифни топшириб, узи эшикни шарақлатиб ёпли. Шариф темир зинатардан пастга, ундан ҳовлига чиқди. У герговчи билан учрашувга ҳозирланган эди. Соқчи Шарифни иккита стол қўйилган чоғроқ хонага бошлаб кирди. Қатъирғоч муйлабли йигит Шарифга фақирига менсимай қараган подшо каби илкис назар ташлаб қўйди. Подшолар бундай пайтда фақирниң таъзим бажо айлашини, тиз чукишини, тиззалаб юриб келиб оёқларини ушишларини кутгаилар. Бу муйлабли йигит қадим шоҳлариниң фақат назаринигина олган, қолган удумлардан «фсодал сарқити» сифатида воз кечган дейиш мумкин эмас. Агар Шариф ҳозир тиз чўкса, фақирга лозим бўлган ишларни бажарса, бу «кўнгли буш» азамат йигит йўқ десмасди. Ҳар ҳолда бу йигитниң узи ҳукмдор бўлмасада, қарашлари ва айтар сўзи шоҳона эди.

— Намозов, сиз озодсиз. Айбларингиз исботланмади.

Шариф прокуратура терговчиси билан сұхбатдан кейин «бу бир англашилмовчилик бўлса керак, текшириб чиқариб юборишади», деб умид қилган эди. Қамоқхона эшиги ҳар очилганда ё соқчи тирқишдан мураклаганда «мени чақиришармикини», деб нажот кўзи билан қараган одам «Сиз озодсиз» деган сўзни эшишиб ишонмади. «Сиз фалон жиноятни қилишида айблана-сиз» дейиш ҳам, «Сиз озодсиз!» дейиш ҳам шунчалар осонми? Дунёнинг лаззатини фақат илм билан шугулланишда ва оқибатда нимадир кашф этишда деб билгани одамга бу идора, унинг ходимлари, уларнинг муомалалари галати туюларди. Одамни бу даражада хурлаш, бу даражада калака қилиш, бу даражада тспкилаш мумкинлигини тасаввурига сифдиролмас эди. Бу хурликларни уз кўзи билан куриб, танасида ҳис этган бўлса ҳам, ишонгиси келмасди. Ҳозир қалдирғоч муйлабли йигитниң яна бир марта «Сиз озодсиз», дейишини кутди. Аммо йигит онасидан камгап булиб туғилганми, ё унга раҳбарлари «фақат бир марта айтасан бу сўзни» деб қаттиқ тайинлашганми, ё бу ширин сўзниң қиммати фалон сўму бу пулни тулашга Шарифниң қурби стмаслигини билгани учунми — ҳар ҳолда такрорламади. Шунда Шарифниң бағри ёнди. Ношукур банди! Раҳмат, деб чиқиб кетавсрмайдими?! Ҳозиргина улимига рози булиб утирган одам бирдан ҳақиқатни айтгиси келиб қолди. «Нимага мени бу азобга гирифторм қилдинглар, нима ҳақларинг бор эди,

қылғилиқни қилиб қўйиб, узр сурайдиган тилларинг узилиб тушганми?!» демоқчи эди. Суз бошлади ҳам:

— Нимага...

Хар тугур йигит гапиргани қўймади:

— Нимагалигини уйингизга боргандা биласиз. Яхши одамларнинг назари сизга тушибди. Булмаса уруғаймогингиз билан қамоқда чирирдингиз. Боринг, гапни чўзманг, — йигит шундай деб бир парча қоғоз узатди.

Шариф қоғозга қўл узатган эди, орқасидаги соқчи чаққонлик қилиб, қоғозни ундан аввалроқ олди-да, сл-касига «юр» дегандай туртиб қўйди.

Шариф дарвоза эшигидан ташқарига чиқиб иккичу қадам юргач, тұхтаб, утирилди. Тесаси сим тусиқли дэвор баландлигини чамалагандай узоқ тикилди. Шу пайт ёнида сутранг «Жигули» тұхтаб, хаёлини бузди. Ўзини честга олишига улгурмай машина эшиги очилди.

— Утиринг, оқаҳон, — деди жингалак сочли йигит, мсҳрибонлик билан.

— Раҳмат, ука, овора булманг, — деди Шариф. У «йигит бирор танишимнинг ё укаси ёки ўғли бўлса ксрак, тасодифан кўриб қолди», деб уйлади. Қамоқдан чиқа солиб танишга учраганидан ҳатто хижолат бўлди. Одамлар айби борми ё йўқми деб мулоҳаза қилиб утиришмайди. «Қамоқда утириб чиқкан», деб, ола қарашади.

— Утиринг, — деди Жамшид. Бу сафар унинг овозида мсҳрибонлик эмас, қатъийлик, амр оҳангি зоҳир эди. Тарангсиб турган Шариф буни сизмади. Жамшидинг атайин кутиб тургани ҳам унинг хаёлига келмас эди.

— Мен эски шаҳарга бораман, — деди Шариф.

— Утиринг, уша ёққа кетяпман.

Шариф «унда майли, сизни овора қилмас эканман», деб машинага утириди. Таниш йигитлар ҳеч бўлмаса ҳол-аҳвол сўраб қўйишарди. Бу эса миқ этмай кетяпти. Шариф шундан ажабланиб, суради:

— Ука, сизни танимайроқ турибман?

— Танимайсиз. Бир яхши одамни дуо қиласеринг. Шу одам сизга муруват қилмаса, қамоқда чириб кетардингиз.

«Яхши одамларнинг назари тушибди...» Шариф қамоқхонадаги қалдирғоч мўйловли йигитнинг гапини эслади. Ким экан у яхши одам, нима учун унга муруват қиляпти? Шариф яхшилик қилиши мумкин бўлган танишларини бир-бир эслашга уринди. Унинг танишлари орасида бунчалар қўли узун одам йўқ эди. Қилич

Сулаймонов-чи? Аввал қамоққа тиқиб, сүнг олиб чи-  
қиб қудратини күрсатиб қўймоқчи бўлдими? Шу фикр  
Шарифга тұғридай туюлиб, суради:

— Яхши одам... Қилич Сулаймоновми?

Йигит жавоб бермади.

— Асадбекми?

— Сергап одам экансиз! — йигит шундай деб жер-  
киб берди.

«Демак, уша», дсан қарорга келди Шариф. Одам боласининг душмани уз тили, деганларидек, тили жи-  
ловсиз булгани учун Шариф кўп панд срди. Унинг зур  
илмларга стган ақли оддий ҳақиқатни тушунишга қо-  
сирилик қилиб қолар эди. Камбағал яشاши, илмда олга  
силжишда қийналиши, унвонлардан бенасиб қолниши  
ва ниҳоят, қамоққа тушишида суюксиз тилнинг кўп  
хизматлари борлигини тушунгиси ҳам кслмас эди. Хо-  
тини зорланиб «тилингизни тийибрөқ юринг», дсан  
пайтларида «Мен индамай кетадиган қул эмасман»,  
деб ужарлик қиласарди. Бойвучаларнинг ўткир ҳидли  
атирини сспиб, ясаниб олган бу жингалаксоч йигит-  
нинг «сергап экансиз», деб жеркиб беришидан унинг  
ужарлиги тутди.

— Ўттиз мингни ҳам уша яхши одамга берамани?

Йўлдан кўз узмай ксластган Жамшид орқасига уги-  
рилиб, унга ажабланиб қараб олди.

— Қанақа ўттиз минг?

— Вақти кслганда билиб оласиз, — деди Шариф  
унинг бояги гапига тақлид қилиб.

— Билиб оламиз, хотиржам бўлувринг, — деди  
Жамшид унинг пичингига эътибор бермай.

Жамшид машинани Шарифнинг эшиги олдида тўх-  
татди.

— Ортиқча валақламай, бошингизга ғалва орттир-  
масдан уйингизда жим ўтиринг. Эртага ишга чиқасиз.  
Яхшилаб билиб олинг, оқаҳон: сизни паноҳига олган  
одам керак бўлса ўттиз мингдан ўттиз мингтасини бо-  
шингиздан сочади. Агар уни хафа қилсангиз, уруг-  
аймогингиз билан, ўттиз бир минг томирингизни қури-  
тиб ташлайди.

Шариф эшикни очиб, бир оғини ерга қўйган дам-  
да бу гапни эшитиб тўхтади. Таранг тортилиб турган  
асаб томирлари баттар қақшади.

— Мени қўрқитманг, — деди овозини кўтариб.

Жамшид, уни ҳайрон қолдириб, жавоб бермади.  
Шариф баттар тутақиб, тили калимага кслмай қолди.

«Хе оналарингни...» деб сўкиниб машинадан тушди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Шариф деярли сўкинмас эди. Сўкинган тақдирда ҳеч бўлмаса жаги ёрилиши мумкинлигини ҳам билмасди. Бахтига у энди Асадбскнинг одамига айланди. Ҳозир «онангни...» дейиши нима экан, бунинг ёнига амма-холаларини, опа-сингилларини қушиб сўкканида ҳам Жамшид лом-мим деслмасди. Жамшид Асадбскни кўпга хотамтойлик қилишини билади. Унинг назарида хўжайини Шарифни шўнчаки паноҳига олди. Хўжайнининг эътиборидаги одамга ола қараш мумкин эмаслиги унга ойдай равшан. Унга яна бир нарса аниқ — буйруқни адо этиш чоғида бсгоналар билан гаплашмаслиги, айниқса, пири Асадбск ҳақида бирон сўз айтмаслиги шарт. Ҳозир Шарифга пўписа қилиб шу шартни бузди. Шарифнинг гапидан аччиқланиб, «хўжайнин уттиз минг сўрайдиган гадой эмаслиги»ни билдириб қўйиш учун чегарадан чиққанини узи ҳам сизмай қолди. Чегарадан ҳатлашга ҳатлади-ю, сунг афсусланиб, мум тишлади. Шарифнинг ҳақоратига парво қилмай утиришининг иккинчи сабаби шу.

Шариф эшикни ёпиши билан «Жигули» пойгачи машиналардай силтаниб қузғолди. Йулни авайлабгина қоплаётган қор тўзғиб кетди.

Шариф эшиги олдида туриб қолди. Оппоқ гиштдан қурилиб савлат тўкиб турган иморатлар қаторидаги со-мон сувокли пастак уйи кўзига етим боладай мунгайиб куринди. Газарида эгаси қамоққа олиб кетилганидан сунг уйи шармандлик юкини кутаролмай чўкиброк қолгандай туюлди.

Тұхматдан қамалиб, сунг озодликка чиққан одам қувончини ичига сиғдиролмай, бахтидан ёниб, ҳазор-ҳазор шукрлар қилиб уйига учиб кириши керак. Шарифда эса бундай бахт, бундай қувонч йўқ эди. У давлат қамогидан қутулгани билан, куринмас тўрга чирмаб ташланганини, бу тўр уни оқибатда батамом ҳалок этишини сезиб турарди. Мана шу сезги уни озодлик бахтига бсгона қилиб қўйганди. У слкасидаги дард юки билан остона ҳатлаб ҳовлига кирди. Йулакда биттагина из — қор учқуныари ҳали бу изни кумиб улгурмаган — демак, Насибаси яқинда кучадан қайтган.

Ҳовли этагида «ошхона» номи билан зикр этилувчи бостирманинг эшиги зорланиб очилиб, Насиба чиқиб келди. У эри томон бир-икки қадам қўйди. Сунг нима қиласини билмай тош каби қотди. Кейин

бсихти ёрдамда югуриб келиб, Шарифни қучоқлаб олди.

Оқ гиштли данғиллама уйларни, дуру гавҳарларни орзу қилмай яшаётгани, қозоңлари бозор гүнити қандай бўлишини билмай, музлаган гүштга ҳам қаноат қилувчи, ҳалол яшамоқлик заҳматини барча лаззатлардан афзал курувчи, борига шукр қилиб умр кечирастган бу икки банданинг тили гапга келмас эди. Улар «гуноҳимиз нима экан?» деган жумбокқа счим излашар эди. Яратганинг олдида уларнинг гуноҳлари йўқдир, дослмаймиз, бсайб — парвардигор. Бизнинг фикри ожизимизча, бошларига кулфат солган «гуноҳ»ларнинг энг улуғи — «ўйнашмагин арбоб билан...» деган ҳикматни унугланларида. Замонлар ўзгаради, тузумлар ўзгаради, подшолар кслиб кстаберади, булар — дунёнинг устидаги либослар. Эски кўйлак устига янгиси кийилгани, вужуд, қалб, инсоф, виждан эса ўзгармай қолабергани каби, фоний дунё аслини ўзгартирмайди. Халқ яратган ҳикматлар ҳам аслича яшайверади. Аввалинбор Шариф, қолаверса Насибанинг кўп нарсаларга етгувчи ақли, фаҳми-фаросати шу нуқтага стганда андак ожизлик қилгани учун ҳам бу кичик кулфат тузини тотиб куришди.

Насиба эрининг кириб кслиши туши эмас, ўнги эканига ишонч ҳосил қилгач, уни бағридан бушатиб, уйга бошлади. «Болаларни олиб кслмадингми?» деди Шариф остона ҳатлаб ичкари киргач.

Насиба лабини тишлаб, бош чайқади. Шу кунлар ичи ҳувиллаётган уйда ёлғиз утириш унга осон кечмади. Аммо ғлизлиқ азобидан «дадам қанилар?» деган саволга жавоб қайтариш минг чандон оғирроқ эди. Бу савол уни илон каби чақиши, назарида ҳатто жонини ҳам сугуриб олиши мумкин эди. Ўзи айтмаган тақдирда ҳам, болалари кучадан эшишишарди. Дадаларининг қамоқда утиргани мурғак қалбларни эзиз ташламасмиди? Насиба ўзининг учун болаларини онасиникидан олиб келмаган эди. Шариф буни тушунди. «Янги йил кечаси ҳам ёлғиз утирибди-да, бечора», деди ўзича.

Нонушта маҳали ҳам бўлиб утган нохушликдан сўз очмадилар. Иккови бир-бирига қараб-қараб қўйиб, ногигина нон тишлаб, чой ҳўплаб утиридилар. Эр-хотиннинг иштаҳаси йўқ эди. Улар илк марта ёлғиз қолиб бир-бирига айтишга сўз тополмай ийманиб утирган келин-куёвга ухашарди.

Шариф Насибадан саволлар кутарди. Насиба «эрим узи ганирар», деган илинжда эди. Ножуя савол билан Эрининг дилига озор стказишдан чўчириди.

Барча кургуликларига «фош қиласман» деб дўқ ургани сабаб бўлганини тушуниб етган Шарифнинг хотинига бу ҳақда ганириш нияти йўқ эди. Шу биргина пўниса учун қамоққа тиқиб қоя оладиган зотлар фош қилишга киришилган тақдирда қасрга олиб бориб тикиб қўйиши мумкинлигини хотини билса, даҳшатдан юраги ёрилиб костиши ҳеч гапмас.

Шариф жонини сақлаб қолишининг бирдан-бир йули тилнинг бевошлигига барҳам бериши лозимлигини англади. Уни қийнаётган нарса — билагидаги игна излари, қамоқда хуруж қилган тан азоби. Ҳадсмай яна бош кутарувчи бу азобга энди дош бора оладими? Ё гиёхвандга айланиб қоладими? Мана шу фикрнинг узи ёки уни даҳшат тўрида ушлаб турарди.

## VII БОБ

### 1

Жалил уйига қайтди-ю, аммо тинчини ўқотди. Асадбек бошига бир оғир иш тушганига амин булиб, ташвишланди. Ҳали «фалончини отиб костибди», ҳали «фалончини ёкиб костишибди», деган ваҳимали мишишлар бош кўтараётган таҳликали кунларда Асадбекдай одамнинг ҳам жони қил устида эканини Жалил яхши тушунарди. Аввало ганим қасд қилмасин. Қасд қилса бирор унинг жонини сақлаб қололмайди. Атрофини ўнта ишончли йигит ураб турса ҳам битта уқ сиғадиган туйнукча топилиб қолар. Шундай экан, бу уйинга кирганларнинг умри хотимаси аниқ. Асадбек шуни сездими? Юраги сезгани учун биродари билан видолашиб олмоқчи бўлдими? Асадбекнинг бевақт чорлови Жалилни бу фикр исқанжасига топшириди.

Жалилнинг назарида телевизордаги бўжирим лаблари кулиб турган қиз-жувонлар, тиржайиб туриб ашула айтиётган хонандалардан ташқари бутун эл ташвишга бурканган эди. Ҳамиша мириқиб кўрадиган ҳомошалари бу кеч унга ёқмади. «Янги йил кутиш» деган гап ҳам бирданига эриш туюлди. Куёви билан пислани чўкишириб қўйдию ароқни ичмади. Доимо завқ берувчи фарзандлар давраси ҳам татимади. Юраги тарс ёрилгудай булиб урнидан туриб кетди. «Тобим қочди»,

деб хонасига кириб чүзилди. «Тинчликми, аласи, уртогингиз тинчмилар ишқилиб», деб кирган хотинига бобиллаб берди.

Соат үн иккода фарзандлари бир-бир кириб янги йил билан табриклаб чиқиши. Құшни хонада тонгга қалар телевизор сайради. Жалил тонгни ит азобида күтди. Чала-ярим нонушта қилиб, ота маҳалласига жұнали. Асадбекнинг болалиги үтгап ҳовли эшиги ичкаридан танбаланған, десмак, чиқиб костибди. Жалил уйига кириб укасини йүқлади-ю, Асадбекниң қараб йүл олди.

Уртоги уйига келмабди. Манзура одатига хиенат қилмаган равишда срдан күзини узмай сұрашды.

— Тинчликми, узи кслин?

— Тинчлик, — деди у паст овозда. Бу ошлага самимий муносабатда бұлувчи энг яқин одамнинг Жалил эканини, ҳатто унга ҳам оила сирларини ишошиб айтиш мумкинмаслигини Манзура билади. Күз өши тукиб ҳасрат дафтарини очгиси кслади. Аммо... Эри айтмаган сирни у айттолмайды...

— Агар тинчлик шунақа бұлса, галваси қанақа бұларкан, — деди у изига қайтағтиб. — Галварс эрингизга минг марта айтдим, шу ишларни йигиштир, деб.

— Үртогингизни биласиз-ку...

«Ха, биламан, — деб уйлади Жалил, — Худо унга бойлик бергану тариқча ақл бермаган. Миллион сүми йүқлар қирилиб кетяптыми, шунча бойлик камми унга, гүрига ортмоқлаб борадими? Лаҳадда бошига биттагина гувала қүйилади, пул қүйилмайды, шунга фаросати етмайдими?..»

Шу гаплар хәслига кслди-ю, аммо аәлга қараб вайсашдан үзини тиіди. Шу топда эшикдан Асадбек кириб келса, шу зақар гапларни айта олариди? Айтиш ҳам гапми?! Хүш, шақарни ётқизиб-турғизиши қулидан ксладиган Асадбек-чи? Эски юз сүмликни узокдан куриб қолган, янгиси чиққанини куриш у өкіда турсин, ҳали әшитмаган оддий ишчининг ҳақорат ҹрасини ҳам босиб үтиб кетувчи сұзларига нима дейди? Жалил гапира-гапира жүшиб кетса, шартта биқинини чимчилайди ё сонга шапатилаб уриб қолади — шунда Асадбек нима қиласы? Кайфияти яхши бұлса — кулиб қоя қолади. Ҳатто үртогининг бу қилиғидан яйрайди. Болалик дамлари эсига тушиб ширин энтикади. Болалигиде бир рұшнолик күрмаган бұлса ҳам вужудига роҳат үрмалайды... Жалил зақарга булаб отағттан сұз үқларига кайфияти нобоп пайтида дуч келса ҳам ғазаб-

ланмайди. Узини босади. «Ха, қилиғи совуқ» деб түнгиллаб құяди... Шундай экан, Жалил ичини әндирастган гапларини Манзурага айтадими с соқчи йигитларғами, с Асадбекниң үзигами — фарқи йүқ, сұзлар самога сочилған үқлардес самара бермайди.

Жалил Манзурага қаради-ю «хайр» деб ташқарига чиқди. Энди қаेққа боришини билмай гарангсиди. Катта күчага қадар калоуланиб борди. Сунг пишиллаб тұхтаган автобусга чиқиб уйига кетди.

## 2

Асадбек ошнасникига дісярли кеслес эди. Түймаъракаларда бирров кеслиб кстарди. Жалилнинг болалари, айниқса күеви, Асадбекнинг номини эшлишишган, аммо үзини яхши танишмас эди. Шунинг учун эшик құнғироги тұгмасини босиб йүқлаган башанғ кийимли кишини куриб, ажабланишди. То Қамара — Жалилнинг күз очиб курган хотини чиққунча Асадбек останада турди. Қамара уни куриб ҳайратланды.

— Жалил уйдами? — сұради Асадбек.

— Йүгидилар... Эрталаб өңікіб кестудилар... Бугун бириңчи... Сизникига кестдиларми, дебман.

Асадбек иккеләниб утирмай кирди. Мәхмонхона йиғиширилмаган эди. Қамара Асадбекнинг кириши мүмкинлигини тасаввур ҳам қилмагани учун шошиб, довдирағ қолди.

— Кеннойи, сиз бозовта бұлманг. Мен ҳозир кетаман, — деди Асадбек уриниб қолған диванга утириб. У кира солиб диваннинг оғи үрнига газстага үралған ғильт қүйилганини күрган эди, шу сабабли әхтиєт булиб چүкли.

— Вой, овораси борми, сиз ҳар куни кеслиб юрибсизми? Кече нсварачам бир өшін тулди. Шунинг учун ҳамма йиғилған эди.

Кече... үттиз бириңчи дескабр... Асадбек Қамарага ялт этиб қаради. Аслнинг гапи унга укаси Самандарни әслатди. Самандари ҳам үттиз бириңчиде туғилған эди. Бир өшін тулганида бундай тантана йүқ эди. Танчада утириб, қора нонни илиқ сувға ботириб қоринни түклаш — улар учун катта байрам бұлған үшанды. Жалилнинг уйига өзилған дастурхон ҳам Асадбек қаричи биләп үлчанса — харобгина тантана. Ласкин ҳар кимнинг қаричи ҳар хил. Дастурхон устига бир тишилам қотған нон қүйилса ҳам, атрофига фарзандлар йиғилса түкин дастурхондан файзлироқ булиб кетади.

— Несварангизнинг оти нима! — деб суралди Асадбек.

— Ўртогингиз китоб қараб Самандар деб қўйганлар. Ўт-оловни ҳам писанд қилмайдиган галати қуш буларканми-с... Қудалари «Улуғбек» деб қўймоқчи эканлар. «Ҳей, дадаси, болага исмни қиз томон қўймайди», дессам ҳам «Ҳаммаёқни бек босиб кетди, битта Самандар булиши керакми ё йўқми!» деб қайсарлик қилиб туриб олдилар. Барака топигур, қудамиз жуда яхши одам-да. Хуп, деб куниб қўя қолдилар...

Қамаранинг оёқ-қули ҳам, тишли ҳам чаққонгина эди. Чулоқ диванда ким ястаниб утирганини унуби гапга тушиб кетди. Унинг сұzlари Асадбекнинг қулоғига кирмади. «Самандар» десган исмни эшитибоқ куз олди хиралашди. Томогига бир нима тиқилди. Ярим соат бурун пулининг кўплигидан эсини йўқотган винзавод бошлигининг тақдирини бир сўз билан ҳалт этган Асадбек узини бенниҳоя ожиз банда эканини ҳисе этди. «Ҳатто шу ғалча хотиннинг баҳти ҳам йўға менда, — деб уйлади. — Несвара кўрсам, исмини Самандар қуяман, деб юрувдим. Жалил илиб кетибди. Китоб кўриб қўйганмиш... Жалил узини ҳақгўй дейди. Мен уни ношуд дейман. Баҳт ношудларга кулиб боқаркан-да? Шу ношуд қизини күсвга узатиб, несвара куриб, хурсандчилик қилиб утирса... Мен шундай ҳам бўлолмасам... На акам, на укам бор. Фақат... пулим бор. Бу ношуднинг пули йўқ. Аммо укалари, күсви, Самандари бор... Мен ҳашамдор уйда яшайман, уйимни дес йигитлар пойлашади. Бу ношуд оёғи синиқ диванда сибозлаб ётиб, уламан деб турган телевизорни томоша қиласди. Эшиги ҳамиша очиқ... Кунгли ҳам очиқ... Янги диванни, рангли телевизорни орзу ҳам қилмайди... Несга орзу қилмайди?! Одам ҳам шунчалик ношуд буладими! Узинга керак бўлмаса, болаларига лозим-ку! Болаларининг кунгли синмайдими! Несвараси шу чулоқ диванда ётиб, шу хира телевизорни куриб улғайиши керакми? Аблаҳ, ношуд!» Юраги эзилиб утирган Асадбекни бирдан газаб чулғади. Шарт ўрнидан турди.

— Ҳозир ксламан, — деди Асадбек, — чойингиз қайнагунча қайтаман.

Қамара бу гап шунчаки қўнгил учун айтилди, деб уйлаган эди. Мехмонхонани йигиштиришга ултурмай, Асадбек қайтгац, баттар шошилиб қолди. Қамара мөхмоннинг улуглигини ҳисобга олиб, оҳори тукилмаган янги дастурхон ёзди. Куёв чиқиб Асадбек билан қуш-

қуллаб сурашди-да, чой қүйиб узатди. Ҳашамдор уйларда, түкин дастурхонлар атрофида утиришга күниккан Асадбекка қозголари сарғайиб, айрим срлари күчиб тушган уйда чой ичиш бошқа пайт булганда малол келарди. Унинг ҳозирги кайфияти айнан шундай шароитни қумсарди. Гарип күнгил, гарип уйни соғинган эди.

Бир соатдан кейин Жалилнинг уйи бессаранжом булиб қолди. Беш-олти одам баравар бостириб кириб аввал чулоқ ливанни, сўнг стол-стулларни, сўнг хира телевизорни олиб чиқиб кетишиди. Ўрнига янги диван, янги стол-стуллар, рангли телевизор қўйилди. Қамара «Вой, улмасам,вой, қизиқ бўлди-ку», дейишдан бошқа сўз топмади. Асадбек бу ўзгаришларга алоқаси йўқдек, пинагини бузмай туради.

Жалил уйига қайтганда ҳамма иш саранжом бўлган эди. У Асадбекка заҳрини сочишга улгурмади. Қурқан олдин мушт кутарар, деганларидек, Асадбек осто-нада уқрайиб туриб қолган ошнасига қараб бақирди:

— Финг дессанг, абжагингни чиқариб ташлайман, бусснга эмас, Самандарга, тугилган кунига совфа!

Жалил Асадбекка бир нима дся олмади, аммо хотинига қараб уқрайди. Қамара узига қандай ширин гаплар атаб қўйилганини фаҳмлаб, лабини тишлади.

— Сенга нима бўлди? — деди Жалил, Асадбекка тикилиб, — пайтавангга қурт тушганини билиб турибман.

— Менинг пайтавамга эмас, сенинг миянгга қурт тушгани, — Асадбек шундай деб Қамагулга қараш қўйди. У эркаклар гаплашаштганда асл кишининг атрофда ивирсиб юришини ёқтирмас эди. Қамара Асадбекнинг мақсадини англаб, тезгина чиқиб кетди. Асадбек шундан сўнг гапини давом эттириди. — Невара кўрибсан, исмини Самандар қўйибсан, орадан бир йил утибди... Асад десган уртогим бор эди, хурсандчилигимга шерик қиласай, укасининг оти ҳам Самандар эди, неварамга от қўйишда бир сураб олай, дейишга ақлинг калталик қилдими? Тилинг бир қарич. Бирорга сўз бермайсан-у, шунаقا нарсаларга келганда калланг ишламай қолади, хом ошқовоқ!

Жалил унга қараб жилмайди. Ҳозир унинг қаршиисида фақат Худогагина бас келолмайдиган Асадбек эмас, куп жабру жафоларни бирга тортган, бир кўчани чангитиб, бир ямоқ кўрпани тепишиб катта бўлган ошнаси утиради. Асадбекнинг овозида амр оҳангি ҳам, қаҳр ҳам йўқ эди. Асадбекнинг бу одати Жалилга маълум. У

дуне ташвишларидан эзилиб, болалигини құмсаған пайтларида Жалилни топтириб келіп шу охандыға тап бошлайды. Икки ошна соатлаб гаплашиб утиришиади. Сұхбат аъсиларнинг иштирокисиз булади. Зарур иш билан келгап Кесакпольвон ҳам, Чувринди ҳам уларниң суҳбатини бузишга жүръат қила олишмайди. Бұнақа пайтларда аъёнлар матбуот хабарларига тақпид қылғы «икки президент іузма-юз учрашды. Ҳалқаро ақволининг мұхим масалалари көлишиб олины» деб ҳазиллашиша-ди. Ёниқ әшик ортидаги «халқаро ақволининг мұхим масаласи» — әнгөқ үйинида чиққан жаңжаланиң «тиң үйл бол билан ҳал этилгани»дан бошланиб, битта қалишини галма-гал кийиб мактабга қатнаш өфіғда юз берган саргузаштларни әслаш билан яқунланади.

Жалил Асадбекнинг бугун бу хусусда гаплашиш нияти йүқлигини билди. Агар Ҳасаннинг үнг биқини оғриса, Ҳусанники ҳам оғрийди, дегенларидек, Асадбекнинг юрагини тирнастгай дардан Жалил бебаҳра қолиши мүмкін эмас. Асадбек дардини ичига ютмоқчи. У отаси олиб кетилған кундан бери исен үйлига кирган, аммо очиқ-ойдин ҳайқириш, шиорлар күтариб майдонга чиқыш үйудан бормай, арқонии узун ташлаб, дардни ҳам, газабни ҳам ичига ютиб аста иш куришни үрганған эди. Жалилнинг үюли бұлак — уйчи үйига стгунча таваккалчи үйига стади, қабилида ишни дангал битиришга одатланған. Ҳозир ҳам ошиасининг гапни майдалашига тоқат қылолмади.

— Ерилсанг-чи! — деди у жеркиб. — Мендан бошқа дардкашинг борми?

Асадбек Жалилга тикилди. Худди рұпарасидаги одамни бириңчи марта қурастгандек тикилди. Гапириш осон. «Ерилиш» — хотинларга хос. Эркак дардини айтгунча тұлғоқ азобларини бошидан кесиради. Айниқса Асадбекни эзастган дард бировға айтгулик эмас. «Қизимни үғирлаб кестиб, кейин ташлаб кестишибди», дейишигә тил айланадими? Эркаклик номуси, ори бунга үйл құядими? Кесе Жалилни атайин үйқлатди-ю, дардини айттолмади. Бугун эрталаб винзавод бошқони тақдирини ҳал этиб үйга кетаман, дегенде ташқарыда савдо растаси хұжайнинга үйлікди. Хұжайн савдо ахлиға хос тавозслик билан сұрашиб, икки құлини күксига қыйиб: «Бағрингиз тулиб, хұрсанд булыб қолдингизми?» деди. Асадбек «Ха» ҳам, «Йүк» ҳам демади. Үнга бир үқрайдию машина әшигини очди. Бу одам қизининг қайтганини әшитиб, табриклагани келган. Үзича бу одам-

тарчиликка кируди фазилат, одат. Асадбек унинг лаганбардорлигидан бир гаши келган булса, бефаҳмлигидан бир газабланди. Қизини кимлардир үгирлаб кетиб, қандайdir аҳволда ташлаб кетишадио у хурсанд буладими? Қизига тескишмаган бўлишса-ку, хўп-хўп... Йукса... тирик қайтаришмагани минг марта афзал эмасмиди... Асадбек машинага ўтиргач, хаёлида бошқа гап ўрмалади — бу одам ис олибдими, демак, кўпчилик билади. Бугун кечгача шаҳарга тарқаса ҳам ажаб эмас. Нима қилиш керак? Аъёнлари билан иш юзасидан маслаҳатлашади. Уларни шу пайтгача оила сирлари, ташвишларига тортмаган. Асадбек учун оила — муқаддас. Ҳар кимнинг ҳам тумшук суқаверишини хуш кўрмайди. Чувринди уйланган йили «оилавий булиб ўтириб турайлик», деганда, Асадбек «хотинингни бозорга солмоқчимисан», деб гапни калта қилган, шу-шу оилавий борди-кслди масаласи қайта тилга олинмаган эди. Уларнинг хотинлари фақат йўқлов, туй ва маърака баҳонасида куришишар, «эсонмисиз-омонмисиз»дан нарига ўгишмас эди. Шундай экан, қизининг эндиги тақдири ни аъёнлар билан маслаҳатлашиши мумкинми?

Асадбек Жалилдан жуяли маслаҳат чиқар, деган илинжда эмас, балки таскин илинжида келган эди.

— Мишмишларни эшитгандирсан? — деди Асадбек, ошнасидан кўз узмай.

— Мен миш-миш орқалаб юрадиган хотинмасман, — деди Жалил. — Сен буладиган гапни гапир.

«Ростдан эшитмаганми?»

Асадбек саволига жавоб топмоқ истагида Жалилнинг кузларига қаради. Бу кузларда алдов йўқ эди.

Жалил ошнасининг тўлғоқ азобида эканини ҳис қилди. Бу дардни ҳатто энг яқин одамга ҳам айтиш оғир экан, демак, иш чатоқ. Жалил бироз юмшоқроқ гапириб, унинг кунглини овлаш ниятида деди:

— Каттага катта дард ёпишади, гапир, узингни қийнама.

— Катта дард дейсанми?.. Билмадим... Шу пайтгача менинга бирор қул кутармаган эди.

— Дунёни бекорга чархпалак дейишмаган. Замон узгариб туради, шунга ақлинг стмабмиди?

— Етган эди, лскин...

— Етган булса, вақтида этакни ёп. Вақтида кетсанг — олам гулистон.

Айтишга осон. Замон саҳнасидан тушишнинг ўзи буладими? Пастдагилар сени алқаб, бошига кутариб

юришга тайёр булса, сақнадан дадил туша отаркансанми? Тушишингни құлда найзалар билан пойлаб турғанлар-чи? Шу найзалар борлигини билмаганда Асадбек Жалилнинг маслағатига мұхтож булармиди? Асадбек гапни чўзишнинг ҳожати йуқлигини англаб:

— Қизимни үгирлашди, — дсди. Шу гапни айтдию уятдан өниб кстай дсб кузини олиб қочди. Айбига ик-кор бўлган гуноҳкордай бошини эгди.

— Қачон? Топилмадими?

— Ксча үзлари ташлаб костишибди.

— Кимлигини билдингми?

— Аниқ билмайман. Гумоним бор.

Жалил ўйга толди. Бир неча нафасдан сўнг хурсинди:

— Худодан қайтибди.

Асадбек бошини шартта кутарди:

— Бу нима дсганинг?!?

— Сен майшат қилган қизларнинг ҳам ота-оналари бор эди, улар ҳам эзилгандир, Худога нолалар қилгандир. Худо кар эмас, бу оҳларни эшитгандир?

— Оғзингга қараб гапир! Менинг майшат қилганимни курдингми?! — Бу сафар Асадбекнинг овози титраб чиқди. Жалил унинг кўзларига қараб қўрқди: бу кўзларда газаб учқунланаётган эди.

— Куриб нима, мен сенинг маҳрамингманни, изингдан юрадиган. Эшитгандан, ҳамма гапиради.

— Ҳамма гапирса ишонаверасанми, ҳе... с-сутак! — Асадбек беихтиёр сўкинди. Бошқа вазият бўлганда Жалил қарзга ботмай, дарров қайтарарди. Ошнасининг важоҳатини кўриб, ўзини тийди.

— Бўпти, ўзингни бос, — деди у. — Қизинг тирик экан, Худога шукр қил.

— Жалил, — деди Асадбек қаҳрли овозда, — билиб қўй, мен номард эмасман. Мен итнинг боласи эмасман, одам боласиман. Бирорларнинг бурнини қонатиб лаззат топаман, дсб юрганим йўқ бу дунёда. Аламим борлигини биласан-ку. Бу аҳмоқ гапни бошқадан эшитсан, хафа бўлмас эдим. Сен ҳам шундай дединг-га!

— Сен қилмаган бўлсанг, бу ишни шотирларинг қилишади. Лаънат эса сенга оқиб кславеради. Сен одамлар кўзига бўри бўлиб кўринасан. Есанг ҳам, смасанг ҳам барибир оғзинг қон. Сен мен билан гап талашма. Буладиган гапдан гапир. Тумшайиб юравермассан, ахир. Нима қилмоқчисан?

— Ҳайронман...

— Гап қайнаб чиқмасидан узатвор қизингни.

Асадбек кечадан бери хаслнинг қайси кучасига кирмасин, шу тұхтамга қласаған эди. Жалилдан ҳам шу фикр чиқишини күтган эди. Күтилған фикр айтылди, аммо снгил тортмади. Чунки фикр айтмоқ осон. Түй қилиш ҳам осон. Бироқ, қизининг юзи өргө буладими — машаққат шунда. Куєв бұлмиш Асадбекнинг қаҳридан құрқиб ҳозир индамаслиги мумкин. Кейинчи? Замон сақнасидан тушиб кетгач, қизи хұрланмайдими? Күчага ҳайдалмайдими? Шармандашык лиbosига үралмайдими? Асадбекнинг хавотири шунда. Сиз «Хүш, үзининг орномуси-чи?» дейишиңгиз мумкин. Бир деңе шоир «ота-она мәхрисиз ҳам яшамоқ мумкин, аммо мумкин эмас номуссиз яшаш», дсанда минг карра ҳақ. Асадбек ота-она мәхрига түймай үсди. Қизининг үгирланиши — унинг номусига тесишмаган тақдирда ҳам — ота-она номусининг топталиши билан баробар. Шундай экан, Асадбек бунга қандай чидасин?! Чап елкада үтирган шайтон қасосға үндайди: «Қулингни узатсанг еттинчи осмонга ҳам стадиган инсонсан. Бирор сенинг косанғга луфлабди, оши ҳалолингни булғабди-ю,» сен әзилиб юрибсанми, кимдан гумонинг бұлса — янчыб ташла! Бугун қасос олмасанғ, эртага әл олдиде башаранғга тупуришади. Отанғни олиб кетишгандың очор әдинг. Ана шу очорлық сенни бир умрлик армона үтида күйдиряпти. Энди ҳам очормисан? Қон тұкмасанғ әркак әмассан! Үзингни күрсат! Номус учун қон тұкиш лозимлигини әркакларға әслатиб қой!!» Аммо қилич яланғочланған дамда үнг слкада үтирган Раҳмон билагидан ушлаб тұхтатади. Қон тұкишга йүл бсрмайди. «Гумонинг түрига үралғанларни тиғдан үтказишиңг — ожизлигинг аломати. Гунохкор осонгина жон беріб қутулиб кстади. Сен эса номус азобида тұлғаниб қолаверасан. Сен ҳозир унинг гунохларидан үт. Аммо шундай қылғинки, умри азобда үтсін. Вақти келиб оғынгана бош урсин, тавбалар қылсін. Ана шунда үлдирсанғ хумордан чиқасан. Үлсанғ, күзинг очық кетмайди...»

Шу овоз Асадбекни ушлаб турибди. Номус азобига чидашга мажбур этяпти. Жалилнинг уйига бошлаб кслган ҳам шу овоз. Агар ошнаси «уларни қириб ташла» деса бас, янги йилнинг бириңчи куни қонлар тұкиш билан бошланади. Асадбек Жалилнинг бундай демаслигини билади. Билгани учун ҳам уни қора торғиб келди.

Дунёда энг ширин нарса нима, деб суралганда «үйқу» деб жавоб бершишган экан. Бу гап ҳам түгри. Бироқ болалик хотираларини эслаш лаззати үйқудан ҳам мазалироқдир. Чунки ёш утган сайин, болаликдан узоқлашганингиз сайин утган күнларни эслайверасиз, энтикаверасиз. Айниқса жон-жұралар учрашганда үйқуни ҳам тарк этиб, узун кесчалар хотираштар ихтиёрига берилишади. Асадбек билан Жалилнинг бундай кесчалари күп бўлган.

Жалил ошнаси күнглидаги губорни ана шу хотираштар өрдамида қувмоқчи бўлди. Лекин энг ёрқин воқсалар ҳам Асадбек күнглига равшанлик бермади. У тунд қиссфада ўрнидан туриб, Жалил билан хайрлашди. Жалил уни кузатиб кўчага чиқди. Асадбек машина сари юрганида орқадан Жалилнинг овози келди:

— Кучада Асадбекка ухшаб юр, шунчалик чўкасанми?

Бу гапни эшитиб Асадбек қадди букилиб қолганини ссэди. Жалил ҳсч қачон унинг қудратини пеш қилиб гапирмаган эди. Ҳозирги айтгани... «Асадбекқа ухшаб юр...» Мана шу гап унга далда бергандай бўлди. Қаддини тиклади. Чуқур нафас олди. Машина эшигини очгач, орқасига утирилди.

— Қорангни курсатиб тур. Одамларнинг ошнасига ухшаб йўқлашни қачон ўрганасан?

Жалилнинг санчиб оладиган жавоби тайёр эди-ку, аммо биродарининг аҳвол-руҳиясини уйлаб тилини тийди. Жилмайиб, бош иргаб қўя қолди.

Асадбек ҳовлига қадам босгач, ошхонадан чиқастган қизига кўзи тушди-ю, беихтиёр тұхтади. Қизи ҳам уни кўриб бир он ҳаракатсиз қолди. Сунг паст овозда салом бериб, шошганича изига қайтди. Ота билан қизнинг нигоҳлари бир сониягина учрашди. Гус тұсатдан яшин чақнаб қоронгилик бағрида уртанаётган икки хаста дилни ёритиб утгандай бўлди. Яшин нури суниши билан уларнинг ҳар бири ўз жаҳаннамига, яна утда қовурилиш, азобланиш учун қайтдилар.

Қиз нима учун отаси олдига югуриб келмади, нима учун бўйнига осилиб кўз ёш тўкмади, нима учун нолалар қилмади? Нима учун дардини ютиб жаҳаннам азобини ўзига раво курди? Асадбек қўрқиб кутган ҳодиса руй бермади. Ҳа, у қизи билан учрашишдан қўрқаётганди.

ган эди. Қизи фарс үрган тақдирда ичини кесмираштган вулқоннинг отилиши тайин эканини билиб, ташвишланаётган эди.

Асадбек қизини сира эркаламасди. Кесакполвон — газабга минганила отасини ҳам танимайдиган қаҳри қаттиқ одам, ойда бир марта хотинини уриб турмаса гани ичига тусламайдиган жizzаки эркак — бўйи стган қизини ҳаддан зисд эркалаб, юзларидан чимдиб, упид қўйганида Асадбекнинг ўаши ксларди. Баъзан танбсх бсриб, баъзан «қизингни эрга берганингда узингни ҳам қушиб бсрасанми», деб пичинг қиларди. Кесакполвон Асадбекниг бундай гапларини, пичингларини қулогига олмасди. «Бу қизимни үзим туққанман», деб тиржаярди, холос. Ким, қандай туғишини яхши фаҳмлайдиган қизи отасининг бу ҳазилидан яйраб, баттар эркаланарди. Ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, бегуноҳ одамнинг жонини сугуриб олишда киприги қилт этмайдиган одамнинг фарзандига нисбатан шундай мсҳри борлиги оламнинг ажабтурулигидан эди.

Асадбек баъзан «мен ҳам болаларимни эркалашим ксракми?» деб ўйлаб қоларди. Ота-онага эркаланиш нима эканини билмай үсган одам утун бу мушкул савдо экан. Фарзандга мсҳрибонлик бошқа, эркалаш, талтайтиш бошқа. Шу боис Асадбек болаларини эркалатмасди, дейилганда «у фарзандларига бсмехр эди», деб тушунмаслик лозим. Алқисса, ҳозиргина ошхонага кириб кстган қизи унга салом бериш билангина кифояланар эди. Асадбек шунга куниккан бўлса-да, ҳозир андак ажабланди. Қизининг номус утида куйиб кул булаётгани унга ҳозирча номаълум. Буни ксийироқ идрорк эта бошлайди. Яшин чақиб, чок-чокидан сўкилиб қолган қора булатлар орқасидан ой куриниб, қоронглийлик чекингани мисол, ошхонадан хотини чиқдию қўнгли равшан тортди. Купчилик назарида даҳшатли одамхўр сифатида гавдаланувчи Асадбек шу онда хотинини бағрига босиб йиғлагиси келди, десам, албатта ишонмайсиз. Лекин сиз ишонинг. Мол-дунёси беҳисоб, ул десса үладиган одамлари бор бўлган ҳолда ҳасратини эшитадиган ҳамрози йўқ кишининг ҳолига сиз ҳам раҳм қилинг. Бу фожиани ҳатто ганимларингизга ҳам раво кўрманг.

Йиғлагиси келгани билан Асадбек йиғлай олмасди. Хотини унга далда бергиси келганда ҳам юпата олмасди. Оғир бўлганда шу Манзурага оғир. У икки ут орасида. Бир томондан қизига ачинса, куйса, бошқа то-

мондан эрининг газабидан құрқади. «Жаңт устида бир нима қилиб құймасалар эди», деб жони ҳалакада. Ҳозир ошхона остонасини ҳатлаб чиқди-ю. құрқұлдан шири-раётган күзларини эрига тикиб, салом берди. Сунг:

— Яхии келдингизми, адаси, — деди. Бу гапини узигина эшитди. Қурқибгина, астагина айтылған сұлар ҳавога сиңиб кетди.

Асадбек уйға қараб юрли. Манзура унга әрганици. Ичкари кира туриб чаққонлик билан әнгашылды-да, эри бастартиб сөгін туғлинни жуфтлаб, бир четта олиб қүйди. Сунг ичкари кириб, Асадбек узатған палтони олиб, илгакка илди. Бу жарағын күнде тақрорланади. Ташқаридан кузатған одам ҳар куни бир томошаны айнан күргандай бұлавсради.

Асадбек ичкари кириб узи хуш күрүвчи тәбранади-ған юмшоқ үриндиққа әмас, дәраза томонлаги бир қават күрпачага үтирди.

— Вой, тұхтанг, күрпача солай, — деди хотини шошилиб.

Асадбек «көрак әмас», деган маңнода құл қүгарди. Манзура бу ишорани күрмагандай нариги уйға кириб күрпача күтариб чиқди.

— Бирпасга туринг, адаси.

Асадбек үрнидан жилмади.

— Үтир.

Манзура гилам устига үтириб, күзини срга тиқди.

Асадбек гапни нимадан бошлашни билмай қаловланди.

— Тинчликми? — десди у бироз сукутдан сунг.

— Тинчлик, — деди хотини синиқ овозда.

— Бир нима дедими?

— Йүқ ҳали.

— Сұрамадингми?

Манзура эрига шошилиб қараб олдию, бошини эгди.

— Қандай сұрайман.

— Мен сұрайми бұлмаса!

— Вой, адаси...

— Ҳа, латта!

Асадбек шундай деб тұнғиллади-ю, бақириб юбо-ришдан үзини тийди. «Сұраганининг нима фойдаси бор?» деган фикр уни жиловдан тутди. Хүш, сұради ҳам дейлик, «зұрлашди» деган жавоб олди нимаю «тес-гишмади» деганда нима? Ҳар икки ҳолда ҳам үғирланған қиз одамлар учун номуссиз булыб қолаберади-ку?..

— Энди нима қылмоқчисан?

Манзура энди нима қилиши мумкин? Унинг йиглашдан, фифон чекишдан булак нарсага қудрати стадими? Асадбек буни яхши билади. Шунинг учун савол беринига бериб қўйиб, жавоб кутмади. Шунча йил бирга умр кечириб хотини билан маслаҳатлашмаган одам шу нозик паллада фикрлашармиди? Нима ҳақда сузлашишни билмагани учун ҳам шу суроқ тилидан учди. У ҳозир ёнида хотини булишини истарди. Манзура чиқиб кетса вужуди кимсасиз уйдек ҳувиллаб қолишини ҳис қиласди. Аммо хотини рўпарасида утирап экан, ҳудди уришиб қолгандай оғзига талқон солволмайди. Хотинининг камгап, баодоб булгани яхши-я, аммо мана бунаقا пайтда эрини эзиб ташлайди-да... Манзура гапга чечсанроқ бўлганида Асадбекни губорли ўрамдан олиб чиқармиди...

Ташқаридан эркак кишининг овози кслиб, Манзура чаққон ўрнидан турди-да, дераза оша ҳовлига қарди.

— Мутаваллингиз, — деди ажабланиб.

— Чақир, — деди Асадбек.

Манзура тез-тез юриб чиқди. Дам утмай эшик оғзида бўйни узунлигидан эгилиброқ юрувчи, эгнига уриниброқ қолган палто, бошига янги сувсар телпак кийган мутавалли кирди. Соқол-мўйлов улашилганда кечроқ қолган, аммо яратган «шу ҳам эркак-ку», деган раҳм билан топиб берган беш-унта тукни савлат қилиб ўстириб, жамики тирик жоннинг энсасини қотиргувчи Каримуллага Асадбекнинг ҳам тоқати йўқ эди. Етимхона бошқони булиб ишлаб, уз таъбири билан айтганда, шайтоннинг биттагина гапига кирди-ю, олти йил умрини симтусиқлар ортида утказиб қайтди. Яна фирмага тиклаш масаласида кўп уринди. Фирқа аъзолигига қайта олганида турқи таровати ўзгача бўларди. Ҳатто ўзига ҳам сўмайдиган, соқол-мўйлов дсган номга иснод келтирувчи бу туклар ўстирилмасди. Хитойнинг оҳори тўкилмаган оқ қўйлагини кийиб, Олмониянинг нўхот гулли қизил бўйинбогини тақиб, финларнинг кўзни олевчи костюмини эгнига илиб, гердайиб юрарди. Айб ўзида — райқумга узатиши лозим эди. Ўзини хокисор курсатиб бир янглишди. Райқумдагилар хокисорларга раҳм қиласар деб уйлаб эди. Раҳмдиллар райқумда эмас, бу томонда экан. Баҳтига маҳаллада масjid қурилиши бошланди. Аввалига ҳайбаракаллачи булиб юрди. «Уни у ёққа ол, буни бу ёққа қўй», деб

туриш, чойни шопириб қайтариб үзідан улугроқ одамларга таъзим билан узатиш ҳадисини олган эди. Қурилишда ҳар куни уралашиб юрувчи битта бескорчи керак экан. Шундан фойдаланиб, пойдевор битмасыданок үзини «мутавалли» деб зылон қылди. Абдукарим деган исм, гарчи муллаликка дахлдор бұлмаса-да, Каримулла деб үзгартырилди. Бу «мұлла» хотираси заифлиги туфайли тұрт ой бадалида «Оятал курси»ни әд ололмай, иккита кичик сурә билан тирикчилек қылдады. Үшанды үстира бошлаган «соқол-мүйлаб» иморат томи ёнилибди, ҳали бир энликтан нарига үтгаппай йүк. Бу ҳол Кесакполвон үүн бир әрмак. Уни ҳар күрганида «Каримулланинг соқоли ичкарига қараб үсади», деб мазах қылады. Асадбек мутаваллининг төсроқ кестишини истайды, Кесакполвон эса уни масхаралаб үтиришни өктирады. Каримулла бу масхарани малол олса-да, сирттеги чиқармайди. Кесакполвоннинг гапларидан мириқ-қандай хихилайды. У Асадбекдан чүчийди, камгап, мулоҳазали Чувринидан эса құрқады. Шу ҳолда аъёнлардан бири уни «үзиге яқын олиб» «ҳазил» қылар экан, нимаси ёмон?

Каримулла Асадбек өлгиз әмасдир, деган хавотирда эди. Ичкарига киргач, яйраб кетди. Илдам юриб келиб Асадбек билан құшқұллаб сұрашды. Асадбек үрнидан құзғолмай, құл учини берди.

— Үруснинг янги йили муборак бұлғай, — деди Каримулла ишшайиб.

Асадбек унга жавоб бермади. «Хүш, нимага келдинг?» дегандек норози қисфада боқди. Каримулланинг мақсади янги йил билан табрик этиш әмас, балқи күнгил сұраш, шу орқали үзининг ҳам рұхан «азият чекаётганини» маълум қилиб қўйиш эди. Аммо Асадбекнинг қараши уни шошириб қўйди. «Сизга қасд қилғанлар паст бўлсин, қизингизнинг бахти очилиб кетади, иншооллоҳ», деб дилига тугиб келган гапларини ҳам унуди.

— Битта хонага жой қилиб намозни бошлаб юбордик. Бутун маҳалла дуои жонингизни қилиб өтиби. Сувоқчилар хонақоҳдан чиқишиди.

Хабар Асадбекни мутлақ қизиқтирмаётганини сензив Каримулла жимиб қолди. Шу гапларнинг үзини айтиб чиқиб кставериш мумкинмасди. Шу учун бироз каловланди.

— Айвоннинг... тусиқларига темир керак экан, борсак бермади, зангар. Лимит-пимит дейдими-сий...

— Темир сенга ҳозир ксракми? — деди Асадбек тутоқиб.

Шу топда Асадбекнинг кунглига бундай гаплар сифатынниң маслигига, умуман, майдада чуйдалар билан шугулланиш бошқа аъсишларнинг иши эканига Каримулланинг калта фаҳми стармиди?

Асадбек шарт ўрнидан турди. Каримулла «тспиб қолали шскилли», деб қўрқиб, узини честга олди. Асадбек эшик ӯнига илинган, шапулокдек ксладиган хориж телефонини олиб, чироийли тутмачаларни босиб рақам терди.

— Алло, ким бу? — десган эринчоқ асл овози келди.

— Тухтасин ксрак, — деди Асадбек жеркиб.

— Ухляяптилар.

— Ўйғот, ғафлатни, Асадбек акам сұраяптилар, дес.

— Вой, ассалому алайкум, ҳозир... Ана, туриб келяптилар...

Ярим дақиқа утмай хирилдоқ овоз әшитилди:

— Ассомайкум, Бек ака, тинчмисиз, омонмисиз, янгам...

Асадбек унинг гапини шарт бўлди.

— Масжидга нима учун темир бсрмадинг?

— Окахон, лимит...

— Икки соатдан сунг темирлар масжидда бўлсин.

— Бек ака, эртага эрталаб...

— Икки соатдан кейин масжидга чиқиб кўраман.

— Ахир бугун кранчи...

— Ўзинг қул билан ортасан.

Асадбек гапни калта қилиб, телефонни жойига илди:

— Икки соатдан кейин усталаринг жойида бўлсин.

Каримулла бу гапни әшитиб, бошига ғавғо орттирганини билди. Кирганига минг пушаймон сди. Топшириқдан қутулиб қолиш учун баҳона излади.

— Усталарнинг ҳақига сал камхаржроқ булиб қолувдик. Чиқмаймиз, деб хафароқ булиб кетишибди, — деди мижғовланиб.

Асадбек маҳаллага ёрдам бўлсин, деб пул бсрарди, бироқ сарф-харажатларни текширтириб кўрмас эди. Бир ҳафта бурун «мутавалли масжид ҳақини сичқондек ксимириб өтибди», десган гапни әшитиб, «стимларнинг ҳақидан қўрқмаган, масжид ҳақидан қўрқармиди», деб гижинган, лескин чора куришга шошилмаган эди. Ҳозир шу гап өдига тушдию янада тутоқди:

— Усталарнинг ҳақига шерик бўлмаганингда старди.

— Бек ака, ундай дсманг-а, астағфируллоҳ!

— Ҳе, сени художүй қылаб туққанни...

Каримулла үзини оқлашга киришишнинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини англаб, бошини ётганича жим қотди. Мұғынникнинг шуниси яхши-да. Ғазабга минган одам тутоқаверади, сұқаверади, сен әса бошингни эгиб олиб уннинг стти пуштини ичингда үқийверасан. «Онангни!» дейди у, «онангнинг онасини қушиб...» дейсан сен. «Ҳароми!» дейди у, «узинг итдан туғилғансан», дейсан сен. Шу ҳолла давом этаверади. Сенга яхши. Дилингдагини овоз чиқариб айтдинг ни маю ичингда айтдинг нима? Фарқ шундаки, дыңдаги тилга учса жонинг кетиши мүмкін, жонингга раҳм қилинган тақдирда абжағинг чиқади. Тилни бесүяк яратған Худога зорланиб бир-икки ой, балки бир умр күрпа-тұшак қилиб өттарсан. Каримулла тилинни тиши ҳатлашига йүл қўймади. Асадбек сұка-сұка бир тарсаки тушириб қолганини айтмасак, сувдан қуруқ чиқди ҳисоб.

Асадбек тарсакидан сұнғ бу күсамулла чиқиб кетар, деб үйлаган эди. Уннинг мүтслик билан құл қовуштириб, бош эгиб турғанини күриб:

— Яна нима дардинг бор? — деди.

— Бсгим, бир қошиқ қонимдан кесинг, сизга ноғұғри информация берішибди.

— Гапни چұзма. Менға қанақа хабар стказишни билишади. Ҳаж қылмоқчимишсан, бу ҳам өлғонми?

— Рост, бегим, рост. Мен асли шу гапни айтай деб келүвдим. Оқсоқоллар Асадбек ақа ҳам борсинглар, дейишипти. Биллалашиб борсам, бирам ярашади... Сиз билан борсак, икки марта ҳаж қылғандай буламиз.

— Сен билан юрсам ярашадими?

— Мен билан юрмасанғиз ҳам... Асадбек ҳожи бу либ юришингиз ярашади.

— Пулни қасрдан оласан? Камбағал-фақир бұлсанг?..

— Бегим, қариндош-уруг бор, ҳозир үн беш минг пулми? Гуноҳларни күп қилардик, охиратни ўйламасак...

— Охиратни дегин... Үн беш мингни тулаб у өқдан майды-чуйда олиб келсам, харажатни қолармикин?

Асадбек бу саволни синов үтгүн берган эди. Бунинг фаҳмиға етмаган Каримуллага жон кирди.

— Чиқади, бегим, унча-мунча қолади ҳам.

— Харажатдан ташқари йигирма минг қолармикин?

Каримулла бу саволга ўйламай-истмай жавоб қайтарди:

- Йигирма минг чиқмас-ов, аммо ўн мингча қолар.
- Шунсақа десгин, ҳисоблаб қўйибсан-да, а?
- Энди, одамлар айтиб юришибди-ку...

Асадбек жавоинга яқинлашиб, эшигини очди. Каримулла тахланиб турган пулларни куриб, энтикиб кетди. «Харажатни кутаради шекилли», деб қувонди.

— Қариндошларингни тинч қўй, — деди Асадбек, нул санай туриб. — Мана сенга ўн минг, — у шундай деб бели букилмаган пулларни Каримулла томон ташлади. Каримулланинг нулга узатган қуллари муаллақ қолаверди. — Сен ҳаром қадамингни Маккага босма, Маккага покиза одамлар бориши керак. Йўқол энди, кўзимга кўринма.

Каримулла пулларни апил-тапил йигиштириб олиб, қуллуқ қилганича чиқиб кетди. Пулларни палтонинг кснг чўнтақларига сола туриб «йигирма минг десам бўларкан», деб укинди.

Асадбек жойига бориб ўтириб, ёстиққа ёнбошлади. Бир дам хаёлларга банди бўлди. Сунг кўзига уйқу илиниб бошини ёстиққа қўйди. Қанча ухлаганини билмади. Бир уйғонганида шом қоронгиси чўккан эди. Хотини кириб: «Овқатга чиқасизми ё шу срга олиб кирайми?» деб сўради. Асадбек «чиқаман», деди-ю, яна уйқу элитиб ўрнидан қўзғолмади. Худди бирор икки слкасидан босиб, миясига қўроғин қуяётгандай қўзларини ҳам очолмай қолди. Мия ссрнак, қулоқ атрофда тиқ этган товушни ҳам эшитади. Кўз эса ғалати уйқуда — бир жарга қулайди, юраги қинидан чиққудай булади, бир босинқираиди, бир чала уйғонади... Шу аҳволда тонг оттирди.

Нонуштадан ксийн Жамшид келди.

— Бек ака, ҳаммаси пишди. Уйига обориб қўйдим, — деди Жамшид.

- Фалва кўтармадими?
- У-бу дсвди, мснам бир нима дсдим.
- Бўлти, кўз-қулоқ булиб турларинг. Уйга майдачуїда юбордингми?
- Бўтқанинг болалари олиб бўриши ксрак эди.
- Узинг хабар ол.
- Бек ака, кучада имом турибди.
- Нима иши бор экан, ё тавба қилиб келибдими?

- Билмадим... эшитишимча, «Волга»сини шумо қилиб костишибди.
- Ким?
- Бизникилармас.
- Топиб, жойига олиб бориб қуйларинг.
- Кирсинми, ё жавоб берни юборайми?
- Кирақолсин, балки бошқа гапи бордир.

Қотмадан келган, кузлари маъноли боқувчи, узи ёш, бироқ қоп-қора қуюқ соқол-мўйлови улуғроқ курсатаётган имом — Собитхон қори номи билан шаҳарда эътибор қозонган эди. У имомлик қилувчи кичкина, эски масжидга баъзан одам сигмай кетарди. Қариялар бу мулла йигитга ихлос қўйиб, уни маҳалла масжиди имомлигига чорлаган эдилар. Рад жавоби олишгач, Асадбекнинг аъёнлари орага тушишди. Собитхон ужар эди. Охир-оқибат Асадбекнинг ўзига ҳам йўқ дейиндан қайтмади. Асадбекка бу «олиғта имомча»нинг димогдорлиги сўқмади. Собитхоннинг: «Ҳаром пулларга қурилаётган масжидда мен намоз ўқимайман», дейиши Асадбекни газабга миндирса-да, чора қуришдан ўзини тийди. Халқ орасида узи ҳақида бўлар-бўлмас мишишлар юрганда бу эътиборли қорининг бошидан биргина соч толаси тўкилса маломатларга қолишини билди. Туғри фикрлаган экан — имом машинасини угирлатиб, ундан гумон қилибди. Бу гап аллақачон шаҳарга тарқалгандир...

Собитхон остона ҳатлаб кириб, қулинини қовуширган ҳолда, қироат билан салом берди. Асадбек бсихтиёр равишда ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди — қўшқўллаб сўрашиб, қизил духоба қолланган диванга таклиф этди.

- Келинг, қори, қандай шамол учирди? — деди Асадбек, фотиҳа ўқилгач.
- Яхшилик шамоли эмас, — деди Собитхон унга тикилиб.
- Ҳай, ҳай, қорижон, совуқ нафас қилманг.
- Сизни инсофга чақириш фойдасиз эканини билсан-да...
- Қори, келишиб олайлик: сиз мени инсофга чақирманг. Қандай яшашни ўзимга қўйиб бсринг. Мен ҳақманми ё ноҳақманми — қиёматда маълум булади. Сиз менга қози эмассиз. Сиз гапни чайнамай муддаога кўчаверинг. Сиз «Волга»нгизни ўтиратиб, алам билан келган одамсиз.

— Ҳа, тақсир, топиб гапирдингиз. Аммо сиз томондан гирромлик бўлди бу иш.

— Нима, гирромлик?! Қори, аввалги сафар масжидга сарфлаган пулларимни ҳаром десдингиз, энди гирромлик дейсизми? Ўйлаб гапирасизми гапларингизни? Сиз кимсиз ўзи? Туртгагина сурани куз юмиб ёдлаб берувчи қориваччасиз, Худо эмассиз! Сизнинг китобларингизда туҳматчини нима дейишади? Туҳматчининг тилини кессиши қеракми?

— Астагғириуллоҳ! Туҳмат қилаётган бўлсан каломулло урсин!

— Қерак бўлса уради ҳам. Ўша куни индамаган эдим. «Волга»нгиз борлигини билганимда «хўш, менинг пулларим ҳаром экан, сиз «Волга»ни қайси ҳалол пулга олдингиз?» деб сўрардим.

— Менинг отам...

— Сизнинг отангиз Андижонда машҳур телпакфурӯш, биламан. Телпакфурушларнинг найрангларини ҳам биламан. Шунинг учун ҳалоллик ҳақида бошқалар гапирганда сиз индамай юраверинг. Ҳудойига бориб, Қуръон ўқиб туғун учига исча пул тугиларкин, деб юрадиган мўлтони одамсиз-у, яна менга гирромдан гапирасизми?

— Туҳмат қилманг, мен Аллоҳнинг каломини пулга сотадиганлардан эмасман!

— Мен билмаган нарсаминайтмайман. Жирилламанг. Бу шаҳар бедарвозалигини билмайсизми? Шаҳарда мингта Асадбек бўр. Сиз бундан гумонисираб-сиз. «Волга»нгизни топиб беришади. Мен бунақа майдада ишлар билан шуғулланмайман.

Асадбек Собитхон билан дастлаб учрашганида анча баодоб муомалада бўлган эди. Ҳатто қори ҳаром пулларни тилга олганида ҳам Асадбек тутоқмаганди. Унинг ҳозирги фсъли, қўрслиги Собитхонни аввалига ажаблантириди, сўнг пича қўрқувга солди. Агар одамлар орасида юрган гап-сўзлар рост бўлса, кичкинагина масжиднинг имоми бирданига йўқолиб қолса ҳам ажаб эмас-да. Ҳозир унинг бу хонадонга кирганини ким кўрди? Чиқдими, чиқмадими — ким суриштириб утирибди? Қори шуларни ўйлаб сесканди. Ичидаги калима қайтариб қўйди.

Худо имомлар орасида инсоф ва имон бобида басаломат бўлган Собитхонни ўз паноҳига олиб, Асадбек қаҳрининг тулиб-тошишига йўл қўймади. «Майдада ишлар билан шуғулланмайман», деганидан сўнг Асадбек

жим қолди. Собитхон ортиқча сұзға ҳожат йүқлигини аңглаб үрнидан турди. Асадбек «бир писла чой ичин» ҳам демади. Собитхон унинг қаҳрини құзғотған нарса нима эканини фахмламай, гаранг ҳолда изига қайтди.

## VIII БОБ

### I

Прокурор маҳкамасининг тсрғовчиси Зоҳид Шарипов ҳали бунчалик хорланмаган эди. Кечагина марказдан кслган прокурор тсрғовчиларининг қонунга мос булмаган ишлари ҳақида күпириб гапирилди. Гүс шу билан маҳкамалар тозаланди. Покиза одамлар түшланғандай бўлди... Зоҳид шу ҳаракатларга ишонибди. У прокурор ёрдамчисининг қилиғидан бир аччиқланса, узининг гуллигидан ун ғазабланди. «Нима дсийишмоқчи булишди: сен писта пӯчогисан, истаган пайтда супуриб ташлаймиз, сен ксраксиз бир қоғозсан — хоҳласак, гижимлаб оёқ остига отамиз, дсийишмоқчими?»

Зоҳид анчагача узига келолмай ўтириди. Сўнг шарт үрнидан туриб, прокурор ёрдамчиси хонаси томон юрди. У ёрдамчи билан олишишни қасд қилган эди. Аммо узига зеб бериб кийинган, қошлари қалин, кўзлари кулиб турувчи прокурор ёрдамчисининг муомаласи уни шаштидан қайтарди.

— Э, кслинг, Зоҳиджон, янги йиллари қутлуг бўлсин. Оилангиз, ота-онангиз сог-саломатмилар? Бахтингизга кўп йиллар яшашин, тўйларингизга бош булишсин. Сизни чақираман, деб турувдим. Хизрни йўқласам бўларкан. Ху-уш... Шариф Намозовни қўйиб юборишига тўгри келди. Айби исботланмаган. Гувоҳлар гапларидан тонишибди. Унга қарши иғво қилингани шундай сезилиб турибди-ку, сизлар тўппа-тўгри қамоққа тиқиб қўя қолибсизлар. Намозов анов-манов одам эмас, катта олим экан. Чет элликларни ҳайрон қолдирив турган одамни қамоққа тиқсак, халқаро жанжалчиқиб кетишини ҳам унутмаслигимиз ксрак-да, азизим. Чет элдаги сағсатабоз душманларимизни биласиз-ку, «СССРда инсон ҳуқуқлари поймол этилмоқда!» деб гавғо кутаришса, бошимиз галвадан чиқмай қолади. Келинг, биз шунақа ташвишлардан чстрокда юрайлик. Сиз ёшсиз, усадиган йигитсиз, бамаслаҳат ишлайверинг. Иғвонинг бошида винзавод директори Сулаймонов турган экан. Айбини бўйнига олиб ўзи ксл-

ди. Ҳазилининг бунақа жиддий тус олишини ўйламабди. Беш-үн ой утиrsa, иккинчи ҳазиллашмайдиган булиб чиқади.

— Сулаймонов ишини менга топширсангиз...

Зоҳид унинг маҳорат билан тўқистган тўрига банди булиб қолмай, чиқиб кетиш ниятида шу гапни айтди. Ҳеч нарсадан тап тортмай ишни хамирдан қил суғургандай ҳал ётаётган прокурор ёрдамчиси Зоҳиддан шу илтимосни кутмаганида лақма одамга айланмасмиди, бу даргоҳдан кавуши аллакачон тўгриланмасмиди? Дунёнинг манаман деган олимлари билан баҳслашишга мослаб яратилган бу фахм-фаросат, бу ақл шу арзимас масалани счишда ожизлик қилса-я! Ҳа, Зоҳид ожиз эди. Унинг кўзлари очиқ, аммо фикр кўзи бу ўйинлар, осқ остига тушаётган тўрларни, энг муҳими — қаршисидаги одамнинг қалбини аниқ кўролмаётган эди. Ақл ҳаммавақт ҳам одамга шараф келтиравермайди, баъзан мана шундай хор ҳам қилиб қўяди. Зоҳид узининг беадад хорланастганини ҳозир эмас, кейинроқ ҳис этади. Бошингизга тош тегса, бироз оғриб, сунг босилгандай туюлади, аммо орадан вақт ўтиб шундай оғриқ қўзголади-ки, узингизни қўйгани жой топа олмайсиз. Руҳий қийиноқ ҳам шундай. Бир неча соатдан сунг «мен нима учун унга шундай демадим!» деб узингизни лаънатлай бошлийсиз. Бироқ вақт ўтди — энди бу афсусдан нима наф?

Зоҳид солдалик билан Сулаймонов ишини сўради. Прокурор ёрдамчиги ўса тинагини бўузмай, уша қулими сираған ёқимтой кўзларини Зоҳиддан олмай жавоб берди:

— Бу ишни Келдисвга топширдим. Танийсиз-а, аммамнинг бузоги. Шунақа майдо-чуйдани топширмасам, жиддий ишларни эплай олмайди. Сизни зўр ишлар кутиб турибди, азизим. Ўсадиган одам майдо-чуйдага аралашмаслиги тузук. Сиздан умидим катта. Республика прокурорига ҳам айтдим. Умидли сшларни биз ҳар қанақасига қўллаймиз.

— Шариповнинг иши оддий ҳазилга ухшамайди. Ҳазил деб юриб уни ўлдириб кетишлари мумкин.

Жиддий оҳангда айтилган бу гапни у эрмакдай қабул қилди:

— Воҳма қилманг-е, азизим. Ўлдириб кстади, деб қамоқда ушлаб туришимиз ҳам тўғри келмайди-да. Эркак одам лалаймай узини ҳимоя қилсин. Итдай ичиб,

чунтагига бирор наша солиб қўйса ҳам билмай ётаверадими?

— Мен ваҳима қилаётганим йўқ. Ундан пул талаб қилишган.

— Қим? Қачон?

— Кимлигини билолмай қолдим. Ҳар ҳолда қамоқхонада талаб қилишган бўлса керак.

Прокурор ёрдамчиси телефон тугмасини босди. Кузларидағи кулги йўқолиб, куриниши жицдийлашиди, ҳатто бироз асабий тус олди.

— Жонқорас! Сигналлар тушяпти, қамоқхонада бевошлиқ кучайибди. Текшириб учундан кейин ҳисоб берасан. Ҳа, Шариф Намозовдан ким пул сураганини ҳам аниқла. Онасини Учқурғондан кўрсатиш керак бунақаларни, тушунилингми!

Прокурор ёрдамчиси «маъқулми, кунглиниг жойига тушдими», дегандай Зоҳидга қаради-да, уридан турди.

— Ҳозир республикага чиқишим керак. Сиз билан хотиржам би-ир гаплашамиз. Ўзим чақиртираман.

У Зоҳиднинг слкасига қўлини қўйиб, гоят улуг бир месҳр кўргазиб остонаягача кузатиб қўйди.

## 2

Зоҳид хонасига қайтди. Усти чойнак изларидан дод булиб кетган уша стол, ошиқ-мошиги аранг илиниб турган уша бум-буш китоб жавони... Зоҳид урнига утириб ҳалқа доғлар сирини ўрганмоқчи бўлгандаи стол устига тикилиб қолди. Бу доғлар нималарга гувоҳ? Аччиқ чой дамланиб, шопириб-шопириб қайтарилиб, хўриллатиб ичилган дамларда кимларнинг тақдиди ҳал этилган? Қандай хўрликларнинг, қандай гирромликларнинг гувоҳи бу доғлар?.. Зоҳид тикилиб утиргани билан хаёлига бу гаплар келмайди. Унинг хаёли Шариф Намозов ва Қилич Сулаймонов билан банд. Намозовни қамаш учун ишлатилган ҳийла энди Зоҳидни айтарли ажаблантирмай қўйганди. Бу калаванинг учун топгандай булиб эди. Сулаймоновнинг бош эгиб келиши... Ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. «Бу ишнинг бошида Асадбек турган бўлса, нима учун Намозовни қаматди? Балки бурнини срга бир ишқаб қўймоқчи бўлгандир? Бунинг бошқа осонроқ, камчиқимроқ йўллари ҳам бор эди-ку? Сулаймонов нима учун қамоқда ўтиromoқчи? Унинг гуноҳи нима?» Зоҳид

иш баттар чигаллашганини ҳис қилди. Намозов тақдирини Асадбек ҳал қилган, винзаводга осилма, дейишганда масаланинг бунчалик мушкуллигини кутмаган эди. Вин заводни яхшилаб тескириш жумбоқни ойдинлаштириб беради, деб ишонганди. Сулаймонов ўйиндан чиқарилибдими, демак, вин завод қалъасига унча бунчга ҳужум писанд эмас.

Зоҳид жилди жигарранг чармдан ишланган папкасига қараб қўйди. Ҳафсала билан иш бошлаган эди. Тўлдирилган бир исча саҳифа қечагина муҳим маълумотлар даражасида қадрли эди. Ҳозир эса бу қогоzlар сариқ чақага ҳам арзимайди. «Нима, мен кучада санқиб юрган лайчаманми, бирор теспа вангиллаб четга қочавсрэдиган...» Шу фикр Зоҳидни ссрғак тортириди. Нима, энди у «менга қачон, қандай иш беришаркин», деб пашша қуриб утирсинми? Иш топширилганда ҳам «буни мана бундай тарзда якунлайсан», деб аниқ курсатма беришмайдими? У жонсиз қўгиrчиқ каби қогоzларни расмийлаштириб қоя қолмайдими? Шундай қиласа — тез «ўсади! Булмаса... Ерга кириб кстадими? Балки...

Одамлар фалончини осиб кетишибди, пистончининг ўйини ўгри урибди, деган ваҳимали мишишлар чодири остида қўрқиб яшаётган бир дамда шаҳар прокуратурасининг бўм-буш китоб жавони, тепалари ҳалқа-ҳалқа дөгли стол қўйилган кичкина хонасида терговчи ишсиз утирибди, дейилса хўп қизиқ туолар. Жиноятлар изидан юрган Зоҳид бу срга келгунча ишсиз утиришни тасавур қила олмас эди. Қаранг, шундай маҳкамада ҳам бскор утириш мумкин экан.

Бир соат илгари хонага берухсат кириб келган терговчи Намозов қўйиб юборилажагини айтганда, Зоҳид ажабланган эди. Сунг бу ҳолдан гаши келди. Кейин газабланди. Хурланганини ҳис этиб эзилди. Мана энди, бскорчи деган ёрлиқни олиб, бугилиб утирибди. Гус прокурор ёрдамчиси пинжида юрувчи терговчи кириб нохуш хабарни айтмаган, балки баҳайбат мингосқни олиб кириб қўйиб юборган. Бу кўринмас мингосқ Зоҳидни бўгзидан бугиб курди, юрагини гижимлаб курди. Энди қулогидан ўрмалаб кириб миясини зириллатяпти.

«Нимадир қилишим керак, — деб ўйлади у, бошини чанглаб, — бу утиришда ёрилиб кстаман!» У шундай деб ўрнидан туриб, эшикни очди. Қаерга боришини билмай, гангиган ҳолда оstonада пича турди. Сунг

дахлизга чиқди. Учинчи қаватга кутарилиб, Келдисв ўтирадиган хона эшигини тақијлатди. Ичкаридан жавоб бўлмади. Зоҳид эшикни тортди — берк. Прокурор ёрдамчиси «аммамнинг бузоги» деб атаган, бошини бир ёнга қийшайтириб юрадиган Келдисв эшикни ичкаридан бсркитиб олиб, Сулаймонов ишига оид ҳужжатларни тулдирар эди.

Зоҳид иккинчи қаватга тушди-ю, хонасиға киргиси кслмади. Эшикни қулфлаб ташқарига чиқди. Беш-ун кун йўқ булиб кстса ҳам бскорчи терговчи билан бирорвнинг иши булмаслигини Зоҳид биларди. Лекин беш-ун кун қасрга боради. Елкасидаги ташвиш юки билан қасрга сиғади? Зоҳид шу масалада бироз янглишаётган эди. Назарида прокурор ёрдамчиси вазиятни юмшатиш учун уни холи қуядигандай эди. Гус прокурор ёрдамчиси қилган ишидан уялиб, уни бозовта қилмайдигандай эди. Бир содда қиз никоҳ куни онасидан күсвнинг чағ томонида ётайми с унг томонидами, деб сураганда онаси қайси томонда ётишингнинг фарқи йўқ, барибир уша иш булади, дсан экан. Шунга ухшаш Зоҳид каби тухумдан энди чиққан терговчи аразлайдими, зарда қиладими, барибир — прокурор ўз билганидан қолмайди.

Кечаси бир сидра қуруқ қор ташлаб сунг тундлашиб қолган осмон Зоҳид кўчага чиқиши билан яна инсофга келди. Зоҳиднинг назарида энди кўзни қувнатувчи қор эмас, осмонда ҳасрат элаги эланиб, ҳасрат ёғилар эди. Табиат одам руҳига мосланадими с одамнинг руҳи табиатга мосланиб қоладими — тушунмак қийин. Ҳар ҳолда кўнгил хира тортган маҳалда чор атроф ҳам тундлашиб қолади.

У кўчага бсмақсад чиққан эди. Эркни оёқларига берди. Юзига урилаётган қор учқунларидан роҳатланди. «Кечгача ёғса ҳаммаёқ оппоқ булади. Ҳавода губор қолмайди. Қор ёғдириш, тиндириш, офтоб чиқиш — Худонинг иродаси биланми? Худо қор ёғдиргани каби ҳақиқат, адолат ёғдирса-чи? Бир кунгина ёғдирса эди. Қор эриб тупроққа сингиб кетишига ухшаб, ҳақиқат билан адолат одамларнинг юрагига сингиб кетса... Дунё бир кундаёқ бошқача булиб қоларди...» Зоҳид бобосининг гапларини эслади: «Оллоҳ таборак ва таоло инсонларни синамоқ учун бу дунёга юборган...» Садақайрагочдек усган оқ ўрик остидаги супага кўрпача тушаб ўтиришни хушлайдиган бобоси шу гапларни куп такрорларди. Кузойнакнинг синган бандлари ўрнига

иши тортиб қулоққа илиб, мук тушиб эски китобларни уқиб утирувчи бобоси куз олдига келди. Акасига эрганишеб күча чангитиб юриб ё сув ичгани, ё қорни очиб бир тишлам нон сгани кириб қолганда бобоси «Қани, лўнгиссионалар, утиринклар-чи, эшитинглар-чи...» деб эски китобдан ҳикоятлар уқиши бошларди. Улар эса бобосининг уқишига беришганидан фойдаланиб лип этганича қочиб қолишарди. Зоҳид ҳозир бобосини қўмсади. Эски китоблардан уқиб беришини, насиҳатларини, дунёнинг тузилиши, инсонлар хулқи ҳақидаги сўзларини эшитгиси келди. Бобосининг бу дунёдан ризқи узилганда Зоҳид ун ёшда эди. Кўп гапларни эшитарди, бироқ магзини чақолмасди. Улғайиб, бу ёргу оламнинг қоронги кўчаларига бсхос кириб қолиб, ночор тентираган чоқларида эсида қолган гапларни фаҳмига стмоққа ҳаракат қиласарди. Йиллар утгани сайин, дунё тиконзорларини ялангошқ қезгани сайин бобосининг ўгитларига муҳтоҷлиги орта борди. Зоҳид камгап отасига дардини айтиб далда ололмасди. Бу оилани танимаган кишига «шу индамас кстмончи уша мулла одамнинг ўғли», деса ишониши қийин. Бобоси уриб бўлса ҳам илмини ўргатмаган экан-да, кстмонингни чопиб юровур, углим, илм билан қорин тўймайди, дсан экан-да... Мана энди Зоҳиднинг акаси ўлиб кетди, отасида на эскича, на янгича илм бор. Ўйлаб қараса, қариндош-уруглари орасида ҳам бобоси каби одам йўқ экан. Ўтин ёниб, кул қолибди, дсанлари шуми?

Бобосини ўйлаб бораётган Зоҳид саволларига жавоб топгандай бўлди: «Худо ёғдирган ҳақиқат, адолат — бобомга ухшаган одамлар эмасмиди экан? Улар ср юзидағи одамлар қалбига яхшилик уруғи сепишлари лозимми эди? Бобомга ухшаганлар камайиб кетяптику! Энди нима булади? Энди юраклар фақатгина қон ҳайдашга ярайдиган ҳиссиз буюмга айланадими? Ҳақиқат ва адолат тамом қовжираб, куйиб кул буладими?!»

Зоҳид бадбин холосага яқинлашган эди. У дунёда битта яхши, битта тўгри одам қолгунича адолат ва ҳақиқат яшаши мумкинлигини ҳозирги кайфиятида идрок эта олмас эди. Ёмонлар, мунофиқлар нафасидан олов чиқиб ҳақиқат ва адолатни кўйдирали, аммо яхшиларнинг юрагидан қувват олгучи бу ҳақиқат, бу адолат яшайвсради. Бу —азалий кураш! Яна исча аср давом этади — яратганга маълум. Бандасига бир нарса аён — азалий курашнинг интиҳоси — қиёмат!

Эркинликка эришган оёқлар Зоҳидни авват анҳор бўйига, сунг сувоқлари кўча бошлаган турт қаватли уйга бошлади. Нураб қолган тош зиналарни босиб туртинчи қаватга кутарилди. Ҳаворангга бўялган ёғоч эшикка қайсиdir бола бўр билан катта қилиб «проф. Ҳабиб Сатторов» деб сизиб қўйибди. Шу ўзувни куриб Зоҳид хаёлини йиғиштириди. «Нимага келдим? Ҳасратимни тўкиш учунми? «Бу соҳага утиб овора бўлма, сен излаган ҳақиқат йўқ у срда. Булмаган, йук ва бўлмайди ҳам», деб исча марта таъкидлаган. Энди «Ганингиз тўғри экан», деб кириб бораманими?» Зоҳид бироз ҳаракатсиз туриб, изига қайтмоқчи бўлди. Энди угирилиб кетаман, деганида эшик очилиб слкасига жун рўмол ташлаб олган Ҳабиб Сатторов куринди. Зоҳиднинг бурилиб кетаётганини куриб, ажабланди.

— Зоҳид? Ҳа, тинчликми?

Зоҳид угирилиб, хижолатдан гап тополмай қолди.

— Уйда йўқдирсиз, деб уйлабман, — деди.

— Қўнғироқ ишламаяптими? — профессор шундай деб тугмани босди. Биринчи, иккинчисида овоз бўлмади. Кейин қўнғироқ булбулга ухшаб сайраб берди. Мана шу ҳол Зоҳидни хижолатдан қутқарди. — Болалар тугмани уйнайвериб ишдан чиқаришганга ухшайди. Қани, кир. Келаётганингни деразадан курувдим. Кутдим, кутдим, дарагинг бўлмади. Яхшиям эшикни очиб қараганим.

Зоҳиднинг кўзига уй бассаранжомроқ куринди. Уртадаги стол устида кўк пластмасса чслак турибди. Дераза томонда икки тогора... Ҳабиб Сатторов Зоҳиднинг ажабланганини куриб кулимсиради:

— Чакка утиб кетди. Учинчи қаватдагиларга жабр бўлмасин, деб шунаقا утирибмиз. Кече қувурлар ёрилибди, уй исимаяпти. Болаларни қайнонамникига қўйиб келдим. Ўзим кечқурун Масковга кетяпман. Вадим Петрович ишга чақириб, ҳоли жонимга қўймаяпти.

— Рози бўляпсизми?

— Ўзимни-ку боргим йўқ. Академияга сайловдан кейин Соҳиб Пұлатович зада булиб қолди. Энди менга кун бермас. Биринчи қилган яхшилиги мен олишим керак бўлган уйни Кравчукка бердирибди.

— Ким у Кравчук?

— Керакли, зарур мутахассис! — Ҳабиб Сатторов шундай деб кўрсаткич бармоғини осмонга нуқиб қўйди. — Институтнинг сантехники.

— Калланг жойида, ҳали ҳам кеч эмас, қайт.

Зоҳид қоғоз юзидағи формулаларга қараб ҳазин жилмайди.

— Биласиз-ку, мен камикадземан.

Зоҳид қисқа жавоби билан нишонга урди. Ўқишдан кетаман, деб юрганида бу гапни Сатторов айтган эди. Зоҳид «Камикадзе деган гуржи ким экан, нима учун мени унга ухшатди», деб ҳайрон бўлиб юрди. Охири бир куни «Камикадзе» деган одам ким эди?» деб сўради. Профессор аввалига мириқиб ҳулди. «Ҳа, қишлоқ!» деб маҳаз қилди. Сунг Камикадзе — ғрузин эмас, балки иккинчи жаҳон урушидаги муғаассиб япон учувчилариға бсррилган ном эканини, бу учувчилар самолётга бомба ортиб, изга қайтишга ёнилғи олмай, үлимга тик боришганини тушунтириб берганди. Зоҳид ҳозир уша сұхбатни эслатди.

— Камикадзслар бскорга улиб кетиши. Япония урушда снгилди. Сен ҳам мағлуб сифатида улиб кетасан.

— Адолат учун кимдир улиб туриши керак-ку?

Профессор панжаси билан столни бир-икки уриб қўйди-да, ўрнидан турди. Дераза олдига бориб кўчага тикилди.

— Фақат... сен үлма. Аҳмоқ бўлсанг ҳам шу дунёда яшаб юравсар. Бу дунёда аҳмоқлар кўп-ку, тўгрими? — У шундай деб орқасига ўгирилиб Зоҳидга тикилди. — Шуларнинг орасида сен ҳам юрсанг нима қилибди?.. Сени нимага яхши кўраман, ҳайронман. Илмни бехурмат қилган одамнинг баширасига қарамаслигим керак. Лекин сени кўргим келади. Сен «Ҳабиб акам мени яхши кўраркан», деб талтайма. Сендан нафратланаман. Лекин... кўргим келади. Бир кунмас бир кун ақлингни топиб олишингга ишонсан керак. Ўзи сен тенгиларнинг ҳаммаси аҳмоқка ухшайди. Нечанчи йилда тугилган эдинг?

— Олтмиш бир эди шскилли? — Зоҳид шундай деб гапни ҳазилга бурмоқчи, профессорни сал шаштидан туширмоқчи эди.

— Ҳа, туппа-тўгри! Укам ҳам олтмиш бирда тугилган. У ҳам қип-қизил аҳмоқ! Илмни қўйиб, шсьр ёзиб юрибди.

— Тарихчи укангизми?

— Менинг биттагина укам бор. Унинг ҳозир қасрдалигини биласанми? Жиннихонада! Лекин жиннимас у, мияси бус-бутун. Дунёнинг яралиш формуласини яратибдилар акам. Қарагин-а, — профессор стол ёнига

қайтиб, қозғознинг буш срига ёзди: (ҳақиқат)=хиснат+рис (ҳасад+очкүзлик) + шуҳратпарастлик = мансабпарастлик — виждон+имон+диғнат=О. Бунга нима дейсан?

Зоҳид уйланиб қолди. Бу шунчаки формула эмас, дунс ишларидан зада булган юракнинг ноласи эди. Бу нола унинг дардига ҳамоҳанг эди. Зоҳид профессорнинг укаси билан бир-икки марта шу йида ҳамсуҳбат булганди. Унинг тарихни бузиб талқин этилаётганидан куйинишлари, пичингли гаплари, замонни турли маҳлуқларга ухшатиши Зоҳидни ҳайрои қолдирган эди. «Бу тузум заҳм билан оғриган фоҳишанинг узи. Ҳаммани үлимга гирифтор қилиб, сунг узи ҳам улади», деган гапини Зоҳид кўп уйлаб юрди. Гап мағзини чаққани сайин унга булган ҳурмати ортиб борди. Сунгги марта уни бир-икки йил олдин қабристонда курган эди. Ҳамкасбининг отаси қазо қилиб, жанозага боришганида учратганди. Кўзида ёш билан юрган экан. «Бир ажойиб шоир узини осиб улдирди», деб йиғлаган эди.

— «Ўзбек булиб туғилмаганда, Кўрмас эди шунчалар хурлик...» деб ёзиб, хор булиб улди. Ҳаммамиз ҳам хорланиб юравсрамизми?! — деган эди. «Шоир нима учун ҳурланди?» деб сурашнинг мавриди эмасди. Зоҳид ксийнги учрашганимда сўрарман, дсвди. Орадан анча вақт утиб кетди. У билан кўришмади. Ана энди жиннихонада эмиш... Яратган формуласи...

— Ечими тўғри, — деди Зоҳид, урнидан туриб.

— Айтдим-ку, ҳамманг бирсанлар!

Дунс илм аҳлининг эътиборига тушган, аммо уз юритида турткиланаётган олим уз тақдиридан нолимай, укаси ва Зоҳидга ўхшаш ёшларнинг иқтидорини тугантириққа сарф этаётганидан куярди. Ҳар тўқисда бир айб деганлариdek, бу профессорга математика илми омон бўлса бас, унингча барча ҳақиқат шу илмда. Шу азим шаҳарнинг яна қайсиdir мавзеида, яна қайсиdir икки хоналик совуқ (балки иссиқdir — Худо билади!), чакка утаётган (балки чакка ўтмас) йида бир физик (балки кимёгар) ҳақиқат фақат физикада (балки кимёда) деб баҳс юритаётган бўлса ажаб эмас. Ҳабиб Сатторов тоифасидаги одамлар учун бу алдамчи дунёнинг ҳийлалари одатий ҳол. Улар бу ҳийлаларга бас кела олмасликларини биладилар. Осмонга отилган тош қайтиб тушгани қанчалик ҳақиқат бўлса, улар учун бу ёргу оламни тозалаш мумкин эмаслиги шунчалик ис-

Зоҳид Фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига номзодлар орасида Ҳабиб Сатторов билан Соҳиб Пулатовлар борлигини эшишиб «чакки булибди» деб қўйган эди. Бунақа сайловларда олимнинг иқтидори эмас, эгаллаган мансабиу суянган тоги муҳимроқ экани унга маълум. Сайловдан Сатторов ҳам, Пулатов ҳам утолмади. Пулатов, шубҳасиз, бу кургуликда Сатторовнинг айби бор, дсан холосага келганду уни икки хонали тор, совуқ, чакка утувчи уйда ишашга маҳкум этган.

— Ҳозир кетсам, булмас, — деди Ҳабиб Сатторов, — сайловдан утолмагани учун аразлаб жунаворди, деб гийбат қилишади. Масковга-ку ишга бормасман. Аммо Кембрижга боришим ксрак. Бир йилга чақиришяпти. Дилемга тугиб юрган ресжаларим бор, уша срда битириб ксламан.

— Пулатов биладими, буни?

— Эшился инфаркт булиши турган гап. Мана буни ўқи, ҳали ҳеч ким билмайди. — У китоб жавонини очиб, тик тахланган китоблар устидан катта конверт олиб узатди. — Инглизчани билардинг, а?

— Сал-пал.

Зоҳид ҳижжалаб ўқиди:

— «Қадрли мистер Сатторов! Сизни Кембриж дорилғунунининг фахрий профессори бўлганингиз билан муборакбод этамиз. Хоҳиш-истагингиз ва имконингиз бўлса, Англияга келишингизни сўраймиз. Сизни дорилғунунимизда бир йил ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз. Таклифимизга кўнсангиз, контрактни имзолаб жунатинг...» Зур-ку?

— Секинроқ айтасанми?

— Мен сизга далда бериб, кунглингизни кутармокчи эдим.

— Бе... уйни айтяпсанми? Е академияними?

— Унисини ҳам, бунисини ҳам.

— Унисига ҳам, бунисига ҳам хурсандман, очиги. Академияда кимлар борлигини биласан-ку? Уйни Пулатович марҳамати билан олганимда барибир туришим қийил эди. Учала қизимни узатвораман. Эр хотинга шу уй ҳам булавсрди, нима дейсан? Ху-уш, қани утирчи. Чой ичасанми ё қаҳва қилиб берайми? Е конъядан, а, янги йил баҳонасида?

— Кембрижни ювиш ксрак.

— Бу гапинг ҳам тўғри.

Ҳабиб Сатторов кўнгил учун таклиф этган эди. Зоҳиднинг гапидан сунг үзига ҳам бир ҳуплам қўйди.

Зоҳид профессорнинг кам ичишини биларди, шунинг утун бундан ажабланмади. Конъяқ узига хуш ёқди. Томирларида гус тухтаб қолган қон юришиб кетгандай булди. Сатторов унинг кайфиятини сезиб яна қуёди. Зоҳид учинчи сафар узи қўйиб ичгач, мезбон конъякни олиб, ошхонага қўйиб чиқди.

— Солмонов ун саккизинчида ҳимоя қиласпти. Диссертациясини яхши баҳолашяпти. Сен ҳам боргин.

Зоҳид «хўп» десандай бош иргаб қўйли. Солмонов унинг курсдоши эди. Кириш имтиҳонида ёзма ишни «беш»га топшириб, тарихдан «икки» олиб изига қайтмоқчи бўлганида жонига шу Ҳабиб Сатторов ора кирган. Карра жадвални аранг биладиган, нима учун бу уқишга кириб қолганидан гарангсиб юрган «толиби илм»лар орасида Зоҳид билан шу Солмонов ажralиб турарди. Зоҳид уқишни ташламаганида, балки ун саккизинчида Солмонов билан бирга ёқлармиди... Зоҳид «профессор шунга шама қиласпти», деб ўйлади. Ҳолбуки, Сатторовнинг фикрича, Зоҳид ҳозир докторлик диссертациясини ёқлаши лозим эди.

Сатторов «конъяқдан ксийин яхши кетади» деб қаҳва қайнатди. У собиқ шогирдининг авзойига қараб, кўнгли хира эканини созгани учун «ишлар қалай?» деб сурамаётган, бу эса Зоҳид учун мулдаонинг узи эди. Суралган тақдирда ҳам, гарчи кўнгил ҳасратлашишни истаб турган бўлса-да, «яхши» деб гапни қалта қилган бўларди. Фикри-зикри илм билан банд бўлган одамга Асадбек деган зотнинг қули нечоғли узунлигини, янгиланган прокуратурада ҳам адолат йўқлигини тушунтириш қийин. Умуман, бу дунё қинғирликларини кўравсриб кўзлари пишган одамга адолат йўқлигини гапириш осмон юлдузга тўла эканини бсҳуда исботлашдай гап эмасми?

Солмонов бекорга эсланмаган эди. Профессор аввал унинг ишларини шарҳлаб берди. Зоҳид узининг терговчи эканини бир неча дақиқа унутди. Қаҳва қўйилган писсалар чистга сурилиб, стол устида қофозқалам, топ-тоза қофоз юзида эса формуналар тизими пайдо булди. Ташқаридан қараган киши чакка утиб турган бу совуқ хонада риёзист профессори билан прокуратура терговчиси эмас, икки олим дунё ташвишларидан ческиниб, илм бағрига шунгияпти, деб ўйлаши мумкин.

Диссертация шарҳи тутагач, Сатторов Зоҳидга савол назари билан тикилди.

бот таълаб этмовчи ҳақиқат. Адолат истөвчилар Сатторов назарида камикадзе, қайсиdir физик назарида эса шамол тсгирмонини дсв деб фараз қилиб, жангга кирган нодон Дун Кихотлардир.

Ҳар бир одам дунға уз күзи билан қарайди, ҳар бир нарсаны уз қаричи билан үлчайди. Оқибатда уз идрокига хос равишда дунс формуласини яратади. Шундай экан, профессор билан бу соҳада баҳслашиши фойдасиз.

Зоҳид устозининг ҳовури босилишини кутиб, индамай утирди. Осқлари уни бу томонга бошлагандагунгли таскин истаган эди. Қизик, ҳақиқат учун курашиб фойдасиз деган ақида билан яшовчи одам унга қандай таскин бериши мумкин? У бир йил давомида инглиз илм аҳлини лол қолдириб юради. Бу срда эса ким кимни үлдиради, ким мансаб курсисига интилиб ҳамкасбини янчиб утади, ким кимни камситади — бу билан иши бўлмайди. Зоҳид шуни уйлаб, устозидан нафратлана бошлади. Ҳатто шартта туриб, чиқиб кетгиси ҳам кслди. Бироқ, фаришталар унинг қилиғига «ўзингни бос, ахир кимдир илм билан ҳам шугулланиши ксрак-ку? Адолат деб, турт хоналик яхши уй оламан, деб, академик буламан, деб бир нодон билан олишса, илм нима бўлади?» дея шивирлаб уни шаштидан қайтарарди.

### 3

Зоҳид профессорниги кираётганида қандай тушкун ҳолда бўлса, чиқаётганида слкасидан босиб турган дард юки бир мисқол ҳам камаймаган эди. Машина гилдираклари остида эзгиланиб, кирланиб кетган қор эрий бошлаган, гүё атроф балчиққа беланаётгандай эди. Заиф қор учқунлари эса бу ифлосликни қоплаб улгурмасди.

Зоҳид уйга борсамми ё қишлоққа чиқиб кетсамми, деб пича иккиланди. Қишлоқдан кечка кечқурун келди. Бугун борса ота-онаси «нима бўлди?» деб хавотирланишади. Уйда ҳеч ким йўқ — хотини ишда, угли боқчада... У яна осқларига эрк берди. Бизга шундай туюлади: гүё осқларимизга эрк берамиз, бу эркин осқлар бизни қайгадир бошлаб боради, гүё қаёққа бораётганимизни билмаймиз. Ҳолбуки, миямиздаги яширин бир нуқта бу эркин осқларни бошқаради, «у ёққа юрма, бу ёққа юр», деб туради. Ҳозир Зоҳиднинг осқлари уни

(гүс бсихтиер) винзавод томонга стаклади. Билчиллаб эриетган қорларни босиб, күлмакларни четлаб утиб, коровулхонага ҳам олиб кирди.

Коровулхона темир панжара билан иккига булинган, панжара уртасида бир қулочили айлана темир эшикча бор эди. Панжара ортидаги эски стол атрофида уч йигит давра қуриб, чойхурлик қилиб утиради. Улар Зоҳидга бир қараб қўйишди-ю, индашмади. Зоҳид ҳам уларга қараб туравсрди.

— Ҳа, укахон, хизмат борми? — деди қунғиз муйловли йигит.

— Қилич ака керак эдилар, — деди Зоҳид.

Яхшики қоровул «нима ишингиз бор эди?» деб суромади. Сураб қолганида Зоҳиднинг довдираши тайин эди.

— Қилич акамлар бугун ишга чиқмадилар. Тоблари ўук, — деди қоровул.

«Билмайдими ёлақиллатмоқчими?»

— Шариф ака-чи?

Қоровул кулимсиради.

— Шариф акангизга беш-үн йилдан кейин келасиз, укахон.

— Нимага? — деди Зоҳид ажаблангандай.

— Сафарга кестганлар, — деди гапга аралашмай утирган қоровул йигитлардан бири. Унинг сўзларини маъқуллаб, шериклари кулишди. Шу пайт завод ҳовлисига олиб чиқувчи эшик очилиб, елкасига сувсар ёқали палто ташлаб олган дўмбок жувон қоровулхонага кириб барчанинг эътиборини ўзига қаратди.

— Салимчик, мана буни ёпиштириб қўй, — деди жувон қунғизмуйловли қоровулга бир парча қоғоз узатиб.

— Сиз ёпиштириб, дейсиз-ку, биз ёпиштирмаймизми, — деди қунғизмуйлов, урнидан туриб. Бу ҳазилдан шериклари мириқиб кулишди. — Нима бу узи?

— Министрнинг пиркази.

Қунғизмуйлов чап қули билан қоғозни олиб, унг қулинни аёлнинг думбасига юборди. Жувон «отстань» деб қулига аста уриб қўйиб, изига қайтди. Қунғизмуйлов қоғозга кўз югуртиридию ажабланиб шерикларига қаради.

— Ие, вей, — деди у, — бу ёғи алламбало буп кетди-ку, «Сулаймонов ишдан олиниб, Намозов директор вазифасини бажаришга киришсин...»

Иккала йигит шошиб үрнидан туриб, қозозга қаралди.

— Бирор ҳазиллашгандир?

— Тұхта, — деди құнғизмұйлов телсфон томон юриб. Шунда бсгона йигит ссррайиб турганини эслаб, унга норози қисғада бокди. — Ҳеч ким йүқ бугун, әртага қласиз.

— Нима юмушингиз бор эди, узи? — деди ҳали гап ташлаган йигит.

— Ишга кирмоқчийдим, — деди Зоҳид.

— Бу срда иш йүқ, қурилиш-пuriлишга боринг, — деди йигит.

Зоҳид бу қимматли маслағат учун миннатдорлик билдириб, ташқарига чиқди-да, зинадан пастға тушмай турди. Орқасига бир қараганда құнғизмұйлов телсфонда гаплашаған эди. Яна бир қараса буйруқ өзилган қоғозни десвортахтага өпиштирияпти. «Демак, бу өги ҳам пишган. Құнғизмұйлов кимга құнғироқ қылди? Министрликками? У срдагилар қоровул билан гаплашиб утиришармиди? Кимдан сұради? Асадбұскданми?»

## I X Б О Б

### 1

Табиббоши Анварнинг гапларини әшитиб, «барибир ялиниб келар экансан-ку», десандай истеңзо билан кулимсираб қўйди.

— Ужарлик қилиб чиқмай қолганингизда сизни чиндан ҳам телба десан булардим. Ҳозир дўхтирингизга айтаман, қоғоз өзиб беради.

— Биратула мажрухликка чиқариб юбормайсизларми ишқилиб? — деди Анвар хавотир билан.

— Қурқманг, — табиббоши «ҳолинг шумиди» дегандай яна илжайди, — инвалидликка чиқиш осонмас, яна икки-учи марта қслсангиз, ана үшандада ўйлаб кўрамиз.

— Ҳали яна куришар эканмиз-да, — Анвар унга кузини лўқ қилиб тикилди. — Сизни тортиб куриш янаги сафарга қоларкан-да а? Несча кило гушт беришингизни билмай чиқиб кставраманми энди?

— Бас қилинг!..

Табиббоши асабий ҳолда эмас, ялиниш оҳангидан айтди бу гапни. Гап оҳангидан ажаблантириди. Бу срда бошқа қиладиган иши йүқ эди, чиқиб кетаверса

ҳам бўларди. Бироқ, табиббоши юзида истеҳзо учқунларининг йўқолиб, кўзига мунг соя ташлаши уни ҳайрон қолдириб жойига михлади. Табиббоши уни ҳайдаб чиқармади.

— Хафалик сизга ярашар экан, кўзларингиж чиройли булиб кетаркан.

— Қўйинг, гапирманг, — табиббоши урнидан туриб дэраза токчасига қатор терилган туваклаги гуллар олдига келди. Қулларини қовуштирганича Анварга орқа қилиб турди. Ундан анчагача садо чиқмади.

— Жиннилик ҳам эви билан-да, — деди у ниҳоят. — Кимлигингизни билмайманми? Сиз аламингизни мендан олмоқчисиз. Мен бир бечора тул асл бўлсам. Сизнинг эркак деган номингиз бор... — табиббоши шундай дсгач, Анварга ўгирилди. — Ҳа, фақат номингиз бор. Гапимдан ранжиманг, ёлгиз сиз эмас, ҳамманигиз... бирсиз... Аслида эркак зоти қолмаган. Ҳамма ёки хотинчалиш босиб кетган.

«Бу ёги зўр бўлди-ку? — деб уйлади Анвар. — Нимага шама қиляпти у, с қармоқ ташламаганимгами? Қани, эшитавсрой-чи...»

— Зўр бўлсангиз, ақлли бўлсангиз, ҳақиқатпарвар бўлсангиз нимага бу срда миқ этмай утирибсиз. Бу срга юборганларга қарши нима учун бош кутармадингиз? Ўртоғингиз-чи, у ким? Энди Асадбекка малайлик қиляптими? Сиз чиқиб ким бўласиз? Сиз ҳам Асадбекнинг ялғини ялайсиз. Яламай кўрингчи!.. — Табиббоши эримнинг куни бошингизга тушади, демоқчи эди, лекин рўпарасида ҳасратдоши эмас, бсона эркак утиргани учун бундай демади. Бирданига ёрилиб, шунча гапларни айтвorgани ҳам старли эди.

Табиббоши аслида Элчин келиб-кстганидан сунг айтмоқчи эди бу гапларни. Сиртдан қараганда бсғам, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд яшаётгандай кўринган бу дўмбоқ аслнинг ичи ҳасратга тула эди. Тұғри, смокичмоқдан кам-кусти йўқ. Лекин асл кишига шунинг узи етарлими? Қиморбоз бўлса ҳам эри бор эди. Эртага қайси эркак эркалар экан, деган уйда яшамасди. Етим тушакка кирганида кўкраклари урганган қулни қўмсаб зириллайди. Кслинлик чоқлари урганолмай қийналган ароқ ва сигарстнинг аралаш қўланса ҳидини ҳам соғинади. Унинг дардини фақат ёстиқ билади. Қузёшларга айланган ҳасратни ёстиқ бағрига сингдирган. Ер қон ичиб тўймаганидек, ёстиқ ҳам ҳасрат кўзёшларини ичиб тўймайди.

Соппа-сөг йигит-қизларнинг бу срга ётқизилишига у күника бошлаган эди. Айниқса жиноят қилиб қўйган ёки ҳарбийдан қочирилганлар бу ерга тез-тез келади. Табибоши бу ҳолдан изтиробга тушмасди. Лескин ҳеч қандай жиноятга алоқаси йўқ, фақатгина тўғри гапни айтишини яхши кўрувчи одамлар келтирилганда узини қўярга жой тополмай қоларди. Тўғри, у руҳий хасталиклар буйича мутахассис эмасди. Лескин одамнинг кузига, сўзлариға қараб эс-хуши жойидалигини ажратиш қийин эмас-ку! Анварни дастлаб курганида ҳам эси бутунлигини билди. Кейин иш жойи, касб-кори билан қизиқди. «Бу йигитнинг касали — ҳақиқат», деб узича ташхис қўйди. Табибоши бу эси sog одамга ачинса, у «нечаки кило ғўшт қиларкинсиз», деб масхаралаб юрибди. Табибошининг алами шундан эди. Гапириб сал хумордан чиққандай бўлди.

Анварга, шубҳасиз, унинг кечинмалари бсгона эди. Табибоши у учун занжирнинг бир ҳалқаси эди холос. Аслнинг гапларини аламга тўла юрак садоси сифатида эмас, шунчаки гина каби қабул қилди. Табибошининг «Асадбекнинг ялогини ялайсиз», дсгани товонигача зириллатиб юборди. «Сиз-чи, кимникини ялайсиз, ҳалқлар отасиникинimi?» демоқчи бўлди-ю, шу гапни айтса баҳс чўзилишини билиб узини тийди. «Жиннихона маликаси» деб ном олган бу дўмбоққина аёл бир нималар деб валдираса жавоб қайтариш шартми, балки мени синамоқчиидир, балки гап олмоқчиидир, балки учинчи қаватга «қутариш» учун замин ҳозирлаётгандир...» Анвар шу фикрлар билан узини овутди.

Табибоши Анвардан садо чиқмагач, гапим таъсир қилди, дсан хулосага кслиб: «Хайр бўлмаса», дсди.

Анвар бош иргаб ўрнидан турди. Бир-икки қадам қўйиб, орқасига ўгирилди.

— Кўришгунчами? — деди кулимсираб.

Табибоши бу гапни эшишиб, тутақиб кетди:

— Одам эмасакансиз! — деб юзини чистга бурди.

Ҳаво айтарли совук эмасди. Аммо қор учқунларини уйнатиб юрган шамол «уст-бошингнинг қалинлиги менинг чут эмас, барибир қақшатаман», дсгандай одамларга ҳамла қилар эди. Шундай ҳавода пинжагининг ёқасини кутариб, қулларини чўнтақларига солиб, шумшайиб қолган йигитга қараб бирорлар «эси соғми бу

одамнинг» деса, бировлар «йултусарлар счинтириб олган шекилли», деб ачинарди. Ҳеч ким «бу бечорани кузда жиннихонага худди шу кийимда олиб келишган эди, «хотиним пальто олиб кслар», деб кутиб утирмай чиқиб келаверибди-да», демас эди.

Автобусда Анварнинг жони пича ором олган эди. Пастга тушиб беш-ун қадам босмай яна қалтирай бошлиди. Тез-тез юрса ҳам исимади. Ҳовлисига беңгакка учраган одамдай титраб-қақшаб кириб кслди. Уйига кирмай, түгри ҳовли этагидаги онасининг хонасига қараб юрди. «Уйдамикинлар ишқилиб?» деб уйлади у. Онаси, кўзи ожизлигига қарамай, дэворларни пайпаслаб юриб қушниларникига йўргалаб қоларди. Маҳалла-кўйнинг иссиқ-совуғидан доимо хабардор булиб турган аёл куздан қолса қийин экан. Уйга сигмайди. Кунгил қурғур «утирма, қуни-қушниларникига чиқ, дарди бўлса дардини ол», деяверади. Шунаقا пайтда ёмғирми-қорми, иссиқми-совуқми фарқи йўқ — уйдан чиқади.

Эшикка яқинлашганида радиодан чиқаётган овоз эшитилди. «Уйда эканлар» деб уйлади Анвар снгил тортиб. Эшикни очиб ичкари кириши билан онаси:

— Ким? — деди. Жавоб кутмай суради: — Анвар, сенмисан?

— Менман, ойи, ассалому алайкум.

— Вой, болагинамдан айланай, кслган булсанг ургилай, нимага қалтираяпсан, болам? — у шундай деб урнидан турмоқчи бўлди. Анвар тез-тез юриб бориб чўк тушди-да, онасини қучди.

— Вой, болам, юпунлигингча келавердингми? Со-диқ акангникига тслпон қилсанг бўлмасмиди? Хотининг уйдайди-я, лип этиб кийимларингни олиб борарди. Танчага утира қол, ҳа, омон бўлгур-а, шундай кславерганингни қара. — Рисолат кампир Анварни худди гудакни авайлагандай танчага ўтқазди. Қулини кўриша орасига тиқиб чойнакни олди-да, чой қуйиб узатди: Анвар ҳовури ўлмаган чойдан бир-икки ҳўплагач, Рисолат кампир урнидан туриб, радиони учирди. Сунг эшикни қия очиб «Хонзода-ю, ҳой Хонзодахон», деб чақирди. Хонзода — Анварнинг кўз очиб курган хотини. Асл исми Зеби. Чарлари куни Рисолат кампир «Менинг ўғлим аннов-манов боламас, у хоннинг ўзгинаси, келиним эса Хонзода булади» деб ҳазиллашганидан бери Зеби — Хонзода булиб кетган. Ҳовлидан «Хозир, ойижон», деган овоз келди. Дам утмай эшик очилиб,

Зеби — Хонзода куринди. Эрига кузи тушиб «Вой», деб ажабланди. Кейин шошилиб салом берди.

— Кече... индамовдингиз-ку? — деди упкаланиб.

— Кече номаълум эди. Бугун қарашса, тузалиб қолибман. Сенга рухсат, турт томонинг қибла, дейишди, келавердим.

— Гузалиб қолдинг, дейишдими? Олдин касалакансами, вой омон булгур. Ҳай, Хонзодахон, иссиқ кийимларини олиб чиқинг дарров.

— Уйга кирақолинглар... иссиқроқ-да.

— Шу срда бирпас утирсин, танча совуқнинг захрини олади. Оловни титиб қўяй-чи. Шу эр сизники, ман билан бирнасгина утирсин, кейин олиб чиқиб кетасиз.

— Вой, ойи, гапингизни қаранг...

Рисолат кампир «бопладимми», дегандай мириқиб кулди.

— Содиқникига чиқиб муллакангизга тилпон қилиб қўйинг. Масковига кетмагандир ҳали. Укасини куриб кетсин. Ҳай, яна Ҳабиб Сатторович, десманг-а. Муллака денг...

Хонзода: «Ху-үп, ойи» деб чиқиб кетди. У қайноғаси билан бирга ишлар, кўпчилик «Ҳабиб Сатторович» дегани учун у ҳам уйда баъзан шундай деб юборар, ўрида узиб оладиган қайнона шубҳасиз, буни назардан четда қолдирмас эди.

Ҳабиб Сатторович Зоҳидни кузатиб, эндиғина қоғозларига тартиб бераётганида телсфон жиринглади. Укасининг қайтганини, онасининг топшириғини эшишиб, соатига қараб олди — ҳали вақт бор. Тезгина кийиниб йулга тушди.

Анвар таинчанинг иссиғида ҳузурланиб утирганида акаси кириб келди. Қучоқлашиб кўришдилар.

— Ҳафа булма, сени йўқлаб бормадим, — деди Ҳабиб. У укасига «боролмадим» эмас, «бормадим», деди. Анвар унинг мақсадини тушуниб, кулимсираб бош иргаб қўйди. Бироқ, Рисолат кампир «бормадим»нинг маъносини англамай, тунғичига танбсҳ бора кетди:

— Вой, омон булгур, уканг шунча ётиб би-ир мартаям бормадингми? Сенки, бормагансан, хотининг үзингдан беш баттар. Вой, ман билганимда санларни би-ир қовуриб ташлардим-а! Вой, сан инсофи йўқлар...

— Ойи, — деди Ҳабиб норози оҳангда, — қўйинг энди.

— Нимага қўярканман? Ҳали хотининг келсин. Сен унга маслаҳат согансан. У «қўйинг, настраснайз бузилади» деган. Сан лақма, кунгансан.

— Ойи, кенинайим бордилар, — деди Айвар вазиятни юмшатиш учун. — Акамни уришманг, ишлари күп.

— Түғри айтдинг, ишларим күп. Лекин иштим кам булганида ҳам бормас эдим. Сабабини үзинг биласан.

— Сабабини манам билай-чи, қани айт-чи, тилларинг мунча шириң!

— Менинг тилим шириң, ойи. Мана бунингизники захар. Шу тили стаклаган уни у ёққа. Бунингиз касалмас. Буни миясинимас, тилини даволаш керак.

— Шунаңа дұхтир бұлса бирга борайлик, — деди Айвар қувлик билан, — сүяқли тилингизни сал юмшатыб берсін. Тилингиз «а» квадрат, «б» квадратдан бошқаны айтишга ярамайды.

— Ойи, месни уришишга чақыртирувдингизми? — деди Ҳабиб, бироз аччиқланиб.

— Сени уришиб туриш керак. Ҳамма айб үзингда. «Укам үзи хоҳлаган касбни таңласин», делинг, өннингта олмадинг. Үзинг дұхтир булыб олиб гердайи-иб юрибсан. Етти әттегона болаларни олим қилиб юбордінг. Үкандынг бири икки бұлмай сарсон.

— Бунингиз карра жадвалини билганды ҳам майли эди... Ҳа, нимага ишшаясан?

— Қойинг, бу гапларни. Ойим бир гапирылар да. Московга кстяпсизми?

— Ҳа, МГУда бир ой дарс утаман.

— Домлангиз ҳали ҳам чақырятими?

— Чақырятти.

— Борасизми?

— Балки борарман, сенге нима?

— Московда ҳақиқат бор, деб үйлайсизми?

— Менга ҳақиқат эмас, илмий иш учун шароит керак.

— Ҳақиқат йүқ ерда шароит ҳам бұлмайды. Домлангиз бошингизни силагани билган «қора-қуралар насибамизни еб кетяпти», дейдиганлар күп у ерда.

— Сен сағсатангни қўй. Ҳозир биттаси келиб бoshимни қотируди.

Хонзода кириб, уларнинг суҳбати үзилди.

— Меҳмонхонага дастурхон солдим.

— Во-еїй, Хонзодахон, эрингизни олиб чиқиб кстмагунингизча кўнглингиз тинчимади-я! — Рисолат кампир шундай деб фотиҳа ўқиди-да, ўрнидан турди. Икки ўғил икки қанотида, ҳовлига чиқди.

Онага икки қанот булиб турган үгилларнинг фақатгина соҳаси бошқа эмас, дунёлари ҳам ўзгача. Катта қанот оҳиста учишни хуш куради. Кичиги чарх уришини, ўзини довул бағрига уришни истайди. Она учун эса олимни ҳам, исенчиси ҳам бир — ҳар иккови фарзанд! Ҳабиб Инглистон қирол академияси аъзолигига ёришиб, Нобел мукофоти билан тақдирланган, Анвар мамлакат жумхурраиси даражасига стган тақдирда ҳам она учун қулогига гап кирмас, бевош гудак булиб қолавсрди. Дунёнинг сеҳри шундаки, қўш қаноти — икки үгилнинг фсълига қараб туриб уларнинг шу онадан туғилганига шубҳалана бошлайсан. Қош-кўз онага ухшаса-да, фсъл тоғаларига тортган. Анвар катта тоғага ухшайди. Ҳақиқат излаб топган кучаси уни турмага бошлаган эди. Тоғаси икки марта қамоқ жабрини курган бўлса-да, Анвардан омадлироқ, ҳатто баҳтироқ ҳам эди, дейиш мумкин. Чунки унинг «сиёсий маҳбус» деган номи бор. «Халқ душмани» деб қоралангандар энди «халқ қаҳрамонлари» сифатида эъзозда, Анвар ҳақиқат излаб кирган кўча эса, уни «жинни» деган унвонга сазовор этди. Бу унвон ёрлиги бир умр ўзгартирилмаса ксрек.

Ҳабиб уртанча тоғасига тортган. Урушдан қайтиб кслганидан бери кундузи трактор, қуёш ботганда яримта ароқдан бошқа нарсани тан олмайдиган тоғасига қараб туриб, бу бандани ҳам Худо яратганми, деб ажабланасиз. Тўрт йил қирғиндан омон қайтган одам кўкракларини тўлдириши мумкин бўлган нишонларини бирон марта ҳам тақмабди. Бирон ерга ҳақини талаб қилиб бормабди. Немисни узоқдан бир куриб қолган одамлар эъзозда юрганларида у «нима учун мен қора мойга беланиб юраверишим ксрек», демабди. Унинг урушга борганини кескароқ одамлар эслашади, ёшлар эса билишмайди. Фақат бир украин, бир чех генерали уни қидириб келишди-ю, шаҳар биқинидаги қишлоқ бир сесканиб олгандай бўлди. Меҳмонлар истаги билан қишлоқ аҳли, қариндошлар туғланиб қирқ йил сандиқда эски рўмолга туғиб қўйилган нишонлар, суратлар олинди. Унинг Берлинда Чорчилл билан тушган сурати барча газитларда босилди. «Ўзбек қаҳрамони», деб кўкларга кўтарилди. Аммо «ўзбек қаҳрамони» бу пайтда у дунё лаззатларидан баҳраманд эди. Генераллар излаб келмасидан икки йил олдин немиснинг ўқи ололмаган одамни ажал далада топди — дориланган ерга кириб ҳушини йўқотганича,

худди панадан узилган үкқа дучі келгандай армонаңда кестди.

Ҳабиб, умри үхшамасин ишқилиб, шу тогасига тортган. Олимлар «Йүқдан бор булмайды, бордан йўқ булмайды», деганлари деск, инсон феъли, руҳи ҳам йўқликка ҳукм қилинmas экан. Рисолат кампир болаларидан упкалаб, «сан кимларга үхшадинг, ҳайронман, да-данг унақа эмас эдилар» деб қолса, «фалончи тогамга» деб кулишарди. Шунда Рисолат кампир ўғлиниң тогасига сира үхшамаслигини исбот қилиш учун ақаларининг фазилатларини санаб кетарди. Оқибатда бу «фа-зилатлар қайси бири сенда бор?» деб сурарди. Уни бу пайтда тинчлантиришнинг бирдан-бир йўли — «ҳеч қайсиси йўқ» деб тан олиш. Аслида-ку, Рисолат кампир болаларининг кимга тортганини яхши билади. Билгани учун ҳам кунгли түқ. Ҳар ҳолда эрининг ургалирига тортмади-ку. Рисолат кампирнинг қайшилари, қайинсингилиари муттаҳамроқ — бозрайиб туриб ёлғон гапираверишади. Худо Рисолатга раҳм қилиб, фарзандларини уларга үхшатмади.

Бу дунё азобидан старли тотган Рисолат «кўзларимдан нурни олган парвардигор жонимни қачон олар экан», деб юрганида кичигининг «жинни булиб қолганига» асти чидай олмади. Унинг дардларига ҳовли эта-гидаги уша танчали уй гувоҳ. Куришга ярамай қолган кўзлар йигига яраб турганига ҳам баъзан шукр қиласди. У Анварнинг ишхонасидаги гап-сўзларни, халқ отасининг найрангларини билмайди. «Ўғлим тирноққа зор булгани учун сиқилиб касалга чалинган», деб уйлайди. Институтдаги аҳволни Ҳабиб ҳам аниқ билмайди, аммо ўзича тахмин қиласди. Мана энди ўғлининг «тузалиб келганидан» хурсанд она икки қанотида икки ўғли билан ҳовлини кесиб утиб, меҳмонхонага боряпти.

### 3

Ҳабиб бир пиёла чой ичдию сафарга ҳозирлик куриши лозимлигини айтиб ўрнидан турди.

— Тухта, утири, — деди Рисолат кампир. — Ўрис булиб черковинг йўқ, мусулмон булиб мачитинг йўқ, сан боланинг. Думга бориб мусулмончиликдан чикдинг. Дуо олиб кетмайсанми? — шундай деб фотиҳага қўл очиб узундан-узоқ дуо қилгач, Ҳабиб унинг ёнокларидан упиб қўйди. Кучага қадар кузатиб чиққан укасига қўл узатди-да:

— Каловланиб юрганинг ҳам стар, а? Аввал ҳак гапни айттиришмайди, деб нолирдинг. Ёлғон гап билан тарих илмини яратиб бўлмайди, дердинг. Энди ҳам шароит стилмадими? Ҳаммаёқни ошкоралик босиб кетди-ку? Шоирчилигининг йигиштириб, илм билан шуғуллан. Кейин афсусланасан. Бунақа шароит узок давом этмаса ксрак, — деди.

Анвар акасига қараб жилмайди-да: «Худо пошшо!» деб қўйди.

Акасини кузатиб кслиб, онаси билан икки оғиз сўзлашишга улгурмай, дарвоза қўнғироги бир узун, икки марта қисқа-қисқа жиринглади.

— Ҳофиз ўртоғинг кслди, — деди Рисолат кампир.

Анвар ўрнидан туришга улгурмай, ҳовлида Элчин пайдо булиб, «Мирзо Анварбск!» деб чақирди. Мактабда ўқиб юришганида уртоқлари уни «Мирзо Анвар», қўнғил қўйган қизи Лолани эса «Раъно» деб чақиришарди. Болалик сурури мозийга кўчган бўлса ҳам Элчин дўстини эркалагиси кслганда «Мирзо Анварбск!» деб йўқлар эди. Ҳозир ҳам лутғ билан шундай деб кириб қелиши Анварни ийдириб юборди.

— Опоқижон, қувониб утирибсизми? — деди Элчин, кампирнинг дуосини олгач. — Бир ошнамдан хабар олай дсвдим, ният холис-да, ўзи кслиб қолибди.

Анвар унга қараб «қувлигингга қойилман», дегандай бош иргаб қўйди. У ё табиббошига қўнғироқ қилган, ё ўзи яна бориб кслган. Анварнинг қайтганини билиб кирган. «Ният холислигига» кампирни ишонтириди, аммо Анварни лақиллата олмади. Шунга қарамай Элчин Анвардаги ўзгаришларга парво қилмади. Ҳудди уни эмас, опоқиси Рисолат кампирни кўргани киргандай лақиллаб утираверди. Анварга «яхши кслдингми?» дейишдан бошқа сўз айтмади. Кампирнинг снига утириб олиб, гапни аҳволи оламдан бошлаб, сунг бармоқларини шақиллатиб «свойи тановар»ни хиргойи қилди. У гаплари билан кампирни чарчатдими ё кўпни кўрган сезгири Рисолат икки ўртоқнинг ўз гаплари борлигини фаҳмладими, ҳар нечук Элчиннинг нафас ростлашини кутиб туриб, сұхбатни узди.

— Энди мен уйимга чиқай, ўrusча усталингда бслим қотиб қолди. Санлар гурунглашиб утиринглар. Аммо ичманлар. Анваримга сираям ёқмайди. Сан, ҳофиз болам, тўйма-тўй юриб, ичишга ўрганиб қолгансан. Санам ташлагин ичкиликни.

— Отликқа йўқ-ку, ҳозир, — деди Элчин кулиб.

— Қассобга мол қаҳатми, вой болам, санларни биламан-ку, томоқларинг қичиши сөрнинг тагидан булсаям топасанлар. Шири-ин гаплашиб утириинглар. Мана, Худога шукр, сан оқланиб келдинг. Уртогиңнинг қайинсинглиси ни би-ир курғин. Ҳусни ҳам, ақли ҳам бебаҳо. Қайнонаси ношукр банда экан, сүгдирмай турмушини бузди. Битта үғли бор — оламга татийди. Сан хұп дессанг, бұлди, бу Әғини маңга қойиб бераверасан. Худо хоҳласа, баҳтиңг очилиб кетади. Кунглим сезиб турибди, уртогиңнинг ҳам баҳти очилади. Шу боламнинг боласини би-ир упиб кейин үлсам армонсиз кетардим. Худо «шу неварангни кұрасан» деб жонимни сақлаб турибди-да...

Рисолат кампир кейинги гапларини йиғламсараб айтди. Қайинсинглиси да гап очилганида Анвар «Элчинбой катта одамға күсв буладиган, жувонға эмас, қызға үйланадиган йигит, уни ерга урманғ», деб бир узіб олмоқчи бұлди-ю, онасининг кайфияти бузилғанини билиб, индамади.

Фарзанддан гап очилса, Анварнинг ҳам юраги сиқилади. Дастрек таниш-нотанишлар «бола-чақа омонми?» деб сұрашганида үнғайсизләниб юрди. Фарзанд сизлик катта гуноҳдек туюлди. Шунда хотинининг гапыға кириб даволанмоқчи ҳам бұлди. Кейинчалик бола боқиб олишға розилик ҳам берәй деди. Аммо Ән-атроғдаги разилликларға дуч кславергач «шу азобларға гирифтор қилиш үчүн бола курамаими», деб қайсағарлық қилди. Аста-сскин «бола-чақа омонми?» деган сұроққа бөш иргаб құяр, кайфияти яхши бұлса «юришибди дүмбиллаб», дерди. «Болалардан исчта бұлди?» деб сұраб қолинса «қайси хотиндан?» деб ҳазилға бурворадиган бұлди. Фақатгина онаси гапирғанда юраги сиқила-ди. Үнга «умид қилманғ», десе олмайди. Гүс умид узилса, жони ҳам узиладигандай туюлади — «майли, умид билан юравсерсинлар...»

Анвар онасини құлтиқлаб, ҳоялиға олиб чиқди.

— Мани судрамай құйворавср, йүлни узим топаман, — деди кампир. — Уртогиңни Әлғизлатма. Кунглини күтар, бояқишининг. Бир амаллаб қайинсинглингни күрсат. Қудаларимни узим күндираман. Қамалған бұлсаям яхши бола. — Кампир шундай деб күзи очиқ одамдай үзи юриб кетди. Анвар онаси уйға киргунча изидан қараб турди. Рисолат кампир остана хатлаб үтиб орқасига үгерилиди:

— Нимага қоққан қозиқдай турибсан, кир ичкарига!

Анвар буйруққа итоат этиб, уй томон қадам босганида қунғироқ жириングлади. Уч тавақали дарвозанинг ўрта қаноти очиқ эди. Анвар қўл қовуштириб турган қўшнисини кўриб, чсҳраси очилди.

— Э, келсинлар, Ҳожиқори ака, — деб пешвоз чиқди.

Рисолат кампир мсҳмоилинг овозини эшитиб, уйи эшигини очиб, уша срда туриб сўрашиди-да:

— Мошинангиз топилдими, қори болам? — деди.

— Топилди, холажон, Худога шукр, топилди.

— Яхшиликка буюрсин. Ҳалолга келган нарса йўқолмайди. Қани, киринглар, Анваржон, бошла уйга.

Элчин Собитхон қорини аввал кўрмаган, у ҳақда эшитмаган ҳам эди. Шунинг учун «ким экан бу мулла, нима қилиб ивирсиб юрибди?» деб ўйлади. Қорининг маънодор кўзлари унга киборлик билан боққандай туолди. Собитхон қори қисқагина дуо ўқигач, Анвардан ҳол-аҳвол суради.

— Кучада мулла Ҳабибхон акани иттифоқо учратиб, бу кунгилхуш хабарни эшитдим. Мавриди бўлмаса ҳам, йўқлай десдим. Узр, сухбатларингизга халал бердим. Сизни бир бориб кўролмадим, бунинг учун ҳам минг бор узр. Аммо ҳар вақт дуоларда жумла дардманлар қаторида сизга ҳам шифо тиладим.

— Қуллуқ, тақсир, бу... мошинага нима бўлди?

— Э, нимасини айтасиз. Одамлардан иймон кутарилса шу-да. Ҳовлидан олиб чиқиб костишибди. Гафлатда қолибмиз. Ўзим юргизолмай гаранг эдим. Қандай миниб костишиди экан, ҳайронман.

— Қайтаришдими ахир?

— Қайтаришди, бинойи юрялти, денг, — қори шундай деб мийигида кулди.

— Тузатгани олиб костишган экан-да, а? — деди Анвар ҳазиллашиб.

— Кошки эди, кошки эди, — деди қори жилмайиб, — бу бир галамисларнинг иши. Асадбек деган одамини эшитганмисизлар?

Бу галини эшитиб Анвар билан Элчин кўз уриштириб олишди. Қори буни сезмай, сузини давом эттириди:

— Шу одам денг, маҳалласида масжид солдираётган экан. Имомликка чақиритирди. Бормадим. Ҳаром пулларга қурилган масжидда намоз ўқиб, охиратимни

куйдирмайман, дсдим. — Қори кейинги гаилтарни гурур оҳангида айтиб «боплапманми!» дегандай Анварга қаради. Анвар сұхбатга қүшилишга улгурмай кутилмағанда Элчин сұз бошлади:

— Чакки қилибсиз, биродар. — деди у.

Собитхон ялт этиб иотаниш мезбонга қаради. «Қори ака», «Хожиқори ака», «Домлажон», «Тақсирим» деган мурожаатларга күніккани учун үзидан иккі-уч шекатта одамнинг «биродар» дейиши унга әрине туялди. Элчин ундаги үзгаришни пайқамай гапини давом эттиреди:

— Пулнинг ҳалол-ҳароми бўлмайди. Ҳар ким үз билгича топади. Лескин пулни ҳаром-ҳаришга ҳам, савобга ҳам ишлатиш мумкин. Топган пулига масжид қурдирибди, иморатда нима гуноҳ? Шу пулларни сбичиб, айш-ишратга сарф этса ҳам бўларди-ку?

— Сизнинг қаричингиз билан улчанса шундайдир. Аммо Аллоҳнинг уёи ҳалол пешона тери билан топилган пулга қурилмоғи лозим.

— Қайси масжид шундай қурилган? Пешона тери эвазига топилган пул қорин тўйғазишга етмайди ҳозир, сиз мачит қуришдан гапирасиз. Асадбекдан бекорга гумондор буласиз. У бунақа майда ишларни үзига эп билмайди.

— Во ажабо, үзи ҳам менга шу гапларни айтиди. Аммо унга учрашганим ҳамон мошинам топишди-да?

— Топдириб бергандир.

— Сиз уни танийсизми? Уни жуда авайтаб гапириянсиз? Пириңгиз эмасми, мабодо?

Анвар Элчинга сұз бермаслик мақсадида гапни илиб кетди. Таништиргани учун узр сұраб, дүстини таърифлаб берди.

— Элчин сизмисиз? — деди қори маънодор қилиб. — Ашуларапингиз өдимда. Ҳозир күп ҳамкасларингиз ислом йўлига утиб ибрат булишяпти.

Элчин бир гапдан қолиб, «ҳа», деб құя қолса бўларди. Бироқ, «исломга хизмат қилаётганлар»нинг кимлигини яхши билгани учун үзини тутиб туролмади:

— Ҳамма номаъқулчиликларни қилиб қуриб, энди мусулмон булиб қолишибдими? Нима эди, угри қариса суфи бўларканми?

— Қаттиқ кетманг, биродар. Гуноҳлари бўлса, Аллоҳ олдида үзлари жавоб берадилар. Ашула бошлашларидан аввал «бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» дейишлиарининг үзи улуг савоб.

Элчин бу гапни эшитиб кулиб юборди, бу кулги қорини газабга солди. Анвар уларни муросага келтириш йўлини топа олмай каловланди.

— Кулманг, биродар, гуноҳга ботманг, — деди қори асабий оҳангда.

Элчин кулгидан бирдан тухтаб, унга жаҳл билан тикилди.

— Қошу кузингдан аканг айлансин, қачон қўйнингга кираман, қўлимга қачон қўнасан, дейиш учун ҳам бисмилло айтиш керакми? Сизга шу найрангбозлик ёқалими? Ҳеч бўлмаса динни найранглардан тозалаб қўйинглар.

Собитхон қори «астағфируллоҳ!» деб пицирлаб, «бу иблиснинг дастёри» билан баҳслашишнинг фойдасизлигини англади-да, Анварга қаради:

— Чиндан ҳам бемаврид кирибман. Анваржон, менга рухсат, — у рухсатни кутмаёқ, фотиҳага қўл очди, — барчамизни Аллоҳ таборака ва таоло иймонда ва исломда барқарор этсин, овмин...

Элчин одоб юзасидан туриб, хайрлашмади, ўтирган срида бош иргаб қўя қолди.

— Нимага унга осиласан, арпангни хом ўрганми? — деди Анвар, қорини кузатиб қайтгач.

Элчин қўл силтаб қўйди.

— Ҳаммаси найрангбоз. Қуръонни шариллатиб ўқиб, барчани маҳлис қиласи-ю, бу ёкда майшатдан бушамайди. Менга биттаси айтувди: қисматда имомлардан тутантириқ қилинар экан. Тушундингми, дўзах оловини ёкиш учун шу имомлар тутантириқ буларкан. Биринчи шулар ёнади. Чунки сен билан мен билмай гуноҳ қиласиз. Булар билиб туриб қилишади. Ҳар ҳолда мен шу имомингдан кейин ёнаман дўзах утида.

— Собитхон сен айтган тоифаданмас, уни бекор ранжитдинг. Илми пухта, бирордан бир танга таъма қилмайди. Миллат деб жонини беришга тайёр. Бунақалар кам...

— Қўй, ўшанингни, — Элчин шундай деб яна қўл силтали.

— Мана, Асадбек акангнинг илтифотлари билан «тузалиб» чиқдим. Менда нима ишинг бор?

— Сендами?.. Сенда ишим йўқ... Энг муҳим ишим шуки, уйнингда тухум босиб ўтири, опоқимга яхши қара, дуоларини ол. Бошлиғинг билан уйнашма. Бераётган ваъдаларига ишонма. Ваъда дегани бир қопқон, сенга

ухшаган лақмаларни осон ылтнтириш учун уйтаб тоңилган. Ҳақиқат учун курашиш сенинг құлингдан келмайди. Буни менга қойиб бер.

— Ҳақиқат учун курашувчи булиб олдингми, ҳали? Ҳақиқат бечоранинг куни сенга қолибдими? Курашганингиз ҳозирги гапларингиз-да, а?

— Пичинг қилишга устасан. Тилингдан заҳар томиб туради. Күп үқигансан-у, заррача уқмагансан. Дунс файласуфларинг өзиб кетгандай булмайди ҳеч қачон. Қайта қуришларига ҳам ишонма. Бурилар бир юмалаб қойға айланишган. Лескин бу қойлар ут смайди, гүшт сиди. Тушунднингми! Сенга үхшаган лақмаларнинг гүштини сиди.

Хонзода икки косада мастава кутариб кирмаганида икки дүстнинг сұхбатидан тутун чиқар эди. Элчин овқатнинг иссиқлигига қарамай, тез-тез хүриллатиб ичди. Илгари бундай эмас эди. Қошиқни тоза сочикда артиб, овқат ичидан тилла қидиргандай обдан аралаштириб совутиб, әзмаланиб ичарди. Анвар дүстидаги бу үзгаришни куриб, «қамоқнинг таъсири-да», деган хулоса чиқарди.

Элчин Анварнинг имиллаб овқат сийшини кузатиб үтиреди. Коса бұшагач, «зарур ишларим бор, кейин келаман», деб құзголди.

— Түй қачон? — деди Анвар.  
— Яқин қолди. Қамишдан белбог тайсrlаб тур.  
— Қайнисинглимни кұрасанми?  
— Кейин... кейин, бир гап булар... — Элчин шундай дсб, хайрлашиш учун құл узатди.

## 4

Софинч ҳислари андак ором олғач, Хонзода уйқуга кетди. Қарийб икки ой қаттық каравотда әлғиз өтишга күникиб қолған Анварга икки кишилик юмшоқ каравот торлық қилиб уйқу бермади. Хотинининг снгил пишиллашини курпа-өстиқ үзига ютмай, аксинча янада күчлироқ жаранглатиб Анварнинг қулоғига ургандай бұлаверди. Бутун хона хотинининг нафасига тұлиб кетгандай, тоза ҳаво қолмагандай туюлди. Ҳолбуки, хона баҳаво, Хонзоданинг енгил пишиллашига эътибор бермаса ҳам бұларди. Уни брезовта этағтан нарсалар аслида булар эмас. Жиннихонадаги бедор тунлар, куюн үрамидай өпирилиб келувчи хаёлларга банди бу-

лиш, учинчи қаватдан келаётган бақириқлар — ҳасти мазмунини белгилаб қўйгандай, у айнан шундай яшашга маҳкум этилгандай эди. Анвар бедорлиги ана шу маҳкумлик месваси эканини англамай, бунга бошқа сабаблар ахтарди. У си-бу снига ағдарилавериш ҳам жонига тегиб, урнидан турди. Жиннихонада бундай кезларда суҳбатлашувчи навбатчи ҳамширалар бўлишарди. Жимликни пораловчи бақириқлар эшитилиб турарди. Ҳарҳолда тириклик белгилари мавжуд эди. Уйида эса, наинки ўз уйида. балки бутун маҳаллада осудалик.

Хонзода эрининг турганини билди. Кўзини салгина очиб қараб қўйди-ю, индамади. Бироздан кейин яна уйқуга кетди. Унинг пишиллаши тингач, соатининг чиқиллаши босқондан тушаётган болғадай жаранглаб миясига урила бошлади.

Анвар стокдан меҳмонхонага чиқди. Қанча ўтирганини билмайди. Бир маҳал уйи сриша бошлагач, юраги ҳаприқиб ўрнидан туриб кетди. Оппок нур юқоридан пояндоз сингари тушиб оёқлари остида тўхтади. Анвар бу сафар қўрқмади, оёқ-қўллари музламади. Ёқимли овоз келишини кутди. Овоз ҳаялламади:

- Сен биздан қочиб келдингми?
- Мен... ўз уйимга келдим.

— Ёлғон гапирма. Сен бизга ишонмаяпсан. Ўзингни руҳий хаста деб ҳис қиляпсан. Биз билан учрашганингни кимга айтсанг ҳам у сени жинни деб ҳисоблайди. Сен яшаётган дунё шундай тузилган: ҳақиқатга ишонишмайди. Ҳақиқатни айтсанг — жиннига чиқаришади. Фақат бизнинг сайёрамиздагина ҳақиқат бор — бунга шак келтирма. Сен биздан қочма, сайёрамизга бутунлай кестишга ҳозирлан.

- Нима қилишим керак?
- Ўзингни жисмонан маҳв этишинг лозим.
- Ўлдиришим керакми?

— Ҳа. Бу бизнинг асосий шартимиз. Юрагинг уришдан тўхтамай туриб, жонингни олиб чиқиб кетамиз. Сени срликлар унутишлари лозим. Жисминг маҳв этилмаса, Зуррудда жонинг ором топмайди. Сен учун бошқа йул йўқ. Бобонг ҳам шу фикрда.

- Бобом? Қайси бобом?
- Ҳозир курасан, нурга қадам қуй.

Анвар беихтиёр равища дераза томон қадам қўйди. Кўкрагидан бир нима узиб олингандай бўлди. Нур

унинг руҳини куз илғамас юлдуз — Зурру саїсраси томон олиб учди. Меҳмонхонада унинг фақат тошқотган гавдасигина қолган эди. Гус ҳайкалга айланганини узи билмайди. Бир қанча вақт ўтгач, хотини уйғониб, ундан хавотирланиб, хабар олгани чиқади-ю, бу манзарадан даҳшатга тушади. Бу ҳақда ксийин сўзлаймиз. Ҳозир Анварнинг руҳи изидан боришнинг айни пайти.

Бу сағар Анварнинг куз унгида бутунашай узга манзара пайдо бўлди: чўққиларидан қор аримаган тоғ. Тогнинг нақ киндигини ёриб чиқсан шаршара. Унинг ёнида тўрт одамнинг қулочи етмайдиган чинор. Даражатнинг баҳайбат шоҳлари остида ёғоч сури. Сурида Анвардан бир-икки ёш каттарок йигит китоб уқиб утирибди. Анвар уни қаердадир кўргандай эди — кимгайдир ухшатди. Кейинроқ, руҳи уйига қайтгач, бир сирни аниқлайди — у узига ухшарди. Бу ҳақда ҳам сунгроқ сўз юритамиз. Ҳозир эса... Анвар салом берди. Мўйловли йигит бошини қутарди:

— Кслдингми, болам? — деди у. Анвар ажабланди: «Қанақасига мен унга бола булай?» Мўйловли йигит унинг фикрини уқигандай жилмайди. — Сен менинг набирамдайсан. Амир мени осмай, мен бу ерга келиб қолмаганимда, балки сен менинг набирам бўлардинг. Шоакбар Зуннуний десган одамни эшитганмисан?

Анвар унга яхшироқ тикилди, шундай жадидни эшитган эди. Бухоро амири дорга тортирган зиё аҳли орасида Шоакбар Зуннуний исмли зотнинг буюк салоҳият эгаси бўлгани ҳақида тарих китобларида бир қанча сатргина бор. Зуннунийдан на бир мерос, на бир сатр асар қолган. У ҳақдаги хотиралар ҳам узуқ-юлук эди. Анвар қисқа сатрлар орасида улуг синоат яширган булиши мумкинлигини ўйлаб курмаган экан. Агар ҳозир узини Шоакбар Зуннуний деб танитган мўйловли йигит «мен ҳақимда нималар биласан?» деб сураб қолса Анвар жавоб бера олмай изза чекарди. Бахтига, бундай савол берилмади. Зуннуний гапини давом эттириди:

— Ҳадига бувингнинг куз очиб курган эри менман. Биз уч фарзанд кўрдик, аммо улар пешонамизга сигмади. Мен осилганимдан сунг бувинг бобонг Жамолиддинга тегди. Сен хафа бўлма, тўғрисини айтишга мажбурман. Жамолиддин менга ҳамсоя эди. Ҳатто ҳамфигр эди. Биз Ватанинн урус подшоси зулмидан озод этмоқ йўлига жон тиккан эдик. Бухоро тасарруфидаги

срларда фуқарога зиң бермак истагида юрган онлари мизда ҳибсга олиндик. Фақат Жамолиддин тирик қолди. Англайсанми?..

Анварнинг қулогига ёқимли овоз келди:

— Бу гапларга ишон. Буларнинг барчасига биз гувоҳмиз. Бобонг хонинлик қилиб имонини сотгач, шуролар хизматига утди. Бувингга уйланди. Зуннунийдан қолган қўлъзмаларни бузган ҳолда таҳрир этиб, шуролар мақсадига мослаб нашр эттириди, шу йўл билан шуҳрат топди. Оқибатда сохта шуҳрати ўз бошини сди. Уттиз сўтинчи йилда шуролар унинг садоқатли хизмати учун ҳибсга олиб, туманли юрга юбордилар. Совуқда очлик азобига чидолмай хор булиб улди. Онангда унинг хатлари сақланган. Ишонмасанг, ўқиб кўр.

— Сен бобонг билан фахрланиб юардинг, — деди Зуннуний. — Менда бу ҳисни ўлдириш нияти йўқ. Жамолиддин қизилга хизмат қилишнинг улуг хато эканини англаб, бу сафар виждонига хиснат этмади. Биродарларини сотмади. Мен ундан рози бўлганман. Сен ҳам уни лаънатлама. Инсон умри хатолардан иборат. Мунофиқлик ҳеч замон жазосиз қолмайди. Ҳозир тили бошка, дили бошқалар даврасида азият чекяпсан. Сен тушкунликка бсрилма. Ҳалқ фидойиси никобида яшовчилар ҳаётларини азобда якунлайдилар. Оқибатда никоблар йиртилгуси, уларнинг асл қиёғалари курингусидир. Ҳалқни ҳеч бир замонда ҳеч бир мунофиқ алдай олмаган. Дунё сохта фидойиларни кўп кўрган, бундайлар ҳали яна күп чиқади. Ер юзидағи кураш сира барҳам топмайди.

— Мен нима қиласай, ночорман-ку? — деди Анвар.

— Ночорсан, биламан. Сен менинг ёнимга келасан. Унгача бир иш қиласан: катта тогангнинг чордогида, эски-тускилар орасида кўхна китоблар, қоғозлар ҳам бор. Қоғозлар — менинг қўлъзмаларим. Бобонг ҳам, бувинг ҳам уларни сақлашган. Китоблар орасида ўрус аскарларининг Тошкентдаги жанглари тасвиранган асар бор. Жамолиддин уларни нашр этишга қўрқсан. Уни сен ҳалқقا стказ. Мен сенга оқ фотиҳа бераман. Ишларинг унгидан келади. Мана бу китобни ол, сенга йўлдош бўлсин.

Зуннуний ўқиб утирган катта китобни Анварга узатди. Китоб Анварнинг қулига утиши билан бир ёргуллик таратдию кичрайиб, кафтдай булиб қолди. Шунда Анвар яна ёқимли овозни эшитди:

— Биз сени холи құямыз. Биз былан учрашишни хоҳлаб қолсанг — күришамиз.

Анвар гапга оғиз жуфтлашға ҳам улгурмади.

— Жоним болам, жон болам, мсни құрқитмагин, Аңваржон.

Анвар онасининг овози қасрдан келганини дағыатан англамади. Хуши үзига келгач, юzlарини силасттан онасини күрди-ю аввалига ажабланди. Ёнида турган Хонзода ни күриб, нима воқса юз берганини тушуңци.

— Ойижон, құрқманғ, хаёлга берилибман, — деди вазиятни юмшатиш учун.

— Вой, болам-эй, хаёлинг ҳам бор бұлсин-а, кимлар билан гаплашдинг? — деди Рисолат кампир, үғлини құчогидан бұшатмай.

— Нима дедим?

— Гапларингга тушуниб бұлмайди, бир нарсалар деб ғулдирадинг-а, болам. Сени бир үқиб юбориш керак. Инсу жинслар тинчлик бермасттанга үхшайды.

— Ойи, үтириб олинглар, — деди Хонзода, синик овоз билан.

Она-бала диванга өнма-ән утиришди. Рисолат кампир, үғлиниң юзини силаб, елкаларини үқалаган бұлды.

— Ойи, Шоакбар Зуннуний деган одамни эшитганимисиз? — деб сүради Анвар, онасининг құлларини ушлаб.

— Зуннунийми? Адам раҳматлининг шунақа уртоқлари бұлған экан. Үлиб кеттан бұлса ҳам адам раҳматлининг бошларига бало үфтирди. Ҳалқ дүшімани бұлған экан-да, бояқиши.

— Бувим Зуннунийни гапиравмидилар?

— Ҳа, энди гапирған бұлсалар гапирғандирлар, әсимда турибди, дейсанми?

— Бувимнинг бириңчи әрлари Зуннуниймиди?

— Вой, худойим, сан буни қаєқданам била қолдинг? Санга айтудимми?

Анвар күрган-эшитгандарини айтса онасининг эси оғиб қолиши мүмкінligини билиб, «болалигимда айтудингиз, шу әсимга тушиб қолди», деди. Рисолат кампир үғлиниң косасидан чиққудай булып катта-катта очилиб турған күзларини күрмайды. Аммо Аңварнинг баданида сұниб улгурмаган снгил титроқдан ақвоплини яхши билиб үтиради.

Хонзода эса эрининг күзларидан нигохини узмай құрқұвдан титрайди, хаёлида бир фикр чарх уради — «хали яхши тузалмаган эканлар».

— Ойи, бувамни қамаб, қайси томонга олиб кетишган?

— Айтганман-ку, Туман десган жойга. Офтобнинг күринишидан күринмаслиги кўп, худонинг қарғиши тескан жойлар экан.

— Ҳа... Тюменми?.. Ҳат չзармидилар, ҳатлари борми?

— Бор.

— Нима учун менга кўрсатмагансиз?

— Сенга ксракмиди? Ман қаёқдан билай, узинг сўрамаган бўлсанг...

— Ойи, дамингизни олинг. Менам озгина ухлай.

— Ҳа, шунаقا қилгин, болажоним. Хонзодаҳон, болам, сиз Робияхонга айтиб қўйинг, Собитхон манга бир күриниш берсин.

— Ойи, ксракмас, — десди Анвар, онасининг муддаосини фаҳмлаб.

— Сан жимгина ўтиравур. Мани ишимга аралашма. Нима қилишни ўзим биламан. Ўжарлик қилемай, нафаси уткир домлага ўқитворганимда шунча вақт банисада ётмасидинг. Шу замоннинг дўхтирларига ишониб бўларканми, ҳаммаси порага ўқиган. Қараб тур, отдай булиб кетмасанг, нима дессанг де.

Рисолат кампир ўрнидан турди-да, ўнг қўлини олдинга чўзиб эшик томон юрди.

Хонзода қайнонасини кузатиб кслганида Анвар жойидан жилмай ўтирган эди. Хонзода эрининг снилан жой олиб, слкасилан аста кучли.

— Қурқиб кстдингизми? — деди Анвар. Хонзода жавоб бсрмай слкасига юзини қўйди. — Қурқманг, бу касаллик эмас. Мен ҳам аввалига руҳим шикастланибди, десб қўрқувдим. Нима булганини билдингизми?

— Дераза олдида қотиб туравсрдингиз. Чақирсам ҳам эшитмадингиз. Кейин... қурқиб... ойимни чақириб кслдим. Ойим кслганларида қўлингиздан олов чиқиб кетгандай бўлди. Яхшиям ойим курмадилар. Булмаса юраклари өрилиб ктарди.

Анвар хотинини қучиб, эркалаган бўлди:

— Сиз сира қурқманг. Мен жинни эмасман. Нима булганини сизга кейин айтаман. Ҳозир айтганим билан, ишонмайсиз. Тонг отса тогамникига бориб кела-ман. Агар рост бўлса...

— Нимани айтяпсиз?

— Кейин...

Асадбек бир туш күрди: ўзи мозорда турган эмиш. Уркач-уркач қабрлар оқ туяларга айланиб, карвои булиб тизилиб кетаётганмиш. Оқ туялар күзила сиң бор эмиш, туялар қабристонни тарк этгач, бурон турганмиш. Қуон дүмпайиб турган қабрларни худи қозон қопқогидай очиб, мурдаларни суғуриб олиб, қиёматни бошлаб юборганмиш. Мурдалар түзиган хазон сингари Асадбек атрофида чарх уармиш...

— Адаси... Адаси...

Шу срга келганды Манзура уни слкасидан аста сил-киб уйготди.

— Вой, өмөн туш күрдингиз-а, астагфируллоҳ дснг.

Асадбек хотинининг гапини икки қылмай, ичида тавба деди. Манзура унинг исшонасидаги терни кафти билан артди. Асадбек құрқинчли тушларни күп күрарди — дам уни бүгизлашарди, дам осишарди... Баъзан босинқираб, дод дсб уйгонарди, дам құркуздан тсрлаб, типирчилаб қолганида хотини уйғотарди. Буғунги туши, аввалгиларига солиширилганды, учча даҳшатли эмас. Оқ туялар тизилиб кетишли. Қабристон жунбушга келди... Асадбек күрган тушини хотинига айтди.

— Вой улмасам, — деди Манзура, пастки лабини тишлилаб, — туялар чиқиб кетишими?

— Чиқиб кетди. Ҳа, өмөнми? — деди Асадбек соддалиқ билан.

Манзура эри учун таъбирчи булиб қолган эди. Туш йүйиш унга она мерос. Фариштадай оқ құнгил бу аслга құшнилар үз сирларини ишонишарди. Манзура кичкиналигида онаси өнида үтириб, күп тушларнинг таъбирини билиб олган. Янги турмуш қурган кеслари, бир куни Асадбек ярим кесчада уйига қайтса, чирок өниқ, эшик очиқ, хотини уй ичида үртага жойнамоз солиб устида мудраб үтирибди. Асадбек «Ярим кесчада ҳам намоз үқийдими», дсб ҳайрон бўлди-ю, хотинига бу ҳақда гапирмади. Бу ҳол яна уч-тourt такрорлангач, суради. Манзура сабабини қўрқа-писа айтди: қиморбозлар хотинларини ҳам тикиб, ютқизиб қўйишсаю даъвогар кирганида хотин жойнамоз устида үтирган булса тсгмас эканлар... Ӯшандан бери Асадбек «унчабунчага ақли етар экан», дсб ирим-сиirimга оид масалаларда уни гапга тутиб турадиган бўлди. Биринчи марта

босинқираб уйғонганида Манзуранинг қистови билан күрган тушини айтди. «Илонлар ичида қолган бұлсанғыз, бойиб кетар әкәнмиз», деди Манзура. Асадбек бу гапта ишонмаган эди. Бир ҳафтадан сүнг қулига катта нул тушгач, хотинига таң берди. Шу-шу ғалатироқ туш күрса, дарров хотинига маълум қилади.

— Ҳа, әменими? — деб қайта сураси Асадбек, хотинининг жим қолганидан ажабланиб.

— Емонмас-ку... мозоримиздан авлиелар көтиб қолишибди. Одамлардан иймон күтариғанингамикин...

— Ҳс... тентак, шуми төлгөн гапинг. Нима экан, десман.

Асадбек шундай деб әнбошига үгирилди. Манзура уйга толиб, аңчагина қимирламай үтирди. Тонг нафаси кеслиб қолгани учун қайта әтмай, үрнидан туриб кетди.

Асадбек үзиге тегишли гап бұлганида, айтайлик, «душманларингиз бош күтарар экан, сиздан авлиелар юз үгирибди», дейилганды бошқача ҳолатга тушарди, әнбошига үгирилиб әтавермасди. Авлиеларнинг мозорни ташлаб чиқиб кестишлари унга ақамиятсиз туюлди. Ҳатто ишонмади ҳам. Болалигиде ажиналар ҳақида ҳикоя эшитиб, тунлари овлоқ күчаларда, мозор яқинида юришга құрқарди. Кейинроқ құрқув деган нарса чекинди. Ажиналар әртаклардаги каби яширин ҳолда иш олиб боришни бас қилиб, одамлар қиёфасига кириб куппа-кундуз куни очық иш юритишига үтгач, тунлар ҳам осойишта булиб, овлоқлар ҳам дағшатли күринишни йүқотди. Энди кундуздан, одамлардан құрқулик эди.

Асадбек туш таъбирига ақамият бермай әнбошга үгирилиб әтгани билан ухломади. Хотинидан сүнг у ҳам үрнидан туриб, ювинди. Асадбек ҳовлида күрингани захоти болохонада ҳам жонланиш сезилди.

Манзуранинг «Биз билан чой ичмайсизми?» деган гапига қисқагина «ичавсинглар» деб дарвозахона томон юрди. Машинаға стиб улгурмай теспадан Жамшид тушиб, салом берди.

— Ҳа, шу ердамидинг? — деди Асадбек, саломга алып олгач. Жамшид сүққабош бұлгани сабабли қасрда тунаш унинг учун ақамиятсиз эди. Маишатта бормаса шу болохонада соқчи йигитлар билан қолаверар, Асадбек унинг бу одатига күниккан эди. Жамшиднинг такдирли үзиге бироз үхшаб кестгани учун Асадбек уни яхши құрап, икки қанотига қандай сүянса, бунга ҳам шундай ишонарди.

Жамшид оилада ёлғиз уғил булса-да, эрқалатини, таитайтиш нималигини билмай усди. Отасининг нул тула ҳамёни ҳуда-бсхудага очилавермас эди. Жамшид истамаса ҳам турли тұгараптарга боришга мажбур эди. Ҳатто скрипка чалишни үргатиш мақсадида бир өлгүчи йил давомида тер түкди. У бечора «болада қобилият йүқ» деселмайди, чунки хизмат ҳақини олиб турибди. Жамшиднинг «урганолмаяпман» деган гапига ота-она ишонмайди. Хуллас, үсмирлик күчасига киргунича ҳайкалтарошлик, радиотехника сингари соҳаларда ҳам қобилияти синааб күрилди. Мактабини битирганида ҳамен бир кавланди. Уртада турған одам пулдан күпрок үмарыб қолиб, домладарга камроқ стиб бордими, ҳар ҳолда бир имтиҳонида қоқилиб, кечки үқишиңга аранг түгрилашди. Бола бевош булиб кетмасин, деб отаси уни үзи ишлайдиган идорага югурдак қилиб жойлаштиради. Идорада чарос күзлари уйнааб турувчи бир қиз ҳам ишларди. Үнга қараб туриб чигиртка бир юмалаб шу қизга айланиб қолган с бу қиз бир йилдан бери оч үтиради, деб үйлаш мүмкін эди. Кунда үзгартирилувчи сара күйлаклар ёғоч илгичга илиб қүйилғанга үхшарди. Ана шу озғин баданда булиқ күкрак қайдан пайдо булғани Яратғанга ҳам қоронғу бұлса керак. Хуллас, шу қиз үзидан олти әшгина кичик бұлған, пишиқ гавдали, жингалик сочли, истараси иссиқ Жамшидни яхши күриб қолди! Илмоқли гаплар, шириң жилмайышлар... айтаман десақ, гап күп. Яхшиси, воқса бағнини мухтасар этиб, дебочадан хотимага утиб қоя қолайлық: йигит қизни қаттиқ севиб қолса девонаваш булиб юравсради, йүл пойлайди, дүнёни охларга тұлдирали. Аммо қизнинг севгисидан, айниқса унда маккорлик ути бұлса, құрқулық экан. Бир куни идорада иш тугаб, ҳамма тарқагач, қиз «чой ичиш» баҳонасида Жамшидни олиб қолди. Эшик ичкаридан беркитилди. Лаблар бирлашди. Асосий ишга бир баҳя қолганида Жамшиднинг миясига бир нарса урилғандай фикри равшанлашиб, үзини тортди. Ташаббусни бошлаб берсан қиз шармандалигини яшириш учун йиглади, севги утида қовурилиб кетганини айтиб нола қылди. Жамшид кестмоқчи бұлганида «үзимни үлдираман», деди. Жамшид бу гапларга ишонмай «үлдирсанғиз үлдираверинг», дедио, чиқди-кетди.

Кечаси үқищдан қайтса, уйида миисалар утиришибди. Қизнинг зұрланғанини, қиз номусга чидолмай үзини үчинчи қаватдан ташлаганини миисалардан

эшитиб, «ҳазиллашяпсизларми?» деди. Милисаларнинг ҳазиллашмаслигини бу гудак ушандада билмас эди. Қулларини қайириб олиб кетдилар, онаси фарәд уриб қолаверди.

Уртага номус тикилган эди. Бир томон турт йил бурун поймол булған қизлик номуси, иккинчи томон беғубор йигитлик номуси учун олишишарди. Қизнинг ҳомий опажони Жамшиднинг отасидан күчлилик қилди. Учинчи қаватдан йўгон тахтани ташлаб юборсангиз майдаланади, аммо қуруқ суюқдан иборат бу қиз узини ерга отибди-ю, бирон ери синмабди-я, деб ажабланиш ортиқча эди. Қизнинг сув қувурига осилиб пастроққа тушиб, кейин ахлат уюми устига узини отганини ким исботлаб бера оларди? Жамшиднинг отаси өллаган оқловчи «юқоридан давлсния кучли бувотти», деб олган пулига яраша иш қилмади. Хуллас, Жамшид беш йилгина сайр қилиб ксладиган бўлди, қиз эса шарманда эмас, жабр чеккан маъсума сифатида узини оқлаб олди.

Жамшиднинг онаси хаста эди. Табиблар «тұғсанг — үласан» дейишига қарамай, турмушга чиққан, «ұлсам ҳам туғиб үлай», деб уларга қулоқ осмаган эди. Унинг юраги тұлғоқ азобига чидади-ю, аммо номус азобига чидамади. Суддан сұнг Жамшид құлига кишан урилиб, дсрзасиз хунук машинага чиқариластганда «Болам!» деб бир оҳ уриб, ҳушидан кетганича үзига кслмади.

Икки йил конда ишлагач, айбсиз экани бирданига асн булиб қолиб уйига қайтди. У түхмат азобидан азият ческмас эди. Қамоқда одамларнинг гап-сұзларини эшитавериб дунс үзи шунақа экан, деган холосага келганди. Жамшид онасининг үлемидан эзиларди. Үқиши ҳам, ишни ҳам ташлаб бир йил бскор юрди. У отасининг бир иш юзасидан Маҳмуд Эсонов — Чувринди билан танишиб қолганини, Маҳмуд орқали Асадбекка арз этгани оқибатида «оқланиб» чиққанини билмас эди. Буни кейинроқ Чувринди хизматига ўтганидан кейин билди. Отаси «үғлимнинг бошини икки қилай», деб күп уринди, аммо Жамшид күнмади. Охири отасининг үзи ўйланиб, Жамшид тула озодликка чиқди. Унинг истаган срларда ётиб юриши шундан.

Жамшид машинага чаққон ўтириб, моторни ўт олдирди. Тспадаги йигитлардан бири дарвозани очида, кӯчага чиқиб турди.

— Акаларингга хабар қилдингми? — деди Асадбек машинага ўтиргач. — Депутатни чақиришсин.

Жамшид мотор қизишини кутмай, машинани юргизди. Кучадаги йигит сница тұхтаб, ойнакни туширди да, Бек акасининг топшириғини айтди.

Асадбек шаҳар марказидаги қароргоҳыга стиб борғунича Чувринди билан Кесакполвон ҳам іүлга чиққан, барвақт бозовта қилингандың депутат Орзубек Болтаев эса шошилганича кийинарды. Қароргоҳыннан хиљват хоналарида туни билан давом этгандың маишат тугаган, қыздар ҳам кетиб улгуршынан зеди.

Болохонадаги йигитлар қароргоҳа ҳам хабар бергенлари учун Бұтқа эшик олдида құл қовуштириб тұрады.

Асадбек итқари кириб бир писладан қайноқ қаҳва ичгунича қанотлари стиб келишди. Тонғы өки тунғы йуқловлар уларни ажаблантирмас, шу сабабли «німа гап, тинчликми?» дегандың сүроқ улар учун ортиқча зеди. Асадбек улардан ҳеч маҳал ҳол-аҳвол сұрамасди. Иккисіндең деңгелі — бас, аҳволинг яхши, дерди. Шуннинг баробарида бирорыннан ҳол сұрашини ҳам сұқтиримас зеди. Тоби қочиб қолған кесләри уннан одатини билмаган одам: «Тузукмисиз?» деб сұраса, «Ха, үлишим керакмиди?» дегандың шириң жағобни эшитарды.

Улар ана шундай ортиқча манзиратсиз яшаға урганишган, бугунғи учрашув аввалгиларидан фарқ этмас зеди. Аъёнлар бекнинг сұз бошлашини кутиб утиришди.

— Хайдар, Шилимшиқ келдими? — деди Асадбек, Кесакполвонга қараб.

— Ха, келди, үзида йүқ хұрсанд. Мошина түгрилаб бердим. Таксицилик қилиб юра тұрсын.

— Отарчига қандай маълум қиласан?

— Бу өфи пишган, — Кесакполвон шундай деб пинжагининг ич чұнтагидан тұртта фотосурат чиқариб, Асадбекке узатди. Суратда Шилимшиқнинг Ноила билан айш-ишрати акс этганды.

— Худди үзидай қилиб ишлаган, қалбакилигини иккисіндең деңгелі ҳам сезмайды, — деди Кесакполвон, Асадбекнинг тикилиб қолганини күриб.

— Сезиб қолса-чи?

— Үнда гувоҳ топамиз.

— Ишинг хом. Маҳмуд, пухтароқ үйлаб қўйларинг.

Шу пайт эшик очилиб, Бұтқа қуриндиде, деспутат кесләрини маълум қилди. Ноиланинг қотилини Элчинга қандай топшириш хусусида яна бирор кенгашиб олингач, деспутатнинг киришига рұксат берилди.

Депутат узун бүйли, бадқовоқ, эллик ёшлардаги киши эди. Уни кўрган одам қовоқларни кутариб, инсон кепатасида сақлаб турувчи устунчалар тушиб кетгану шу хунук кўринишга келиб қолган, деб уйлаши мумкин эди. Гарчи асл исми Орзубек бўлса-да, Асадбекларнинг лаврасида олдийгина қилиб «депутат» деб юритиларди. Шу ҳам тузук, чунки унинг ҳуснини қўятурайлик, совуққина тўнғиллаб гапиришини эшитган кимса «Орзуга ҳам қасам ичирворибди, даюснинг боласи», дейиши табиий. Депутат — Маҳмуднинг топилдиғи. Халойик бир-икки тўлғониб, намойишга чиққанида уни олдинги сафда кўриб меҳри тушиб қолган эди. Маҳмуд депутатни сўздан қайтмас, мард, оқил одам сифатида қабул қилиб, унга холисанилло ёрдам бермоқчи эди. Асадбек у билан дастлаб куришганида ёк «бу қоронгу башарада ақл куринмаяпти-ку?» деди. Кейин суҳбатлаша туриб тил билан дил ўртасида анча фарқ борлигини фаҳмлаб, ёрдам беришга кўнди. Замон чайқалиб турган пайтда шунақа одамлар ҳам ксрак, деб уйлади.

Ишга Асадбек аралашганидан сўнг бўлажак депутатнинг муҳолифлари уз-ўзидан четга чиқиб, Орзубек сайлов чиғириғидан битта ҳам туки тўкилмай утди. Депутат Асадбеклар учун тирик товон эди. Асадбек кўпинча уни «боқиб олган стим тойлогим» деб мазах қиласарди. Чунки халқ деб жон куйдириб юрган бу одамнинг эгилиб ишлашга тоқати йўқ, узини, болаларини, ҳатто узидан тўрт ёш катта яхудий хотинининг олдинги эридан орттирган икки ўглини, кети узилмайдиган месҳмонларини шулар боқиши лозим эди. Хориж сафарига чиқса, совға-саломлар ҳам Асадбеклар бўйнида. Унга сарфланастган пул Асадбек учун арзимас бўлсада, кейинги пайтда малол келиб, гашлана бошлаган эди. Депутат узининг қудратли одам эканига ишона бориб, Асадбекларни майда киссанурлар ўрнида курастгандай эди. Асадбек бу бадқовоқнинг кузларини мошдай очиб қўяй, деб юрганида Элчин келиб қолди. Қани, халқим деб кўкракка урастган бу зот ноҳақ азият ческиб келган шу халқ боласига қайишармикан?

Бадқовоқ депутат кириб гўдранди. Нима деганини энг зийрак қулоқ ҳам ажратиб бсролмаса-да, салом берганини тахмин қилиш мумкин эди. Утирганлар бундай саломлашишга ўрганиб қолишгани учун бош иргаб алик олишди. Депутат Асадбек рўпарасидаги буш уриндиққа ўтириди.

— Аҳволлар қалай? — деди Асадбек.

— Яхши. Дунёнинг айрим мамлакатларида...

— Дунёни қўйинг. Телевизорни биз ҳам кўриб ётиб миз. Ўйдан гапиринг. Бола-чақа омонми? Жуҳул хотинингиз мусулмон булаётган эмишми?

— Ҳа, муслима бўлади, намоз үқияпти.

— Ақлли одамсиз-да! Девор бўлмаса кучани ҳам куравсрсангиз керак? — Асадбекнинг пичинги жавобсиз қолди. — Қизингиз ҳам намозхондир?

— Энди урганяпти.

Асадбек ўзаро сухбатларда оилани сира ёсламасди. Шу сабабли Орзубек кўнглида хавотир уйғонди.

— Қизингизнинг бўйи ётиб қолибди, деб ёнишдим. Йигирмага кирганми?

— Үн тўққизда.

— Айни турмуш қурадиган пайти экан. Сиз халқ-парвар одамсиз. Халқнинг азият чеккан бир боласи бор, шуни ку‘в қилинг, қизингизга мана биз совчимиз.

— Қизим ёш, үқийди, узатиш ниятимиз йўқ.

— Биродар, Бек акангиз сўрайтилар, а? — десли Кесакполвон, «Бек акангиз» десган сўзга урғу бериб. Учтагина сўздан олам жаҳон маъно уқиши мумкин эди: «Бек акангиз унча-буңча одамнинг орасига тушмайдилар. Қизим баҳтли бўлсин, десанг раъйини қайтарма», синки «Сенга шунчалик яхшилик қилган одамга терс гапириб пушаймон ема», синки «Яхшилик билан бсрмасанг, қизинг қулма-қўл булиб кетиши ҳам мумкин, а?!» Орзубек Кесакполвоннинг сўзларидан учинчи маънони уқиб, жони халқумига келиб қолгандай бўлди. Ҳамиша қовоғини уюб юргани учун вужудида уйғонган ғазаб ўтининг алангаси юзларида сезилмади. Бошқа одамлардай қизармади, бўғриқмади, лаблари учмади. Сиртга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум алангана уни ичдан кемиради. Бу ҳаромхўрларга (ҳаромхўрларга ҳамтовоқ экани хаёлига келмади) дуч келган кунини лаънатлайди (улардан кураётган фойдасини ҳисобга олмайди). Эртага катта амаллар шоҳсупасига кўтарилиши мумкин бўлган одамга (кимнинг зўри билан кўтарилилар экан?) бу хилда безбетларча (!) муомала қилишларидан бир ғазабланса, ўзининг бу олчоклар (!) олдида начор ўтиришидан ўн ғазабланди, Мажлисда оташин нутқлар ирод этувчи, хатто зўр нотиқларни ҳам саросимага солиб қуловчи халқ фидойиси қайда-ю, учта муттаҳам (!)га гапини айтольмай мум тишлиб ўтирувчи начор одам қайда! Нимадир дейиши керак эди,

қурбақани боссанг вақ дейди, ҳархолда у қурбақадан минг чандон улугроқ бир одам, вақыллағанда ҳам түзкөрөк вақиғлаши керак.

— Бек ака, умр савдосига бунақанги аралашиш ярамайди. Биз ҳуқуқий жамият тұзмоқчимиз. Мана, үзингизниң қызынгиз бор...

Орзубек «қызынгиз тақдирига биров хұжайинлик қилиши яхшими?» демоқчи әди. Аммо «берди»сінні айтиб улғурмади. «Қызынгиз бор...» деган гапни Асадбек «ұша одамға үз қызынғын бсринг», деб тушуниді газаб билан үшікірди:

— Менің қара, у, сұтак! Сен бу срда масала сұқима. Үйніңга бориб жуҳуд хотининг билан маслаҳатлаш. Жуҳуд хотинлар ақлли булишади. Эртага әрталаб ә ҳа, дейсан, ә йүқ, дейсан! Бор, жуна, түркінгни күрсатма!

Асадбек аччиқланған маҳалда Чувринди орага тушиб вазиятни юмшатышға уринарди. Ҳозир бунга эхтиеж сұзмади. Асадбекнің қызыни тилға олиб кесчирилмас хато қылған депутат шусиз ҳам осон қутуластган әди. Элликни қораластған одам өш бола ҳолига тушиб, индамай чиқиб кетди.

— Вой, хунаса-с, — деди Ксакполвон, депутат чиқиб кеттегач.

— Үчир, — деди Асадбек. — Үзинг жа талтайтириб юбординг. Үзбек хотинини қыйиб, жуҳудға үйланған одамдан яхшилик чиқармиди? Дошқозонда сув қайнатиб ушанға ташлаш керак буни.

Әшиқ очилиб, яна Бұтқанинг башараси күринли.

— Бек ака, амакингиз мозорда юрганмишлар.

— Қайси мозорда, ким чиқариб юборибди?

— Катталар күмиладиган срда эмиш. Ким чиқарғанини билмадим, — Бұтқа шундай деб изига қайтиб, әшикни әпди.

Асадбек савол назари билан Чувриндига қаради. Маҳмуд унинг мақсадини англағ, телефон гүшагини кутариб, рақам төрди. Жавоб бұлғақ, салом-аликсиз сүрекқа тутди:

— Зинатулинни нимага чиқардингиз?

Жавобға бироз қулоқ тутиб, гүшакни жойига қүйди.

— Қизи кеслиб бир кунға рухсат олған экан. Отарчи сизнинг номингиздан бориб, ошнасини чиқартырибди.

— Ким экан, ошнаси, аниқла. — Асадбек шундай деб үрнидан турди. Аъснлар унга эргашишди. Зинатулинни улар Асадбекнің «үтгай амакиси» сифатида

билишарди. Жиннихонанинг учинчи қаватида сақда-  
нувчи үгай амакисидан Асадбек тез-тез хабар олиб ту-  
рарди. Бу одам ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмас эди.  
Қирқ түққизинчى йилнинг уттиз биринчи декабрида  
үйларига бостириб кирган, сандықни титган, таңча ус-  
тига утирганича папирос гутатган, «сенинг отанғ ҳам  
дushman», деган новчанинг Зиннатулын эканини Асад-  
бек улғайгач аниклади. Отасини олиб кетгандар фақат  
ижрочилар экани, түғон бошидагилар эса бошқалар  
экани уни қизиқтирмас эди. Бири новча, бири паст  
буйли икки одам суврати күз олдига муҳрланиб қол-  
ган, етса ҳам, турса ҳам улардан уч олинии уйларди.  
Кесакполвон билан бирга булиб, сал қаддини тугиб  
олгач, топганини сарф қилса-да, уша икки кишини  
аниклиди. Паст буйлинин излаб күп шаҳарларда булди.  
Ниҳоят топди. Аммо ушанды бир ҳомлик қилди. Кесак-  
полвоннинг гапига кириб, уша срлик үгрибошлардан  
бирига маслаҳат солди.

— У чиндан ҳам ифлос одам, — деди үгрибоши. — Миллатимизга иснод келтирган. Лескин биз миллати-  
миз вакилини хафа қылдириб қўймаймиз.

Чиндан ҳам хафа қылдиришмади. Авайлаб асралди.  
Ушандан кейин Асадбек яна икки марта борди. Улжа-  
га яқинлашаман, деганида үгрибошининг йигитларига  
дуч кславерди. Шундан сунг стги йил кутди. Үгрибоши  
қўлга олинганини билиб учинчи марта борди. Тўй ус-  
тидан чиқди. Икки қаватли уй, ҳовли гавжум эди. Ул-  
жаси, тепакал, думалоқдан келган одам Асадбекни та-  
нимасди. «У, Ўзбекистон менинг юртим, у сарда қадр-  
донларим кўп!» деб қувониб кутиб олди. Тўй қизиган  
пайтда у меҳмонларнинг муҳим гапини эшиши учун  
хонасига бошлади. Ҳовлида хушчақчақлик авжида, ба-  
ғоят шинам безатилган бу хонада эса 1950 йил бирин-  
чи январдаги ҳукм ижро этиларди. Асадбек бундай қу-  
лай фурсат бошқа насиб этмаслигини билиб шошилар-  
ди. У қамоққа тушганлар қандай азобларга гирифтор  
қилингандарини эшитган, ҳисоб-китоб чоғида бу  
қийиноқларни қўллашни ният қилган эди. Вақт зиқли-  
гидан афсусланди, аммо армонда қайтмади: сигарет чў-  
гини пешонасига босиб туриб қирқ түққизинчى йил  
уттиз биринчи д скабрдаги воқеани айтди, ётқизиб  
қўйиб тумругини оғзи билан эзди... Маҳбуслар азобга  
чидолмай бақирадилар, бу эса оғзига латта тиқилгани  
учун, бундан маҳрум эди. Уни оғидан осиб, билак  
томирларини қирқиб ташладилар.

Тўй эгасининг йўқолгани маълум булиб, қидир-қидир бошланганида Асадбек кира қилган машина Ерсандан чиқиб, Боку сари учиб борарди. Нодон, гул узбекларни катта пулга туширганидан хурсанд бўлган ҳайдовчи эса ўзича хиргойи қиласди.

Асадбек Зинатулинни ҳам ўша кесларда топган бўлса-да, унга ўлимни раво кўрмади. «Ўгай амаким», деб унга «мехрибонлик» қилди. Зинатулин дорга эмас, жиннихонага маҳкум эди. Шубҳасиз, у ўзининг «мехрибон ўгай жияни» борлигидан бехабар эди. Жамиятга сидқилилдан хизмат қилганман, деб байрам кунлари нишонлари тақилган қора костюмини кийиб, тантанали мажлисларда виқор тўкиб ўтирувчи, ёш авлодга қаратса оташин нутқлар сўзловчи бу одам ўзини дастлаб жиннихонада кўрганида гоят ажабланди. «Болаларим бемесҳр чиқди, оқибатда қариялар уйига топширишади», деб ўйларди. Ҳали куч-қувватдан кетмай туриб жиннихонага олиб кетишлари сабабини билмай ақлдан оза бошлади. Учинчи қаватга «кўтарилиш» учун кўп фурсат талаб этилмади.

Асадбекининг ўша «ўгай амакиси» энди жиннихонадан чиқиб, мозорда юрганмиш. Бу Асадбек учун кутилмаган ҳол эди. Шу сабабли мозорга шошилди.

## 2

Ойнакчи довул туриб шаҳардаги барча дсраза ойнакларининг синишини орзу қилиб яшаркан. Гурков ўлим кўп булишини истамаса ҳам, мозорга одам кириб келса кўнгли қувонади. Чунки одам мозорга бескорга келмайди. Ё майит учун қабр қазишни илтимос қиласди, ё марҳумлар руҳига Қуръон ўқитиб, тўрт-беш сўм ташлаб кетади.

Иссиқ ҳужрада худойи ошни сб, чойхўрлик қилиб ўтирган гурковлар изма-из келиб тўхтаган икки «Жигули»ни кўриб, ташқарига умид билан қарашди. Анчадан бери шу атрофда ивирсиб юрган бош яланг йигит биринчи машинадан тушган уч одамга бир нима дегач, улар ҳужра томонга қараб ҳам қўймай, катталар кўмилган, ҳайкалчалар тизилиб турган томонга қараб юришди. Гурковларнинг каттаси «булар текширувчи лармасмикин» деган хавотирда эшикни очиб, ташқарига қадам қўйиши билан иккинчи машинадан тушган йигит «Амаки, жойингизда ўтираверинг», деб қайтарди.

Кечаси әққан қор ҳайкалчаларнинг боши, бурни, скасига қуниб, одам шаклини бесүхшов бир тусга киритган эди. Қаргаларнинг қағиллашидан булак овоз эшитилмаётган қабристонда бирдан кулги янгради. Асадбек шошиб уша томон юрди. Аслларнинг қалта пальтосини кийиб олган новча одам бир ҳайкалча рупарасида туриб олиб, нуқуд куларди. У Асадбек келаётган йўлга орқа қилиб тургани учун уларни курмади. Асадбек тўхтаб, уни кузатди. Зинатулин кулгидан тўхтади. Ҳайкалчанинг бурнидаги қорни кафти билан сидирди.

— Ана, энди одам булдинг. Танимайди, деб уйловдингми? Нимага қалтираяпсан? Совукми? Ҳа... қўрқяпсанми? Сен қўрқяпсанми? Сен қўрқма. Қозоннинг қопқоғини өпиб ташлаганман, иси чиқмайди. Душманларнинг улиги кислотада куйдирилган. Ҳа, қўрқма. — У шундай деб ҳайкалча рупарасидаги қабртош устига ўтириди-да, осгини чалиштириб олди. Тирсанги тиззаси устига қўйиб, қаддини сал букиб, жагини кафтига суюди. Ўйга толган мутафаккир мисол анча ўтириди. Сунг сапчиб турди. Атрофга аланглади-да, қўлини пахса қилиб, жаҳл билан гапира кетди:

— Сен паразит, оппоқман, деяпсанми? Мен сенни қийнадимми? Тумруғингга калиш билан урдимми? Бoshингга қайноқ сув томиздимми? Шиша синиқлари солинган этик кийгизиб сакратдимми? Музхонага ташлатдимми? Ҳа-а... сен буларни курганинг йўқ? Уртоқларингни узинг сотдинг. Нимага сотдинг? Ватан учун қайгурдингми? Мана сенга Ватан! — у шундай деб бош бармоғини икки бармоғи орасига суқиб, ҳайкалчанинг бурнига тақади. — Курдингми?! Мен аҳмоқманми? Дустини сотган одамда Ватан туйғуси буларканми? Ҳа-а... гапга уста эдинг. Сен жим тур, паразит, — Зинатулин шундай деб ёнбошдаги ҳайкалчага қараб олди. — Ҳилолий группасига мен ҳукм чиқарганим йўқ, мен оттирганим йўқ. Сенлар оттиридиларинг! Чунки улар сенлардан зурроқ олимлар эди. Сенлар шу ҳайкалга эришдиларинг. Одам тутул ит ҳам келмайди сенларни кургани. Ҳилолийни одамлар тилдан қўймайди. Ҳа, болаларинг келмаяптими? Тўғри қилишади. Сен узинг вақтида ўлиб қолдинг. Ҳсч ким башарангга тупурмади. Болаларинг исноддан бош кутаролмай юришибди. Нима? Ушанда бола-чақани ўйламабмидинг? Охири шунақа булишини билмагансан. Мен ҳам билмаганман, тўғри, — Зинатулин яна бояги ҳолатда ўтириб олди.

Аъёнлар «бу жинни нималарни валдираяпти», деб ҳайрон туришарди. Зинатулиннинг гаплари Асадбек учун ҳам ғалати туюлаётган эди. Жинни десса, гаплари бинойига ухшайди. Соғ десса, ҳаракатлари бемаъни.

Зинатулинга қараб туриб, Асадбекнинг юраги увишиди. Онасини эслади. Аниқ ёдида — эллик учинчи йилнинг эрта баҳори эди. Ширингина гапириб юрган Самандар шамоллаб, йуталиб юрди. Иситмалади. Дори-дармонлар ҳадсганда эм бўлавермади. Танчанинг бир томонида Асад, яна бир томонида эса онаси Самандар билан ётишарди. Онаси кенжатойини кўрпага ураб, узи тирсагига таяниб тунларни бедор ўтказар эди. Асад «оий, бирпас ухланг, мен қараб утираман», десса ҳам унамасди. Асад ярим кечада уйгонарди-да, қора чарм халтани кутариб нон дўконга чиқиб кстарди. Ўша куни ҳам шундай бўлган эди. Самандар тунда бозовталанди. Онаси унинг юзини силаб хомуш утираверди. Самандар нималардир деди. Асадбек унинг бир гапини илғаб олди:

— ...Самалут, қанотийни пастлаб ўт...

Укасининг ширин тилчалари билан айтадиган ашуласи ана шу алаҳсираган овоздан хотирасига муҳрланиб қолди. Эндигина тили чиққан болачаларни кўрганида унинг қулоги остида ўша хаста овоз жаранглайвсради...

Асад нон олиб қайтганида уйнинг эшиги ланг очиқ, онаси кесакига беҳолгина суюниб турарди. Аввалига у ҳатто уғлининг кириб кепганини ҳам созмади. Асад «оий, оий», деганидан сўнггина сергак тортиди.

— Опоқингни чақир, — деди йифламсираб.

Асад «нима учун?» деб сўраб утирмай Жалилникига чиқиб кстаётганида орқасидан онасининг сўзларини эшилди:

— Дадаси, энди сизга нима деб жавоб бераман?!

Онасига қўшилиб Жалил ҳам чиқди. Асллар ичкари кириб ктишди. Ўшандан сўнг Асаднинг онаси фарҳурди.

— Самандар... улдими? — деди Жалил, Асаднинг снгидан тортиб.

«Самандар улди?!»

«Самандар улди...»

Бу гап Асаднинг миясига тўқмоқдск урилиб, тово-нигача зириллатиб юборди. Бироз нест бўлиб турдида, сўнг уйга отилиб кирди. Уй уртасига кўрпача со-

либ, укасини ётқизиб қўйишибди. Самандарнинг бир томонида онаси утирибди. Опоқиси сандик кавлаяпти.

— Ана, акант келди, болам... — онаси шундай деб Асадни қучоқлаб йиглайвсрди, йиглайвсрди...

Асад ота ўрнида ота бўлиб укасини сўнгги маконга қўйиб келди. Қуни-қушнилар уни катта одамдай куриб, таъзия изҳор этишди. Ана ушанда Асад ўзини «катта одам бўлиб қолганини» ҳис этди. Қабристондан қайтишаётганда маҳалла анча бессаранжом эди. Купчилик мактаб томонга шошиларди. Жалилнинг отаси «нима гап?» деган саволга йигитлардан бири:

— Радиони эшитайлик. Сталин улганмиш, — деди.

— Оғзингга қараб гапир-е, нима дсяпсан? Сталин ҳам уладими? — деди Жалилнинг отаси.

Бу атрофда радио фақат мактаб директорининг хонасида бор эди. Кечқурун, эрталаб радио эшитувчи қоровул маҳаллани янгилик билан таъминлагани сабабли уқитувчилар қатори у ҳам ҳурматли кишилардан саналарди. Сталиннинг ўлими ҳақидаги хабар ушандан чиққани аён эди.

Асад билан Жалил ҳам бошқаларга қўшилиб мактабга киришди. Директор хонасидаги радио кенг дахлизнинг ўртасига олиб чиқиб қўйилган. Иккинчи қаватга олиб чиқувчи зиналарда одамлар тирбанд утиришибди. Ҳамма жим. Барчанинг нигоҳи ўртадаги қора қутиди. Ҳудди мўъжиза юз беришини кутгандай киприк қоқишмайди.

Бирдан қора қутидан «Говорит Москва» деган жарангдор овоз чиқди. Жалил Асадни снгидан тортиб шивирлади:

— Уруш бошланганга ухшайди.

Жарангдор овоз доҳийнинг ўлим топганини эълон қилгач, радио ёнида утирган шоп мўйловли эркак «вой, отам» деб йиглаб юборди. Бир йигит хушидан кетиб шилқ этиб йиқилди. «Вой, энди нима қиламиш!» деб бир аёл чинқирди. Ола-ғовур бошланди.

— Сталин улган булса, энди уруш бошланади, — деди Жалил.

Жалилнинг отаси болаларни қулларидан ушлаб, ташқарига бошлади.

— Бу душманларнинг иши, Сталин ўлмаслиги ксрак эди, — деди у.

«Нима учун ўлмаслиги керак?» деган савол Асадни куп уйлантириди. Орадан йиллар утиб, Сталин қоралан-

ганды ҳам шу саволни күп эслади, аммо жавоб топа олмади.

Шом тушиб, құни-құшнилар уй-уйларига тарқалиш-тәгі, она-бала өлгиз қолишиди. Уруш йиллари жанггох-лардан жоң олиб түймаган ҳазрати Азроил бу томон-ларда ҳам каттами-кичикми фарқига бормай тутиб ола-вергач, одамларнинг дийдалари анча қотиб қолган эди. Шунданми, гудакнинг үлими катта фожиа саналмасди. Самандарни қабристонга олиб боришастганда Асад-нинг назарида ҳамма қайғуга ботган эди. Кейин Сталин үлими ҳақида хабар тарқалди-ю, гудакнинг үлими билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди.

Ёлғиз утирган она-болани ютаман, дегандай тун спирилиб кирди. Танча совуқ — олов қилиш эсларига келмабди. Қора чироқ қоронғилик даҳшатидан қўрқ-қандай титрайди. Она-бала гап-сўзсиз узоқ утиришиди. Асад энди кўзи илинган экан, онасининг овозини эшишиб, чўчиб уйғонди.

— Аласи, олинг, нондан сб туринг, ҳозир самовор қайнайди.

Асад ҳам қўрқув, ҳам ажабланиш билан онасига қаради. Патнис устида липиллаб турган чироқдан булак ҳеч нима йўқ. Лескин онаси нон синдиригандай ҳаракат қиласди.

— Самандарингиз ухлаб қолди-да. Шунақанги ширин бўлганки... Олинг, чой ичинг. Энди узоққа кетманг... Одам соғинаркан...

Асад «Ойи...» деди сскин. Кейин овозини кутариб-роқ чақирди. Онаси эшифтади, гапираверди...

Ушандан бошлаб ҳар тун шу ҳол такрорланаверди.

Зинатулиннинг тақдирни уша тунларнинг бирида ҳал қилинган эди. У дамда Асад Зинатулин деган зотни билмасди. Айнан шу одамни жинниликка ҳукм ҳам қилмаган эди. Уйларига бостириб киргандарнинг бири қийноқ билан үлим топмоги, иккинчиси жинни булиб хорланиши лозим эди. Ерсвандаги улжа шошилинч равишда үлдирилиши шарт эди. Зинатулиннинг иши шошқич эмас, шу боис иккинчи ҳукм унга насиб этди...

Зинатулин бсхос қичқириб, Асадбекнинг хаёлларини тўзитиб юборди.

— Йўқ эди ҳеч қандай комитет! — деди у урнидан сапчиб туриб. — Йўқлигини билардим. Улар «халқ душманиман», деб тан олишиди. Аммо сенинг кимлигингни билиб кетишиди. У сўда, — Зинатулин қулини

бигиз қилиб осмонга санчди, — ҳали учрашасан, ҳа! — У қаҳ-қаҳ отиб кулди. — Нима дейсан әнди?! У еңда әнкесведе бүлмайди. Расвоинг чиқди, паразит! Ҳамманг расво бүлдүларинг, — Зинатулини шундай деб қабрларни оралаб юриб кетди.

Асадбек то унинг қораси үчмагунча изидан тикилиб турди. Аъёнлар «ўгай амаки»нинг аҳволига ачингандаи индашмади.

— Энди ўз ҳолига қўйинглар, — деди Асадбек. — Жиннихонага қайтмасин. Юраверсин.

Чувринди буйруқни яхши англамай, Асадбекка қаради:

— Кузатувдаги йигитларни бошқа ишга олавсрайми?

— Ҳа, ишларинг бўлмасин, дедим-ку! Жиннихонага тайинла, болалари олиб борса, қабул қилмасин. Тамом!

Минг тўққиз юз эллигинчи йилнинг биринчи январидаги ҳукмнинг сунгроқ тузатилган иккинчи ярми шу зайлда ижрога кирди.

Зинатулинни қабрлар аро танҳо қолдириб, изларига қайтдилар. Гўрковлар хонасига кутарилувчи зина өнидаги энсиз супага кўрпача тўшалибди. Кўрпача устида чордана қуриб утирган, бошига қозонни эслатувчи қўлбола қалпок кийган, пахмоқсоқол уларнинг эътиборларини тортди. Жамшид гўрковбошини ташқарига қўймай изига қайтаргач, дам утмай кўрпача кутариб шу пахмоқсоқол чиқиб кслган эди. Кўрпачани супачага тушаб утириб олгани учун Жамшид унга индамади. Пахмоқсоқол бир ниманинг илинжида утирганини сенса ҳам Асадбек тўхтамай утиб кетмоқчи эди.

— Ис, вей, тўхта, — деди Кесакполвон пахмоқсоқолга тикилиб, — директоримга үхшайди-ку?

Асадбек тўхтаб, Кесакполвоннинг изидан қаради. Пахмоқсоқол утирган срида саломга алик олди. Кесакполвон супа четига омонат утиргач, пахмоқсоқол тиловат бошлади. Сузларини ямлаб талаффуз қилишига эътибор берив, бу «қори» ҳам кейинги пайтда бирданига бодраб чиққан чаламуллалардан бири эканлигини фаҳмлаш қийин эмасди. Тиловат тугагач, Кесакполвон ўн сўм узатди. Пахмоқсоқол шунга яраша узоқ дуо қилди.

Кесакполвон пахмоқсоқолга тикилганича утираверди.

— Ҳа, үглим, мени бирорга ухшатяпсизми? — деди пахмоқсоқол ўнғайсизланиб.

— Ухшатяпман... Сиз ўттиз иккинчи мактабда ишламаганимисиз?

— Ҳа, энди... шуроларга ҳам хизматимиз сингган. Сабаби тирикчилик-да. Сиз, үглим, шу мактабда ўқиганмисиз?

— Тикилманг, танимайсиз мени. Сизни қамалиб кетган деб эшитувдим.

— Ҳа, энди... туз-насиб қўшилган экан...

— Бир ўқувчи қизни... а?

— Астағфируллоҳ! Бу бўхтон гап. Сталин даврида реприса қилинганиман.

— Қани, қори ака, би-ир осмонга қаранг, — пахмоқсоқол ажабланди, бироқ, Кесакполвонга итоат этди — осмонга қаради. — Энди Худога үлбориб, «менга юз сўмлик ёғдир», дениг.

— Шаккоклик қилманг, үглим.

— Сиз айтганимни бажаринг, — Кесакполвон бу сафар таҳдид билан гапирди. Пахмоқсоқол чўчиб, бир нима деб пичирлади.

— Сурадингизми, бермадими? Энди мендан сўранг.

— Үглим, қўйиніг, гуноҳ бўлади...

— Сура дсяпман!

— Юз сўмлик ёғдиринг... үглим.

Кесакполвон чўнтағидан бир даста пул чиқарди-да, Пахмоқсоқол устидан сочди. Пахмоқсоқолнинг кўзлари қинидан чиққудай булиб уйнаб кетди.

— Қани, мен кучиманми, ё Худоми? — деди Кесакполвон унга заҳарли нигоҳини қадаб. Пахмоқсоқол бошини эгиб утираверди, жавоб бермади.

— Нимага ундан қилдинг? — деди Асадбек, машинага утиришгач.

— Ҳаромидан учимни олдим, — деди Кесакполвон сигарст тутатиб.

— Ким у?

— Мактабимизга директор эди. Ҳар куни бизни ҳовлига тизиб «Осмонга қараб «Худо, конфет бер», деб ялининглар», дерди. Айтганини қилардик. «Ху-уш, бердими? Йўқ. Демак, Худо йўқ экан, а? Энди «Директор бова, конфет беринг» денглар», дерди. Айтганимиздан сўнг уч-туртта болага попуклик конфет берарди. «Ху-уш, Худо зўрми ё менми?» дерди. Эллик саккизинчи

йилда бир уқувчи қизни боплаб қүйған экан. Сталин репрессия қилди, деб утирибди ҳароми. Бир болайман, деб юрувдим, учрагани яхши булди.

Пахмоқсоқол Кесакполвонни танимади. Лекин мактабдаги уша ҳолни эслади. Кесакполвон уни «боплаганидан» хурсанд кетди. Пахмоқсоқол эса шундай эси йүқ бандаларни ҳам яратгани учун Худога шукрлар қилиб, сочилиб ётган пулларни йигиб, чұнтакка урди.

## X I Б О Б

### 1

— Мен Бск акамни отамдан улуг деб биламан. Бск акам аралашмаганлар бу ишга. Мен эшик олдида қоровул әдим. Шилемшиқнинг мақсади менге ҳам но маълум әди...

Элчин рұпарасида утирган жингалаксоч йигитдан күз узмай утирарди. Үзини Жамшид деб танитған бу йигитни янги йил шомида күрган әди. Саволларига жавоб бергиси келмай энсаси қотган йигит бутун күтилмаганда узи кириб келди — Элчиннинг ярасига туз сепди. Жамшид нигоҳини олиб қочмасдан, үзини айбели деб ҳисобламасдан тик қараб туриб гапирди. Ноиланнинг қайси хонада үлдирилгани, Шилемшиқнинг қандай киргани, қандай зұrlагани... ҳаммасини айтди. Сунг... суратлар чиқарди. Ана шунда Элчин үзини тута олмай қолиб бүғиб үлдирмоқ қасдида унга ташланди. Үша мудхиш воқеага Жамшиднинг алоқаси борми-йүқми — Элчин учун фарқсиз әди. Энг муҳими — бу малъун уларнинг шериги, уларнинг одами!

Жамшид Элчин ташланиб қолар, деб маҳсус тайёр гарлик куриб утирган әди. Аммо унинг Асадбек тұдасида олган энг муҳим сабоги — сергакликни бир нафас ҳам йүқтотмай, ётса ҳам, тұрса ҳам, ҳар қандай ногаҳоний ҳамлага тайёр булиш әди. Үша ссрғаклик панд бермади — үзини четга олишга улгурди. Құлларини құзганича ташланған Элчин үзини тұхтатолмай олдинга учди. Шунда бүйнига бир зарб тушди. Сунг қули орқасига қайрилди. Жамшид чұнтағидан чизимча чиқариб бүғишина шайланған құлларни бир зумда боғлаб ташлади. Бу ишлар күз очиб юмгунча бажарилди. Бүгзига пичоқ тортилғандай хириллаётган Элчин дастлаб

қай ҳолга тушганини англамай ҳам қолди. Кейин бошини күтариб, Жамшидга қаради:

— Құлларимни бушат, ҳароми!

— Ҳароми нималигини биласанми узинг! — Жамшид шундай деб унинг қорнига тепди. Элчин нафаси қайтиб, буқчайиб қолди. Жамшид эса, хотиржам ҳолда چүнтагидан сигарет олиб тутатди.

— Ҳароми деб сендақаларни айтади. Хотинингни қиморға тикиб юриб, энди ақлинг кириб қолдими? Бек ака сенга муруват қилиб, душманингни авайлаб, асраб турдилар. Үзи хумордан чиқсин, дедилар. Сени үлимдан олиб қолдилар. Армонда кетмасин, дедилар. Үгил болалик шунчалар булади-да! Үзингни босиб ол, ҳс итдан тарқаган. — Жамшид шундай деб унинг оғиги ҳам bogлади-да, чиқиб кетди.

Элчин құлларини бушатолмай ерда типирчилаб қолаверди. Зелихон келмаганида қанча өтарди — Худо билади.

Зелихон Элчиннинг уйига хавотир билан келди. Чунки Элчин ваддага биноан уникига бориши лозим эди. Зелихон уни кута-кута тоқати тоқ булди. Ҳамиша хатар жари устидаги қыл күпприкда юрувчи одамнинг юраги сезгир булади. Зелихон ҳам Элчинга бир нима булди-сів, деб хавотирланган эди — сезгиси алдамади.

Типирчилайверганидан чизимча құл-оғигини шилиб юборған эди. Чизимчә счилгач, шилинган ерлари ловуллай бошлади. Лескин Элчинни ҳозир бу эмас, юрагидаги ут күпроқ қийнарди. У Жамшидинг ташрифи ни қисқагина қилиб айтиб берди. (Тепки еганини, шубҳасиз, яширди.)

— Ўйин бошланибди, — деди Зелихон стол устида сочилиб өтгән суратлардан бирини олиб.

Элчин худди хотинини шармандали ҳолда күрсатаётгандай уялиб, суратларни қулидан тортиб олди.

— Яхшилаб қарадингми, суратларни ясашмагани? — деди Зелихон. — Ростакам суратлигига мәнда ишонч йүқ. Чунки, хотинингнинг үлими — тасодиф. Иғво мақсадида қылымаган бу иш. Демак, ҳар мақомда суратга олиб үтиришмайди. Хотининг үз хоҳиши билан қүшилмаган. Зурлашган. Демак, күзларини бундай юмиб, роҳатланиб турмайди...

Элчин дастлаб жаҳл устида суратларга эътибор бермаган эди. Зелихоннинг гапидан кейин суратларга тикилди.

- Түгри, — деди у суратларни таҳлаб. — Ноилянинг слкасида тиртиги бор эди. Суратда эса йўқ.
- Ҳа... Үқилон бир янгишибди. Ишонишингни жуда ҳам хоҳлаяпти. Шилимшиқ деганиларини танийсанми, узинг?
- Танийман. Уйинда у ҳам бор эди. Ушанга ютқизган эдим.
- Шилимшиқ уларга ёқмай қолган бўлса, сенинг қулинг билан йуқотишмоқчи? Йу-үқ... Бек гирром қитмаса ксрак. Фақат сени ишонтиришининг нотугри йулини топибди. Шундай айтсак, ишонмайди, деб уйлашган. Энди ишонишинг ксрак.
- Ҳаммасини улдираман, — деди Элчин, муштумини қаттиқ қисиб.
- Аввал нақдини улдириб тур. Хўш, нима қиласан?
- Нима қилишини Элчин билмасди. Тўгри, улдиришнинг бир неча турларини хаёлида пишишиб юрарди. Лскин амалга оширишга келганида қуллари қалтирамасмикин?

## 2

Тақдир ёзугига Асадбек тўдасига алоқадор ишларни юритиш битилган экан, прокурор ёрдамчисининг чистлатишга уриниши бекор бўлиб қолаверди. Намозов ишининг усталик билан ёпилишидан газабланиб юрган Зоҳид Шариповга кутимаган иш топширилди. Зоҳид милициянинг қидирав гуруҳи билан воқса юз берган срга бориб даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлди: йўл чистидаги дарахтга эркаклиги кесиб ташланган, чап кўкрагига пичоқ санчиб қўйилган қип-яланғоч одам осилган эди. Үн қадамча нарида ёндириб юборилган енгил машина темирлари қорайиб турарди. Бу қотиллик тунда амалга оширилган, серқатнов катта йўлдан машиналарда ўтганлар бу манзарани, ақалли снастган машинани, шубҳасиз, куришган, аммо тўхташга, жилла курса хабар беришга қўрқишган.

Суратчи ишини тутатгач, мурдани срга олиб, устига чойшаб ёпиб қўйиши. Зоҳид атрофни синчиклаб кузатди. «Эркаклиги кессиб ташланганига қараганда қотиллик тасодифан юз бермаган, — деб уйлади у. — Орада қасос бўлганми? Унда нима учун юрагига пичоқ санчиб, сўнг дарахтга осиб қўйган?» Зоҳид шу пайтгача майда ўгрилару безорилар билан шугулланган эди. Прокурор ёрдамчиси ваъда этган жиддий ишнинг бу

даражада булишини кутмовди. Зоҳид бу жиноятнинг тагига ста оладими с бу иш ҳам очилмай ётган қотилликлар сафиға қўшиладими, ҳозир билмайди. У қотилликларнинг ярим тунда эмас, шомда содир бўлганидан ҳам бсхабар. Мурда осилган дараҳт атрофидаги изларнинг бири — Элчинники экани ҳам унга номаълум...

...Шилимшиқ деб лақаб олган Жалолни аввал дарахтга бўйнидан боғладилар. Қул-оёқлари буш эди, бироқ, қимирлашга, узини ҳимоя қишишга қурби стмасди. Қимирлади, дегунича инглишса силлиқ каноп бўғарди. У ажали етганини сезди. У Асадбек қаҳрига учраб, бадарга бўлганида ажабланган эди. Элчин «хотинимни ўзим ўлдирганман», деб қамалиб кетди. Асадбекнинг шаънига гард юқадиган гап бўлмади. Элчиннинг танобини тортиб қўйишни Асадбекнинг ўзи буюрган эди. Танобни сал қаттиқроқ тортибди, шунга шунчами? Ҳа, энди қаймоқдай нарса экан, тўйиб емаса ҳам ялаб куриши керакми? Хотинни қиморда ҳалол ютиб олганидан кейин ҳушига кслганини қиласди! Жалолшилимшиқ Асадбекска содик эди. Асадбек ҳам уни қадрларди. Ҳужайнини қайси шайтон йўлдан урди, Шилимшиқ билмайди. Битта отарчининг хотини деб бадарга қилиб юборганига сира ақли стмайди. У Русиянинг совуқ шаҳарларида насибасини териб юрган чоғларида кўп ўйлади, турли тахминларга борди. Ўзи учун энг ишончилиси — «отарчининг қаймоқдеккина хотини Бек акамнинг суюкли ўйнаши экан-да, шунга чидолмадилар», деган тахмин эди. Шилимшиқ сургун муҳлатини билмас эди. Мусофирикда ризқини қийналмай териб юргани учун ҳам «Ватан ҳажрида куйиб снис», деган ҳислар унга бсгона эди. Янги йил айшини суриб юрганида Бек акасининг йўқлаганини билиб, бир қувонди, бир кўнгли ғашланди. Уыга яп-янги таксининг калитини тутқазиб: «Бу «Волга» ўз-узингга, ақлинг бўлса битта мошинани шахсий таксопаркка айлантирасан. Ношудлик қилсанг, чоригингни судраб юравсрасан», дейишиди. Пича ақча ҳам беришди. У бундан хурсанд булди. Бироқ, Асадбек билан куришмагани юрагига гулгула солди. «Гуноҳим шунчалар кўп эканми, Бек акамнинг кургилари йўқ», деб кўп ташвиш чесди.

Бўйнига силлиқ каноп ташланганида ҳам тақдир сэзуғидан бсхабар эди. Кавказлик бойвағча йигитларнинг бу қилиғидан ҳайрон булди. «Мошинани олинглар, снимдаги пулим камлик қилса, яна топиб бера-ман», деб ялинди. Йигитлар гапга тушунмагандай бе-

парво туравериши. Яна «Йигирма минг бераман», деди. Эллик мингга ҳам чиқди. Латифа айттиб күлириб келаётган ѹигитлар эса тунд ҳолда утиравериши. Ҳаворанг «Жигули» тұхтаб, ундаи тушган Элчинни таниди-ю, тақдирға тан берди!

— Элчин, айб менде эмас! — деб бақырди жоңдолатда.

Элчин индамади. Аста-аста босиб, үлжасига яқинлашди. У ҳали үлжасини бир зумда бүғизлаб ташлайдиган ваҳший кептасига кирмаган эди. У ҳатто бироз ҳаяжонланарди ҳам. Үч олишга бунчалик осон эришаман, деб үйламаганди. Үлжага ташланиш учун вужудидаги ҳаяжон учқунини ваҳший алғанғага айлантириши лозим эди. Рупарасидаги одам — Асадбекнинг қизи эмас. Ҳозир бұлмаса бир соатдан кейин өки әртага амалға ошириладиган иш ҳам эмас. Чүнтакдан пичокни ҳозир олиши шарт, әрқаклигини ҳам ҳозир кессиб ташлайди. Сунг... азобдан үкираётган пайтда Ноилани қучған панжаларини шу пичок билан чопиб, узади. Ҳаммағи қонға беланиб тұлғанаётганида, жони чиқай десганида юрагига пичок санчади. Санчади-ю, сугуриб олмайди...

— Элчин, айб менде эмас, Худо урсин!

— Айб кимда?

— Балиқ бошидан сасијди. Асадбекнинг иши бу.

— Сен-чи?

— Мен пойлоқчилик қилғанман.

— Жингалаксоч-чи?

— Жамшидми? Уям кирған... охирида.

— Ким үлдирған?

— Жамшид.

— Яна ким бор эди?

— Кесакполвон...

Жалолшилимшиқ Элчиннинг важоҳатига қараб «ба-рибир үлдиради», деб үйлади. «Мен үламану улар маза қилиб юришсінми?.. Уларни ҳам топиб үлдирсін...» деган ниятда шошилиб-шошилиб гапиради. Ълим шарпаси юзу күзини силай бошлаганида гуноҳларға тавба қилиш ксрак, деб унга ҳеч ким айтмаган. Жон ширинлигини шу пайтгача ҳис этиб курмаган, неча одами хонавайрон қилиб, нечтаси күксига пичок саңғанда құли қалтирамаган бу банда тавба деган тушунчадан анча йироқ эди. Ҳозир тасодиф рүй бсриб, бүйнідеги силлиқ каноп счиб юборилса, нарида турған кавказлик ѹигитлар күздан йўқолса, Элчиндаги

ҳаяжон учқуни ваҳший алангага айланмай туриб, уни жои таслим қилиши аниқ булиб қоларди. Тасодиф ҳам, мұъжиза ҳам юз бермайды. Ҳадемай, қул чұнтакдан чиқади. Нима олиб чиқади — пичоқми, түппончами? Е уласи қилиб дуппослаб, сұнг дараҳтта осишадими? Жалолшилимшиқ шуни билмайди.

— Демак... Биринчи Асадбек кирдими?

— Ҳа... у олдин ҳам кеслиб юраркан. Энди сенларға... дөвди... Кейин... Жамшид қызганиб...

Жалолшилимшиқнинг гапи оғзида қолди. Тумшуғига тушған мушт зарбидан боши дараҳтнинг заранг таңасига зарб билаң урилиб, гангиб ҳушидан айрилай деди.

— Бекор айтибсан, итвачча! — деди Элчин хириллаб. У үлжасидан бу гапларни күтмаган эди. Үлиши лозим бұлган үлжаси Ноиласининг номини булғаб қўйди. Шу гап энди ут олаётган ваҳший алангага мой сепди. Элчин ҳушини тамом йўқотди. Жалолшилимшиқнинг тумшуғига яна бир-икки мушт туширгач, сұнг чотига тепди. Жалолшилимшиқ дод солиб үкирди. Қорнига ҳам тенки сгач, нафаси қайтиб хириллаб қолди. Элчин унинг кийимларини юлқиб, сча бошлади.

Кагта кучадаги машиналар шу срга келганды бироз сскинларди. Одамлар йўл чистидан нималар содир булаётганини куришарди-ю, тұхташга юраклари бетламасди, с Худо «қўй, тұхтама, бу бандам шу жазоларга лойик», деб кўнгилларига солармиди, ҳархолда яна машиналарини тезлаштириб кўздан йўқолишарди.

Элчин нима қилаётганини узи билмай қолди. Пичоқни чиқариб унинг эркаклигини шарт кессиб ташлади. Ваҳший алана тиллари унинг эсини олган, кўзини кур қилиб қўйган эди. Сал нарида турган кавказлик йигитлар ҳам Элчинидан бундай ваҳшийликни кутишмаган эди. Элчин шу алана утида қовурилиб, панжаларни кессишни унугти. Тұлғонишга ҳам қуввати қолмаган Жалолшилимшиқнинг чап кўксига пичоқ санчди.

У қасос умидида юрган кеслари малъуннинг кўксига пичоқ санчсам, таскин топарман, деб ўйларди. Мана пичоқ ҳам санчилди. Үлжасининг калласи Исо Масиҳнинг бопидай әнга эгилиб, осилиб қолди. Йигитлар яқинлашиб, жонсиз яланғоч танани дараҳт шохига осишди... Элчин қасос лаззатини билолмай қолди...

...Прокуратура тсрғовчиси Зоҳид Шарипов бу манзарадан бехабар, узича тахминлар қиласи, калавани сч-

моқчи булади. Ҳолбуки, қалавани счмоқ учун аввал унинг учини топмоқ керак. Зоҳид ути топа оладими — ҳозир билмайди. Кечга бориб олдилаги қора парда аста-секин кутарила бошлагандай булди. Аввал машина таксопаркдан ўғирлангани аниқлаши. Корхона раҳбарларининг яп-янги машинани ўғирлатиб қўйиб индамай утиришлари Зоҳидни ажаблантирди. Машина бирон ҳайдовчига биринтирилмаган, белги рақами ҳам олини маган. Ҳайдовчилар янги машина келишини орзиқиб кутишади, унга эга чиқиш учун раҳбариятга фалон сўм пора беришади. Наҳот бундан бехабар қолишса? Таксопарк Зоҳид аввал ишлаган депарада жойлашган эди. Зоҳид Ҳамдам Толиповни топиб, шу масалани счишни топширди.

Мурда тириклигига Шилимшиқ лақаби билан юрган Жалол Комилов экани аниқлангач, Зоҳид қалаванинг учини топгандай булди. У қотиллик тасодифан юз бсрмаганига ишонарди. Жалолшилимшиқ бундан йигирма йил муқаддам, усмирлик чогида бир марта қамалган. «Одоби ва меҳнатсварлиги билан бошқаларга ўрнак бўлгани, гуноҳидан астойдил изтиробда экани» инобатга олиниб, қамоқдан барвақт бушатилган. Бу «одобли бола» шундан бери милиция назарига тушмаган. Бу «меҳнатсвар бола» йигирма йилдан бери бир жойда — шаҳар хўжалигига кўча супурувчи булиб ишларди. Ота-онаси дурустгина срларда хизмат қилувчи йигитнинг кўча супурувчи — фаррош булиб ишлashi ажабланарли эди.

Зоҳид шу саволга жавоб топмоқ истагида шаҳар хўжалиги идорасига бориб, беш лўли хотиннинг қабулхонада бошлиқни қийин-қистовга олаётгани устидан чиқди.

— Бизне бирготга бегоналарнс қўйсангиз, чўлтоқ супургингез бошингизга қолсен.

— Буш жойга биз айтгон хотуннис оласизмс ё йўқмс? — деди уларнинг бири, бошқалари ҳам айнан шу гапничувиллаб қайтаришди. Бошлиқ уларнинг феълини яхши билгани учун тинчтишга ҳаракат қилмади. Лўли хотинлар жавоб кутиб узлари тинчишгач:

— Эрта-индин тугадиган хотинни ишга олмайман. Кетсаларинг кетаверларинг, штатни қисқартираман. Бошқаларнинг маошини ошираман, қайтага яхши, — деди.

— И-и-би... Хо-о... иштотнс қисқортирангз биз сизне иштонингизне қисқортамез-а, aka Расул омон

бұлсалар бизне құчага ташлоб қўймайлар. Советский власт бормс үзингизга. Уша хотуннис ишга оласsez. Ҳа, хотун бұлғондан сүнг тұғоди-да. Сиз хотун бұлғонингизда үзингиз ҳам тугар әдингизмс?

Хотинлар бири олиб, бири қўйиб шангиілайверишиди. Бошлиқ тәмирдан экан, ҳаммасига чидали. Охири қизиқ томошага гувоҳ булиб үтирган котибасига қараб бақирди:

— Буйруқ өзинг: үн стти кишидан иборат комиссия Қаторгерак, Угюжний, Магнитогорский, Зеленый құчаларини бориб тескирсін. Кұча ифлос бұлса, буларнинг ҳаммаси ҳайдалсін! Қирқ сттинчи статья билан бүшатылсін, ҳа!

Лұли хотинлар бир-бирларига савол назари билан қарашыди. Улар «қирқ сттинчи статьяниң» нима эканини билишімас эди. Бошлиқ шуни тилга олиб, пұписа қылдими, демек, бир гап бордир, деб чучишиди. Аввал-гидай چувиллашмасдан қабулхонадан чиқиб костишди. Бошлиқ қылган ишидан мамнун булиб котибасига жилмайиб қўйди-да, хонасига йұналды. Шунда эшик олдида турған Зоҳидга күзи тушиб «Менде ишингиз борми?» деб сұради. Зоҳид үзини таништиргач, бирданыға чехраси мулойимлашди-да, құшқуллаб саломлашди. Саломлашиш манзарасини честдан кузатған киши Зоҳидни азиз мәхмон, бошлиқни эса бу азиз мәхмонни орзиқиб күттеген да ниҳоят, умиди ушалған баҳтиәр мезбон деб үйлаши мүмкін эди.

— Ишингиз оғир экан, — деди Зоҳид ичкари киргач.

— Э, нимасини айтасиз, — деди бошлиқ, үзиге үзи ачиниб. — Қон қилиб юборишади.

Бошлиқ Жалол Комиловни эслай олмади. Қоғозлар титкиланиши лозим бұлди. Ҳужжатлар қоидага амал қилингандын ҳолда тартибли эди. Ишга қабул қилингач, «мәхнатсевар», «коллективда обрұ-эътиборға эга» бұлғани учун доимий равишида пул мукофотлари бериліп түрилған. Комиловнинг мәхнатдаги ютуқлари таърифланған сатрларни үқиб, Зоҳид «бу ютуқлар учун юз сүм камлик қилас, биратуласи Социалистик Мәхнат Қаҳрамони унвонига тақдим этавсеришмаган экан-да», деб қўйди. Жалол Комилов маошини ҳам вақтида канды қилмай олип турған. Агар ҳужжатта шак келтирилмаса, у кече, үлимидан сүнг ҳам кеслиб маош олған. Зоҳид «балки арвоҳларға ҳам пул зарур булиб қолғандир», деб үйлаб, ҳужжатларни бошлиққа узатди:

— Коллективда обуси баланд экан-у, коллектив бу баобру одамнинг улимидан бехабар қолибди-да, а?

Бошлиқ хижолат булганлай бошини эгди:

— Кадрлар билан уринбосарим шугулланаци. Бехабар қолибман, узр.

Уринбосар буйрагидаги тошни тушириш учун Украйна га даво истаб кетган экан. Зоҳидга айрим сирларни шу одам очиб бериши мумкин эди. Чунки Жалолшилимшиқни шу уринбосар ишга қабул қилган, дондмий равишда рагбатлантириб турган. Йлора ходимларидан ҳеч ким Жалол Комиловни эслолмайди. Комиловни ҳатто бригада бошлиги ҳам танимади. Бу Зоҳид учун ажабланарли ҳол эмас эди. Чайқовчи ёки иморат усталари мана шундай бир срга илиниб олишади. Бигров суришгирса — ишлайди, «жамиятнинг фаол аъзоси». Шундай қилинмаса, «тескинхур» деган тавқи лаънатга қолишади. Зоҳидга бир нарса қоронги — ким бу, Комилов, чайқовчими, иморат устасими... Ё бошқа бир фирибгарми?

### 3

Зоҳид Жалолшилимшиқнинг уйини қийналмай топди. Халқда «дворянлар уяси» деб ном олган, икки қаватли гиштин ўйлардан бири Комиловларга тескинхур эди. Отаси олти ўйл муқаддам бу дунё ташвишларидан қутулиб кетган экан. Онаси — эллик ёшларга борган, фақат бу дунё билан эмас, балки гузаллиги билан ҳам хайрлашишга шошилмаётган күхликкина аёл эди. Даҳлизда кийим илгич ёнида иккита пастак курсининг бирига Зоҳид утирди. Иккинчисини мезбон эгаллаб, «эшитаман», дегандай қошларини чимириди.

— Жалол Комилов сизнинг ўғлингизми? — деб суряди Зоҳид.

— Ҳа... шунақа деса ҳам булади, — деди аёл, чимирилган ҳолда.

— Тушунмадим, — деди Зоҳид, — утайми с боқиб олганмисиз?

— Ўзимники... ўзим түққанман. Лекин мени ташлаб кетган. Тирикми ё уликми, билмайман, — аёл афсуслангандай хўрсинди. — Очиги, қамоқдадир деб юрувдим. Суриштириб юрганингизга қараганда энди қамалса ксрак? У... қайси статья билан айбланаяпти?

Зоҳид унинг саволига жавоб бермади. Аёлнинг гапларидан гаши келганини яширмай, саволга тутди:

— Уни охирги марта қачон күргансиз?

— Эсимда йүқ. Ҳархолла ун йилдан ошди. Үзи унга нима бўлди, айтсангиз-чи?

— Ўи йил давомида «ўғлим қасрда экан», деб қидириб кўрмадингизми?

— Қасрдан қилираман?

Асл: «Ўғлим шаънимга дод туширди, катта мансабларни эгалиаб утирган одамнинг боласи ўгри, саёқ бўлиши мумкинми? У эмас, мени ундан тонганман. Йўқолиб кеттанидан ҳатто мамнун ёдим», десса ҳақиқатни айтган бўларди.

Жалолшилимшиқ қамалганида аслнинг кўзига дуне қоронги кўриниб кетди. Ўша дамларда эл оғаси Аслнинг ҳуснини эътибордан чистда қолдирмай, «фсадализм сарқитларига аёвсиз кураш очиб, аслларни раҳбар вазифаларга дадил кўтариш» масаласини ҳал қиласhtган ёди. Бу масаланинг ечими ижобий ҳал бўлди, ўғли ҳам қамоқдан қайтарилиди, аммо тўғри йўлга қайтмади. Қайтиши мумкин эмас ҳам ёди. Ҳаром ишлар бандалардан пинҳон тутилиши мумкин, аммо шайтон стаклаб бораётган банданинг ҳар бир одими улчоғли, ҳар бир ножӯя қадами учун жабр тортиши аниқ.

Иккинчи боласини олдириб ташлаган, қорнини маҳкам боғлаб юриб қад-қоматини сақлаб қолган Асл оналик баҳтини асраб қололмади. Ўғли кетар маҳалида «Мен сизлардан нафраланаман, сизлар нопок одамсизлар!» демади. Жалолшилимшиқ бундай юксак туйгулардан йироқ ёди. «Мен қандай хоҳласам, шундай яшайман, ишингиз бўлмасин», дедиу фойиб бўлди. Эр-хотин орасида машмаша қўзғолганида Асл эрига шундай дерди. Буни қўшни хонада өлгиз утирган Жалол эшитарди. Уйдан чиқиб кетаётганида Жалол буни пичининг тарзида айтмади. Асл «ўзимнинг гапим билан ўзимга тарсаки урди», деб ҳам қайғурмади. «Майли, ўзича бир яшаб курсин. Бурнини тортиб, чоригини судраб қайтиб келади», деб ишонди. Кутгани бўлмади. «Даълат аҳамиятига молик ишлар»га шўнгиб костиб, углини кўпам эсламади. Ҳатто уйини ўгри уриб кеттанидан кейин ҳам ҳадга олмади. Ўғрибоши ўғли экани ҳам хаёлига келмади. Милиса чақиртирмади, искович ит уйини ҳидламади. У «шунча бойликни қасрдан тўплаган эдингиз» деган саволдан чучиди.

Йилларнинг бешафқат панжалари соchlарини оққа буяб, кузлари атрофига ажин торта бошлади. «Фсада-

лизм сарқитларига қарши курашаётган» от оғаси «янғын рахбар кадрлар» билан банд әди.

Аәл эрини дағын этгач, әлгизлик деган дарднинг ишма эканини тотиб курди. Кечалари құрқалған булып. Бу азоблардан қочиш учун хизмат сафарига күп чиқа бошлади. Бу ҳаракат «ишга сидқицилдан бериліш», дәсб баҳоланди.

Зоҳиднинг омади бор экан. Аәл сафардан қайтганинда уни учратди. Зоҳид бу воқсалардан бсхабар, аммо оналиқ түйгусидан маҳрум аәллар у учун янгилик эмасди. Жиноят қидируд үлемнида хизмат қилиб юрганинда аксар үғри болаларнинг оналари шундай әди. Бироқ, рұпарада қошларини чимириб үтирган чиройли аәл улардан фарқ қиласы. Үғри болаларнинг оналари аргини ҳам яширмай ичарди, фақш ишларини ҳам очиқ-часига қиласы. «Уят эмасми?» дейілгудаі булса, «Ба-дан меники, истаган одамга, истаган пулга сотаман, нима ишинг бор!» дәсб данғалини айтиб қоя қолишишади. Жалолшилимшиқнинг онаси эса үзини фариштадай покиза қилиб күрсатади. «Покизалик, одамийлик-нинг юксак нормалари» ҳақида маъruzалар қиласы. Одамлар маъruzаларини эшитиб, қарсаклар چаладилар...

— Қасрдан қидиришингизни билмасмидингиз?

— Менга қаранг, ука, бунақа үлмоқли саволларни бошқа одамларга ташланг. Сизга рухсат, — аәл шундай дәсб үрнидан турди.

— Үглингиз... Жалол Комилов икки кун аввал үлдирилған... ваҳшийларча үлдирилған, — деди Зоҳид, кейинги гапига атайлаб ургу беріб.

Бу гап аәлнинг оналиқ түйгусини қитиқлаб үйготди. Бироқ күл остидаги чүг алана олмади. Чунки аәл юксак маданият соҳибаси әди. Бу гапдан даҳшатта тушмади, узвос тортиб йиғлаб юбормади. Индамай бурилди-да, катта хона томон юрди. Қия очилиб қолған эшиқдан чүгдек қизил гиламнинг, олтин рангли мато қолланған диваннынг бир чести күринди. Ичкарида гүгүрт чақылди — Аәл сигарст тутатди. Юксак маданиятли аәл Зоҳидда нағрат үйготди. У чиқиб кетаверса ҳам бұларди, аммо күнгилга бир шумлик оралаб, аәлнинг чиқишини күтди. Аәл ҳаялламади, құлида тугаётган сигарети билан чиқди:

— Ким үлдирибди, ушладингларми? — деди титрок овозда. У дардга берилған ҳолда ҳам ҳокималик мино-расидан пастға тушмаган әди.

Зоҳид саволга жавоб бермай, чунтагидан сурат чиқариб Аслга берди. Асл дараҳтга осиб қўйилган яланғоч мурдани таниди. Шу нафасда юксак маданият ческинли, ҳокималик минорасидан тушиб, оддий аслга айланди — кўз олди қоронгилашди. Зоҳид беҳуш аслни кутариб, ҳашаматли хонага кирди. Уни диванга ётқизиб, ошхонадан сув олиб чиқиб юзига сепди. Асл сесканиб, кўзини очди. Зоҳидга узоқ тикилди-да:

— Бераҳм экансан, — деди пичирлаб. Кейин буюрди. — 33-19-23 га телефон қил, тез ёрдам стиб келсин.

Зоҳид «бу маданият соҳибаси яна улиб қолмасин», деб айтганини бажо қилди. «Тез ёрдам» Зоҳидни ҳайратга солиб, тозлик билан стиб келди. Оқ халатли тўрт асл бирданига кириб келиб, гап-сўзсиз тез ишга киришиб костишди. Зоҳид уларнинг ҳаракатларини кузатиб, бу уйга тез-тез келиб туришларини англади. Бирпаснинг узида юрак уриши тасмага туширилди. Эмланди... «Шунақа имтиёзлар борлиги учун ҳам одамлар мансаб талашишади-да», деб уйлади Зоҳид.

— Бироз чарчабсиз, утиб кетади, — деди дўхтир хотин.

— Утиб кетиши қийин. Бу сафар ёмон келди. Ҳушимдан кетиб қолдим. Стационарга ётмасам булмайди.

Дўхтир мансабдорларнинг шифохонасига телефон қилиб буш жой борлигини билгач, «ўзингиз юра оласизми?» деб суради. Аслнинг «оёқларидан жон чиқиб кетганини» эшишиб, узун замбилини келтирирди. Замбилининг бир учидан Зоҳид кутарди. «Оғир касал» эшикларни қулфлатишни унутмади.

Зоҳид «тез ёрдам» машинаси ортидан қараб қолаверди: «Тұғмоқ бору күммоқ йўқ экан-да...»

## XII БОБ

1

— Янглишмаяпсанми?

— Йўқ, рост, адаси...

Манзуруанинг гапи Асадбек юрагига ханжар булиб санчилиди. Қизи ҳам унга ботиниб қаролмаётган эди. У ердан кўзини узмай синиқ овозда салом берганида Асадбек додлаб юборай дарди. Бу мұмынлик урнига

қизи сочларини юлиб, «Дод, мусулмонлар, мен отам туфайли шарманда булдим!» деб фарс үрганида Асадбек бунчалар эзилмасди.

Писла синса чегалаб ишлатиш мумкин, аммо синиқнинг изи йўқолмайди. Бу пислада иззатли месхмонга чой узатилмайди. Номус ҳам шундай. Инсон яшайверади, бироқ, шармандалик изи бир умрга сақланниб қолади. Бу сргу оламда ризқи узилгунга қадар номуссиликнинг оғир юкини ортмоқлаб юраверади. Асадбек буни билгани учун ҳам тўлғоқ азобларини бошидан кечирарди. Одамлар «фақатгина үлимнииг чораси йўқ» дсийишарди. Ўйлаб қараса, номусга тушган дарзни кетказишнинг ҳам иложи йўқ экан.

Ҳаёт... номус... үлим... Номус билан яшамоқ өки номуссилик ботқофини кечиб утиб үлим жарига қула-моқ... Қизлар узларини өқишида, осишади...

Шу фикр Асадбекнинг хаслини өритиб утиши билан юраги хаприқиб, нафаси бўғзига қадалиб қолгандай туюлаверади. Хотини гапига амал қилиб учи марта «астагфируллоҳ» деб қуяди. Шундай пайтда Худо борлиги эсига тушиб, Яратгандан мадад сурайди. «Умр бўйи азоб чекканим стмасмиди» дейди. «Одам булиб нима рушнолик курдим», дейди. «Нимаики азобинг бўлса, барчасини тотиб курдим-ку, энди тинчлигимни бер, агар берган бойликларинг эвазига тинчлигимни олган бўлсанг, бойликларингни қайтариб ол, мени гадо қил, аммо болаларимнинг баҳтини бер, мен ҳам одам булиб бир роҳат курай, бир кесча тинчгина ухлай, бир кун бир пиёлагина чойни болаларим даврасида тинчгина ичай...» дейди.

Асадбек кўнглидан нолалар учаверади. У билмайдики Худо нолаю фифонларга қараб эмас, бандасининг юрган йулига қараб ажр беради.

Ҳозир Манзурадан қизининг юкли эканини билиб, бошини қайси деворга уришини билмай қолди. У кесчагина яхши йул топгандай эди. Қадимда урушқоқ подшолар ярашишни ният қилишса, қуда тутинишаркан. Гимиrlаб қолган Ҳосилбойваччани қантаришнинг бир йули — ўғлини куёв қилиш. «Икки շининг баҳти учун» Асадбек ҳокимлиқдан воз кесади. Қилич Сулеймонов айтганича була қолсин. Шаҳарга ҳокимлик қилиш Ҳосилбойваччага ярашса яраша қолсин. Асадбекка винзавод ҳам булаверади. Бугун ҳокимликка даъвогарлар кўп. Вақти келса уларнинг ҳаммаси хазондай титилиб кетади. Баҳорнинг шамоли уларни учирив

қайси бир овлоқларга тиқиб келаркин. Ҳокимлик — нулдорнинг қулида булади. Винзавод — очил дастурхон. Еганинг билан тугамайди. Ўз умрини, обрусини сотиб ичувчи галварслар бор экан, Асадбекнинг хамсии бушламайди...

...Шундай ресжа тузган эди. Бугун-эрта Ҳосилбойвачча билан суҳбатлашмоқчи эди. Қизининг боши қоронги... Вақти келиб ҳароми бола туғади. Асадбек ҳароми набиралик булади...

Хуш, энди нима қилиш керак?

Бу саволга ким жавоб беради. Манзурами? Унинг кўзларига муҳрлаинган, мунг билан йўғрилган саволгачи? Унга ким жавоб топади? Агар Манзура қизини ёрка-тантик қилиб тарбия этганида, қизи суюқоқ чиқиб, бу тавқи лаънатни узи орттирганида Асадбек буларни нима қилишни узи яхши билар эди. Бу саволга жавоб топишда қийналмас эди. Афсус, энг катта айбдор — унинг узи. Асадбек буни билгани учун ҳам эзилади.

Бошқаларнинг тақдирини ҳал этишда кўп ҳам иккилаимайдиган одам қизини шармандалик ботқоғидан тортиб олишида ожиз эканини сезди. Энди унинг учун икки йўл қолган — бири болани олдириб ташлаш. Бундай қилинса, қизи умр буйи фарзанд доғида кўйиб, кул булиши мумкин. Қолаверса, бу гап ошкор этилмайди, деб ким кафолат беради? Иккинчи йўл — қизини Элчинга бериш. Асадбек гарчи далили бўлмаса-да, бу Элчиннинг иши, деб ишонарди. Айниқса, Шилемшиқ ўлдирилгач, бу тахмин ҳақиқатга айлангандай булди. Асадбек Элчиннинг қулидан шундай ваҳшийлик кслар, деб кутмаган эди. Йигитлари баъзан унинг рухсати билан, баъзан рухсатисиз, вазият тақозосига кўра одам ўлдирадилар. Аммо бирон марта бундай ваҳшийлик содир бўлмаган эли. «Демак, дийдаси қаттиқ экан, демак, алами зўр экан,— деб уйлади Асадбек.— Хуш, шу билан ховури пасайдими, қасос ути сундими?» Ушанда Шилемшиқни сургун қилмай, Элчинни суд қулига топшириб қўя қолганида бу ташвишлар йўқ эди. Нима булди ушанда? Адолат қилмоқчи бўлдими? Е Элчиннинг мардлигидан ийиб кетдими? Унинг «Мен узим ўлдиридим!» деб қатъий туриб олишига аввал ажабланган эди. Ксийн бирдан «бу боланинг жонини сақлаб қолиш керак», деган фикр миясига қаттиқ урнашиб қолди. Бу фикр оқибати мана энди куриниб турибди. Шилемшиқ узбошимчалиги

учун жазога лойик эди. Ноила воқсасидан олдин ҳам бир-икки шундаі қилиқ қылган, таноби тортилмаса, арқонини узиши мумкин эди. У үзи эккан дарахтнинг месвасини узи сди — унга ачиимаса ҳам булади.

Манзура эрининг хаслга ботганини куриб, индамай тураверди. Ниҳоят, Асадбек нигоҳини бир нуқтадан узиб, хотинига қаради:

- Узатворамизми?
- Кимга? — деди Манзура.
- Билмайман...

Чиндан ҳам аниқ билмайди...

- Қизингиз... бир гап айтди.

- Нима дсйди?

— Уша одамнинг панжалари сал қийшиқроқ эканими...

Бу гапни эшитиб Асадбекнинг күзлари чақнаб кетди.

- Ўнг панжасими?

- Ҳа, шунақа деди...

— Ҳс, оналарингни... — Асадбек сўкиб юборганини узи ҳам билмай қолди. — Энди айтадими шу гапни?!

Демак, Элчин! Бошқа далил-исботнинг кераги йўқ.

Асадбек — яраланган йулбарс ҳолидаги одам — ким ўқ узганини энди аниқ билди. Энди у малъунни бир ҳамла билан йўқ қилиб ташлаши мумкин. Шилимшиқ тортган азобларни Элчиннинг узи ҳам тортиб куриши ҳеч гап эмас. Буни ҳозироқ бир неча дақиқадан сўнг амалга оширса ҳам булади.

У ҳовлига чиқди. Орқасидан эргашган хотинига эътибор бермай дарвоза томон юрди. Одатдагидек рӯпарасида Жамшид пайдо бўлди.

— Отарчини топиб кел. Ернинг тагидан бўлса ҳам топ, — деди-да, кучага чиқиб машинага ўтирди.

Ўтирса ҳам, турса ҳам Элчиннинг кўз олдига улжаси келавериб, уйқуси қочди. Кузлари киртайиб, оғир хасталикка учраган одам кепатасига тушди. Қасос юрагига лаззат эмас, азоб беражагини у ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Баҳтига Зелихон бор экан, слғизлатмади. Йўқса, жинни булиб қолиши ҳеч гапмас. Икки марта Анвар келди. Тоғасининг чордоғидан ниманидир топганини айтди. Элчин бу гапларни эшитадиган аҳволда

эмас эди — парво қилмади. Үзи Анварни бир йүқлаб бормади.

Зелихон тонгда бир юмуш билан чиқиб кстағтанида Элчин дөраза снода хағыла чүмиб турган эди. Икки соатдан кейин қайтиб келиб қараса, яна шу ахволда турибди.

— Э, ошиа, жуда оширвординг, — деди у, Элчиннинг елкасига сингил мушт тушириб. — Кузингни оч, эркак! Тварларга ухшаб қолма.

Элчин хазин жилмайиб, шеригига қаради.

— Бу дунёда ҳамма твар, — деди.

— Менга қара, сенга файласуфлик ҳечам ярашмайди. Сен буюк одамсан, лекин файласуф эмассан, — Зелихон шундай деди-ла, унинг белидан қучиб, маҳкам сиқди. — Сен мишиқи боласан. Билиб қўй, мен мишиқиларни ёмон кўрамсан. Эркакмисан, чотингда бэзинг борми, эркакка ухшаб юр.

— Зели ога, сиз мен тушуна олмайсиз, — деди Элчин, унинг қучогидан бўшагач. — Мен унга эзилаётганим йўқ. Бошқа гап бор.

— Қанақа гап?

— Сизга айтголмайман.

— Акангдан ҳам сир яширасанми?

— Зели ога, бу үзим билан срга кирадиган сир, хафа бўлманг.

— Анави твар бир нима деган бўлса, сен ишонгандирсан. Бундай қилма. Улим олдидан одам ҳар нима деб валдирайвсади. Зелихон сенга дўст эмас, душман, десса ҳам ишонармидинг?

— Бу гапни чайнамайлик.

— Үзинг биласан. Лекин сен кўзингни оч. Биз Асадбек ташлаган қармоққа илиндиқ. Уша тварни айнан сен ўлдиришингни истаган эди. Истаги амалга ошиди. Хўш, энди нима қиласди? Сен нима қиласан? Тинчийсанми?

— Гўрда тинчийман мен.

— Буни Асадбек биладими? Билади. У уқилон. Үйин энди бошланади. Сен пиёдаларни сурсанг, у фарзинни ишга солади. Икки бикинида фил, икки снода тура. Сен-чи? Сен фақат асп юриш қилишинг керак. Ҳар бир отнинг саккизта йули бўлади. Буни ўйлаяпсанми? Асадбекнинг иши пишиқ, вақтдан ютади. Сенга цейтнот хавф солиб турибди.

— Қўрқмайман, менда ҳам фарзин бор, буни ҳисобдан чиқарманг.

Зелихон Элчиннинг мақсадини фаҳмлаб, мийигида кулиб қўйди.

— Уста ўйинчи бошидағ ғарзинларини қурбон бериб, алмаштириб ташлайди.

— Мен алмаштирмайман. Мот бұлсам ҳам фарзинни қурбонликка ташламайман.

— Қара, бирор келяпти.

Хошлида Жамшид күринди, у бегонасирамай, атрофға алантгламай худди ўз ҳошлисига кириб келгандай түгри уй томон юрди.

— Асадбекнинг ишончли одами. Мени bogлаб кетган шу эди.

— Ўзингни бос, сир бой берма. — Зелихон шундай деб тезгина диванга бориб утирди-да, чұнтағидан қарта чиқариб, стол устига ёйди. Жамшид кириб салом бергач, Зелихонга хавотир кўзи билан қараб қўйди.

— О, братан, салом, — деди Зелихон урнидан туриб. У бир тутам қартани чап қулида слепигич қилиб ушлаганича Жамшидга яқинлашиб, ўнг қулини узатди. — Қани, останада турманг, кировриинг.

Элчин унинг саломига алик ҳам олмади. Қул ҳам узатмади. У ёлгиз булганида Жамшид: «Юринг, Бек акам йўқлаяптилар», деб бошлаб кставерарди. Бегона одамнинг утириши, Элчиннинг совук қараши уни бироз сергаклантириди.

— Қани, кирсангиз-чи? — деди Зелихон.

— Уй эгаси таклиф қилмасалар...

— Э, уй эгасини қўявсринг. Бугун чап ёни билан турган. Ютқизиб қўйиб, алам қиляпти. Қани, бир қул ташлаймизми?

— Майли, — Жамшид Элчинга қараб олиб, ичкари кирди.

— Йигирма бирми ё фантомасми? — деб суради Зелихон.

— Менга барибир, — деди Жамшид.

— Демак, устасига фарқи йўқ экан, — Зелихон шундай деб чұнтағидан тахи бузилмаган қарта олиб Жамшидга узатди. — Бузиб, чийланг.

Жамшид қартани чаққонлик билан аралаштириди. Унинг қули ишда бўлса ҳам, хаёли Элчинда, ундан кўз қирини узмас эди.

— Кўн элликдан, — деди Жамшид, ўртага эллик сўмлик ташлаб.

— Яхши, — деди Зелихон құлларини бир-бирига ишқаб, сүнг чұнтағидан тұртта йигирма бешталик чиқариб, әлликталиккінг устига қўйди, — Эллиги қоронгуси. Юриш юздан бўлди.

Жамшид яна иккита әлликталикни ташлади.

— Узингизга қайтди, юриш икки юздан.

— Ў, бу эркакниң үйини бўлди. Шу пайтгача қасрда эдингиз, эркак?!

Жамшид учтадан қарта узатди. Зелихон қарталарга бир қараб олиб уртага учта юзталик қўйди. Жамшид жавоб қайтарди. Юриш минг сүмга стганида Жамшид қартасини ташлади.

— Ютдингиз, акахон. Энди менига рухсат. Сиз билан роса чақчақлашадиган хонаси экан-у, аммо вакт зиқроқ. Акахонимда иш бор эди. Бир жойга утиб кслишимиз ксрак.

— Ҳозирми? Ис, бу ёғи неча пулдан тушди? Бир нозик одамни кутиб турувдигу? Жуда зарур бўлса... Элчин, братан, мени шу срда кутиб турайнми?

— Шунака қилинг, укахоннинг сазаси ўлмасин.

Жамшид, худди янги йил кесчасидаги каби, индамай кетди. Элчин ҳам уни гапга тутмади. Машинанинг орқа үриндиғида ўтирган Элчин жингалаксоч бу йигитдан кўз узмасди. Жамшид орқа томонидаги ўткир нигоҳ таъқибини сезиб, дам-бадам кўзгу орқали унга қараб оларди. «Уриб, боғлаб кстганимнинг алами бор», деб ўйларди у. Жамшид Шилимшиқнинг гапларини қайдан билсии. Ҳозир нигоҳини қадаб ўтирган одамнинг қаҳрли ҳукм чиқараётгани ҳам унга маълум эмас. Зелихон «ўлим олдида валдирайверади», дегани билан, Шилимшиқнинг гаплари Элчинга ҳақиқатдай туолавс ради. «Бу йигит ҳам хотиним билан бўлган», деб ишониш, Ноиланинг хотирасига балчиқ чаплаш билан тенг. Айни пайтда, узининг гуноҳини ҳам бир карра оширади. Элчин ҳар қанча гуноҳ юкини кутаришга рози. Суйган өрининг хотирасини булганишини истамайди. Лекин у бечора нима қилсин? Ҳақми ё ноҳақми — гап айтилди. Бирор орқали эмас, уз қулоги билан эшитди. «Улим олдидан валдирайверади, эмиш... Балки сунгги нафасида Худо инсоф берисиб рост сўзлаб кетар?.. Уйимга келганини бу ҳайвоннинг ўзи ҳам айтди-ку? Энг муҳими — кслган! Ичкарига кирганми, кирмаганми — бу билан ишим йўқ!» Ҳукм қатъий эди. Энди ижро этишгина қолди.

Шаҳар марказидаги уч қаватли бинонинг сароймонанд сртуласидаги видеобарда депутат Орзубек хўжайнининг келишини кутиб ўтиради. Бутқа унга алоҳида эҳтиром курсатди — Чувриндининг курсатмасига хилоф иш тутмади. Пештахта ортидаги дуңшиқча унга қаҳва келтириб, ширингина жилмайди. «Манишатни урнига қўйишади, бу сувараклар», деб уйлади депутат, ноз билан юриб келаётган қизининг ярим очиқ сонлагрига сук билан тикилиб. Қаҳвасини ичиб ултурмай аъёнлар келишди. Кесакполvon депутатниң саломига алик олиб, ўтиб кетаверди. Чувринди эса келиб, у билан сурошди. Депутатнинг савол назарига жавобан «ҳозир келадилар», деб ичкарига кириб кетди. Дам ўтмай Асадбек кўринди. Депутатни курса ҳам курмагандай, саломини эшитса ҳам эшитмагандай ўтди. «Шефнинг кайфияти чатоқ, акахонининг мазаси қочар экан-да», деб уйлади Бутқа.

Асадбек биринчи марта үзи белгилаган қоидани бузди: оиласири хусусида сўз очди.

- Қизимни отарчи... олиб кетган экан. Бу — аниқ!
- Аниқ бўлса, ўзим гаплашаман, — деди Кесакполвон.
- Гаплашмайсан. Унинг битта туки ҳам тўкилмаслиги керак. Мен.. уни куёв қилмоқчиман.
- Бек ака, ҳазиллашмаяпсизми? — деди Чувринди ажабланиб.

Асадбек индамади. У мақсадини айтган, энди аъёнларининг фикрини билмоқ истагида сукут сақлаётган эди.

- Бек, эсинг жойидами? — деди Кесакполвон.
- Ҳа, жойида! — деди Асадбек, жаҳл билан. — Нима, куёвликка арзимайдими? Кўрми, шолми ё қийшиқми?!

Шу гапдан сўнг учовлари ҳам жим қолишли. Уларнинг ҳолига чётдан қараган киши бу мотамсаро одамлар бирорвонинг руҳини эслаб, эзилиб ўтирибди, дейиши мумкин эди. Аъёнлар хўжайнларининг фсьлини яхши билишади. Ҳозир Асадбекнинг жаҳли чиқиб, ақли кетган пайт — унга гап айтиб маъқул қилиш қийин. Асадбек эса бақиришга бақириб қўйиб энди ағсусланади. Чунки мақсадини айтгани ҳамоно аъёнларининг ажабланишларини олдиндан билган эди. Оғир-босик

утириб маслаҳатлашаман, дсб ният қилганди, ниятини узи бузди.

— Ҳайдар, бошқа илож йүк, — деди Асадбек, энди ҳазин овозда.

Кесакполвон ўғиз йиллик қадрдонига ачиниб кетди. Улар фақат роҳат жомини сипқормай, алам-ташвишилар захрини ҳам татиб курганлар, ноумидлик күчаларида санқиган даврлари ҳам бўлган, аммо у Асадбекни сира бу эзгин ҳолда курмаган.

— Шу қарорга кслган бўлсанг, ўйлаб кургандирсан. Биз нима дсрдик. Бизга қизинг баҳтли бўлса, узинг тинч бўлсанг бас. Аммо айтиб қуяй, агар...

— Агар-пагари йўқ.

— Тўхта, гапимни кесма. Агар у отарчи қизингнинг баҳтини қора қилса, менига индамайсан, йулимни тусмайсан, гапингга кирмасам, хафа бўлмайсан.

— Ҳайдар акам тўғри гапни айтиптилар, — деди Чувринди.

— Мени одамларнинг фикри қизиқтиряпти. Маҳмуд, одамлар нима дейди?

— Одамларми? — Чувринди ҳозир шуни ўйлаб утирган эди, шу сабабли жавобни кескитирмади. — Минг оғиздан минг бир гап чиқади. Шу пайтгача нима гаплар чиқмади, биласиз-ку?

— Шу пайтгача чиқсан гаплар фақат менинг ўзимга тегишли эди.

— Энди чиқадиган гапларни ҳимматингизга буриб юборамиз. Азоб чскиб кслган санъатчига ҳиммат курсатиб, кусюлик сарпосини спди, деймиз. Одамларни шу фикрга кундириш қийин иш эмас.

Маҳмуд — Чувриндининг босиқ ҳолда ишонч билан гапириши Асадбекка далда бўлди. Асадбек бу аёънга ишонади. У шундай дсдими, бас, демак, шундай бўлади!

— Депутатинг мулла минган эшақдай бўлиб утирибди. Гаплашасанми? — деди Кесакполвон, асосий масала ҳал этилгач.

— Қузимга куринмасин, ким чақирди уни, сенми, Маҳмуд?

— Ўзи кслибди, зарур иши бормиш. Гапини эшишиб куринг.

— Чақир, тезроқ гумдон қил. Ҳозир отарчи қслиши керак.

Чувринди эшикни очиб, Орзубскни имлаб чақирди. Депутат одатига хилоф иш қилмади, остона ҳатлаб гудранди.

— Нима дейсан? — деди Асадбек унга үқрайиб.

— Шу... розылигимни айтмоқчи эдим.

Асадбек унинг розылигини англаған бұлса ҳам, атайни гапни айлантирди:

— Нимага розисан?

Орзубек «мсни қалака қиляптими ё эсидан чиққанми?» деб каловланди.

— Бунча довдирайсан, гапир гапиңгни, — деди Асадбек.

— Қизимни сұраган әдингиз... бир азият ческап одамга... шунга маслаҳатлашдык... Розимиз.

— Ҳайдар, шунақа гап бұлувдими? Э, ҳа... жуҳуд хотининг хұп, дедими?

— Беск ака, бир илтимосим ҳам бор эди.

— Илтимосми, шартми?

— Илтимос... Шу... Еқубжонов бошқа ишга утибди.

Шуни гаплашиб берсангиз... Менинг күзим учыб турғани йүқ-ку, үзингиз биласиз, мансаб талашадиган одам-масман, аммо... күпнинг манфаати учун көрекмикин?..

Асадбек бу гапни эшигиб, унга қаттық тикилди. «Эси жойидами бунинг, — деди у үзича. — Мени Худо деб үйлайдими? Еқубжоновнинг үрнига мен одам қуяр-канманми? Катта олимлар бошқариб келген иш бұлса... Бу етим тойлоқ илм күчасининг өнидан үтганми үзи? Депутатлиги камлик қилибдими? Пошшоликка дағындарлығи чин булиб қояпти-ку? Еқубжоновнинг үрнини әгалласа, Оқсаройға бир қадамгина йул қолади. Анойи эмас бу тойлоқ. Қулимдан келса ҳам қўймас эдим буни...»

— Бу илтимос эмас, шарт. Қизингни амал курсиси-га алмаштироқчимисан?!

— Ундай эмас, Беск ака...

— Овозингни учир, ҳароми! Мени гүл деб үйлаяпсанми?! Ҳеч бұлмаса күнгил учун «куєв бұлмиш ким үзи?» деб сұраб қуй. Сен жавобингни қачон айтишинг көрек эди? Үн кун үтдими, Ҳайдар?

— Сафарга кетиб қолдим, узр.

— Иккінчи қадам босма бу срга. Сенге айтилған одам аллақачон үйланиб бұлди. Жұна!

Орзубек тепки еткінит ҳолига тушиб, орқасига угирилди.

— Бунчалик хор қилманг-да ака, — деди Чувринди, депутат чиқиб кестең, — бизга асқотиб қолиши мүмкін.

— Пошшо бүлгандаям сариқ чақага олмайман буни. Бүтқа!

Эшик қия очилиб, Бүтқанинг башараси күринди.

— Ҳозир чиққан сұтакпен қизи бор.

— Бек ака, уңдай қилманг, — деди Чувринди.

— Сен аралашма. Қизини бозорга солишининг қанақа булишини бир билиб қүйсін! Бүтқа, тушундингми, айтганимни қыл. Отарчи келмадими?

— Бүйдөқ олиб келди, кутиб утирибди.

— Чақир, кирсин.

Элчин кириб салом берди. Аъснлар унга таниш эди. Қамалмасидан илгари буларга хизмат қилған, Кесакпоповон киму Чувринди ким — яхши биларди.

Асадбек үрнидан туриб, бир қадам босиб қулинин узатди. Бу марҳамат унча-бунча одамга күрсатылmas әди. Бу марҳаматта эришганлар муборак құл ҳавода узоқ вақт муаллақ қолмаслиги учун чаққон келиб, та-воғ қылар даражада сұрашар әдилар. Элчинга бу маълум бұлса-да, шошилмади. Битта-битта босиб келиб, бошқалар каби құшқуллаб әмас, сіш болаларга үхшаб бир құллаб сұрашиди. Унинг бу бсадаблиги аъснлар эътиборидан четда қолмади. Улар савол назари билан Асадбеккә қараб олишди. Асадбек юзида үзгариш се-зилмагач, улар ҳам қадрдонлардек сұрашишди. Ҳар ҳолда «Күсвни пайғамбарлар сийлабди», деган нақл бор.

— Ҳофиз, оламда бормисиз, ійқламасак юз сүмлик пулдай күрінмасдан юравсрап экансиз-да, а?

— Сизнинг ишингиз күп, ака, биз эса бескорчи одаммиз. Бошингизни оғритмай, дейман-да, — деди Элчин.

— Сиздай мсҳрибон укахонлардан яна иккитагина бұлса жаннатда юргандай роҳат қилиб яшарканмиз, — деди Асадбек, — Ҳайдар, ҳофизнинг ашуалари эсингдами? Эшитиб нақ эриб кстардик-а? «Қаро құзим»ни қийворади-я! «Қаро құзим, ксл әнди, мардумлиғни фан қылғыл»миди? Бу «ксл, әнди сен ҳам одам бұлғин», дегани экан-да, а?

— Ҳа, шунақароқ, — деди Элчин, Асадбекнинг пичингларини үзича талқин қилиб.

— Нимага йүқлаганимизни биларсиз-а, ҳофиз?

— Ҳайронман.

— Ҳайрон булманг. Шилемшиқни үлдиришиңгизни билардим-у, аммо бунақа ваҳшийлик қиласиз, деб үйіламовдим. Сиздек нозиктаъб одам...

— Тушунмадим, Шилимшиғингиз ким?

— Үзингни овсарликка солма. Камбағални сиітласаң, өзінің билан түрга чиқаркан. Сен хуморингни босарсан, деб мен уни асралдым. Ошни мен пиширдім. Суздім, ҳатто ошатдым. Сиз, оғайничалиш, фақат чайнаң жетдингиз. Энди нағсингиз ором олғандыр, а?

Элчин истеңзі билан кулиб қойды.

— Қорни оч одам бир ошам ошга қаноат қылармак кин?

— Жон шириң бұлса — қаноат қылады. — Асадбек шундай деб ағыларига қараб олды. Улар бош иргаб, тасдақ ишорасини қилишди.

— Жон шириң... — деди Элчин истеңзоли жилмайыш билан.

Жондан түйган болтадан қайтмас экан. Аслида Элчин учун жоннинг шириңлігі қолмаган. Ким билан олишастығанини, оқибати нима булишини билади. Үлінги қайси бир овлоқда әки қайси бир сув остида чирийдими с қағанланиб күмилиш насиб этадими — шугина қоронғи унга. Асадбек уни гүл балиқ фақмлаб, үлімтиқ چувалчанғли қармоқни ташлади. Қармоққа илинтирудим, деб үйляяпти. Асадбек ишнинг күзини билади. Лескін Зелихон б скорга академик дәйилмайды — буниси ҳам бор. Шилимшиқ масаласыда Асадбекнинг ҳисоби хомроқ, Зелихонниң аникроқ булды. Асадбек Элчиннинг үткір зәхнли маслағатчиси, мард ҳомийсі борлигини ҳисобға олмаган эди. Зелихон билан Элчин эса барчасини ҳисоб-китоб қилиб қойишишкан. Асадбекнинг одамлари Шилимшиқни кузатажагини билгани учун ҳам Зелихон үзини панаға олды. Шилимшиқнинг ақволи милицадан аввал Асадбекка маълум бұлажагини ҳам тахмин қилиб, янгишишмады. Энди нима қилмоқчи, нима демоқчи — шуниси қоронғироқ. Элчин Асадбек билан пичинг тошлары отиб үйнашиш хатарлы эканини билиб, си босгандай булды. «Жон шириң», деб тан олиши шундан.

— Сен «бир үзимман», деб қасам ичүвдинг, — деди Асадбек.

— Ҳа, бир үзимман, — деди Элчин хотиржам.

— Бориб катта холангнинг эрини лақыллатасан. Арманими, ким у йигитлар?

— Ҳа, уларми?.. — Элчин узоқ танишларини эслаб қолғандай жилмайды. — Үзим ҳам аниқ билмайман. Пулға ёлловдым. Пулни ола солиб жұнаворишишкан. Қаекдалиги номағым.

— Мен сенга уларни топиб бер, деястганим йўқ. Сен одамим йўқ, деб қасам ичдинг. Мен сенга бегона миллатдан одам аралаштирма, дедим. Сен ҳажиқизнинг ишини қилдинг. Сен мард бўлсанг, менинг уз қулинг билан улдир. Қаққадаги ҳаромиларни бошлаб келма. Қиморда гирромни смон куришимни биласан-а? Ҳаёт ҳам бир қимор. Эпласанг — уйна. Эпламасанг — четга чиқ. Сен эплай олмас экансан. Қиморнинг уз қонун-қоидаси, нозикликлари бор, а? Сен қулингда туз бўлса босар-тусарингни билмай қолардинг. Бу уйинда ҳам шу ҳолга тушдинг. Қуй, ука, сен энди бу уйинлардан узоқроқ юравер.

Асадбекнинг бирдан мулойимлашиши Элчинни ажаблантириди.

— Сен бу уйинда иккита хатога йўл қўйдинг. Биринчиси — академикни «туз» деб билдинг.

— Қайси академик? — Элчин узини гўлликка солмоқчи бўлди.

— Ҳофиз, Зелихон Хангесев кимлигини билмасам юрган эканман-да «ўқилонман», деб-себ керилиб. Ҳаддингдан ошма, бола. Ҳар ишнинг уз ҳадиси булади. Академик — ўгри. Ўгриликда унга тенг келадиганини топиш қийин. У аҳмоқ, нимага бунаقا ишларга аралашиб юрибди, ҳайронман. Ошнанг қасрни мўлжаллаб қадам босишини мен биламан. Уша срни истасам, супуриб тозалаб қўяман, истасам, чўғ ташлаб оғини куйдирман. Айтиб қўй унга, мен билан ҳазиллашмасин. Чиққан жойига қайтиб киргизвораман худди...

— Зсли оға менинг у ёқда кўп ёрдам берди, — деди Элчин, — биз ака-уқадай булиб қолганмиз. Унинг бу ишларга алоқаси йўқ. Алоқаси булганида ҳам шарт бузилмас эди. У шу срларда усиб-улғайган, мусулмон фарзанди.

— Бунинг менинг аҳамияти йўқ. Энди иккинчи хатоинингни айтайми? Сен ҳеч бир ишни пинҳона қилолмайсан. Қийшиқ бармоқларинг қоронгида ҳам панд бсрлади.

Бу гапдан кейин Элчиннинг баданига муз югорди. «Демак, қизи масаласида тамом қўлга тушибман...»

— Сенга уйлан, девдим, а? Ҳа, уйлан, ота урнида ота булиб тўйингни утказиб бсрайди.

Асадбек шу гапи билан сұхбатга яқын ясады...

Элчинни ташқарида Жамшил кутиб турар әди.

«Ота урнида ота булиб түйингини үтказиб берай...

Сенни күев қиласын, деганими бу? — десб уйлауди Элчин. — Қизига ким тегинганини әнді аниқ билибди. Шунға қарамай, юмшоқ гапирди. Мен у үчүн кимман? Истаса, қиймалаб ташлаб хумордан чиқиши мүмкінку? Нима учун гунохимни кесди? Қизидан үн турт сипаттага бұлсам... Бу еңда қамоқ...»

Элчин саволларға жағоб топишга қодир әмасди. У қыз воқсасидан сұнг «менга бермай кимга берарди», десб уйлаган, кейинроқ эса бу фикри хом эканига амин булиб әди. Аслида мақсад — үч олиш. Асадбекдай одамға номус азоби нима эканини билдириб қўйини әди. «Куев бұлсам-чи?» деган үткінчи уйга фариштадар омин десб юборишини ким билиб утирибди? Элчин Асадбекни қаҳри қаттиқ, кунда бир чөлак инсон қони ичадиган одам сифатида билмаса ҳам, ҳар ҳолда унгада инсон юрагини берган, у ҳам бандасининг түйгуларидан бебаҳра әмас, деган тушунчалардан йироқ әди. Қизи тақдирини уйлаб, неча түнни бедор үтказгани ҳам у үчүн номаылум. То үлгунига қадар бу сир унга ошкор бўлмайди.

Асадбекнинг қарори Зелихонни ҳам гангитиб қўйди. Осмонга устун булай, десб турган одамнинг фарзандини номусли қыз сифатида уз тенгига узатишига қурби стмас эканми? Нима учун шундай қилмади? Но-муссизликдан қўрқдими? Қанчадан-қанча бузилган қизлар никоҳ кечасининг номус имтиҳонидан аъло дарражада утаётганларида Асадбекнинг қизи қоқилар эканми? Шундай дўхтирлар борки, керак бўлса унта туққан аёлни ҳам онаси упмаган қизга айлантириб қўяди. Шундай замонда, шундай қудрат соҳиби бўлмиш Асадбекнинг қадам босиши уларни ҳайрат тўрларига ўраб ташлади.

— Асадбек сенга шанс беряпти, — десди Зелихон, уйларини бир срга жамлашга ҳаракат қилиб. — Ундан фойдаланмасанг, ошқ остида үралашиб юрган аҳмоқлардан фарқинг қолмайди. Агар уйланмасанг...

— Ўлдирадими?

— Балки ўлдиртирас. Сенигине ўлдирса майли әди, бу еңда мен ҳам борман. Лекин мен бунақа улишни хоҳламайман, билиб қўй. Сен Асадбекнинг

кафтида турибсан. Истаса, сенга бир бурда нон беради, истаса, гүштингни итларга ташлайди. Сенинг түштингни сган ит ҳаром улса керак, шунинг учун итларга раҳм қилгину бсрған бир бурда нонини олиб сб, унга раҳмат айт.

Зелихон вазиятни юмшатиш утун гапни ҳазилга бурди. Элчин унинг мақсадини англаб, үзини мажбур қилиб жилмайди.

— Раҳмат айтаман, агар чиндан ҳам қизини мснга берса, мушкулимни анча осон қилган булади.

— Яна қанақаңги мушкулинг бор? Сен қасос олдинг. Эркаклик бурчингни бажардинг. Армонинг ҳам, мушкулинг ҳам йўқ энди. Гумоңларни йигиштириб ташла, одамга үхшаб яшайвср.

— Одамга үхшаб яшаб буларканми ҳозир? — Элчин овозини бир парда кутарди. Зелихоннинг ўгитидаги фалсафа унга ёқмади. — Атрофни шоқолу тулкилар босиб ётса, ким одамга үхшаб яшай олади? — У ўртага савол ташлади-ю, жавоб кутмай сўзини давом эттириди. — Арслонлар ичида яшасам ҳам алам қилмасди. Арслонлар қирилиб кетган, шунисига доғман.

— Шоқоллар орасида тулки булиб яшамоқчимисан? Тулкиларни тулки булиб, шоқолларни шоқол булиб қирмоқчимисан? Сен шунчалар бефахъммисан? Билиб қўй: шоқолу тулкилар биздан аввал ҳам бўлган, биздан кейин ҳам қолади. Уларни ҳеч ким қириб ташлай олмайди. Бу биринчи масала. Иккинчи масала шуки, мен олим эмасман. Мен бир ўғриман. Ҳаёт ҳақидағи мснинг фалсафам бошқа, сенини бошқа, Асадбекники бошқа. Дунёда тирик зот борки, ҳаммаси ҳаётдан аламзада. Ҳамма алам билан юради. Баъзилар бу аланни ичига ютиб сабр қилиб яшайди. Баъзилар аламга қул булиб, кўзлари кур булиб қолади. Ҳеч нарсани кўрмайди. Оғи остига қопқон кўйилганини, тўгри йўлдан кетяптими ё жарга боряптими — билмайди. Бу нодонларнинг қисмати битта. Сен нодон эмассан шекилили?

— Доно одамларга үхшаб яшашим керакми? Тўйгунча ухлаб, тўйгунча овқат сб, тўйгунча ишрат қилиб, тўйгунча амал талашиб...

— Сенга амалнинг нима кераги бор? Сенга маданият министри бўлгин, деяствганим йўқ-ку? Одамлар сени яхши кўришади. Ашулангни айтиб, уларни хурсанд қилиб юравср.

«Ун беш йил олдин шундай эдим. Ашуламни айтардим, даста-даста пулларни ишлардим. Еттиңчи осмонда сузиб юрардим. Бу қилигим Худога өқмали шекилли, йулимни буриб юборди. Хүш, шунча азобли йүлни босиб утиб, яна изимга қайтайми?»

Яна ашула, яна шухрат, яна пулми? Яна қорин бандаси булиб яшайми?» Элчин хаёлида шу гаплар түғилди-ю, аммо тилига күчмади. Зелихон билан бу мавзуда кўп баҳслашишган. Умрнинг турли сўқмоқларида юрган одамларнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари, фалсафалари бир хил булиши қийин. Шундай экан, баҳсда бир томоннинг голиб келиши мумкин эмас. Зелихон ҳаёт билимдони сифатида Элчинга насиҳат қиласвради. Аммо у, Асадбек айтмоқчи, фақат уз қасбининг акадсмиги. Ҳаётда ҳар бир одам үзича акадсмик. Ҳар бир одам үзича ҳақ. Ҳар ким ҳаётдан үзича сабоқ олади.

Зелихон Элчиннинг жим булиб қолганини куриб, «гапим таъсир қилиб, сал отдан тушди шекилли?», деб ўйлади.

— Аввал чақирирганида сендан гумон қилган эди, бу сафар аниқ ишлабди. Сенлигингни қаердан билибди? — деди Зелихон гапни бошқа ёққа буриб.

Элчин ўнг кафтини, жимжилоги томонга оғиб турган бармоқларини кўрсатди.

— Ўзим ҳам ўйловдим. Сен билан бир иш қилиб бўлмайди, ошна. Сени тутиш учун экспертизанинг ҳам ҳожати йўқ.

Асадбекнинг қизи ўғирланганда Зелихон Элчинни огоҳлантириб, ўнг қулингни ишга солма, девди. Қиз типиричилаб ётганида бу ўгит эсга келармиди?..

— Амма-холаларингни бугуноқ юбор. Пайсалга солма. Мен уч-тўрт кунга Фарғонага бориб келишим ксрак. Маслаҳатларинг пишгунча қайтарман.

Зелихон сафардан мақсади нима эканини айтмади. Элчин ҳам сўрамади. Чунки Зелихоннинг болалиги ўтган жойларни қўмсаб, бориб туришини у яхши биларди. Зелихонни бу сафар фақат болалик хотиралари ёки катта ўғирлик режаси эмас, жиддий ташвиш чорлаётгани унга маълум эмасди.

шириб қўйди. Ҳовлида икки нотаниш жувоннинг пайдо булишидан аввалига қўнгли равшанлашди. Она қўнгли сизгир бўлади. Қизининг бўйи етгач, дарвозадан мўраловчи бсона асл мақсадини дарров фаҳмлайди. Бу ташриф оқибати нима билан тугашини билса-да, барибир қўнгли равшанлашди.

Жувонлар «сенидан қолсан қулогимни кесаман», деб бас бойлагандай, бири-биридан булиқроқ эди. Улар шаҳарга доғи кетган одамнинг хогини дуру гавҳарларга кўмилиб яшайдиган малика деб ўйлашганми, устида одмигина қора духоба нимча, оғигда маҳси-калиш бўлган Манзурани чури гумон қилиб, ҳовлида туриб қолишиди.

— Кираверинглар, тортинмангалар, овсин, — деди Манзура.

— Эгачим йўқмидилар? — деб сўради жувонлардан бири.

— Кимни айтяпсиз? — деди Манзура, «булар адаби кириб қолишмадими», деган хаёлда.

— Асадбек акамнинг хотинлари, — деди жувон унга ўгринча тикилиб.

— Менман, овсин, — деди Манзура.

— Вой, айланай сиздан, эгачи, танимабмиза. Кеслинг, бошқатдан қўришайлик. Эсонмисиз, омонмисиз... Биз угирликка келувдиг-а...

Манзура кулимсираб, уларни уйга бошлади.

Куєвликка даъвогарнинг кимлигини билиб, Манзуранинг эси оғиб қолаётди. Элчин «бор гапни яширамай, дарров айтинглар», деб совчиларга тайинлаган, улар бу амрии оғишмай адо этган эдилар. Манзура қизининг бошига оғир савдо тушгандан кейин хотинини сўйиб қўйиб қамалиб чиқкан отарчига бсрарман, деб ўйламаган эди. Гарчи совчилар «хотинини ўзи сўймаган, туҳмат бўлган» деб ишонтиришга уринишса ҳам, Манзуранинг ранги оқариб, бадани музлаб кетди. У совчиларга чой қўйиб узатиб, ҳовлига чиқди-да, болохонадаги йигитларга «акангизни тез топинглар», деб буюрди. Дам утмай даҳлиздаги телефон жиринглади.

Асадбек хотинининг гапларини хотиржам эшилди. Манзура эрининг аччиқланишини, «ҳайдаб чиқар», деб бақириб беришини жуда-жуда истаган эди. Афсусларким, кутгани рўй бермай, эри босиқлик билан:

— Жойи чиқкан бўлса, узатиш керак, — дегани унинг ақлини шошириб қўйди. Бир дамнинг ўзида хаёл уни минг бир кўчага олиб кирди. Ниҳоят, эри-

нинг мақсадини англагандай булди-да, «Вой шурим, энди нима қиласман!» деб пичирлаб, ҳоялига чиқди. Совчилар утирган уйга кирмоққа юраги бетламади. Ошхонага қараб юрди. Қозонда шұрва билқиллаб қайнайпти. Чойнакнинг жұмраги бүг үфуради. У беихтиер қулига чүмич олиб, ярим коса шұрва сузди. Кеңін чүмічини қозонга ташлаб, яна ташқарига чиқди. Дсраза оша ташқарига қараб утирган совчиларнинг бири унинг ҳаракатини күзатиб, «бір нимасини йүқотиб қуйиб гангиб қолди, бояқиши», деб үйлади. Манзура бу онда бирон буюмни эмас, юраги түрида үн саккиз йил авайлаб асраган орзусини, умидини йүқотған зди. Буюмни йүқотса, топиларди, жуда топилмаса «бош-кузимдан садақа», деб құярди. Орзу-умиди-чи, энди уни топадими, тополмаса уни ҳам садақа қилиб юбориш мүмкінми?..

Манзура бир қарорга келиб, яна ошхонага қайтди. Учта косага шұрва қуйиб патнисга қүйди-да, чаққонлик билан кутариб, мәжмөнхона томон юрди.

Бир йұналишда юрадиган автобус ҳайдовчиси хаслға берилса ҳам, кесракли жойда беихтиер равища бурилавсади. Шунга үхшаб ошхона — мәжмөнхона йұналишида қатнайверған Манзура хасли банд бұлса-да, вазифасини аниқ бажарди. Жувонлар шұrvани мақтаб-мақтаб ичиб булишгач, жавоб кутиб үнга қараади. Асадбек розилик билдирған бұлса ҳам Манзура дарров хүндіся олмас зди. Гулдай қызига бир отарчидан совчи ксладио дарровгина розилик беріб юборадими? Айрим жойларға совчилар кеславсриб кавушлари титилиб кетади. Лекин... айрим жойлардаги қызлар бошқа... унинг қизи бошқа. Бу совчилар буни билишади. Билғанлари учун ҳам тортынмай, чүчимай кириб кслишдими?

— Энди... адамиз билан маслағатлашайлик... Қизимиз ёш... Ҳали үқийди... — дсди Манзура чайналиб.

— Вой, әгачи, маслағатсиз бұларканми бу иш. Сиз маслағатлашинг, ёшлар бир-бирини күрсін, сқтирсін. Худо хоҳласа, юлдузи юлдузига тұғри келиб қолса, бу сғи түй-да!

— Қайдам... ҳали тайёргарлигимиз ҳам йүқ.

Икки мамлакат муаммоларини ҳал этиш учун йиғилған дипломатларнинг саломлашишидан тортиб, хайрлашувига қадар, муомалалари, кулимсирашларидан тортиб қош чимиришларигача бұлған ҳаракатлари аниқ ишлаб чиқилади. Худди шунга үхаш, совчилик

маросими ҳам юз, балки минг йиллар давомида бир қолипга тушган. Хотинлар узларини қандай тутишни, нима дейишни яхши билишади. Мана ҳозир Манзура: «Ҳали тайғарлигимиз ҳам йўқ», деди. Бу — қизимизни узатишга розимиз, аммо сиз айтгандай эртага эмас, балки индинга, дегани. Булмаса бу хонадон учун туй нима экан. Эрталаб ишга киришилиб, оқшомда туй бошлиш қулидан келмайдими? Лскин қизи бор одам ноз қилмаса «дипломатия» қонун-қоидалари бузилади.

Совчилар уй соҳибасининг күнглини кутарадиган бир-икки гапларни айтиб, лутф кўргазиб, уринларидан жилишди. Жувонлар бироз хижолат чеккач, бироз ноз қилган бўлиб, қоғоз халтани олишди. Бу ҳам дипломатиянинг бир қоидаси — розилик аломатига ишора. Эртага бу жувонлар тугун кутариб келишади. Манзура патир нонларни олиб қолади. Оқшомда эркаклар келишади. Қарабсизки, қиши охирламай туриб туй!

## XII БОБ

### 1

Анвар катта тоғасиникига борганда осмон эринмай қор эларди. Қиши дангасалик қилиб вақт ўтказган, дўппи тор кслганда типирчилаб қолган одамга ухшарди. Анвар тоб ташлаган кўк дарвозага яқинлашиб жингироқ тугмасини босаман, деганида дарвозанинг бир табақаси ср чизиб очилиб, аввал қулоги кесилган баҳайбат ит куринди. Ит: «Сен ҳам одаммисан, вовуллашимга арзийсанми, йўқми», дегандай Анварга бир қараб олди. Ортидан тоғаваччаси куринди. Элликдан ошган бу одамга вақти келиб «бу дунёда нима курдинг?» деган савол берилса, боқсан итларининг наслию номини адашмай айтиб бериши тайин. Қайси боласининг қасрда уқиши ёки қасрда ишлашини эса, аниқ билмайди. Болачақасининг ризқи қийилиб, қора қозон қайнамай қолса қоларки, итлар гўштсиз оч қолмас. Итни одамга вафодор деб нақл қилганлар. Худо шундайин бандани яратганини билгаюларида эди, одам итга вафодор, деб нақлга тузатиш киритар эдилар.

Бошига қорақул телпак, оғига кирза этик, эгнига аскар болаларнинг паҳталик тўнини кийган тоғаваччи Аниварни куриб, кулимсираб сурошди.

— Аммам яхшимилар? Кс, жа күринмай кетдинг. Сан ичкарига кириб тур, буни би-ир айлантириб келмасам бўлмайди.

— Зур-ку, — деди Анвар итга қараб.

— Шу якшанбада Қамбар ҳўқизнинг итига қўяман. Бир чиқсанг-чи, ҳадсб китоб ўқувриб миянг суюлиб кетади. Томошани курсанг, кунглинг яйрайди.

Анвар бир марта чиқсан, «тамошани» кўрган, аммо кўнгли эзилиб, уни кунча ўзига кела олмаган. Бир-бираининг жагини тишлаб, силтаб тортаётган итларининг қоили башаралари, гажиб ташланган оёклари, бу манзарани завқ билан тамоша қилаётган одамларниң қиёфалари кўз олдидан кетмай, қийналиб юрди.

— Томда тоғамнинг эски китоблари бор экан, шуни кўрмоқчи бўлиб келувдим.

— Томда китоб бораканми? Чиқиб узинг қарий қол. Уйда қеннайинг бор. Нарвонни қўйиб чиқавер. Эски китоб керак бўлса Шамси сутакнига борсанг буларкан. Шамси сутакнига Фозил қийшиқ деган отаси буларди. Фозил қийшиқининг отасини Нозим паранг дейишаркан. Ўшанинг эски шаҳардаги уйи бузилибди. Қушсинчнинг орасидан китоблар чиқсанмиш. Ҳамма тилла бсркитса, паранг китоб бсркитган экан, — у шундай деб кулди-да, итини стаклаб кетди.

Баландлиги салкам одам бўйи келадиган чордок лулининг хуржунини эслатарди. Қирқилган шохлар, эски обкаш, радио... нимаики нарса кераксиз туюлган бўлса, олиб чиқиб қўйилаверилган. Бу чанг босиб ётган буюмлар чангальзорига яқин йилларда одам боласи қадам қўймагани билиниб туради. Анвар нима учундир «китоб ё қутида ё жомадондан булади», деб хаёл қилди. Чордоқда қути ҳам, эски жомадон ҳам йўқ эди. Чордоқни бир чеккадан титишга мажбур булди. Китоб яхшилаб беркитилган, дейиш мумкинмас. Чунки уй олтмишинчи йилларда қурилган, у пайтларда қўрқиб китоб яширишга хожат йўқ эди. Агар уша китоб мавжуд бўлса, уни тоғасининг улимидан сунг, кераксиз матоҳ сифатида олиб чиқиб ташлашган.

Газ келгандан кейин хизматини адo этиб бўлиб, нурай бошлаган мўри ёнида уйилиб ётган латта-лутталар орасидан китоблар, газит-журнал бойламлари, аллақанча қоғозлар чиқди. Уларни пастга олиб тушиб, чангини қоқиб тахтай бошлади. Газит-журналларниң аксари йигирманчи йилларда чиқсан, уқаланиб кетган

қоғозларига қараганда унда араб ҳарфларида өзилган гаплар тарихи янада узоқроқ.

Анвар уларни бир тугуи қилиб уйига олиб кетиб, бафуржа танишиш ниятида эди. Аммо қизиқиши ниятидан устун кслиб, ичи қизиб, варақлардан бирини олиб, ҳарфни ҳарфға уриштириб үқимоққа киришди:

«Шундан билмоқ керакки, бутун Туркистан халқи иттифоқ этса, қон түкілмас. Ер ва амлок ҳам тақсим булмай қолур. Дин ҳам рувож топур. Минг карра доду бедолки, ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этканмиз ва ихтилоғмиз. Сабаби ила бадбахтиқға дучор булурмиз. Бұгун Туркистан иттифоқ этса үн беш міллүнлик бир қуват имлога келурки, мунга ср титрайдур...»

«Бунча ақлли гапларни ким өзгән экан, — деб үйлади Анвар. — Бир-бирининг гүштини сб турган одамларга стказадиган дур фикрлар шу овлоқда исча йилдан бери чанг босиб өтибдими?»

«Туркистан керакким мухторият бұлсун, мұхокама шариялар барпо бұлсун. Ҳатты булар бора аскар олинсун. Дафъя аскар олинмоқға қарор берилурди. Аммо муллалар съезді Туркистандан аскар олинмоқға қарор беріблур, деб илмодан балки баъзилар норози бұлур деб бошқа съездіга муқуф қўйилди...»

Анвар мазмунни дуруст англамай, сатрларни қайта үқиди. «Илмо съезді нима экан?» деб ажабланиб турганида хағлини янгасининг овози булди:

— Анваржон, совуқда турмай, уйга кирақолинг.

— Раҳмат, ксниойи, чанг-пангини қоқиб олай, — Анвар шундай деб бошини қоғоздан қутариб янгаси сънидаги узун бўйли йигитчани курди. Йигитча — шу хонадоннинг тұнгичи, тоғасининг набираси эди. Тоғасининг үлимидан сұнг бу уйга кам кслгани учун Анвар бу йигитчанинг қандай одам эканини яхши билмасди. Тўй-маъракаларда бир-икки алмойи-алжойи гапларини эшлитиб, энсаси қотгани учун унга рўйхуш бермас эди.

Онаси сънида тиржайиб турган йигитча худди Анвар билан бирга өтиб, бирга тургандаи салом ҳам бермасдан гап қотди:

— Макулатура керак булиб қолибди-да, а?

Анварнинг энсаси қотди-ю, индамади. Янга изига қайтгач, бу хонадоннинг тұнгичи чұнтагидан сигарет чиқариб, тутатди. Анвар бу балодан тczроқ қутулиш учун ишни тезлаштирди. Бунга фаҳми етмаган йигитча эса ксчаси билан телевизор курганини, сессияда қайси депутат қайсисини «тузлаганини» бир четдан гапира-

верди. «Бунга ит уриштиришни тамоша қилиши ҳам, сессия қуриш ҳам барибир», деб үйлади Айвар.

Ишни охирига стказишга Айварнинг тоқати стмади. Янгасидан эски дастурхон сураб олиб, чордоқдан топганларини тугди-да, орқалаб кӯчага чиқди. Қуналтага стай деганда тоғаваччасига дуч келди. Тоғаваччаси итини дарахтга боғлаб қўйиб, узи қора чопонли бир одам билан гаплашиб турган эди.

— Ҳа, топдингми? — деди у, Айвар яқинлашгач.

— Топганга үхшайман, — деди Айвар, — уйга бориб қараб чиқаман.

— Ишинг битган бўлса бўпти-да. Шамси, бу йигит бизнинг жиян бўлади. Узи олим. Катта идорада олимлик қилади. Мияси гиж-гиж илм. Шунда ҳам тинмай үқийди. Отамдан қолган китобларни сураб келибди. Китобларингни сен нима қилинг?

Шамси деганлари, оғзида носи бор экан, тунуриб, лабини снгига артди-да, қўл силтади.

— Э, арзимайдиган китоблар экан. Чулпои дейишдими-сӣ, яна аллакимлар, дейишиди. Отлари эсимда йўқ. Шайхонтовурда бир идора бор экан, эски китобларни сотиб оладиган. Манга арзимаган пул беришиди. Эскича китобларга кўпроқ тўлашаркан.

— Доданг ҳам парангман, деб юравурган эканда, а? Токчанинг орасига тилла-пилла қўйиб, кейини сувавормайдими! — деб кулди тоғаваччаси.

— Э, китоб жинниси бўлган эканлар. Бунақа одамда тилла нима қилади?

Айвар бу сұхбатдошлардан тезроқ қутулиш учун ўзига кераклисини кутмай, бошқа томонга борувчи автобусга чиқиб жўнаворди.

## 2

У ҳовлига тугунни орқалаб кирганида рўпарадаги ўй эшиги очилиб Собитхон қори чиқиб келди. Сунгра эшик оғзида Рисолат кампир кўринди. У ўғлининг келганини билмай қорига:

— Ўзи билмасин, а? — деб тайинлади.

— Ҳўп, — деди қори кулиб, сунг кампир сирни ошкор қилиб қўймасин, деб қўшиб қўйди: — Ана, Айваржон келяптилар.

— Келдингми, болам, — деди Рисолат кампир осто на ҳатлаб, — аканг эсон-омон эканми?

Анвар қори билан саломлашгач, онасига жавоб берди:

— Уругларингиз согиниб-согиниб салом айтишди.

Жияннингиз итидан ортса, аммажонини кургани албатта ксларкан. Оғига пояндоз тайёрлаб туринг.

— Бўлди қил, эски пахтаничувима. Ити сани арпангни хом ўряптими, нима ишинг бор. Қори болам, бунга би-ир насиҳат қилиб қўйинг, а?

Собитхон қори ўзига ярашган кулимсираш билан «хўп» деб қўйди. Анвар таклиф этган «бир писла чойга» киришга унамади. Зарур ишлари борлигини айтиб дарвоза томон йўналди.

— Қори ака, шошиб турган бўлсангиз ҳам бир нафас вақтингизни оламан, — Анвар шундай деб тугуни очди-да, боя ажратиб қўйган қофозни олди. — Мана бу срга нима өзилган. Ҳато ўқидимми ё хато өзилганими? Собит қори сатрларга узоқ тикилиб қолди.

— Сиз нима деб ўқидингиз?

— «Илмо съезді» деб.

— Илмо?.. — Собитқори ҳарфларга узоқ тикилди. — «Уламо» эмасмикин?

Анвар психонасига снгил шапатилади.

— Тўппа-тугри — уламо! «Уламо» жамияти бўлганку?! Ушаларнинг съездиданда! Мен аҳмоқ шуни ўйламабман.

— Хижолат чўкманг, Анваржон, бу ҳаммамизнинг фожиамиз.

Қори шундай деб, кучага қараб юрди.

— Ойимнинг дардлари бор шскилли? — деди Анвар, уни кузатиб чиқиб.

— Ўзингизга маълумдир. Агар ихлосингиз булса, бу ишни қилиш керак. Ихлос бўлмаса фойдаси йўқ.

— Қори ака, ихлос-ку бор-а, аммо ҳожат йўқ. Эсҳушим, Худога шукр, жойида. Ё сиз ҳам?..

— Асти-асти, ундаи ўйламанг, Анваржон.

— Мен бошқачароқ ўйлаб, бошқачароқ гапираман, шскилли. Ҳамма бир хил ўйлаб, бир хил гапириши шарт эмас-ку, тўгрими?

— Тугри, Оллоҳ таборака ва таоло бандаларини бу дунёда синаш учун турлича қилиб яратган. Фақат қиёматда жаннатга кирилганда барча бир куринишда булади. Чиройда Юсуф алайҳиссалом, гавдада Довуд алайҳиссалом, одобда эса пайғамбаримиз Мұҳаммад салоллоҳу алайҳи вассалам сингари буладилар.

Шу пайт икки эшик нарида, Собитхоннинг уйи олдида «Волга» тұхтаб, ундан бир йигит тушди. У аввал

эшикка қараб қадам ташлади. Қорини күргач эса, бу томонга юрди.

— Қори ака, олиб кетгани келдим, — дели у, салом бергач, қулини қовуштириб.

Қори хайрлашиб кетди.

Анвар ҳовлига қайтгач, олиб келган китоб-қоғоларнинг чангини яна бир қоққан бўлди-да, уйга кирди. Тугунида битта чарм муқовали, битта қалин қозоз муқовали китоб бор эди. Китоб босма ҳарфларда эмас, қулда хусниҳат билан куцирилган, аммо шарқ китоботи санъати қоидасига зид равишда саҳифаларга зеб берилмаган эди. Чарм муқовали китобда диний ақиқатлар зикр этилган экан. Анвар уни қўйиб қалин қозоз муқовалисини қулига олди. Бу китоб ческада қолиб, чириб титилганми с атайин йиритиб олинганими, ҳархолда бош қисми йўқ эди. Дастрлабки сатрларни уқибоқ Анварнинг юраги ҳаприқиб кетди: бу уша, Зуннуний айтган асар эди!

«...Ёғий Тошканга мукаммал сипоҳи ила Қалас томондин яъжуз-маъжуз каби спирилди. Айтурларки, қадимда Чингис лашкарлари-да бу каби ҷузулиқ ила кирмаганлар ва сибоъмонанд бўлмаган эдилар.

Эски жувада қисмат содир бўлуб, урус аскарларига қирон сткурилди. Инсон қони тўкулмаган на бир кўча қолди, на бир хонадон. Жиҳодга кирган Тошкан аҳли «биз ўлсак-да, ўрайлук, динимиз булғанмасун, мусулмон туғроғи коғирлар оғу остида азият чекмасун, фарзанди комилларимизнинг «Аллоҳу акбар!» деб чиқувчи тиллари кесилмасун», деб азиз жонларини қурбон бсрса бердиларким, уларга уқоб ҳам ҳавас қилгулик эди. Бу қадар қаршиликни кўрмаган ёғий фигони фалакни тутти. Барча ерларда ҳам шунчалар зарба берилганида эрди, ёғий фурудастликка маҳкум бўлурди. Ҳabisшева аҳлидан бўлмиш ёғий ёшли, қарими ёҳуд гудакми — фарқламай отаверди, чопаверди. Фақирингиз бундайин сидрафарсой манзарани кўрсатгунча кўзларимизни кур қил, деб яратганга таваллолар қилдум. Мўйлаби часнинг думи янглиғ тепага қайрилган бир малла қиличини шундайин зарб ила урдики, сслгиичак осилган бешик ҳам иккига булинди, унда беланган чақалоқ ҳам чўрт узулди. Болам, деб нола қилган ўн тўрт кунлик ойдайин жувон боши танидан узилиб, бешик ёнида қотди...

Ёгийга омонлик бермаган Эски жува даҳасини сунгроқ уқало «Жанггоҳ» деб юритмишлар...»

Анвар китобдан бош кутариб уйга толди: «Қизиқку. «халқ отаси» буни бошқача талқин қилиб берган. «Тошкент йигитлари чапани, урушқоқ бўлган. У маҳалла бу маҳалла билан муштлашиш учун Эски жувада тупланганилар. Эски жувадаги майдон шу боис «Жангон», яъни «Жангтоҳ» деб юритилган», деб сзавериб, бу гапнинг ийигини чиқариб юборган-ку?»

Анвар китобга шу қадар берилдики, онасининг ҳовли этагидаги уй эшигини очиб икки марта чақирганини ҳам эшифтади. Хотинининг кириб келганини ҳам аввалига сизмади.

Хонзода уйга кириб, сочилиб ётган эски қогозлар, газит-журналларни куриб, дастлаб ажабланди. Ерда чордана қуриб ўтирганича китобга мук тушиб олган эрига қараб салом берди. Анвар саломни эшитди, бироқ китобдан узилгиси келмай бош қимирлатиб қуя қолди. Хонзода, эри қараб ҳам қўймагани учун «яна касаллари тутдими», деб қўрқиб кетди.

— Анвар ака, — деди сскин, кейин чўчибрөқ бўлсада, овозини кўтарди: — Анвар ака!

Анвар китобдан бош кўтариб, ялт этиб хотинига қаради:

— Ҳа, келдингми? — деди-да, яна китобга мук тушкиди.

Хонзода кийимини алмаштириб чиққанида ҳам ахвол шу эди. У эрига бироз тикилиб тургач:

— Нима овқат қиласай? — деди, айбдор одамнинг овозида.

Анвар жавоб бсрмади.

— Овқатни сураяпман, — деди Хонзода, овозини бир парда кўтариб.

— Бу ёқда одамлар қийма булиб ётибди-ку, бунинг дарди овқат, — деди Анвар мингирилаб.

— Нима дсяпсиз, тушунмадим, — деди Хонзода.

— Мастава! — деди Анвар жеркиб.

Мастава Анварнинг энг хушламайдиган овқати. Жаҳли чиқсагина шундай жавоб бсрари. Хонзода саволни қайтаришга ҳожат йўқлигини билиб чиқиб кетди. Орадан бир писла чой ичарли вақт утиб, онаси кириб келди.

— Анваржон, болам, уйдамисан? Чақираман, чақираман, индамайсан. Мен сени қори бола билан худойига кетвордингми, дебман. Тогангникига нимага борувдинг, китоб олиб келдингми? Қанақа китоб экан?

Анвар «О, шпион, стказибди-да», деб урнилан турди-да, онасиини стаклаб диван томон юрди.

— Қанақа китоб деб сүрадим сендан, — деди кампир жойлашиб утириб олгач.

— Эскича китоблар.

Зийрак кампир келинининг ахборотидан сунг хавотирланиб чиқкан эди, шу сабабли ўглининг қисқа жавобидан қониқмади.

— Тоғангда эски китоблар бўлмасиди, қани, ўқичи?

Анвар бу «тергов»дан осонгина қутулмаслигини билib, чарм муқовали китобни қулига олиб очди-да, дучкелган сридан ўқий бошлади:

— «*Бурун ул нимаким, фарз этти Яздон,  
Этур оқилга болиг булғач имон.*

*Аннинг маънисидур тил бирла иқрор,  
Кунгул бирда инонмоглиг даги бор.*

*Тилар булсанг анга ўзни стурмак,  
Бил, олти нимага имон кстурмак...»*

Анвар саҳифалар орасига бармоғини қўйиб, китобни сўди.

— Бўлдими, энди ишондингизми?

— Сен энди, ўқиганингни манга тушунтириб бср.

— Худо иймонни фарз этти, демоқчи.

— Ўқиганингда Худо деган сўз йўғиди-ку?

— Яздон — Худо дсгани. Қаҳҳор, Жаббор дсгандада ҳам Худони англайдилар. Худони англатувчи сўзлар кўп.

— Боламдан айланай, шунча нарсаларни биласану писмайиб, индамай юрасан-а? Онамнинг кўзлари кўр бўл қоған, шу бечорага яхши нарсаларни ўқиб берай, айтиб берай, демайсан. Ман санинг нонингга зормасман, болам, яхши гапингга зорман... — Рисолат кампир кейинги гапини ҳасрат оҳангидага айтди. Овози титраб кетганини сезган Анварнинг юраги сиқилди.

— Ойижон, китобни ҳозир олиб келдим. Ҳали ўзим ҳам ўқиб чиққаним йўқ. Шпионингиз бсхато ишлашини билганимда, йулдаёқ ўқиб кслардим.

— Гапни дарров эгриликка бурма. Мани келинимдака келин йўқ бу дунёда. Шпионлик қилиб уйига гапташибдими, ё кўча-кўйда валақлаб юрибдими? Худога шукр қилсанг-чи?

Анвар онасининг осонлик билан чскинмаслигини билгани учун доим қуллайдиган ҳимоя усулига ўтди — гапни ҳазилга бурди:

— Мендай эр насиб қилганига Хонзодангиз шукр қилсии.

— Сан болага хотин зотининг чидаши қийин.

— Ойи, тергов тамом бўлдими?

— Чиқиб кстинг, демоқчимисан? Ҳайдамасанг ҳам кстаман.

Рисолат кампир ўриидан қўзғалмоқчи эди, Анвар тезгина бориб ёнига ўтириди-да, елкасидан қучди.

— Худди хўжа қизига ухшайсиз-а? Жаҳлингиз чиқмасин, ҳазиллашајман. Узим ҳозир ёнингизга чиқмоқчи ёдим. Сурайдиган гапларим бор.

— Болани туғиб, боқиб-боқиб, қариганингда ёқмай қоларкансан, — деди Рисолат кампир, аразини давом эттириб.

— Бувамнинг хатларини уқидим. Ҳаммасида афсус чекяпман, деганлар. Нимадан афсусланишлари мумкин?

— Билмайман.

— Нимадан афсусланишлари мумкин? — деди Анвар ўзига ўзи гапираётгандай. — Қилган хизматларигами ё ёшлиқдаги хатоларигами? Балки ёшлиқ чоғларида бирор дўстларига хиёнат қилгандирлар?

— Гапинг қурсин сани, адам раҳматли чумолига ҳам озор бермасидилар. Чақувдан бўлган ҳаммаси. Сталинга қарши тўнтариш ясамоқчи, деб тухмат қилишди. Сталиндай одамни тўнтариб бўларканми?

— Ҳархолда қизиқ... Шоакбар Зуннунийни ўн тўққизинчи йилда Бухоро амири остирган. Орадан ўн саккиз йил ўтгач, унинг дўстини — менинг бувамни қамашган. Икки ҳаммаслак дўстнинг бири эски тузумга ёқмаган, иккинчиси янгисига... — Анвар бир қули онасининг елкасида, кузи дераза ортида сгаётган қор зарраларини илиб олаётган дараҳт шоҳларида эди.

— Ақлли одамнинг душманлари кўп булади, болам.

— Бувимга қийин бўлган экан-да.

— Ойим бояқиш ҳасратда ўтдилар, — Рисолат кампирнинг кўнгли тулиб, снгининг уни билан кўз ёшини артди.

— Юринг, ойи, танчангизда бироз ўтирайлик, оёғим қақшаб қолди, — Анвар шундай дсгач, кампир ўриидан турди.

Анвар онасини уйига кузатиб, бирпасына утириб қайтмоқчи эди. Онаси атайин уни ушлаб қолмоқчи булдими ё чиндан ҳам китоб үқитиб әшигиси келди - Анвар фарқлай олмади. Хонзода чарм муқовали китобни келтиргач, у қамалдаги одам ҳолига тушди. Қишининг бир тутам кундузи тугаб, шом қоронгиси бостириб кирди.

### 3

Анвар үрин солаётган хотинини слкасидан қучди. Хонзода чүчиб тушди. Чучиганини яшириш учун тезгина үгирилди-да, эрининг пинжига кирди - слкасига бсозоргина бош қўйди.

- Сиздан яна илтимос қиласман, - деди Анвар уни бағрига босиб. - Ҳамма уйласа ҳам, сиз мени жинни деманг. Ҳадеб ойимга югуриб чиқаверманг. Мен согман. Мен ишхонадагилар учун жинниман. Улар менидан қутулишнинг бошқа чорасини топишолмади.

- Ўша ишингиз ҳам қурибгина кетсин. Бошқа ишлар тулиб стибди-ку?

- Йу-үқ, у срдан кетмайман. Аввал ишимни битириб олай. Энди ческинсам, ростданам жинни бўламан. Бугун топиб келган китоб-қоғозларим уларни портлатиб юборадиган атом бомбанинг ўзи. Тилка-тилка булиб кетишади.

Хонзода эрини гапиртирмаслик учун лаблари билан лабларини қидириб топди...

Хонзода одати бўйича енгил пишиллай бошлагач, Анвар ўрнидан туриб меҳмонхонага чиқди. Дераза оша осмонга тикилди.

Тунд осмон ёришмади.

«Чақирсанг келамиз, дейишган эди. Нима учун дараклари йўқ?..»

## XIV БОБ

### I

Шаҳарнинг энг катта ресторани икки кун давомида Асадбек хизматида бўлди. Хонаки қиморбоздан тортиб, орқа ойнасига оқ парда тортилган оқ «Волга»ларда юрувчи зотларгача хизматда бўлишди.

Түйнинг дарагини эшишиб Зоҳид ҳам, гарчи тақлиф этилмаган бўлса-да, келди. У бошқалардск слиб-югуриб хизмат қилмади. Асадбекнинг кўзига куриниб, жилмайиб, таъзим ҳам қилмади. Бир чётда туриб кузатди. Хизмат ресторан ходимларию ходималаридан ортмаса ҳам, «қамишдан бсл боғлаб хизмат қилишни ният этганлар» тиниб-тинчишмасди. Тўй ҳаракатлари ичкарида булишига қарамай, Асадбек турган срда ивирсишарди. Айримлари югуриб келиб, Асадбекдан маслаҳат олиб кстарди. Айримлари шунчаки кириб-чиқиб турарди. Улар орасида таниш одамларини кўриб, Зоҳид «ҳоким дейишганича бор экан», деб қўйди.

Зоҳид никоҳ оқшомида куёвнинг ёнида Анварни кўриб аввалига ажабланди. Устози сабаб булиб, Анвар билан бир-икки суҳбат қурган эди. Адолат деб куйиниб юрган йигитнинг адолатсизлик билан топилган пуллар эвазига тузалган дастурхон тўрида ўтириши унга ғалати туюлди. Унинг қаричи билан ўлчанса, Анвар дўстининг бу хонадонга куёв булишига йўл қўймаслиги лозим эди. Дўстини қайтаролмаган тақдирда ҳам куёвжура булиб тўрда ўтираслиги керак эди.

Чумоли уясидек қайнаётган тўйхонада Анвар ҳам Зоҳидни кўриб, «Бу йигит нима қилиб юрибди?» деб ажабланди. «Хизмати юзасидандир» деган гап хаёлига кслмай бироз фижинди.

Зоҳиднинг тўйда иштирок этаётганини фақат Анвар эмас, Асадбекнинг одамлари ҳам пайқашди. Тўй уз йўлига, хизмат уз йўлига, дсанларидек, Асадбекнинг одамлари ҳушёр ва зийрак эдилар. Ким келди, ким кетди, ким нима деди — уларнинг назаридан чётда қолмас эди. Тўйдагиларнинг қарийб ярми тақлиф этилмасалар-да, Асадбекка садоқатларини билдиришиб, уз ихтиёрлари билан келишганди. Зоҳид ҳам тақлиф этилмаганлар сафида, аммо унинг мақсади Асадбек одамлари учун ноаниқ эди. Шу сабабли «Шариф Намозов ишини кўрган, ҳозир Шилимшиқнинг иши билан шугулланаётган» «бола»нинг келганини Асадбекка маълум қилиб қўйишиди.

— Еб-ичиб ўтиравсерсин, индамаларинг, — деди Асадбек. Кейин ёнида қул қовуштириб турган Кесак-половонга қаради. — Ҳайдар, директоринг куринмадими?

— Кишинёвда ўтирибди. Самолёти учмаётганмиш.

— Прокурор боланинг акаси ўлдирилган, дсьдингми?

- Ҳа. шунақа бўлган экан.
  - Прокурор бола.... тузукроқ одамми?
  - Бу ёқда ҳали тузукроқ иш бермади. Милисадатигида сал ужарроқ экан. Одам булиши қийин-ов...
  - Хўжайини нима дейди?
  - Одам бўлмаса думини тугади-да...
  - Узинг ҳам уриниб кур. Оғимиз остида уралашмасин. Кавказлик болаларни топдиларингми?
  - Йўқ, изи қурибди. Уларни академик топган булиши ксрак. Прокурор болага ушани рўпара қиласайми?
- Асадбекка бу таклиф маъқул тушгандай бўлди. Сунг Зелихон изидан ис олган прокурор оқибат Элчинга рўпара келишини ўйлаб, фикридан қайтди.
- Йўқ, — деди у кескин оҳангда. — Унга тегмаларинг.
- Зоҳид «юқори доираларнинг» ўзи ҳақида сўз юритаётганидан бехабар, «мени бу срда ҳеч ким танимайди», деган хотиржам ўйда туй тамошасини кузатарди. Унинг назарида хонандалар устидан сочилиб, хипчабел раққосалар оғси остида босилаётган пуллар қоздан эмас, одам қонидан ишланган эди. Маст башибалар санчиқига ҳил-ҳил пишган қўй гүштини эмас, одам гүштини илиб оғизга солишаётгандай эди... Шуни ўйлаганида кунгли ағдарилиб кетаётди. Гус ашулачи санъатини қадрлагандай пул сочаётган, аслида ўз қудратини, айни чоқда, Асадбекка бўлган эътиқолини намойиш этаётган бу киборларнинг қай бири Жалол Комиловнинг эркаклигини кессиб ташлаган экан, қай бири юрагига пичоқ санчиб, қай бири осиб қўйган экан? Зоҳид «бу ваҳшийлик фақат мафиянинг қулидан кслади, гуруҳлар орасида ихтилоф чиққану Комилов қурбон бўлган», дсган қарорга кслган эди. Бу ваҳшийлик «ижодкори» пул сочаётганлар эмас, қушиқ айтиб куннинг дилини ўзига ром қилиши мумкин бўлган, ҳозир эса турда куёв сарупосида ўтирган Элчин экани хаёлига кслмайди. Бу ҳақиқат тагига етгунича кўп қоқилади, пешонаси кўп гурра бўлади...

Даврабоши Элчиндан биттагина қушиқ эшигиш таклифи тушаётганини айтиши ҳамоноқ қийқириқ бўлиб кетди. Элчин қамалмасидан аввал бу шарафга кўнишиб қолган эди. Шундай кезларда у саҳнага юриб эмас, гус парқу булутлар устидаги сузиб чиқар эди. Ҳозир уша

дамлар қайтгандай булиб юраги бир энтикли. Бош чайқаб «йўқ», деди. Ўрнидан туриб, қулини кўксига қўйиб таъзим қилди. Даврабоши унга тор узаттагач, ноилож қолиб қулига олди. Шунда ҳам ўртага чиқмади.

Кимга тўй, кимга аза, дейдилар. Элчин зоҳиран куёшлик шоҳсупасида хуррам кўринар, ботинан эса, юраги темир тирноқлар ҳукмида эди. Яхшилаб қараган киши унинг юзлари кулгани билан қўзлари ғам пардаси ортида маъюс тортганини пайқай олади. Яхшики, тўйда одамлар синчков булишмайди. Купчилик Элчиннинг «ашула айтмайман» дейишини шунчаки ноз урнида қабул қилди. Элчин ҳозир улар истаган қушиқларни айттолмасли, уларни хурсанд қилолмасди.

Қулига тор олгач, «нимани айтсан экан» дегандай уйланиб қолди... Элекстр орган чолгучиси унинг мушкулини осон қилиш учунми бир вақтлар машҳур бўлган ашуласининг куйини чалди...

*Бугун қўшни чорбоққа  
келин тушди, ср-ср...*

Элчин бу куйни эшитмади.

...Пуллар сочилиб ётган тўйхонага... Ноила кириб келди. Оппоқ узун кўйлақда. Чап кўкрагида пичоқ, лскин қон йўқ. Маъюс кулимсираб туриб:

— Айтинг, Элчин ака, ўша ашулангизни соғиндим... — деди.

— Қушиқ фақат сенга аталган эди.

— Айтинг, майли, булар ҳам эшитишисин. Зора тош юраклари юмшаса...

Тўйхона бирдан жимиб қолди.

Қамоқхонадаги тўлғоқли кечаларда тугилган, узоқ йиллар юрак қафасидаги тутқинлиқда потирлаётган қушиқ озодликка чиқди...

*Хайр энди, қалбимда бир видо қолди...*

*Хайр энди, сен кетдинг, бсгуноҳ оҳу...*

*Бугун сен қайдасан,*

*Қайларда қолдинг...*

*Бугун бошинг узра кимнинг паноҳи...*

Элчиннинг назарида тўйхона жим эди. Барча унинг юрагидан отилиб чиқаётган нидони тингларди. Аслида эса... дастурхонга бошланган ялпи ҳужум сусаймаган ҳолда давом этарди.

*Сени кес топғандым... эрта йүқтедим...  
Қарғагин, лойиқман сенниң қаҳриннеге...  
Қарғагин... Қарғагин...*

Элчин үзга оламга күчган эди.

Түйхонада эса Асадбекнинг ичкари киришига тайсгарлик бошланаётган эди. Ҳар ҳолда күсви ашула айтяпти, пул қистирмаса булмас...

Бушаган ликопчаларни йигиштириб юрган турт асл Жамшиднинг ишораси билан сочилиб ётган пулларни тезлик билан териб олишди. Улар ишларини якунламай туриб бир йигит қулида дасталанган пул билан пайдо бўлди-да, юзталикларни икки қатор қилиб худди пояндоздай тера бошлади.

*Қарғагин, лойиқман сенниң қаҳриннеге...*

Юз сўмлик пулдан иборат пояндоз ҳосил бўлгач, базмхонада Асадбек қуринди.

*Ўзгалар қалбида мсҳр уйғотдим...*

Асадбек пулларни босмай, чистраб утиб, ашула айтасётган күсви томон юрди. Йул-йулакай Жамшидни кўзи билан излаб топиб қовоқ уйиб қўйди. Жамшид буни тушуниб дарров хипчабелларга имо қилди. Уларга жон кириб, пулларни йигиштиришга тушишди. Асадбек кслин-куёвга яқинлашиб чўнтағига қўл солди. Купчилик бир даста пул сочилишини кутган эди. Асадбек ҳеч бир тўйда, ёки йигинда пул сочмаган. Унинг бу одатини билган яқинлари «ўзининг тўйида бу одатини бузармикин» деб уйлашганди. Улар кутган иш бўлмади. Асадбек иккита юзталиқ чиқариб узатди.

Элчин бошқа оламда эди — эгилмади. Асадбек пул қистиролмади. Унга Элчиннинг ҳозирги ҳолати бегона эди. Шу сабабли Элчиннинг эгилмаганини магрурлик белгиси сифатида қабул қилиб гижинди. У ўзини мағлуб ҳис этди. Аммо мағлублигини тўйга йиғилганлар у ёқда турсин, ёнидаги аъёнларига ҳам сездириши мумкин эмас эди. У дарҳол чўнтағига қўл солди-да, бир тутам юзталиқ чиқариб, күсви устидан сочди. Түйхонани қийқириқ босди. Асадбек иккинчи чўнтағидан пул чиқариб уни қизи устидан сочди. Аввал Кесакполвон, сунг Чувринди хўжайинлари ишини такрорлашди. Асадбек кулимсираган ҳолда түйхонадан чиқди.

Элчин устидан пул Ծифиларди...

Түйгулари эса топталарди...

Унинг күзларидан сизиб чиққан өшни ҳеч ким сезмасди, ҳатто Анвар ҳам...

...Узгалар қалбида мсҳр уйғотдим...

### 3

«Сиз үшами?..»

Зайнаб бу лаҳзани қанча кутди? Еттинчи синфдалигыда «Үтган кунлар»ни биринчи марта үқиб чиққан эди. Еттинчи синфдалигыда китобдаги Зайнабни қарғаб, Кумушға үзича мотам тутди. Үзига Зайнаб деб исм құйғани учун ота-онасидан хаға бұлди. Рұмонни иккінчи ө учинчи марта үқиетганида онасига йиғлади. «Отимни үзгартирайлық», деб ялинди. Манзура қизининг бу қилигидан күлди. Қучоқлади, бошини силади, пешонасидан үпди. «Айланай қизим, бу ёмон исм әмас, китобда өзавершишади-да», десди. Кейин қизига қизиқиб үзи ҳам китобни үқиб чиқди. Үзи ҳам йиғлади. «Ойижон, исмимни Кумуш деб үзгартирмайсизларми, Кумушға үхшаб улиб кестсам ҳам майли эди...» Бу Зайнабнинг күнглидан кесчган гап. Уни тилга чиқарып айттолмайды, уялади. Чунки китобдаги Кумушнинг Отабесги бор.... орада тотли дамлар бор. Зайнабнинг орзулари ортида ҳозирча яширин бўлмиш шундайин ҳислар борлигини отаси билиб қолса — шармандалик әмасми?

Узоқ вақтгача бирор уни отини айтиб чақирса худди «Кумушга заҳар берган сенсан», дегандай булавсрди. Ҳатто бир куни тушида Кумушни курди. Кумуш — кинодагидан минг чандон гузал, юзларидан нур тара-ластган бир жувон «нима учун мени үлдирдингиз?» деб үпкалади.

Ўзининг исмидан уялиш баробаринда у хаёлан Отабесгини изларди. Синфдаги болалар орасида Отабек урнини босувчи болани топмади. Танаффус пайтида худди қизлардай түпланиб олишиб кийим-кечаклар ҳақидаги гаплардан ортмовчи угил болалардан Отабек чиқиши мушкул эди. Унинг назаридан арзирли бола мактабда йўқ эди. Нораста қиз юрагини отасининг ишончли маҳрамларидан бири бўлган жингалаксоч йигит —

Жамшид ром этсами?! Жамшид эса қизчанинг күнглидан нслар кешишини билмай, ҳовлида рұпара келиб қолганида «Ха, пүчүк, үқишлиар қалай әнди?» деб қуяди. Зайнаб баъзан шу сұзларни ҳам әшитишга муштоқ булиб қолади. «Отам мениң унга берармикиштар?» деб үйлайди. Ҳатто «Нимага мениң олиб қочиб кста қолмайды?» деб ҳам фикр қылади.

Балогат өшига шу үйлар, орзуладар билан кириб келди. Күнглидеги болаликнинг үткінчи ҳислари әмас экан. Юрекка уруг булиб қадалган уша ҳислар әнди униб чиқа бошлади, қизининг юрагини, ақлу хушини Жамшид тамом банди қылди. Еши утаётгап булса-да, үйланмай юрган йигит нима учуудир бу хонадонда ажыб бир гул унастганини сезмас әди. Жамшид десярли ҳар куни шу срда бұлғани учун ҳам уни үз синглисидай күрарди, унга бошқача күз билан қарашни үйламасди. Зайнаб мана шундан тұлғоқла әди.

У бекор қолди дегунича Кумушбиби қисматини үқирди. Китобнинг күп саҳифалари әд булиб кетган әди.

*«Билурмиккин, билмасмиккин, у золим!  
Күнлар, тунлар тортган оху зоримни!..»*

Кумушнинг түйида қыздар айтган қүшиқдан шу байтни күп тақрорларди. Жамшид күринмай қолса «тоблари қочдими, мениң үйлаб хаста бұлдиларми», дес-ган ҳаәлге борарди. Ҳаәлни үзича ҳақиқатга айлантирай деганида Жамшид куриниб қолса, унинг соchlарини битталаб юлгиси келарди. Кесчалари билан тұлғониб «яхши күришимни үзим айтаман», деб қарор қиларди. Тонг бұзариши билан унинг бу дадиллиги үйқуга кестар әди. Жамшидинг машинасига чиққанида эса сири ошкор этилиб шарманда бұлғандай юzlари ловулаб, тили калимага келмай қотиб қоларди. Зайнаб фақатгина үз дүнёсида яшарди. Бу дүнёга үзгалар кириши мүмкін бўлган эшик эса тақа-тақ бсрк әди. Бу эшикни, истаса, фақат Жамшид оча оларди. Аммо унда бундай хоҳиш учқуни сезилмади. Зайнаб ношукурлик қилмади. «Узоқдан бўлса ҳам ҳар куни күриб турсам бас», деди. Назарида Жамшид булмаса унинг бу дунёда юришига ҳожат ҳам қолмас әди.

Йигит киши ҳам шунчалар бспарво бўларми? Гулларнинг очилишига зор булбуллар қани? Гул ишқида әниб куйловчи қумрилар қани? Қани Отабск? Заҳар фақат Кумушбиби жонини суғуриб олмай, Отабск юра-

гидаги муҳаббатни ҳам уллирдими экан? Шу боис бу сруғ дунёда Отабсклар қолмадими экан?

Жамшид Отабск каби севганида эди, Зайнабимиз

Кумуш каби улиб кетишга минг марта рози эди. Ҳа, Зайнабимиз ана шундай телба муҳаббат чўриси эди. У Жамшиднинг юрагидан асл зотига нисбатан муҳаббат қувиб чиқарилганини, бу қалб фақат нафрат билан тенасуғтанини билмас эди. Чунки Жамшид ҳам ўз дунссида яшарди. Унинг дунссига ўзгаларнинг кируви мумкин бўлган эшик ҳам тақа-тақ берк эди. Бу эшикни Зайнаб ҳам оча олмас эди...

Зайнаб муҳаббатнинг алдамчи булутлари устида сузуб юрганида ўзининг булажак тўйини хасл кўзи билан кўради. Йўқ, йўқ, сиз уни эрсираб қолибди, деб уйламинг. Асти бундай эмас. Туй десганда унинг кўз олдига тушак келмайди. Туй десганда у... Отабскнинг кўради. Хотирасига муҳрланиб қолган ғазувчи сатрлари билан кўради...

«...куєв кслар эди: икки томонни сириб олган хотин-қизлар ўртасидан Отабск кслар эди...»

Отабск — шубҳасиз, жингалаксоч йигит.

«...унинг кетидан Офтоб ойимнинг эгачиси исиринг тутатар эди...»

Демак, исиригни холаси тутатади.

«...хотинлар қулларида шам билан бунга қарар ва узатиб қолур эдилар...»

Электр чироқ учиб қолса қандай яхши бўлар эди...

«Куєв уйнинг ғнига стди. Унинг юзи уятдан жуда қизарган, қочгали жой тополмас эди. Шу кесда уйнинг эшиги очилди-да, янга томонидан қаршиланди.

— Кирингиз, бек!»

Янга ким бўларкин? Кичик холаси дуруст. Каттаси сал қўполроқ, бемаъни гапларни ҳам айтворади.

«...Отабскнинг юрак уриши эҳтимол янгасига ҳам эшитилар эди...»

Янгасига эшитилмас балки, аммо у эшитади. Ўз юрагининг қафасдаги қушдай потирлашига ҳамоҳанг бўлади...

«...Отабск уйга киргандан кейин янгаси ташқари чиқиб, эшикни ўзи кўради қия қилиб ғиди...»

Кичик холаси мўраламайди, гап пойламайди. Унга айтиб қўяди: эшикни зич ғиби устларидан қулфлайди...

«...Уйнинг турида ғнини Отабскка бериб, рўмолининг учини туғибми, йиртибми Кумушшиби турадир ва ким кслди, деб ғнига қарамайдир...»

У ҳам шундай туради. Дарров қарамайди, сирини ошкор қыла қолмайди...

«...Рұмол туғиши билән машғул латиф құлларни чет құл кеслиб сиқди.

— Жоним!»

Бу онни, бу жон олгучи биргина сүзни у исча йыш күгди? Унинг азобларига исча түн гувоҳ булды экан? Тундан сұраб қуриш көрек: мұхаббат оловида қовжи-расттан үндан бошқа яна битта қызы бормиқин дүпседа? Шунда ҳам...

«...Кумушбиби бегона құлдан сессанди ва құлларни құтқазмоққа тиришиб:

— Ушламанғиз! — деди ҳам сиқувчи құлдан қутулиш учун орқага тисланди...»

...Шунда ҳам Кумушбиби сингари құлини тортиб олади. Силтаб эмас, аста, ноз билан тортади — унинг хәслига бошқа ғап ораламасин, күнгли озор чекмасин. Шунда у...

«...Титраган ва қовжираған бир товушда:

— Нега қочасиз?! Нега қарамайсиз?! — деди Бек, Кумушбиби шу өзіңде қарамаган ва қарашини ҳам тиламаган эди...»

...Шунда у овози титрамаса ҳам айтади бу ғапни. Ахир, нимадир дейиши көрек-ку?

«...Мажбурият остида, өвқараш билән сескингине душманга қаради. Шу қараңда бирмунча вақт қотиб қолди...»

Йүқ, өвқараш қылмайди, хumor күзлари билән қарайди. Уялибина қарайди. Бу қараңнинг муддати яшин умри мисол қысқа булади...

«...Шундан кейин бир исча қадам босиб Отабек-нинг пинжига яқын келди ва эсанкираган, ҳаяжонланған бир товуш билан сұради:

— Сиз үшами?...»

Нима учун шундай дейди?

Зайнабимизнинг хәлидаги түй шу срга келганды узилар эди. Куевга шундай дейиши учун сабаб ахтарарди... Сабабини бешафқат ҳаётнинг үзи топиб беришини у қайдан билсин? Ҳаёлдаги түй сароб экани, исирик тутатылмаслиги, шамлар өңілмаслиги, ҳатто... катта холаси янга булиши, чимилдиққа номусли қызы эмас, юқли жувон булиб киришини, Отабек — жингалаксочли йигит эмаслигини үшанды билганида үзини өқиб юбора қолмасмиди? Хүш, билгач-чи? Уни нима ушлаб қолди? Үғирланған куниек хәлидаги түй барҳам топға-

нини англаган эди-ку?.. Ҳаслидаги түй барҳам топгани түгри, аммо Жамшидга бўлган муҳаббати сұнмаган эди. Бу муҳаббат сұниши учун аввал унинг ўзи ўлиши керак. Аввал муҳаббатни сұндириб, сұнг ўлиш унинг құлидан келмайди. Зайнабдаги муҳаббат алангаси зўрми с Элчиндаги қасос ўтими — ўлмасак бунга ҳам ажрим топармиз.

Ҳозир эса... Зайнаб номи чимиллиқ, аслида оврупocha қилиб яхшилаб ясатилган өтокда, түшакнинг бир четида омонат ўтирибди. Катта холаси «ўзиннга маҳкам бўл», деб чиқиб кетгаи. Эшик қия очиқ. Кумушбиининг янгасига ухшаб муралаш учун атай очиб қуёмади. Тасодифан шундай бўлди шекилли.

Зайнаб күев бўлмишининг бир вақтлар машхур қушиқчи эканини эшитганидан бери ўйлаб уйига столмайди: У Элчиннинг машҳурлигига гувоҳ эмас. Элчин қамалганида у учинчи синфда ўқир эди. Қамалганидан кейин Элчиннинг ашуулари радиодан ҳам берилмай қўйган, шуҳрати аста сўнган эди. Қолаверса, янги авлодининг уз оҳанги, уз қушиқчилари бор эди. Зайнаб отасининг мақсадини англай олмади. Чиройга баҳо бсрилса, Элчин Жамшидга нисбатан ўқтамроқ эди. Лескин қамалда бўлган Зайнабнинг юраги унга эшикни очиб бера олмас эди. Никоҳларини рўйхатдан ўтказмоққа борганларида унга бир исча марта ўгринча қаради. Дугоналарининг ҳавасдан снастганларини ҳам сезди. Аммо... хотинини сўйиб ташлаган одамни күев қилиш отасига нима учун зарур булиб қолди? Нима учун онаси итоат билан кўнди?

Янга — катта холаси чиқиб кетганига ҳам анча бўлди. Күев эса ҳаяллаяпти.

Кун буйи қор ёғиб, осмон ҳасратини тўкиб адo қилибди — ҳаво очиқ. Тулин ой жувон ҳолича эрга тегаётган қизнинг аҳволини бир курай деб нақ дераза теспасига суллоҳлик билан қуниб олган. Ҳовлида ҳарат сұнмаган — хотинлар ҳамон ивиrsиб юришади...

Зайнаб ўрнидан туриб дераза пардасини ёпди. Жойига қайтиб утирди. Зиндонга тушиб қолгандай бўлди. Гуё турт дсвор, шифт бир булиб унинг устига босиб кела бошлади. Нафаси қайтиб ўрнидан турди-да, пардани салгина сурди. Ой нури хонага ўгринча кириб ожизгина сию турган тунчироқ нури ойлан қоришио кестди.

«Сиз ўшами?»

Бунинг айтилишига озроқ фурсат бор.

Зайнаб стоқхонада күевнинг ҳаяллашидан ҳайрон. Күевнинг эса бу ерга киришга юраги дов бермайди. Уч кун аввал келиннинг сеплари олиб келинганды Элчин қайси хона стоқ бўлишини курсатган эди. Арабистонда ясалган ҳашамдор каравотлар Элчин айтган хонага қўйилиб эди. Ноила билан тотли тунларни ўтказган, оқибатда эса, Ноиланинг жони узилган хонада энди у бошқа жувон билан бирга булолмас эди. Ресторанга жўнашаётганида ҳам хобгоҳ Элчин айтган хонада эди. Қайтса... Ноиланинг жони узилган хонага кучирилибди.

— Ҳеч замонда даҳлиз ҳам испалий буларканими, — деди аммаси унинг порозилигини писанд қилмай. Элчиннинг туйғулари амма учун бегона эди. Айтса, «орадан исча йил ўтди. Эркак киши сал узини қулга олиши керак», деганига ухшаш бир гап эшигарди.

Хобгоҳдан бўлак барча хоналар келин тарафидан келган хотинлар билан банд. Ҳовлида узининг қариндошлари изғиб юришибди. Элчин ческиб олиш баҳонасида Анвар билан дарвозахонада турибди. Аммаси иккни марта келиб: «Ҳой, кирмайсанми?» деб кетди. Элчиннинг гапларида тайин йўқ. Анвар буни сезяни. Ўртогининг келин олдига киргиси йўқлигини англаб турибди. Сабабини сўрамайди. «Ноила эсига тушиб кетди шекилли?» деб тахмин қилади. «Майли, узини босиб олсин», деб у ҳам сигаретга сигарет улади... Аммо тоңгача шу ҳолда туриш мумкин эмас...

— Совқотдим, ошна, — деди Анвар. — Энди кир, хотинлар гап қилади.

Элчин мумин боладай хўп, деб уй томон юрди. Остона — муқаддас чегара. Анвар чегарани босиб утмади, ҳовлида қолди.

Эшик очилиб куёв тўра — Отабек эмас! — кирдилар. Келин пошша — Кумушбиби эмас! — ёнини эшик томон бериб — атайин эмас! — ўтирадилар. Ким келди, деб ёнга қарамайдилар. Эшик маҳкам спилиб, калит буралади. Нариги хонадан жой олган хотинлар, гафлатда қолишди десак, янглишмаймиз. Чунки қадимнинг расм-русими йўқ энди. Хотинлар нима учун куёвнинг уйига келиб, нима учун ётиб қолишаётганини ҳам билмайдилар. Ҳовлида гулхан ёқиши йўқ, келин боши узра палак тортиб ёр-ёр айтиш йўқ, исириқ тутатиш йўқ, тортишмачоқ йўқ, чимилидиқ йўқ... Келин куёв уй бурчагига тортилган чимилидиқ ортида ўтириб тоңг оттирмайдилар. Хотинлар чимилидиқни аста сурис

мураламайдилар. Кампирлар қизлик оламларини ташлаб, жувонлик очунига кириш онларини хотирлаб, чоллари билан бўлган кейинги ҳангомаларни сўзлаб куёв билан келин кўнглини қитиқламайдилар... Ҳаммаси соддагина: ёшик қулфланади, хотинлар минғирлаб минғирлаб уйқуга кетадилар. Келин узига пишиқ бўлса булди, йўқса урф бўйича эртага белгиланган воқса шу тундаёқ амалга ошаверади, янгалар доғда қолаверадилар...

...Латиф қўлларини чет қўл келиб сиқмади. «Жоним!» деган сўз учмади. У Кумуш эмас, Зайнаб экани учун шундай бўлгандир? Балки у китобда ёзилгандай ширин лаҳзага арзимас?

...Элчин аввалига тўшак устида Ноиласини кўрди. Кўзини чирт юмиб олди. Чуқур нафас олиб туйғуларини ҳайдаб чиқармоқчи бўлди. Бунга пича эришди. Кўзини очганда тўшак устида Ноиласи йўқ эди. Тўшак устида омонат ўтирган Зайнаб — Асадбекнинг (!) қизи унга қарамасди. Элчин келинлик либосида ўтирган Зайнабга мажбурият юзасидан яқинлашиб, билагига қўл юборди. Қаттиқ сиқмади, оҳистагина ушлади.

Зайнаб сесканди. Аммо қўлларини қутқазмоқقا тиришмади. Унинг билагини ушлаган қўл бсгона эмас, таниш эди. Зайнаб ёвқараш билан, ялт этиб душманига қаради, (ҳа, у ёри эмас, душмани эди!) урнидан турди. Кумушбиби Отабек пинжига яқин келгани каби яқинлашмади. Эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан суради:

— Сиз... ўшами?!

Бу гап тилидан бсхтиёр учди. Бу гап Кумушбибининг ҳаяжони билан учмади. Кумушбиби кутилмаган баҳт қуши бошига қўнган саодатли қизнинг эсанкираши билан айтган эди бу гапни, Зайнабимиз эса узок излаган қонхўр душманига тасодиф билан рўпара келиб қолган, баҳти топталган жувоннинг эзгин овози билан айтди.

Савол жавобсиз қолди.

Отабекнинг «Мен уша!» деган кўнгилни қувонтирувчи сўзлари учмади. Зайнабимиз «Кузларимга ишонмайман», дсмади. Икки лаб уз-узидан бир-бирига қовушмади... Кичкина нозик қўллар слка устига, кучли қўллар қўлтиқ остига ёпишмадилар. У куёв бўлмишнинг юзига узок тикилиб турмади... «Кутилмаган бир баҳт!» дсмади, кулиб юбормади. Бу кулиш ҳовлиларга-ча эшитилмади...

Күсв билан келин бир-бирларига яқинлашмаган холда утириб, тонг оттирдилар.

Элчин, сұғи азон айтмай туриб, хобгоұдан чиқди. Күсв чиқиб кетиши билан шошилиб кирган янга — Зайнабнинг катта холаси жиянининг «узига маңкам бұлганини» күриб, қувонди.

## X V Б О Б

### I

Вино заводининг бошқони Шариф Намозов хунук хабар билан кирган котибага норози қиесфада бокди. Биргина жилмайиши билан жонини сугуриб олини мумкин бұлған, аммо янги бошқонининг күнелини овлай олмасдан хуноби чиқиб юрган котиба унинг қовоқ уйганини күриб чимирildи.

— Кираверсиими? — деди нозли оханды.

— Бироз кутсии, — деди Шариф, телефон гүшагига құл узатиб. — Министр билан гаплашишим керак.

Котиба ноз билан бурилиб чиқди. Шариф гүшакни жойига илди. «Прокуратуранинг яна нима иши бор экан менда?» деб уйлади. Қорнида бирдан санчиқ туриб, құнгли айниди. Чұнтагидан хапдори чиқариб, илиб қолган чой билан ичди.

Шу өшгача фақат илм деб яшаєтгән одам, гүс пешонаси деворга урилиб күзи очилғандай, ҳаєтнинг маъноси ўзгача эканига имон келтира бошлаган эди. Бахтли булишимга бахтсизлик асқотади, деганларидек, худо бу бандасининг юмуқ күзларини очмок учун атайдын қамоқ можаросига рұпара қылғандай эди. Қамоқдан-ку, бир неча кунда қутулди. Билагидаги игна излари ҳам йүқолай деди. Бироқ гиёхвандликнинг түридан қутулиши оғир кесди. Худди ачиган овқат сб қўйғандай қунгли айниб, қорин оғриғи бошланса, тұлгоқ тутған хотин каби типирчилаб қолади. Шунақа пайтда кўнгил қамоқхонадаги йигитни қўмсайди. У кўзига фаришта бўлиб кўринади. Кела қолсаю билагини сиқиб туриб томирига эм игнасини санчса. Оғриқ тухтаса. Булутлар устида снбошлаб сайр қылғандай ором олса... Үттиз минг эмас, үттиз миллион сүм бераман деган тилхатга ҳам имзо ческишга тайёр... Үйида дастлаб шудард хуруж қылганида үзи ҳам, хотини ҳам қўрқди. Гиёхвандлик түридан чиқиб костиш мумкинми, деган

муаммо эр-хотинни ташвишга солди. Шарифни қамоқ-хонадан уйга олиб келган жингалаксоч йигит хапдори ташлаб кетмаганида уларнинг ҳолига маймунлар йиғлаши мумкин эди. Хапдори эм булиб, дард аста ческина борди.

Бошқонлик курсисига ўтирган куни, йўқланмаган мсҳмондай Асадбек кириб келганида ҳам хапдорини ютиб, дард билан олишаётган эди. Шариф Асадбекнинг довругини ёнитса ҳам, узини энди кўраётган эди.

Асадбек устол қиррасига кукрагини тираб, тиришиб ўтирган бошқонга қараб турди. Дард пича ческиниб, Шариф қадини ростлагач, «Ҳа, нима бўлди?» деб ҳам сурамади.

— Янги амаллар қуглуг бўлсин, — деди Шарифга қаттиқ тикилиб.

АЗобининг асоратидан ҳали тўла қутулмаган Шариф юзини буриштириб, «Раҳмат», деди. У индамай кириб келиб, беъзбетларча ўтириб олган бу одамни вазирлик вакили деб гумон қилди.

— Менни танимайсизми? — деди Асадбек.

— Кўзимга иссиқроқ кўриняпсиз?..

— Мен, Асадбекман! Шунаقا одамни эшитганмисиз?

Бесҳуш одам юзига муздек сув сепилса, кўзи мошдек очилгани каби Шариф ҳам узи қутмаган ҳолда, бирдан сергак тортди. «Шунаقا одамни эшитганмисиз?» Шариф Асадбекни бадқовоқ, тунг, ғувуз бир маҳлуқни эслатувчи одам қиёфасида тасаввур этарди. Туғри, қараши ўткир экан. Лекин бу қараашда ҳам, юзларида ҳам ғувузлик аломати сезилмайди. Кийимлар шоҳона эмас, бармоқларда тилла узук, оғизда тилла тишлар йўқ... Шариф Асадбекнинг қарашига дош беролмай ўрнидан туриб кетганини узи ҳам сезмай қолди. Устолни айланиб ўтиб у билан қушқуллаб сурасди. Асадбек ўтирган ўрнида жилмайди. «Жойингизга ўтиринг», деди. Шариф унга итоат этмай, устол олиб рӯпарасига ўтириб «буюрсинлар, тақсирим», дсан каби мўминтой кўриниш олди. «Қилич бу олимчани қайсар, дерди, мулойимгина-ку?» деб ўйлади Асадбек.

— Ишга киришиб кетдингизми? — деди Асадбек, ундан кўз узмай.

— Секин-секин бўляпти, — деди Шариф. У ҳозир қайшотаси билан биринчи марта учрашиб, хижолатда ўтирган күевболага ухшарди.

— Шу завод дунёга машҳур булиши мумкинми?

— Ҳа... — деди Шариф, — катта фойда берини мумкин.

— Мен дунёга машҳур булиши мумкини, деб суряпман. «Порто»ми, «Наполеон»ми, ҳеч булмаса «Белий аист» даражасига чиқа оладими?

— Нега чиқмасин? Биз «Порто»дан утиб кетинимиз аниқ. Мен янгича бир жараён асосида шино олиши ни таклиф қилувлим. Португалияликлар қизиқиб туришибди. Бу жараённи янада мураккаблантириш имкониятим бор. Заводда ишлаётган одам сони учдан иккига қисқаради. Маҳсулот ҳажми уч баравар ошиади, сифати етти-саккиз марта яхшиланади.

— Биз заводни сотиб оламиз.

— Биз деганингиз ким?

— Биз — иккаламиз. Яъни, сизу мен.

— Ҳазиллашманг, менинг пулим йўқ. Ундан кейин бу давлатнинг заводи.

— Давлат сотади заводни. Утириб қоладиган ҳамма заводларни бугун булмаса эртага албатта сотади.

— Бу завод... утириб қолмаган. Катта фойда олади.

— Ҳозирги шароитда миллиардер завод ҳам хароб булиб кетиши мумкин.

— Йўқ, бу мумкин эмас.

— Мумкин.

— Бу менинг қўлимдан келмайди.

— Сизнинг қўлингиздан аралашмаслик келар?

Шариф тушунди. Демак, Асадбекнинг режаси икки босқичдан иборат: биринчисида бошқон четда туради. Ундан кура чапдастроқ одамлар заводни чўқтиришади. «Норентабсл» деган рўйхатга киритилади. Иккинчи босқичда Шариф майдонга чиқади. Янги усули билан заводни «кўтаради».

— Фойданинг тўртдан бири сизники, — Асадбек шундай деб ўрнидан туриб, қўл узатди. Шариф беихтиёр қўл берди. Асадбек хайрлашиш учун қўл олишидими ё шартни тасдиқлатдими — Шариф англай олмасдан қолди.

Орадан исча кун ўтса ҳам Асадбекнинг гапларини ўйлайди. Мағзини чақмоқчи булади. Ҳозир завод тўрги миллион сум соғ даромад олади. Тўртдан бири — демак, миллион! Янги усулга утилса бу яна кўпаяди. Хориждан доллар ҳам оқиб келади. Нима, у миллионер буладими? Бунга бир ишониб — кўнгли яйраб кстади. Бир ишонмай, кўнглига гулгула оралайди. Прокуратурадан Зоҳиднинг келгани ҳақидаги хабар вужудида

мудраштган уша гулгулани уйғотди. Гарчи Зоҳид смоңлик қылмаган булса-да, Шарифда унга иисбатан пафраг зоҳир эди. У, шубҳасизки, Зоҳиддининг юрагида қандай дард борлигини билмасди. Шариф учун милиса ҳам, прокурор, терговчи ҳам бир — суринитириб үтирамай қамайшиган одамлар. Шариф эниди иши бошлаган дамда, рунарасидаги қоронгиликлар чекиниб, узоқдаги тилла чүкқилар күриниб, уша томон талининиб яшаётган пайтда касби қамашу хурлаш булмиши бу одамии куришини истамас эди. Аммо прокуратурадан келган одам унинг истаги билан ҳисобланмайди — шуниси чатоқ.

Шариф узи билан иича олишиб үтиргач, котибасини чакириб, «кираверсин», деди.

Уларниң сүнгти учрашуви қамоқхонаада бўлган эди. Унда Зоҳид ўринидан силжимайдиган тахта устол ортида үтиради. Шариф хонага қўлларини орқасига қилиб, ўлимини бўйинига олган одамдай қалдини эгип кирган эди. Ҳозир эса... кенг хонада, устига тўртта телефон қўйилган катта устол ортида Шариф үтирибди...

Эшикдан Зоҳид кириб келди. Орқасида соқчи эмас, котиба кўриниб, Зоҳид ичкарига қадам қўйини билан эшикни ёниб олди. Зоҳиддиниг қуллари орқасида эмасди. Қадди ҳам өгилмаган, юриши дадил эди. У «кутиб турсин», деган гапни эшиктанидаёқ бошқоннинг учрашувга ҳуни йўқлигини сезганди. Ичкари кириб, Шарифининг қимирламай үтирганини кўргач, бир гашланди. Аммо одоб юзасидан салом берди. Шариф бош иргаб алиқ олди. Қули билан рўпарасидаги стулни курсатиб, «үтиринг», деган ишорани қилди. Унинг душманини кутиб олгандай қаршилаши Зоҳид учун кутилмаган ҳол эди.

— Эшикманс, — деди Шариф, Зоҳидга қарашибга ботинмай. У терговчини хушламай қарши олгани билан саросимадан ҳали қутулмаган эди. Шу сабабли ҳам унга тик қарай олмади.

Зоҳид эса унга тикилиб турди. «Мен ҳали шунига ачинувдимми? Шунинг бегуноҳлигини исботламоқчи эдимми? Қамоқда чириб кетадиган тўнка экан-ку?» леб ўйлади.

Зоҳид Жалолишилимшиқнинг иши билан байд булса-да, Шариф Намозов тақдери, винзавод атрофидағи ҳангомаларни ўрганишдан бутунлай воз кечмаган эди. У ҳали Жалолишилимшиқ Асадбекининг яқинларидан

бири булганини билмайди. Билганда эди, «Асадбек ло-  
зим булган маҳалда сизни ҳам шу йигитдай үлдирти-  
риб юборади», деб айтармиди... Зоҳиднинг бу даргоҳга  
келишидан мақсади дастлабки иш бўйича ҳақиқат та-  
гига стиш. Нима учундир «Шариф Намозов менга кў-  
мак беради», деб уйлабди. Одамнинг бунчалик тез үзга-  
риши мумкинлигини ҳисобга олмабди.

— Эшитаман, — деди Шариф бу сафар баёндрок  
овозда.

— Бир табриклаб қўяй деб кирлим. Шу кучага йу-  
лим тушиб қолувди.

— Раҳмат.

— Тўйда куринмадингизми?

— Қайси тўйда?

— Асадбек қизини узатди-ку, сизни айтмадими?

— Сафарда эдим.

— Аттанг... Зўр тўй сизга насиб этмабди-да, а? Иш-  
лар қийин эмасми?

— Шуни сурагани келдингизми, бошқа гапингиз  
йўқми?

— Бошқа гапми?.. Бор. Қилич Сулаймонов билан  
ораларингизда нима гап ўтган эди?

— Ҳеч қанақа гап ўтмаган.

— Унда нима учун сизга тұхмат қилди. Озмунча  
пулга куймади, бояқиш. Сизнинг қамалишингиз унга  
нима учун зарур булиб қолганди?

— Сулаймоновнинг ишини сиз олиб боряпсизми?

Зоҳид саволдан кутилган мақсадни англади:

— Мен Намозовнинг ишини олиб боряпман, —  
деди дона-дона қилиб.

— Намозовнинг иши спилган, — деди Шариф тўнг  
оҳангда.

— Ҳозирча расман шундай. Сиз кўча чангитиб юрган  
киссанур бола эмассиз. Олимсиз. Қонунни яхши биласиз.  
Ҳар қандай иш қайта қузғотилиши мумкин, — деди  
Зоҳид, ҳар бир сўзга алоҳида-алоҳида ургу бсрив.

— Ӯша қайта қузғотилганда гаплашамиз.

— Яхши ният, ярим мол, ҳарҳолда гаплашаркан-  
миз-ку, — Зоҳид шундай деб урнидан турди. — Қамоқ-  
хонада сиз менда бошқача таассурот қолдирган эдин-  
гиз. Сизни олим одам, илмдан бошқа нарсани тан  
олмайдиган ҳақиқатпарвар киши, деб уйлаган экан-  
ман. Бу дунёда чин ҳақиқатпарвар одам анқонинг уру-  
ги экан, шекилли?

— Ҳақиқатдан ҳамма гапирганида ҳам сиз гапирманг энди! — деди Шариф урнидан туриб. У Зоҳидни кузатини учун ўрнидан қўзғолдими ё жаҳли чиқиб туриб кетдими, ўзи ҳам билмади.

Бурилиб кетмоқчи бўлган Зоҳид ажабланиб, унга қаради:

— Нимага? Мен ҳақиқатга мос қелмайдиган бирон иш қилдимми ё сўз айтдимми?

— Бегуноҳ одамни муттаҳамларниң ичига тиқиб қўйиш — ҳақиқатми?

— Афсуски, лақмалик учун қамаш мумкин эмас. Ушанди сизни лақмалигинги учун тиқиб қўйиш керак эди. Молдай ичиб, билакка қора доридан урдириб, уйда нима аҳвол, билмайсиз. Яхши ҳамки уйингизга қора дори ташлашибди. Хотинингизни сўйиб, пичок дастасини қўлингизга ушлатиб қўйишича нима қилардингиз?

Зоҳиднинг гапи Шарифни титратиб юборди.

— Гапирманг! — деди у жонҳолатда.

— Шошилманг, бу ҳам бўлиб қолар... сиздақа одамларни йўқ қилиш чўт эканими? Фақат касрингиз бошқаларга уради. — Зоҳид шундай деб эшик томон юрди.

— Тўхтанг, сиз нимага шама қиляпсиз?

— Ҳеч нимага. Ўзимча уйлайпман. Бошингизга баҳт қуши қўнган экан, оғидан маҳкам ушланг. Жар тепасига бориб қолганингизда аттанг, десманг. Сиз ўйнастган ўйиннинг қонуни-қоидаларини мен билмайман. Ҳар ҳолда бу илм одами ўйнайдиган ўйин бўлмаса керак.

Илмдан чекинган икки одам ссрҳашам бир хонада худли дарънинг икки қирғогида тургандай гаплашишарди. Ажабланарлиси шундаки, уларнинг бири ҳақиқат истаб илмдан узоқлашди, иккинчиси ҳақиқат стказган жабрлардан беziб, илмдан юз үгирди. Қамоқхонадаги учрашувда улар руҳан бир-бирларига яқин эдилар. Энди улар орасида олов ларёси бор. уни кечиб ўтиш мумкиними? Улар яна тўқишашиларми — Худо билади.

Зоҳид чиқиб кетди. Илмоқли гаплари билан Шарифнинг юрагини тирнаб кетди. Ҳақиқат деб жабр чекканлари тўғри. Аммо бу жабрининг роҳати ҳам бор эди, тан олиш керак. Ҳақиқатдан чекинмаган одамнинг руҳи эркин бўлади. Дард чекса-да, тиз чўкмагани учун руҳи яйрайди. Ани шу роҳатдан ўзи ўз хоҳиши билан воз кечди. Аммо руҳи унинг бу қарори билан

келиша олмайди. Зиндоңда азоб чекаётгап баңы каби нола қылаверди. Ҳозир Зоҳид чиқиб кетгач, бу нола яна бошланди. Шариф үрнига утириб, тирсактарини столга тираб, бошини чаңгатлади.

Эшикни қия очган котиба унга ажабланиб қараб турди-да, снгил йуталғандай булди. Шариф бошини кутариб унга қаради.

— Телефонга қаранг, — деди котиба.

Шариф телефон гүшагини қулогига тутиши билан Асадбекнинг овозини эшитди:

— Тинчликми?

— Тинчлик.

— Терговчи бола нимага келибди?

— Шундай үзи...

— Чайналманг.

— Сулаймонов билан ораларингда нима гап утган эди, дейди.

— Құрқиб кетдингизми? Құрқманг. Бу бола бир улимтик чивин. Чақиб үлдирмайди. Фақат гингиллаб гашингизни келтиради. Пуф десак, чиққан жойига кириб кетади. Омон булинг.

Асадбек гапни қисқа қилди.

«Дарров қасқдан била қолди, — деб үйлади Шариф, — ҳаммаәққа айғоқчи қўйиб ташлаган шекилли?»

Шариф, Зоҳид айтгандай, гул булмаганда, Қилич Сулаймоновнинг котибаси нега алмаштирилди, деб үйлаб қуярди. Агар бирон марта булсин шаҳар марказидаги уч қаватли уй сртуласидаги видеобарга кирганди эди, котибанинг қасрдан келиб қолганини фаҳм этарди.

Котиба кириб яқингинада видеобарда кўпнинг жонини олган нозли жилмайиши билан янги хўжайининг яқинлашди.

— Чой дамлаб берайми, Шарифжон ака!

Шарифнинг димогига ёқимли атир иси урилиб, кўнгли равшанлашди.

— Майли, жуда аччиқ бўлмасин, — деди котибага бир қараб олиб.

Котиба устолнинг нариги четидаги чойнакни олиш учун орқадан айланиб утмай, Шарифнинг олдидан қул узатиб эгилди. Шарифнинг димогига атир иси гупириб урилди. Кузи котибанинг сийнабанд тақилмаган кўк-раклари орасидаги ариқчага тушиб, кўнгли галати булиб кетди. Котиба ҳеч нарсани сизмагандай қаддини ростлаб, унга бир ишвали жилмайди.

Бирорга өмөнлик қилмайдиган одамни «яхши одам» дейишади. Ўзгаларга яхшилик қилмовчини-чи? Башқаларга яхшилик қилмайдиган одамнинг өмөнлик истовчидан фарқи борми?

Винзаводдан узоқлаштаған Зоҳид шу саволга жа-воб истар эди. Устози Ҳабиб Сатторович илмга рагбати бор, иқтидорли олимга жонини ҳам беришга тайёр. Ўзининг ишини четга суриб, бошқага өрдам қулини чузади. Бу яхшиликми — яхшилик. Лескин күчада бирор очдан шишиб уляпти, дессангиз, өрдам бериш учун чиқмайди. Ўша улаشتган одам олим дессангизгина чиқиши мумкин. Бу-чи, бу ҳам яхшиликми саблаҳликми? Шариф Намозов ҳам шу тоифаданми? Хуш, Зоҳид нима қилиши ксрак? Бу олим очдан эмас, тұқликтан шишиб улишни маъқул қурибди. Үнга өрдам берсинми? Яшашга үзида рағбат бўлмаган одамни үлимдан қутқариб бўларканми?

Олим одам қандай қилиб илмни мансабга алмаштириши мумкин? Аввал мансабга стишиб, сунг олим деган унвонга эришганилар сон мингта. Бу одам эса... Тұғри, бошқон булатуриб ҳам илмий ишини давом эттирап. Лескин ҳозирги ҳолда илм яхшиликка эмас, жигилдонга хизмат қилиши аниқ бўлиб турибди. «Танланган касбининг үзи майды эди, — деган қарорга келди Зоҳид. — Мусаллас ишлашнинг янги усули. Кимга ксрак бу усул. Янгича мусаллас жамиятни яхшилашга, тозалашта хизмат қиласадими? Үзумни олдинг, сиқиб шарбатини чиқардинг, идишнинг оғзини маҳкамлаб, қоронги жойга қўйдинг. Шунга ҳам илм ксракми? Одамларни алжитиш, миясини суюлтиришни ҳам «илмий асосда йўлга қўйиш ксракми?» Шуни олим дедимми? Шунга ачиндимми? Э, аҳмоқ, Ҳамдам аканинг гапларига киришим ксрак эди. Ҳамдам акага үхшаб бу одаминг қорнига бир тепмайманми, жони оғриб турганида жиноятини бўйнига қўйиб, қоғозга имзо чекдириб олмайманми...»

Зоҳид йўлга оқ пояндоздай тўшалган қорни гичирлатиб босиб пича юргач, пишқириб тухтаган автобусга чиқди.

Ўзи ишлаган хонага кирганида Ҳамдам Толипов дсрара токчасига утириб олиб сигарст тутатарди. Хона тутунга тулиб кетган, дсмак, Ҳамдам анчадан бери шу

срда, балки кимнилди. Сурок қылғандыр. Балки кимнилди яқингишнада төпкі сөб чиқып кетгандыр...

— Ҳа, оның прокурор, ишлар қалай? — деди Ҳамдам утирган срида құл узатиб. — Ҳақиқат үриатиб булдинми?

— Үриатяпман. — деди Зоҳид, жилмайшында ҳаракат қылды.

— Үриагавер. Бизам би-ир яйраб яшайшын.

— Кайфият үүкми? Нима булды?

— Кайфият жойида. Бу дүнөда ҳаромилар бор әкан, кайфият жойида булады. Сен ҳақиқатини үриаттаниндан кейин ишсиз сиқылтып, кайфиятим бузылды, — Ҳамдам шундай деб чұнтагидан дафттарча чиқарды. — Езиб ол: Шерқұзыев. Таксопаркда йигирма иккі йылдан бері ишлайды. Комиловни аэропортда охирги марта шу одам күрган. Комилов иккита кавказлик йигит билди савдоны пиншітаёттанды үнида булаган. Комилов уларни нақд иккі юзга тушириб, соат түртларда Чимкентге қараб жунаған.

— Чимкентте? Унда Чиноз үүлиға қандай бориб қолган? Балки Шерқұзыев янглиштандыр?

— Чимкенттегінин аниқ билади. Йүлда кавказликлар адашыбмиз, бизга Чиноз керак әкан, дейнин мумкінмасми? У лақма эса бундан хурсанд булады. Ҳархолда Чиноз яқнироқда. Балки яна беш-үн сум қүшинин талаб қылғандыр, улар күништандыр.

— Шерқұзыев уни танир әкапми?

— Уша куни танишибди. Қараса, машина узи ишлайдын таксопаркники, «Ошна, қачон келдінгиз?» деб сұрабди. «Яқында келдім», дебди. «Мошин янгыну, қандай ундирилдингиз? Биз уч йилдан бері кутавешиб сарғайыб кетдік», дебди. Комилов «сарғаймаслик» учун тузукроқ узатиш керак эди», дебди. Шерқұзыев шунга ҳайрон. Хужайинларга берадиганини беріб қүйгән әкан. Машина биқиниге «ижара пұдрати», деб өзилған әкан. Таксопарк хужайинлари эса буидай эмас, деб туришибди.

— Үғирланғанми?

— Яңғы машина үғирланса, улар жим үтиришармиди? Бу срда тұдаларнинг қули борлиги сезилип турибди. Асадбекми, Ҳосилбойваччами, Марканянми?.. Ким олган машинани? Комилов кимнин гизматкори? Ҳа, Шерқұзысвининг гапига қараганда Комилов Сибирдаги жононларнинг қиلىқларини таърифлаб берган әкан. У Сибирда нима қылған? Гастролга борғанми? Гап кавла-

санг, савол қайнааб чиқаверади. Сен унга жавоб топа олмасаш керак.

— Шу даражада иштудманими?

Ҳамдам дераза токчасидаги «шоҳсупаси»дан тушиб, Зоҳидин слкасига сиғил мунит уриб қўйди.

— Гап сенинг иштудлигингда эмас. Бу чигалини ҳатто улуғлар улуги Ҳамдам Толинов ҳам еча олмайди, — у шундай деб кулиб қўйди. — Кўнглим сезиб турибди, бу туданинг иши. Тўгри, ёғочнин учта эмас, иккита учни булади. Бир ёғини боссанг, иккинчи томонни келиб ишонанига урилади. Ё яқин кунлар ичи тудаларнинг ўзи кераксиз бир одамини қотил қилиб курсатиб, сенга рўпара қиласди, ё «очилмаган ишлар» рўйхати биттага кушайиб, сен хўжайининг олдилда иштуд ходим сифатида қаддингни кери-иб турасан.

Ҳамдам гапини ҳазилга бурмоқчи эди, эплолмади. Табиатан кескинроқ одамнинг кайфияти бузилиб турган пайтда ҳазил қилини түянинг балет рақсига тушишидай булар экан. Ҳамдамнинг бунаقا ҳазиллари Зоҳидга янгилик эмас. Ҳамдам ўз ёғига ўзи қовурилиб турган пайтда олдиндан келган одамни тишлайди, орқадан келганни тепади, аямайди. Фақат марҳамат қиласигина ҳозиргидай ҳазиллашиб қуяди.

Ўхшатмасдан учратмас, деганларидаи Зоҳиднинг кайфияти ҳам ўзингизга маълум. Шариф Намозовнинг гаплари, қилигидан тамом гангиган Зоҳидга Ҳамдамнинг ҳазили малол келди.

— Туда, туда, дейсиз нуқул. Шунчалик жонингизни олиб қўйганими улар? Ким ўзи улар — одамми ё девми?

Ҳамдам рўпарасидаги жizzаки йигитни энди кураётгандай қаттиқ тикилди.

— Уларнинг кимлигини билмайсанми? Улар одам ҳам, дев ҳам эмас. Улар аждарҳо. Юз бошли аждарҳо. Аммо танаси, қорни битта. Улар қувватни қасрдан олади, биласанми? — Ҳамдам курсаткич бармоғини юқорига ниқтади. — Аждарҳонинг жони сақланадиган қутича уша ерда. Тудаларга фақат ўшалар бас кела олади. Сен аждарҳонинг бошларини нима билан узмоқчисан, қуруқ гап биланми? Ё «бу дунёда адолат деган гаплар ҳам бо-ор», деб аждарҳонинг қулогига аzon айтасанми? Ўшалар, — Ҳамдам бармоғини яна юқорига нуқди, — қўлинигга ўтқир қилич ҳам бериши мумкин. Сен бориб аждарҳонинг битта бошини узасан. Сенга раҳмат айтишади. Газитда суратингни чиқаришади. Юзта бошдан тўқсон тўққизта қоладими шунда? Бекорларни айтиб-

сан. Сен узиб ташлаган бош үрнига дарров бошқасини қүйишади.

— Фалсафадан дарс беришга арзийдиган домла булиб қолибсиз, — деди Зоҳид, пичинг билан.

— Ўгриваччаларни құылаб юрган одамнинг фалсафаси ҳам шунақа майда бұлади. Сенга ачинганимдан би-ир гапириб құяман-да. У ерда косанг оқармайди. Faқир киши панада булғани маъқул-да. Адолат қилишингта улар йул беришмайди. Фирром ишларга эса сенинг виждонинг йул қўймайди. Икки ўт орасида қовурилиб юраверасан. Мана, олдинги ишининг нима бўлди? Овсарга ухшаб оғзингни очиб қолавердинг.

— Энди оширвордингиз, ака. Гап деб гапираверар экансиз-да. Оғзимни очиб қолганим йўқ. Илоннинг думини куриб турибман.

— Зўрсан-ку! — Ҳамдам қойил қолган одамдай кўзларини катта-катта очиб, Зоҳидга қарали.

— Масхара қилманг. Сизга тұгрисини айтяпман.

— Илоннинг думини куриб нима қиласан? — Ҳамдам энди ошкора пичинг билан гап бошилади. — Илон кавагига кириб костиши мумкин. Сиз кавак оғзида нойлаб утираверасиз, илон эса дўнгнинг нариги томонидаги кавакдан чиқиб ишини қилаверади. Қочмасин, деб думини боссангиз, нима булишини биласиз-а? Ҳа, чақади!

Зоҳид бу гапларни тоқат билан эшитди. Ҳамдам ҳаяжонини бироз босиб олгач, винзаводга кирганини айтди.

— Ана, кўрдингми! Бу маразга раҳминг келувди. Шуни деб Асадбек билан олишмоқчи эдинг. Шуни деб улиб кетсанг, аммо жуда хафа булардим. — Ҳамдам устол устидаги қора дафтарчани олиб варақлади. Керакли саҳифани очгач, телефон гўшагини кутариб, рақам терди. — Алло, вин заводми, синглим, менга директор ўртоқ Намозов кераклар. Полковник Мусахужасевман. Мажлис тугашини кутишга вақтим йўқ. — Ҳамдам «ҳозир боллайман», дсгандай Зоҳидга кўз қисиб қўйди. — Ўртоқ, Намозов, салом. Полковник Мусахужасевман. Турмадан бешта жиноятчи қочганини эшитдингизми? Газит ўқийсизми ўзи, ҳаммаңда шовшув-ку? Нега алоқаси бўлмасин, сизга ҳам алоқаси бор учун телефон қиляпман. Кеча ксчаси турмани кавлаб бешта хавфли жиноятчи қочган. Улар орасида Қилич Сулаймонов ҳам бор. Танийсиз-а уни? Хуллас, у кимдандир уч олишини айтган экан. Кимларни назарда

түтәнини билмаймиз. Лекин ҳар әхтимолга қарши сизни огохлантириб құямыз. Агар уни күриб қолсанғыз, дарров бизга хабар қилинг. Хүп, хайр.

Хамдам гүшакни жойига қойиб, жилмайди.

— Довдир. «Албатта құнғироқ қиласман», дсейди. Кимга, қандай телефон қиласы, овсар. Душман уясига түлғула солиб қойдым. Ҳозир құнғироқлар бошланади. Милисага, прокуратурага, турмага... Тасаввур қиляпсанми? Оғи күйгаш товуқдай булишаади. Шуни би-ир томона қылсанг, хумордан чиқсанг.

— Бекор қылдингиз, фойдаси борми?

— Фойласи бор. Ҳеч бұлмаса күнгил, — Хамдам күкрагига сиғыл мүштлади, — таскии топади. Бу итдан тарқалғанларни гирибонидан ушлаб үтқизиб қүйиши қулимиздан келмаганидан кейин инига бир марта чұп суқиб құйсак әмоными? Ҳадеб биз күйиб-әниб юравсра-мизми? Улар ҳам бир күйсин.

— Барыбир бекорчи иш бу.

— Веій, менің қара, прокурор. Сен ишиңгни үзгартир. Сен жесисоветта раис булып бор. Сениң жойинг үша срда, ха!

## XVI Б О Б

### I

Асадбек түйдан кейин бироз ҳаловат топарман, деб үйлаган эди. Қиз узатған одамда ҳаловат бұлмаслигини у қаєқдан ҳам билсин! Қиз күевникига кстар олдиdan отаси ҳузурига бош эгиб келуви, отанинг эса дуо қилуви расм эди. Зайнабни шу расмга биноан бошлаб келдилар, аммо үз ҳөвлисида әмас, ресторан остонасида, маст-алааст нигохлар гулохлигіда дуо қылмоғи лозим бўлди. У күп яхши ниятларни дилига тутиб қўйган эди. Қизининг мұмынлик билан бош эгиб келаётганини күрганидақ ҳуши учди, томогига бир нима тиқилди. У онасининг үлимидан сунг қўзига ёші олмаган эди. Ҳозир йиғлагиси келди. Қизи бир қадам берида тухтади. Асадбек отасини қуюқлаб йиғлаган қизларни кўрган, үз қизининг ҳам шундай қилишини кутиб эди. Бахтига бундай булмади. Асадбек аввалига «нима учун гўхтаб қолди?» деб ажабланди. Кейин «яхши бўлди, йиғласа мен ҳам үзимни тутиб туролмас эдим» деди-да, фотиҳага қўл очди. Ҳаяжон уйлаб қўйган гапларини тузитиб

юборган эди. Уйлашга, гап топишга фурсат йўқ — юзлаб қуллар дуога очилиб, юзлаб кўзлар унга тикилган, «Бахти бўлгин, қизим», дейишидан узга сўз тополмади. Қизига яқинлашиб, пешонасидан упди.

Қизи Асадбек юрагининг бир парчасини юлиб олиб кетди.

Шундан бери хаёли қизида. Эшик тиқ этса хавотир билан қарайди. Телефон жириングласа ҳам юраги бир тўлқин уради. Назарида қизи шармандалик юкини ортмоқлаб, кўз ёшини тўкиб, фарёд уриб кириб келаётгандай туюлавс ради.

Аъснлари уч-тўрт кун дам олинг, дейишиганида кунганди. Биринчи куни ёк уйда қолиш дам эмас, азоб эканини ҳис қилиб шаҳар марказидаги қароргоҳига жўнаворди. Бугун ҳам эрталабдан сароймонанд хонасида аъснларини кутмоқда эди.

Чувринди Самарқандга шириңсув корхонасини ишга туширишга, Кесакполвон эса Маргилондаги музқаймоқ корхонасининг нима сабабдан тўхтаб қолганини аниқлаш мақсадида кестишган эди.

Асадбек хонасига кириши билан ҳисобчини чақирди. Видсобарнинг ўнг томонидаги хона ҳисобчиники. Япон анжомлари билан иш юритувчи ҳисобчи Асадбекни қизиқтирган ҳар қандай маълумотни бир лаҳзада етказади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Вилоятларга тариқдай сочилган, кўриниши назарга тушмас даражада кичик, аммо фойдаси катта корхоналаридан хазинага пул аввалгидай оқиб турибди. Асадбек винзавод масаласини ҳал қилиб олгач, бу хужаликни тенг иккига булиб, аъёнларга беришни ният қилган. Аъснлар буни билишади. Шу сабабли корхоналардан ҳамиша боҳабар булиб туришади.

Асадбек ҳисобчининг ахборотидан кунгли тулиб ўтирганида телефон жиринглади. Қушни хонадаги қизлардан бири ёқимли овози билан гапириб, винзавод директори йўқлаётганини билдириди. Асадбек мовий телефон гўшагини кутарди. Икки соатча илгари винзаводдаги одамлар прокурор келганини билдиришган, Асадбек, «Қурқманг, биз ҳаммасидан хабардормиз», деган мазмунда кунглига далда бсрған эди. «Бунга яна нима жин тсгди», деган хаёлда гўшакни қулогига тутди. Шарифнинг хавотирга тушганини овози ошкор қилиб турарди. У Қилич Сулаймоновнинг қамоқдан қочганини айтгач, Асадбек:

— Бүлини мумкин эмас! — деди кескин. — Ким телефон қылди?

— Полковник Мусахұжасев деган одам.

— Қасрдан?

— Милисадан бұлса керак.

— Нима күп, милисанинг идораси күп. Нима күп полковник күп.

— Тұғри... лекин Мусахұжасев биттадир?

«Яна ақл үргатади-я», деб гижинди Асадбек.

— Ваҳима қылаверманың. Қилич Сулаймоновдан үнта бұлса ҳам құрқманың.

Асадбек иғвонинг исини түйгән бұлса ҳам, керакли бир жойга құнғироқ қилиб, аниқлаб беришни топшируди.

«Қиличининг қочиши ҳечам мумкинmas. Хоҳласа шундай ҳам чиқиб келади. Е Ҳосил аралашдими? Қочганлар уннинг одамлари бұлса, балки шу гап ҳам түгри чиқар. Бу бойвағчанинг қимирлаши яхши бұлмаяпти. Қиличини үтқазиб қүйиб бекор қылдимми?..»

Чорак соатга қолмай ҳаммаси аёи бұлди. Қамоқдан беш киши қочгани түгри, лекин Қилич Сулаймонов жойида әди. Полковник Мусахұжасев деган одам эса йүк. Демак, игво! Кимга керак бу игво? Мақсад Шарифни құрқитиб құя қолиши? Е Асадбек салтанатига тош отиб, гашнага тегиши? Ким бұлса ҳам нозик жойидан олған. Бегонанинг иши эмас бу. Асадбек бир тұхтамға келиніңде үлтүрмай Ҳосилбойвағча құнғироқ қылди.

— Ақаһон, түйнинг чарchoқлари чиқай дедими? Аммо оламжағон зур түй қылдингиз-да! Ҳорманың, деб супрақоқлуга боришга вақт бұлмади. Түйингизнинг әртасыға Фаргонага жұнаб қолдим. Бугун қайтдиму оқаҳонни бир йүқлаб қуяй, дедим.

— Тинчликми? — деди Асадбек.

— Faivали ишлар бор. Куришганда айтаман.

— «Камаз»га кетғанлардан дарап борми? Қулидан иш келадиган болаларниди үзи?

— Бу сиға хотиржам булинг, оқаһон. Үнта «Камаз» сизники. Шу ҳафта ичи стказиб кеслишмаса, башарам-га туғланғ.

— Сиздай укахонларға ишонмасақ, кимга ишона-миз, шунчаки сұраб қўйдим-да.

— Түйнинг жаниатнинг түйидек бұлди-да! Биз ҳам шундай түйларға стайлик, деб ният қылдик. Энди кичкинагина бир маслағатли иш бор. Күсвингизга бир хизматча чиқиб турибди. Бир қадрдонимиз түй...

— Ҳосилбой, жигарим, бунақа тапларни үзиге айтинг... Мен «амма-холаси ҳаводор», деб утирадиган дастурхончи эмасман, шекиэли?

— Узр, окахон, аввал олдингиздан утай левдим-да...

Ҳосилбойвачча узр айта-айта хайрланиди. Асадбек гүшакни жойига қуийб, сүкини. «Ҳайвоң-е, — деди у, — энди калака қилишни бошладими? Нима демоқчи? Отарчига қыз беріб, уннинг гумаштасига айландинг, демоқчими?.. Мақсад нима? Элчинин түйга айтишими? Ундан машхурроқ отарчилар турғанда-я? Ҳа, тулки! Элчинин түйга олиб бориб, калака қиласи. «Күриб қуйларинг, Асадбеккінг күёви керак булса оғимни упади», дейдими? Нима учун қүнғироқ қызын узи? Мақсад шуни сұрашмиди ё ҳолимдан хабар олмоқчимиди? Шарифға шуннинг одамлари телефон қилмаганми? Бу ғалва кимга керак?»

Асадбек шу тұхтамга келди. Катта урушларининг майды қитмирликлардан бошланиши үнга маълум. Ҳосилбойваччанинг ягона ҳоким булишга тиришнин ҳам унга сир эмас. У тулки урушни узи бошламайди. Биринчи булиб құл күтаришга Асадбекни мажбур қиласи. «Қани, гимирлайвер-чи...» Асадбек шундай деб ғижи-ниб, утирган срида Бұтқани чақирди.

— Жамшид шу срдами, айт, отарчини... Элчин аканғни топиб келсии.

— Хүп бұлади, Бек ака, окахон келгандилар, — Бұтқа шундай деб хушхабар стказғандай жилмайди.

— Қайси «окахон»?

— Жалил акамиз-да.

— Үзими?

— Күчада иккита чол турибди, бирга кеслишди.

— Қани, чақир-чи.

Жалил бироз кутиб қолғанми, тұмтайғанроқ күри-нишда кириб келди. Асадбек уни үрнидан туриб қар-шилади.

— Киравермай, утирдингми? — деди Асадбек. — Бунақа одатинг йүғиди-ку?

— Ҳурматинг бор, ошнам. Биз бир бекорчи одам бұлсак, — у шундай деб құлтиғига қистириб олган эски газитта үроғлик нарсаны узатди. — Түйге кслол-мадим. Яхши утказиб олдингми?

Асадбек кулимсираб газитни оча бошлади. Жалил нима келтирганини у биларди. Билса ҳам дүстининг күнгли учун очишга мажбур эди. Очмаса Жалил бобил-лаб бериши тайин. Эски газитта эски калиш уралған

эди. Бу уша эски фалсафа — судраб юрган чоригингни унугма.

— Тўйга келмаганингга гина қилиб ўтирувдим, тинчликми ўзи, нимага келмадинг?

— Сен мени тўйга айтдингми? — Жалил овозини бир парда кутарди.

— Биринчи булиб сенга хабар бердиранман.

— Кагта бўлсанг ўзингга, бу биринчидан, бойвачча бўлсанг ҳам ўзингга, бу иккинчидан, хўпми! Лайчала-рингни юбориб тўйга айттирдингми? Ўзингнинг ос-ғинг стмадими?

— Энди ошиа, тўйчилик, шошиб қоларкансан.

— Ўзингга ухшаган бойваччаларни айтишга шош-маганидирсан?

— Хўп, тавба қилдим, мен аҳмоқман, — Асадбск ҳам овозини кутарди, — ўзим бормабман. Ошна деган эшитса келавсрди. Оғайнисининг синда далда булиб, қул қовуштириб туради.

— Ҳа, бўпти, қўрқсан олдин мушт кутарар, деб жириллайвсрма. Нимага келдинг, деб сўрамайсанми?

— Бир галвани бошлаб келгансан-да, кўчадаги чоллар ким?

— Соли ота билан Жўра чулоқ.

— Жўра чўлогинг ким?

— Яқинда келган. Собир қозоқнинг ўйини сотиб олган. Танимасанг керак уни.

— Нима ишлари бор экан?

— Мен айтайми, ўзларидан эшитасанми?

— Чақир.

Асадбск Жалилнинг изидан чиқиб, оқсоқолларни видсобарда кутиб олди-да, тўрт кишига мўлжалланган устолга бошлади. Бутқа буйруқни кутмаёқ, дастурхон бузади. Қариялар ертўла ҳам шунаقا ажойибхонага айлантирилиши мумкин экан, деб ҳайратланиб ўтиришли. Бир писладан чой ичилгач, Соли ота деганлари оҳиста сўз бошлади:

— Энди ўғлим, биз отанг раҳматли билан вақтида ошначилик қилганимиз. Тўгри одам эди. Бировнинг кўнглини оғритмасди.

— Жойи жаннатда бўлсин, — деб гап қистирди Жўра чулоқ деганлари. Соли ота «гап қўшмай туринг», дегандай унга қараб олди.

— Гап шуки, ўғлим, сиздан ҳам розимиз. Маҳалла-га хизматлар қилиб бердингиз. Хизматларингизни

унутмаймиз. Аммо бир ишингииздан норозимиз, шуни айтгани келдик.

— Күпчилик норози, яхши иш қылмабсиз, — деди Жура чұлоқ.

Асадбек ажабланиб. Жатилга қаради. У «хозир узинг әшитасан», дегандай им қоқди.

— Үғлим, биласиз, маҳалламиз әски, тукиламан, деб турибди. Битта каталакдеккина уйда унта онла. Болаларимиз турмуш қуриб үз уйларига сиямай ижараларда утиришибди. Бу әскілар қачон бузиларкни, қаочон бизга ҳам уй тегаркин, деб кутавериб еарғайиб кетдик.

— Бунақада сил бұлиб кетиши ҳеч гапмас, — деди Жура чұлоқ. Соли ота унга яна бир марта норози қиёфада қараб олди.

Асадбек бу ташриф ташаббуси Соли отадан әмас, айнан шу чұлоқдан чиққанини англаб, гижинди. Узокдан бошланған гап мөһиятига етігүнча тоқат қылди.

— Гапнинг индаллоси шуки, үғлим, бултур уйлар бузилади, деб үлчаб-истиб кестишувди. Энди әшитсак, бузилмасмиш. Узунқулоқ гапларга қараганда сен тұхтаттан әмишсан.

— Менми? — Асадбек ажабланди. — Ким айтты?

— Шамол бұлмаса, дараҳтнинг учы қимирламайди, — деди Жура чұлоқ.

Асадбек үнга қовоқ уюб қаради:

— Ұша шамол қаєқдан келди?

— Энди әшитдик-да, үглем. «Ота-онам яшаган уйни буздирмайман» десанмишсан. Бир жиҳатдан сен ҳақсан. Менинг ҳам күзим қиймайди. Саксон йилдан бери курганим шу маҳалла. Үлигим шу уйимдан чиқса армоним йүқ әди. Лескин иложим қанча? Болаларимга ачинаман. Құлым қалталық қилиб, тузукроқ уй-жой әнлаб беролмадим. Ночорман-да...

— Соли ота, сиз шу гапларга ишондингизми? Ҳукумат бузаман десса, мендан сұраб утиарларканими? Мен ҳукуматга кимман? Ҳеч кимман! Одамлар гапираверади-да.

— Одамлар ақмоқ әмас, бұлар-бұлмасста гапиравсаришмайди, — деди Жура чұлоқ. — Сизнинг кимлигин-гизни биламиз. Қаєққа құл узатсанғиз етади.

— Шунақами?! — Асадбек қулидаги пислани устол устиға тақ этиб қүйди. Жура чұлоққа ғазаб билан тикилди.

Жалил ҳам, Соли ота ҳам иш бузилганини фаҳмлашиди.

— Майли, уғлим, хафа бўлма, одамларнинг оғзига элак туғиб бўлмайди-да, — деди Соли ота вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиб. Аммо гишт қолипдан кўчган, сұхбатни давом эттиришининг ҳожати йўқ эди.

Асадбек бир қўнгли Бутқани чақиртиргиси, бу чулоқни кўчага улоқтиргиси келди. Ёнида утирган Жалил «ўзингни бос», деган маънода сонига туртиб қўймаганида балки шундай қиласарди ҳам. Бироқ, фақат жисман әмас, ақлан ҳам оқсоқ бўлғанлар ваидираганида жим утиролмас эди. Бунақаларнинг «Бопладимми!» деб чиқиб кетишига йўл қўя олмас эди.

— Сен кимсан үзинг? — деди Асадбек, Соли отанинг гапига парво қилмай. Унинг дабдурустдан сансирашга үтиши Жура чулоқни андак довдиратди. У жавобга оғиз жуфтламай туриб, савол яна такрорланди: — Үзинг кимсан, деяпман. Маҳаллага битта тош қўйғанмисан? Кеча келиб бугун ҳаммаёқни саситиб юрган сенимисан, ҳали?! Соли ота, ит стаклаб юриш одатингиз йўқ эди-ку, қариганингизда сизга нима бўлди? Бу агар маҳаллага сиғмаётган бўлса кетига бир тепиши керак, чиққан жойига кириб кетсин.

Жалил тиззаси билан яна сонига туртди.

— Бўлди, қўй энди, — деди.

— Сен жим утир. Кимлигимни бу билмаса сен билласан-ку? Шунақа дейишса, бошлаб келавердингми? Агар қўлимдан келса... буздиртирмайман маҳаллани! Ҳаммаёқ бузилиб бўлди. Битта маҳалла қолсин. Аммо мана буни, — Асадбек кўрсаткич бармоги билан Жура чулоқни курсатди, — йўқотинглар. Маҳаллага бегона аралашибасин.

— Сиз...

Жура чулоқнинг гапи оғзида қолди. Соли ота дуога қўл очди.

Асадбек иғво қилинганини, Қилич Сулаймонов қамоқда утирганини айтганидан кейин ҳам Шариф тинчимади. Эси огиб қолган одамдай хонасида у ёқдан-бу ёққа бориб келаверди. «Нимага иғво қилишади, ким иғво қилади?» деган савол миясига ўрнашиб олиб тинчини бузди. Телефон қунғироқларига ҳам жавоб берма-

ди. Котиба биринчи марта эшик очиб, ажабланди. Иккинчисида «жиннироқ одамми бу», деб чучиди.

Шариф хонасига сугмади. Палътосини кийиб уйнга кетди. Қамоқдан қайтган куннинг эртасига ёқ узи учун ҳам кутылмаган бир тарзда ҳовлисила қурилиш бошлигани эди. Иккита ағдарма машина пишиқ гишт ташлаб кетганида «шуипирлар адасиди-ёв», деб уйлади. Сунг турт киши гиштни ҳовлига таший бошлиди. Сунг тахта келди. Мардикорлар Шарифининг саволига фақат елка қисишиди. «Бизга пул бериб буюришили, биз ишиляп-миз», дейишдан нарига утишмади. Бу ҳаракатлар Асалбекнинг ҳиммати туфайли булаётганини кейинирок билди. Ундан кура күпроқ Насиба хавотирга тушиди. Эрининг қамалиши, пул сураб өзилган хат, сунг тусатдан озод булиши, кейин қурилиш... винзаводга бошқон булиш... Ҳар қандай асланинг эсини үгирлаши турган гап. Аслларнинг сочи узун, ақли қалта, деганлар уларнинг кунгли сезгир булишини ҳисобга олмаган булсалар кепрак. Хонадонлари боши узра өпирилиб келаётган абри балони эрлардан аввалроқ сезадилар. Сезадилар-у, уни қайтаришга ожизлик қиласидилар. Насиба эрининг ёмон бир уйнинг аралашиб қолганини сезиб турарди, аммо уни бу уйин гирдобидан чиқариб олишга қурбі стмасди. Қурилишни қандай тұхтатсии, қандай қилиб вин завод бошқонлигидан бушатсии? Шунча йил камтар ҳаёт кесириб, бирдания да бабда бошланиши маҳалла назаридан четда қоларканми? «Босиб қуйған пуллары бор экан, писмиқлар!» дейишадими с «вин заводға хұжайин булиб босар-тусарини билмай қолди», деб гап тарқати shadedими? Несcta одам керакли жойларға хат ҳам жұнатғандир...

Насиба бесхос кириб келганды әрини күриб ажабланди. Оқарған юзига қараб «тоблари қочибди», деб уйлади.

— Усталар қани? — деди Шариф, хотинининг саломига алик олмай.

— Келишмади. Кесе «совуқда гишт термаганимиз маъқул», дейишувди.

— Ҳе, ношуд! Шуларни ҳам эплаб ишга солмагин! Бунақада юз йилда ҳам битмайды уйнинг.

— Вой, мен уларға хұжайнанмамы?..

— Оғзингни очиб утиравер. Каталакдай уйда катта булғансан. Сенга одамбашара уйнинг кераги йүқ. Утиравер!

Насиба эрининг авзойи бузилганини билиб, биттә гапдан қола қолди. Эр газаб отига миниб, қилич ялан-

гочлаган маҳалла хотинга қийин. Эрга пешма-пеш гап тоңиб бериб турса ё калтак сиди, ё уйдан ҳайдалади. Битта гапдан қолса яна ёмон — хотиндан жавоб қайтмагач, эрининг газаб тошлари ичида қолиб, қийнаб юборади. «Нимага тумтайиб олдинг, гапларим ёқмадими?» деб бошқа томонга ҳужумга утади.

Ҳозир ҳам шундай булди. Шариф бисотидаги бақириқларни ишилатиб булгунича Насиба индамай тураверди. Кейин уйга киришиди. Щарифининг назаридаги уй исеб, димиқиб кетган экан. Насиба бу учун ҳам гап эшилди. Шариф тажрибахонасига кириб бир писла ўткир мусалласдан ичгач, ҳовури сал босилди. «Насибага нима учун бақирдим?» деган савол уни иисоф күчасига қайтарди.

Насиба ҳозир туриб кетадигандай дивандада омонат утиради. Шариф унинг ёнидан жой олди.

— Бўлдими? — деди Насиба, зардали овоз билан. — Нафсингиз ором олдими?

Бир томон ўқларини отиб тамом қилған, энди иккичи томонининг қарини ҳужумга утиши учун шароит стилгани эди.

— Ҳм, гапларим ёқмадими? — деди Шариф, чекиниши нияти йўқлигини маълум қилиб.

— Ёқди, мойдай ёқди. Нима булди ўзи?

— Ҳеч нима. Усталарга жавоб бериб юборганингни...

— Усталарга мен жавоб берибманми? Усталар ишласа ҳам барибир, аламингизни мендан олардингиз. Айтинг, нима булди?

Энди чекинмаса бўлмайди. Итнинг феъли эгасига маълум, деганиларидаи, Насиба эрининг одатини билади. Қачонки, ишхонада ё кучада похушликка дуч келса, аламини уйдан олади, кейин ҳасратини тўқади.

— Менинг ҳам одам қаторига қўшишибди, — Шариф ҳазил оҳангидаги гапирмоқчи эди, уздалай олмади. Сузлари лабидан титраброқ учли. — Биттаси телефон қилиб, «Сулаймонов қамоқдан қочди», дейди.

— Адо булсин, қочса сизга нима?

Шариф «у сени улдиromoқчи» деган гапни айтмади. Айтсан, Насиба ваҳимага тушишини мумкин эди.

— Қочмаган экан, игво қилишибди.

— Вой, адаси, бу ишлар менга сирайм ёқмаянти. Қуйининг ҳаммасини, тинчгина утирайлик.

Чекиниши тадориги аҳдамчи экан. Мусалласга алланган газаб бирдан бош кутарди. Хотинининг дилдан қуйиниб айтган гали гараздай булиб туюлди.

— Сен тинчгина утири. Бошқалар менинг өшимиңа чиқиб олиб истаган номаъқулчилигини қылаверсин, а?!

Қарши томон жавоб бермай, яна маъсуматик либо-сига үранди. Шариф шарт ўрнидан туриб тажрибахона-сига қараб юрди. Насиба чуқур уф тортиб қўйли. Ша-риф бир пислага қаноат қилмай, яна биттасини бушат-гач, хонасига қайтди.

— Мен кимман, биласанми? — деди хотини олдига келиб. Насиба «кимсиз?» деганидай унга қаради-ю, яна индамади. Саволга Шарифнинг ўзи жавоб берди: — Мен олимман! Менни чест эл ҳам билади! Қайси акаде-миягининг орқасидан чест элликлар юрибди. Бу акаде-микларинг, дуктурларинг чест элга бориб қолса, уларга ит қарамайди. Чунки уларда илм йўқ. Менда илм бор. Лекин суюнадиган тоғим йўқ! Энди тоғ топилди. Одам-лар нима деса дэяверсин. Мен фақат уша тоққа суюнаман. Намозовнинг кимлигини билиб қўйишсин. Мен ҳам уша йўлимни тусган академикларингга тупуриб утаман. Энди тинч утириш йўқ, билиб қуй. Тинч юриб топганим қамоқ бўлдими? Қамоқда чириб кетишм керакмиди?

Шу пайт қорнида кучли оғриқ қўзғалиб, гапини давом эттиrolмай қолди. Букчайиб, ухчиди. Насиба чаққон туриб, эрини слкаларини ушлаб, диванга ёт-қизди-да, хапдори берди.

— Насиб, бу галвалар ўткинчи. Биз ҳам одамларга ухшаб яшайлик-да.

Насиба эрига қараб бош чайқади.

— Шу пайтгача одамга ухшаб яшаятувдик...

### 3

Жамшид бу хонадонга неча марта келган бўлса, ҳар сафар эшик очиқ бўлади. Шу сабабли жингироқни чалиб утирмай, тўғри ҳовлига кириб боравсрарди. Бу гал ҳам шундай қилди. Ҳовлини босиб утиб, уйга яқинлашди-да, «Хофиз ака!» деб чақирди.

Элчин уйида йўқ эди. Видеода ҳинҷча тамоша ку-риб утирган Зайнаб юраги сиқилиб ўрнидан турган, бу онда дераза ёнида эди. Тамошада икки ошиқнинг қо-вушганини куриб, Жамшидни эслаган, уни кўргиси келган эди. Яратган унинг оҳини эшитиб, Жамшидни бу хонадонга келтириб қўйсами? Яна қўнгироқ жи-рингламасдан дарвозанинг ёнидаги эшик очилди. У уз-

үйига киргандай кириб келди. Зайнабнинг юраги эса потирлаб, жони ҳалқумига келиб қолди. Эт билан тери орасида мудрастган шайтон уйгониб, жувоннинг баданини ажиб бир ҳароратда исита кетди.

Жамшид уйга яқинлашиб, тұхтади. Нимадир деди. Зайнаб өшитмади. Жамшид иккинчи марта «ҳофиз ака, ҳұ, ҳофиз ака!» деганда унинг овози аранг қулогига стиб келди.

— Ҳозир, — деди Зайнаб, аммо үз овозини үзи ҳам өшитмади.

Жамшид учинчи марта чақирди. Шунда Зайнаб десраза өнидан қочиб, әшик томоң юрди. Назарида оєқлары оғир, аранг юрастгандай эди. Аслида эса әшиккача үчиб борди. Әшикни очди-ю, останада тұхтади. Ҳовли томон оғын босишта жүръати стмади. Чунки бу маҳалда ҳае ҳам уйгониб, шайтон билан ихтилофни бошлаган, шайтон берастган ҳароратни учирмоққа киришган эди. Яхники Жамшид ҳам тұхтаб туради. Агар у уй томон қадам қўйса, Зайнаб әшикни очик қолдирган ҳолда ческинар, уцинг ческиниши баробарида шайтон ғолиблик майини сипқора бошилар эди.

— Ҳужайин йўқмилар? — деди Жамшид, дабдурустдан. У кўз олдида улғайиб вояга стган қизчанинг жувонлик оламида бу қадар латофат касб этишини кутмаган эдими, ҳар ҳолда останада париухсорни куриб андак довдиради. Ҳол-аҳвол сўрашни унугди. Жувоннинг чиройи ақлини шоширган бўлса-да, кўнглига ёмон фикр ораламади.

— У киши уртоқлари билан кестувдилар, — деди Зайнаб.

— Бек акам сураятувдилар. Қасқла бўлишлари мумкин? Уртоқларини танийсанми?

— Кусвжура бўлган йигит-чи? Анвармиди отлари... Шу маҳаллада туришади. Чойхонанинг атрофида десгандай бўлувдилар...

— Бўнти, үзим тоғаман. Кеп қоса, адангни топсин. Иш зарил!

Жамшид шундай деб изига қайтди.

Зайнаб кўнглида киринг, чой ичинг, демоқчи бўлди-ю, тилига чиқмади. Жамшид яна бир нафас турса айтарди. Лескин у тупори жувондан лутф кутмади. Куча эшиги өнилгач, Зайнабнинг хурлиги келди. «Йигит дегани ҳам шунчалик эътиборсиз буладими?...»

У хонага қайтиб, яна десраза олдига келди. Яна кучашигига тикилди. Ҳаслан жингалаксочли йигитни ча-

кира бошлади. Хаёлидаги йигит изига қайтди. Эшик очылди. У жилмайиб кириб келди. Бу сафар «Хофиз ака!» деб бақирмай, «Зайнабхон!» деб шивирлаб келди. Зинадан күтарили. Уйга кирди. Дераза олцига яқинлашди. Унинг яқинлангаётганини билса ҳам, Зайнаб ҳеч нарсадан бехабардай ҳовлига тикилиб тураверди. У орқа томондан келди. Елкаларидан қучоқлари. Зайнаб энтикли. Унинг илиқ нафаси буйнига урилди. Баданини ловуллатиб юборди. Елкалаги бакувват қуллар бошқа вазифа билан қўлтиқ остига юборилдилар... Шунда у угирилди... кузи юмуқ ҳолда бўлса ҳам лабларини осонлик билан топди. Кейин у кутариб олди. Ётқари сари юрди. Юмшоқ тўшак уларни багрига олди...

Зайнаб энтикиб, кузларини очди. Хаёлидаги йигит учиб кетгандай бўлди. Ҳовли кимсасиз, кўча эшик ёпиқ эди. Ҳонада эса сулуви атрофида айланиб-ўргилиб эшилаётган ҳинд йигитининг қўшиғи ҳукмрон. У дераза ёнида турган ҳолда угирилиб, телевизорга тикилди. Шунаقا бахтиёр одамлар бормикини с ҳамма менга ухшаган бедавомикин, деб уйлади.

Бу хонадонда бир аслни бахтиёр этиш учун ҳамма нарса муҳайє эди. Ношукурлик қилмаса ҳам булади. Уй, смоқ-ичмоқдан зориқадиган томони йўқ. Эри бирор кўрса ҳавас қилгули эркак. Лескин ширин орзулар қанотида сузуб улғайган қиз учун шунинг узи старлими? Хуш, Жамшидга текканида бахтли булармиди, орзусига стармиди?

Никоҳнинг иккинчи туни Зайнаб Элчиннинг гапларини эшита туриб «Сиз қотилсанз!» деди. Зайнаб бу билан Ноиланинг ўлимини эслатмоқчи эмасди. Элчин унинг ширин орзуларини бўғиб ўлдирган эди. Бу қотиллик учун қамаш ҳам, отиб ташлаш ҳам мумкин эмас. Бундай жазосиз қотиллар ср юзини пўпанакдек босиб стибди. Элчин — Зайнабнинг назарида шулардан бири.

Никоҳнинг иккинчи туни — куёв-кслин учун мұқаддас бўлмиш тунда, Элчин Ноиланинг ўлимидан сўз очиб, хотинига личоқ урмаганини айтди. Зайнаб бу гапларга эътибор бермади. Чунки онаси тўйдан олдин уни юпатиш мақсадида «сен ундан қўрқма, хотинини у ўлдирмаган экан, туҳмат билан қамалган экан, даданг айтдилар», деган эди. Зайнаб бу гап фақат овутиш учун айтилдими с чиндан ҳам шундайми, билолмайди. Элчиннинг узини узи оқлаши унга эриш туюлди. Унинг назарида бу эркак паст кетгандай бўлди.

— Менинг нима айбим бор эди, мени нима учун хурладингиз? — деди Зайнаб, эзилиб утирган эрига қараб.

— Сизниң айбингиз йўқ... Аммо Ноилани адангиз ўлдирирган. Номус азобини тотиб куриши лозим эди.

— Ўч олдингизми?

— Ҳа, уч олдим.

— Энди-чи?

— Нима энди?

— Кунглингиз жойига тушдими?

Элчин жавоб бермади. Хотинига маънодор қараб қўйди. Унинг рўпарасида мұймина Манзуранинг қизи эмас, қаҳрли Асадбекнинг қизи утиради. Зайнаб одоб жиҳатидан онасига тортган бўлса-да, баъсан юрагида галаси уйғониб, отасига ухшаб қоларди. Ҳозир паст кетиб утирган эрига қараб, «Мен ҳам сиздан уч олсан-чи?» демоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Аммо хаёлида уйғонган шу учунга ҳақиқатдай туюла бошлади. Зайнаб унга «Сиздан қасос оламан» демади. Саволига жавоб берилмагач, бироз сукут сақлади-да:

— Сиз қотилсиз! — деди қатъий. Бу — қасос баҳридан сув ичгучи ҳукм эди. Элчин буни англамади. Рўпарасидаги гузал мавжудот қасос олишга ҳақли, уч олмоққа қурби стади, деган тушунчадан у узоқ эди.

Элчин «ўзимнинг айбисизлигимни билдириб қўяй, бу учда сиқилмасин, қўрқмасин, эркинроқ юрсин», деб янгишган эди. Ноҳуш кайфиятдаги асл олдида ярим қарич бўлса-да ческиниш оқибати мағлубият жарига қулаш эканига унинг ақли стмади. У хушсурат булгани учун расидалик чегарасидан ўтмақ қизларнинг хумор кўзлари таъқибига учраган эди. Қушиқлари билан довруқ таратгач, жанинатда парилар билан юргандек ҳис қилди ўзини. Ана шунданми «аёл қалбини сеҳрлай оловчи куч бор менда», деб ишонарди. Асадбекнинг қизини ҳам сеҳрлаб олажагига амин эди. Оллоҳнинг ҳар бир бандаси каби Элчин ҳам мағрурлик ва худбинликдан бебаҳра эмасди. Мағрурлик ва худбинлик баравар уйғониб, бирлашса уни маҳв этарди, тўгри йўлдан адаштиради. Никоҳнинг иккинчи туни шундай бўлди...

Ушандан бери Зайнаб бу хушсурат машҳур ашулачи билан бир тушакда стади. Ўғирланиб, қоронғи учга қамалганида қўрқувни ҳайдаб чиқара олган, нафасини қайтарган, баданига илиқ ҳарорат бсрган ғалати ҳис йўқ. Элчиннинг эркалашлари, эҳтирослари унга таъ-

сир этмайди. Үзини худди әртаклардаги тоң малика дай совуқ ҳис этади.

Кинодаги қызниң қичқириғи Зайнабнинг хаёлларини түзитди. Бенхтиёр угирилиб, тамошага қаради. Ҳозиргина жуфти билан яйраб ашула айтасетган қыз, кузлари косасидан чиққудай ахволда, дахиатга тушиб утирибди. Рұнарасида... икки лунжини шиншириб олған илон тебраняныти... «Ҳозир йигити көлиб таек билан уради», деб үйлади Зайнаб. Чиндан ҳам йигит келди, аммо құлида таек әмас, милтиқ бор әди. Бир уқ билан илон жои берди... улар яна қовушылар...

Зайнаб хаёлан үзини шу қыз үриніда, әрини эса тебранаётган илон үрніга қүйди. Бу илонға ким бае кела олади? Жамшидми?

#### 4

— Ҳозир боролмайман, деди. Ошиаси унға бир нарасаларни үқиб беряпти шекілли?

Жамшид шундай деб, айбдор бола сингари бошими эгди. У хұжайин буйругини адо этолмади. Отарчини топди-ю, олиб келолмади. Түйдан олдин булғанида қулосғини боғласа-да, буйруқни бажаарді. Энди уннің «куев» деган уивони бор. Куевни пайғамбарлар сийлаганида Асадбекнинг юғурдаги сийламас әкани?..

Асадбек жағига мушт еб, ганғигандай булди. Нима бу — нозми, тұнкалиқми ё атайин ғашига тегмоқчили?..

— Ошиаси ким? — деди Асадбек, ганғиганини яширишга үриніб.

— Жиннихонада ётган олим әкан.

— Қанақа олим?

— Тарихчи әкан. Үн йилдан бери кичик илмий ходимлиқдан бир энлик ҳам силжимабди. Беттачона парроқ әкан. Хұжайинини бесхурмат қиларкан.

— Хұжайинни бесхурмат қылса... тузук-ку? Ким әкан хұжайини?

— Катта олиммиш, Холидий деган. Жиннихонага үшанинг буйруғи билан ётқизилған әкан.

— Жиннилиги ростми?

— Соппа-соғ дейишиди-ку?

— Қани, опачаң билан ула-чи месни.

Жамшид телефон гүшагини күтариб, рақамларни чаққонлик билан терди. Табибоши хонасида йүқ әкан, уни топиб келгүнларича пича фурсат үтди.

— Холидий деган одам сизга буйруқ берадиган булиб қолибдими? — деди Асадбек табибошининг саломига алик олмай. — Кимнинг қудаси? Шундан қурқдингми? Биз-чи, биз гурда әканмизми? Ким у йигит, Анварми, сөғмиди? Ҳаддингиздан ошманг. Яна соглар борми? Холидий-полидийларни-чи... — Асадбек гапни калта қилиб қўя қолди.

Асадбек телефон гўшагини жойига қўймай, ушлага-нича ўйга толди. «Кусванинг дўсти иш бермасмикин», леб саволига жавоб излади. Сунг бир қарорга келиб, Жамишидга қаради:

— Холидий тузукроқ олиммикин ўзи?

— Билмадим.

— Ким билади? Депутатни тои.

Жамишид ўрнидан турган эди Асадбек қайтариб, телефон гўшагини унга узатди:

— Телефонда тои. Ҳозир керак.

Депутатни тоини осон бўлмади. Топилгач, Асадбек салом-аликсиз саволга тутди:

— Холидийни танийсизми, қанақа олим у?

— Холидийми, — депутат пичинг қилди: — Олим әканми?

— Қанақа олим деяпман?

— Олим эмас у, лўттибоз.

— Қанақа ишлар қилган?

— Ўзбекни босмачига чиқарган шу-да. Ишларини яхши билмайман. Ўтган ўили мукофот олган битта китобини курганиман. «Туркистанда буюк Ўқтабр галабаси», деганимиди... хуллас, номи шунга үхшаш. Икки бет ўқиб кўнглим айниб кетган.

— Шогирлари ким? Душмани ким?

— Душмани мен.

— Китобини ўқимай туриб душманман, дейсизми?

— Унинг китобини ўқиш шартмас.

— Шогирлари-чи?

— Институтнинг ҳаммаси шогирди.

— Институтда уни ёмон курадиганлар йўқми?

— Ким билади, балки бордир. Булсаям майдароқ одамлар орасидан чиқади. Йирикларини танийман, унга нахта қўйиб юради ҳаммаси.

Асадбек учун бошқа гапнинг ҳожати йўқ эди. Рахмат ҳам демай, гўшакни жойига қўйди-да, бир қарорга келиб, ўрнидан турди.

Жамишид «қаёққа?» ҳам демай, унга эргашди. Асадбекнинг хоҳишига кура Анварнинг уйига қараб жўнаш-

ди. Шом қоронғиси чука бошлаган эди. Эски шаҳар нинг тор кучалари эриётган қордан балчик ҳолига келганидан юриш қийинлашған эди. Жамшид машинанин авайлаб ҳайдаб бир дарвоза өнида тұхтади.

— Қара-чи, ҳали ҳам шу ердамикин? — деди Асадбек.

— Шу срда бұлса судраб чиқаверайми? — деди Жамшид.

— Мен сенге «қараб күр», дедим!

Жамшид ортиқча гап айтиб юборганидан изза чекиб, машинадан тез түшди. Одати бүйіча құнғироқ чалмай очық дарвозадан ичкари кирди-да, ҳаялламай тез қайтди.

— Үйда үтиришибди, Анварнинг хотини ошхонада. Пастда онасининг уйи бор. Бошқа ҳеч ким йүк.

— Сен шу срда үтиришибди.

Асадбек шундай дәб машинадан түшди. У ҳам ҳовлига ҳеч бир огохлантиришсиз кириб борди-да, чироги өниб турған уй томон юрди. Ичкари кириб, мәхмонахана эшигини қия очди. Үртадаги устол устига дастурхон өзилмаган, китоб-қоғозлар бастартиб сочилиб өтибди. Икки ошна устол атрофида эмас, пастда үтиришибди. Элчин эшикка орқа қилиб, чордана қуриб олган. Юзини дәраза тарафға қаратған Анвар эса мук түшиб бир нарсаларни үқияпти. Асадбек умри бино булиб битта китобни үқиб чиқмаган. Уни аслида китобға рағбати йүк, «ишқи йүк эшшак, дарди йүк кессак», тоифасидан дессак, ҳақиқат юзига оғқ босған буламиз. Асадбекнинг болалиги үзингизга қисман бұлса-да маълум. Еши улғайғач, у юрган кучаларда китоб үқилмас эди. Шундай бұлса-да, Асадбек китоб үқистігандарни күрса ҳаваси ксларди. Юрагида үқишиңгішке үйғонарди. Шунданми, қизининг бстұхтов мутолаасига сира монслик қилмаган. Аксинча, уйни китобға түлдириб ташлаган. Аниқроғи, бу ишни унча-мунча үқиб турғучи Чувринди амалға оширган.

Асадбек гап пойлаш үчүн эмас, йигитларнинг мутолаасини бир зумгина бұлсın, кузатиши учун остана ҳатламади.

Анвар китобни қүйиб, қоғозларни титкилади-да, бир варақни олиб Элчинга қаради:

— Мана бу ерда яхши бир ҳикмат бор: «Хари Иса ба сүйи Каъба равад, боз ояд ҳамон хар бошад». Мазмунини тушунмадингми? Исонинг эшаги минг марта Каъбага боргани билан эшаклигича қолаверади.

Элчин күлди.

— Зўр гап, лекин ашулага тушмайди. Ашула буладиганини топ.

— Ашулага мана буниси бўлар, — Анвар бошқа қоғоз олиб ўқиди:

Ман муйи хершо на аз он мскунам сиёҳ,  
То боз нав жавон шаваму нав кунам гуноҳ.  
Чун жомаҳо ба вақти мусибат сиёҳ кунанд,  
Ман муй аз мусибати пирий кунам сиёҳ...

— Бунинг маъноси зўр. — Анвар қоғоздан бошкүтариб, Элчинга қаради. — Сочимни бўяб қорайтиришидаи мақсад қайтадан ӯшириб гуноҳ қилиш эмас. Қора тўн мотам рамзи булгани сингари, сочимни қорайтиришидаи мақсад — утиб кетган ӯшлигимга мотам тутишидир... Икки байтии айтиб, кейин Замоналига ухшаб, торингни қўлтиқлаб олиб, мазмунини тушунтиранг, одамлар қойил қолаверади.

— Бўпти, шу руҳимга мос тушар экан. Консертнинг номини ҳам «Ёшликка тутилган мотам» десам, а?

— Шунақа дессанг консертингга бирор тушмайди. Консертга одам ақл урганиман, деб келмайди. Сен консертингни Турди Фародийнинг ғазали билан очгин, одамларга ҳозир шунақа гаплар таъсир қиласди. Мана эшит:

*Тор кўнгуллик бўклар, ман-ман десманг,  
Консертлик қилинг,  
Тўқсон иккни боюни узбек юртидур,  
Тенглиллик қилинг...*

Асадбек айвонда шарпа сезиб, ўгирилди. Қулида патинис ушлаган аёлни куриб, ярим очиқ эшикни аста тақиллатди. Иккала ошна эшик томон баравар қарашиб-ю, кутилмаган ташрифдан ажабланиб, бир зум ҳараратсиз қолишиди. Ҳайрат тўрини биринчи булиб Анвар узиб чиқди. Чакқон ўрнидан туриб, чақирилмаган меҳмонига пенивозди чиқиб, салом берди. Элчин ҳам ўрнидан туриб, қайнотасига норози қисфада боқди.

— Ўқишига берилиб, чақирганимни эшитмадинглар, — деди Асадбек остона ҳатлаб, ичкари кириб. Айвондан утиб, даҳлиз эшигини очган Хонзода меҳмонхонага кираётган кишини кўриб, тұхтади.

Асадбек нальтосини счиб, стул суюнчиғига ташлағунича, Анвар стол устини йиғиштиришга киришди. Бу орада Хонзода ҳам кириб, дастурхон өзди.

— Келин, сиз ҳеч нарсага овора булманг. Мен ҳозир тураман, — деди Асадбек.

— Ҳар куни келиб юрибсизми, ака, — деди Анвар, хотинига ёрдамлаша туриб.

Анвар Асадбекни бугун иккинчи марта куриши. Да-стлаб тўйида курган, «одамлар айтганда й даҳнатли эмасга ухшайди-ку», деб кунглидан утказган эди. Бугун унинг кириб келиши уни бироз шоширди. Асадбек дастурхонга ҳеч нарса қўйдиртиргади.

— Ҳозир уқиган шеърингизни эшитдим. Кучли ёзилган экан. «Тенглик қилинг, кенглик қилинг», деб. Худди бизга атаб ёзибди. Бир-биримизни бўрицай гажиб юрибмиз-да ҳозир, — деди Асадбек. Очиқ кўнгилда айтилган бу гапни Элчин узи томон отилган тошдай билиб, фижинди. Қайнотасининг рўпарасига ўтириб, хўмрайди.

— Бўридай дессангиз, бўрилар хафа бўлармикин, — деди Анвар, дўстидаги ўзгаришни сезмай, — бўрилар аҳил яшашаркан.

— Бу гапингиз ҳам түфри, — деб кулимсиради Асадбек. — Энди сиз тилчисиз, гапга тўн кийдирворасиз.

— Мен тарихчиман.

— Ҳа, энди тарихчилар ҳам гапга уста булишади. Сизнинг... Холидий деган домлангиз бор, а? У муттаҳам ҳали ҳам бутун узбекни босмачи деб юрибдими?

Элчин Анварга, Анвар Асадбеккага ажабланиб қарашди. Асадбекнинг Анварга сўзиб қолиши учун шу гап узи кифоя қилди. Асадбек йул-йулакай уйлаб, мулжални аниқ нишонга олган эди. Бу гапдан кейин Элчин ҳам бироз юмшади. Асадбек бу гапни тарихчилар ишини мутгасил кузатиб юрадиган зиёли одам сифатида айтгани учун ҳам ишонарли чиқди. Унинг дспутат билан сўзлашгани, унинг айтганларидан керакли хулоса чиқарип олганини бу икки ошна билмас эди.

Анвар «халқ отаси»нинг мунофиқлигидан гап очилса, ўзини тутиб тура олмас эди. Эл орасида ёмон ишлар билан қўрқув солиб юрган одамки, бу ҳақда сўз очдими, десмак, Холидий мунофиқгина эмас, муртад ҳамдир, деган тушунча унинг гап халтасини очиб юборди. Анварнинг ҳозирги аҳволини курган одам уни ўз уйида эмас, илмий кенгашда маъруза қиляпти, деб уйлар эди.

— Мана, Қўқон мухториятини олинг. Лснин ўз ҳукуқларинг ўзларингда дедими, деди. Пўлша ўзига мустақил бўлдими, бўлди. Эстония, Латвия, Литва, Фин-

ляндия ажралиб кетдими, кетди. Булар ҳам худди биз каби Руся империясining мустамлакалари эди-ку? Улар мустақил булиб костишди. Биз бор-йүги мухторият талаб қылган әдик. Қараңг-а, мухториятга ҳам күнишмади. Ленин Москвада туриб олиб, «Мазлум шарққа озодлик бердик», дейди. У өкіда мазлум халқнинг қонидаре булиб оқади. Құқон мухторияттани ким қонга ботирди? Үрисларми, болышевикларми? Йү-үқ, бу ишни турк қонига ташна дашиоқтарға қойиб бершиди. Мен буни тарихий дағыл асосида исботласам, у падарлағынат «Сизнинг холосаңгиз миллий низо қелтириб чиқарди», дейди. Бир одамнинг үт шуфагида тош бор. Шунни олиб ташлаш учун қорнини өришди. Шунда жарроҳ «үт шуфакка тиг тегса жигар хафа булади, яхшиси күр ичакни олиб таштайлык», деб турса, касал бечора дардини кимга айтади?!

Хонзода чойнак-пишля кутариб киргач, Анвар оташин шүткүни тұхтатди. Асадбек Анвардаги түйгудан узоқроқ бұлса ҳам, гапларини әшитиб, унга нисбатан мәхри үйғонди.

— Сиз билан бир гаплашадиган экан. Қойилман, — деди Асадбек, Анвар узатған пишлани олиб. — Мен үртогингизга бир гап айтай, деб кирган әдим. Сиз ҳам әшитинг, маслағат беринг. Элчинбай, сизни кесчами өбугүнми ҳеч ким түйға айтмадими?

— Йүқ, — деди Элчин тұнг оқанғда.

— Агар айтса, күнманг. Умуман, яқин орада түйларға бормай туриңг.

— Нимага?

— Ҳа, әнди... чиллалик одамсиз.

— Аниқроқ гапираверинг.

— Аниқроғи шуки... Сиз санъатдаги обрүйингизни тиқлаб олишиңгиз көракмикин? Түйда... ҳар хил одамлар булади. Сизларнинг ораларингизда ҳам ҳасадгүйлар бор. Битта яхши ашула чиқарсангиз халқ әшитиб хурсанд булади, ҳасадгүйларнинг эса күйиб кетади. Яна ҳам аниқроқ айтсам, гап шуки, әнди сизнинг обрүйингиз менниң ҳам обрүйим. Сизни... үғлим деганиман. Анваржон, сиз гувоҳсиз, үртогингиз күсвим әмас, үғлим. Чет әлдаги үғилларим келишса, ақа-ука булиб кетасизлар, Худо хоҳласа. Мен бир нарсаның исини сезмасам, гапирамайман, түйларға бормай туриңг.

Асадбек гапни маслағат оқанғида бошлаб, буйруқ тарзидә якунлади.

Хасталик варақасида белгиланган муддат ниҳоясига стган бўлса-да, Анвар ишга чиқишига шошилмади. Тогасининг чордогидан олиб келган китоблару қогозларни ўқиб чиққанидан кейин ҳам бир кун уйда хаёл сурнб ётди. Зуннунийнинг қулёзмасидан бобосининг нима учун фойдалана олмагани маълум эди. Ҳақиқатни айтишга бобосида журъат стишмаган. Етишган тақдирда ҳам унга ким йўл қуяр эди? Закийлар жисемини тишлаб олурга тишлари бурро, аммо шимга тишлари утмайдурғанлар замони туққан чоқда ҳақиқатни дегувчилик оҳини ким эшитарди? Зуннуний қулёзмасини бобоси ҳқиб юбормай асраб қўйибди — шунинг узи катта гап. Бу қогозлар, китобларни тогаси жонни гаровга қўйиш ҳисобига сақлагани. Унинг улимидан кейин эса кераксиз матоҳ сифатида улоқтирилган. Яхши ҳамки, чордоқнинг бир чеккасида уларга жой топилибди. Ўттизинчи йилларнинг оловларидан олиб қолинган китоблар, фарзандларнинг оқибатсизлиги туфайли ёқилди, ахлатхоналарга ташланди. Анвар шуни уйласа худди бирор тирноқларини омбурда сугурастгандай азоб ческарди. Ҳаёлига ҳмон фикр келганида ҳки ноҳуш воқсага учраганида аҳли муслим калима келтиргани каби, Анвар бу пайтда шоирдан ёд олган сатрни тақрорлайди: «қачон ҳалқ бўласан, сен эй, оломон...»

У уша оломоннинг бир қисми билан ҳар куни ошқатиқ бўлишга мажбур. Вазифалари оломон кўзини очмоқдан иборат бўлган, ўзларини «олим» деб атовчи одамларни кўргиси келмаса ҳам ишга боришга мажбур. Хотини «Қўйинг, уша ишингизни, бўшанг», дейди. Бушаб кетишдан осон иш йўқ. Оч қолмайди, мардикорлик қилса ун баробар кўп пул топади. Лескин кимдир ҳақиқатни очиш учун жонини бериши керак-ку?

Ҳамкасларининг айримлари унинг «тузалиб чиққанидан» астойдил қувонишиди. Айримлари шунчаки кунгил учун ҳол-аҳвол сўраб қўйишиди.

Хонасига кириб ўзининг ўрнида чиройли жувонни курдию феъли айниди. «Яна бир амалдорнинг келини ишга олинибди-да», деб ўйлади. Институтнинг ярмидан кўпи келишган асллардан иборат — бири кимнингдир қизи, кимнингдир келини, синглиси... Анвар Холидийнинг усталигига баъзан тан бсрари. Бу аслларни

ишига олиш билан Холидий юқори томондагиларга яхши куринади, энг муҳим — тарих илмига бсона булган бу жононлар «устоз Холидий» сутни қора дессалар ҳам маъқуллаб чапак чалиб утираверадилар. Оппок буйинчалариға Холидийнинг нафаси текканда күзлари хумор сузилиб қоладиганлари эса тез орада фан номзоди унвонига эришадилар. Анвар үрнида утирган жувонни ҳам шундайлардан деб уйлаб, гижинди. Аммо, ҳамхоналари билан сурашиб булгач, жувон үрнидан туриб хижолатлик билан салом берди-да, «Мен сизни кутиб турувдим», дсди. «Мен ҳам чиройли жувонлар кутишга арзирли одам булиб қолдимми?» деб уйлади Анвар.

— Бир ҳафтадан бери кутадилар, — деб изоҳ беришди ҳамкаслари.

— Бу йил үқиши битирятувдим, — дсди жувон. Унинг ийманиб гапиришидан дорилфунунни битириш ҳам айб иш экан, шскилли, деб уйлаш мумкин эди. Анвар уни хижолатликдан қутқазиш учун гапни бўлди:

— Қайси факультетни?

— Тарихни... Диплом иши олувдим. Суннат Журасевич энг олдин сизга учрашишимни айтдилар. Шунга...

Суннат Журасевич деганлари Анварнинг курсдоши. Толиблик даврларида тарих илмининг авра-астарини ағдариб ташлаш ишқида бирга ёнишган. Суннат факультетда ишга қолиб тез сўнди. Шу сабаблими, улар анча узоқлашиб кетган эдилар. Нечукки энди йўқлаб қолибди?

— Қайси мавзууни олдингиз?

— Дукчи эшон қўзголонини.

— Зур мавзууни танлабсиз-ку? Лескин мен... нима ёрдам беришм мумкин? Сиз... Холидий деган буюк олимни эшитганимисиз? Бу даврни сув қилиб ичиб юборган одам ўша. Масковдаги ўрис олимлар бу қўзғолон «прогрессив аҳамиятга эга», дсийшганида мақтаб китоб ёзганлар, тақсиримиз. Кейин партия бу қўзғолон диний йўналишдаги қора иш деб баҳо бергач, яна бошқа китоб ёзганлар. Сиз хоҳлаган китобингиздан фойдаланишингиз мумкин. Суннат... Журасевич нима деяпти? Бу қўзғолонни прогрессив деб тушунтиряптими ё аксинчами?

Анварнинг феълидан бсхабар жувон нима дейишини билмай довдира борди. Яхшики домласи «Анвар жон озгина қўполроқ, эътибор бсрманг», деб огоҳлантирган эди. Булмаса чиқиб кестишга ҳам тайёр эди.

— Сиз Суннат Жураевичнингиздан сураб келинг, шунга қараб гаплашамиз.

Жувон бу одам билан сұхбатлашишининг ҳожати йуқлигини билиб, эшик томон юрди. Анварнинг ёнидан утастыб бир зум тұхтади:

— Кечирасиз, домла, тарихга иккى хил күз билан қараб булмайды, — деди. Жуда ширин, аммо кескин тарзда айтди-да, тез-тез юриб чиқып кетди.

Анвар шундагина унга бу гаптарни бескор айтганини фақмлаб, изза чекди.

— Анваржон, өрдам бера қолсанғыз бұларды. Бечора бир ҳафта күтди, — деди рұнарада үтирган аёл, унга ялингандай қараб. Шу гап мадад бериб, Анвар шарт бурилди-да, жувоннинг орқасидан югурди.

— Синглим, тұхтанғ, — деди Анвар, унга стиб олгач. — Хафа бұлманғ. Ұзим шунақа түнгрөк булып туғылғанман. Шошилмағтган булсанғыз, гаплашиб олайлик. — Анвар уни даҳлизга қўйилган юмшоқ курсиаларга бошилаб, сўнг үтиришгач сўради: — Нималарни уқидингиз?

— Сиз айтган иккала китобни. Кейин Faфуров деган олимнинг китобини.

— Хўш?

— Бир-бирига қарши фикрлар. Faфуров 1949 йилда бу қўзғолонни ижобий баҳолаганда «тоғиж ҳалқининг чоризмга қарши қўзғолони», дейди. 1953 йилда эса «фавқулодда реакцион ҳаракат», деб баҳолаб «узбек ҳалқининг ҳаракати» дейди.

— Ана шунақа-да! Масковда қанақа куй чалишса, булар ушанга қараб уйнайверишади. Тарих буларга уйинчоқ! Сиз узингиз қандай фикрдасиз?

— Мен ҳали ўрганиб чиқишим керак.

— Прогрессив дессанғыз, булар қўймайды. Холидий диплом ишингизни ўқимаса ҳам, ис олиб юрадиган шогирдлари бор, реакцион дессанғыз...

— Мен ҳақиқатни дейман.

Кескин тарзда айтилган бу гап Анварни ҳайратта солди. «Бу дунёда ҳақиқатни айтишни истайдиган одам қолмаган», деб юрганида чиройлигина жувон шундай деб турса-я!

— Кечирасиз, синглим, хўжайнин қасрда ишлайдилар?

— Мактабда.

— Ота-оналари-чи?

— Улар ҳам мактабда. Нимага сураяпсиз?

Анвар қулимсиради:

- Тұғрисини айтсам, сиз ҳақиқатни өзсанғиз-у, улар амалдор бұлсалар ишлари юришмай қолармикин, демокчийдим.
- Бизнинг құрқадиган жойимиз йүқ.
- Сиз шу ерда илмий иш қилингиз керак экан.
- Йүқ. Мен ҳам мактабга бораман. Ҳақиқатни энг аввал болаларга айтиш керак.

Ярим соат олдин бирор келиб «шундай ағыл бор», деса Анвар ишонмасди. Ҳозир ҳам қулоқларига ишонмай утирибди. Чиройли жувоғылар шұнақа срларда ишләшни орзу қилишарди. Келиб-кетиб юринса бас, жоң күйдірілмағын, маош әса ұнаверади. Узоқ йиллар ишлагани учун «мекнат фахрийси» деган ишонлар олади... Бу жувон әса...

— Дафтарингизни очинг, — деди Анвар, гапни бирдан бошқа томон буриб. — Үқийдиган китобларингизниң рүйхати: Остраумов, генерал-лейтенант Королков, генерал-лейтенант Терентьев, княз Мансирев. Буларниң гапларини архивдан топиб үқийсиз. Салков, Наливкинларни кутубхонадан топасиз. Сиз құзголонни Мингтепа масжиднинг қулашына болгаманг. Құзголоннинг илдизини энг камида үрусларнинг Тошкентни босиб олишларидан бошланг. Бу үк илдиз будади. Құшимча илдизлар — Қурбон додхо, Пулатхон, Етимхон, Дарвешхон, Собирхон құзголонлари. Тошкентдаги «Вабо исени», «Оқбұри»даги исен, Құқон хонининг исени... Буларсиз Мингтепа құзголонни ҳақида түгри холосага келиш қийин. Шулар билан танишиб чиққанингиздан сұнг яна гаплашамиз.

Жувон Анвариниң гапларини тез-тез өзиб олди-да, «бұлдими?» деган савол назарі билан қаради.

— Зарур гап чиқиб қолса, уйимга келишиңгиз мумкин.

— Шу срга кела қоламан. — Жувон шундай дебүрнидан турди.

Анварга унинг бу қарори ҳам әқди. Күнгли равшан тортди.

Жувонни құзатғач, хонасига қайтмоқчи булыб бурилған чоғида дахлизда келестіган Холидийга құзи тушиб, тұхтади. Одатдагидай башанғ кийинган Холидийнинг ёнида сүйган шогирдларидан бири Үлмас Ақром келарди. Анвар үзидан бир йыл кейин келған бу дұмбоқ йигитни «гұсала» дср әди. Лақаб Үлмасға жуда мос тушған, у түйиб сут әмған бузоқдай бсғам, бирор

сүкса ҳам, мақтаса ҳам бир ҳолда илжайиб тураверарди. Гусала колхозлаштиришда матбуотнинг рули деган мавзуда авват номзодликни, икки йил үтмай дүктурлик диссертациясини ёқлаб олди.

Анвар рупарасидан келаётган устоз-шогирдин курсиши йук эди. Улар билан сурошмасликнинг бирдан-бир йули — шарт бурилиб кетиши. Лекин Анвар бундай қылғиси келмади. Улар томон юрмади ҳам. Индамай тураверди. Холидий Улмаснинг слюксига қулини ташлаб, Анварга яқинлашди.

— Ис, мулла Анваржон, бормисиз, соң-саломатмисиз? — у шундай деб лабини тили билан ялагандай булди-да, Анварга қулини узатди.

Анвар унинг башарасига қарамай қўл узатди. Чунки Холидий жилмайганида унинг башарасига қараган одам барака топмас эди. Худо Одам Атони ясаётганида ишни оёқдан бошлаганими с бошданни, Анварга но маълум. Лекин, унинг назарида, Холидийнинг оёқ-қули, бадани аввал ясалган, кейин нима ясаётгани эсдан чиқиб, слюка устига одамнинг эмас, маймуниниг боши ўрнатилган.

— Анвар Сатторович, тузалиб кетдингизми? — деди Улмас ҳам унга қўл узатиб.

— Касал эдимми? — деди Анвар унга қаттиқ тикилиб. Улмас жавобга сўз тополмай, устозига қаради.

— Ўлмасжонни табрикладингизми? — деди Холидий яйраб жилмайиб. — Ҳозир академия тасдигидан ўтиб келяптилар. Институтга директор бўлдилар. Мен ўттиз беш йил директорлик қилибман. Етар, а? Энди ишни сиз — ёшларга топширамиз. Илмий котибликка мен сизнинг номзодингизни курсатган эдим. Йўқлигингиз панд берди.

— Ким сайланди?

— Наима Султоновна.

— Эски ҳаммом, эски тос.

— Тушунмадим? — деди Холидий, юзидағи сохта жилмайишни асраган тарзда.

— Сиз ўттиз беш йил қандай ишлаган булсангиз булатингиз уч юз эллик йил шундай ишлашади.

— Яхши эмас, мулла Анваржон, булар тенгдошларингиз. Энди замон бошқа. Бир-бирингизни авайлаб ишланг. Мана, биз бир-биримизни аямовдик, нима бўлди? Мени йигирма беш йилга қамашди. Сталин улмаганда утирадим. Баҳтимга тезроқ улди.

«Бирорнинг ўлимидан булар баҳт топишади. Жизик», деб ўйлади Анвар.

Холидийга Худо берли. Узини мақташга баҳона топилди. Бундай пайтда у мажлисдами, даҳлиздами, ҳожатхонадами, фарқи йўқ — гапираверади. Анвар жинниҳонада деразадан тушган нур билан қилган сұхбатини эслаб, шумлиги тутдию унинг сўзини шарт узди:

— Устоз, — деди мулојим оҳангда. — Ҳамма онасининг қорнида түққиз ой етса, сиз етти ойдаеқ туғилиб олган экансиз, шу түгрими?

Устоз-шогирд бу гапдан ажабланниб, бир-бирига қараб олиниди. «Бу ҳали яхши тузалмабди-да», деб ўйларди Улмас. «Бу бола қаёқдан билади буни?» деб ўйлади Холидий.

— Анвар Сатторович, уялиш керак, — деди Улмас, тапбех бериб.

Холидий бирорнинг ҳимоясига муҳтоҷ одам эмас эди. Сочини бармоқлари билан тараф қўйиб, утқир асқия эшитган одамдай мириқиб кулди-да, Анварнинг слкасига шашатилаб қўйди:

— Гайрат зўр бўлгани-да, гайрат! — деди-да, Улмасни қўлтиғидан олиб, йўлида давом этди.

Анвар орқасига ўгирилиб, уларнинг изидан бир зум қараб тургач, хонаси томон юрди.

— Нимагадир мотам руҳини сезмаяиман, қора байроқлар осилмаган, — деди жойига ўтиргач.

— Президент ўлиблими? — деди рӯпарасидаги аёл.

— Ундан ҳам баттар, — деди Анвар, «булар билмайдими?» деган маънода хонадагиларга бир-бир қараб. — Устоз кетибдилар-ку??

Анвар учун янгилик бўлган бу хабар хонадагиларга маълум эди. Институтдаги ўзгариш уларнинг ўзаро муҳокамаларидан ҳам ўтгани учун Анварга жавоб берини мади. Фақатгина эшик олдидағи устолда ўтирувчи «энг кичкина илмий ходим» кулимсираб қўйди. Анвар бу вазифада узоқ йиллар ишлагани учун ўзини «энг улуғ кичик илмий ходим», Собир исемли бу ушоқцина йигитни эса ҳазиллашиб «энг кичкина илмий ходим», дер эди.

— Устоз биз билан! — деди Собир, ҳазил оҳангиди.

— Яъни?

— Яъниким, устоз шу бўлимга мудир бўлиб ўтганлар.

- Ҳали ишлар эканларми? Босмачига айланмаган яна битта-иккита ўзбек қолган эканми?
- Устознинг консепсиялари бошқа ҳозир. Босмачилар эмас, миллий озодлик ҳаракати!
- Йўт-э?
- Газит үқийсизми узи?
- Болалар, — деди Анварнинг рўпарасидаги хотин, — эркак одамга гийбат ярашмайди.
- Собирбей, эшитдингизми? Гулнорахон опамизнинг насиҳатларига қулоқ тутмасангиз менга ухшаб энг улуғ кичик илмий ходим булиб қоласиз. Мен бунга чидолмайман. Ўзимни шу деразадан ташлайман. Энг улуғ кичик ходим битта булиши керак, билиб қўйинг!
- Анваржон, қўйинг шунақа гапларингизни.
- Гулнора опа, смон гап айтмаяпман. Сизнинг гапингизни тасдиқлаяпман. Собирбей ёш, ургатиб туриш керак.

### *Денгиз ичра чарх урувчи гирдобни Қайдан билсин қиргоқдаги майсалар...*

— Мснинг битта қўшним имом. Уша айтадики, бу дунёда гийбат қилган одамнинг тилини Худо қиёматда ўн метр узун қилиб қуяркан. Бу тилни одамлар босиб янчиб юраверар экан. Шу қиёмат тезроқ бўлсаю, шу тилларни бир курсам...

Рўпарадаги аёл шарт туриб чиқиб кетди. Анвар Холидийни сўқадиган бўлса, ҳақорат тошларини шу аёл ҳузурида отарди. Холидийнинг шу хонадаги мухтор элчиси ҳисобланмиш Гулнорахон бу тошларни териб, стмаганига ўзидан қўшиб, устозига стказарди. Анвар бу аёлдан, шу хизматлари учун хафа эмас, хурсанд бўларди.

Аёл чиқиб кетгач, хона жимиб қолди. Собир ҳам устол устидаги қофозларига мук тушди. Анвар қўлига қалам олиб бир варақ қофоз юзига турли шакллар чиза бошлади. Шакллардан бири «Г» ҳарфига ушарди. «Гулнора» деб ёзди. Кейин биринчи ҳарфни сеизроқ қилиб бўяди. Сунг «Г»ни ярим саҳифани эгаллайдиган даражада катта қилиб ёзди. «Г»нинг бурчагига кашакловчи чизик тортган эди, ҳарф дорга айланди. Анвар унга бир зум тикилиб тургач, ҳарфдорнинг учига сиртмоқ чизди. Шу ишидан завқ олиб утирганида Холидий йўқлаётганини маълум қилишди.

Холидий ўзининг қадрдои хонасида утирган эди. Янги бошилик куринмасди.

— Келииг, мулла Анваржон! — деди Холидий, уни урнидан туриб қарни олиб, — ҳали йўл устида тузукроқ гаплаша олмадик. Аҳволлар дурустми энди. Диссертацияни өзиб бўлдингизми?

Анвар унинг муғамбирлик билан боқиб турган кузыга қараб «Во ажаб, — деб ўйлади, — мен илгари одам танасига маймун калласи уланган дердим. Маймуннинг калласи тулкининг танасига уланганини ўйлаб курмаган эканман. Ё маймуннинг калласи ичига тулкининг мияси жойлаштирилганмикин? Қани, бунинг навозиши нима билан тугар экан?»

— Диссертация қанақа аҳволда, деб сўраяпман?

— Диссертациями? — Анвар тушумагандай слка қисди. — Ўша-уша реакцион миллагчилик иси уфуриб ётибди.

Холидий бундан олти йил илгари Анварнинг тайёр диссертациясини ана шу тавқи лаънат билан йўққа чиқарган эди. Анвар ҳозир шуни эслатди. Лекин Холидий пичингни тушумагангча олди.

— Уни ўзгартирганингиз йўқми? — деди меҳрибонлик билан.

— Ҳақиқат ўзгариб турадиган буқаламун эмас.

— Айни топиб гапирдингиз, баракалла! Менга сиздай чўрткесар, бир сузли йигитлар ёқади. Мана энди сизнинг замонингиз келди. Сизга ҳавасмандман: ҳақ ганини ҳеч қўрқмай айта оласиз. Бизнинг бошимизга тушган савдолар итнинг бошига тушса, у ҳам инфаркт булиб улиб кетарди.

— Ҳа-а, «устоз», сиз итдан ҳам... бақувватсиз.

Бу гапни эшишиб, Холидийнинг юзи учди, аммо сир бой бермай қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Ганини ҳам эшворасиз-да, мулла Анваржон!

— Сиз бўлимимизга мудир бўлибсизми?

— Ҳа, бирга ишлаймиз. Мен бу амал галваларидаи қутулдим. Бир йилда ун иккита комиссия босибди-я! Энди илм билан чукурроқ шуғулланиш имкони туғилди.

— Босмачиларни нима қиласиз?

— Қайси босмачиларни?

— Сиз менга икки масалада йўл бсрмаган эдингиз, эсингиздан чиқдими? Биринчиси — инқилобдан ол-

динги құзғолоңларни «мустамлака Туркистаннинг партизанлари» дейишимга қарши бұлдингиз. Иккинчи — үн еттінчи йилдан бошланған босмачилик ҳаралаты эмас, балки үн тұққизинчи асрнинг сүнгти чорагида бошланған мылтый озодлик ҳаракатининг чүккеси деганимда, кимлар келиб мени суроққа туттаниши биларсиз?

- Замона шунақа әди.
- Замон үзгардими?
- Үзгарди.
- Шунға қараб сиз ҳам үзгарднгизми?
- Мулла Айваржон, замон ҳар қандай одамни үзгартыради. Ҳатто сизни ҳам.
- Мен сиз айтган «ҳар қандай» тоифага кирмайман. Мени үзгартыриш учун бопшымдан товонимга ча тиккасига арралаб тушиш керак. Шунда ҳам жоним чиқади-ю, рухим эса үзгаришсиз қолаверади.

Холидийнин өздегі жилмайшы йүқолды.

- Катта кетманг, ука. Сиз сиғиниб юрган устозларингиз ҳам сұртұлада бир қийноқдан үтгач, құллари қалтираб, ҳамма қоғозларға имзо чекиб беришінде.
- Сиз ҳамми?
- Сиз иғвонинг ишини қавлаяпсиз. Мен ҳақиқат деб йигирма беш йилга қамалғанман.

— Сизга оғир ботадиган гап айтған бұлсам, узды Гунохимни ювиш учун бир ҳикоя айтиб берсаман. Жуда қызық, әшитмасанғиз армонда қоларсиз. Үзи ҳаётда юз берган воқса экан, аммо мен уни әртак тарзидә сұзлайман. Шундай қилиб, бури баковул, тулки ясавул, чумчук чақимчи бұлмаган замонда бир баҳтиер әш олим яшаган экан. У аввал устозларининг, сүнг тенгдошларининг оғи остига өзіншілді. Шаҳаншох унинг беминнат хизматларини қадрлаб турибди. Еш олим илмға эмас, шундай мунофиқликка иқтидорли экан. Гудаклигіда иблис ундағы инсон юрагини юлиб ташлаб, үз қалбининг бир парчасини құйған экан-да. Еш олим күлнинг ичида дадил туриб, «Шаҳаншох ҳайвон!» дер экан. Сұхбатдоши «шунақамык, а?» десе бас, бориб «Фалончи сизни ваҳший ҳайвон деди», деркан. Қарабасизки, үша сұхбатдош зинденға қандай тушиб қолғанига ҳайрон. Бора-бора сотадиган одами қолмагач, үз боши узра қора булуғлар айланағаннини сезибди. Шаҳаншох «үз яқындарига хоинлик қылған одам менге садоқатда бұларми?» десди. Шоҳ бир қарорға келгүнча әш олим энг сүнгги лақма дүстини

аврабди. Яхшилаб кийинтириш баҳонасида Шаҳаншоҳнинг тикувчисиникига бошлаб борибди. Ундан аввал шоҳнинг шопирини қўлга олибди. Шоҳнинг мосинасида тикувхонага савлат тўкиб борибди. «Мен маликанинг укасиман», деб узини таниширибди. Хуллас, икки кун деганда улар устларига шоҳона либосларни илишибди. Тикувчи эса Маликадан раҳмат эшитиш мақсадида телсфон қилиб, «уқангизга либос яратибдими?» дебди-ю, сир ошкор этилиб, ёш олим қамалибди. Қамоқда ҳам иқтидори иш бериб, иғвогарлигини давом эттираверибди. Бир йил деганда Шаҳаншоҳ улибди-ю, ёш олим ҳам сиссий маҳбуслар қаторида озодликка чиқибди. У ҳам туҳмат жабрини тортганлар сағидан урин олибди...

Холидий қошларини чимирган ҳолда Анварнинг «эртагини» бўлмай эшилди. Анвар «устоз» бақириб бсрар, ҳеч бўлмаса ранги ўзгарар, деб уйлаган эди. Гапини тугатиб, Холидийга қаради-ю, ҳайрон қолди: «Рұҳлар менга өлғон гапни айтган эдими?»

— Хуш, эртак тугадими? — деди Холидий. — Қиссадан ҳисса булиши керак?

«Чиндан ҳам қиссадан ҳисса булиши керак, — деб уйлади Анвар. — Нима, уша ёш олим сиз эдингиз, дейми? Яна тилимдан илинайми? Айтсан-чи, нимадан қўрқаман? Туҳмат, десса, суд архивини кутариш мумкин-ку? Адашган бўлсан-чи? Аввал суд архивини ўрганишим керак эди».

— Қиссадан ҳисса шуки, гапингиз тўғри, «устоз». Замон ҳаммани уз ўюриғига соглан. Лекин... нима учундир ҳеч ким гуноҳи учун тавба қилмаяпти. Ҳали ҳам унвонларига маст бўлиб юришибди.

— Унвон, мулла Анваржон, одамга месҳнати учун бсрилади.

— Бу унвон одамларни чалғитса-чи, жамиятга фойдасиз бўлса-чи?

— Бу энди баҳсли масалалар. Бу масалани вақт ҳал қиласди.

— Вақтга айтамиз, остоңада кутиб тура туради.

— Мулла Анваржон, бу гапларни қўйинг. Мен сизни диссертация масаласида чақиртирдим. Эртага менга олиб келиб беринг. Ҳимояни теззлатамиз.

— Диссертация йўқ, «устоз».

— Нега йўқ! Еқиб юбордингизми?

— Еқиб жинни булибманми, — деди Анвар кулиб, — уни чист элга сотиб юборганман, аллақачон.

— Нима? Чет элга? Кимга?

— Туркияга, дүктүр Нурийга булгур беріб юборғанман. Бир нусхасини үн күп олдии акам Англияна олиб көтдиллар. Диссертацияни ё Истамбул ё Оксфорд дорилғанунида сұқласам керак.

Холидий Аиварининг күзидан бир маңында үқмоқчи булып, қатғиқ тикилди. Аивар үйинин охиригача мұваффақияттың етказмоқ учун худди рост гапирағандай қылт этмасдан үтираверди. Холидий дүктүр Нурийни сохта советшуюс, ватан хоини деб әзвериб ийнини чиқариб юборған эди. Аивар хориж олимийни әслатиб, нишонини аниқ мүлжалыға олғанды.

— Бемаслаҳат шунақа ишлар қилиб юрибсизми, ҳали? — деди Холидий. Унинг илгариги құвноқлиги, сүнг жиддийлиги, кескинлиги ҳам қолмаган эди. Унинг машқи пасайиб, Инглистонда дүктүрлік диссертациясини өқтеп келген олим қаршиисида мулзам булып үтирган одам ҳолига тушган эди.

— Нима қилишим керак эди? — деди Аивар голиб одам товуши билән, — ҳеч кимга кераги йүқ, деб сотворибман да.

*Биргина мен қайрагоч  
Әтагида бенурман!  
Күн нуридан маҳрумман,  
На гуломман, на ҳурман!...*

— Ешлик қилибсиз. Ҳали пушаймон әмасанғиз эди...

*Фазилатим, кам ила күстим  
Сизга асн, олмоқ керак тан...  
Үзим мерған бұлмагач, дүстим,  
Кимларнингдир отған үқиман...*

Ҳар нечук Холидий тәмирдан әмас, барча бандалар каби «лойдан ясалған» экан. Құкрагида уйғонған газаб уммони тұлқынларининг мавжини вужуди сүғдиролмай портлади.

— Йұқол! — деди тишлиарини гижирилатиб. Тишлиар газаб вулқонини түсіб қолмоқ қасдида гижирилар эди. Боя дахлизда «стти ойлик булып туғылмаганмисиз?» деган саволдан сүнг күч түплай бошлаган вулқон құдрати тишлиардан құдратлироқ эди. У үрнидан шарт туриб бақырди: — Йұқол, газзанда! Мен сенни одам деб жин-нихонадан чиқариб олдимми ҳали!

Анвар масрур эди. У ўрнидан снгил турди. Гүс уни узоқ йиллар эзіб келгап гам харсанглари Холидийнинг бақириғидан сұнг елкасидан ағдарилғандай булди. У отган уқ бсхато тегди. Фаними ярадор ҳолда оෂқлари остида тинирчиларди. Энди юракка найза санчиши ке-рак. Бу наизани кейинги сұzlари билан Холидийнинг ўзи унинг қулига тутқазди.

— Сиз сал янглишдингиз, «устоз». Сиз менге оталик қилиб, даволансин, деб жиннихонага юборган әдингиз. Мени у срдан Асадбек чиқариб олди, — деди жилмайиб. У оқ-қорани ажратып олган олим әмас, ўртогига мақтанағтган болакай каби жилмайди.

— Ким делинг?

— Асадбек! — Анвар бу исмни фахр билан тилга олди-да, чиқиб кетди.

«Бу боланинг мафияга нима алоқаси бор экан?» деб уйлаб қолди Холидий.

## XVIII БОБ

### 1

Бир гала фаррош лұлы хотинларга якка ўзи бас кесиб, уларнинг нозик нұқталаридан ушлаб — мағлуб этиб, идорадан чиқариб юборган бошлиқ эсингиздадир? Худди үша бошлиқ Зоҳидга телефон қилди. Зоҳид хизматга барвақт келгап эди. Телефоннинг жириңгашини даҳлизда эшигиб, эшигини шошиб очди-ю, тезтез юриб бориб гүшакни күтарди.

— Үринбосаримни чақыртирдим, кесең оқшомда келдилар, — деди бошлиқ, саломлашгач. Зоҳид унинг овозида қандайдир ҳорғинлик сезди. «Кечаси билан ухламай мени қидирғанми, нима бало?» деб уйлади.

— Дам олишнинг ҳам белига тепибсиз-да, — деди Зоҳил, ясама лутф билан. Лутф ясама булса-да, бошлиқнинг ватанпарварлық түйгуларини жүштириб юборди:

— Ишларидан ишкал чиқиб турғанда дам олишга бало борми? Мен, күнглим сезган экан, бошидаෂ «узоққа кетманг», десдим. Бу қари бюрократларга қайта қуришнинг моҳиятини тушунтириб булмаяпти.

— Үринбосарингиз билан қачон қуришишим мумкин?

— Ҳозир десангиз, ҳозир етиб борадилар.

Бошлиқнинг жонкуярлиги сабаби Зоҳидга аси эди. Бунақа зотлар ишни қайта қуришга эмас, замонга мослаштиришга уста булишади. Идоранинг ҳар қадамига қайта қуриш афзалликлари ҳақида шиорлар осиб ташлашади. Агар уйларида, аниқроги, стоқларида, янада аниқроқ айтилса — тушаклари устида «Хотин — қайта қуриш авангарди!» деган шиорга куз тушса, сира ажабланмаслик керак.

Зоҳидга аси бўлган сабаб шуки, идорадаги молиявий найрангларнинг бир учи қонун ҳимоячиларига энди маълум. Жалол Комилов номига ёзилган маошу мукофотлар ҳисобланса, фалон сўм булади. Унинг ҳаммасини, шубҳасиз, уринбосар смайди. Аксинча, энг кам улуш унга тегади. Бошлиқ уринбосаридан купроқ олади, аммо у ҳам ўз навбатида юқорига узатади. Ньютон бошига олма тушганида Ернинг тортиш қонунини ихтиро этган экан. Кимёдаги занжир реакциясини тонгган олим раҳбариятнинг пора тақсимлаш усули ва санъатидан илҳом олган булса ис ажаб?

Бошлиқнинг шу « занжир реакция» авжига чиқмай туриб, биринчи ҳалқада ёк ишни бир ёқлик қилиш мақсадида эканини энг ландавур терговчи ҳам тушунади. Худога шукрки, Зоҳид ундайлардан эмас.

Уринбосар чиндан ҳам тезгина стиб келди. Яратилганда Худода ҳаққини қолдирамаган, деб шу бандага айтилса керак. Худо бўйдан урганида у энига қуштириб олган, «фалон ёшида бошидан сочи тўкилиб кал булади», деб ёзуг битилганида бошдан тўкилувчи сочи кўкрагига, жагига кучирган — кўкракдаги жун кўплиги ва узунлигидан кўйлак ёқасидан чиқиб, кўрган одамнинг гашини келтиради. Кунда икки марта қиртишламаса бўлмайдиган соқол эса, ёноқларининг нақчуққисига қадар бостириб борган. Яна бир ҳаракат қилса, соқол деганлари киприклару қошларга қўшилиб костиши ҳеч гапмас. Уринбосарга салобат бахш этиб турган кўзойнак гардишининг пастки қисми айнан соқолнинг ўша чегарасига қадалади.

Уринбосарнинг Яратгандан ундирган энг улуг нсъмати — кўзлари. Бунақа мулойим боқувчи, узун киприклар билан ҳимояланган кўз қизларда ҳам кам учрайди. Уринбосар Зоҳиднинг хонасига кирдию дарсга кеч қолган боладай бошини эгиб, ср остидан қараб қўйди. Аста сўз бошласа, кўзлари шунчалар мулойим боқардики, одам ўлдириб келган тақдирда ҳам ҳибсга олиш ҳақидаги қарорга имзо чекишга қўл бормасди. У

гавдасига монанд семизгина жигарранг сумка кутариб олган эди. Уринбосар Зоҳиднинг рўпарасига ўтириб, сумкани тиззасига қўйди-да, «Қамайсизми ё раҳм Қиласизми?» дегандай мўлтилаб қаради.

— Бошлигиниз айтгандирлар, а? — деди Зоҳид.

— Айтдилар, яхши иш бўлмабди. Аммо биз бу пуларни узимиз сб юборганимиз йўқ. Бирорининг ҳақидан қурқамиз. Узингиз биласиз, шаҳар катга, келди-кетди кун. Меҳмон-измон кутишиниг ўзи булмайди. Олдин ҳукумат унча-бунча пул ажратарди. Энди у ҳам йўқ. Унта меҳмонни кутасан, дейишади, тамом. Еб-ичиб кетса ҳам майли. Масков томондан келганлар совгасаломга ўрганиб қолишган.

«Бошлиқ иккови чишдан ҳам ухламаганига үхашади, — деб ўйлади Зоҳид, унинг гапларини эшишиб. — Уринбосар балогардонликни буйнига олган. Уйдаги топға-тутғанлари туңда яширилиб, уй бир гарид ҳолга келтирилган. Балки «қамаб қўйишади», деб хотин, бола-чақалари билан хайрлашиб ҳам келгандир. Бошлиқ ҳозир хонасида қўйт этмай ўтирибди. Котибасига «мен йўқман», деб тайинлаган. Уринбосари ҳибсга олинганини эшишиб билан идорада мажлис тўплаб, қайта қуриш душманлари фош этилгани, уларга қарши аёвзиз кураш олиб бориш лозимлиги масаласини кун тартибига қўяди...»

Зоҳид тинмай гапирастган ўринбосарга қараб туриб телесфон гўшагини кўтарди-да, бошқармага қўнғироқ қилди.

— Да, ало, эшигаман, — деган овозни эшишиб, уринбосарга қаради. Уринбосар телесфон рақамлари териластганда ёки жим булиб, бироз ажабланиш, бироз ҳавотир билан унга тикилиб ўтирган эди. Зоҳид бошлиқнинг исмини тилга олгач, ўринбосарнинг бутун вужуди қулоққа айланди.

— Қудрат акам йўғийдилар, ескага кетувдилар. Ким суравотдилар? Келсалар нима деб қўйи? — деди котиба.

— Мен прокуратураданман. Шариповман, — деди Зоҳид совуқ оҳангда.

— Вой, тўхтанг-чи, ҳали кетмаганига үхшайдилар... — Котиба сукут сақлади. — Ана, қайтиб кевоттила.

— Эшитаман, ўртоқ Шарипов. Кўнглим сезгандек изимга қайтувдим, тинчликми?

— Ҳа, тинчлик, ўринбосарингиз стиб келдилар. Ҳавотир олманг, демоқчи эдим, — Зоҳид гапни калта қилиб, гўшакни жойига қўйди.

Уринбосар узылган гапини давом эттирмади. Бироз уйлади. Зоҳиднинг бу кичик «ўйини» самара бсрган, тунда ўйлаб-пишилган рсжа дарз кетган эди. Узун киприклар ҳимоясидаги куз илтижоли боқди:

— Пулларни бошлиққа берардик, узларін сарғлар эдилар...

— Пуллар масаласида бошқа уртоқ шугуулганади. Сиз менга бир гапни айтинг: Жалол Комиловни охирги марта қачон кургансиз?

— Жалол Комилов ўлдирилганда мен йўқ эдим.

— Буни биламиз. Охирги марта қачон кургансиз?

— Янги йилдан кейин. Участковойга справка беринши ксрак экан.

— Кайфияти қанақа эди, уст-боши қанақа эди?

— Кайфияти... яхши. Сал кайфи бор эди. Устида оқ пустин. Тслпаги ҳам тоза тсридан.

— Нимада кслди?

— Такси ҳайдаетган экан. Мени бир жойга олиб бориб қўйди... пулинни бердим.

— Таксицилик қилаётган бўлса, нима учун сиздан справка суради?

— Такси биронники бўлса ксрак?!

— Бироннинг таксисини бемалол миниб юриш мумкин, деб ўйлайсизми?

Ўринбосар «ким билади?» дегандай елка қисди.

— Нима ҳақда гаплашдинглар?

— У ёқдан, бу ёқдан...

— Аниқроғи?

— Сибирдан келган экан.

— Сибирга нима учун борибди?

— Уч-тўрт йил ишлабди. Менам сизга ухшаб сўровдим, «комсомол йўлланмаси билан бориб келдим», деди. БАМга боргандир, деб ўйлабман.

— Сизда «ишлайди», деган рўйхатда туарди. Унинг асосий иши нима эди? Чайқовчимиidi, угриимиidi?

— Унисини билмайман.

— Унча-бунча узатиб туармиidi?

— Йўқ, бунақаси бўлмаган.

— Уни сиз ишга олганмисиз?

— Ҳа.

— Ким тавсия этган?

— Хўжайнинда, мана аризада қўллари бор, — у шундай деб сумкани очмоқчи бўлди.

— Керакмас, кўрганиман, — деди Зоҳид уни тұхтатиб. — У хўжайинингиз оламдан утиб кетган. Аризага у кипши имзо ческиб, сиз буйруқ бергансиз.

— Тартиб шунақа-да.

— Комилов қасерда яшаган?

— Билмайман.

Шу ерга келганды уринбосар кузини олиб қочди. Зоҳилга шунинг узи кифоя қилди, куз очирмай савол уқларига тутиш лозимлигини аңглади:

— Комилов сизни таксида қасерга олиб бориб қүйди?

— Эсимда йўқ.

— Эсланг.

— Омборхонага эди, шекилини.

— Аниқми?

— Ҳа, аниқ.

— Омборхона қасерда?

— Қўйлиқда.

— Атайнин сизни олиб бордими ё уша ёқда иши бор эканими?

— Билмадим, олиб борди, пулинни бердим.

— Омборхонадан чиққунингизча кутиб турдими?

— Йўқ.

— Нима учун хизмат машинангизда бормадингиз?

— Машина бузук эди.

— Сиз идорадаги гирромликлар учун жавобгарликка тортиласиз, буни биласиз. Лескин унинг ёнига ԸЛФОН гувоҳлик бериш қушилса, нима бўлишини билмайсиз. Сиз балки қотил эмасдирсиз, лескин қотилини яширишга уринаётганингиз аниқ.

— «Балки қотил эмасдирсиз», деганингиз нимаси? Нима учун мен қотилини яширишга уринарканман?! — Бошқа эркак булганида бу гапларни пўписа оҳангидан айтарди. Уринбосар эса қўй кўзларини қуриқлааб турган узуни киприкларини пириллатиб, титроқ овоздан айтди.

— Қотил топилмагунига қадар марҳумни таниған, билган одамнинг ҳар биридан гумон қиласиз.

— Олдин «сиздан гумонимиз йўқ», дедингиз-ку?

— Ҳа, шундай дедим, — Зоҳид «бу бало-ку», деб қўйди узича. — Келганингизда шу фикрда эдим. Гапни чалгитишингиз билан гумонсирай бошладим. Биздаги маълумотларга қараганда сиз уша кун Комиловнинг уйига боргансиз.

— Ким айтди?

— Уз күзи билан күрган одамлар. Юзлаштирайми?

Уринбосар бошини эгди.

— Йүк, — деди сескин, маглуб одам овозида. — Ксракмас. Сибирдан ул-бул олиб келган экан. Кейин... «Олтин ҳалқа» деганидан бор-ку, шундан бир құлтумдан...

— Совға ҳам қылдими?

— Пулинни бердим, совгамас.

— Нималар сотиб олдингиз? — Зоҳид унинг мушкулини осон этиш учун «сотиб олдингиз» деган сұздарга атайин ургу берди.

— Үзимга телпак олдим. Уч юз берувдим, юзини қайтариб берди. Сиздан фойда олмайман, деди. Қизларимга атаб ҳам ул-бул...

— Сиздан нимани илтимос қилди?

— Ҳеч нарсаны.

— Яширманг.

— Уй тұғирлаб беринг, деди. «Саргардонник тугали, уч хонали уй тұғирлаб берсангиз, бола-чақа қилиб үтираман», деди.

— Сиз уйни қандай тұғирлаб бермоқчи әдінгиз?

— Мен хат қилиб берсам бас, қолганига үзининг ишончли одамлари бор экан.

— Ким?

— Билмайман.

— Ҳосилбойвачами, Марканянми?

Уринбосар бир чүчи түшди-ю, бошини эгди. Одам әмас, тошбақа булиб яралганида ҳозир бошини косаси ичига олиб, очидан үлиб кетса ҳам, чиқмай өтаверади.

— Билмайман, бунақа одамларни танимайман.

— Асадбек деганини-чи, әшитмаганмисиз?

Уринбосар ташвишланиб, тезгина қараб олди.

— Танимайман.

— Комиловнинг уйи қасрда?

— Себзорда.

— Аниқроғи?

— Нечанчи уйлигини билмайман.

Зоҳид телефон гүшагини күтариб, шаҳар жиноят қидириүз булимида Комиловнинг иши билан шуғуллаңаётган инспектор Мақсуд Солисевга қўнгироқ қилдида, Себзорга етиб келишини, депара булимидан Толиповни ҳам чақиришини сўради.

Майор Солисевни бу иш билан шуғулланувчи гурухга Зоҳиднинг талаби билан қўшишган эди. Ўттиз йил-

дан бери шу соҳада ишлаётган майорни Зоҳид дорилт фунунда уқиб юрганидан бери билади. Талабалик йилларида амалиёт бўйича йўлланма билан келиб, шу майор билан ишлаган эди. Дастреб «нима учун майор, нима учун оддий инспектор», деб ажабланди. Кейин унинг феълини урганиб, яхши куриб қолди. Хужайнинг отган уқи бўлмай, кимларгadir эмас, фақат ҳақиқатга хизмат қилишни бурчи деб билган бу одамга Зоҳид ихлос қўйган эди. Зоҳидга Намозов иши бошланганида Зоҳиднинг баҳтига у сафардан қайтди-ю, дарров қидирув гуруҳига қўшилди.

— Қани, туринг, Комиловнинг уйига берамиз, — деди Зоҳид.

Уринбосар мугслик билан ўрнидан турди. Унинг хотираси яхшими ё бир неча марта ксанмиди, ҳархолда Комиловнинг уйини ҳеч бир адашмай топиб борди.

## 2

Шилимшиқ уч хонали уйнинг бир хонасини ижара-га олган экан. Еши эллиқдан ошган, аммо кексалик ҳукмига ҳали-бери бўйсунмайдиган кўҳликкина асл уларни ошкора нохушлик билан қарши олди. Шилимшиқнинг хонасида битта йигма каравот, оёғи лиқиллаб турган эски устол, иккита устулгина бор эди. Устулларнинг бири кийим илгич вазифасини утарди. Кийимлар устма-уст бастартиб равишда ташлаб қўйилган. Устол устида қотган нон булаклари, шишаси жимжимадор «Олтин ҳалқа» деб аталган ароқ, ювуқсиз тўртта пиёла, жумраги чегаланган чойнак туради.

— Сиз келганингизда уй қандай аҳволда эди? — деб суради Зоҳид Уринбосардан.

— Худди шунаقا. Олиб келган нарсаларини сотиб, мебсл олмоқчи экан.

— Нарсаларни қасрда сақларкан?

— Чамадонидан олиб берди, — Уринбосар шундай деб йигма каравот остидаги жомадонни имлаб курсатди.

Солисв билан Толипов икки қўшни гувоҳлигига тинтув бошлашди. Зоҳид эса уй бскаси билан гаплашиш учун нариги хонага чиқди. Беска гапини Жалол Комиловни яхши билмаслигини маълум қилишдан бошлади. Зоҳид бундан «Мсни суроқ қилиб овора бўлманг», дсан маънони уқди. Шу сабабли терговни

анъянавий тарзда икир-чикирдан әмас, аәл кутмаган ҳолда бошлади:

— Комилов уйингиз кириб келганида қулида нечта чамадон бор эди?

— Эсимда турибдими? — деди аәл, түгри жавобдан буйни төвлаб.

— Эслашга ҳаракат қызин. Орадан бир йил утмадику?

— Эсим үзи сал шұнақароқ, — деди бека, пичини билан.

Зоҳид «ҳозир сайраб юборганинги үзиниң ҳам билмай қоласан», дегандай муғамбирана қулимсираб қўйди-да, ён чунтагидан расм чиқариб унга узатди. Бека расмдаги даҳшатли манзарани курибоқ сесканиб тушди. «Вот ужас!» деб кўзларини чирт юмди. Худи калима қайтаргандай бир нима деб пиширлади. Зоҳид ундан куз узмай тикилиб тураверди. Кукраклари орасидаги ариқча қўриниб турган, худоси пардоз-андоз булган бу аәлнинг калима келтириши мумкинилигига Зоҳид ишонмасди. Шу сабабли униниң нима деб пиширлаганини билишга қизиқди.

— Гапингизга тушунмай қолдим, қайтарини.

— Одамлар ваҳший булиб кетишгац, — деди аәл күзини очиб.

— Ким қилган булиши мумкин?

Кўзларидаи киборлик пардаси кутарилган бека Зоҳидга қовоқ уйиб қаради:

— Нима, мени қотилларга шерик, деб ўйлаяпсизми?

— Касбимиз шұнақа. Ҳақиқат очилмагунча ҳаммадан гумонсираймиз.

— Унда мени олиб бориб қаманг, отинг! — аәл зарда билан ўрнидан турди.

— Ўзингизни босинг, жойингизга ўтиринг. Саволларимга жавоб беринг, — Зоҳид кескин-кескин гапириб, аәлнинг зардаси сариқ чақа эканини маълум қилиб қўйди. — Қулида нечта чамадон бор эди, эсладингизми?

— Битта... яна битта түр халта бор эди.

— Кийимлари қанақа эди?

— Ағдарма пустин, бошида телпак.

— Оғифа-чи?

— Калта құнжли этик.

— Совуқ жойдан келибдими?

- Ҳа, Новосибирскла икки йил яшабди.
- Нима учун?
- Академияда ишлабди. Диссертация өзибди.
- Илмий иши нима ҳақла экан, айтмадими?
- Мен сұрамадым. Илмга тоқатим йүк.
- Уйға танишлари келиб турармили?
- Бир-иккитаси келган.
- Эркакми, аслми?
- Ҳм... Эркак булганидан кейин хотин бошлаб келади-да. Бунинг нимаси өмон?

Зоҳид үрнидан туриб даҳлизга чиқди-да, қүннилар билан үтирган Уринбосарни имлаб чақирди.

- Уйға келганингизда бу асл бормиди?
- Ҳа.
- Сиз уни танийсизми?
- Йүк... Очиги... Жалол менни уйға қўйиб, ўзи бир екка кетди. Сангинахон билан бироз чақчақлашиб үтирдик.
- Қани, юринг. — Зоҳид уни бека үтирган уйға бошлади. — Мана бу кинига қаранг, келганимилар?

Асл Уринбосарга беписанд қараб олди:

- Эсимда йүк.
- Эртагача эслаб, соат унда прокуратурага борасиз, — Зоҳид шундай деб кўкрак чўнтағидан чақирув қоғози олиб, өзди-да, бекага узатди.
- Мен унда боролмайман, — деди асл, — ишдан рухсат беришмайди.

— Бешик туйига деб сўрасангиз балки рухсат беришмас. Лекин чақирув қоғозини кўрсатсангиз ижозат тегади. Гаиларингизга қараганда қонунни яхши биладиганга ухшайсиз. Узингизни гўлликка солманг. Сизга эса, — Зоҳид Уринбосарга юзланди, — ҳозирча рухсат. Керак булганингизда узимиз чақирамиз. Шаҳардан чиқмай, узоққа кетмай туриңг.

— Шунақа пайтда қашқа ҳам кетардим. Қулимдан келгап хизматни аямайман, — Уринбосар шундай деб хайрлашиб, чиқди.

Шилемшиқнинг хонасида тинтуб тугаб, эксперт пислалаги бармоқ изларини олаётган, суратчи фотоаппаратини гилофига жойлаётган, Ҳамдам эса кийим-кечаклар рўйхатини өзиб үтирган эди. Мақсуд Солисев эса дераза раҳига суюниб, уйға ботган ҳолда турарди. Зоҳид иш охирига етишини кутиб үтирди. Гувоҳлар рўйхатга имзо чекишигач, майор Солисев

уларни қүшни хонада яна озгина кутиб туришларини илтимос қылди.

— Бор бисоти шу эканми? — деди Зоҳид, улар чиқиб кетишгач.

— Ҳа. Бойлик талашганга ухшамайди, — деди Ҳамдам.

— Ҳонима нима дейди? — деб суралди майор.

Зоҳид сухбат баенини маълум қилиб, Урийбосар нинг маълумотини ҳам қушиб қўйди.

— Шилимшиқ Сибирдан қуруқ келмаган, бу аниқ. Бегона аслнинг уйига ҳам қўнмайди. Ҳамдам, сен бугун уй бекасининг ким эканлигини аниқлааб қўй, — деди Солисев, — Шилимшиқ бир жойга чиқиб келган булса, демак, моллари бошқа ердалиги аниқ. Қаерда, нимаси бор унинг? Усмирлигига қамалганидан бери сип-силиқ юришида бир гап бордир. Қотилини тоғанимиз билан иш битмас, дараҳт ылдизи чуқурроқдир. Илдизни кавлашга дараҳт эгалари, бобгонлари йўл қўйишармикин? Ахир бу анов-манов дараҳт эмас. Бобгонларни боқиб турадиган, соясидан баҳраманд этадиган дараҳт-а! — Солисев шундай деб Зоҳидга қаради. Лекин ундан жавоб кутмай, устол устидаги жомадонга яқинлашди. Худди оғирлигини чамалагандай кутариб курди. — Ҳамдам, гувоҳларни чақир. Чамадоннинг баҳридан утишга тўғри келади.

Гувоҳлар киргач, чўнтағидан букма пиюқ чиқариб, Ҳамдамга узатди. Ҳамдам худди уста бичиқчидай илдам ҳаракат қилиб, жомадон астарини йиртди. Ҳаракатлари зос кетиб, жомадондан арзирли ҳеч нима чикмади. Шундан сўнг гувоҳларга рухсат берилди.

— Мен ҳозир сен билан бирга бораман, — деди Солисев Зоҳидга. — Шилимшиқдан қолган нарсаларни узим бир курай.

### 3

Майор Солисев Шилимшиқдан қолган бисотларга аввал тикилиб турди. Сунг кўзойнагини тақди-да, қўлига тилла занжирли месальонни олди.

— «Любимой Ленс от Павла»... Бу қасрда экан?

— Бўйнида. Бармоғида анави тилла узук. Чўнтағида пул. Ҳеч нарсасига тегишимаган, — деди Зоҳид.

— Ленаси ким бўлди?

— Суров тарқатганимай. Жавоби балки Сибир томончардан келар.

— Башқача жавоб булиши мумкин эмасми? Сен бу одам Лена деганин улдириб, запжирини тортиб олган леб уйлаисанми? Уни арzon-гаровга сотиб олган булса-чи? Балки изни яшириши, бизни чалғитини учун қотилтар буйнига илиб кетишгандир?

— Иккичи гумонингизга урин йўқ. Экспертиза запжири буйнида, узук бармогида узоқ вақт турганини тасдиқлади. Биринчи гумонингиз ҳам ҳақиқатдан узоқроқ. Агар Комилов тудаларга алоқадор одам булса, бунақа арzon-гаров нарса сотиб олиб буйнига осиб юрмас.

Солисев Зоҳидга қараб, кулимсираб қўйди. Йигитнинг фикридаги мантиқ унга маъқул келди. Шилимшиқнинг чунтагидан пулдан ташқари ҳар хил қоғоз парчалари чиққан эди. Чунтакда юриб бироз уринган, аммо тешнилмаган трамвай патталари Солисевнинг дикқатини тортиди.

— Комилов трамвайдага юрган эканми? — деди у, паттадан биттасини олиб, синчиклаб қараб. — Тагида машина булса...

— Машина ўлимидан ун кун олдин угирангандан.

— Еки олган, — деб изоҳ берди Солисев.

— Олганинги ҳақиқатга яқин, лекин исботланмаган ҳақиқат. Паттани эса дўконларда қайтим үрнига ҳам беринади.

— Агар бу тудага алоқадор шахс булса, қайтимга патта олмайди, бу бир. Булар тийинларнинг фарқига бориншмайди. Трамвайдага юрмайди, бу икки. Трамвайга чиқиб қолгудай булса ҳам ҳақини тўламайди, бу уч.

— Нимага тўламайди? 

— Сабаби оддий. Баъзан ёдларидан кўгарилади: Чунки патта тулани одат тусига кирмаган. Баъзан тулагилари келмайди. Пулдор одам минглаб сўмларни бехуда совуриши мумкин. Лекин тийин ишлатишда хасислиги тутади. Хуш, бу одамга трамвай паттаси нима учун керак?

Зоҳил буни уйлаб кўрмаган эди. Тилла буюм, пул турган пайтда арзимаган тийинларни ташкил этувчи трамвай паттаси ҳақида бош қотириш лозимлиги хаёлинга келмабди. Ҳозир купни курган майор бунга эътибор бергач, уйлаб қолди.

— Агар у Сибир томончарга гастролга борган булса, қуруқ қайтмаган. Қолаверса, гастролга бир узи бор-

ганми? Балки шерикларидан бирон нарсаны яшириб, номардлик қилгани учун жазосини олгандир? Буюмларини қаерга яширган? Энг қулай жой темир йүл беската ёки аэропортдаги юкхона эмасми? Паттадаги рақамлар юкхона тилсими эмасмикин?

Зоҳид паттани қулига олиб, Солисвга ажабланиб қаради.

— Қанақасига?

— Айтайлик — 391829. «3» ёки «39» юкхона белгиси, «1829» эса тилсим рақами. Юкхоналарни тафтиш қилиш керак. Тафтиш учун шаҳар прокурорининг рухматини ол. Бу тилсим кўп нарсанинг сирини очади. Мен унгача машинани бир курайди.

Енган машинадан нима қоларди? Қорайиб ётган машинасиғат тунука ичи Солисвга қадар ҳам титиб чиқилган эди. Шунга қарамай майорга аталган нарса ҳам бор экан. Чақалоқнинг кафтидай ксладиган учбурчак тунукача оловда қофоздай бужмайиб қолган эди. Солисев уни авайлаб олиб, рўмолчасига уради.

#### 4

Таксопаркнинг бошқони чиқиб кетгачи, Асадбек Кесакполвонга қаради:

— Ишни хом қилган экансан, — деди у, норози оҳангда. — Машина ўғирлангани ҳақида хабар бериб қўйиш керак эди.

— Мурдани ҳам ёкиб юбориш керак эди, — деди Чувринди, Асадбекнинг гапини маъқуллаб. — Бармоқ изига қараб, кимлигини аниқлашган. Энди кавлаштириб ётишибди.

— Ваҳима қилавурма. Бир жойни таталаб тешиб чиқиши учун темирдан тирноқ керак, — деди Кесакполвон, пешонасини тириштириб. У Асадбекнинг танқидини оғир олмасди, аммо гапга Чувринди аралашса, энсаси қотарди, камчилигини буйнига олишни сира истамасди.

— Ҳозир темир тирноқлар пайдо бўлган, — деди Асадбек.

— Темир тирноқларнинг ҳам ошқозони, жигилдони бордир? — деди Кесакполвон, буш кслмай. — Шилимшиқни олдириб ксл, дединг, бир кунда осгини срга тесклизмай олдириб кслдим. Ҳофизга рупара қил, дединг рупара қилдим. Уни биз ўлдирганимиз йўқ. Кавлашса ҳам бизга рупара булишмайди.

— Йүлии биз томонга буриб юборадиган ишлар ҳам бўлғаи, — деди Чувринди. — Ҳайдар ака бир-икки ишини бемаслаҳат қилғанлар. Бугун йигитларим мухим гап топиб келиши. — Чувринди шундай деб сукут сақлали. «Айтавсерайми?» дегандай Кесакполвонга қарали. Кесакполвон урнидан бир қузғолиб олди.

— Ганин чайнамай, айтавсермайсанми? — деди жеркиб.

— Шилимшиқ ҳали ҳам ободонлаштириш идорасида рўйхатда турган экан. У срдаги ҳаромиларга маоши керак бўлған-да. Терговчи ўша сргача кавлаб борган. Шилимшиқ Тожимулласев билан учрашган экан.

— Ким у? — деб сўради Асадбек.

— Тожимулласев ўша идора бошлигининг муовини. Хуллас, у терговчини Сангинаникига бошлаб борган.

Асадбек Кесакполвонга ўқрайиб қаради.

— Ўшаникida турганмиди Шилимшиқ? Сен менга бошқа гап айтган эдинг-ку?

— Мен айтган жой ишонсизроқ чиқди. Сангина пухта жувон.

— У-ку пухта, аммо сен латтасан. Бошинг билан ўйлайсанми ё бошқа ёфинг биланми?

— Сен қаеринг билан ўйласанг, мен ҳам ўша срим билан ўйлайман. Ишнинг сассиги чиққанда мен айбдор булиб қолдимми? Шилимшиқни ҳофизга рўпара қилганингда тўй ҳақида гап йўқ эди. Сен мардлик қилмоқчи эдинг. Ўзинг ҳам калта ўйлагансан. Мен ўғридан чиққан одамман. Ишим ё чикка бўлади, ё пукка.

Асадбек ўртоғига бақириб хато қилганини фаҳмлаб, уни тиззасига шапатилади.

— Жириллама. Мен ҳам қиморбоздан чиққан оми одамман. У ўйинларда бугун ошиқ олчи турмаса, ёртага туради. Энди ўйинларда ошиқ олчи турмаган кун ўлдим, дёяверасан. Энди хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Мен Шилимшиқни жазолашим зарур эди. Агар у жазосини олмаса, бошқа бир йигит унинг изидан борар эди. Тартиб бўлмаса, бирор бизни бир тийинга ҳам олмай қўяди. «Мардлик» деган олифта гапларингни қўй. Ким мен чизган чизиқдан чиқса, Шилимшиқнинг орқасидан жўнайди. Икковинг ҳам йигитларингга айтиб қўйларинг. Мендан кейин сен, сендан кейин Маҳмуднинг айтгани қонун бўлади. «Ким кўпроқ айбли?» деб ахлат титишингта йўл қўймайман. Бу ҳукмни мен чиқарганман! Маҳмуд, энди нима қилмоқчисан?

— Ҳали бир тұхтамга келганим йүқ. Терговчى яхни ҳид оладиган исковичга ухшайды. Үннинг әннега майор Солисев қүшилган.

— Солисев? Катталарининг шуриның қурытған майорми? Ишдан кетувди-ку? — деди Асадбек.

Майор Солисев икки йыл бурун бир қотылсыз изидан бориб, юқори амалларни әгаллаб турған одамлар нинг эрка фарзаңлариниң фон қылған эди. Бу ишни хаспұшлашға интилиниң яхни натыжа бермади. Адолат қарор тоңғандай туғолди, аммо Солисев иштейфога чиққышға мажбур бұлғанды. Ҳозыр Асадбек шунин назарда тутиб сұрады.

— Янги йилдан ишінде қайтаришган. Бир ярим йылдик маошими тұлашынан, — деди Чувринди.

— Ҳайдар, әншітдингіми? Темир тириоқ уша бұлады. Үнда ошқозон ҳам, жигілден ҳам йүқ.

— Үнда бу дүнёда яшамаса ҳам бұларкан.

— Қани, тегиб күр-чи, уларға! — деди Асадбек овозини баландлатыб. — Ишни осонроқ йүл билан өннің керак.

— Бир-иккита кавказлик топмаса булмайды, — деди Чувринди.

Асадбек үннинг мақсадини тушушиб, Кесакиолвоңға савол назары билан қарады.

— Ҳайдар?

— Ҳайдарсиз ишларинің битмайдым?

— Латтачайнарлық қылма.

— Иккитаси бор.

— Маҳмудга бер уларни. Маҳмуд, калланған ишлатыб, йули билан терговчиларға рұпара қыл, хитланыш масин. Ҳайдар, уларнинг шарти қанақа бұлады?

— Қорадори-да.

— Қасрда бұлса ҳам стказиб берамиз. Сен Саңгина ни күздан йүқтө.

— Увол бұлмайдым?

— Үлдир деганим йүқ, күздан йүқтө дедим. Терговчининг акасини үлдириған болани топиб уйига ташлала-ринг. Сал эти үлиб турсин.

— Қайси бирини ташлайлик?

— Нечта узи?

— Уч-тұртта булиб үлдиришган. Лескин уша пайтда биттаси қамалған. Биттаси кейинроқ дүконда қулға түшган. Қолған иккитасининг айби камроқ дейишиди.

— Уша асосий иккитасини топларинг.

— Ватани йўқнинг имони йўқтур... — И smoилбей шундай деб бошини эгди, сукутга чўмди. Эти устихонига ҳамилини ҳамошиб, узун бурни янада бсуҳшовлик касб этган, кўзлари киртайиб қолган қария бу сукут чодирига үралиб, нималарни ўйлади экан? Бу гапдан юраги ҳаприқсан Зелихон-чи? У нима учун жим? У нималарни ўйлаяпти. И smoилбейнинг чой қуйиб утирган ўғли Аҳадбей-чи?

Аҳадбей Зелихоннинг тенгқури. Тақдирнинг золимлиги булмаса бири тоғлар бағрида, бири дснгиз соҳилида туғилиб усиб, шу срда учрашармиди? Улар қишлоққа олдинма-ксьин кўчиб келишди. И smoилбей урушдан қайтгач, темирийулга ишга кириб, оиласини шу срга кўчириб келди. Зелихоннинг отаси эса урушдан қайтмади, у стим ҳолича қишлоқда ризқини териб юравсерди.

Дунёдан ризқи узилай деб турган қария, ярим асрдан кўпроқ умр кўриб, ҳали уз Ватанига эга бўлмаган бу икки бсбаҳт банданинг айтаман деса ҳасрати камми, эслайман, десса хотиралари йўқми?

Турт йил бадалида немис И smoилбейнинг жонини оламан, деб исча юз минг ўқ узди экан. Лскин яратган уни бу ўлим довулидан омон сақлаб қолди. Ризқ билан умрни мўл берган экан. Аммо бунинг эвазига Ватандан жудо қилибди.

И smoилбей бошини эгиб, сукутга берилган чоқларида кўпинча Оллоҳга муножот этади: «Урушда жонимни омон сақла, деб ғловордим, ўзингга шукр, сақладинг. Бир кунгина бўлса ҳам қишлоғимда, оилам бағрида яшай, дснгизнинг мавжларини курай, дедим. Қишлоғимга қайтардинг, шукр. Аммо бир кунгина сиғидирдинг. Дснгиз мавжларига тўйдирмадинг. Гуноҳим кўп бўлса, ватангадо қилсанг минг розиман. Аммо Она ҳалқимни ватангадо қилганингга ақлим лол. Наҳот барчамиз баравар гуноҳкор бўлсак...» Шу гаплар хаёлига келади-ю, Худога таъна қилгани учун дарров тавба ҳам этади.

Умри поғнига стгани сайин хотира дснгизи ҳам саёзлашиб, мавжлари сустлашиб борар эди. Баъзан тушида, баъзан эса хаёл булатларига банди булиб утирган чоғида дснгиз соҳилида, қирғоқдаги майдада тошлар

ни оҳиста силгаётган ожиз тулқинларни бевозга қилиб югурдаётган иштончан бола куз олдига келади. Ҳаётни фақат шодликдан иборат, леб уйловчи бола қийқириб, қувнаб югурди. Сачраган сув томчилари қуси нурида зумрад мисол бир тоғланини беради-ю, яна үз урнита қайтади. Боланинг қувнашидан денигиз ҳам масти, қуси ҳам яйраб нур сочади. Сунг... денигизнинг уфқа тулаши ерини өнилириб қуси ботади. Сунг ой кутарилшиб, бу сингиндан азоб чеккан денигиз юзини силаб овутади. Ой нури денигиз узра узун пойандоз солади. Шу пойандоз устида юриб кетгинг келади... Бу бола — Исмоилбей. Соҳил бўйлаб чопаётган бу бола унга урушидан ҳамроҳ бўлди. Урушдан қишлоғига қайтгач, уни яна курди. Бу сафар ухламасдан, ҳатто мудрамасдан, кузини юммасдан туриб кўрди.

Госпиталдан чиққанидан сунг, манзили узгаргач, уй билан алоқаси тамом узилган, у уруш оловида эмас, хавотир оловида қоврилган эди. Қишлоғига қайтиб, уйида бегона гуржиларни кўргач, ҳайратдан ёқа ушилади. Шоп муйловли гуржи уни уйига бошлиди. Мусаллас билан сийлади. «Биз айбдор эмасмиз, биродар, биздан хафа бўлма!» деди. Яна аллақанча гаплар айтди. Аммо бу гаплар унинг қулоғига кирмади. Денигиз соҳилига борди. Этигини счиб, шимининг початарини қайриб, соҳил бўйлаб юрди... Үғлини слкасига миндириб олиб, соҳил бўйлаб югуришни орзу қиласарди. Үғли йўқ. Югуришга хоҳиши ҳам, мажоли ҳам йўқ. У икки нарсага ҳайрон, бири — оиласини қандай топнини билмайди. Иккинчиси — қишлоқ йигитлари урушда жон олиб, жон бсрса-ю, бунда қолган қариялар, хотинлар, болалар қандай қилиб хоин булишсин? Қишлоқдан битта, нари борса иккита сотқин чиқар, лескин ялпи хоин булиши мумкинми? У — Исмоилбей урушда бир нарсани — Ватан учун жанг қилиши лозимлигини биларди. Энди ҳайрон: қани уша Ватан?

Ҳаслида кўп жонланадиган икки манзара шу — соҳил бўйлаб қувнаган ҳолда югурдаётган бола... шимининг почасини ҳимариб, қайгу юкини орқалаб бораётган аскар... Кўкрагида Ватан ҳимояси учун берилган нишонлар. Кўкрак сиртида нишонлар, кўкрак ичидаги юракка эса тиф санчилган...

— Ватани йўқнинг имони йўқтур, — Исмоилбей шундай деб, ҳасл бандилигидан озод булиб, кузларини очди. — Худо ота-боболаримизга Ватан берган эди, биздан тортиб олди. Бизнинг гуноҳларимиз учун сизлар

ҳам ватангадо булдинглар. Сизлар имонсиз кстманглар, Ватанга қайтинглар. Худога шукрки, бизни кофиirlар юргида хору зор қилмали. Орқадошларимиз бизларни ранжитишмайди. Уларнинг улутлиги шунда. Аммо Ватан улугроқ. Унинг урнини ҳеч нима босмайди.

Исмоилбейнинг кейинги гапларини тепловознинг қичиқириғи босиб кетди. Сунг поезд турдилаб утиб, уй тебраниб, шифтларигача қисирлади. Уй эгалари бунга күникиб кетишган, эътибор ҳам беришмади. Зелихон өса ҳар уни дақиқада бир поезд утиб, заминни силкитганды хавотир билан шифтга қараб қояди.

— Вакилларимиз Масковга кетишди, — деди Аҳадбей, — Қрим татарлари билан биргалашиб, ҳақиқатга стишар, ишшооллоҳ.

— Чеченлар кўп кетишди. Сени ҳам кетди, деб юрувдим? — деди Исмоилбей.

— Онам шу с尔да, бувам шу срда. Мен қаёққа бораман? — Зелихон «мен қамоқда эдим», демади. Чол гап кавламасин, деб бошини эгиб, сукут сақлади.

Исмоилбей «сизлар гурунглашиб утиинглар, мен самоварга чиқай» деб фотиҳа ўқиди-да, ўрнидан турди.

Аҳадбей отаси кирганида хонтахта остига яширган шишани олиб, пислаларга ароқ қўйди-да, «Соф бул», деб кутарди.

— Сени чақирганимнинг боисини энди айтай, — деди у. — Вакилларимиз Масковдан қуруқ қайтишади. Масков юртларингга бораверинглар, деган билан гуржилар уйларимизни бушатишмайди. Кон тўкилиши аниққа ухшаб турибди.

— Кон тўкилса чеченлар сизлар томондан булишади.

— Кон уша ёқда тўкилади, деб ўйляяпсанми? Зелихон бу гапдан ажабланди:

— Қасрда тўкилади?

— Шу срда.

— Эсинг жойидами? Ким билан урушасан? Ким кон тўкади?

— Ўзбеклар билан...

— Аҳад! — Зелихон ўрнидан қўзголиб, тиз чўкиб утириб олди. — Жиннимасмисан? Бизга уй берган, нон берган ўзбек билан урушасанми?

— Сен ҳовлиқма. Биз урушмаймиз. Бизни уруштиришади. Мен кузатиб, сизиб юрибман. Сен Федяни билармидиңг?

— Қайси Федя?

- Истансанинг орқасига турарди. Лақаби «Бўри».
- Ҳа... отилиб кетувди шекилли?
- Ҳукмни узгартиришган. Ун беш йил бериниувди.

Янги йилдан олдин пайдо булиб қолди.

- Қочибдими?
- Қочганга ухшамайди. Бемалол юрибли.
- Қутулиб чиққандир?

— Йўқ. Ҳали ярмини ҳам утирмади. Афви умумийга тушиши ҳам мумкинмас. Ҳуллас, бу ёгини энит: уни Қувасойда кўрдим. Пивохонада тўргта улфати билан утирган экан. Улфатлари бу срлик эмас, билиниб турибди. Мен билан куришди. «Нима қилиб юрибсан?» десам, «иш бор, братан», деб ишшаяди. Бигита яримтанинг изига тушиб, шурини қуритмоқчими, деб иойладим. Шериклари билан Қувасойни айланиб чиқишиди. Асосан турклар кунроқ яшайдиган кучаларни айланишди. Кейин иккита мошининг утириб, гойиб булишди. Эртасига уларни бу срда кўрдим. Улар тамонага келишмаган. Кунглим сезиб турибди. Куёвим Қувасойдаги пивохонада ишлайди. Атай бориб суринтиридим. Улар уч-тўрт марта келишибди. Турк йигитлари билан пивохўрлик қилишибди. «Ҳозир ҳамма ёқда эркинлик, сизлар Турк автономиясини талаб қилинглар», дейишибди. «Туркларнинг ўз республикаси бўлсин!» дейишибди. Пиво ичгани кирган иккита узбек йигитни туртиб чиқаришибди. Гаига тушуняпсанми?

- Федя шу срдами?
- Шу срда эди, куринмай қолди.
- Яхши, уни ўзим топаман. Сслим қасрда, ҳали ҳам Қувасойдами?
- Ҳа.
- Федя билан куришгандир?
- Билмайман.
- Куришади. Федя кслади-ку, куришмайдими? Тур, кетдик. — Зелихон шундай деб ўрнидан турди.
- Ошни дамлади, еб олайлик.

Зелихон «кейин», деб ташқарига чиқди. Аҳадбей унга ноилож эргашди.

«Запорожец»ни ўт олдириш учун итариб юргизишга тугри келди. Машина утган йўлини кўк тутунга буркаб юрса ҳам, манзилга етиб олди. Ҳашаматли уй, юк машинасига мўлжаллаб ишланган катта дарвоза олдида «Запорожец» ўйинчоққа ухшаб қолди.

Селим деганлари узун бўйига монанд қорин қўйган, қаддини тик тутиб юрувчи йигит, ҳовлида Зе-

лихонни куриб, дастлаб танимагаңдай қаради, сунг бирдан чөхраси очилиб, қучоқ очиб келди.

— Зели оға, тушумми ё үйгимми? — деб қаршила-ди. Кенг ҳовли атрофига уйлар солинган, худи қўр-ғонга үхшарди. Мевали дараҳтлар тартиб билан экил-ган, кунга қараган уй рўпарасига темир қувурлардан токсўри ишиланган.

Селим уларни кенг уйга бошлаб кирди. Мәҳмоҳона шифтишиниг уртасида катта билур қандил. Тўрт чеккасига ёса, айнан шу қандилининг кичик нусхалари осилган. Йигирма кини бемалол давра қуралиган устолда дастурхон бозоглик эди.

— Оғажон, согинтириб юбордингиз-ку? — деди Селим жилмайиб.

— Қаердалигими билмасмидинг? — деди Зелихон.

— Билардим.

— Билсанг нимага сўрайсан. Чиқиб келдим. Хизматиниг бўлса, айт.

— Хизматни қўйинг, оғажон. Хизматда мана, биз бўламиз. Сиз иззатда.

— Ишларинг қалай? Узбеклар ғашинигга тегишмаянтими?

Кутилмаган ташрифдан ажабланиб турган Селим бу саволга қандай жавоб беришни билмай, иккиланди.

— Тұғрисини айтавсөр.

— Бу ер ўзимнинг қўлимда. Лескин... Ҳосилбойвачча деганин эшитганмисиз? Ушанинг одамлари кўз очирмайди. Қопимни сўриб ташлашли.

— Шуни Федяга айтдингми?

— Қайси Федяга? — Селим шундай деб «Сотдингми?» деган маънода Аҳадбейга қаради.

— Аҳадбейга қарама, менга қараб жавоб бср. Федяга нима дединг?

— Шуни айтдим.

— Ердам бср, дедингми?

— Ҳа.

— Аҳмоқсан. Пулиниг кўп-у, аммо ақлинг кам. У нима деди, ўзим тинчитаман, дедими?

— Ҳа.

— Сен бу срдан кўчиб кет.

— Нега энди?

— Қиргиннинг уясига чўп суқиб қўйибсан. Келиб-келиб Федядан ёрдам сўрайсанми?

— Кимдан сўрай бўлмаса?

— Кучинг стса ишла. Бўлмаса яғир булиб юравер. Зелихонга айрим нарсалар аён була бошлаган эди. Шу учун Селимнинг меҳмондорчилигига унамади. Аҳадбейникига ҳам кирмай Фарғонага жунади. У Фсияни қаердан топишни биларди.

## 2

Ҳар бир мамлакатнинг үзига яраша қонуни, қоидаси булади. Фуқаро қонун-қоидаларга итоат этиб яшайди. Худди шунга ухшаб, биз жиноятчилар деб атовчи оламнинг ҳам үз қонунлари, тартиб-қоидалари бор. Улар биз жорий этган қонунларни сариқ чақага олишмайди. Шу сабабли уларни таъқиб қиласиз, ҳибсга оламиз, ҳукм чиқарамиз. Дарсга тугон солингани билан сув орқасига қараб оқмайди, тўлиб-тошиб, йулида давом этаверади. Агар түғон заиф ақл билан қўйилган булса, тўпланган сув уни бузиб кстади. Ҳайқирган жунун сув тулқинлари элни анча бессаранжом қилиб қўяди.

Зелихон яшайдиган олам ҳам шунга ухшайди. Унинг фуқароси кам, аммо қонуни пухта. Уларда «ахлоқ тузатиш колониялари» йўқ. Улар «ахлоқ тузатиш» билан шуғулланишмайди. Уларнинг ҳукми битта — қонунни буздингми, хиснат қилдингми, биродарингни қутқармадингми, тамом, жонинг билан жавоб бср.

Бу ёзилмаган қонун-қоидаларни сув қилиб ичиб юборган Зелихон қаерда, қандай ҳаракат қилишни, ким билан қандай гаплашишни яхши билади. Қайси ўрини қаердан топишни, қайси хоним кимга ҳам бошпана, ҳам қучогидан жой бериши мумкинлиги унга маълум. У «Фсияни үзим топаман», деб бекорга айтмади.

Зелихон Аҳадбейнинг «Запорожец»идан тушиб, бир йоловчи машинани тұхтатди-да Фарғонага қараб кстди. Тұрт қаватли иморатлар орасига тирсак шаклида тушган бино унга яхши таниш. Иккинчи қаватдаги эшик узгарибди. Илгаригисига чиройли чарм қолланган эди. Буниси темирдан булибди. Зелихон эшик қўнгиригини уй бекасига таниш бўлган тарзда босди. Қўнгириқнинг иккита қисқа, учта узун жиринглашини эшитган бска эшикни бехавотир очиши мумкин. Кутилгандай бўлди. Эшик аввал қия очилди. Бека таниш одамни кўриб, эшикни каттароқ очди-да, узи орқасига ческинди. Зели-

хон одатига кура атрофига алсанглаб олгач, тезгина ичкари кириб, эшикни ёди.

— Зеля, яхши келдингми? — Бека шундай деб унга яқинлашди-да, күкрагига бош қўйди.

— Надуля, узинг омонисан? — деди Зелихон, унинг слкаларини силаб.

Ҳали қирқقا кирмаган бу жувон тароватини йўқотмаган, қучоқласа қучоқлагудай, ўпса унгудай эди. Зелихон вақтида у билан айшини сурган. Аммо улар орасида муҳаббат, ҳамиша бирга бўлиш туйғуси йўқ эди. Юрак юракка таънишмаган. Зелихон бу тушакла бир исча соат илгари бошқа ёркак ётган бўлиши мумкинлигини биларди. Надя ҳам бу чиройли йигитнинг ҳозиргина бошқа асл қучогидан чиқиб келаётган бўлиши мумкинлигини биларди. Дарвин деган зот худди шу тоифа одамларга қараб туриб, «одам маймундан пайдо бўлган», деган назарияни яратган бўлса не ажаб? Булар Оллоҳнинг эмас, балки ҳирснинг бандалари эдилар. Одам боласига Яратган яхши туйғулар ҳам берганини билмас эдилар. Шундай туйғу бўлмагани учун ҳам бир исча йил эмас, бир исча соатгина кўришмаган танишлар сингари омонлашдилар.

Меҳмонхонадаги устол усти душман пайҳон этган қишлоқ маизарасини эслатарди. Бу Зелихонни ажаблантирмади. Чунки у бунда дурустроқ манзарани кўрмаган.

Надя Зелихоннинг рўпарасига утириб, икки қулинни жагига тираб, унга тикилди.

— Куринишинг бинойи. Курорт сқибди, — деди жилмайиб.

— Сенинг дуолариниг стиб борди, — деди Зелихон ҳам жилмайиб. — Мени соғиниб, ичикиб қолибсан.

— Сени деб ичкесам арзийди.

— Нима иш қиляпсан?

— Узинг билган иш.

— Ким билан ишлайпсан?

— Суварак билан.

— Кунинг шунга қолдими?

Надя «нима қилай бўлмаса?» дегандай слка қисиб қўйди-да:

— Ичасанми? — деб сурали.

— Борми?

— Сенга бор. — Шундай деб ичкари хонага кириб кетиб, дам утмай бир шиша ароқ кутариб қайтди. Зелихон

шишани унинг қулидан олиб, чаққонлик билан очди-да, иккита қадаҳга қуйиб, биттасини аслга узатди.

— Эсон-омон қайтиб келганинг учун, — Надя шундай деб бир хұплаб қүйди.

Зслихон қадаҳни бир құтариша бушатди.

Иккинчи қадаҳдан сұнг аслнинг өнігі үтиб, уни қучоқлади.

— Энди эсингга түшдими? — деди Надя нозли ва гинали овозда. Зслихон жавоб бермаі, бақбақасыға лаб юборди. Унинг назаридә Федяниң қаердалигини шу асл билиши керак әди. Тұгрдан-тұғри сұраса, айтмас-лиги ҳам мүмкін әди. Шу сабабли мақсадта аслларға еқадиган йүлдан юриб боришини маъқул күрди. Надя ийиб, тушакка өтишга тайёр болғанида «Федя қаерда?» деб сұради. Күзлари сузилиб турған аслнинг қошлары бирдан чимирилди.

— Шунга келувдингми? — Надя Зслихонни құкрагидан итарди. Зслихон эса аксинча, уни мақкамроқ құцди. Надя унинг қучоғидан чиқишина уринди, охири бушашған ҳолда, өпік әшикка қаради. — Шуни кейинроқ сұрасант ҳам булади-ку? Ана, өтибди. Гирт маст.

Зслихон уни қучоғидан бушатиб, әшикни очди. Юзтубан өттан, чап қулогининг остидан оғзигача тиртіғи булған бу йигитни дарров таниди. Ичкари кириб әшикни өпди-да, «Федя», деб чақырди. У бир текисда нафас оларди. Мастта үхшамасди. Зслихон уни яна чақырди, сұнг унинг маст үйқуда эканинга гүс ишонч ҳосил қылғандай, пиджагининг чұнтагига құл юборди. Янги паспорт, озод этилгани ҳақидаги гувоҳномани күргаң, боя күнглига оралаган шубҳа ҳақиқатта айланана бошлади.

У Федяниң бош томонига үтиб үтирди-да, худли үзи билан үзи гаплашағандай гапира бошлади:

— Мениң Бүри деган бир дүстим бұларди. Ароқ дарә булыб оқиб келса, шимириб қуритарди. Аммо үзи сира маст бұлмас әди. Қамоқда бузилибди, бечора. Энди... одам сотилганидан кейин шунақа булыб қоларкан-да. Худо раҳмат қылсын, сенни Федя. Номингни тоабад унутмаймиз, дея олмайман. Сотқынларни эсламаймиз, үзинг биласан-ку...

Шу гапдан кейин Федя бир қимирлаб олди.

— Сотқын эмасман, — деди өтган ҳолища.

— Бошингни күтар, Федя, мендан уялма.

Федя бошини күтариб, тирсагига тирайдалди.

— Нимага келдинг?

— Иш бор эди. Чиқиб келганингни эшитиб, хурсанд бўлувдим.  
— Қанақа иш?  
— Энди сенсиз битадиган иш.  
— Менни сотқин дсма, Академик, мен бирорни сотганим йўқ.

— Қочдингми? Қочгаңга ухшамайсан?  
— Ишинг бўлмасин. Йулини қилиб чиқдим.  
— Мен билан ишлайсанми?  
— Йўқ.  
— Нимага?  
— Узимнинг ишим бор. Агар хоҳласанг... мен билан ишлашинг мумкин. Яқинда катта ов булади.

— Қасда?  
— Қасрдалигини вақти келганда айтаман.

Эшик қунғироги жиринглаб, уларнинг суҳбатлари узилди. Бироз фурсат ўтгач, эшик қия очилиб, Надя куринди.

— Федя, келди айтганинг.

Федя урнидан туриб месҳмонхонага чиқди. Зелихон унга эргашди. Месҳмонхонада соchlари пахмайган, қадди келишган бир қиз турарди.

— Ёшинг исчада? — деб сўради Федя унга тикилиб.  
— Ўн стгида, — деди қиз, бу саволдан ажабланиб.  
— Зеля, бу товуқни топиб келган матахини қара.

Менниг куним энди қари кампирларга қолибди-да, а?  
Жуна, кўзимга куринма!

Қиз лабини чимириб, шарт бурилган чоқда, Зелихон уни тұхтатди.

— Надуля, бу менниг насиб қилган экан. Бизга ухшаган чолларга қари кампирлар ҳам бўлаверади.

Федя Зелихоннинг олдида олифтагарчилик қилмоқчи эди. Оғзидаги нонни олдириб қўйиб пушаймон седи-ю, аммо сир бой бермади.

## ХХ БОБ

### 1

— Ҳосилбойвачча деганлари мен бўламан. Бир томони қайнотангиз билан ака-укалигимиз бор. Бир томони йигитнинг сўзи қайтгунча шайтоннинг бўйни узилсин, дейишадими?

Шу гапдан кейин Элчин уйланиб қолди. У Ҳосилбойвағчага деганларини эшитган, құчқорларнинг бири шу эканини ҳам биларди. Аммо үзини курмаган эди. Озгин юзидағи катта юмалоқ күzlари болакай чизган суратни эслатувчи, қалдирғоч мүйловли, қирра бурунли бу йигит үзига эринмай зеб берган эди. Кийимларининг тахи бузилмаган, бирон срда гижимнинг асортати йүқ, худди у ҳсч срда үтиրмайдигандай, суюнмайдигандай эди. Иккала құлиниң бармоқларида биттадан тилла узук. Бу одамдан тарағастган атир ҳидига димок өрилиб кстай дсйди. Элчинни ҳайрон қолдирған нарса бу эмас, бундай олифта юрувчилар күп. Элчин түйга айтиб келған бу йигитни зимдан кузатиб, унинг киприк қоқмаслигини илғади. Үқдай қадалиб турған нигоҳдан одам боласида кам учрайдиган совуқ үт чақнаб турарди. Бу нигоҳ «сенга яхшилик қиласман» дсб алдай олмасди. У түгрисини айтарди: мендан фаяқат әмбонлик кут!

Элчин Ҳосилбойвағчаниң таклифини эшитгач, кесеча Асадбекнинг қидириб келгани сабабини англади. «Демак, Асадбек бу таклифдан огох. Демак, бу одамга хизмат қилишимни истамайди. Нима учун? Файерлиги келганды? Обрүйига путур стишини билганды? Кимсан, Асадбекнинг күеви Ҳосилбойвағчаниң хизматида булса?!»

— Мен ноз қилағастганим йүқ, ака, — деди Элчин, узидан икки-уч әш кичик булған Ҳосилбойвағчага. — Ақахонингиз сизга қадрдон бұлсалар, түйларига зүрроқ ашулачиларни олиб борганингиз яхшими, дсйман-да. Мен анча четга чиқиб қолғанман. Бирор эслайди, бирор эсламайди. Гулом кслибди ә Шерали кслибди, деган гап қаेқда-ю, алмисоқдан қолған Элчин кслибди, деган гап қаеқда?

— Бунчалик паст кстманг. Арзимасанғиз үзим келмас эдим.

Элчин бу гапдан «Мен унча-бунча одамни таклиф этмайман», деган маънони үқди. У Асадбекнинг мақсадини англағандай эди. Аммо шунча үйласа ҳам Ҳосилбойвағчаниң асл нияти нима эканини билолмади. Ҳар бир катта-кичик тұданинг, ҳатто гап сидиган кичик улфатнинг үз қүшиқчиси булади. Элчин Асадбек тұдасига тегишли, ҳатто улар уни үз мулкідай куришар эди. Ҳосилбойвағчаларнинг ҳам үз мулки — қүшиқчи-си бор. Түйга Ҳасанали келармиш, дсйилса, одамлар унинг йұлиға ҳафталақ күз тикишади. Ана шундай

машхур ашулачи турганида Элчин нимага керак булиб қолди? Элчин таклиф замирида қандайдир қитмирлик ётганини фаҳмлади-ю, қисқа фурсатда ўша «қандайдир» нима эканини англай олмади.

— Катта боинингизни кичик қилиб келибсиз, биз нима дсрдик. Касбимиз яхшиларга хизмат қилиш.

Ҳосилбойвачча юзини жилмайиш эпкини силаб утли. Бу қувониш эмас, голиб одамнинг мағрур жилмайиши эди.

## 2

Элчин туйга борибди??!

Асадбек бу хабарни эшитиб, тутоқиб кетди. У «Элчин сал бўлса-да, эсини йигиб олди», деб янгишганини билди. «Кузи кўр, ақли паст экан, — деб уйлади Асадбек, — бу таги пастга олов билан ўйнашишни ким қўйибди?»

— Тўйда аҳвол қанақа экан? — деб сўради Асадбек, узини бироз босиб олгач.

— Улоқ Ҳасаналидамиш. Элчинга пул қистиришмабди, — деди Чувринди.

— Ҳа, тулки! — Асадбек ўриидан туриб, эшик томон юрди. — Кетдик.

— Сиз бормаганингиз маъқул, — деди Чувринди, жойидан жилмай. — Мен йигитларни юбордим. Узлари тинчтишишади.

Асадбек тўйхонага кундузи бориб муборакбод этиб, совга-саломини бериб келган эди. Унинг кечки зиёфатларга келмаслиги кўпчиликка маълум, шу учун ҳозир борса, мағлубиятини бўйнига олган булиб чиқади. Чувринди буни олдиндан ҳисоб-китоб қилиб қўйган эди. Асадбек унинг мақсадини дарров тушуниб, жойига қайтди.

— Сиз ташвишланманг. Бир жиҳатдан шундай бўлгани ҳам дуруст. Бурнига сув кирса, кейин қадрингизга стади, — деди Чувринди.

Асадбек хабарни эшитиб, тиграб утирган пайтда Элчин тўйда ёниб қушиқ айтарди. У даврага биринчи чиқишида ёқ бу срга шарманда булиш учун келганини англали. Ундан олдин Ҳасанали чиққанида уни қийқириб қарши олишди. Ҳасанали уртага чиқиб, худди цирк артистидай бир қўлинни юқори кутариб таъзим қилди. Олқишлиар тингач, унга торни икки қўллаб узатишиди. У арзимаган бир одамнинг мактубини олаётган

подшодай қаддини ғоз тутиб, торга құл узатди. Шу онда Ҳосилбойвачча үнга яқынлашиб, устидан пул сочди. Ҳасанали ашула айтиб әмас, пул сочишдан, қистиришдан чарчади. Навбат Элчинга стганида түйхонада олқышлар янграмади. Пуллар сочилемади. Ташқаридан қараган одам барча пул аввалги ашулачига сарф этилиб тугабди-да, дейиши мумкин әди.

Элчинга бу усул маълум. Ашулачини хор қилининг энг маданий йули шу. Бундан бир вақтлар Асалбек ҳам фойдаланган. Элчинни бошлаб бориб, унинг обруйини ошириш, түй эгаси чақирган ҳофизни срқилиш учун шу усулни құллар әди. Ҳосилбойвачча акс йўл тутди: узи айтиб келган қушиқчини узи хор қилди. У атайин даврага чиқмади. Худди Элчиннинг ашуласини эшитмаганидай улфатлари билан чақчақлашиб ўтираверди. Элчиннинг раққосаси — тўйларда юравериб кузи пишган жонон жувон — Ҳосилбойвачча ўтирган срга бориб минг муқом қилди, минг ишва билан сузилди, фойдаси бўлмади.

...Ана шу пайтда Асадбекка хабар кетган әди...

Элчин иззати битганини билиб, тўйдан чиқиб кетмоқчи ҳам әди. Бироқ, үзини тутди. Шармандалик юкини ортмоқлаб чиқиб кетгандан кура охиригача чидашга қарор қилди. Ҳозир чиқиб кетса — уларга шу керак — ғолиблик жомини сипқоришади, кетмай ўтираверса, чиқиб ашуласини айтаверса, улар ажабланишади, балки хавотирга ҳам тушиб қолишар.

Элчин тўйхонада үзининг калака қилинаётганидан бир эзилса, икки туда орасида қўғирчоқ булаётганини англаб, минг эзилди. «Бунга аввалроқ ақлим стиши керак әди», деб үзини узи айблашдан ўзга чора топмади. У даврага иккинчи марта чиққач, атайин мунгли ашулани айта бошлади. Ширақайф йигитлар келиб, «шухроғидан бўлсин», деб қулогига шивирлаб кетишса ҳам парво қилмади. Тўйда яйраб, уйнайман, деб келган қизлар, йигитлар бетоқат булишди. Ҳосилбойваччанинг даврасидагилар ҳам у томонга бир-икки қараб қўйишли. Ҳозиргина қизиётган тўй совий бошлади. Тўй тўйга әмас, маърузачининг гаплари Ծқмай гўнғир-гўнғир бошланган мажлисга үхшаб кетди. Ҳосилбойвачча үрнидан туриб, Элчин томон бир қадам қўйгач, тұхтади. Элчин унинг тұхтаб қолиши сабабини рўпарасида Жамшид пайдо бўлгач, англади. Жамшид ашуладан маст бўлган одамдай жилмайиб қўйди-да, чўнтағидан бир даста пул чиқариб Элчиннинг устидан

сочди. Жамшилдан сүнг яна икки нотаниш йигит сочди. Ана шунда Ҳосилбойвачча чұнтағига құл тиқиб урнидан турди. Ана шунда Элчин ашулани ниҳоясига стказмай узди-ла, жойига қайтди.

Уни түй охиригача даврага чорламадилар. У эса узини әркии туттан булиб, сб-ичиб утираверди. Шерикларининг савол назарларига «хотиржам булинглар», дс-ган маънода им қоқиб құяверди.

Түй тугаб, келин-куёв кузатилғац, Ҳосилбойвачча Элчин утирган устолга яқинлашы.

— Қалай, ҳофиз, уринтириб қўймадикми? — деди у, Элчиннинг слкасига құл ташлаб.

— Маза қилдик, ака, — деди Элчин унинг кузига тик қараб.

— Акахонни хурсаңд қилдингиз, раҳмат, — у шундай деб чұнтағидан икки тахлам юз сўмлик чиқариб, устол устига ташлади. — Етадими?

Элчин заҳарли жилмайиш билан пулларга қаради. Бир тахламни олиб, ёнида утирган доирачига узатди-да, «Ўзинг булиб бср», деди. Сунг иккинчи тахламни Ҳосилбойваччага узатди:

— Акахон, мен холис хизматга келганды.

Ҳосилбойвачча қошларини бир чимирди-ю, аммо сир бой бермади. Сунг пулни олиб раққоса олдига ташлади.

— Ўйинингга беш кетдим.

У шундай деб бурилиб, изига қайтди.

### 3

Кучада Жамшид кутиб турған эди. Элчин уни кўрмагандаи утиб кетмоқчи булди. Аммо ссрекликда унча-бунича одамга дарс бера оладиган Жамшид унинг йўлини тўсди.

— Сиз бу ёққа чиқинг, — деди, қатъий оҳангда.

«Демак, Асадбек олиб келишни буюрган», деб ўйлади Элчин. У бир тұхтамга келиб улгурмай, Жамшид орқароқдаги доирачига буюрди:

— Торни мана бу мошинга қўйинг. Ҳофиз акангиз биз билан бирга кетадилар.

Элчин Жамшид билан гиди-би迪 айтишни үзига эп кўрмай, машинага утирди. «Асадбекнинг кўзи учуб турған булса, унга айтадиган икки оғиз ширин сўзим бор», деб қўйди.

Жамшид одатига содиқ қолган равишда жим боради. Орқа уриндиқда утирган Элчин унга тикилиб, уйларди: «Асадбек бу лайчасини атай юбордими? Энди мснга нималар деб сасир экан? «Хосилбойвачча Асадбекнинг күсвани бир пул қилди», дисан андишага чидай олмас ҳар ҳолда...»

Элчин қамоқдан чиқиб кслгач, узини ақлан тұлышған ҳис қиласади. «Атрофимда содир буластган ҳар бир воқсага, айтиластган ҳар бир гап-сузга ақлым стади, кимга нима дейишиңи яхши биламан», деб уйларди. Зоҳиран шундай. Ҳар бир инсон йил утгани сайин узини ақлли ҳис қилиб боради. Ҳудди шу ҳис уни күпга кулги қиласы өзинки ҳаст сүқмоғида қалиб йиқитади, йиқитганда ҳам бир умр мажруҳ қилиб қуяди. Тұгри, Элчин күпни күрди. Найранг нима, мунофиқлик нима, ваҳшийлик нима — ҳаммасига тирик ғувоҳ. Аммо, бу найранг, бу мунофиқлик, бу ваҳшийлик, одам боласига ёт жамики иллатлар ранги кундан-кунга турланиб туришини ҳисобга олишни үрганмади. Буни үрганиши ҳам қийин. Бугун сарық рангда тусланган ваҳшийлик эртага қайси рангда жило бсралди? Қорами? Яшилми?.. У Шилемшиқни үлдирмоқ истагида юрганида қайси рангда эди. Бу жингалак со'или йигитта пичоқ санчаётганида қайси рангни афзал билади? Буни унинг узи ҳам билмайди. У узи ссзмаган ҳолда икки гуруҳ үзаро тепиб үйнайдиган копток ҳолига тушди. Зимдан тайёрланастган олишув саҳнасида бир зарра булиб қолганини у ҳали тушуниб етмасди.

Жамшид шоҳқұчадан тұгрига юрмай, чапға бурилғач, Элчин ажабланди. «Демак, бутун Асадбек мсни куришни истамайди. Демак, бу тун үйланади, рсжа тузади. Асадбек қулида қуғирчоққа айланганингиз муборак бұлсін, Элгинбой. Қасоскор эркак сизми әдигиз?» Элчин дарвозаси ёнида тұхтаган машинадан тушиб, торини құлтиқлаган ҳолда қолди. Жамшид хайр ҳам демай, жұнаб кетди. Элчин чұнтагидан қалит чиқарди-ю, құлға солишга қули бормади. Нима үзүндир үйига киргиси келмади. Кимгадир дардини айтишни истади. Унинг дардини ярим кечада ким эшитади? Зелихон бұлганида эшитарди. Лекин у Фаргонадан қайтгач, «зарур ишни» баҳона қилиб, Масковга жұнаб қолған. Элчиннинг дардини Анвар ҳам эшитиши мумкин. Лекин үйготиб, хотини бағридан чиқиб унга қулоқ тутиш малол келса-чи? Элчин шу фикрларни хаёлидан үтказиб, узини ночор, өлғиз сезди. Атрофда «азизим,

биродарим, дүстим...» дейдиган одамлар күп. Аммо лардини эшитадиган инсон йүк булса ҳам қийин экан. «Одамлар қамоқдан құрқишиади, — деб уйлади Элчин. — Ахир шу өргөн жағоннинг үзи турма-ку? Енма-сын яшайсан, лекин бир-бириңгә ишонмайсан. Бу Ер дес-ганлари гуноңкор бандаларнинг сургун муддатини үтөвчи жойи әмасми? Қамоқхонада ҳар бир барак үзига хос бир мамлакат. Ҳар бир баракнинг үз қонуни, үз урфи, үз подиоси бор. Ер юзидағи ҳар бир мамлакат қамоқхоналардан нимаси билан фарқ қиласы? Диндорларнинг гаплари балки түгридир? Одам боласи чиндан ҳам синов учун бу дунёда яшар? Синовдан үтса — озолликка чиқади, жаннатга тушади. Үтмаса жағаннам азобида қолади...»

#### 4

Зайнаб эрини кутиб, ухламай утирган эди. Машина кеслиб тұхтаганини билди. Машина әшиги тез очилиб, тез спилди. Машина шитоб билан құзғолди. Зайнаб отарчилар шилта йүллардан юрадилар, деб күп эшитган эди. Эрининг түйга боражагини билганидан бери, шу йүлда юриб келади, десган фикр унга тинчлик бермағстан эди. Дарвоза әшиги ҳадсганда очилмай, эри киравермагач миясига үриашган гумон ҳақиқатга айланаверди. Назаридә эри үйнаши билан тушиб қолиб, дарвоза олдида құчоқлашиб турғандай туолаверди. Елкасига қалин рұмолини ташлаб, ташқарига чиқди. Девор олдига кеслиб, күча томонға қулоқ осди. У кутган ҳансирашлар, пичирлашлар, ҳириңглашлар эшитилмади. «Машина қүшиларни кеслендір» — Зайнаб шу фикрда изига қайтмоқчи эди, күча томонда Элчин снгил йұталды. Зайнаб сергак тортиб, яна қулоғини динг қилди. «Нимага кирмаяптылар?» деб ажабланди. Қанча үйламасин, саволига жавоб тополмади. Кута-кута, охири әшикни үзи очди.

Торини құчоқлаб гарыб ақволда турған эрини күриб, ҳайрати яна ошди. Элчин құққис әшик очилганида бир чүчиб тушди. Айвонда снеб турған чирок нури бу срға аранг стиб келарди. Шу сабабли Элчин хотини құзидаги ажабланишни сезмади. Зайнаб ҳам эрининг құзидаги ҳайронылк аломатини илғамади.

— Зайнаб? Тинчликми? — деди Элчин. Унинг тили гапга келмай, овози соқов одамниңдай ғулдираб чиқди. Зайнаб «маст экан», десган хаәлга бориб, паст овозда:

— Тинчлик, — деди, — киринг...

«Кутаётган экан!» Шу фикр Элчиннинг күнглини ёритиб, слкасидан босиб турган дардни қувгандай булди. Остона ҳатлаб утиб, эшикни ёпгач, бир қулини хотинининг белига юбориб, уни упмоқчи бўлди. Зайнаб юзини олиб қочди, унтирмади. Элчин буни нозли араз ўрнида қабул қилиб, кунгли янада равшанилаши. «Шунчалик кутдими, шунчалик аразладими, демак, яхши куряди» деган қарорга келди. Ичкари кириб планчини счгач, уни яна қучмоқчи бўлди. Зайнаб бир тулгениб унинг қучоғидан чиқди-да:

— Аввал ювининг, — деди.

Бу гапдан сунг Элчиннинг устидан совуқ сув қуйилгандаи бўлди.

— Сен ҳали... мсни шунақа саёқ... шалтоқ деб ўйлайсанми?!

Зайнаб эрининг кўзларига қараб бир олам ғам кўрди. Яна бир гап айтса, назарида эри йиглаб юборадигандай туолди. Гапи қупол чиққанини англаб, юмшатишга ҳаракат қилди:

— Фақат саёқ одам ювинадими? Бегона жойларда утирдингиз, бегона одамлар билан куришгансиз... Дарров эгриликка олманг-да... — Шундай деб эрининг юзини силаб қўйди. Элчин бу юмшоқ қулнинг тафтини сесмади. «Бугун ўзи тупроққа қориштирадиган кун экан», деб ҳаммомга қараб юрди.

## 5

Элчин ювинаётган маҳалда Анвар ширин уйқуда эди. Бирдан уйғонди. Уйғонганда ҳам ссрнак, тиник-қан ҳолда уйғонди. Бирпас жим ётди. Пешонаси қизий бошлагач, ўрнидан туриб меҳмонхонага чиқди. Деразадан тушиб турган нурни кўриб, шошиб эшикни ёпди.

— Сени биз уйғотдик, — деган ёқимли овоз келгач, нур устига оёқ қўймоқчи бўлди.

— Сени ҳозир олиб бормаймиз, — деди яна ёқимли овоз.

— Мен Зуннуний билан учрашмоқчиман, сўрайдиган гапларим бор.

— Ердаги ҳаёт билан видолашганингдан кейин учрашасан.

— Асқар Қосим билан-чи?

— У билан ҳам... Сен бизнинг борлигимизга ишондингми?

— Ҳа.

— Ердаги ҳаёт билан хайрлашишга тайғермисан?

— Йүк.

— Нима учун?

— Одам үзини үзи үлдириши осон эмас. Мен ҳаётдан түйганим йүк.

— Бугун бўлмаса ёртага тұясан. Холидий энди баттар авжига чиқади. Атрофдагилар сени талашади. Куз очиришмайди. Сен үзгаришларга ишониб хато қиляпсан. Одам эгнидаги либос үзгәрепти, юрак эмас. Шунга ақлинг стмайдими?

— Билиб турибман... лскин менга озгина муҳлат беринг.

— Вақтни чўзма. Билиб қўй: дўстингнинг дўсти хавф остида, йўлдан қайтмаса, ҳалок бўлади.

— Ким?

— Дўстингнинг дўсти...

Шу гапдан кейин нур ческиниб, хона қоронғилашди. Анвар ҳолсизланиб, устулга утирди. Нурнинг жумбоқли гапи уни ташвишга солди. Дўстимнинг дўсти ким экан, деб уйланди. «Дўстга ухшаб юрганлар кўп. Ҳаммасини огоҳлантириб чиқаманми? Ё энг яқин, энг чин дўстларними? Йўлдан қайтмаса ҳалок бўлади... Қанақа йўлдан? Бирори амал талашаётгандир, бирори мол-дунё қайғуси билан яшаётгандир, бирори бошқасининг чиройли хотинини йўлдан урмоққа киришгандин. Қайси бири ҳалок бўлади? Нур нима учун мени огоҳлантирди? Дўстимнинг дўсти ҳалок бўлишини истамади. Аммо мени шоширепти. Мен унга «ҳаётдан тўймадим», дедим. Шу гапдан аччиқланиб, дарров ғойиб бўлдими? Мен... ҳаётдан тўймадимми?..»

«Ҳаётдан тўйиш» деган гап тилдан осонгина учади. Шу иккитагина сўздан иборат тушунчанинг уқ илдизини топиш эса жуда мушкул. Ҳар ким ҳаётдан ҳар хил лаззат олади. Кимdir майшатдан, фоҳиshalар даврасида яйраб тун утказишдан, бошқа бирор эса ана шу ҳаром йўлга юрганидан лаззатланади. Кимdir тўплаган мол-дунёсига қараган сайин кузи қувнайди, бошқаси тешик тогорага қараб, қорин ва нафс бандаси булмагани учун Яратганга шукр қиласди.

Худди шунга ухшаш, ҳаётдан тўйиш ҳам турлича. Бирор мол-дунёсидан айрилса, ҳаётдан тўяди. Бирор ҳақсиз дунёдаги найранглардан тўяди. Анвар нимадан тўйсин? Холидийнинг ҳийлаларига чидай олмаганини ошкор этиб, бу дунёдан кетворсинми? Дунёни Холи-

дийларга ташлаб қочсинми? Асқар Қосим кетди. Нима узгарди? Ким инсофга кирди? Кимниң қузи очилди? Унинг исенини ким англаб стди?

Анварнинг хаёлига шу гаплар келиб, бсихтиёр урнидан турди. Дераза олдига бориб, осмонга қаради. Осмон тунд. Юлдузлар куринмайди. Булут ортига яширинган юлдузни хаёлан куз олдига келтириб, унга мурожаат этди:

— Мени олиб кетсаларинг яхши буларди. Зуннуний билан гаплашардим. Асқар Қосимдан сўрайдиган гапларим бор эди. Ўзимни уллиришим қочмайди. Орқамдан чирқираб қоладиган бир этак болаларим йўқ. Ҳастдан умидим ҳам йўқ. Аммо ҳозир бир адолатни тиклаш имкони тугилганида, қочиб қолиш номардликда. Ўлимдан қўрқаётганим йўқ. Ўлганимдан сунг Холидийларнинг хурсанд булишларини истамаяпман. Менга фурсат беринг. Озгина фурсат...

## XXI БОБ

### 1

Ёниб кетган машинадан топилган тунукача тэмир йўл бекати юкхонасининг белгиси экан. Тунукачага зарб этилган рақам буйича иккита катта жомадон сакланарди. Жомадонлар харидоргир кийим-кечаклар билан тула эди. Трамвай паттасидаги рақамларга қараб иш юритиш қийин бўлди. Ниҳоят, автомат юкхоналардан иккитасининг тилсими ечилди. Икковида бир хил қора сумка турар, иккови ҳам қумли халтачалар билан тула эди. Таркибида олтин бўлган қум қасрдан олингана кимга сотилиши керак? Майор Солиевни ҳам, Зоҳидни ҳам шу жумбоқ гаранг қилди.

— Бойлиги миллион сўмдан кам эмас, — деди Солиев узича чамалаб. — Булар сотганларидан қолганлари. Шунча пули бор одам таксини ўғирлаб юарканми?

— Таксопаркдагиларни қўрқитиб олган бўлса-чи?  
— Унда нима учун айтишмаяпти? Комиловнинг ҳаракатига ҳам тушуниб бўлмаяпти.

— Бойлик балки уники эмасдир? У бирор кишининг ёки гуруҳнинг дастёри бўлса-чи?

— Дасть бўлганида бойликнинг изига тушишарди. Уй бекаси келдими, гаплашдингми?

— Йўқ. Икки марта чақирилдим. Бугун Толиповни юбордим, олиб келади.

Зоҳид ҳам, майор ҳам қалаванинг учини топмок учун турли тахминларни уртага ташланшар эди. Ҳозир, бошлари қотиб турганида сиз бориб: «Қотил санъаткор, у учини олди», дессангиз, сира ишонмайди. Чунки миллион сўмлик бойликка эга одам оддий қасос қурбони булиши мумкинлиги кам учрайдиган ҳодиса.

Солисев Зоҳид билан хайрлашиб, урнидан турган чоқда телефон жиринглади. Ҳамлам Толипов Шилимшиқ яшаган уйнинг бекаси уч күч бурун, яъни тинтувнинг эртасига жомадонларини кутариб кетганини, йўлда учраган қўшиносига «Чет элга кетяпман», деганини маълум қилди. Бу хабарни эшитган майор Солисев жойига қайтиб ўтириди-да, «нима қиласмиш?» деган савол назари билан Зоҳидга тикилди. Зоҳид бундай булишини кутмаган, чунки Сангинанинг хатти-ҳаракати унда шубҳа уйғотмаган эди.

— Биздан қочадиган даражада кўп нарса биларканми? — деди Зоҳид паст овозда, худди ўзига ўзи гапиргандай.

— У қотилликдан балки бехабардир. Лескин бсихтиёр ҳолда қотиллар йулини курсатиб қўйиши ҳам мумкин бўлган. Комиловни бу уйга ким жойлаштирган? Шу одамни топиш керак.

— Ўринбосар-чи? — Зоҳид шундай деб телсфон гушагини кутариб, рақам терди. — Балки уни ҳам...

Бошлиқ Зоҳиднинг овозини таниб, қуюқ ҳол-аҳвол сўради. Кейин худди Зоҳиднинг мақсадини билгандай, қўшиб қўйди:

— Тожимулласвнинг сал тоблари йўқ шскилли. Кечча телефон қилиб, узрларини айтувдилар. Бугун ҳам кўринмадилар. Уйларидан сураб кўрайми?

— Ҳа. Иложи бўлса, бир келиб кетсинлар, — Зоҳид шундай деб гушакни жойига қўйди.

— Уйига бориш керак, — деди Солисев.

— Ҳозир, билайлик-чи? Ростдан тоби қочганми сайёр касалмикин?

— Касал бўлса майли-я, у ҳам «чет элга» жунаб қолмаганмикин?

Шу пайт телефон жиринглаб, уларнинг тусмолли сұхбатларини узли. Телсфон гушагидан Бошлиқнинг хавотирли овози эшитилди:

— Уйда йўқ, кечча «сафарга кетдим», деб чиқсан экан.

— Ҳозир стиб борамиз. — Зоҳид гӯшакни жойига қўйдию Солисевга савол назари билан қаради.

Саросимага тушган Бошлиқ хонасига сигмай, уларни кўчада бетоқат булиб кутарди. У салом-аликни ҳам унуги, янги хабар билан қаршилади:

— Кечак эрталаб ишга келганини фаррош курган экан. Унга ҳам сафарга кетяпман, дебди.

Ўринбосарнинг қабулхонасида ёши стмишларга бориб қолган озғин кампир утирган эди. Солисев унинг ёнидаги бўш стулга утирди. Зоҳид дсраза томонга ўтди.

— Тожимулласвни соат исчаларда кўрдингиз?

— Секкиз булмағон эди. Мин убирайт этиб юргон эдим. Кслиб, Ани, чиқиб туриңгиз, дедилар. Чиқиб турдим.

— Менга соат стти яримда қўнгироқ қилиб, тобим йўқ, десди...

Солисев Бошлиқнинг луқмасига эътибор бермай фаррош билан сұхбатини давом эттиради:

— Куриниши қандай эди?

— Нормалний эди.

— Бир нарсадан жаҳли чиққани сизилмадими ё шошиб турганмиди?

Кампир бироз ўйланди.

— Немножко нервничат этти. Минга «Салом, Ани», деди, и всё. А то, яхши сурашар эди. Здоровямни, сеъямни сурар эди.

— Ичкарида нима қилди? Масалан, тсмир жавонни очиб-спгани сизга эшитилмадими?

— Йўқ, ҳич нарса ишитмадим. Ну, чиғиб кетғонларидан сунгра қарасам, сейфда клучлари турибди. Мин удивлятся эттим. Клучни олиб, устолларига спряттат эттим.

— Қасрга, курсатинг.

Кампир туриб, ёзув устолига айланиб ўтиб, пастдаги тортмага қўл юбормоқчи бўлганида, майор уни тухтатди:

— Ани, бўлди, қўл урманг. Тожимулласв қайси шаҳарга кетаётганини айтмадими?

— Вродс Бухара деди.

Майор Солисев Зоҳидга савол назари билан қаради. Зоҳид унинг нима демоқчи бўлганини англаш, Бошлиқка имлаб қўйиб, қабулхонага чиқди-да:

— Телефонингиздан фойдалансам майлими? — деб суради.

Саросимаси босилмаган Бошлиқка бу илтимос улуғ бир лутғ булиб туолиб, хона эшигини очиб, бироз таъзим қилган ҳолда «марҳамат», деди. Зоҳид, эшик оҳис-

тагина ёпилгач, телсфон гүшагини кутарди. Аввал экспертиза хизматини чақирди. Ксийин Ҳамдам Толиповни топди-да, аэропортга бориб, Тожимуллаевнинг қай томонга учганини аниқлашни топширди. Уринбосарнинг хонасиға қайтганида Солисв фаррошни ҳамон саволга тугарди:

— Тожимуллаев қанақа машинада келди, күрмадингизми?

— Вродс таксида келди, — фаррош шундай деб, «адашмадимми?» дегандай бошлигига қараб қўйди.

— Хизмат машинасини қисқартирганмиз. Таксида келган булиши мумкин, — деди бошлиқ, аниқлик киритиб.

Солисв кампирни бошқа саволга тутмади. Унга ижозат ҳам бсрмади. Экспертлар стиб келишгач, кампир билан бошлиқнинг гувоҳлигига тесмир жавон очилди. Устолнииг тортмалари тинтиб кўрилди. Бирон-бир ашъвий далил топилмагач, Тожимуллаевнинг уйига йул олишди. Данғиллама қилиб солинган иморат ичи қашшоқ кўринишда эди. Паркет поллардаги, деворлардаги изларга қараб, узоқ вақт гилам тушалган, осилган эканини пайқаш қийин эмасди. Деворни энлаб турган хориж жавонининг токчалари ҳам гаригина кўринишида. Гарчи чанг-чунг артилган бўлса-да, бу токчаларда нималар турганини аниқлаш эксперт учун чут эмасди. Солисвни ҳозир бу нарсалар қизиктирмас эди. Шу сабабли уларни ишга солмади. Тожимуллаевнинг хотини аввалига үзини ғулликка солди. «Қайдам, билмайман, қаёққа кетастганларини менга айтмадилар», деди. Зоҳид Тожимуллаев хавфли уйинга аралашиб қолганини, ҳаётси хавф остида эканини айтгач, йифламсираб туриб:

— Бухородалар, — деди. — Бугун телефон қилдилар. Хавотир олма, дедилар.

— Қасрда туришлари маълумми?

— Ҳа, холаваччалариникида.

— Манзилини айтинг.

Зоҳид асл айтган манзилни тез-тез չизб олди-да, телефон турган хонага ўтди. Ярим соат ўтмай, телефон жиринглаб, Тожимуллаев топилгани маълум қилингач, улар идорага қайтишди.

— Тез топилганига ҳайрон бўляпман, — деди Зоҳид, йўлда бора туриб.

— Тожимуллаев соддамутамбирга үхшайди. У ишдан ишқал чиқишидан қўрқмаган. Уни чўчишишган булишлари мумкин.

- Ким, Комиловни үлдирғанларми?
- Балки.
- Унинг қотилликка аралашганига ишонгим келмайди.

— Бевосита аралашмагандир. Лескин у бизга Комилов яшаган уйни курсатиб бериб нодоилик қылди. Ҳар ҳолда у биздан қочмаган. Қидириб, топиб, қулга олишимизни үзи истаган. Биздан қочганда фаррошга «Бухорога кстяпман», десмас эди.

— Ўзининг соясидан ҳам чўчийдиган одамга ухшайди. Биринчи келишида ёк тўрваҳалтасини шайлаб олган экан.

— Шунаقا одамларни жиним сўймайди. Сичқонга ухшаб яшашининг нима қизиги бор. Сичқонни ҳеч кузатганмисан? Нонни бир чўқилайди, ўн марта атрофига қараб олади. Бир қоп буғдойни ташиб кстади индамасанг. Ҳолбуки унга бир чслаги ҳам стиб ортади. Лескин у ташийвсади, ташийвсади. Охири қопда бир дона буғдой қолганида қопқонга тушади. Энди тасаввур қилиб кўр: бир қопда миллион дон борми? Десмак, миллион марта қопқонга тушишдан қўрқиб яшаган. Тожимулласвинг ҳам шунаقا. Ўғри бўл, мард бул-да! Худо юракдан бермаган экан, тинчгина, озига шукр қилиб, маошингта яшайвермайсанми?

— Юрак-ку, йўқ, аммо кўз оч-да.

— Одамнинг кўзи тупроқ билан тўяди. Унгача «бср, бср», дсявсади. Маҳмадона файласуфларинг жиноят ҳақида гапирса, «сиёсий-ижтимоий илдизлар» деб мияни ачитади. Ҳеч қанақа илдиз йўқ. Ҳамма бало кўзда. Назар тўқ бўлса, ҳасад ҳам, иғво ҳам, таъқиб ҳам бўлмайди. Кеча маҳалламида бир чол гапириб қолди: кўз зиноси ҳам бўларкан.

— Бу нима дегани экан?

Солиев «ростдан билмайсанми?» деган маънода ажабланиб қараб қўйди.

— Зино — бузуқликми, ҳаром йул билан тушакка ётишми? Агар бир покиза аёлга шундай սмон фикр билан қараб қўйсанг, кўз зиноси бўларкан. Бунинг гуноҳи ҳаром тушакда ётганнинг гуноҳидан кам бўлмас экан.

Зоҳид бу гапни эшитиб, кулимсираб қўйди:

- Кучада кузимизни юмиб юрарканмиз-да энди?
- Тожимуллаев билан таксоларкдагиларнинг хизмати бир, — деди Солиев, унинг ҳазилига эътибор

бермай. — Улар кимгадир холис хизмат қилишган. Таксопаркдан машина сўрашган, улар йўқ, деса олишмаган. Тожимуллаев эса «ишлияпти», деб расмийлаштириб қўйган. Ҳозир бирор билан бирорнинг иши йўқ. Комилов қамоқдан чиқсан маҳалларда бу масалага қаттиқ туриларди. Уғрими, чайқовчими, бир идорага илиниб оларди. Энди Тожимулласвинг икки тиг орасида тинирчилааб қолди. Бир биқинига биз тираб турибмиз, иккинчисига улар. Комилов яшаган ўйни курсатгани учун улар Тожимулласвни сикувга олишган бўлса, у бечоранинг юраги чиқиб кеттган.

— Уларнинг ўрнида мен бўлганимда Тожимулласвга туҳмат қиласдим. Комиловнинг қон теккан кийимини ўйига ташлаб қуярдим.

— Бунақа ашуалар эскириб қолган. Ўқиб юрганингда бир гап айтганман, эсингдами? — Солисев эслаб кўрсии, деган мақсадда сукут сақлади.

— Сиз менга кўп гапларни айтгансиз.

Солисев мийигида кулди:

— Қайси бири эсингда?

— Дараҳт кучада ўстгани билан илдизи кўркам иморатларнинг тагига қараб кетган бўлади, девдингиз. Ўзингизнинг эсингиздами бу гап?

Солисев пича ўйланиб, бу савол қопқонидан ҳазил билан қутулмоқчи бўлди:

— Бунақа ақлли гапларни кўп айтганман. Мен ҳозир сендан бошқа нарсани сўрамоқчи эдим: сенлар олий маълумот оламан, деб беш йил китоб титасанлар. Китобларда ўтган гаплар ёзилади. Жиноятчи китобга тушган йулдан юрмайди сира. Бу йулда тез фош булишини билади. У биздан олдинроқда юради. Бизнинг ақлимиз ҳам, тсхникамиз ҳам уларнинг изидан боради. Уста шахматчи рақибининг ҳеч бўлмаса уч-турт юришини олдиндан билиб туради. Сенга ухшаганилар таомом бўлган ўйинни ўрганиб юраверасанлар.

— Уста шахматчилар илгариги ўйинларнинг юришларидан ҳам фойдаланишади. Одам эски ашулани ҳам баъзан соғиниб қолади.

— Ҳарҳолда бизнинг соҳада эски ашуладан қўрқиш керак. Ўтган ўйиндаги юришдан фойдаланиб, сира кутилмаган, мотга олиб борадиган зарбага учрайсан. Чунки сен рақибинингнинг усулини ёд олгансан. У буни билади. Сен «ҳа, ўзимиз билган юришда», деб хотиржам буласан. Шунда у бир зарб берадики, ўнгланиб ололмайсан.

Улар йүл-йүлакай узларича фалсафа сүқиб боришарди. Солисев бир жиҳатдан ҳақ эди. Ганим томон бес-олти йил китоб титмаган. Шунинг учун булса кепрак, эркин фикрлайди, эркин юриш қиласи, куттимаган зарба беради. Солисевларни қийнайдиган яна бир томони бор: ҳар қандай полвон курашга тушганда аввало ўз кучига ишонали. Аммо уни «ҳа баракалла», дегувчи рагбатчиси, ҳомийси ҳам булади. Солисевларнинг ҳомийлари, шубҳасиз, шинам хоналарда утиришади, уларни алқашади, ишшонлар, мукофотлар беришади, бироқ, зимдан рақиб томонга ҳам хизмат қилишади. Улардан қўрқишиадими ё улушларини олиб туришадими, ҳархолда Солисевларнинг нозик томонларини уларга билдириб қўйишиади. Солисевга бу яхши маълум. Шу боис бирон жиноят изига тушганида дараҳтиниг илдизи қайси иморат остида экан, деб уйлайди. Нечта марта илдизни топди, аммо қирқа олмади — йўл қўйишимади. «Сен дараҳт кесувчисан, илдиз кемирувчи эмассан», дейишади. Зоҳид бу уйинларни зоҳирان билади. Эшитган, лескин бу савдолар ҳали бошига тушмаган. У илдизга стиб боришига, болта уришига ишонали. Ноумид — шайтон, ёш кўнгил шу умид билан яшайверсин. Ешлик — асли умид деб аталган, афсуски, қумдан ясалган бир иморат. Уни шамол осонгина тузитади, ёмғир ювиб кстади...

## 2

Бухородаги қариндошлариникида конъяк ичиб утирган Тожимуллаев уч соат деганда ўзини катта шаҳарнинг жиноят қидиув бўлимида кўрди. Қариндошлариникига милисалар кириб келишганида «хайрият» деб қўйди. Айни чоқда, юрагига гулгула тушиб, гойибдан «энди тамом бўлдинг», деган овоз эшитгандай булди. Туғилган одам қачондир ўлишини билгандек, у бир кунмас-бир кун қамалиши аниқлигини биларди. У фақат бир нарсадан — нс азоблар билан, мисқоллаб туплаган бойлигининг бир кечада учиб костишидангина чучирди. Бойлигини балки бошқалар ҳаром дер. Аммо у учун ҳар бир тийин ҳалол, меҳнати билан топган. Ахир шу йиллар иши у исчта бошлиқ кўрди? Ҳаммасининг томоги теслик эди. Еб тўймасди. Чўнтағини қаппайтириб, яна юқори амалларга кутарилиб кетаверарди. У эса меҳрибон энагадай тиржайиб, жойида қолаверарди. Бошлиқ изидан келганига «бу

зур одам, эхтиёт қилинг», деб кетарди. Лескин бирон одам «менинг ўрнимга бошлиқ булиб қолсин», демасди. Номи «ўринбосар», бироқ, ўрнини боса олмади, эга була олмади.

Курортдаги айшини узиб, уйига қайтиши билан бойликларини яширишга киришди. У ҳали нима гап булганини билмас эди. Бошлиги билан гаплашишга ҳам улгурмади. Аммо күнгли сезди. Бир бало булмаса уни чақиртиришмас эди. Уйни-ку, амаллади. Назарида, орқасидан кимдир кузатиб турғандай булаверди. Охири журъат этди. Ўз күнглида тулкылук қилди. «Озгина ақча»ни шу шаҳарнинг ўзига, ишончли срга қўйди-ю, Бухорога учди. Агар гумон қилишса бойликни Бухордан қидираверишади. Уйида бирор дахл қиладиган нарса йўқ ҳисоб. Уй хотинининг номида, машина қайнонасининг... ҳаммасига ишонч қозози бор. Баъзан кал пешонаси силаб ўйлаб қолади, ўйлай-ўйлай, дунёниг ўзи омонат булганидан кейин топган мол-мулк боқий қолармиди, деган қарорга келиб, ўзига таскин беради. Мисқоллаб йигиб-тсрғанларининг бирорлар номига зикр этилиши унга ҳам алам қилади, ҳам қурқади. Айниқса машинадан. Қайнонаси анчадан бери ани кетди, мана кетди, булиб ётибди. Кампирнинг пешонасида биргина ўғил. Агар кампир омонатини топширса, ўғил, яъни унинг қайин иниси меросхур сифатида машинага эга чиқиши ҳеч гапмас. Тожимулласвунинг суллоҳ кўзларини ёқтирумайди. Ёқтирумаслигини хотинидан яширмайди. Шу туфайли эр-хотин кўп санманга боришган. Тожимулласв ҳаммасидан ҳам қайнонасининг овқат сийшига тоқат қилолмайди. «Уканг булдозерга ухшаб бирпасда лаганни текислаб ташлайди», деб мингиллайди. Ўзи бувисининг «кўп овқат есанг, ичагинг ёрилиб кетади», деган гапига ишониб, камовқат бўлган. Бувиси қизганганидан эмас, йўқчиликдан шу гапни туқиб чиқарган эди. Мул-кулчилик дамларига стиб келганида, шубҳасиз, «мен ҳазиллашган эдим», деб гапини қайтариб олармиди... Начора, бувиси кўп овқат ичакни ёриб юборажагига ишонтириб кетди. Тожимулласв эса беқиёс баҳил булиб қолди. Ўглини ўйлантиргач, келиннинг овқат сийшини куриб, юраги зил кетди. «Ўзи чигирткадек бўлса ҳам бало экан», деб қўйди. Аксига олиб, келин тансиқ меваларга боши қоронги бўлсами?! Тожимулласвнинг назарида бутун дунё қоронгу булиб кетди. Назарида келини кузи ёригунга қадар бор мол-мулкини сб битирадигандай эди.

Бувиси «күп овқат ичакни сради», деганиңа балки ҳаромдан топилған овқатни назарда тутгандыр? Тожимулласев иккى йигит үртасида самолётта чиқиб утиргач, бирдан шуни үйлади. Самолёттинг думалоқ дәразаси сидан жой олғач, йигитлардан бири унинг унг құлини уриндиқ сүяңчигига кишанлаб қўйди. Кинан зулғыннинг «ширқ» этиши жонини олғандай бўлди. Ҳаёли тузиб кетди. Ҳозиргина баён этилган гаплар ана шундан кейин хотирасидан ўтди.

Майор Солисев уни сичқонга ухшатди. Бу ҳам түғри. Аммо кейинги кунлардаги иши тулкиннинг қилиғини эслатарди. Тулки улжасини яшириб, устига қумалогини ташлаб қуяркан. Бошқа ҳайвоналар ҳид олиб келиб, қумалоқни қуриб қайтиб кетавераркан. Тожимулласев-ку, тулкидир, аммо бойлик қидирилгудай бўлса, излайдиганлар нодон ҳайвоңдай изларига қайтишмас? Тожимулласев бу изловчиларни ҷалгитиш учун ҳаёлидаги гапини пухта қилиб олган эди. У Зоҳид билан суҳбат қуришни мўлжаллаган эди. «Еш йигитни кунлириш осонрок», деб уйловди. Солисевга дуч келдию иш пачавалигини англади.

- Нимага қочдингиз?
- Менни үгирамоқчи булишди.
- Ким?
- Мафия бўлса керак.
- Қанақа мафия?
- Буни сизлар билсангиз керак?»

Назарида суҳбат шу тарзда бошланиши лозим эди. Бироқ, ўзини майор Солисев деб таниширган одам, индамай, унга қаттиқ тикилиб утираверди. «Гипнозчи ми, нима бало?» деб үйлади Тожимулласев. Сунг авраб ташламасин, деган ташвишда үйлаб қўйган гапларини айта бошлади:

— Бу укамиз ҳеч қаёққа кетманг, десвилар. Лескин мен қўрқдим. Қўрқитишди. Үлдириб кетамиз, дейишди.

Солисев индамади. «Ким, деб сураса үладими», деб үйлади Тожимулласев.

- Телефон қилишди. Уйимга хат ташлаб кетишди.

У шундай деб си чұнтагидан түрт буқланган қофоз чиқарди. Катак дафтарнинг бир варагига калла сүягигиннинг сурати чизилган эди.

Солисев қофозни олиб бир назар ташлади-да, Зоҳидга узатди:

- Экспертизага, — деди буйруқ оҳангида.

— Құлқопда чизған булиши мүмкін, — деди Тожимулласев.

У прокуратура төрғовчиси билан жиноят қидирув булимининг инспектори орасидаги фарқни билмас өли. Шу сабабли майорни шу илоранинг улуғларидан деб билиб, унга умид күзи билан қаради. Унинг бу күз қараши шу тобда пичоқ қайрастган қассобга қараб турған құзичноқни эслатарди. Құзичноқнинг бундай қарашни, мунгли маъраши қассобни йўлдан қайтаролмагани каби, жиноятчининг бундай мўлтираши Солисевни чалгита олмас эди. У Тожимулласевдан қаҳрли нигоҳини узмаган ҳолда яна бир оз жим ўгириди. Сунг, Тожимулласев узи кутмаган саволни эшитди:

— Комиловни ишга ким жойлаштирган?

Тожимулласев гангиб қолди. Чунки у «Сизни ким құрқитган булиши мүмкін» деган саволга жавоб тайёрлаб ўгириган эди.

— Билмадим... аниқроги... бу укамизга айтганман. Олдинги бошлиқ... аризага сархат ёзиг берганлар...

— Қамалиб чиққан болани ким ишга кириятти, деб қизиқмаганимисиз?

— Энди... биз кичкина одаммиз.

— Сиз айбингизни биласизми?

— Айбимми? Ишга расмийлаштириб қўйганимми?..

Вақтида бушатмадим...

— Йўқ, сиз Комиловни охирги марта кўрган одамсиз. Унинг ўлимида сизни ҳам айблашимиз мүмкін.

Құзичноқ срга йиқилиб, оසқлари боғланди. Бўғзига пичоқ тортилиши аниқ булиб қолди. Маъсум қараш фойда бермади. У энди типирчилаб, арқонга чап бермай, қутулиб, қочиш пайига тушди.

— Мен... мен... нима деяпсиз? Мен... йўқ эдим-ку?..

— Самолётда тўрт соатли йўл, — деди Солисев совук оҳангда.

— Келиб-кетиш ҳам шарт эмас. Бу ёқда шериклар бор-ку? — деди Зоҳид, гус унга эътиroz билдиргандай.

— Худо... Худо хайрингларни берсин. Ўгри денг, порахур денг, лекин бунақа десманг. Худодан қўрқаман.

— Худодан қўрқсан одам бироннинг ҳақини сайдими?

— Гуноҳкор бандамиз... адашамиз... тирикчилик...

— Шерикларингиз?

— Жон ака, мени қийнаманг, — Тожимулласев шундай деб йигламсиради. — Отсангиз отинг, лекин менга бунақа айб қўйманг.

— Комиловни ким ишга жойлаган?

- Билмайман.
- У тез-тез келиб турармиди?
- Йүқ. Үн йилча күринмади.
- Қасрда экан?
- Сураганимда, Сибирда әдим, десви.
- У срдан нима олиб келди?
- Мен битта телпак билан...
- Қум-чи?
- Қанақа қум?
- Тилла қум.
- Сибирда қум нима қиласы?
- Тұғрисини айтасизми?
- Елғон гапирсам, тил тортмай улай.
- Сизга қасам таъсир қилмайды. Тилла қумни нима қилдингиз, тұғрисини айтинг. Сейфингизнинг қалити фақат үзингизда турадими?
- Ҳа.
- Қани? — Солисев шундай деб құл узатди.
- Йүқотиб қүйибман.

Солисев устол тортмасидан қалит олиб күрсатди:

— Шуми?

— Ҳа.

— Сейфни очиб текширдик. Экспертиза тилла қум доналарини топди. Бунга нима дейсиз?

— Йүқ... билмайман... мен ундан битта телпак...

— Үрнингиздан туринг. Сизга рухсат. Үйнингизга боравсеринг. Керак бұлсангиз чақирамиз.

Жон талвасасидаги құзичоқ бұзига пичноқ тортилмай, оєқлари арқон ҳұкмидан озод этилгач, ажабланған ҳолда, бир неча нағас қимир этмай өтади. Сунг иргиб туриб, нари қочади. Тожимулласев құзичоқ эмас, дарров турмайды, қочмайды. Ұша құзичоқ нигоҳи билан қараб үтираверади.

— Сизга рухсат деялман, кетавсеринг.

— Үйгами?

— Хоҳласангиз, үйнингизга боринг, хоҳласангиз, ишингизга.

Тожимулласев бу гапга ишонқирамай үрнидан турди. Остонага етганида «тұхтанг, қайтинг», деган зардали буйруқ күтди. Даҳлизда юриб бораётганида ҳам, зиналарни бир-бир босиб учинчи қаватдан тушаётганида ҳам, ҳатто күчага чиққанида ҳам орқадан биров келиб слекасини ушлашини, «қайтинг», дейишини күтди. У үзича режалар тузганида бунақа савол-жавобни, муомалани, хотимани күтмаган эди. Милисалар ҳақидағи ки-

шоларда бунга ухшаш воқсанни сира күрмаган эди. Қамаб қўйишларига, суроқ пайтида ҳатто уриб-тепишларига ишончи комил эди, аммо бундай осон қутуламан, деб ўйламовди. Ишқилиб охири баҳайр бўлсин...

Тожимулласев чиқиб кетиши билан Зоҳид майорга ажабланиб қаради. Боятдан бери қаҳр ниқобида ўтирган Солисев кулимсиради.

— Орқасидан одам қўямиз. Агар чиндан ҳам кўркитишган бўлса, бугун-эрта уни йўқотишади. Назаримда, узининг баҳосини сал оширворган. Аниви расм ҳам ўзининг ижоди бўлиши керак. Сездингми, у кириб келганида хотиржам эди. Чунки биз у чизган чизиқдан бораствудик. Мен чизиқларини чалкаштириб юбордим. Буни бир-икки кун кузатиб уз ҳолига қўй. шуғулланавсерсии. Бизга Сангинна керак.

— Изини қуритишган бўлса-чи?

Солисев бармоқлари билан устолни чертиб қўйди.

— Бўлиши мумкин. Эртага Сангинанинг, индинга иккита номаълум кавказликнинг улигини топишимиз ҳам мумкин.

— У ҳолда бу аниқ бир тўданинг иши бўлиб чиқади.

— Менинг бошимни шу нарса қотиряпти. Бу битта туда ичидаги гапми ё тўдалар орасидаги фитнанинг бошланишими? Битта туда ичига бўлса бойликни топмай қўйишмасди.

— Бошқа гуноҳи учун жазолашган бўлишса-чи?

— Бунақа намойишкорона осиб қўйишларига ҳайронман.

— Унда тўдалар орасидаги фитнами?

— Фитнанинг бошланишига пича фурсат бор, назаримда. Тўдалар ҳозир биздан оз бўлса-да, чўчишади. Ҳали ҳамма кавакларга кириб улгуришгани йўқ. Биздан қўрқмай қўйишгач, бир-бирлари билан олишишни бошлашади. Ҳозирча, ораларида пинҳона адоват бор. Ошкора уруш яқин орада бошланмаса керак. Ҳозир бошланса, бизга осонроқ бўларди, пайини қирқардик. Эрта-индин қулимиз калталик қиласди. Киссавурларни эйласак ҳам катта гап бўлиб қолади.

— Ваҳимачи бўлиб боряпсиз, aka, — деди Зоҳид кулимсираб.

Майор бош чайқаб, бироз сукут қилди.

— Улмасак кўрамиз. Катта-кичик идора раҳбарларининг жилови шуларнинг қулига ўтади. Ана ушандада тамошаларини кўраверасан.

Зоҳид Шарипов шом қоронғисида уйига қайтди. Түққиз қаватли бостон уйнинг иккинчи йўлаги оғзида хотинини куриб, ажабланди.

— Фотима? Нима қилиб турибсан?

— Вой, қаёқларда юрасиз-а, — Фотима шундай деб эрини қучоқлади-да, йиғлаб юборди. У қалт-қалт тит-рарди. Зоҳиднинг юраги гашланиб, унинг слкасидан маҳкам ушлади:

— Нима бўлди? Абдувоҳид қани?

— Воҳиджон қўшниларникида, сизни кутавериб совқотиб кетдик.

— Нима бўлди?

— Уйга келсак... даҳлизда иккита киши ётибди. Юрагим чиқиб кетди.

Хотинининг «иккита киши ётибди», дейиши Зоҳидга дафъатан майорнинг «индинга иккита кавказликнинг ўлигини топишимиз мумкин» деган гапини ёдига солди.

— Қанақа киши? — десди у шошилиб, — кавказликларми?

— Қаёқдан билай, қул-осқлари боғлаб ташланган, башарасига қарабманми, юрагим ёрилиб, қочиб чиққанимни биламан.

Зоҳид хотинини чстга суриб юбормоқти эди, Фотима уни маҳкам ушлади:

— Йўқ, кирмайсиз, қўрқаман, — десди йиғидан тұхтамай.

Зоҳид унга «кўчада дийдираб туравсрамизми?» дсгандай қаради-да, йўлка сари қадам қўйди. Хотини уни орқага тортди.

— Сен Абдувоҳиднинг олдига кир. Мен телефон қиласман. — Зоҳид шундай деб биринчи қаватдаги қўшнисиникига кирди. Майор Солисев ҳали уйига кетмаган экан. Зоҳиднинг гапини эшлитиб, қисқагина буйруқ берди:

— Ичкари кирма. Иккита одам — уша кавказликлар булиши мумкин.

Солисев ит етаклаган милиса йигит, суратчи, экспертларни бошлаб келгунича орадан яrim соат вақт ўтди. Бу, вақт ичида Зоҳид хаёлан турли-туман боши берк кўчаларга кириб чиқди. «Агар улар Комиловни ўлдирган кавказликлар бўлса, менинига нима учун ташлашади. Уларни ўлдириб ташлашганми ётирикми?»

Майор Солисв Зоҳиддан уйнииг қалитини олди-ю, түкқизинчи қаватга чиққач, ён қўшниларни чақириб, ёшикни очди. Даҳлизда қўл-осқлари чандиб боғланган, оғзига слимли тасма ёпиширилган, ёши ўттизлардан ошган икки олам ётарди. Остонада турган Зоҳид уларни бир қарашда таниди: ҳамқишлоқлари. Янада аниқ айтилса, уша машъум кечада муштлашиб, акасини ўлдириб қўйган йигитлар. Зоҳид остона ҳатламоқчи эди, Солисв уни тўхтатди:

- Сен кирмай тур.
- Буларни танийман.

— Танисанг ҳам кирмай тур. — Солисв шундай деб ёнгашди-да, йигитларнинг бош томонидан бир варак қогоз олиб, ўқиди: «Эрқак бўлсанг — қасос ол!» Бу хат сенига аталған шскилли?

Зоҳид воқсага тушунгандай булиб, икки қадам тисланди. Милиса ичкари кириб, итига ис олдириди. Ит лифтга қадар келди, сўнг думини ликиллатиб тураверди. Бармоқ изларини олиш ҳам самара бермади. Солисв шундай булишини олдиндан билса ҳам расмиятчилик учун уларни бошлаб келган эди. У Зоҳиднинг уйида Комиловни улдирганиларнинг мурдаси ётибди, деб қаттиқ ишонган, шогирди бир балога гирифтор бўлмаслиги учун эҳтиёт чораларини кўриб қўйган эди.

Солисв бошлаб келган мутахассислар қайтиб, қўшнилар ҳам уйларига чиқиб кестишгач, Зоҳид ичкарига кирди. Меҳмонхонада ўтирган акасининг қотиллари уни кўриб бсихтиёр ўринларидан туришди. Ўша воқеадан кейин Зоҳид уларни кўча-кўйда учратиб қолса ҳам саломлашмас эди. Ҳа, унинг кунглида қасос умиди бор эди. Аммо қотилларни улдириш хаёлига ҳам келмасди. Ундаги қасос ўти ҳақиқат учун жон олиб, жон беришга ундарди.

— Зоҳид, биз тавба қилганмиз. Ота-онанг бизни кечиришган... — деди қадди тикроқ йигит.

— Сизларни ким олиб келди? — деб суради Зоҳид, унинг гапига эътибор бермай.

— Танимаймиз. Мен ишда эдим. Иккита йигит борди. Гап бор, деб кўчага олиб чиқишиди. Кейин қорнимга бир муштлаб, мошинага тикишиди. Эшмўминни уйидан чақириб чиқишибди.

- Куриниши қанақа?
- Биттаси жингалаксоч, биттаси маллароқ.
- Машиналари қанақа?
- Оқ «Жигули».

— Сизлар кетаверинглар.

— Шу пайтда қаёққа борамиз? Автобуслар ётиб қолган.

— Ҳоҳласангиз, меҳмонхонага боринг, ҳоҳласангиз, бозорга бориб ётинг, — леди Зоҳил қуруқ оҳангда. У автобус йўқлигидан эмас, кучага чиқишга қўрқиб баҳона қилаётганларни сезди. Бу йигитлар ярим қечада ҳам қишлоқларига бора олишлари мумкин эди. Йигитлар Зоҳиднинг гапи қатъий эканини фаҳмлаб, бир-бириларига қараб олдилар-да, бараварига уриниларидан турдилар.

— Мен гуноҳларингдан кечмаганман. Улгунимча ҳам кечмайман. Аммо сизлардан қасос олмайман. Номардлардан қасос олиб, паст кетмайман, хотиржам яшайверинг. Агар у дунё деганлари рост бўлса, акам билан учрашганда гапирасизлар гапларингизни.

Йигитлар бошларини ҳам қилиб чиқиб кетишиди.

— Нима учун ҳайдадинг уларни? — деди Солисев. — Балки сўрайдиган гапларим бордир?

— Нимани сўрайсиз? Билганларини айтишиди. Улар акамни улдиришган. Биттаси қамалди. Учтаси қутулиб кетди. Кимdir менга яхшилик қилмоқчи ёки «биз билан ўйнашма», деб огоҳлантирмоқчи. Агар эртага уларнинг ўлиги топилса, кўпчилик мендан гумонсирайди.

Солисев бармоқлари билан устол устини чертиб, индамай утирган ҳолда Зоҳиднинг сўзларини тинглар эди. Зоҳид воқсани тўғри талқин қилиб, тўғри хулоса чиқараётганди.

— Сиз бошқачароқ фикрдасиз шекилли? — деди Зоҳид, бироз қўполроқ оҳангда.

Солисев бу оҳангдан оғринган бўлса-да, сир бой бермади. Устол устини чертишни бас қилмай, индамай утираверди. Зоҳид шу тобда «бу одам нима учун бундай утирибди», деб фикрлашга қодир эмас, асаблари тушовини узиб, унга бўйсунмай қўйган эди. У тирсагини устолга тираб, бошини чангallади, сўнг устолни муштлади. Солисев шундан ксийингина тилга кирди:

— Ана энди ўзингга келдинг, — деди хотиржам оҳангда. — Шунаقا пайтларда ёрилиб туриш ҳам кесрак. Уч марта чуқур нафас ол. Бармоқларингга тикилиб тур. Ҳеч нимани ўйлама. Ўйлама. Ўйда ўзинг слизсан. Ҳеч ким йўқ... Ҳеч ким кслгани ҳам йўқ...

— Қўйсангиз-чи, Мақсуд ака, — деди Зоҳид ўрнидан туриб.

— Узингни бос. Бунақа пайтда муштни эмас, каллани ишлатиш керак. Хүш, энди ўйла: бунақа воқса аввал ҳам булганми? Йүқ. Аввал сен кичкина бир бўлимда инспектор эдинг. Энди прокуратурада терговчисан. Аввал майда балиқларни овлардинг. Энди катталарига қармок ташлаяпсан. Биринчи ишинг тузукроқ бошлашга ҳам ултурмадинг. Иккинчи ишинг кимгадир ёқмаяпти. Менга бундай қилиқ қилишмайди. Чунки фсълимини билишади. Мени бошқачароқ тарзда огоҳлантиришади ёки қурқитишади. Комиловнинг ишини чуқурлаштириш керакмас. Англадингми? Биз очиқ ишляпмиз, бошқа иложимиз ҳам йўқ. Улар кўринмас одамга айланишган. Биз улар билан пойгага чиққанмиз. Маррага биз аввал стиб борсак, ниқобни йиртамиз. Ҳақиқатни очамиз. Улар стиб олса, зирҳдан ниқоб ясад, йўлимини тусишиади. Ҳозир улар олдинроқда кетишияпти. Улар ҳамма нарсани билишади. Ҳатто сенинг оиласиди сиринггача уларга маълум. Нима дейсан?

— Нима дердим? — Зоҳид ўйлагани билан тайинли жавоб топа олмади. — Кўзимни чирт юмиб, маррага қараб югуравсраман...

## ХХII Б О Б

### I

Ҳосилбойвачча ўтирган срида қўл узатиб, Зелихон билан куришди. Зелихон унинг бу қилиғидан ранжисада, сир бой бермади, таклифни кутмаёт, юмшоқ курсига ўтирди.

— Лақабим Академик, эшитганмисиз? — деди Ҳосилбойваччага тикилиб. Ўзига бино қўйган йигит кўпни курган бу чеченнинг чақчайиб турган ўткир нигоҳига дош беролмади. Бармоғидаги узукни ўйнаб туриб:

— Ҳозир срни тессанг, дараҳтдан академик ёғилади, — деди.

— Мен ср теспа ёғиладиган хилиданмасман, биродар. Агар кимлигимни билмоқчи булсанг, Ҳонгирсайдан сўра.

Бу гапни эшитиб, Ҳосилбойвачча Зелихонга бир қараб олди. Бу олам одамларини зир титратиб турувчи лардан бири бўлмиш Ҳонгирсий учун Ҳосилбойвачча деганлари чивиндай гап. Ҳосилбойвачча буни билади. Шу сабабли қарашида бозовталик сезилди. Бироқ, ботиний хавотирни сиртига чиқармади.

— Менда нима ишингиз бор? Агар ёрдам суралмоқчи булсангиз, олдиндан айтиб қуяй: уғришар билан борди-келдимиз йўқ.

— Мен бирорлардан ёрдам сўрайдиган одам эмасман. Кези келганда мендан ёрдам сурашади, — Зелихон кибор йигитнинг попуги сал пасайганини фаҳмлаб, сенсирашга утган эди. — Одамларнинг Фарғонада юрган экан. Турклар билан пачакилашишибди.

— Пачакилашишса сизга нима? У срлар менинг ческимга тушиган. Келгиндилар иззатини билиши керак.

— Мен ҳам келгиндиман. Бир бурда ионингни тортиб олгани келган эмасман. Худо насиб этса, ҳаммамиз юртимизга кетамиз. Сен ионингни бошқа келгиндилардан эҳтиёт қил. Туркларга тегма.

— Хонгирсий бошқаларнинг ишига аралашмас эди. Сенга ҳам ургатмаган экан-да, а?

— Ука, омадингни берсин, қўл узатсанг осмондан юлдузларни териб оласан. Мен ҳам ризқимни териб сўйман. Турклар ҳам оч қолмас. Аммо қонининг иси келиб турибди, гуноҳга ботма. Одамларнингни чақириб ол. У срлар үзингга буюради, лекин ҳозирча тегмай тур. Кунглим ёмон нарсани сезмаса, олдингга келмас эдим.

— Турклар бизни үлдиришадими?

— Йўқ. Жанжални сенлар бошлайсанлар, қон тукишга бошқалар тайёр туришибди. Улар қопларнингни ичиб, ғойиб булишади. Балога сенлар қоласанлар.

— Ким улар?

— Вақти келганда билиб оласан.

— Шунақами?.. Мен чеченлар мард бўлади, деб эшитардим. Қуснораклари ҳам бўларкан-да, — деди Ҳосилбойвачча ижирганиб.

Зелихон кўзидан учқун чақнади.

— Чеченларга тил теккизма! Сен мен билан гаплашяпсан. Агар мен сенга қараб туриб, «узбеклар латтачайнар экан», диссан ёқаманими?

— Окахон, мен сизни одам деб гаплашишга рози бўлдим. Ҳамма нарсанинг чегараси бор. Хонгирсийга танишман, деб үзингиздан кетманг.

Зелихон Хонгирсий таниш эмас, шогирди эканини айтмоқчи эди-ю, ҳамма сирни ошкор этиш шарт эмас, деган қарорга келиб, тилини тийди. У Ҳосилбойваччага айтадиганини айтиб бўлган, энди туриб чиқиб кетиши ҳам мумкин эди. Зелихон шаҳардаги катталарнинг бири Ҳосилбойвачча эканини дастлаб эшитганида уни

далыл, чүрткесар йигитдир, деб үйловди. Бир исча дақиқа бурун бармоқларига тилла узуклар тақсан, узига зеб бергән кибор йигитни құргач, ҳафсаласи пир булди. У мәрд одамларни өқтиради. Рупарарадаги йигит шер әмас, тулки эканини фаҳмлаб, сұхбатнинг бошидағы Хонгирей номини тилга олиб янгишмаган эди.

Хосилбойваччага бир чечен одам гаплашмоқчи, дейиншганаңда дастлаб Хонгирейни әслади. Кейин чеченинг олдий үгрилардан эканини билгач, «додини бир әшитиб күрай-чи», деб күнган эди. Бу оддий үгри додини айтиш үрнига осмондан кслиб, ишларига бурнини тиқиб турибди. Бу одам Хонгирейга тегишли бұлмаса ҳам, чечен деган номи бор. Хонгирей бу одамни өқтирасмында мумкин, аммо чеченлар одамларини бирорындарга хор қылдириб қўйишмайди. Хосилбойвачча шунни билгани учун ҳам тишини тишига қўйди. Агар рұпа расидаги бу одам чечен әмас, узбекми, қозоқми бўлганида онасини Учқўргоннинг қайқисидан курсатиб қўярди. У Хонгирейдан қўрқишини билдиргиси келмади. Шу боис Зелихонни қай ҳолда қарши олган бўлса, шу ҳолда хайрлашди.

Зелихон чиқиб кетиши билан гумаштасини чақириб «бу тавиянинг кимлигини аниқлашни» топширди. Милисаҳонада жиноят кўчасига кириб чиққан ҳар бир одам ҳақида маълумотлар сақланади. Жиноятчилар оламининг ҳам узига хос маълумотномалари мавжуд. Улар баъзан милисалардан тезроқ маълумот тўплашлари, муайян хуносага келишлари, лозим бўлса ҳукм чиқариб, ижро этишлари ҳам мумкин.

Хосилбойвачча Зелихон тўгрисидаги ксракли маълумотларни қсчга яқин олди. Зелихоннинг қамоқда Элчии билан бирга бўлгани, озодликка чиққач, акаукалай юришлари унинг эътиборини тортиди.

«Уни Асадбек ишга солмаяптими? — деб үйлади у. — Фарғона томонларнинг менини эканига Асадбекнинг узи күнган-ку? Нимага шартни бузмоқчи? Яккаҳоким бўлмоқчими? Бу чечен орқали Хонгирейни қўлга олганми? Мен унинг пайини қирқаман, деб юрсам, у ишни пишишиб қўйибди-ку?»

Бир исча кун давомида утиrsa ҳам, турса ҳам чеченинг ташрифидан мақсад ис экан, деб үйлади. Зелихон гарчи мақсадини аниқ айтиб кетган бўлса ҳам, иштоқизнинг ҳадиги чўпдан деганларидаи, Хосилбойвачча унинг гапига ишонқирамай бошқа хаёлларга бораверди. Ниҳоят, бу ишда Асадбекнинг қули бор,

дсган фикрга маҳкам үпиши. Зел.  
тушган одамлари унинг Асалбек қароргомулум-да. Ерни маълум қилишгач, фикри тўғри эканига янада тиқроқ ишонди. Дарди фақат бойлигу шуҳрат булган бу йигит сисватчилар оламининг маккорона қилиқла-  
ри мавжудлигини, улар кўпроқ ақл кузлари юмук одамлар хизматидан фойдаланишларини билмас эди.  
Унинг фожиага стаклаши мумкин бўлган нодонлиги ҳам шу эди...

## 2

Анвар нур билан бўлган сўнгги суҳбат таъсирида гаранг булиб ўтирганида эшик очилиб, кадрлар булимининг бошлиғи куринди. Ёши ўгиброқ қолганини ҳалигача сезмай, пардоз-андозини канда қилмовчи бу жувон ҳар куни эрталабдан ходимларнинг жигига тегарди. Холидий даврида интизомни назорат қилиш шу хонимга топширилган, бу вазифа бошлиқ ўзгарганидан кейин ҳам фидойилик билан бажариларди. Ўн бен дақиқа кеч қолган ходим бу хонимнинг темир дафтарига тушар, «қайта қуриш ишига сезиларли улуси қўша олмастгани учун» мукофотлардан маҳрум этиларди. Анвар барвақт туриб, ишга баравақт келишга ўргангани учун бу рўйхатга тушиш баҳтидан бенасиб эди. Кадрлар булимининг бошлиғи унинг кеч қолишини жуда жуда истарди. Қани эди, Анвар ишга кесикса-ю, бу хушхабарни Холидийга стказса, ҳайфсан эълон қилиш ҳақидаги буйруққа имзо чектириб чиқса... Вақт-бесмашал хоналарни ҳам айланиб юрувчи хоним эшикни очганида «навбатдаги текширув шекилли», деб уйлашди. Хоним тўғри Анварга яқинлашди-да, сал энгашиб «Сиз мен билан юринг», деди. Бу сирли чақириув хонадаги-  
ларнинг диққатини тортди. «Энг кичкина илмий хо-  
дим» маънодор қилиб йуталиб қўйди. Анвар хонимга бир қараб олиб, қофоздаги сатрларни диққат билан ўқиётгандай мук тушди.

- Юринг, деяпман, — деди хоним чимирилиб.
- Тинчликми? — деди Анвар қофоздан бош кўтармай. — Ишга вақтида келганман. Худо хоҳласа, вақтида кетаман. Қайта қуришда жон-дилим билан иштирок этяпман...
- Юринг, — хоним бу сафар қатъиyroқ, буйруқ оҳангида гапирди. — Майнавозчилик қилмай, орқамдан юринг.

далыл, чүрткесар түриб бошини эгди-да, итоаткор қул қиқа бурун, ғашди. Хонада снгил күлги кутарылды. Каңбыр оулими бошлиги хонаси эшигини очиб, Анварга «киринг» деди. Анвар остана ҳатлагач, үзи ташқарыда қолиб, эшикни охиста өпди.

Анвар диванда утирган йигитни бир қараашда таниди. Миқтидан келган, сочлари ораста тараплан, нигоҳи олазарак бу йигитни идорада дәярли барча танийди. Аввалилари бундай одамлар пинқона иш юритишарди. Замон үзгариб, идораларга очиқчасига келдиган, очиқчасига «дилдан суҳбат қурадиган» булыб қолишиди. Анвар кириб келиши билан миқти йигит үрнидан туриб, жилмайған ҳолда, қадрдонлардек саломлашди. Унинг құллари қаттиқ, қогоз-қаламга үрганған Анварнинг бармоқлари унга дош беролмади.

Миқти йигит мақсадға дарров күчмай, гапни узокдан бошлади. Аввал Анварнинг саломатлигини суритиди. Онасининг соглиғи ҳам назаридан честда қолмади. Акасининг чест элга бориш-бормаслиги билан қизиқди. «Чест элларга бориб дарс үтадиган зүр олимларимиз бор экан, фахрланишимиз керак», деб таъкидлашни унұтмади. Анвар унинг гапини маъқуллаб, акаси билан фахрланишга вайда берди. У жиловни бүш қүйиб, миқти йигитнинг мақсадға күчиш оини сабр билан күтди.

— Үзингизнинг диссертациянгиз ҳам бұлай деб қолдими?

— Мусулмончилик аста-секин, булыб қолар.  
— Мавзу қанақа эди?  
— «Колхозлаштиришда партия ясайкаларининг рули».

Миқти йигит ажабланиб Анварга тикилди. Анвар түпна-түгри гапни айтгандай, хотиржам, киприк қоқмай утираверди. Йигит кулимсираб, бosh чайқади.

— Ҳазилни ҳам әшворар экансиз. Назаримда бошқаароқ эди.

— Эсингизда йүқмиди? «Рус қыстылоси ва Туркистонда миллий озодлик ҳаракати»...

— Ҳа, ана энди эсладим.  
— Бу мавзудан воз кечиб, колхозлаштириш тарихи билан шугуланишни буюрган эдингиз, буни ҳам эсладингизми?  
— Буйруқ эмас, директорингизнінг таклифини айтудым. Сиз күнмай, түгри иш қылған экансиз. Ҳамма ҳам янглишади. Биз ҳам оз-оз әдашғанмиз.

- Шуни айтгани келдингизми?
- Ҳа, энди бир сұхбатингизни олай, дедим-да. Ердам керак бўлса, срдам берайлик.
- Ердамми?... — Анвар унга синовчан тикилди. — Ердам керак. Идорангизнинг архивидан фойдаланишига рухсатнома олиб бора оласизми?
- Миқти йигит қоғозчага телефон рақамларини ёзиб, узатди:
  - Эртага соат туртда телефон қилинг. Мен аниклаб қўяман. Бу қийин масала эмас.
  - Менга рухсатми?
  - Яна бир оғиз сўз: диссертациянгиз ҳақида гапирмадингиз, ёқлашга тайёрми?
  - Танишиб чиқмоқчимисиз?
  - Агар мумкин бўлса... Хизмат юзасидан эмас. Узим тарихга қизиқаман.
  - Тарихга қизиқсангиз мен сизга китоблар рўйхатини берай.
  - Диссертация-чи?
  - Тайёр эмас.
  - Шунча йилдан бери ишлайсиз-ку. Мен тайёр деб эши тувидим.
  - Кимдан?
  - Ҳа, энди кимлигини билишингиз шарт эмас. Тайёр қисмини ўқиб чиқишим мумкинми?
  - Йўқ. Чала ишни бирорга кўрсатмайман.
  - Диссертация... ўзингиздами?
- Шу саволдан кейинги Анвар Холидий билан бўлган сұхбатни эслаб, миқти йигитнинг мақсадини тушуниб етди. Унга қараб туриб кулди:
  - Уч-турт кунга аммамга бериб юборган эдим. Йўқотиб қўйибдилар.
  - Анвар ака, майнавозчиликсиз гаплашайлик.
  - Майнавозчилик қиластганим йўқ. Диссертация йўқолган.
  - Йўқолганми ё... чет элга сотилганми?
  - Чет элга? Бс, бир жиннининг ҳимоя қилинмаган диссертацияси кимга керак?
  - Шунга қизиқадиганлар ҳам бор. Демак, диссертация йўқми?
  - Ким сизга йўқ деди? Диссертация бор. Аммо чала. Ўзингиз замон ўзгарди, дедингиз. Демак, уни энди янги замон кўзи билан қараб чиқиши керак. Тарих фани фоҳишага ухшаб ўзгариб туради, биласиз-ку?

Яқинда жиннихонадан тузалиб чиқдим. Эди утириб ингтайман. Чет өлга сотворган деб, сизга нотүғри маңылумот беришибди. Бу хабарлари учун уларга ҳақ туламанг. Чет өлга бунақа гаплар беш-үн йил олдин керак эди. Ҳозир уларни бошқа нарасалар қизиқтиради. Жинни булсам ҳам бунига ақлим етади.

— Диссертациянгизни әртага олиб кела олмайсизми?

— Тилхат өзиб бера қолсам-чи? Диссертация үзимда турибди, чест өлга сотмайман, мтүқулми?

Анвардың суҳбатда Анвар «бу мавзу билан шуғулланмайман», деб өзиб берган эди. Ҳозир шунни эслатибничинг қилиди. Йигит буни түгри тушуниб, унга бир варақ қоғоз узатди. Анвар уйлаб утирмай тез-тез өзиб берди: «Берурман ушбу тилхатни шул ҳақдаким, сарик чақага арзимас «диссертация» деб аталмиш матоҳ ҳамон үзимдадир ва уни үзим бирлан турға олиб кетгумдир.

*Баіт: Дунғанинг ишиңга бармоқ керак тан:  
Ұстап соч қирқиңди, ошғаң ҳаддидан!*

Миқти йигит тилхатни үқиб, кулимсираб қўйди-да, Анварга рухсат берди.

Анвар бу суҳбатда руҳининг янчилганини сездирмай, узини эркин тутган бўлса-да, даҳзилга чиққанидан сўнг томогига бир пима тиқилиб, кўз олди қоронгилашди. Дераза олдига стгач, тұхтади. Үтган суҳбатда бу миқти йигит ҳамкорлик қилишни таклиф этган эди. Илорадаги майдада-чуйда гаплардан, айниқса тузумга, ҳукуматга қарши гаплардан огоҳ қилиб туриш эвазига катта өрдамлар ваъда қилиб эди. Унга жавобан Анвар «Мен сотқинга ухшайманми?» деган, миқти йигит эса, «Бу сотқининг эмас, чин ватанпарварнинг иши», деб таъкидлаган эди. «Бу даргоҳда нечта «ватанпарвар» бор? — деб уйлади Анвар. — Шаҳарда-чи? Ҳаммаеқни «ватанпарвар»га түлдириб юборишмадими? Битта одамининг орқасидан нечтаси пойлайди? Гап пойлаб, гап етказғандан кура үлгани яхши эмасми одамнинг?..»

Хонасига киргиси келмай, күчага чиқди. Қасрға боришини аниқ билмади. Яратганинг синовли бу дунғинда түгри яшаш ниҳоятда мушкул. Холидийга ухшаганларнинг эса ошиғи ҳамиша олчи. Замон үзгарадими, тузум үзгарадими, уларга фарқи йўқ. Анварга ухшаб түгри яшайман, дсанлар умр буйи улар билан олишиб утади. Анварга алам қиласиган сри шундаки, холи-

дийлар халқ куз олдида күкрак кериб, ваяз айтадилар, узларини энг фидойи, миллатпарвар қилиб курсатадилар. Очилмиш кузлари уйқуга зор ўлмини халқ уларнинг нутқларидағи сохта оҳангларни дарров пайқамайди. Уларни узоқ вақт олқишилайди. «Халқимни севаман, халқим учун қурашаман», деган гапларга барча мағфутун булади. Ҳар бир одам халқиниг фарзаңи. Фарзаңд бурчи ота-онани севмоқ, ота-она учун лозим булса жонини фидо қилмоқ эмасми?.. Қайси именли одам маҳалла гузарига чиқиб «мен онамни севаман!» деб бақиради?.. Бу одам бақираётган маҳалда онаси ўлим тұшагида, оғзимга ким бир томчи сув томизаркин, деб илҳақ өтган булади... Айвар бу ҳақда күп үйлаган. Ҳозир ҳам ҳаєлида шу фикрлар. «Халқим» деб юрганлар, «ватанпарварлар» уни яна сотишибди. Ҳам-касбини сотган одам әртага шу халқни, шу Ватанни сотмоғи мумкин эмасми? «Ҳаммаәқни сотқин босиб кетган, ҳатто бир вужуднинг үзида үнг құл чап құлни сотади...» Айвар шуларни үйлаб, тунов куни Собитхон қори айтган гапни эслади. Шайтон Одам Атога ҳасад қилиб Оллоҳнинг қаҳрини келтиргач, «шу банданғни менга топшир, мен уни тұрт томонидан үраб олай» деган экан. Оллоҳнинг «бандамни қандай үрамоқчи-сан?» деган саволига шайтон: «Мен уни олд томондан амалпарастлик пардаси билан үраб, кузини күр қила-ман. Үнг томонини нағыс балоси, чап томонини эса ваҳшат ва фаҳш пардаси билан үрайману үзим орқаси-га үтиб, аста-аста жаҳаннам сари итариб бораман», деб жавоб берган экан. Айварнинг назарида ҳар бир одам орқасида бир эмас, бир исча шайтон туриб олғандай. Кузлар боғланған, одамларнинг эса нағыс жиловлари счиб юборилған...

Айвар қайси күчалардан юргани, қайси трамвайға чиққанини дастлаб дуруст идрок этмади. Ҳаєллар туғони бироз босилиб, күчалардаги таниш манзараларни фарқлай бошлагач, жиннихонага бораётганини фаҳмлади. «Ўша ерда өтганим ҳам дуруст эди, — деб үйлади у. — Ҳар ҳолда улар бир-бирини сотмайди-ку, бир-бирини иғво қилмайди-ку, амал талашмайди-ку...» Мұлжалдаги бекітілген түшиб, тор күчага бурилганида ҳам ҳаєлида шу фикр эди. Назарида ҳозир у боради-ку, жиннихона уни құкоқ очиб кутиб олади. У Асадбек билан бош табиб орасида булып үтган қисқа сұхбатдан бсхабар, бу даргоҳ эшиги унинг учун тақа-тақ бсркилганини билмас эди.

Табибоши унинг «тоби қочганини» эшишиб, кулимсиради.

— Ҳозир баҳор ҳавоси. Ҳамманинг юраги сиқилади. Күпроқ очиқ ҳавода юринг, утиб кстади, — деди мулоийимлик билан. У Айварнинг барча гапларига ана шундай мулоийимлик билан жавоб қайтарди.

— Эртага Элчин билан бирга келаман. Жой тайёрлаб қўйинг, — деди Айвар.

— Ким билан келсангиз ҳам сизга жой йўқ. Сиз сопна-сог одамсиз. Узингизни ҳам, бизни ҳам қийнаманг.

— Кўнгул пора-пора, дил жароҳатга тұла... Мирзо Айвар, сенни жиннилар ҳам сафларига қабул қилмаслар. Аросатда чирийсан, энди вужудинг ваҳшат ичра тор-мор улажак! — Айвар саҳнада суйлаётган каби баландпарвоз оҳангда гапириб, ўрнидан турди.

Жиннихонадан чиқиб трамвай йўлига бориш учун қабристонни кессиб утган тор кўчадан юриш керак. Қабристон устидан юриб бораётганинни билган айрим ҳайдовчилар машиналарини сскинлатадилар, айримлар танга ташлаб үгадилар, айримлар эса тезликни камайтирмай, ёмғирдан месрос қолган кўлмакларни сачратиб утиб кстадилар.

Қабристоннинг пастак деворига қадалган энисиз йулакчадан бораётган Айвар беихтиёр индамаслар дунёсига кўз ташлади. Ёрг дунёда бирор бой, бирор камбағал яшагани билан, улим топганидан сунг тенглашади, дейишади. Дарҳақиқат, бойга ҳам, камбағалга ҳам уша ср, уша каған тегади. Униси ҳам, буниси ҳам тупроққа қорилади. Аммо алдамчи бу дунё худбинлигига банди одамлар қабрларнинг тспаларига мармар тошлар бостириб, қабрда ётган одамнинг ёруг дунёда пулдор булганидан огоҳ этиб турадилар. Айвар шу хаёлда тўхтаб, бирбирига мингашиб кетган қабрларга разм солди: қора мармар, оқ мармар... гишт саганалар... Ҳеч қандай тош ўрнатилмасдан суваб қўйилган қабрлар усти эса лолақизгалдоқларга бурканган. Баҳор узининг неъматларини фақат шу қабрлар устига сочган. Қаққайиб турган қимматбаҳо тошлар бу гўзалик орасида шумшайиб, кўзга хунук куринади. Айварнинг назарида қабрдаги руҳлар лолақизгалдоқларга айланиб, бу дунё кўркамлигидан шодланар, тош остидагилар эса эзилиб, зулматга банди эдилар...

«Тириклик билан улим ўртасида шу паст, юпқа девор бор, — деб ўйлади Айвар. — Деворнинг у томони осойишталик. Бу томони нотинчлик. Ҳасад утида қову-

рилиб, бир-биримизга хоинлик қилиб, охири у томонга утамиз. Риң, хиенат, ҳасад, мунофиқлик... хасталикта-рига тупроқ остида даво бормикин? Умри шу хасталик билан үтган, бу хасталигидан узи лаззат олиб яшаган-лар у дунёда нимадан роҳатланар эканлар?.. Мен ҳам бир кунмас-бир кун келаман. Жисмим тупроқ остида, руҳим бошқа томонларда булади. Кимдир деворининг нариги томонидан туриб, қабримга қарайди. «Бу срда ётган ким экан, тириклигига нима каромат курсатган, экан?» деб уйлайди. Қабрим, унинг устида очилған лолақизғалдоқлар соқов — унга жавоб беролмайди. Чайқалиб турган лолақизғалдоқлар ҳозир мени күриб туришибди. Менга нимадир дейишяпти. «Биз ҳам холидийлардан күйганимиз, қуй у дунёни, кел биз томон», дсияптими? Одамлар олтмиш-стмиш ёшга тұлдым, деб зиёфатлар берадилар. Бунга қувониш эмас, балки қайғуриш керакдир? Узоқ яшамай, деворининг у томонига тезроқ кестиш балки айни баҳтдир?..»

### 3

Анвар кучасига бурилиб, эшиги рұпарасида турған оқ «жигули»ни күриб ажабланди. «Мәхмон кеслибди шекилли», деб қадамини тезлатди. Машинаға яқинлашгач, ундан жингалаксочли йигит тушиб, салом берди. Анвар уни қасрдадир күрган эди. Дағъатан қачон, қасрда күрганини эслолмади.

— Бек акамнинг сизде ишлари бор экан, — деди йигит.

— Бек акангиз... ким?

— Асадбек ака.

Анвар энди эслади — бу йигитни Элчиннинг түйида күрган эди.

— Ҳозир боришим керакми?

— Ҳа.

— Тинчликми, узи?

— Борғанда биласиз...

Анвар машинаға үтирди.

Асадбек шаҳар марказидаги хос хонасида Чувринди билан маслаҳатлашиб үтиrar эди. Эшик очилиб, аввал Жамшид куринди. Сунг Анвар кириб келди.

— Келинг, мулло Анвар, — деди Асадбек урнидан туриб. — Бормисиз, бу оламда?

— Юрибмиз, Худо деб...

Асадбек уни такаллуф билан кутиб олди. Анвар «Элчин ҳақида бир гап деса керак», деб уйлади. Лекин Асадбек бу ҳақда сўз очмай, Анварни гангитиб қўядиган саволни берди:

— Жиннихонада яна нима қилиб юрибсиз?

Анвар «бескорчиликла шундай айланиб борувдим», демоқчи булди-ю, гапни чалғитишнинг фойдаси йўқлигини англаб, индамай слка қисиб қўя қолди.

— Кўйинг-с, мулла Анвар. Сизга ярашадиган иш эмас бу. Сиз бизга тарихимизни тўппа-тўғри гапириб беринг. Бирор гиди-биди деса бизга қўйиб беринг. Сиз мен ҳақимда ваҳимали гапларни кўп эшигансиз. Шу ваҳималарнинг бир фоизи ҳақиқат. Мен бирорнинг бурнини ножоя қонатган боламасман. Аксинча, менни бу ҳаётда поҳақдан-ноҳақ роса тепкилашган. Ноҳақ жабр ческиш нималигини яхши биламан. Менинг уз адолатим, уз ҳақиқатим бор. Бу адолатим сизни хўрла-моқчи бўлганларнинг танобини тортиб қўйишга рухсат беради. Керак бўлса, Холидий деганингиз келиб оғин-гизга бош уради.

— Йўқ, керакмас.

— Мен уни мажбур қилмайман. Бунга үзингиз эришасиз. Сиз ишингизни қотириб бажарганингиздан сўнг тан беришга мажбур бўлади. Тан бериши оёққа бош уриши билан баравар.

— Хотирингизни жам қилинг, Бек ака, улар икки дунёда бирорга тан беришмайди. Итнинг думига айланган сувилондан нима кутиш мумкин?

Анвар Асадбекнинг лақаби «ўқилон» эканини билмаган ҳолда сувилонни итнинг думига айлантириди. Сувилон билан ўқилюн қулоққа дсярли бир хил эшитилгани учун Асадбекнинг турқи бир ўзгарди. Бу ўзгариш узоқ давом этмай бир лаҳзада йўқолди — суҳбатдошлар сезмай ҳам қолдилар.

— Холидий деганингиз қамалиб чиққан экан, ҳақ-поҳақнинг фарқига бормайдими?

— Қамалиб чиққанини қасрдан билдингиз?

— Ўзи телевизорда кўп гапиради-ку? Қодирий ҳақида гапиришса ҳам чиқади, Усмон Носир дегани утган экан, у ҳақда ҳам гапирди. Кеча Ҳамид Сулаймон деган одамни ҳам устозим деди. Йигирма беш йил утирганими?

Анвар кулди.

— Утирган бўлса йигирма беш ҳафта утиргандир. Лекин у ёқда қанақа хизматлар қилган экан? Бек ака,

сиз Шорасул Зуннун дсган одамни эшитганмисиз? Лазиз Азиззода дсганни-чи? Тұхтасин Жалолов, дсган алломалар үн йиллаб утиришган. Биронтасидан «мен қамоқда утирдим, азоб ческдим», дсган гапни эшитганмисиз? Нима учун бу күп вайсайди? «Құрқан олдин мушт кутараар» дсган мақол бор-ку?

— Бу өгіни үйламабман, — деди Асадбек иягини қашиб.

— Акам тұгри топдилар, — деди Чувринди сұхбатга аралашиб. — Күп гапириши бежизмас. Урушдан кейин қанча одам қамалиб, қанчаси оқланиб чиқди. Биронтаси ғинг демайди. Битта өзувчи қамоқдан китоб өзіб чиққан эканми?

— Ҳа, — деди Анвар. — У киши ҳам индамай кетдилар...

Әшик қия очилиб, Жамшид күринди. Асадбекнинг савол назарига жавобан телсфонни имлаб күрсатиб, «Элчин ака, күсвингиз», деб гапни қисқа қилди.

— Ҳа, тингүлкеми? — деди Асадбек гүшакни қулоғыға тутиши билан. Элчин түйдан кейин узича бир келиш у өңде турсин, құнғироқ ҳам қилмаган, шу боис, Асадбек унинг бу кутилмаган йүқловидан бироз хавотирланған эди. Элчиннинг нималар дсганини хонадагилар эшитишмади.

— Ким? Академикми? — Асадбек шундай деб Чувриндига қаради. — Қанақа иш? Шунақа зарурми? Яхши, кслинглар, үртогингиз ҳам шу срдалар. Анвар. Ишим бор эди, чақыртирдим. — Шундай деб гүшакни норози бир қиёфада жойига қыйди.

— Хуллас, мұлла Анвар, сиз ишингизни қилаверинг.

— Хүп, кетавсрайми!

Асадбек унга қараб қулимсиради.

— Үхшатмасдан учратмас, дсганлари рост. Икки ошна роса топишиңсанызлар. Бироннинг гапи өңмаса, дарров жириллаб берасызлар, «Насиҳатта ҳам, өрдамға ҳам муҳтож әмасман», демоқчисиз-да, а? Акаси, бизни нима деб сұксаларингиз сұқаверинглар. Қулоқларимиз бунақа сұкишларни эшитавериб пишиб кетған. Аммо биз ҳам одаммиз. Дардимиз фақат пулу сиз үйлагандек одам үлдириш әмас. Бизда ҳам юрак бордир, дард бордир, борингки, виждон ҳам бордир. Темир таңқ әмасдирмиз ҳар қалай. Ҳеч бұлмаса «нимага чақыртирдингиз, юмушиңгиз бормиди?» деб сұрамайсизми? Мен өшларга насиҳат қилиб утирадиган бескорчи бобай әмасдирман?

— Мен унақа десмадим-ку?

— Тилга чиқарып айтмасанғиз ҳам, ранг-рүйингиз билдириб турибди. Мен сиз билан учрашиб, маслағат-лашмоқчи әдім... Тұгрироги, бир илтимосимни айтмоқчи әдім. Отамни қирқ түккізинчі йилнинг уттиси бириңчи дәкабрида олиб костишган. Нимагалигини ҳалыгача билмайман. Олтмиш бириңчи йилда суриштирғанимда бир парча қофоз беришди. Эллик учинчи йилда вафот эттан эканлар. Эллик бешінчі йилда оқлашған экан. Билганим шу. Архивларни титишиң ақтим стмайди. Күмилған срларини аниқламоқчи булдым, яқинлаштиришмади. Менга үшшаганларга рухсат беришмайди, шекишли. Сиз олим одамсиз, бир шугулланыб күрсанғиз...

— Мен ишдан қочмайман, аммо бизнинг ҳам архивга стиб боришимиз қийин.

Асадбек Чувриндиң қаради.

— Бу өгидан хотиржам булинг, — деди Чувринди. — Қанақа түсиққа дүчі келсанғиз, менга айтавсинг.

Хушбичим қызы нозли юриш билан кириб келди-да, чақалоқнинг муштидай кичкина, заржал юритилған писсаларга қақва қуйиб узатиб, шириң жилмайиш ҳадя эттағач, яна үша нозли юриш билан чиқиб кетди. Асадбек унинг юришиңа ҳам, жилмайшиңа ҳам эътибор бермади. Чувринди күз қирини ташлади-ю, үзини тийди. Кесакполвон бұлғанида жилмайшиңа жилмайиш билан жавоб беріб, қызнинг изларини күzlари билан упиб чиқарди.

Асадбек қақвадан хұплаб, отаси ҳақида билғанларини сұзлаб берди. Үша янги йил кечаси ва тонгидаги кечинмаларини айтмади. Аввало бу кечинмаларини бағын қила олувлы сұзамол әмасди, қолаверса, бу кечинмалар айтилғани билан бирорға, айниқса бу олим йигитта таъсир этадими өткізу — Худо билади. Отаси ҳақидағы ҳикояси Элчин билан Зелихон кириб келгүнича давом этди.

Зелихон: «Гапимни өлғиз үзингиз әшитишингиз кепрек», десең, Элчин билан Анварга қушилиб Чувринди ҳам хосхонадан чиқди. Бүтқа уларни үнг томондаги хонаға бошлади. Чувринди у өкіла кирмай, күчага чиқиб кетди.

— Огайнингнинг сендан яширадиган сири борми? — деди Анвар, әлғиз қолишгач.

— Мендан эмас, сендан яширади. Сен ҳар ҳолда синашта эмассан.

— Бу оламнинг одами эмассан, дессанг-чи?

— Шунақа десса ҳам булади. Буларнинг үзига яраша ташвиши бор. Уларнинг тилига биз тушунмаймиз.

— Ҳозир бирорнинг шүрини қандай қылыш қутиши келишиб олишадими?

Элчин ўртогига норози қисфала қараб олди. Анвар унинг кайфияти унча эмаслигини сезиб, бошқа гап құшмади. Шу онда нурнинг айтганларини әслади: «...дүстингнинг дүсти хавф остида...»

— Эл, огайнингнинг иши пачавароқ эмасми?

— Нимага ундаиде діяпсан?

— Тұғрисини айт, хатарлы гирдобга тушиб қолмаганими?

— Йүк.

— Унда нима учун бу срга бошлаб келдинг?

— У бир әмбонликнинг исини сезиб қолган. Шу әмбонликни қайтармоқчи.

— Демек, шу... — деди Анвар паст овозда, худли үзига үзи гапиргандай.

— Нима дединг?

— Огайнингнинг ҳасти хавф остида, уни йүлдан қайтар.

— Жиннимисан, нима діяпсан?

— Олдин жинни эдим. Тузалғансан, деб үзінг олиб чиқдинг-ку? — деди Анвар пичинг билан. Элчин бсихтиер ножуя сүз айтиб юборганини билиб, узр сұрагандай уни тиззасига уриб қўйди.

— Сен ҳам экстрасенс булиб қолдингми? — деди гапни ҳазилга буриб.

— Жиддий гапиряпман. Огайнинг ксрак бұлса, тұхтатиб қол.

Элчин бироз уйлагач, елка қисди.

— Уни тұхтатиб бұлмайди. Енига балки биз ҳам құшилишимиз керакдир?

— Мен ҳамми?

— Билмадим... Бир жойда катта уруш чиқадиганга үхшайди. У шунинг олдини олмоқчи. Қаерда, қанақа уруш, менга айтмади. Олдиндан миш-миш тарқалишини истамаяпти.

— У үгримиidi?

— Ҳа.

- Үғрилиқдан қайтдими?
- Йүқ. Улгунча ҳам қайтмайди.
- Қанақадир урушга аралашиб нима қилади?
- Билмайман.
- У чесен, а? Қадимда миллатлар, турли уруғлар булинниб олиб бир-бирини қирган эди. Ушанақа урушнинг ҳиди кслмаяптими? Ҳозир бунақа қиргинлар күнайиб қолди-ку? Иккита миллатдан иккита тентакин уруштириб қўйиб, ут чиқариш осон ишта айланди.

— Аинвар, ростдан ҳам билмайман. Менга очиқ айтмали. Жума куни Фарғонага тўйга бормоқчимиз, балки йўлда айтар?

- Балки унгача қайнотанг айтар?

Жамшид билан Бутқа кириб, уларнинг суҳбати узилди. Жингалаксочни кўрди дегунча Элчиннинг баданига титроқ кирадиган булиб қолган эди. Бутқа уларга пиво қўйиб бериб, чиқиб кетди. Жамшид бу уйда одам борлигига нарво қilmай, мақсади худди суҳбатни узишдан иборат бўлгандай, юмшоқ ўриндиққа чўкиб, индамай утираверди.

— Сен ушанда Учқудуққа борганингда қамоқнинг ичидағи қамоқда утирган эдим, — деди Элчин, худди суҳбатни узилган жойидан давом эттирастгандай. — Бир хунасароқ одам бор эди, ҳамма нарсага бурнини тиқаверарди. Бир куни шартта оғзига пайтавасини сипиб, кескирдагидан олдим. Мендан гумонсирашди-ю, аммо бўйнимга қўйиб беришолмади. Бир-икки одам ўлдирганингдан ксийин хумори тутиб тураркан. Қамоқда хумор ёзига имкон бор эди. Қутулиб кслганимдан бери хумор тутиб, қийналиб кетяпман.

Аинвар Элчиннинг мақсади бу йигитнинг жигига шунчаки тғиши, деб тушунди. Дустининг Жамшидга нисбатан нафрати кучли экани, юрагида уч туйгуси борлиги, шубҳасиз унга қоронғи эди. Шу сабабли Элчиннинг гапига ўзича тўн кийдирди:

— Энди ўлдирсанг, бир-икки қошиқ иссиқ қонидан ичиб юбор, шунда хуморинг қузимайдиган булади. Қадимда жаллодлар шундай қилишар экан. Қассоб қонсираса, шартта битта қўйми, хурозми сұяди. Жаллод қонсираса нима қилади? Подшолар ҳар куни одам сўйишга ҳукм чиқаришмаган-ку? Умуман, ошна, сенга ҳавасим келади. Мен ҳам бир-иккитасини ўлдиришим лозим-ку, аммо қўрқаман. Қўлим қалтираб кетса ке рак. Лекин икки марта хуроз сўйганман. Иккинчисида типиричилашидан қурқиб қўйиб юборибман, дегин...

— Одамнинг иши осон. Кекиридагига соласан, та-  
мом...

Икки ошнанинг гапларини эбнитиб, Жамшид эснаб  
қўйди.

5

Асадбек Зелихоннинг гапларини диққат билан  
эшитди.

— Бу ишга менинг нима алоқам бор? — деди шича  
мулоҳаза қилгач.

— Ҳосилбойваччани сиз йўлга солишинигиз мумкин.

— Менми? Ким айтди буни сизга?

— Шаҳарнинг зўри учта. Учинчиси Марқаниян. У  
аралашмайди. Икки урушқоқ подшонинг кучи қирқил-  
са унга яхши.

— Ҳосилга сўзим ўтмайди. У үзиникини маъқул-  
лайдиган бола. Унга Хонгирсй бир нарса десса балки...

— Хонгирсй ҳам аралашмайман, дсанти. Хонги-  
рсийни ҳукуматнинг одамлари огоҳлантириб қўйишган-  
га ўхшайди.

«Хонгирсийни огоҳлантиришган бўлса... демак... биз  
аралашгудай бўлсак, ҳукумат бизни ҳам омон қўймай-  
ди. Истаса, бир кечада яксон қилиб ташлайди, — деб  
уйлади Асадбек. — Бу чечси нимага типирчилааб қол-  
ди? Туртта узбек билан турк урушса унга нима? Сибир-  
даги қамоқхоналардан каллаксарлар қочиган бўлса, уз-  
бек билан туркнинг урушига нима алоқаси бор? Улар  
кимга хизмат қиласи?...»

Асадбек Зелихонга тикилди. Бу чақчайган, ўткир  
қарашли кўзларда мунофиқлик учқуни борми-йўқми,  
аниқламоқчи бўлди. Бир неча нафаслик нигоҳ буни  
аниқлаш учун кифоя этмади. Асадбек қаттиқ тикилса,  
унча-бунча кўзлар дош беролмасди. Зелихон эса «ўқ-  
илон» деб ном чиқарган бу одамдан заррача тап торт-  
май ўтиравсрарди. Аслини олганда, жиноятчилар ола-  
мининг ёзилмаган қонунига кура, улар бир-бирларига  
душман эдилар. Зелихон Асадбекдан ёмонлик курма-  
ган, унга даъвои ҳам йўқ, уни душман деб билмайди.  
Шунинг учун ҳам бу срга дадил келди. Элчин билан  
Асадбек орасидаги душманлик тўйдан кейин камайган  
дсан фикрда. Бироқ, Асадбекка Зелихоннинг ким эка-  
ни маълум, кейинги ойлар ичи кўрган ташвишлари шу  
одам туфайли эканини, қизини ўғирлаб зўрлашда ҳам,

Шилемшиқни үлдиришда ҳам Элчиннинг ёлғиз булмаганини әнди аниқ билади.

Элчин құнғироқ қылганидан сунг Айвар билан сұхбатини давом эттирган бұлса-да, хаслининг бир чести «уларнинг мақсади ис экан?» деган саволга жавоб тоғииш билан банд әди. Зелихон воқсаны бағыттауда ҳам, ҳозир ҳам шу саволга жавоб изларди. Зелихоннинг тұғри гапларига ишона қолмасди.

Асадбек шу пайтгача күнглини ранжиттан одамни кесчирмаган. Тиз чүкиб тавба қылғанлар ҳам унинг газабидан бенасиб қолишмаган. Йүк, у гуноқкорларни бир честдан үлимга ҳукм қиласвермас әди. Үлим — сұнгиги чора. Бу чорани камдан-кам қолларда құлларди. У жорий әтгап үзиге хос жазо усуллари мавжуд. Сулаймоновнинг тақдери, Шилемшиқнинг сургун қилиниши ана шу усулларданки, сиз бунга гувоҳсиз. Асадбек кейинги пайтда күнгли бүшлик қиляптыми є эҳтиёткор булиб қолғанми, ҳар исчук жазо усулларини юмшатди. Рұнарасида үтирган чесенни уч-турт йил аввал бұлғанида үйлаб үтирмай үлимга ҳукм қилиб юборарди. Ҳозир әса унинг маслағатларига қулоқ тутиб үтирибди. Унинг гуноҳини кесчириш мүмкінми? Гапларига ишениш көркем? Мақсади Ҳосилбойвачча билан уруштириб қўйиш бұлса-чи?..

— Мен уша томонларнинг тузини ичғанман, — деди Зелихон, орадаги сукутни бузиб. У бу еққа кеслаётганида єқ Асадбекни ишонтириш осон эмаслигини билған әди. Асадбекнинг уйға толганини куриб, фурсатдан фойдаланди — үтмишдан сұз очди. — Үгирликни ҳам уша еқла үрганғанман. Бир кун устам билан бойвачча одамнинг уйини урдик. Ҳамма нарсасини шилиб кестаётганимизда устамнинг күзлари бир халтага тушиб, мениң «қара-чи, нима экан», дедилар. Қоронгида нималигини билмай, ялаб курсам, туз экан. Устамга «туз экан», десам, «қайдан билдинг?» дедилар. «Ялаб курдим», дедим. «Ү, падарлаънат, касофат», дедилар да, тұйылаган мол-матоҳни уй ичига қайтардилар. «Бу хоналонда туз ичгандай булибмиз, молини үгирласак, гуноҳга ботамиз», дес, қуп-қуруқ чиқиб кетдилар.

Асадбек бу ҳикоя нима уғун айттылғанини аниқ тушунмай:

— Ҳа, шунақа мард одамлар бор әди, — дес қўйди. Зелихоннинг ҳикояси єдиге устозини солди. У одам ҳам ғоят мард әди. Улар эгасиз ҳовлида ошиқ тепишаради. Асадбек болаларга қүшилиб тамошага келарди. Қи-

морбозларнинг улар билан ишлари йўқ. Кейинчалик Асадбекни қанотига олган Садирбеккина болаларни ҳайдагани ҳайдаган эди. Садирбек бунинг сабабини анча кейин, Асадбек уйланастган маҳалда тушунтириди:

— Қиморбоздан Худо бузор, болам, — деган эди у. — Қулимдан миллион-миллион сўм пул ўтди. Аммо бирим сира икки бўлмади. Сени болам дсанман. Вакти келса, болам булиб, бир парча кафандга ураб кумиб қўйсанг бас. Эсингдами, болалигингида нуқул сенларни ҳайдардим. Ушанда мен қиморни ўрганишларингни истамасдим. Пешонангда бор экан, сен қушилиб қолдинг. Бизни Худо ўргани старли... Сенга айтадиган гапим битта: никоҳингнинг эртасига ёқ қиморни ташлайсан. Кунгил узолмасанг, қозилик қил. Тириклигинги үтиб туради. Аммо қимор ўйнама. Сен бир куни «нима учун уйланмайсиз?» десдинг. Саволингга энди жавоб берай: бир қизни суйиб уйланган эдим. Йигирма кунлик куёвман, улфатларим «супрақоқли»га келишди. Бирпасда бор нарсамни ютқаздим. Келиннинг десворга ёйилган латта-лутталари ҳам кетди. Йигирма кунлик келин «эримнинг ўртоқлари келибди», деб хизмат қилиб юрибди. Бир маҳал у самовор кутариб үтиб қолмайдими, кўзим унга тушиб қолмайдими, шайтон «хотинингни тик», деди, шартта тикиб юбордим. Ютқаздим. Мен ялиндим, хотиним дод деди, қаёқда, қийчувга парво қилмай, отга ўнгариб олиб кетди. Шу хотиннинг уволи тутади мени...

Йифламсираб айтилган бу гаплар Асадбекнинг юрагига михланиб қолди. Қиморни ташлади. Аммо устасини одам қаторида дағн қилиш унга насиб қилмади. Русия томонларга кетганича қайтиб келмади. Шериклари ҳам тайинли жавоб айтишмади...

Хозир Асадбек шуни эслади. Эслади-ю, аммо тилига чиқармади.

— Мен уша жойнинг тузини ичганман, — деди Зелихон, гапини такрорлаб. — Урушда бизни ҳайдаб келишган. Биз тиф кутариб келмадик. Бўш қўл, оч қорин билан келдик. Онам ҳам, бувам ҳам уша ёқда ётибдилар. Кафандикни ҳам ўзбеклар беришган. Мен кичкина бола эдим. Итдай хор қилиб ҳайдаб келишган. Туркларнинг бошига ҳам шу кун тушган. Хорлик нималигини биламан. Бувам ичган тузингни оқла, дсанлар. Угри булиб кетдим. Бувамнинг васиятларини бажармадим. Энди ҳам қараб турсам ярашмайди. Сиз гапларимга ишонмаяпсиз.

— Ҳа, — Асадбек шундай деб ўрнидан турди.

— Түгри қиласиз, — деди Зелихон, — дарров ишонсангиз, сизни нодон дердим.

— Мен ўйлаб кўраман. Сиздан бир илтимосим бор. Элчин кўпроқ сизга суюнади. Гапингизга қулоқ солади. Унга тайинланг, жим юрсии. Ҳаддидан ошмасин. У ашулачи, ашуласини айтиб юраверсин.

— Сиз ҳақсиз. Мен ҳам унга шундай дедим.

## XXXIII БОБ

### 1

— Тўйхонами узи, бу? — деди Зелихон, Аҳадбей билан қучоқлашиб кўришиб. — Нимага жимжит? Мана, узбекниң энг зўр ашулачисини олиб келдим. Тўйингни гуллатиб беради. Тўйингнинг довруғи бутун Фаргонага таралмаса, башарамга тупурасан.

Аҳадбей ошнасининг гапларидан кулимсираб, Элчин билан кўришди.

— Мана, сизлар келдингиз, тўй энди бошланади-да, — деб уларни ичкари бошлади.

Пастак дераза олдида утирган Исмоилбей уларни курган эди. Меҳмонлар остона ҳатлаб уйга кирмай туриб, уларга пешвоз чиқди.

— Омон келдингми, болам, кўзим тўрт бўлиб утирувдим.

— Самолёт вақтида учмай, хуноб қилди. Элчин, стмишга кирган күёв бола шу киши булади. Қани ота, қўлни узатинг, — Зелихон шундай деб Исмоилбейнинг бармоғига тилла узук тақди. Иккинчи узукни чолнинг кафтига қўйди. — Буниси холамга, ўзингиз тақиб қўйинг. Аҳадбей, ошна, сен билан мен баҳтли одаммиз. Ота-онасининг олтин тўйини куриш ҳаммага ҳам насиб қилмайди. — Зелихон сен чўнтағидан тахи бузилмаган бир даста пул чиқариб, Аҳадбейга узатди. — Ҳозир битта буқа топиб ағдарасан. Қозоннинг каттасини ос. Ошдан еганларнинг ҳаммаси шу ёшга стеин, олтин тўйларни кўрсинг. Микрофонларни урнат, ҳофиз тинмасдан ашула айтади. Элчин келганини билса уйингга одамлар сифмай кетади. Узбекларга узбекчасини, туркларга туркчасини айтади. Чеченчесини билмайди бу хумпар, билса уни ҳам айтади. Бу ҳофизга етадигани йўқ, оламда!

— Болам, ксл утири, — деди Исмоилбей, босик оҳангда. Шу оҳанг Зелихоннинг тантанавор кайфиятидағи ҳовурни учирди. Ота-боланинг кузларида шодиёна учқуни куринмаганидан ажабланиб, чол күрсатган томонга утиб утириди. Исмоилбей пицирлаб дуо үқиб, юзига фотиҳа тортиди.

— Нима гап, тинчликми узи? — деди Зелихон.

— Тинчлик, — деди Исмоилбей, кейин узича нимадир деб пицирлаб, кўзини юмди. Бир исча тундан бери у тушида денгизни куради. Тўлин ой денгиз адогига ёнбошлаб, мавжлар узра узун нурли пойандоз ёзди. У ширинтой ўглини слкасига утқазиб, шу пойандоз устида юриб боради. Бирдан ой юзини булут парчаси тусади. Пойандоз йуқолиб у сувга шунгийди. Қанча типирчила масин, сув қаърига тортавсрди. Бу манзарани бир марта кўрса, сув ёруғлик деган таъбирни эслаб қуя қоларди. Кестма-кест кураётгани учун ҳайрон... Кечаги воқеадан сўнг кўнглига хавотир оралади.

— Московдаги вакиллар кслишдими? — деб суради Зелихон. У ота-боланинг нохуш кайфиятига шу таъсир этдимикин, деб уйлади.

— Қайтишди, — деди Аҳадбей, отасига бир қараб олиб. — Тарвузлари қултиқларидан тушиб қайтишди. Московнинг қайтаргиси йўқ.

— Дуч кслган ерларда яшаб кставсрдиган одамлар Ватанинг қадрига стармиди? Қорин дардидаги одам Ватан дардига тушуна олмайди. Борманглар, девдим, қулоқ солишмади, — Исмоилбей шундай деб хурсинди. — Ватанга қайтардиган нияти бўлса, ушанда ҳайдаб чиқаришмас эди. Яхшилик билан битадиган иш эмас бу.

— Хоҳласангиз, Ўзбекистон иғида муҳтор вилоят ташкил этиб берайлик, дейишибди.

— Бундан фойда борми? — деди Зелихон Аҳадбейга қараб.

— Уларга наф бордир. На турклар, на узбеклар бир наф қуради бундан.

— Бизга муҳтор вилоят эмас, Ватан тупроғи ксрак, — деди Исмоилбей. — Московга умид билан кетдилар-у, жонга ҳаловатли хабар келтира олмадилар. Бу юракда энди на қуёш бор, на нур, на ҳаёт қўшиғи бор. Дарёдаги ёлғиз қайиқдай, маёқсиз сузамиз. Юрт гафлат уйқусида бўжон ва беҳуш. Қурқинч булутлари даф бўлиб, ойдин чиқар, деб янглишибмиз...

Зелихон тиззасига шапати урди.

— Масков бугун күнмаган бўлса, эртага кунади. Шунга мотам тутиб утирибсизларми? Тўй тўйдек бўлин!

Исмоилбей аста ўрнидан туриб, қаддини машаққат билан тиклади-да, уйдан чиқди.

— Оқсоқолни хафа қилиб қўйдимми? — деди Зелихон, Аҳадбейга ажабланиб қараб.

— Йўқ, хафа буладиган гап гапирмадинг. Бир-икки кундан бери кўнгиллари нима учундир хижил булиб юрибди.

— Ўзинг-чи? Сен нимага тумшугингни осилтириб олгансан? Нимага одамлар куринмайди? Тўй бугунми ё эртагами?

— Тўй... тўйни қолдиридик, ошна.

— Нима учун?

— Утган куни Қувасойда жанжал чиқкан.

— Ўзбеклар биланми?

— Ҳа. Пивохонада бошланибди.

— Федя уша срда эканми?

— У куринмай қолувди. Аммо...

— Охири нима бўлди?

— Бир йигитни отиб қўйишибди.

— Йигит ким, ўзбекми, отган — туркми?

— Отганни ўзимиз ушлаб топширидик. Тез суд қилиб ҳукм чиқаринглар, деб талаб қилиб турибмиз. Ўзбеклар орасида ғалати гап-сўзлар тарқаляпти.

— Қанақа?

Аҳадбей жимгина утирган Элчинга бир қараб олиб, паст овозда деди:

— Туркларнинг ваҳшийлиги ҳақида.

— Демак, бошланибди... — деди Зелихон, худди ўзига ўзи гапиргандай. — Тўйни тўхтатиб тўғри қилибсан. Элчин, сен уйингга қайтавер.

— Сиз билан бирга қолсам-чи?

— Хоҳишинг... Қани, Аҳадбей, урнингдан тур, кетдик.

— Қасқقا?

— Селимникига.

Селим уларни хушчақчақлик билан кутмади. Унинг қарашида ҳавотир ҳам сезилмади. Аксинча, кутилмаган меҳмонларга ҳуши йўқлигини яширмади. Ўйга киришлари билан Зелихон шарт орқасига угирилиб, уни ёқасидан олди.

— Отган бола ким? — деди ғазаб билан.

— Танимайман.

Селим сўзини тутатмай, қорнидан мушт еди.

— Чупчагингни энангга айтасан, — деди Зелихон иккинчи муштни тушириб. — Ким дсяпман, сенинг одамингми?

— Йуқ, бу жанжалга биз аралашмадик. У бола ҳеч кимнинг одами эмас.

— Қасрда утириби, Фарғонадами?

— Йуқ, шу срда.

— Ҳозир олиб борасан, учраштирасан.

— Милисага гапим утмайди.

Қорнига тушган учинчи мушт зарби кучлироқ бўлдими, ҳарҳолда Селим милисага сўзи утиши мумкинлигини эслаб қолди.

Милисаҳонадагилар Селимнинг илтимосини рад этолмай, «қотилнинг амакиси бўлмиш» Зелихонга бўш дақиқалик учрашувга рухсат беришди. Тус-тўполонда уйидан милтиқ чиқариб ўқ узган йигитни курган одам уни бирор билан урушадиган ҳоли бор, деб уйламас эди. Мук тушиб ётган йигит Зелихонни терговчи деб уйлаб, эринибгина қаддини кутарди. Йигитнинг юзкўзида кўкарған ёки тирналган жой йуқ эди. Кўзларида ҳам азоб учқунлари сезилмасди. «Наҳот, уриб-тергашмаган бўлса...». Зелихон тик бостириб бориб, даҳани остига муштини тиради.

— Менинг умрим қамоқда утган, — деди у дабдурустдан.— Шу сабабли сен билан пачакилашиб утирмайман. Тўгрисини айтмассанг, ичагингни бошингга салла қилиб ураб кетаман. Милтиқни сенга ким берди?

— Ўзим олдим. Уйда турган эди.

— Нимага отдинг?

— Қувлаб келишди.

— Терговчига шундай дедингми?

— Ҳа.

— Мен терговчи эмасман. Менга тўгрисини айтишинг ксрак, тушундингми?

— Тўгрисини...

Йигит қорнига мушт тушиб, букчайиб қолди. Зелихон кесирдагидан чимчилаб, уни қаддини ростлашга мажбур этди.

— Наша чекасанми?

— Йуқ.

— Нашани кимдан олдинг уша куни?

— Чекмайман, дедим-ку?

Зелихон унинг қорнига яна бир мушт урди. Букчайган қаддини бу сафар ростламади.

— Ким берди, Селимми?

Йигит огриқ зўридан ингради, аммо жавоб бермади. Зелихон уни қулогидан чўзиб, бошини кўтарди. Йигит қўрқиб кўзини олиб қочди. Зелихон икки бармогини омбур қилиб унинг кесирдагини қимчиди.

— Селим бердими?

— Ҳа... — йигит шундай деб уқчиб юборди.

Зелихон боилаб бир тенсамми, деб хезланди-ю, «буни урганидан нима фойда», деб узини тийди.

## 2

Элчин Зелихонга қушилиб милицахонага бормади. У Аҳадбей билан бирга эски «Запорожец» ёнида қолди. Икковлон биттадан чекишиди. Аҳадбей катта шаҳардаги об-ҳавони суриштирган бўлди. Табиатан камгапроқ Аҳадбей Зелихон таърифидаги «зўр ашулачи» билан нима ҳақда сұхбатлашишини билмас эди. Бир пайтлар лашкари шону шуҳратдан иборат бўлган Элчиннинг номи аввалдан таниш, унинг кейинги умри эса, табиийки, унга қоронғу эди.

Элчин Аҳадбейни сиртдан биларди. Зелихон қамоқдалигида ҳам, озодликка чиққанидан кейин ҳам у ҳақда ганирган эди. Бироқ Элчин Ватаи ҳажрида диллари вайрон бу одамларининг қисмати ҳақида ўйлаб курмаганди. Ҳозир унга қараб туриб, кам айтган ашулаларидан бирини эсламоқчи бўлди:

«Сен эй, бедард, наилайким, кўнгул дардини билмайсан...»

Шуҳрат булутида сузган чоқларида, дили қайғуга бегона, маишатга ошио дамларда кўнгул дарди ҳақида қандай куйлади экан? Ажаб, қушиқнинг оҳангини ҳам унугибди. Энди у дил азоби нима эканини билади. Лекин бу одамга дардкаш була оладими? Эски «Запорожец»ига суюниб турган Аҳадбей дардини тушуниш, боши узра тўпланаётган ҳасрат балоларини ҳайдашга кимининг қурби стади? Ҳурлик кучасидан утиб келган Зелихон ҳам унинг дардини тулалигича ҳис қила олмас... Бу дунёда қасос жомини сипқориб лаззатланиш учунгина тирик қолганман, деб ҳисобловчи Элчин Ватандан қувилган, бегона тупроқ узра тариқдай сочилган халқи тақдиридан куяётган одам дардига қандай шерик булиши мумкин? Аҳадбей юраги жаҳаниам

азобларининг яқинлашаётганини сезиб беҳаловат тесади. Ҳадсмай «Ватани йўқнинг имони йўқтур», деган тилларнинг, Ватан томон термилиб, нури қочган кўзларнинг гулханда куяжагини билмаса-да, қалбини уша булажак аланга тафти куйдира бошлаган.

Аҳадбей мезбоннинг ҳадсб жим туравериши одобдан эмас, деган қарорга келиб, ёнидан Зелихон берган пулни чиқарди-да, Элчинга узатди:

— Мендан олмайди, сиз бериб қўйинг... — деди.

Элчин унинг мақсадини тушунди — йўқ тўйга түсна олишни истамаяпти. Балки Зелихоннинг «бигта буқа топиб, ағдарасан...» дегани малол кслгандир? Мол сўйишга қурби етмаган одам тўй бошламайди. Зелихон соғ кўнгилда тўёна берган бўлса-да, гапларидағи оҳангда бироз манманлик, миннат сезилган эди. Элчин Аҳадбей шундай оғринган, деб ўйлаб, бош чайқади:

— Мендан ҳам олмайди. Феълини биласиз-ку? Сал қуполроқ гапиргани билан кўнгли тоза.

Аҳадбей кулимсираб, бош чайқади. «Мен унинг гапидан хафа бўлмадим», демади. Шуни айтса, «демак, барibir қупол гапи дилини оғритган экан-да», деган фикр чиқиши мумкин эди.

— Сиздан илтимос ука... Отам айтдилар. Гапларини қайтара олмайман. Худо хоҳласа, замон тинчиса, тўйни қолдирмаймиз. — Аҳадбей шундай деб, Элчиннинг тисланишига қарамай, пулни пиджагининг чұнтагига солиб қўйди. — Худо хайрингизни берсин, ука...

Куп утмай уларнинг ёнида Селимнинг машинаси келиб тұхтади. Селим иш битди, деган мақсадда хайрлашиш учун Аҳадбей сари қадам қўйганида Зелихон уни тұхтатди:

— Уйингта юр, — деди ғазаб билан.

Аҳадбей дүстининг авзори бузилганини билиб, унга яқинлашди-да, билагидан ушлади.

— Зсли, кстдик, — деди қатый оҳангда.

— Сен нари тур, — Зелихон бир силтаниб, қулини бушатди-да, безрайиб турган Селимга үшқири: — Уйингга кир, хунаса!

Селим аҳвол чатоқлигини сезиб, қафасдаги қуш ҳолига тушди. Бир Зелихонга, бир хотиржам Элчинга қаради. Элчинни Зелихоннинг каллаксар шогирдларидан деб гумон қилиб, оසқларига қалтироқ югурди. Зелихон уни бўйнига чанг солиб, судради.

— Зсли оға, сизга нима бўлди? Сизга нима ёмонлик қилдим...

Селим дарвозадан ичкари киргунча ялинчиқ овозда шу гапларни такрорлайверди. Остона ҳатлаши билан Зелихонни оғзи ҳам ишга киришди. Гүштдор одамнинг тўрт-беш қадам учиб тушганини орқадан келаётган Элчин ҳам, Аҳадбей ҳам сесмай қолишиди. Селим урнидан туришга ҳаркат қилиб типирчилади. Зелихон унга яқинлашиб, сочини тутамлаб кутарди-да, жағига муштурди. Элчин Зелихоннинг муштлашишини кўп кўрган. Бунақа пайтда уни тұхтатиб қолиш жуда мушкул. Ажратмоқчи булғанилар ҳам унинг муштидан ёки тепкисидан бенасиб қолмайдилар. Элчин, Селимнинг кимлигини, қалтакка лойиқми ё йўқми, билмаса-да, Зелихонга эрк бериш номаъқул эканини фаҳмлаб, орқасидан кучоқлади. Аҳадбей чаққон юриб келиб, Зелихон билан Селим орасида туриб олди.

— Аҳадбей, қоч, — деди Зелихон, тишини фижирлатиб.

— Зели, үзингни бос, фойдаси йўқ.

Бу орада ошхона томондан асл кишининг фарёди эшитилди. Бир нафас ўтмай, сизмиз хотин «вой-дод, эримин ўлдириб қўяди», дсганича лопиллаб югуриб кела бошлади.

— Қайт, — деди Зелихон унга қараб ўшқириб. — Қайт, дсанман! Жойингда дамингни чиқармай утири!

Хотин унинг пўписасига парво қилмай, эрини тусди. Аҳадбейнинг рўпарада туриши, хотиннинг қалқон булиб олгани ҳам фойда бермади. Зелихон бир силтаниб Элчиннинг қучогидан чиқдию Селимни тепди. Хотин эр билан овора, Элчин билан Аҳадбей эса Зелихонни маҳкам ушлашди.

— Гули, милисага тилпон қил! — деб бақирди асл, ошхона томон қараб.

— Зели, қўй уни, кстдик, — деди Аҳадбей.

— Йўқ, қўймайман, — деди Зелихон. — Ҳаммасини шу бошлаган. Қўйвор мени, — Зелихон шундай деб силтанди. — Қўйвор, бу хунасага тегмайман. Сен чиқиб маҳалладаги турклар билан узбекларни чақириб кел. Мен бунинг айбини бўйнига қўяман. Узбеклар буни тошбурон қилишсии.

Аҳадбей итоат билан чиқди. У одам туплашга улгурмай Селимнинг дарвозаси рўпарасида милисанинг машинаси келиб тухтади. Ундан икки милиса йигит тушибди. Улар остона ҳатлашлари билан Зелихон:

— Орқага қайтларинг! — деб буюрди.

Милиса йигитлар аввалига буйруққа итоат этиб, тұхтадилар. Сұнг «ким экан бу, бизга буйруқ беради-ған?» десандай яна бир-икки қадам қүйдилар.

— Қайтинглар! — дсб бақирди Зелихон, сұнг Селімга үгірилди. — Кимлигимни биласан, а? Айтиб күй, қайтишсін!

Селім Зелихонга құрқибгина қараб олиб:

— Қайтинглар, — деди.

Милиса йигитлар күчага чиқишли-ю, аммо машиналариға үтиришмади. Бу орада үнга яқын одам тұпланди. Ақадбей күпчиликни айттан бұлса ҳам, чүчибми, мұлоқаза қилибми, чиқишимади. Зелихон оқ яктак устидан майда қавиқ түн кийиб, бслбоғ болғлаган, бир тутам оқ соқоли үзиге ярашган чолға яқинлашиб, құш құллаб сұрашди-да:

— Ота, — деди, — мана бу одамни танийсизларми?

— Ҳа, таниймиз, болам, — деди өзің, юзи қонталаш Селимга ажабланиб қараб.

— Бу одам әмас, шайтоннинг урғочиси, буни ҳам биласизми?

— Үндай деманғ, болам, бу ҳам Худонинг бир бандаси.

— Худонинг бандаси бунақа бұлмайди-да, ота. Бу одам тузингизни ичиб, тузлигингизга тупурди. Кечаги тұс-тұполонни шу бошлаган. Отган бола билан үзим гаплашиб чиқдім. Мен чечсіман, ота. Аммо үзбекнинг нонини еганман, сувини ичғанман. Турклар билан қисматим бир. Бу бармоғимни тишиласам ҳам оғрийди, бунисини тишиласам ҳам оғрийди. Орада қон түкилишини истамайман.

— Худо хоҳласа низо чиқмайди, болам. Қирқ йил бир гап ораламаган, энди оралайдими? Ешлар...

— Йүқ, ота, калта үйламанғ. Буларнинг оёқлари зулмға қараб етакляяпты. Бегуноқ инсон қонлари түкилади.

— Астағфируллоҳ, денг, болам. Емон нафас қилманғ.

— Бу хунасани тошбүрон қилиб үлдиңглар. Жавобини мен бераман. Тошбүрон қымасаларинг үзим үлдираман. Шу савобни деб қамоқда чириб кета қолай.

Чол Зелихонга яқинлашиб гүштсиз бармоқлари билан унинг ғазабдан ёниб турған юзини силади. Зелихон сессканиб кетди. Бобосининг бармоқларини эслади. Бобоси үлганидан бери бу юзларни бирор мекр билан силамаган эди...

— Болам, шайтонга ҳай беринг. Гуноҳи булса, ана, милиса турибди. Олиб борсин, суроқ қилсан...

Чолнинг бармоқлари Зелихон вужудига ҳукм утка-заётган газабини снгди. Газаб, нафрат чекинди-ю, бирдан хурлик булути босиб кслиб, кузлари намланди.

— Ота, кўнгилчанглик қилманглар. Бунақаларнинг мингтасини йигиштириб келсангиз, битта пичоқقا соп булмайди-ю, аммо ҳамма ёкини қисмат қилиб кетиш қулларидан келади. Сиз милисага ишонманг, ота.

. — Болам, мендай нодон чолга хўп, дся қолинг, юринг, — чол шундай деб уни слкасига қоқди. Шундан сўнг ҳозиргина шср кепатасидаги Зелихон қўй ҳолига тушди.

— Кетайлик, — деди Элчин, — ота тўғри айтяптилар.

— Мен бу хунасага яхшиликча айтган эдим, — деди Зелихон, худди ўзига ўзи гапиргандай. — Арининг уяси ни кавлама, кучиб кет, девдим... Бу кур, мен соқов эканман. Кур билан соқов икки дунёда бир-бирининг гапига тушунмайди... — Зелихон шундай деб, бушаш-ган ҳолда дарвоза томон юрди. Милиса йигитларнинг олдидан утаётганида тұхтади: — Обориб тиқиб қўйиш қулларингдан ксладими? — Йигитлар жавоб ўрнига бир-бирларига саволомуз қараб олдилар. Зелихон улардан тасдиқ жавобини кутмаган ҳам эди. Агар Сслимнинг адолатли жазо олишини билганида уни дуппосла-мас, одам тўплаб «тошбўрон қилинглар», демас эди.

— Ҳақиқий эркак булиш учун угил бола булиб, тугилиш кифоя эмас, — деб тўнгиллади Зелихон, «Запорожец»нинг орқа томонига утириб. Бу гапни кимга қарата айтганини Аҳадбей ҳам, Элчин ҳам англамади.

— Бекорга бўгиляпсан, — деди Аҳадбей. — Гапингга кириб тошбўрон қилишганида баттар буларди. Чол тўғри қилди.

Элчин суҳбатга қушилмади. Унинг назарида ҳам оқсоқол энг тўғри йўлни таңлаган эди. Элчин бу воқсанни бир исча кундан сўнг яна эслайди. Ана ушанда «Чол тұхтатмай, Сслимни тошбўрон қилдирганида балки бу қисмат содир бўлмасми», деб ўйлайди.

Табиятга ҳукм утказган қиши ср сатхини беъзайди. Одам юрагида куз очган қиши эса дилни музлатади, инсонга ҳусн бермайди. Кўнгилни ўз ҳукмига олган муз одам оласига хос меҳр-шафқатни маҳф этади. Оқи-батда эса йиртқичи ҳайвонларни ҳам лол қолдириши мумкин булган ваҳшийликлар содир булади.

Зелихон, чолнинг бармоқлари юзига тегиши билан кўнгли юмшаган бўлса ҳам, аламдан тушмаган эди. «Агар бир итни улдирсанг, одамлар сендан нафратла-нишади, — деб уйлади у. — Олдин «бу ит қутурган» деб ишонтириб, сунг улдирсанг, раҳмат айтишади. Се-лим итдан баттар махлук эди, қутурган итни балки даволаш мумкинdir. Пул қутуртирган одамни-чи? Уни фақат үлдириш ксрак. Нимадан қўрқишиди?...»

— Аҳадбай, аэропортга ҳайда, — деди Зелихон буй-руқ оҳангida. — Элчинни кузатиб қўяйлик.

— Бир-икки кун қоламан, — деди Элчин, эътиroz билдириб. — Ошна-оғайнилар билан отамлашиб кстай...

— Ўзинг биласан. Мен булар тинчигунча Аҳадбейницида бўламан. Аҳадбей, Фарғонага ҳайда. Фсдяни топайлик.

Элчин шаҳарни кесиб утган сой буйида тушиб қолди. Эски «Запорожец» машиналар оқимиға қушилиб бурилиб кетгунича орқасидан тикилиб турди. «Зели оға ҳозир гап кутара олмайди, — деб уйлади у. — Ташлаб кетсам ҳам бўлмайди. Жигарларим дўзахда куйса, мен жаннатда яйраб яшай оламанми, деди. Кунгли ёмонлик сезяпти. Наҳот, арзимас жанжалдан катта фожиа туғилса?! Илгари йигитлар уришмаганми, бир-бирига пичюқ тортмаганми? Нимага энди қиёмат бошланиши ксрак? Қорабоғдаги аҳвол маълум. Тил бошқа, дин бошқа, дил бошқа. Тили бир, дини бир, урф-одати бир одамлар бир-бирларининг қонларини нимани баҳона қилиб тўкадилар? Зели оға ошириб юборяпти шекили? Ҳар нима бўлганида ҳам, бир-икки кун шу атрофда юрай-чи... «Рақиб кула бошлар, яқин дустинг аҳво-лингта чекмаса қайғу...» Элчин шу тўхтамга келиб, сой буйидаги самовархона томон юрди.

Элчин яқиндагина бўёқдан чиққан сўрига бориб утириди. Сойнинг лойқа суви айқириб, бостон қирғоқни ялаб утади. «Одамнинг умри ҳам шу сойга ухшайди, — деб уйлади Элчин. — Дам мана шу лойқа сувдай зар-доб тулиб оқади. Дардини қаёққа сингдиришини бил-майди... Ҳаёт икки қирғоги бетонланган сойнинг узи. Бир қарич четга чиқмайсан. Айниқса лойқа дамларда қийин. Бу сой ҳам бора-бора тинчийди, тинади. Шунга мажбур, бошқа иложи йўқ...»

— Ассалому алайкум, Ҳофиз ака...

Қироат билан берилган салом уни хаёл дунёсидан қайтариб, овоз келган томонга үгирилишига мажбур

этди. Маргилоннухса дүппини бошига қийшик қундирган, қалдирғоч мүйлови үзига ярашиқли, күзлари кулиб турувчи йигит Элчин үгирилгач, яна бир марта салом берди-да, қүшқұлуаб сұрашды.

— Омонмисиз, ака, бугун қүспің қаеқдан чиқди, деб түрсам, сизнинг келишингиз экан-да, — йигит курпа-чанинг бир честига үтириб, үзига фотиҳа тортган бұлди. — Сизни күриб аввал күзимизга ишонмадик. Ака, бир лутф күрсатиб, бизнинг сүрига үтсангиз, бир чүкимгина ошимиз бор эди.

Элчин бу йигитни танимагани учун таклиғини қабул қилишіга иккіланди.

— Сиз ҳеч хижолат бўлманг, ака, — десди йигит. — Санъат шинавандалари йигилганмиз. Мен тесатруда ишлайман. Хизматга эндиғина кирган вақтимда бир келган эдингиз. Шу-шу кўнгилни эгаллаб қўйгансиз. Исмим Толибжон, ака, марҳамат қилинг.

Элчин кўпам ноз этмай, ўрнидан турди. Тенгқур ҳамкаслар ичкарида давра қуришган экан. Уларнинг айримлари Элчинни аввал ҳам бир-икки курган, айримлари довругини эшитган эди. Элчин шуҳрат отидан барвақт тушиб қолмаганида бундай даврани менсиб қўшилармиди, йўқми — Худо билади. Амалдорлар мансабдан тушган кулиниг эртасига ёқ өлғизланиб қоладилар. Ўзини дуст тутиб юрганлар юз буриб кетавс-радилар. Шуҳрати сунгандан санъаткорларни эса бу аччик қисмат кутмайди. Уларнинг муҳлислари сақланиб қолади. Айниқса ҳамкаслар юзаки бўлса-да, қуллуқ қилиб турадилар. Инсофи бор санъатчи «осмонда сузиг юрганимда буни менсимай дуруст иш қилмаган эканман», деб хижолат булиши мумкин. Отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган хили эса, «мени иззат қилишга мажбурлар», деб йўнилмаган таекдай үтиравсади. Элчин Фарғонада кўп бўлган, кўп зиёфатларнинг турода үтирган. Кўп одамлар билан қўл бериб сурашавс-риш ҳам эриш туйилган. Ҳозир ўша қилиғи эсига тушиб одамларни менсимай ранжитгандирман, деб бироз уялди.

Даврадагилар Элчиннинг ташрифидан астойдил қувондилар. Месхмонни хижолатга қўйиши мумкин бўлган гаплардан гапирмадилар, хотираларни тилга олмадилар. Элчин билгаи одамларни бир-бир эслаб, сураб-сuriштируди. Даврадагилар дам ҳазил билан, дам афсус билан жавоб қайтардилар. Ош сузилишидан олдин Элчин:

— Фарғона тинчми, узи? — деб суради.

— Тинч булмай қаेққа борарди. Қизил пошшомизни Масковга депутат қилиб сайлаб қўйғанмиз. Дўпини бошга чамбарак қилиб юрибмиз, қизил пошшо даврида Фарғонамиз би-ир гуллайдиган булиб турибди.

— Толибжон эрта-саҳарда биринчи овоз берган, — деди даврадагилардан бири. — Нима булса Толибжон жавобгар.

Аскияга суяги йўқ йигитлар Толибжонни бир-бир «олишгач», Элчин яна бошлаб қўйган гапига қайтди.

— Турклар тинчми?

Кутилмаган бу саволдан ҳамма бир-бирига қараб олди.

— Туркларга нима булибди, — деди Толибжон ажабланиб. — Бир гап борми?

— Ҳар хил мишишларни эшитяпмиз.

— Бу мишишлар стиб келмади бизга. Бир гап бор булса эшитардим. Қушним турк. Кунда булмаса ҳам кун ора бир коса овқатни биз уларга илинамиз, эртасига улар бизга илинишади. Шавкат тоға деганимиз мени «ўғлим-ўғлим», деб бошига кутаргудай қиласди. Бугун эртаматан чиқиб иккита қўйимнинг жунини олиб бердилар, денг. Агар уларга тесишли нохушроқ гаплар булса, мен эшитардим. Шавкат тоға ҳамма дардларини менга айтадилар.

Элчин орага ноўринроқ савол ташлаганини фаҳмлаб, гапни театрга буриб юборди.

— Бугун Водилда концертимиз бор, aka, ошдан ксийин жўнаймиз. Биз билан бориб иккитагина ашула қилиб берсангиз, жаннатни ҳадя этгандай бўлардингизда...

Элчин бу таклифга кўнди. Уни тамошанинг иккинчи бўлимида чиқарадиган булишди. Тамошага тўпланганлар Элчиннинг келганини эшитган, дамбадам «Элчин чиқсин!» деб ҳайқириқлар эшитилиб қолар, бу хитоблар унга довруқли кунларини эсига солиб, юрагини ҳаприқтирас эди. Элчин торни созлаб турганида Толибжон башанг кийинган бир йигитни бошлаб келди. Элчин унинг кузларида ташвиш учқуни курди.

— Ҳа, Толибжон, баҳай? — деди ҳазил оҳангида. Толибжон жавоб беролмай, кузларини олиб қочди. Унинг ўрнига йигит жавоб қайтарди:

— Мен обкомданман, мафкура бўлимидан, — у шундай деб ён чўнтағидан қизил гувоҳнома чиқарди.

— Құяверинг, ишондим, — деди Элчин, гувоҳнома-  
га қарамай.

— Сиз бугун саҳнага чиқа олмайсиз.

— Нимага энди?

— Концерт — мағкуравий талбир. Репертуарини  
обком тасдиқлаган. Сиз нима айтасиз, биз билмаймиз.  
Маданият министрлигидан рухсатингиз булиши шарт.

— Жоң ака, бу кишини биз таклиф қылғанмиз.  
Ұzlарича келгайшари йүқ, — деди Толибжон буғилиб.  
Элчин бу масалада анча гап-сұз бұлғанини англағ,  
жилмайды:

— Толибжон, аканғизни қийнамаң.

— Ҳа, ана, тушунар экансиз-ку! Мен буларга тушун-  
тираман, дес жигарим қон булып кетди. Үтган ҳаfta  
Дадақон деганлари кслиб «құзғалинг», деган ашула  
айтибди. Партиялестімни қўйишга сал қолди.

— Ташибишлиманманг. Айтмасам айтмабман-да. Си-  
бирнинг соңуғида томоқни олдириб қўйганман. Илга-  
риги овоз йўқ. Қамалғанимни эшитгансиз, а? — деди  
Элчин, обком вакиилига синовчаш тикилиб.

— Ҳа... йўқ... шунақамиди? — деди йигит. Кейин  
Толибжонга ўғирилди. — Мен жойимда буламан.

У нари костиши билан Толибжон буралаб сұқди.

— Кимdir чақибди. Дарров етиб келибди-я! Ұзини  
түлликка солишини қаранг... Билмасмиш... Ака, узр,  
энди...

Элчин бағрида ғазаб үти аланга олаётганини яши-  
риб, ҳазин жилмайди-да, унинг слкасига қулини  
қўйди.

— Унинг жойи қаерда экан?

— Биринчи қаторда. Қоққан қозиқдек утиради.

— Сиз хижолат чесманг, Толибжон. Агар хўп десан-  
гиз, бир иш қиламиз. Бу нусха концертда чиқмасин,  
деди-а? Мен танаффусда иккита ашула айтиб бсралан. Сиз танаффус эълон қилинг-у, дарров пардан өпманг.  
Чиққанимдан кейин спасиз. Хиалик қилса, мен бил-  
мадим, дес жилмайди.

Толибжон пича ўйланғач, таваккал, дегандай қўл  
силтади.

— «Пахта рақси»дан сунг тайёр туриңг.

Танаффус эълон қилиниб, беш-үн одам урнидан  
қўзғолишига улгурмай, саҳнага Элчин чиқиб келди. Уни  
таниғанилар бирданига қийқириб, хуштак чалиб юбо-  
ришди. Шу заҳоти шошқич равищда парда өпилиб,  
Элчин саҳна ческасида тамошабинлар билан юзма-юз

қолди. Уринларидан турғанлар «танаффус эълон қилиниши ҳазил экан-да», деган хәслда қайта утирилар. Биринчى қатордаги обком вакыти эса шарт туриб, саҳна ортига олиб борувчи зина томон юрди.

Мұхлислар ҳаяжони тингач, Элчин снгил таъзим қилиб, сұз бошлади:

— Менни унұтмаганингиз учун қуллуқ, азиzlарим. Урушдан олдин Юсуфжон қизиққа «сиз рамкадан чиқиб кстяпсиз», деб таңбесін беришган экан. Шундан сұнг уста кейинги тамоша пайтида бүйінларига бир расмнинг рамкасини солиб чиқибдилар. «Менге шундай дейишган эди, энди рамкадан чиқмай гапираман», дебдилар. — Үтирганлар кулиб, қарсак чалишгач, Элчин үзини снгил сөзді. — Мен бу тамошага мәжмонман. Шу сабабли танаффус пайтида рамкадан чиқмай иккитагина ашула қилиб бсраман. Бу ашулалар Ватандан узоқда, озодликни құмсаң юрган пайтларда туғилған. Мен ҳақимда сиз турли гап-сұз әшитгансиз. Гапнинг түгриси шуки, гуноҳим учун жазолашған. Ҳақли жазони утаб, ҳузурингизга қайтдим.

Элчин торнинг созини бир текшириб олғач, титроқ оғанғ янгради. Якка торда, гижжаксиз, доирасиз қүшиқ айтиш расмдан чиққани учун аввалига мұхлислар бир гарангсіб олишди. Электрға уланған Оврупо чолғу асбобларининг шовқининг күника бошлаган қулоқларға торнинг инграши ғалати түюлди. Сұнг... Элчиннинг бүғиқ, дардли овози таралды...

*Үксир күнгил қуши —  
Түшди қағасға.  
Сира столмайдыр  
Эркин нағасға  
Қаро күнлар түшди менинг бошимга...*

Тұпланғанлар қүшиқни нағас ютиб тинглашағанда бирдан микрофон узиб қўйилди. Элчин бунинг сабабини дарҳол англади-да, овозини бироз кутарыб, қүшиқни давом эттираверди. Орқароқдаги мұхлисларға овоз стиб бормай бетоқат бўлиб ҳуштак чала бошлади. Элчин «тинчланинг», дегандай қўл кутарди-да, пастига түшди. У кенг давра уртасида турғандай ашуласини давом эттирди.

*Эй! Сен мени ҳақир курған, тубан деган ағанди!  
Эй! Устимда бир умрга хужа бўлмоқ истаган.*

*Эй! Бүйнімга кишан солиб, ҳалокатта судраган,  
Күзларингни заҳарлатыб үйнатмагил, бас әнди!*

Құшиқ шу срга келганида саңнага бир йигит чиқиб микрофонға яқынлашыді-да:

— Элчин ака, бу өкөн чиқинг, чироқни уладик, — деди узрли оқанғда.

Элчин торни чалишни тұхтатмай, саңнага қайтди.

*Кишапларинг занг босғандыр, ссрлак бүлким.  
узилур,*

*Томирила құзғалишининг ваҳший қони гупирди.*

*Эски фикр, ағъанаалар энди буткул узилди.*

*Ё битарман, өки сенинг салтанатинг бузилур!*

Элчинни аввал билғанлар ҳам, билмаганлар ҳам қүшиқтарни ҳайрат билан тиңглар эдилар. Илгари Ԫ васлинни күйлашыдан бошқасини билмаган бу хушовоз ҳофиз уларга бутунлай үзга күринишда күринмоқда эди. Бир жуфт құшиқ икки-учи жуфт бүлди ҳамки, мұхлислар уни қүйиб юборышмади. Құшиқдан құшиққа үттеги сайини Элчиннинг үзига нисбатан ишончи орта борди. Ҳосилбойвачча хорлаганидан бери күнгли чүкиб юрган эди. Бу издиҳомда онадан қайта туғилғандай бүлди.

## ХХIV Б О Б

### 1

Шариф Намозов шаҳар марказидаги үті қаватли қадимги бино сртуласыда шундай сарой жойлашганини стти ухлаб тушида күрмаган эди. «Асадбек идорасыда кутиб утирибди», деган хабар келганида идора деганинг шундай хашамдор булишини үйламаганди. Шу пайтгача бунақа одамлар пинқона иш юритишади, деган фикрда эди. Шундай сароймонанд жойда утиришибдими, демек, үзларига ишонишади. Давлат ҳам айшингни суравер, деб уларга қўйиб беришибдими, демек, ҳазиллашиб бўлмайди.

Кесакиолвои Шариф Намозовни қандай кутиб олиш хусусыда Бутқага аниқ курсатма берган эди. Бутқа хўжайинининг топшириғини аъло даражада уринлатди: Намозов остоңада күриниши билан пешвоз чиқиб, салом берди:

— Бек акам ҳозир бушаб қоладилар, окахон, унгача бир пиёла чойимиз бор.

Шариф Намозов Бутқанинг изидан юриб, шинам бир хонага кирди. Меҳмон ўрнашиб ўтириб олгач, кафтдек қутичани қулига олиб, телевизор томон түғрилаб тутмачани босган эди, экран ёришди.

— Сиз баҳузур ўтира туриңг, — деди Бутқа унга илтифот курсатиб.

Телевизорда хорижнинг тамошаси курсатиластган эди. Намозов шундай беҳаे тамошалар мавжудлигини эшиганди-ю, аммо куришга иштиқи ҳам, вақти ҳам йўқ эди. Ҳозир қарамай деса ҳам, кузи тамошага тортиб кетаверди. Шу зайлда хонага дундиқ бир қиз кириб келганини сезмай қолди. Калта кўйлакли дундиқ қулидаги патнисни курсига қўйиб, нозли жилмайиб қўйди.

— Қаҳва олиб келдим, — деди-да телевизорга қараб олди. Сунг дсвон ёнбошидаги курсида турган шишани олиб иккита биллур қадаҳга конъяқ қўйиб бирини Шарифга узатди-да, узи иккинчисини олиб, пастга гилам устига ўтирди.

— Олинг, — деди ишва билан.

Шариф туш куряптими с кино тамоша қиляптими, билмай гаранг бўлди. Унинг гангиб қолганини сезган дундиқ тирсагини тиззасига қўйиб яна нозланди. Шарифнинг кузи ярим очик кўкракнинг ариқласига тушиб, юраги энтикиб кетди. Конъякни ичиб юборганини узи ҳам билмай қолди. Дундиқ қадаҳни бир хўплаб, курси устига қўйди-да, Шарифнинг тиззасини қўчоқлади. Шарифнинг эҳтироси жиловини узиб, қўллари узига бўйсинмай қолди. Бу дунёда шундай маишат борлигига энди ишона бошлаганида эшик очилиб, Бутқа кириб келди. Шариф уни куриб чучиб тушди. Бутқа эса ҳеч нима кўрмагандай, хотиржам оҳангда:

— Бек акам кутяптилар, — деди.

## 2

Кесакполвон Шариф Намозовнинг шу ерда экани, Бутқага топширган вазифаси ҳақида гапиргач, Асадбек уни жеркиб берди:

— Бу қилигингни бошқа ерда қилмайсанми?

— Кимлигимизни билиб қўйсин. Ҳаёт қанақалигини би-ир кўрсинг. «Ҳақиқат, ҳақиқат!» деб нима курибди. Ана энди бугундан бошлаб бор ҳақиқатга тупуради.

Узимизнинг одамга айланади. Ҳақиқат деганинг ярмига амал бериб, «Волга»га утқазиб қўй, ярмининг қўйнига биттадан жононни солиб қўйсанг, кимлигини биласан. Бугун уни майшатга олиб қоламан.

— Хаддингдан ошма. Ҷақир уни, — деди Асадбек.

Шариф бу хонага юраги дукури босилмаган ҳолда кириб келди. Асадбек урнидан турмай, утирган срида унга қўл узатди. Асадбекнинг қараши жиддий, Кесакполвон эса айсрона жилмайиб боқиб туради. Чувринди унга эътибор бермай, қандайдир қоғозлардаги ёзувларни диққат билан ўқирди.

— Ишлар қалай, уртоқ директор? — деди Асадбек, киноя билан. — Планлар ошиғи билан адо этиляптими?

— Ҳа, бажармасак буладими?

— Бу акангиз айтмаганмиди? — Асадбек шундай деб Кесакполвонга қаради.

— Айтгандилар.

— Хуш? Нима учун планни бажараман, деб зур беряпсиз?

— Юқоридагилар қўйишмаяпти.

— Сиз учун юқори биз бўламиз. Биз айтдикми, тамом! Бажаришга мажбурсиз. Сизга ким буйруқ берди, министрми?

— Йўқ, Фарҳодов дегани...

Асадбек Кесакполвонга қаради:

*Ҳайдар, бисирилдилини?*

— Йўқ, ҳозир... — Кесакполвон шундай деб телефон гўшагини олди-да, керакли рақамини терди.

— Фарҳодовми? Ҳа, мен, Ҳайдар акангман. Намозовинг нима деяпти? Планни бажарасан, деб сен зурлаганишсан-ку? Мажлисда айтдингми? Унга тегишли эмасми? Шуни сескин узига айтиб қўйсанг уласанми, ҳс сутак. Ҳа, айтиш керак, қозоқнинг тўққиз пулидек тушунириб, белига тугиб ҳам қўйиш керак. Дуойи саломни олдингми, энди учир овозингни...

Кесакполвон гўшакни жойига қўйиб, Шарифга қаради:

— Эшитдингизми? Директор деган бунақа лайлаймайди.

— Бу ой стмишдан ошмасин, — деди Асадбек. — Кейинги ойларда ишчилар маош олмайди. Керакли одамларга пул-мул бериб туринг. Бошқалар бушаб кетаверсин.

- Бунинг иложи йўқ, банкда заводнинг пули куп.
- Кўп бўлса ҳам маош йўқ, — деди Кесакполвон таҳдид оҳангидан. — Лалайманг, дедим-ку?
- Португалиядан жавоб йўқми ҳали ҳам? — деди Асадбек, биринчи масала ҳал, деган оҳангда.
- Жимжит булиб кетишиди.
- Бориб келиш ксрак. Уларга ёқмаса бошқалар билан гаплашамиз.
- Бориш учун улар чақиришлари ксрак. Доллар ксрак.
- Бу гапдан сўнг Чувринди қоғоздан бош кўтарди:
- Бу ёғини бизга қўйиб беринг.
- Асадбек «гап тамом» дегандай урнидан турди. «Шу икки оғиз гапни телсфонда айтиб қўйишса ҳам бўларди-ку», деб уйлади Шариф, эшик сари юриб.
- Менни кутиб туринг, гап бор, — деди Кесакполвон.
- Жамшид қасрда? — деди Асадбек, Шариф чиқиб кетгач.
- Эрталабдан бери кўрганим йўқ. Маишат қилиб ётгандир, — деди Кесакполвон. — Янгисини топган экан, уша билан овора.
- Маишат, деявериб ҳаммани буздинг. Энди би-чиб қўйишим қолди.
- Эркаклар билан ишлагандан кейин чидайсан, ошна. Еш йигитлар вақтида маишатини қилиб олсин. Вақтида узинг ҳам...
- Бўлди, айнима. Жамшидни топ. Бутун Масковга учсин.
- Нимага?
- Хонгирей билан учрашиб келсин. — Асадбек шундай деб Зелихон билан икки кун аввал бўлган учрашув мазмунини айтди.
- Жамшидни юборманг, — деди Чувринди. — Узингиз бориб келганингиз маъқул. Иш жиддийга ухшайди.
- Жамшидни топ, бирга борамиз.

Қизига қараб туриб, Манзуранинг кунгли ўксиди. Зайнаб турмушидан нолиб, ҳасрат қилмади. Бироқ кўзларини шодлик учқунлари тарк этгани онанинг зийрак назаридан четда қолмади. Зайнаб сингари келинчаклар

бунақа дамларда яйраб-яшнаб юрадилар. Юзларига тушган дөг, бармоқларининг тўлишиб, узукларнинг сиғмай қолиши улар ҳуснига ҳусн қушади. Зайнаб эса худли сулиётган гулга үхшайди. Онасига дилини ёрмайди. Манзура унинг дардли нигоҳига қараб туриб, ичида «қиз тұғмайин мен үлай», деб қуяди. Етарида ҳам, тураридан ҳам, дуо қылса Яраттандан қизига баҳт тилайди.

Худога шукр қилиши керак, қуёви бсүхшов эмас. Ёши каттароқ булса ҳам хушрӯйгина. Зайнаби қайнонанинг тергаб-тергашлари-ю, қайин эгачи, қайин сингилларнинг димоқ-фироқларидан ҳоли. Бир жувоннинг баҳтли турмуши учун ҳамма нарса старли. Лескин баҳт фақат смоқ-ичмоқдан иборат эмаслигини у ҳам яхши билади. Асадбек билан турмуш қуриб оч, ялангоч қолмади. Эри ичиб келиб, уни дүпосламади, кучага ҳайдаб чиқармади. Бирин-кстин болалар туғилишди. У эрининг «қимор уйнамайман», деган сүзига ишона борди. Эри кеч қолса жойнамоз устида кутмайдиган булди. Уйда ҳамма нарса түкин эди. Аммо унга нимадир стишмасстандай бұлавсрарди. Баҳтсизлик фақатгина камбагални таъқиб этмайди. Бойлар баҳтсизликни узлари ссзмаган ҳолда чақириб оладилар. Камбагал баҳтсизликдан күпам қуймайди, унга күникиб қолған. Аммо бойларнинг баҳтсизликка чидашлари қийин. Камбагал учун арзимас бир гап бўлиб кўринган ҳар бир нарса бойлар учун беқисс баҳтсизликдай туюлади...

«Қизимнинг эрига кўнгли йўқ, — деб уйлади Манзура. — Фарзанд кўрса балки дили юмшар... Ҳозирги қизларда сабр деган нарса йўқ, тавба...»

Қизи ўқишига бормаётганини айтганида Манзура «узинг биласан», деб қуйган эди. Бугун кслиб индамай утираверишини кургач, «ўқишингга борганинг дуруст экан, қизим, дутоналарингни қуриб кўнглинг ёзилади», дсди. Зайнаб бу гапни эшитмагандай жавоб қайтартмади. Айвоннинг уймакор устунига суюниб, ҳовлига уйчан тикилиб тураверди.

Зайнаб шу ҳовлида Кумуш бўлиб яшаган эди, хаёлидаги Отабеги уни шу ҳовлида қучган, сноғидан бўса олган эди... Энди назарида бу ҳовлидан нур қочган, гунчалари тулиб эрта-индин куз очаман, деб турган атиргуллар ҳам хунук, мармар фаввора ҳам ўлик... Қуёш бор-у, файз йўқ, хонадон қоронғу. Хоналарда ҳаст кезиб юрибди, аммо баҳт йўқ...»

Фақат болохона... Бахт уша срда беркинганми?.. Унинг күнгил қўйгани уша срда. Орзулари дафи ётилган бу хонадонга фақатгина уни кўргани келади. Кўриш насиб этса, кўнгли баттар эзилиб, уйига қайгади. Ҳомиладорлигини билганидан бери эри уни бошида кутариб юргудай бўлади. Элчин уни суйиб-кучгани сайин у Жамшидни кўпроқ ўйлайди. Елғиз қолганида тулишиб бораётган қорнига қараб, ҳали туғишмаган бўладан нафратланади. Назарида уни бахтсиз қилган, умидларини чил-чил синдирган — шу бола. Хайриягчи, нафрат қўзиган пайтда оналик мсҳри ҳам уйғониб, уни ёмон хаёллардан қайтаради.

Манзура қизидан кўз узмай, хўрсинди.

— Ётиб қола қол, қизим, — деди ўксик овозда.

Зайнаб онасининг дили пора-пора бўлиб кетаётганини созмади. Ҳовли узра бемақсад кезиб юрган нигоҳини йигиб, унга қаради.

— Бугунча қола қол, — деб тақорлади Манзура.

— Йўқ, кетаман, — у шундай деб ҳовлига тушди. Чиқиб кетгунича болохонага икки-уч қараб қўйганини Манзура сезди.

Зайнаб уйига қайтди-ю, бепосн саҳрода ёлгиз ташлаб кетилган бечора ҳолига тушди.

Кунни эринчоқлик билан ўтказган қуёш энди уфқадаги булутлар четини қизартириб ботмоқда эди. Осмонни безаган бу манзара алдамчи, булут чистлари қизил эса-да, бағри қора эди.

Ҳаёт остонаяда кутмайди. Қуёш ботиши билан бу бағри қора булутлар чақин чақиб, бостириб келади. Дов-дараҳтни савалаб ўтиб кетгач, юлдузлар чараклайди. Сунг яна қуёш чиқади. Баргларда илиниб қолган томчилар жавҳар сингари ялтиллайди. Аммо Зайнабнинг хуфтон дили бундан ёришармикин? Айрилиқ дарди енгилиб, умид гули очилармикин?

Қуёш ботмай туриб, кўз унгидаги борлик хира тортиди.

Елғиз... Нидо йўқ... Гуё қуёш барчани ўлимга маҳкум этиб, видолашиб кетаётгандай. Тор кўкрагига банди юраги беҳаловат тепади. Тепиб-тепиб кўкрак қафасини синдириб қочиб кетгиси келади. Бу вужудини тарқ этмоқни истайди. Тарқ этолса ўтли ҳасратларнинг фифонлари мангуликнинг сукутига гарқ була олармикин?

Бу хонадонга қадам босиб келганидан бери унинг ҳаёти пуч хаёллар зиндонига беркилди. Беркилди-ю,

қулғұ-кашити бирорнинг қулида қолди. Топишган тақдирларида тулин ой ва осмон сингари бұлар эдилар. Энди осмон тулин ойсиз тунд булып олган. Дил қоронги. Дил огрийди. Күз өши худди өмгир... Күзларни өшкүйдиради...

Уининг дардига ким шерик булиши мүмкін?

Зайнаб бу тун өлгиз қолишини, өлгизликнинг тесмир тирноклари орасида азоб ческишини биларди. Элчин «бир-икки күн уйингизда туринг», десб кетди. Шу гапта биноан уйга борган эди. У ерга ҳам сиғмади. Елғизликтан құрққани ҳолда өлғизликни истади. Ҳозир эса қаेққадир боргиси келди. Ким биландир гаплашгиси келди. Таниш-билишлари күп. Остона ҳатлаб кириб боргудай бұлса, қучоқ очиб кутиб олгучи яқинлари күп. Аммо қай бири уининг дардини тушунади? Қай бири «қүй, уша отарчи эрни, сүйганинг билан бул», дейди. Ҳеч ким айтмайди. Аксинча, «Сабр қыл, шайтон йулига кирма», дейишиади. Насиҳат қилишади. «Кимга хасратингни айтсанг, дардингни олиш үрнига, бирданига донишмандға айланадио бисотидаги насиҳатларини сочиб ташлайди, — десб үйлади Зайнаб. — Насиҳатгүй ақли бутунлар мунча күп бўлмаса, бу дунёда. Дардкаш мунча кам...»

Зайнаб үзини үзи чалғитиш учун ошхонага кирди. Бир үзи учун овқат қылғиси келмай, ҳовлига чиқди. Дарвозага қаради. Эшик қия очиқ. Кимдир кириб келгандай... Ким келди?

Уйга кирди. Телевизорни сұқди. Юмшоқ үриндиққа үтириди. Умид билан аввал дарвозага, кейин телевизонга қаради. Нима учун уйига қайтганинг сабабини у ҳатто үзидан ҳам яширмоқчи булади.

Елғизлигіда бир мартагина күча эшиги очилице, У кириб келди. Шундан бери неча марта күз тикади. Кутгани келмайди. Бу кеч келармикин? Уининг илинжи шу.

- «Үзича келмайди, бир баҳона билан чақир.»
- «Шарманда... Шарманда...»
- «Ешлик ва гул... Икковининг умри қисқа булади. Буни билғанлар юришибди ялло қилиб. Сен-чи?»
- «Шарманда... Шарманда...»
- «Менинг эрим борми? Ким у? Номусимни булғаган одамми? Агар энди мен унга хиңнат қылсам, уининг номуси булғанадими? Фалончининг хотини...»
- «Вой, шарманда... вой, шарманда-с...»

— «Мен унинг номусини ўз кўз ўнгига булғайман, деб қасам ичғанман. Худо уни шол қилиб қўйсинг. Ана ушандаги дайди итни бўлса ҳам бошлаб кела-ман, кўз олдида...»

Зайнаб шу қасамини эсласа ростдан ҳам умиди ушалгандай этлари жимирилашиб кстади. «Шу иш қўлимдан кслармикин?» деб иккиланади.

Аёл қасам ичмасин. Қасд қилдими, шайтон тўрига ураладио оқибатда унга Худо ҳам бас кслолмас.

— «Чақир уни...»

— «Нима деб чақираман?»

— «Баҳона топ.»

— «Уяламан.»

— «Бирпас гаплашиб ўтириш мумкин-ку? Масалан... Ака-сингил сингари. Уни чақир, сен ёлгизсан. Сени қўриқлаши лозиммасми?»

Шу тарздаги узоқ олишувдан сўнг унинг қули телс-фон сари узатилди.

#### 4

Жамшид кўнглига ёққан жувон билан бир ксча-кундуз қолиб кетди. У жаннат ҳурлари билан яшаётганидай лаззат қилиб, Бек акасининг йўқлаб қолиши мумкинлигини ҳам унуди.

Асадбек йўқлатган пайтда у ўйнашини тарқ этиб, йўлда келаётган эди. Болохонага чиқиши билан йигитлар хужайин йўқлаганини айтишди. Шу пайтда телс-фон жиринглади. Жамшид «Бек акамдир», деб гўшакни кутарди. Кўнгироқ қилган одам дарров гапира қолмади. Жамшид учинчи-тўртинчи марта «алло!» дегач, Зайнабнинг ҳазин овози эшитилди:

— Зайнабман... Ҳовлида бирор юрибди. Қўрқяпман...

Жамшидинг шошилиб ўрнидан туриши учун шу хабар кифоя эди. Кейин айтилган гапларнинг мағзини у йўлда кетатуриб чақмоқчи бўлди. «Куча эшиги очик турибди... Мошинангизни катта кўчага қўйиб кслинг...» Бу гапларга тушуниш унчалик қийин бўлмасада, Жамшид ҳақ жавобни олишни истамади.

У Зайнабнинг қараашларидаги сирни билмас эди, десак, сизни алдаган бўламиз. Аёл зотининг қараашларини тушунмайдиган эркак борми узи бу дунёда. Жам-

шид қамоқдан чиққанидан бери асл зотининг турли тоифасини курди. Уларни қузларига қараб, чиндан сўйиб эркалаяптими ё эрсираб қолганми, ё дарди пулми, дарров билиб олади. Зайнабнинг қараашлари эса... бошқача эди. Зайнабнинг муҳаббатини тили тиш ҳатлаб ошкор эта олмасди, бироқ қузлари «севман!» деб дод соларди. Жамшид бу додни кўзи билан кўриб, юраги билан эшитарди. Аммо бу фарс ўнинг қалбини ларзага солмасди. Чунки ўнинг юрагидаги муҳаббат туйгусини ўсмилик чоғидаги аслнинг уша найранги бугиб улдирган эди.

У Бек акасига содик эди. Бек акаси учун, хусусан, шу қиз учун жони лозим бўлса, бсрарди. Аммо қизнинг бу сирли қарашига банди бўла олмасди.

Шаҳар кучаларидан машинани учириб ҳайдаб «балки бормаганим маъқулдир. Ҳали ҳам қайтиб, Равшанни юборайми» деб ҳам уйлади. «Эри қаёқда экан? Балки боргунимча кслиб қолар...» деган фикрда изига қайтмади. Элчиннинг Фарғонага кетганини билганида балки қайтар, шу билан ташибилардан қутулиб қолармиди...

## 5

Асадбек, Шариф Намозов чиқиб кетгач, уйига қайтмоқчи эди. Чувринди эски маҳалладаги «амри маъруф»га таклиф этилганларини эслатгач, ноилож кўнди. Жалил бошлаб кслган чоллар «маҳаллани бузлиришга йўл қўймаётган эмишсан», деб костишганидан бери эски маҳалласига ўтмаган эди. «Бормасам аразлабди, дейишмасин», деган фикрда йўлга чиқди.

Болалиги ўтган уйдан икки эшик нарида одамлар тўпланиб туришган эди. Машинани бсрироқда тўхтатиб, гушишлари билан тўпдан бир киши ажралиб, улар томон юрди. Асадбек Жалилни таниди.

— Қараб тур, ҳозир сасишини бошлайди, — деди Чувриндига.

— Ҳўп десяверасиз-да, — деди Чувринди кулимсираб.

— Бу маҳаллада ҳам одамлар туришини билармидинг? — деди Жалил салом-алик қилмай. — Куттириш ҳам эви билан-да. Беш яримга кел, дегандан кейин кел-да. Омонисан, узинг ишқилиб?

— Ака, хизматчилик-да, иш чиқиб қолди, — деди Чувринди, Асадбек ўрнига жавоб бериб.

— Яхши ҳамки «иш-ш-ш» дейди. «Хих!» деса думингни тутқазмас экансан-да, а? — деди Жалил, гапни

ҳазилга буриб. — Юрақол, Собитхон маъруза қиляпти.

Құқонга кестиши қаралған экан, зурлаб олиб қолдик.

— Құқонда нима қиласы экан? — деди Асадбек.

— Ота-онаси ҳозир үша срда туаркан. Отпускага чиқибди. Бир ой уйида туар экан.

— Имомлар ҳам отпуска қиласы эканми? — деб кули Асадбек.

Асадбек ҳовлиға үрнатылған товуш күчайтиргичдан келаған майин овоз эгасини Жалил айтмаған таниған эди. Асадбекни воиз утирган уйға эмас, «нозик одамлар» учун ажратылған хонага бошлашды. Жалил билан Чувринди унга ҳамроҳ булишди.

— Зүр гапиради-да, — деди Жалил, чой қайтариб.

Собитхоннинг маърузасини Асадбек икки-учи әшитған, таклифини рад этгани учун уни өмөн күриб қолған булса-да, нутқ сұзлашига тан берган эди. Шу сабабли ҳозир Жалилга әътибор бермай, қорининг сұзлағы қулоқ тутди:

— Шундай қилиб, ҳазрат Али, Розияллоху анху, қилич ҳам тақмай, совут ҳам киймай, оддий кийимда Зубайр томон юрдилар. Бориб қарасаларки, Талха ҳазратлари ҳам мукаммал қуролланған ҳолларыда тайғер турибдилар экан. Ҳар иккىларининг яқынларига бориб, уларға қараб: «Умримга қасамки, сизлар одамларни, отларни жангта тайғер ҳолга келтириб қўйибсизлар. Бироқ, қиёмат куни Оллоҳ табарока ва таоло ҳузурига борганингизда унга айтадиган узрларингизни ҳам тайғерлаб қўйдингизми? — дедилар. Сунг уларни шайтон йўлидан қайтармакни истаб яна шу гапларни айтдилар: — Оллоҳдан қўрқинглар, бундай бемаъни урушга бел боғлашдан тийилинглар. Үзи аввалда махкам этган арқонни үзичувалаб ташлайдиган кимса каби бўлманглар. Буюк ислом жамоатини барпо этишда бениҳоя хизмат этган эдингиз. Эндиликда уни парчалаб ташловчи кишилардан булиб қолмангиз. Сизларнинг бу ишингиз Ислом жамиятини қиссматга қадар бирлаша олмаслик фитнасига гирифтор этмасун, үзимиздаги ички адоваратга барҳам бормасак, ташқи душманлар бизни тезда мағлуб этажак. Биз мана шундай мағлубият аламига учрамаслигимиз даркор. Биз ички тортишувларни ҳал этмай, үзаро биродаркушлик оловини өқиб юборсак, келажак авлодларимиз учун гоятда улуг хиёнат қилған бўламиз. Куч фақат бирликдадир. Қайси миллат бирлигини йўқотса, үша миллат келажаги учун қайғурмаган, үзига ҳалокатни лозим этиб ол-

тан бүләди. Орадаги ихтилофни Оллоҳнинг улуг китобига ҳамда Оллоҳнинг муборак пайғамбарининг курсатган йўлларига амал қилган ҳолда бартараф этмоғимиз даркор...»

Собитхон мулојим овози билан барчанинг хаёлини угиrlаган эди. Хизматчилар шарпасиз юришга урина-дилар. Зарур гапи борлар бир-бирлари билан пицирлашиб муомала қиласидилар. Асадбек Собитхоннинг шу фазилиати учун ўзи қурдираётган масжидга имом булишини истаган эди. Бу «манман қори» эса рад этди. Асадбек фақатгина имомнинг ширали овозига маҳлис булмай, айтаётган гапларининг мазмунидан маст ҳам эди. Худди бирор келишидан аввал имомга «Асадбек-нинг юрагида шундай яширин дард бор», дегану Собитхон атайин шу мавзуда маъруза бошлаган. Суҳбат ниҳоясига стгандан сўнг ҳам издиҳом аҳли воизнинг сўзлари таъсирида бироз жим ўлтириди. Асадбек совуб қолган чойига қараб ўйга ботди. «Бирлигини йўқотган миллат кслажаги учун қайғурмаган бүләди... Биз-ку, бирлаша олмаймиз. Сиссатчиларга нима бало бўлган? Биз пул талашамиз. Дардимиз ҳам, имонимиз ҳам пул. Уларнинг имони — амал. Ҳайдарнинг гапи тўғри. Ҳақиқат, миллат, деб валдираётган хунасаларга биттадан «Волга» берилса овози учади. Биттаси ўзимизнинг депутатми...»

— Чойингни янгилаб берай, — деди Жалил, Асадбекнинг хаёлини тузитиб. — Вақтлироқ келганингда зўр гапларни эшитардинг. Энди ҳамманинг Худодейдиган вақти келибди, ошнам.

— Вақт утди, десанг-чи... Биз-ку, Худо дермиз-а, лскин... Худо энди бизни бандам дермикин?

— Дейди, нимага демас экан? Беш вақт намоз ўқиганнинг ҳамма гуноҳидан кечаркан.

— Беш вақт намоз старли бўлса зўр-ку? — Асадбек шундай деб ҳазин жилмайди. — Собитхоннинг гапига қараганда менга ухшаганлар кунига эллик маҳал намоз ўқиса ҳам гуноҳини ювишга қифоя қиласкан.

— Қанақа гуноҳинг борлигини биласанми? — Жалил «шу гапларнигни дилдан чиқариб айтяпсанми?» десгандай унга тикилди.

Кестма-кест овқат киритилавериб суҳбатнинг бслига тепди. Ҳозиргина мазмунли маърузага маҳлис булиб утирганлар бир неча нафас ичида қорин бандаларига айландилар...

Асадбек уйига хуфтонга яқин кириб келди.

— Эрталабки самолётда кетамиз, — деси у ҳовлига кириб келгач. — Чиқиб сүра-чи, Жамшидни топишшибдими?

Чувринди болохонага чиқиб, дам утмай қайтиб тушди.

— Кслган экан, Зайнаб чақирибди.

— Нимага чақирибди?

— Сабабини билишмайди.

— Кетмай тур, — Асадбек шундай деб уй томон тезтэс юрди. Рупарасидан чиққан Манзуранинг саломига алик олмай, саволга тутди. — Қизинг қани?

— Уйида, — деди Манзура, хавотирланиб. — Нимага сўрайapsиз? Ҳали келиб кетувди.

— Куевинг йўқлигини билармидинг?

— Йўқ... айтмади-ку?

— Ҳе, ношуд. — Асадбек шундай дсийишга десдию кетидан ўзича «мен айтмаган бўлсан, қаердан билсин», деб уни оқлаб ҳам қўйди.

Жамшид Зайнабниги кетди, десганда дастлаб кунглига хавотир оралаган эди. Ҳозир куёви йўқлигини эслаганида бирданига шубҳа уйғонди. Хотинига бошқа гап айтмай, уйига кириб, телефон гушагини кутарди-да, рақам терди. Нариги томондан анчагача жавоб булмади. Гушакда эшитилаётган узун дудудлаш уни дам хавотир, дам шубҳа чоҳи сари тортарди. Ниҳоят, жавоб бўлди. Қизи йигламсираб, озгина зарда билан «Ҳа» деди. Асадбек гапирмай туравсрди.

— Ҳа, гапиринг! — деди Зайнаб зарда билан. Кейин гушак қўйилди.

Асадбек яна рақам терди. Яна шу ҳол такрорланди. У қизига нима дейишни, шу топда нима қилишни билмасди. Мияси қизиб уни фикрлаш қувватидан маҳрум этган эди. У қайта-қайта рақам тераверди. Бесинчи ё олтинчи мартасида гушакни Жамшид олди! Шундан кейингина Асадбек хаёлини жамлади. Шошилиб ҳовлига чиқди-да, сигарет чекиб турган Чувриндига қисқагина буйруқ берди:

— Кетдик!

Чувринди қаёққа, деб сўрамади.

Жамшиднинг машинасини Элчиннинг уйи олдида эмас, тор куча бурилишида курган Асадбек ажабланиб «Тұхта», деди. Пастга тушиб машина атрофида бир

айланиб чиқди-да, Чувриндига «Сен шу срда тур», деб, узи күсвининг уйи томон юрди.

Күча эшик қия очик эди. Асадбек худди үгридек ичкарига бош суқиб чироқ нури тушиб турган дсразага қарали-да, узидан узи уялди. Ёшлик кезлари Кесакпол-вой билан бирга үгриликка боргудек бұлса ҳам бунақа ишларни Асадбек сира уддалай олмас эди. Ҳозир уни ташқаридан кузаттан киши үгрилик оламида атак-чсчак қиласттан бола бұлса ксрек, деб уйлаши мумкин эди.

Күнглида дастлаб уйғонған хавотир әңди йүқолған, аксиинча шубҳа күтігә кириб шармандалик сиртмоги билан бүйнини бұға бошлаган эди. Қизи йүқолганида, сунг тошилганида, сунг ҳомиладорлыги ошкор бұлганида шармандалик олови уни күйдирмаган эди. У дамда күпроқ үзини айблаган эди. Қизининг юзини шувит қылмаслик учун шу отарчини күев қилиб эди. Шу ма-салада янглишдими? Қизи шунчалик... Бу фикрнинг үзиңк юрагини музлатиб қўйгандай булди.

Шубҳага банди бұлган ҳолда изига қайтишни истамади. У үзини мажбурлаб, ҳовлига кирди. «Емон нияти бұлса эшикни очик қолдирамиди?» деган фикр күнглига сал өруглик олиб кирмоқчи бұлганида «Эсидан чиққандир...» деган гумон яна қора чодирга уради. Асадбек аста юриб кслиб дсразага яқинлашди. Буй чўзиб ичкарига қарашга юраги дов бермади. Ичкаридан дам Зайнабнинг, дам Жамшиднинг овози келиб турар, құшқават дсраза ойнаклари ичкаридаги гапларни үгри мушукдай пойлаб турган одам қулоғига стишига йул бермас эди. Дсраза қия очик бұлганида балки олам гулистон эди. Асадбек буй чўзиб мураламас, үзича бир хulosага кслиб, машъум ҳукмни чиқармас эди.

У дсразадан муралаган онда Жамшид үрнидан турди. Зайнаб эса унинг бүйнига осилди... Асадбек бу манзарага қараб тура олмади. У аввалига бостириб кирмоқчи ҳам булди. Аммо үз қизининг шармандалинин фош этиш унинг учун оғир эди. У шармандалик юкини елкасига оргиб, ҳовлига қандай шарпасиз кирған бұлса, шундай чиқди. Эшик оғзидан дарров узоклаша олмади. Беш-үн қадамни юрак тұлғогида босди. Сунг бир қарорға кслиб, тез-тез юриб кетди.

Чувринди тор кучадан күз узмай турган эди. Асадбекнинг аста ичкари киргани, бир исча дақиқадан сунг чиқиб, оғир қадамлар билан юрганини ҳам күрди.

Бек акаси қадамини тезлатгач, машина моторини ут олдириб, юришга тайёр булиб турди. Асадбек машинага утириши билан «үйга» деб буйруқ берди. Чувринди нохуш воқса юз берганини сезди-ю, бирок «нима гап экан?» деб сұрамади.

Асадбек ҳовлига кира солиб, Манзураны чақирди:

— Қизингга телсөфон қыл, тайёр турсин, бориб олиб ксл, — десди.

— Сиз... бормадингизми? — деди Манзура үсмоқчилаб.

— Мен нима қиласман у срда? Башқа ташвишим йүқми?! — десди Асадбек, ұдагайлаб, Манзура шошиб чиқмоқчи булганида тұхтатди: — Телсөfon қыл, десдим.

Манзура «шартми» дегандай қараб қүйди-ю, аммо буйруққа итоат этди. Башқа пайт булганида шарт эмасди. Асадбек Жамшиднинг тәсроқ чиқиб кстишини истаб шундай деб буюрди. Ҳолбуки Жамшид у билан изма-из уйдан чиққан, Асадбек машинаға стай десганида орқасидан күрган, «Бек акамми ә башқа одамми?» деб тусмол қылган эди.

Манзура билан Чувринди кетгач, Асадбек болохонага чиқди.

— Ҳайдар аканғни топ. Нариги дүнсіда бұлса ҳам ҳозир етиб келсин.

Ярим соатдан сұнг ҳовлида Манзура овози эшитилди. Сұнг Чувринди болохонага чиқди. Бир соат десгана Кесакполвон пайдо булди. Асадбек иккі айснини бошлаб пастға түшди. Майдалаб әмғир әға бошлаган эди. Осмонға қараб, юзини әмғирға тутди.

— Ҳайдар, Шилемшиқ үлдирилған жой эсингдами? — деди осмонға қараган ҳолда.

— Эсимда, — деди Кесакполвон.

— Қандай үлдирилғани-чи?

— Эсимда.

— Шу ишни такрорлаш керак, қулингдан ксладими?

— Кимни?

— Эрталабгача бажарасан. Кимлигини айтганимда «нима учун?» десган савол бермаларинг. Кавказликларинг тайёрми?

— Ҳа.

— Иккала үлимни бүйнига олсин.

— Кимни?

— Жамшидни...

Кесакполвон ҳайратланиб Чувриндига қаради. Чувринди ҳукмга нима сабаб булганини тахминан биларди. Шу боис Кесакполвоннинг савол назарига жавоб бермай юзини бурди. «Балки абллаҳлик қилгандир. Лекин дунёда ундан бешбаттар абллаҳлар яшаб юрганида у ҳам тирик қолса буларди», деб уйлади. Аммо фикрини тилига чиқариб ошкор этмади.

Йигитлар ичида садоқати билан ажралиб турувчи Жамшиднинг үлимга маҳкум этилишини Кесакполвон ҳазм қила олмади. Бунақа пайтда қарорнинг мұхокама этилиши ман қилинган бұлса-да, суради:

- Нимага?
- Ишинг бұлмасин, айтдим-ку...
- Бек, эрталабгача үйла.
- Эрталабгача буйруқни бажар.

## 6

Жамшид тор күча бошида кетағтган одамни Асадбекка үхшатиб, юраги бир ҳаприқди. Ҳаяжонини босиш мақсадида чүнтагидан сигарет чиқариб чекди. Шу пайт ҳовли томондан қадам товушлари эшитилди. «Эргашиб чиқялтими?» деб үйлаб орқасига үгерили. Эшик зичлаб еспилиб, калит буралди. «Бу еги қизиқ булди-ку?» Жамшид шу фикрда дарвозадан аста узоқлашды. Тор күча бошига стганида орқасига үгерили — күча кимсасиз эди.

У учун Зайнабнинг руҳий ҳолати бсона эди.

Зайнаб құнғироқ қилиб чақиришга чақирди-ю, уятдан сиңиб кетди. Дарров ҳовлига чиқиб күча эшикни қулфлади. Бир неча нағасдан сұнг уят алансаси пасайиб, яна шайтон йүриғига кириб эшикни қия очиб қўйди.

Жамшид одати бүйича индамай кириб келди.

- Тингъликми? — деди үйга кириб.
- Тингълик... биров юрганга үхшади, қўрқдим.
- Ҳофиз акам қасрдалар? Тўйга кетдиларми?
- Ҳофиз акангиз... — Зайнаб «акангиз» деган сўзга пичинг билан ургу бсрғанини узи ҳам сезмай қолди, — Фаргонадаги тўйга кетганлар.

— Кеннайимни олиб келайми, ё үзингни олиб кетайми?

«Қани эди олиб кетсангиз... узоқларга... фақат иккаламиз яшайдиган жойга... Атрофимизда ҳеч ким булмаса...»

— Бирпас утириңг, чой ичинг.

— Майли, бир пиёла ичай.

Жамшид үзини мажбурлаб утирди. У Зайнабнинг асл мақсадини билмас эди. Аниқроқ айтилса, гумонининг ҳақиқатга айланиб қолишини истамади. Бир пиёла чойга иккинчиси, учинчиси... уланди. Жамшид камгап, кузлари ҳам хотиржам боқарди. Бу чироили кузларда ишрат учқунлари ёнмас эди. Эркак томон ташаббус курсатмагандан сўнг асл кишига қийин экан. Зайнаб — қизлик орзулари топталган маъсума — иффатини ўзи топтамоқقا ожизлик қилмоқда эди. «Олов темирни эритгани каби ошиқ юрак тафти тош қалбларни эритгай», дейишарди. Наҳот Жамшиднинг қалби тошдан ҳам қаттиқроқ булса?..

«Илон чақса менга унинг заҳри кор қилмайди, аммо жонимнинг чиқиши учун бир қис боқишиниг кифоя»... Қайси бир кинода йигит күйиб шундай ашула айтган эди. Ажаб, йигитлар қизларнинг биргина қис боқиши учун улиб-тириладилар. Бу тошюрак эса... Е бу «Ёр азоби мен учун фароғат», дейдиган тоифаданми? Зайнаб уни суҳбатга қандай торгишни билмай, хаёлига келган майда-чуйда гапларни қайтармасдан айтаверди.

Жамшид жувоннинг ҳаракатини кузатиб, гапларни эшитиб, онда-сонда бир жавоб айтиб утираверди. Яхши ҳамки бу срга келишидан олдин бир кечка-кундуз айш қилди. Йўқса, шайтонга ҳай беролмай қолсами... «Ўзингни бос... Синаётган бўлса-чи?.. Балки акасидай кўрар мени... Аёл киши чақирса мақсади фақат... Шу бўладими?»

— Нима учун мени шу одамга беришди, биласизми? — Зайнаб шундай деб қаттиқ тикилди. Шу пайтгача кўзларнинг тўқнашувидан чучиётган эди. Бу сафар ҳеч тап тортмай тикилди.

Жамшид дарров жавоб бермади. Сўнг гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди:

— Бек акам «нимага?» деган саволни ёмон курадилар. Акамга «хўп бўлади» деган кўпроқ ёқади.

Бу ҳазилдан Зайнабнинг зардаси қайнади:

— Сиз... қулмисиз?

Мазкур саволдан Жамшиднинг ҳам зардаси қайнади. Аммо үзини мажбур қилиб кулди:

— Қул эмасман. Ишимиз шунаقا. Ҳамма «нимага?» деб сурайверса, ақл ўргатаверса иш юришмайди.

— Адамдан суралмаган булсангиз, узингизча ўйламадингизми?

— Бу гапларни құзғама. Бек акам янгишмайдилар.

— Ҳа... янгишмайдилар... Менни ким үғирлаган, биласизми?

Жамшид «Ҳа», десса яна саволлар үқига дучор булишини билиб, индамади.

— Билмасмидингиз?

— Құйсанғ-чи шу гапларни.

— Билмасмидингиз?.. Сиз.. писмиңсиз!.. Сиз менинг одам эканимни биласизми? — Зайнаб шундай дес турив йиглаб юборди.

Айни пайтда телефон жириングлади. Зайнаб телефон томонға бир қараб, қулинни силтаб қўйди-да, гапини давом эттириди:

— Менниң үрнимда ҳайвои бўлганида хўрланишига чидолмай, ҳеч бўлмаса үкиради. Эгасининг раҳми келарди, эгаси хурлатиб қўймас эди.

Телефон жиринглашини қўймагач, гушакни зарда билан кутариб «Ҳа!» деди. У томондан жавоб булмади. Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, Жамшид «Тухта, бирор майнавозчилик қиляпти шекилли», дес гушакни кутарди. Унинг бу хонадонга келиши ҳукм сари қўйилган биринчи қадам бўлса, бу иккинчиси бўлди. Учинчisi, энг асосийси эди...

Зайнаб ҳасратларидан бир чимдимни айтиб снгил тортгач, жим бўлди. Унинг үксиб, хурсиниб йиглаши Жамшидга онасини эслатди. Ҳакам ҳукмни үқиб, Жамшид қулига кишан солинганида онаси додлаб юборган эди. Тсмир панжарали машинага олиб чиқишаётганда милиса йигитлар кўнгилчанлик қилиб қоидани бузишса ҳам икки-уч дақиқага уларни ҳоли қолдиришганди. Ушанда онаси хурсиниб-хўрсиниб йигланган эди...

— Зайнаб... мен ҳаммасини биламан, — деди Жамшид бошини эгиб

— Мен аёл бўлсам ҳам ундан уч оламан.

— Сен синглимсан... Сен учун мен уч оламан... Қасам ичаман... Агар сенни ҳимоя қиласиган эркак зоти қирилиб битса узинг уч оласан...

Ана шу гапдан кейин Зайнаб үрнидан турив кслиб, Жамшидни бўйнидан қучиб, упиб қўйди... Учинчи ҳал қилувчи қадам шу эди...

# ХОТИМА

## ЕҲУД ИККИНЧИ КИТОБНИНГ ДЕБОЧАСИ

ЗОҲИД

1989 йил 29 май

Уша жой, уша дараҳт, уша манзара. Фақат мурда бошқа. Машина бошқа.

— Бизнинг гуллигимизни таъкидламоқчи бўлишганми? — деди майор Солисв.

Зоҳид қотиллик ҳақидаги хабарни эшишиб йўлга чиққанида айнан шу ер, айнан шу дараҳт деб ўйламаган эди. Манзарани куриб, ҳайратда турганида майор шу саволни бсрди. Зоҳид унга жавоб бсрмай мурдага тикилди.

— Айнан үшандай эмас, — деди ўйчан. — Ҳозирча иккита фарқ бор Биринчиси мошина ӯнмаган. Бунинг урнига мурдани չқишиганди.

— Бунинг ҳам бойлигига тескишмабди, — деди машина ичини титасстган Ҳамдам Толипов. — Анча-мунчча пул. Безаклар бор экан. Йигитлар ҳисоблашяпти.

— Узаро урушнинг бошланганими бу? — деб суради Зоҳид майордан.

Солисев слка қисиб қўйди.

— Ҳали вақт бор эди. Қайдам?

— Бизнинг ишимизни осонлаштиришми Ҷамшидни мақсадлари?

Бу саволга майор Солисев жавоб бера олмас эди...

ЭЛЧИН

1989 йил 1 июн

Жамшидни Чувриндининг уйидан чиқариши.

Зайнаб унинг ӯлими ҳақидаги хабарни эшишиб-ю, эси оғиб қолаёзди. У отасининг пойлаб келганини, фожиа унинг амри билан юз бсрганини тасаввур ҳам қила олмас эди. Зайнаб туни билан мижжа қоқмади. Туни билан Жамшид унга ҳамсухбат бўлди. Жамшид илгаригидек жингалаксоч эмас, соchlарини олдириб бошига дўппи кийиб олган, янада хушруйлашган Отабск эди. Улар қилвир соchlари майин титраётган мажнунтол панасида, тўлқинчалари ой нури билан уйнашаётган ҳовуз бўйида бир-бирларига роз айтдилар...

Қизини пойлаб Манзура ҳам бу тун ухламади. Зайнаб ҳовли уртасида ҳаракатсиз туриб қолганида Манзура зийрак эди. Қизига тикила-тикила кузи толиқди. Шошқалоқ хурозлар қичқира бошлаганида гафлат босибди. Несча дақиқа кузи илинди, билмайди. Чучиб кузини очса — Зайнаб йүқ. Манзура утирган срида «Зайнаб!» деб чақирди. Жавоб бўлмади. У «Вой, шўрим!» дсганича ҳовлига оёқяланг ҳолда югуриб чиқди. Ошхонага олиб борувчи усти бсрк йўлакда осилиб турган одам қорасини куриб дол солди. Яхши ҳамки Яратган унинг хушини олмади — югуриб бориб қизининг о‘қларини қучоқлаганича юқорига кутарди. Бу орада болохонадаги сергак йигитлар тушиб, арқонни счишди.

Орадан бир неча соат ўтгач, ҳовлига Элчин кириб келди. Уйида Зайнабни кўрмагач, «онасиникидадир», деб шу срга келган эди. Субҳи содикдаги даҳшат турдан қутилмаган Манзура уни дардли нигоҳ билан қарши олди.

— Зайнаб шу срдами? — деган саволига «Ҳа», деди-ю, ичкарига таклиф қиласайинми ё йўқми, деб иккиланди. Охири бир қарорга келиб: — Етибди, тоби йўқроқ, — деди.

Зайнаб каравотда сочлари паришон ҳолда, кўзларини бир нуқтага қадаб ётар эди. Манзура қизига қараб туриб хўрлиги келди. Пастки лабини тишлаб, йиғлаб юбормаслик учун ташқарига чиқди.

— Нима булди? Тузукмисиз? — деди Элчин.

Зайнаб унга бир қараб олгач, кузини шифтдаги яна уша нуқтага қадади:

— Мен... үзимни улдирмоқчи эдим... — деди Зайнаб хаста овозда.

Элчин нима дейишини билмай гангиб қолди.

— Мен... яшашни истамайман... Жамшид акамнинг синларига боришни хоҳлайман...

— Жамшид? Қайси Жамшид?

— Жамшид акамни улдиришиди. Мен Жамшид акамни яхши кўрардим. Худодан яширмаганни сиздан яширмайман... Худо жонимни олмади. Болангиз тугилганидан ксийин... мени улдиринг!.. Мен... Сизга хиснат қилдим...

— Йўқ! — деди Элчин титраб.

— Эркак бўлсангиз, мени улдирасиз...

— Йўқ! — Элчин бу сафар қаттиқ бақирди. Зайнаб шифтга қадаган нигоҳини узиб унга қаради.

— Улдирасиз... — деди пичирлаб.  
Манзура кириб, Элчиннинг енгидан аста тортди.

— Сизни чақиришяпти.

— Зайнаб, бу гапни миянгиздан чиқариб ташланг, ишонмайман! — деди Элчин, орқасига тисарилиб.

Катта хона уртасида Асадбек билан Кесакполвон тик турган ҳолда гаплашишарди. Элчин кириб келгач, Асадбек дарғазаб кўзларини унга қадаб, тик босиб келди.

— Жамшидда нима қасдингиз бор эди?! — деди у титроқ овозда.

— Жамшидда? — Элчин довдиради. — Нима бўлди ўзи, ҳозир эшитдим...

Гапини тутатишга улгурмасдан Асадбек уни гирибонидан олди.

— Жим юргин деганмидим? Қасосингни олган эдинг-ку?

— Бек ака, аввал гапимни эшитинг. Ҳозир Фарғонадан келяпман, ахир.

— Ҳайдар, Шилемшиқ қандай улдирилганини курганмидинг? — деди Асадбек уни қўйиб юбормай. — Айт бунга, кўрганмидинг?

— Кургандим.

— Жамшидни-чи?

— Курдим. Ўша дарахтга осиб, ҳалигиси кессиб ташланиби.

Асадбек Элчиннинг гирибонидан қулини олди-ю, ўша заҳоти жағига мушт туширди. Элчин гандирақлаб кетди. Ўзини ўнглашга улгурмай Кесакполвоннинг тепкисини сди. Асадбек ғазаб отига миниб тамоша кўрсатмаётган эди. У Жамшиднинг улимида Элчинни чиндан ҳам айбли деб санади. Назарида Элчин дайдиб кетмай уйида утирганида, хотинига яхши қараганида бу кўргуликлар йўқ эди...

## АСАДБЕК

1989 йил 6 июн

Аср намозига аzon айтилган дамда Асадбекка депутат қўнғироқ қилди:

— Ака, аҳвол чатоқ, мен билан Фарғонага бориб кела олмайсизми? — деди ҳовлиқиб.

— Нима гап ўзи? — деди Асадбек.

— Йўлда тушунтириб бераман. Аэропортга келавсинг.

Асадбек самолётга чиқмай туриб, Фаргонада нималар булаётганини эшилтгач, Зелихоннинг гапларини эслади.

— Бу жанжалларга менинг нима алоқам бор? — деди Асадбек.

— Сиз у томонларда кўп одамларни танийсиз. Мени уша срдан сайлашгани билан ҳеч кимни танимайман. Ёнимда бўлсангиз...

Асадбек унга қараб турди-да, қўл узатди:

— Яхши бориб кслинг...

\* \* \*

Ҳар бир тогнинг чўққиси бўлганидек, шайтанат олами воқсаларининг бағни ҳам шу нуқтада чўққисига боради. Бу десмак, Оллоҳнинг мадади ила биринчий китоб ниҳоясига стди. Омин ва Роббил оламин.

ТОХИР МАЛИК

ШАЙТАНАТ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1998

Бадиий мұхаррир *М.Ағламов*  
Техник мұхаррир *Л.Хижова*  
Мусаҳихлар *Ю.Бізантова, Н.Мұдамесінба*

Босишига рухсат этилди: 08.09.98 й. Формати 84x108 ¼,. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 19,32. Нашриёт хисоб табоги 21,72. Тиражи 30000. Буюртма № 2742. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,  
700083, Тошкент ш., «Буюк Турон» күчаси, 41-үй.